Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, илмий-оммабоп ва публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган № 5 (144) 2009 йил, май

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

М У Н Д А Р И Ж А

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Ижод бўстонидан терилган гуллар. Ҳамид Олимжон таржималари.....3
Муҳаммад АЛИ. **Ўзбекистон куйчиси**.....4

НАСР

Василий ЯН. **Кўрғон узра гулханлар.** *Роман*.....10
Баграт ШИНКУБА. **Кетганларнинг сўнггиси.** *Роман*.....62
Фозил ИСКАНДАР. **Қуёнлар ва бўғма илонлар.** *Қисса*.....113

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Лойиқ ШЕРАЛИ. **Дилимда бир дунё дод айлади, оҳ**. 54

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Масару ЭМОТО. **Сув қуввати**.....150

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Еремей ПАРНОВ. **Фантастиканинг бугунги аҳволи** 170

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА. **«Уйғонмадим сенинг кўксингда»**.....174
Париза МИРЗААҲМЕДОВА. **Фитрат ижодида мифология**.....178

АДАБИЙ ҲАЁТ

Пардабой НУРЖОНОВ. **Оламга йўл**.....184

ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Умида ТЎЛАГАНОВА. **Мангу қайлиқ ноласи**.....188

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ансориддин ИБРОҲИМОВ. **Маънавий меросимизни ўрганиш йўлида**.....191

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Агата КРИСТИ. **Ҳикоялар**.....193

ТОШКЕНТ
МАЙ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бош муҳаррир ўринбосари:

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдураҳим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРПИЕВ
Ғайрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир О. АБДУЛЛАЕВ
Рассом А.БОБРОВ
Техник муҳаррир У.КИМ
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 5. 2009.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди. 06.05 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 2000 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2009 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига

Ижод бўстонидан терилган гуллар

Ҳамид Олимжон таржималари

Жорж БАЙРОН

ВИДО

Алвидо ёр! Агар шу бало
Қисматда бор бўлса – алвидо!
Сен бераҳм бўлсанг ҳам аммо,
Мен душманлик қилмасман – видо!

Қучоғида ширин, осуда
Уйқу билан тўлиб ётганинг,
Ёр ҳислари асло кўзингга
Бадном бўлиб учрамас санинг!

Агар қалбим уришларини,
Жиндак сеза олсайдинг – инон!
Шунча ёмон кўрмакдан мани
Бўлур эдинг ўзинг пушаймон.

Юрт кулса ҳам энди майлига,
Зарба гали сендадир бу бор:
Мен мубтало бўлган балода
Сени мақтов қилар шармисор.

Майли қаро, осий бўлай ман,
Ҳақ ҳам берай қарғамоқ учун,
Аммо, мени қучиб ўрганган
Қўллар билан ўлдирмоқ нечун?

Сен ишонким, севги ўтини
Ёлғиз йиллар сўндира олур,
Аччиқ ғазаб икки юракни
Ажратолмас ва ожиз қолур.

Шу сезги сенда ҳам сақланур,
Севиб ёнмоқ қисматдир менга,
Бир ўй билан юрагим ёнур:
Энди доим ётдир мен сенга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўликларга аламли фарёд,
Оҳ, нақадар мудҳиш бу таққос?
Иккимиз ҳам ҳаётмиз, ҳайҳот...
Кунлар ўтар беваларга хос.

Ширин тили шод этган чоғда
Қизимизни эркалар экан,
Қизим, отанг сендан узоқда
Дея имо қилганингда сан –

Пайқаганда маъсума буни,
Уни ўп-у шу онда бедод
Севгинг ичра жаннат топганни
Ва хайрихоҳ бўлганни эт ёд.

Агар қизда, ташлаб кетганинг,
Бир ер топсанг падарга ўхшаш,
Ура бошлар юрагинг санинг
Ва қўзғалар манда ҳам шу ғаш.

Гуноҳимни биларсан, балки?
Мажнун бўлиб суйганим, холос.
Армонларим хазон ва сени
Суймак билан куйганим, холос.

Борлиғимни титратдинг, ишон,
Киборликни севмас бу мағрур
Руҳим сени дерди ва бу жон,
Энди ундан албат ажралур.

Ҳамма битди – сўзлардир абас,
Мен айтганлар ундан ҳам ёмон,
Лекин қалбга биз ҳоким эмас,
Унда орзу чексиздир ҳамон.

Алвидо ёр! Сендан узоқда,
Ҳар бир мунис нарсадан маҳрум,
Қалбим азоб деган тузоқда,
Бундан ортиқ бўларми ўлим?

Александр ПУШКИН

* * *

Сизни севган эдим: қалбдаги олов
Сўниб битмагандир ҳали, эҳтимол;
Ранжитмасин лекин, сизни ушбу ҳол,
Койитмайман асло ва бўлмайман ёв.
Сизни севган эдим: сокит, бенаво,
Жасоратсиз эдим, ғашда бедаво;
Сизни севган эдим, содиқ, вафодор,
Энди ҳақ айласин бошқага дилдор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тикиламан кўрганда, дарҳол
Идрокимни йўқотиб ва лол:
Ягона кўз менинг бошимда,
Ой юзингиз ёнар қошимда.
Агар тақдир кўрмаса малол,
Эга бўлса эдим юз кўзга,
Бари билан қарардим сизга.

Тарас ШЕВЧЕНКО

ВАСИЯТ

Ўлсам менинг жасадим,
Украинага кўмилсин:
Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин.
Поёни йўқ она-ер
Ва зангори Днепр
Кўриниб турсин менга,
Ваґиллаб оққан дарё
Билиниб турсин менга!

Душман қонини дарё
Ювиб оқизган замон,
Элим топган кун омон,
Қўзґаларман қабримдан:
Чиқиб олий даргоҳга,
Худога топинарман.
Келмай туриб ўша кун,
Худо йўқдир мен учун!

Кўминг-у, қўзґанг исён,
Кишанлар кул-кул бўлсин,
Эрк жангида душманнинг
Қора қони тўкилсин.
Сўнг улуґ оилада
Бошлангиз эркин ҳаёт,
Секингина мени ҳам,
Ёд этиб қилингиз шод.

Константин СИМОНОВ

МЕНИ КУТГИЛ

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор,
Кутгил, ёмґир зериктирганда,
Мени кутгил, ёққанида қор.
Атрофингни ҳарорат қоплаб,
Еру кўкни чанг тутганда, кут.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқаларни узатган дўстлар
Кечагина унутганда, кут.
Хат келмасдан узоқ ерлардан,
Юрагингни қилганида қон,
Кутгил, сен-ла бирга кутганлар
Зериккандан чекканда фиғон.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Бўлса ҳамки, рангинг заъфарон,
Ёринг қайтмас, умидингни уз,
Деганларга тилама омон.
Майли, ўғлим, синглим, волидам,
Аза очсин мен йўқ туфайли.
Кута бериб сабри тугаган
Ёру дўстлар, ошналар, майли,
Айриликка беролмасдан тоб,
Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.
Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,
Фақат сен кут ва айла бардош...

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Ўлимларни қолдириб доғда.
Иши ўнгдан кепти десинлар
Кутмаганлар мени у чоғда.
Ёт туюлар кутмаганларга,
Бундай ажиб толеинг санинг.
Кута-кута мени офатдан
Омон сақлаб қола олганинг.
Қандай омон қолганлигимни
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош, –
Кута олдинг мени сен фақат,
Буюк эди сендаги бардош.

ЎЗБЕКИСТОН КУЙЧИСИ

Ўзбек халқининг оташин шоири Ҳамид Олимжон бизга ҳамиша ўз асарлари билан ҳамроҳдир: болаликда унинг фантазияларга бой “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” каби эртакларини берилиб ўқиймиз. Ёшлик чоғларимизда ютоққанча севги лирикасини қўлдан қўймай мутолаа қиламиз. Ўрта ёшга борганда шоирнинг жуда кўп сатрлари ўқувчига ёд бўлиб кетган, фалсафий мазмунга бой равон, ёшлик завқи билан тўлиб-тошган “Зайнаб ва Омон” сингари достони бизларни мафтун қилади. Кексайган чоғларда “Муқанна” шеърий драмасини ўқиб, олис тарихимизни варақлаб, дилимизга таскин берамиз, юртимизга бостириб келган душманга нафрат қон-қонимизда азалдан борлигини ҳис этамиз.

Ҳамид Олимжон ўтли ватанпарвар шоир, талантли драматург, йирик олим ва мунаққид, долзарб мавзуларда мақолалар ёзган публицист ва ёлқинли нотиқ, айни бир пайтда адабиётимиз ва маданиятимизнинг жонкуяр ташкилотчиси сифатида жуда машҳурдир. Буни алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки шоир қисқа умрида жуда катта ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини олиб борди. “Зарафшон” газетаси, “Қурилиш”, “Ўзбекистон шўро адабиёти” журналларида иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаш, Ўзбекистон маданий-қурилиш илмий текшириш, Тил ва адабиёт институтларида илмий ишлар олиб бориш, Ўзбекистон ўқув-педагогика нашриёти, Алишер Навоий юбилейи комитети, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қизғин меҳнат қилиш осон юмушлардан эмас.

Лекин Ҳамид Олимжон деганда даставвал дарёдай илҳом соҳиби ташбеҳи жуда ҳам муносиб жўшқин шоир кўз олдимизга келади. Шоирнинг лирик шеърларини ўқиганингда ўз-ўзидан кўнглингга нурафшон туйғулар қуйилади, шодлик ва бахт оҳанглари, бамисоли тоғдан оқиб тушган шалоладай ажиб бир тароват бахш этади. “Энг гуллаган ёшлик чоғимда, Сен очилдинг кўнгил боғимда, Шунда кўрди кўзим баҳорни, Шунда қалбим таниди ёрни...” сатрларини беихтиёр такрорлаб ақиқдай лолазорларда кезасан, сўлим дарёларнинг бўйларини тарк этолмай қоласан. Дарё тиниқ, осмон эса беғубор, унда дунё сенга гўзал кўринади, мисоли бутун олам бир оппоқ сийнадай гўзал ва пок туюлади. Чунки сен бахтлар водийсида кезиб юрибсан, бунда кўклам қуёшидан ерлар кўкариб ётибди. Бу водийда ҳозир ўрик гуллаган палла, ажиб бир баҳор келган палла...

Шоир шеърларини ўқиб, ана шундай фараҳли туйғулар қаърида қоласан. Назаримда адабиётимизда илҳоми сел бўлиб қуйилиб келадиган шоирлар учта — Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир. Улар ҳис-туйғу шоирлари, уларнинг шеърлари завқу шавқдан туғилади. “Жўшқин”, “оташин”, “ёлқинли” сўзлари шу устозларга жуда муносиб.

Ҳамид Олимжонни одатда ёшлик куйчиси, баҳор куйчиси, севги куйчиси, шодлик ва бахт куйчиси деган сифатлар билан таърифлашади. Лекин у биринчи галда Ўзбекистон куйчиси эди. У Ўзбекистон ҳақида ёзганда самимий, чинакам фарзанд туйғуларини шеърга солди. У юртини ҳеч қандай ғаразсиз, содда, ҳалол бир ўғил сифатида севди. Шоирнинг жуда машҳур бўлиб кетган “Бахтлар водийси” шеъри ана шундай муҳаббатдан туғилган. Бахт сўзи одатда кўпликни қабул қилмайди. Лекин шоир она водий ҳақида ёзганида унга “лар”ни қўшиб ишлатади. Шеър ниҳоятда самимий эканлигидан кашф этилган “бахтлар” сўзини табиий қабул қиламиз. Баланд тоғнинг тепасида туриб пастдаги ям-яшил водийга боқиб, даставвал “Кўм-кўк. Кўм-кўк. Кўм-кўк...” деган сўзлар келади шоирнинг тилига ва ўз-ўзидан у сўзлар шеърга айланади:

Кўклам қуёшидан
кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни
кўтарган ерлар
кўм-кўк!..
Салқин саҳарларда
уйқудан турган,
Булоқ сувларига
юзини ювган,
Мармар ҳаволарнинг
қўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқларга
кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик
ишқи билан
ёнган далалар
кўм-кўк...

Шеър худди бугун ёзилгандек! Далаларгина (Ватан маъносида деб тушуниш керак албатта) эмас, шоирнинг ўзи ҳам “мустақиллик ишқи” билан ёнгандек! Бу чиндан ҳам шундоқ эди. Лекин бу ишқ юракни туб-тубида! Тарихнинг алғов-далғов, мураккаб замонида, биров-бировга ишонмайдиган даврда, даҳшатли қатағоннинг совуқ шамоллари эсиб турганда, она-юртни севиш, унга бўлган меҳру-муҳаббатингни изҳор қилиш қанчалар мушкул! Шоир ана шундай замонда яшади. Минбарларда бошқа, кўчаларда бошқа ҳақиқатлар кезарди, уйга келганда эса илҳом париси билан бошқача сўзлашишга мажбур эди шоир... Бу ижодкордан катта куч-қудратни талаб этарди. Бир қалбда бир-бирига зид

www.ziyouz.com kutubxonasi

уч-тўрт тўлқиннинг дуч келиши ва уларнинг ҳар бирини замон талабига кўра изоҳлай билиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмасди. Бунинг учун чиндан ҳам катта, улкан, ёмби талант соҳиби бўлиши керак эди.

Ўша даврлар ҳақида бир эссе ёзгандим ва номи "Қафасдаги булбуллар" деб аталарди. Чиндан ҳам бизнинг буюк ижодкорларимиз, устозларимиз Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Усмон Носир, Миртемир ва бошқа заҳматкаш адибларимиз "шўролар" деган улкан қафасга солинган ва сайрашга мажбур этилган сайроқ булбуллар эди. Ҳамид Олимжон ана шундай ижодкорлар сирасига кирарди. Бу ҳақда сўз узоқ чўзилиши мумкин.

Ёниқ қалб соҳиби Ҳамид Олимжон шеъриятига қайтайлик. Бор-йўғи ўттиз беш йил умр кўрган оташнафас шоир ўзининг дилбар шеърларида ўнлаб-юзлаб гўзал ва бетакрор манзаралар чизади, уларни тасвирларкан, шу хилқатга ўзининг ҳам дахлдор эканлигидан беҳад қувонганини яширмайди. "Бутун олам – бир оппоқ сийна" номли шеърдаги сўлим манзарага эътибор берингиз. Висол онлари. Дийдорлашув... Қиз йигит билан хайрлашгач, дарё бўйига келиб ўтирди. У ўзида йўқ шод, севгани билан ширин суҳбатлашиб ҳозиргина бўлиб ўтган учрашув онларини энтикиб эсламоқда. Дунё қанчалар гўзал, яшаш қанчалар ширин! Бирдан осмонга боққан эди, во ажабо, қиз ойда ўзини кўрди! Кейин дарёга қаради – у ҳозирда бўлиб ўтган ажойиб учрашувнинг тафсилотини қувониб дарёга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлди ва шу ниятда лаб очди... Бир жилвагар соя кўзга ташланди. Қиз ажабланиб дарёга тикилди. Ойнадай дарё ичида бир қиз унга қараб турар эди: "Бутун олам бир оппоқ сийна, Икки қора кўз бўлган эди!" Ундан сал олдин "Жилвагар соя" гапира бошлайди! Қиз ногаҳонда қараб у "жилвагар соя" ўзи эканлигини сезиб қолади, уялиб ўрнидан туради-да, уйга жўнайди. Сув бўйида, ойдинда битта шоҳи рўмолчагина қолади...

Бир шеърда шоир ана шундай ноёб манзара яратишга, маҳбуба қизнинг фараҳли лаҳзаларини моҳирона тасвир этишга эришади.

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Бу сатрлар билан бошлангувчи шеърни жуда кўп авлод вакиллари ёд билади. Водийларни ҳормай-толмай яёв кезган шоир, қалбида бир "ажиб ҳис" бор эканлигини ёзади. Бу қандай ҳис экан? Шуни айтиш керакки, 1939 йилда ёзилган шеър бугун ҳам ўқувчи қалбида фарзандлик, фахру ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотади. Шеър "СССР – менинг ватаним" деган шиорлар гуркираб турган замонда, 37-йил қатағонлари бутун мамлакат узра қора қанотини ёзган пайтларда ёзилганлигига диққат қилайлик. Шоир даҳшатли жар, ўпқон ёқасида туриб, ўзининг жонажон юртини, Ўзбекистон фарзанди эканлигини улуғлаб, шеърини унинг номи билан аташга журъат этганидан ҳайратда қоласиз. Менимча, шоир назарда тутган "ажиб ҳис" мана шунда намоён бўлса керак. Шунинг учун ҳам:

Шафтолизор боғларни кўрдим,
Гул кўкарган тоғларни кўрдим,
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ... –

дея ғурурланади шоир.

Ҳамид Олимжоннинг самимий шеърияти ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга кириб келган шоирлар ижодига ҳаётбахш нафас уфурганини таъкидлаш жоиз. Шоир шеърини зўриқмай ёзса, бу ҳақиқий талант соҳиби эканлигидан нишонадир. Ҳамид Олимжоннинг шеърлари ана шу йўсинда дунёга келди ва шеъриятимизни инсон қалбига яқинлаштиришда жуда катта хизмат қилиб келмоқда...

Ҳамид Олимжон ижодий уфқи кенг ижодкорлардан ҳисобланарди. Шоир, олим, публицист, жамоат арбоби бўлибгина қолмай, у жаҳон адабиётининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб берган моҳир таржимон ҳам эди. Жорж Гордон Байрон, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Тарас Шевченко, Эжен Потье, Михаил Светлов, Нозим Ҳикмат, Константин Симонов каби ижодкорларнинг ижодларидан намуналар ўзбек ўқувчиларига Ҳамид Олимжон таржимасида маълумдир. Айниқса, Пушкиннинг "Кавказ асири" достони, Лермонтовнинг "Бэла" қиссаси, Шевченконинг "Васият", Светловнинг "Гренада", Симоновнинг "Мени кутгил" каби ҳар бири ўз адабиётида воқеа бўлган асарлар таржималари худди аслиятда ёзилгандай таассурот қолдиради.

Ҳамид Олимжон ўзининг "Севги" шеърида мардлик, қаҳрамонлик, вафо ва садоқат ҳақида ёзар экан, жанг майдонларида юрган ўзбек йигити тилидан шундай ҳаётбахш сатрларни битганди:

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Ғалаба тўйида бўлурмиз биз ҳам;
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга қўярмиз қадам...

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
Ёру дўстларимиз, севган элимиз,
Биздан ризо бўлуб топар тасалло...

Ҳа, шоирнинг севган эли ўзининг ўтюрак фарзандидан ризодир, халқининг кўнгли ундан тасалло топганлигига асло шубҳа йўқ.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Василий ЯН

Қўрғон узра гулханлар

ХАТАР АЛАНГАЛАРИ

Чодирларнинг ён этаклари тоза ҳаво кирсин деб юқорига тортиб қўйилган эди. Майда новдалардан тўқилган панжаралар орасидан тун қоронғусида олисларда милтиллаб турган бир нечта қизил нуқтани ҳамма кўрди. Кўчманчилар қароргоҳидан сўғдларнинг биринчи мустаҳкам қўрғонигача занжирсимон чўзилган қоровултепаларда оловлар ёнар эди. Сўғд, парфи ёки бошқа қабилаларнинг бирорта жанговар гуруҳи ўзини сездирмасдан бу томонга ўта олмасди. Қўрғонлар устида атрофни туну кун кузатиб турган қоровул скифлар душман қораси кўрингудек бўлса, уйиб қўйилган похол ғарамларини зудлик билан ёндириб юборардилар. Орадан бирон соат ўтар-ўтмасдан юзлаб чақирим наридаги кўчманчилар жанговар қўшинини аввалдан келишилган чорраҳаларга тўплаб жонажон юрт ҳимоясига шай бўлиб туриши шарт эди.

Олов алангасини кўрган хону аслзодалар шоша-пиша ўринларидан туриб, чодирдан югуриб чиқишди. Хатар белгисини ҳар ким ўзича шарҳлай бошлади:

— Массагетлар қўққисдан бостириб киришдимикин? Лекин биз улар билан урушмаслик ҳақида битим тузганмиз. Балки бир йил аввал шоҳлар шоҳи Доронинг талаби билан кетган аскарлар қайтиб келишаётгандир? Ё сўғдлар уруш қилмоқчимикин? Бироқ сўғдлар урушни эмас, савдо-сотиқни ёқтиришади...

Будакен қўрғон устига гулхан ёқишни буюрди. Йигирмага яқин скиф жангчисига отларни эгарлаб қурол-аслаҳаларни шай қилиш, уч кунга етадиган озиқ-овқат ва ем-хашак олишни тайинлади.

Хизматкорлар ёғоч ва туя суякларидан қурилган минора устида учига похол боғланган узун таёқни юқори кўтаришди. Икки йилдан буён чўлда осойишталик ҳукм суриб, ҳеч қандай хатар гулханлари ёқилмаган эди. Бўронда йиқилиб тушган узун таёқ ерда думалаб ётарди. Скифлардан бири хурмачада яллиғланиб турган олов келтириб, таёққа ўралган похолни ёқди. Олов гуриллаб ёниб таёқ учига қараб ўрмалади ва безовта тикилиб турган скифлар тўдасини ёритди.

Бир соатдан кейин энг яқин қоровултепадан чопар етиб келиши керак. У Будакендан зарур топшириқлар олади. Ўзи ҳам чўлга қандай офат оралагани ҳақида хабар келтирса ажаб эмас. Баъзи меҳмонлар тушовланган отларини қидириб чўлга югуришди, бошқалари Будакеннинг чодирига қайтиб, гиламга ёнбошлаганча қизғин баҳсга киришиб кетдилар. Панжаралар орасидан совуқ шамол уфурди, хизматкорлар мўътабар қарияларнинг елкасига кулранг ипак қопланиб, тулки, сувсар мўйнаси тикилган пўстинларни ёпдилар.

Давоми. Боши ўтган сонда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Будакен ўз ёнига Спитаменни ўтқазди. У бу ғалати овчидан кўп нарсаларни сўраб олмоқчи эди. Ўта эҳтиёткор бу одамнинг дилида уни номаълум ёв юборган айғоқчи эмасмикан деган шубҳа ҳам бор эди. Лекин у кўнглидан ўтаётган гапни бирон хатти-ҳаракат билан сездириб қўймасликка одатланган. Хон вағир-вуғур қилиб, гап талашаётганларни мулойимлик билан тартибга чақирди:

— Ҳали келаётган душманнинг кимлиги, қаердалиги номаълум. Ҳозир сихда пишаётган барра кабобдан емаганлар армонда қолади. Зиёфат давом этади,— деди. Сўнг Спитаменни гапга солиб, баъзи нарсаларни аниқлашга ҳаракат қилди. Сирли меҳмондан гап олиш қийин бўлса-да, Будакен келажакда ўзига кўп фойда етказишини фаҳмлаб олган эди.

У бироз жим туриб:

— Спитамен, ҳамма меҳмонлар тарқаб, эҳтиром кўргазиладиганлар кетгунча меникида қоласан. Эртага уюримдаги елкаси қора йўллик энг учқур асл арғумоқни сенга тортиқ қиламан. У олис йўлга ярайди. Бўронқуш сенга тўғри келмайди. У етти йилдан буён уюрда айғирлик қилиб, қулунларни бўрилардан асраб, анча ҳолдан тойган. Бунинг устига кечаги пойгадан чарчаб қайтди. Учқур тойчоқлар Бўронқушнинг донғини чиқарди. Ундан туғилган тулпорларнинг калласи кичкина, дутор бўйин, оёқлари ингичка, ўқдек таранг бўлади. Пойгада уларга тараф йўқ,— деди.

— Тўғри. Чўлда ҳамма Бўронқушдан тарқаган тойчоқларни узоқданоқ танийди,— тасдиқлади кекса Тамир.— Минсанг, ўйноқлаб учиб кетади. Уларнинг мақтовига сўз етмайди. Оёқлари оёқ эмас, лочиннинг қаноти дейсан!

Спитамен чўк тушиб, қўлларини тиззаси ёнига осилтириб, ерга қараб, жим ўтирарди. Унинг юзлари чўлда йўл бўйларида учрайдиган тошдек қотиб қолган. Будакен Бўронқушдан жудо бўлишни истамаётганига ақли етиб, ўрнига яна нималарни таклиф қилишини кутар эди.

Будакен яна гап қўшди:

— Тулпорни ёпқичи, ёмон кўздан асровчи оқ чиғаноқлар билан безатилган югани билан оласан.

Спитамен жим ўтираверди. Будакен сўзини давом эттирди:

— Сен яна ўткир темир найза ҳам оласан ва менга йўл кўрсатувчи бўлиб Мароқандга борасан.

Спитамен қийиқ кўзларини гиламдан узмади. Гулхан ёғдуси унинг юзидаги соялар билан липиллаб ўйнашарди.

— Нимани хоҳлайсан ўзи? Нега миннатдорчилик билдирмайсан? — ўзини тута олмади хонзода Гелон.— Хўп деб рози бўлмайсанми? Будакендан бошқа ким сенга шунчалик саховат кўрсатади?

Шунда Спитаменнинг тишлари орасидан садо чиқди:

— Менга майсалар ичида йўқолган камон ўқини совға қил...

Будакен кўзларини олайтириб, Спитаменга қирғий қараш қилди. У овчи нима демоқчилигини дарров фаҳмлаган эди.

— Менга кўкка учиб кетган лочинни совға қил. Менга туя арқонларини ечган канизакни совға қил...

Будакен кулиб юборди. Кўзлари қисилиб, бурнидан бошлаб бутун юзига кўплаб чизиқлар ёйилди. Баҳайбат гавдаси тинмай силкинар эди. Унга қараб, меҳмонлар ҳам кула бошладилар.

— Энди ҳаддингдан ошиб кетдинг! — хитоб қилди хонзода Гелон.— Қоплоннинг боласи учун тўбичоқ тулпор билан найзага қўшиб канизакни ҳам сўраш сурбетликдан бошқа нарса эмас! Гадойга ўхшаб яёв келган бу овчи ким билан гаплашаётганини унутиб қўйди!

Спитамен хонзода Гелонга қаҳрли назар ташлади:

— Нима учун сен отни Будакендан кўра кўпроқ қизғаняпсан? Сувдаги тутилмаган балиқни, осмонда сузиб юрган булутни ҳадя қилиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

қийинми? Нима учун Будакен пайсалга соляпти? Канизакни барибир тополмайди? У туяга миниб қочиб кетди. Энди у гулзордан учиб кетган асаларидек ғойиб бўлди, энди тутиб бўпсан.

Шунда кекса хон Тамир жаҳл билан хириллади:

— Бу канизакка қойилман! У менга ҳам жу-у-да ёқди! Унинг ёнида бўлган ҳар қандай одам яшариб кетади. Будакен уни менга берса, эвазига тўққизта бия тўлайман.

Будакен кулишдан тўхтади. Гавдасига нисбатан чаққонлик билан сакраб, ўрнидан турди ва чапак чалди. Бироқ яқин-атрофда хизматкорлар кўринмади. Улар қайтишга шошилаётган меҳмонларнинг отларини олиб келгани кетишганди.

Будакен хизматкорларини йўқлаб, баланд овозда қоронғуликка қараб бақирди:

— Мармер, Мава! Қаердасизлар? Бу ёққа келинглар!

— Шу ердаман, хўжайин,— яқин-атрофдан овоз келди.— Қоронғулик қўйнидан гулхан олдига юган кўтарган кўк кийимли йигитча чопиб келди.

Будакен скиф билан нималарнидир пичирлашди. Унга жаҳл қилмади, бақирмади, канизакнинг қочиб кетганидан ғазабланганини сездирмади ҳам. У азиз меҳмонларининг ҳурматини жойига қўйишни яхши биларди. Шу боисдан ҳар қандай эркин одам учун йўлга тушиб қолган сомон парчасидек қадри йўқ чўрини деб киборлар олдида қаҳр-ғазабини сочишдан тийилди.

Будакен жойига келиб, чўк тушиб ўтирди. Чеҳраси ҳар доимгидек очиқ эди.

— Сен қудуққа тушиб кетган узукни, қамишзор ичида йўқолиб кетган ўқни сўраяпсан. Тўғри айтаяпсан Куллакланган туяни ечган чўри ҳалиям қайтгани йўқ. Агар ёв хабари келмаганда йигитларим отланиб урушга шай туриши лозим бўлмаганда, ҳозироқ икки юзта жангчини чўл ичига жўнатардим. Эрталаб ҳамма бурнига ҳалқа ўтказилиб, пешонасига Бадакеннинг тамғаси босилган қочоқ зиндонда ётганини кўрар эди.

Азиз меҳмонимиз Тамир бу чўрини сотиб оламан дейди. Ардоқли хонимизга ҳурматим чексиз. Шунинг учун ҳозир қўлимда йўқ нарсани унга ҳадя қилишга журъат этолмайман.

— Агар камонингдан отилган ўқни мен топиб олсам, уни қайтариб бер деб талаб қилмассан.

Спитамен ҳал қилувчи жавобни кутиб, Будакенга қаради.

— Менда бунақа ўқ-ёйлар кам дейсанми? — бепарво жавоб берди Будакен.

Спитамен Будакенга таъзим қилди.

— Сафарга мени ҳам бирга олиб кетсанг, сенга йўлбошловчилик қиламан, сени ва отларингни қўриқлайман.

Спитамен Бўронқушдан воз кечганидан Будакен мамнун эди. У ҳамма нарсадан кўра отлари ва форс шоҳи Доро ҳузурига олиб кетилган ўғлини яхши кўрар, бошқа нарсаларга эса анчайин бепарво қарарди. Бўронқуш бўлмаса, зотдор арғумоқларни қаердан олади? Энди чўлдаги барча қабилалар Будакен Бўронқуш эвазига барча афзаллари билан бир тулпори ва чўрисини бергани, соҳибжамол аёллардан кўра жанговар отларни афзал кўргани ҳақида гапириб юришини ўйлаб, ўз донишмандлигидан қувониб кетди.

СЎҒД ЧОПАРИ

Кутилмаганда қароргоҳ чеккасида бақириқ ва қий-чув эшитилди. Кекса Тамир қоқсуяк қўлларини гулханга тоблаб ўтирган кўйи бироз қулоқ солиб турди-да:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чопарлар келишяпти,— деди.

Бошқа меҳмонлар сакраб туриб, чодирдан отилиб чиқишди. Шовқин кучайди, отлар ва югураётган одамларнинг оёқ товушлари эшитилди. Қўлларига найза ушлаган бир неча скиф ичкарида Будакен, Тамир ва Спитаменгина қолган чодир остонасида тик турди.

— Ҳаммаси барбод бўлди! Ҳамма ҳалок бўлди! — аёл ва эркаклар чинқиришарди.— Биз ҳам ҳалок бўламиз! Нима учун Папай бизга ғазабини сочмоқда?! Папайнинг ўзи биздан юз ўгирса, қудратли Будакен нима қила олади!..

— Чопарни ичкари киритинглар, чодирга бошқа ҳеч кимни қўйманглар! — Будакеннинг овози амирона янгради.

У ўрнидан туриб, оппоқ мунчоқлар қадалган ағдарма этикли оёқларини керганича калта қилич осилган камарини тақди ва сопига олтин қопланган қамчисини қўлига олди.

— Йўлни бўшатинглар! Нари туринглар! — деб бақиришарди қўриқчи скифлар. — Чопарга йўл беринглар!

Калтак зарби ва дод-вой овозлари эшитилди: хизматчилар чопар ва унинг қўриқчиларига йўл очишмоқда эди.

Чодирга ялтироқ эроний чакмон кийган, гуллар тикиб, безатилган кенг ипак чолвори йиртилиб кетган ўсиқ соқолли чопар югуриб кирди. Узун соқоли ва ўрилган сочлари тўзғиб кетганди. Кўзлари бежо боқарди. У калта форс қиличини силкитди.

— Хон Буддакен ким? Сен бўласанми, ё сен? — чопар кекса Томир ва Будкенга бирма-бир мурожаат қилди.

— Нима бўлди ўзи? — сўради Будакен.— Нега думи юлиниб, ўтакаси ёрил ган товуққа ўхшаб қоқолайсан?

— Ҳаммаси тамом бўлди! — руҳсиз хитоб қилди чопар ва гиламда уюлиб ётган ола-була ёстиққа ўзини ташлади.

Ташқаридаги ҳайқириқ ва қий-чувлар тун сукунатини тилкалар эди. Кейин ҳамма Будакен нима дейишини эшитиш учун жим бўлди.

— Айт-чи, нима тамом бўлди? — тик турган Будакен титроқ овозда сўради.

— Бир йил аввал шоҳлар шоҳи Доро чақириб олган скиф жангчилари... Гапиролмайман, ичишга бирор нарса беринг!...

— Унга қимиз беринглар, калласини сал совутиб олсин!— буюрди Будакен.

Хизматкорлар найзаларини ташлаб, мешдан косага қимиз қуйдилар ва чопарга узатдилар.

У озгина ичиб, хурсинди, сўнг аянчли овозда ингради:

— Ҳамма ҳалок бўлди. Икки шохли ҳаммасини битта қолдирмай қириб ташлади.

Йиғилганларнинг нигоҳи Будакенга қадалди. Улар жангчилар гуруҳи билан Будакеннинг суюкли ўғли Сколот ва оддий аскарлардан ташқари йигирмата ёшгина қабиладошлари ҳам Эронга кетганидан хабардор эдилар.

— Ўғилларимиз, ака-укаларимиз, эрларимиз қани?— чодир панжаралари ортидан ташвишли ҳайқириқлар янгради.

Чақноқ кўзлар панжара ёғочларига қадалди. Мушт бўлиб тугилган қўллар ичкарига узатилди.

— Йигитларни топиб бер, Будакен! Уларни сен чўлимиздан олис юртларга жўнатган эдинг.

Будакен ҳалиям оёқларини кериб турарди. Унинг жағи осилиб, ёноқлари пирпирай бошлади, кўзлари бурнининг учига қараб олайиб борди, қўллари даг-даг қалтираб, қамчисининг учи илоннинг думидай тўлғанди.

— Уни саваланг! — деб ҳайқирди Будакен ва гулхан устидан сакраб ўтиб, қўрқиб кетган чопарни қамчи билан савалаб, оёғи билан тепа

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлади. Чопарнинг қўлидан коса тушиб кетди, оппоқ қимиз ипак ёстиқларга тўкилди.– Уни савалашлар! Нега қараб турибсизлар, овсар қўйлар! – Будакен хизматкорлардан бирининг елкасидан чангаллаб, ғужанак бўлиб қолган чопар томонга улоқтирди.

Скифлар елкаларига осилган қамчиларни олиб, унга ташланишди. Будакеннинг қаҳр-ғазаби маълум. Хон камдан-кам ғазабланар, қаҳрланганда ваҳшийлашиб кетиб, айбдорни бўғиб ўлдиришдан ҳам қайтмас эди.

– Оёғи билан бошидан ушлаб турингглар! – ғазабдан бўғилиб бўкирди Будакен.– Қаттиқроқ ушланглар! Уни ўзим калтаклайман. Телба туя!– у бақириб, икки ўримли қамчиси билан чопарнинг буралиб ётган танасини савалай кетди.

Ўзини йўқотиб қўйган чопар аввалига бир оз чидаб турди, кейин даҳшатли овозда фарёд сола бошлади. Чодир ташқарисидаги оломон дамини ичига ютиб тинчланиб қолди, ўнлаб мунгли кўзлар панжара орасидан ичкарига мўралар эди.

– Сени юборганлар ҳам телба туядан баттар! Ақллироқ бошқа биров топилмай қолдими? Бутун чўлни саросимага солмоқчимисан. Кўчманчилар манзилларини ташлаб тоғлар ортига, иссидонлар юртига кетсинми? Яйловларимизда сўғд чўпонлари қўй боқишини хоҳлайсанми? Балки ҳамма йигитлар ҳалок бўлмагандир? Гапир!

– Балки, ҳаммаси эмасдир! – додлади чопар.

– Қаерда йўқолишди? – устма-уст уриб бўкирди Будакен.

– Ўша ерда! – бўзлади у.

– Ўша ер – қаер?

– Эрон...

ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ

Шунда калтакланаётган чопарни хотиржам кузатиб турган Спитамен ўрнидан туриб Будакенга яқинлашди ва навбатдаги зарба учун кўтарилган қўлини маҳкам ушлаб олди:

– Етади, Будакен! Ота-боболаримизнинг “Элчиларни урмайдилар сўкмайдилар. Элчига ўлим йўқ”, деган мақолни унутдинг,– деди у.

Будакен қўлини тортиб олишга уринди, лекин Спитамен қўйиб юбормади.

– Анча ақли кириб қолди,– деб кулди кекса Тамир.– У беҳуда валдирамайдиган бўлди. Ана энди қандай воқеа юз берганини хотиржам айтсин. Унга яна қимиз беринглар.

– Тагига ёстиқ қўйинглар, ўтира олмайди у,– қўшимча қилди Спитамен.

Будакен гулханни айланиб ўтиб, ҳансираб яна ўз жойига ўтирди. Унинг кенг кўкраги кўтарилиб тушиб турарди. Чопар келтирган хабар уни қаттиқ ларзага солган бўлса-да, бироқ негадир эшитганларига ишонгиси келмасди. Уни ўғлининг тақдири ташвишга солмоқда эди. Наҳотки уни ўлдиришган бўлса, наҳотки уни яна ёш, жасур, Будакеннинг ёшлигидек навқирон ҳолда кўришга умид бўлмаса?

Чопар ёнбошига ағдарилди. Бечоранинг ён-атрофини ёстиқлар билан ўраб қўйишди. Чопар қимиз ичишга уриниб кўрди. Тишлари такиллаб, олтин косанинг четига урилар ёноқларидан кўз ёшлари томчилаб оқар, қафасдаги жониворга ўхшаб, Будакенга мўлтираб қararди.

Кекса Тамир чопарни тинчлантирди:

– Эркакча иш қилмадинг! Олдимизга жимгина келиб, хон ёки бошқа мўътабар одамларга қандай хабар олиб келганингни билдиришинг керак эди. Биз ҳаммани йиғиб, муҳокама қилардик, қандай тадбир кўришни ўйлаб кўрардик. Дўл бўлаги теккан кичкина сичқонча қўрққанидан зир югуриб, “Сонсиз душман камондан ўқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёғдириб, бостириб келаяпти” деб ваҳима тарқатгани ҳақидаги эртак эсингдами? Шунда бу қуруқ гапга ишонган барча ҳайвонлар инларини ташлаб, тоққа қочишган экан. Сен ҳам шундай бўлишини хоҳлайсанми?

Будакен чопарга мурожаат қилиб, гап бошлади. Унинг овози аввалгидек қаттиқ ва кескир эди:

— Жонинг қораталоғингга қайтиб келдими?

Чопар индамади, аммо сездирмасдан кўз ёшларини сидириб ташлашга уринди.

— Сен ким бўласан? Исминг нима? Отанг ким? Кимдан қочиб келаётганингни бизга айтиб бер.

ИККИ ШОХЛИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

— Исмим хон Оксиарт, Курешата[1] шаҳри ҳокими Амюргнинг ўғли бўламан. Сўғд ҳукмдори Бесснинг отларига ем-хашак тайёрлашга жавобгарман.

Мўътабар меҳмонлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Ҳамманинг кўнглидан: “қудратли Сўғд ва Бактрия ҳукмдорининг яқин Бесснинг одами бўлса, шундай таниқли форс амалдорини калтаклаб Будакен қалтис иш қилмадимикин?” деган фикр ўтди.

Кекса хон Тамир тилёғламалик билан мулойим овозда.

— Нима учун сен улуғ ҳукмдор кенгаш ўтказаётган дастурхон атрофида ўтириш ўрнига думи куйган туяга ўхшаб чўл бўйлаб изғиб, тинч яшаётган чорвадорлару бия соғувчиларнинг юрагига ғулғула солиб юрибсан? — деди.

Гелон қўшимча қилди:

— Қудратли Бесс бир йил аввал шаханшоҳни ҳақорат қилган дашт ёввойиларини жазолаш учун Сўғд, Бақтрия ва сакларнинг ҳамма жангчилари билан кетган...

Оксиарт дарғазаб ҳолда индамасдан жим ўтирган Будакенга қўрқаписа кўз ташлаб, гапини давом эттирди :

— Денгиз қаъридан чиққан иблисларни бошқарадиган худонинг ўзи ёв бўлса, буюк шоҳнинг қўлидан нима келади? У оддий одамларга ўхшамайди. Кўзидан чақмоқ чақнаб, атрофидаги ҳамма жонзотни куйдиради. Бўйи оддий аскарга қараганда икки баравар баланд, бошида олқор шохига ўхшаган бурама шохи бор... У гапирса одамлар момақалдироқ ургандек ерга қапишиб қолади. У баттол шоҳ Ахраман ва ёвуз илон Анграмайнанинг ўғли. Аҳриман шоҳ унга куч-қудрат ва ёвуз ақл ҳадя этган, илон эса уни айёрлик фазилати билан тақдирлаган. Шунинг учун ҳамма унинг қўшинларидан чўл ўт ёнса оловдан қочган қўйдек қўрқиб қочадилар.

— Бу гапларни тинглаётган скифларнинг оғзи очилиб қолди. Ҳамма форснинг сўзларига ишониш- ишонмасликни билмасдан гаранг эди. Ниҳоят, узуқ-юлуқ саволлар бошланди.

— У илонга ўхшаб ерда судралиб юрадими?

— Думи борми?

— Уни ўз кўзинг билан кўрганмисан?

— Уни кўрганимда, ҳозир бу ерда ўтирармидим?

Кимнинг кўзи тушса , шу заҳоти ҳалок бўлади...

Оғир сукунат чўкди. Панжара тирқишларига ёпишиб ичкарини кузатаётган скифлар йўлбошчи нима дейишини бетоқатлик билан кутар эдилар. Азиз меҳмонлар — юрт бошлиқлари кўзларини ерга қадаб, ким биринчи бўлиб гап бошлар экан деб қараб ўтиришарди.

---

[1] К у р е ш а т а — чўл билан сўғд қалъалари чегарасига жойлашган шаҳарча, у Сўғдиёнани кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қийиқ қўй кўзлари билан ҳаммани кузатаётган Спитаменнинг лабларида истеҳзоли кулги ўйнади.

— Хону хонзодалар нега гапирмайсизлар? Шошилинч чора кўриш керак. Акс ҳолда илондан бўлган Икки шохли — худонинг ўғли ҳамма скифларни лайлак қурбақани еганга ўхшаб, қириб битиради. Исседонлар ёки қорачакмонлар[1] ҳузурига югуринглар. У ерда йил бўйи қор ёғади. Балки Икки шохли ортингиздан у томонларга бормас?

Будакен Спитамен сўзларидаги истеҳзони англади.

— Саклар сўғд заҳизғони думида олиб келган миш-мишларга ишониб, қочмайди! Ёнимизга, чўлга, бизни жазолаш учун шоҳлар шоҳи Куруш[2] келмаганмиди? Қўшниларимиз — массагетлар унинг бошини кесиб, қонга тўйсин деб қон тўла мешга солиб қўймаганмиди? Биз, саклар эса массагетлардан кўпроқ ва кучлироқмиз!

— Тўғри! Тўғри ! — ниҳоят скифлар ўзларига келди. Нимадан қўрқишимиз керак? Бепоён чўлимизга ким бостириб кела олади?

Спитамен яна дам босди:

— Агар саклар душман келганда нима қилиш кераклигини унутга бўлсалар, бахшини чақиринглар. У эски қўшиқларни куйлаб берсин. Боболаримиз биз унутмаслигимиз лозим бўлган ҳамма нарсаларни қўшиққа жойлаб кетганлар.

— Саксафарни чақиринглар! — чодир ташқарисидан овозлар эшитилди.— У бизга эски қўшиқларимизни куйлаб берсин!..

САКСАФАР ҚЎШИҚЛАРИ

Саксафарни шу заҳоти топиб келдилар. Озғин, қадди букчайган, оқ сочлари ҳилпираган бу қария туя жунидан тўқилган жигарранг, дағал либослар кийган, камарига кўплаб темир безаклар ва туморлар осиб олганди. Оёғидаги катта сариқ этигининг қўнжидан жун пайпоқлари кўриниб турарди. Киприк қоқмайдиган рангсиз кўзлари юқорига қараган. У қўлларини олдинга чўзиб, пайпасланиб келарди. Скифлар уни тўрга ўтқаздилар. Олдига сим тор тортилган силлиқ уч бурчак қутини қўйдилар.

Саксафар бармоқларини торга тегизди ва кексаларга хос заиф овозда гапирди:

— Салом сизга, Тиграхауд ва Роксонак авлодлари — мард ўғлонлар! Сизларнинг юзларингизни кўрмаяпман — улар мен учун мангу зулмат ортига яширинган, лекин мен оталарингизни, боболарингизни яхши биламан. Уларга ҳам жанговар қўшиқларни куйлаганман. Улар эса қадимий қўшиқларни такрорлаб ёв билан урушганлар...

— Биз учун ҳам куйлаб бер, Саксафар! Қўшиғинг юрагимизда душманга қарши қаҳр-ғазаб ўтини ёндирсин!

— Қариянинг қийшиқ ғадир-будир бармоқлари остида сим торлар жаранглаб кетди. Саксафар тун қўйнида жарангдор, титроқ овозда қўшиқ бошлади:

Биринчи қўшиқ

Агар манглайи оқ, қувноқ болалар
Қуёш нурин эмиб ўссин десангиз,
Тинмасин чўл узра отлар дупури,
“Улала” наъраси янграсин мудом,
Ўн олти кокилли моҳирўй қизлар

---

[1] Геродотнинг тасвирлашича, скифлар еридан шимолга “осмондан оқ пар ёғадиган” томонда Меланхленлар (қорачакмонлар) ва бошқа қабилалар яшайди.

[2] Форс шоҳи Кир Эронда Куруш деб аталган. Уни скиф массагетлар маликаси Тўмарис жангда енгиб, бошини кесиб, қон тўла мешга солиб қўйган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Даврада рақс тушсин десангиз эркин,
Садоқда ўқ қанча – текшириб кўринг,
Таранг тортилганми камонлар ипи?!

Агар олисдаги қўрғонлар узра
Ловуллаб аланга олса оловлар,
Дўстларни жам қилинг, чиқинг йўлларга!
Шайми арғумоқлар, кескир қиличлар?
Таранг тортилганми камонлар ипи?!

Иккинчи қўшиқ

Улала! Скифлар! Отланинг жангга!
Қуёшнинг тафтида титрар уфқлар,
Ялтирар олисда мовий кенгликлар.
Кўряпсизми ғимирлар қора нуқталар,
Икки оёқли ёв – шоқоллар улар.
Учқур тулпорларда етиб оламиз,
Ўқларни жойлаймиз умуртқасига!

Улала! Скифлар! Отланинг жангга!
Орқангиздан қувса сонсиз душманлар
Ярадорни ташлаб қочмангиз асло!
Ёдингизда турсин баҳодир Сакмар!
Тўққизта рақибни енгиб бир ўзи
Ўнинчисин боғлаб келган эди у!

Қувлаб келаяпти бир гала душман,
Чўлни босиб кетди отлар дупури.
Қўрқиб қочган каби кўрсат ўзингни,
Ёвни ботқоқ сари бошла, азамат!
Таранг тортилганми камонлар ипи?!

Учинчи қўшиқ

Қуёндан маслаҳат сўрасанг агар
Думи титраб кўрсатар зўрга товонин.
Ёвқур ботирлардан сўралса-чи гар,
Ойболта тиғини кўрсатар улар,
“Улала!” деб сурон солишар шодон.
Ўткир қиличларни кўтаринг баланд,
Қора тошда қайранг ханжарингизни!

Аҳил бўлса жангда тўрт аскар агар,
Ғаддор душман мағлуб бўлади фақат.
Боши қовушмаса саккиз ботирнинг,
Оғзидаги ошдан қолар айрилиб.
Йўлбарс тилкалайди ёлғиз бўрини,
Қамишзорга қочар галасин кўрса.
“Улала!” даъвати янграса агар,
Ёрдамга шошилинг дарҳол, скифлар!

Тўртинчи қўшиқ

Узун соқол элчиларга ишонманг асло,
Касал бўлса бўри, тишлар ифлос шоқоллар.
Соғлиғида соясига берарди салом,
Етти букиларди кўрса узоқдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кексалар олдида бош эгиб туринг,
Ҳалок бўлган дўстни унутманг зинҳор.
Узун соқол форслар сиртмоқ солмоқчи,
Аммо қалтирайди ўқ-ёйимиздан.
Қора тошда қайранг ханжарингизни!

Куруш эди бир замонлар шоҳларнинг шоҳи,
Бўйнимизга занжир солиш учун келди у.
Минг-минглаган аскарларин не кечди ҳоли?
Шоқолларга емиш бўлди саҳрода бари.
Қора тошда қайранг ханжарингизни!

Кайхусрав не бўлди солиб дағдаға?
Кесилган калласи ташланди мешга.
Скиф болалари ёв калласини
Ўйнайди тўп қилиб чодирлар аро.
Қора тошда қайранг ханжарингизни!..

Кексалар қошида бош эгиб туринг,
Қурбон бўлган дўстни унутманг зинҳор.
Узунсоқол форслар сиртмоқ солмоқчи,
Аммо қалтирайди ўқ-ёйимиздан.
Қора тошда қайранг ханжарингизни!

Скифлар Саксафар қўшиқларини сел бўлиб тингладилар. Аёллар хўрсинишар, мадорсиз қариялар йиғлашар, бақувват жангчилар қийқириқ солиб, сержун қўлларини силкитар эдилар. Саксафар айниқса машҳур: “Улала! Скифлар! Отланинг жангга!” ёки “Қора тошда қайранг ханжарингизни!” нақоратларини куйлаганда ҳамма унга дағал ва шиддатли овозда жўр бўлди.

Даврадагилардан бири:

– Саксафар! “Афросиёб” қўшиғини айт! – деб қичқирди.

– Саксафар, Афросиёбнинг қаҳри ҳақидаги қўшиқни айт!

Саксафар нурсиз кўзларини кўкка тикди, оқ сочли бошини чайқаб, скифларнинг севимли жанговар қўшиғини куйлай бошлади:

Афросиёб хитоб қилди: “Мен сафарга чиқаман.
Хина билан бўянг отларнинг думларини.
Форслар қизларимизни бозорларда сотмоқда,
Бу аҳволдан юрагим остин-устун бўлмоқда!”

Даврадаги скифлар баробар жўр бўлишди:

Афросиёб хитоб қилди: “Мен сафарга чиқаман!”

Бу пайтда азиз меҳмонлар қўшиққа эътибор бермасдан бошларини эгиб шивирлашар, Сўғдиёнадан келган ғалати хабарларни муҳокама қилишиб, қандай чора кўриш ҳақида маслаҳатлашар эдилар.

– Ҳамма ўз манзилига қайтиб бошқа кўчманчиларга ҳам отарларини чўл ичкарисига Оксиана денгизи ортига ҳайдашга тайёрланиш ҳақида буйруқ берсин,– деди Гелон.

Будакен таклифга қўшилмаганини билдириш учун тилини тақиллатди:

– Шошилишга ҳожат йўқ. Сўғдда дўстларим кўп. Бесс ҳокимнинг ўзи ўтган йили иккита айғир олиб, меҳмонга боришимни тайинлаган эди. Неча йиллардан буён сўғдлар билан ҳужум қилмаслик ҳақида аҳдлашиб келамиз. Эртага ўзим йигирмата аскар билан Сўғдга бориб, шоҳлар шоҳидан энг охирги хабарларни ва эртакка айланган Икки шохли ғолиб кимлигини билиб келаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кекса князь Тамир маъқул ишорасини қилиб, қоқсуяк калласини қимирлатди ва Будакенга қараб секин гапирди:

– Сен Сўғдни бошдан-оёқ кезиб, Ўкуздаги чегараларгача, Бақтрия кечикларигача боришга ҳаракат қил. Ақл-ҳушимизни ўғирловчи ширин шароб тайёрловчилар бирор ёмонлик ўйламаганмикин – одамлар орасида юриб, шуни аниқла. Ҳар уч кунда битта чопарингни бизга юбориб турасан. Агар хавф-хатар борлиги маълум бўлса, чопарга қўрғонларда катта гулханлар ёқилсин, деб тайинла. Анави икки шоҳли илоннинг ўғли ҳақидаги эртак билан аёлларни бизни қўрқитмоқчи бўлган хон Оксиарт эса сен қайтгунингча қароргоҳимизда қолсин. Унга гаровдаги ҳурматли меҳмон сифатида муомала қилиб, ҳушёрлик билан кузатиш лозим. Агар қочишга ҳаракат қилса, шу заҳотиёқ занжирлаб чуқур зиндонга солиб қўямиз.

Ҳукмдорлар Саксафар қўшиқлари садоси остида кекса Тамирнинг доно ўгитларини тинглаб маъқулладилар.

Саксафар тўхтамасдан жанговар қўшиқларни айтар, скифлар бир овоздан унга жўр бўлар эдилар:

Биродарлар, отланинг жангга!
Ёвлар босиб чўлга келмоқда
Ғолиб чиқиб шафқатсиз жангда
Мағлубларнинг қонин ичамиз![1]

Олқишлайлик мардларни бугун,
Найзаларни шайлаб қўяйлик!
Кўпдан бери у қонга ташна,
Ичсин жангда хоҳлаганича!

Куйла бахши шафқатсиз жангни,
Куйла бургут жасоратини.
Душман кўзин қонга тўлдирсин
Биз ёғдирган камалак ўқи!
Улала!..

ТУТҚУНЛАР ЗИНДОНДА

Қўналғадагиларнинг ҳаммаси уйқуга кетган ярим тунда Будакен чодир ташқарисига солинган қалин кигиз устида боши остига пўстинини қўйиб, ухламасдан ётар эди. Безовта хаёллар оромини ўғирлаган, дам-бадам уёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, оғир ўйлардан бир лаҳза бўлсин қутула олмас эди.

Унинг ёнига кекса хизматкор Хош шарпасиз юриб келди. У чўккалаб ўтириб, ҳар тунги одати бўйича хўжайинга қўналғада юз берган кундалик воқеалар: меҳмонларнинг отига қанча арпа берилгани, қимизни кўп ичиб қўйган Кидрей қоронғида янглишиб, овга кетган Чепаннинг чодирига кириб қолгани ва ухлаётган Чепаннинг онасига қоқилиб кетгани, кампир бошидаги қулоқчинини юлиб олгани, энди у Чепаннинг қайтиб келишидан қўрқаётганини гапириб берди.

Будакен бу гапларни лоқайдлик билан тинглаб, Хошга:

– Кидрейга айт, эрталаб қуроли ва оти билан шай бўлиб турсин. У мен билан Сўғдга боради,– деб буйруқ берди.

Сийрак булутлар чойшабига ўралган ой осмонга оҳиста кўтарилиб борарди.

---

[1] Скифлар кучи ғолибга ўтади “ деган ақидага кўра ўлдирилган ёки ярадор бўлган душманларининг қонини ичишган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Будакеннинг хотинларидан бири шарпа чиқармай келиб оёқлари остига ўтирди, бироқ эридан бирор оғиз сўз чиқмагандан кейин яна тун қоронғуси ичра ғойиб бўлди.

Бошига қизил тасма боғлаб олган саёқ-овчи шивирлаб айтган гаплар Будакеннинг қулоғи остида тинимсиз такрорланмоқда эди: “Мен ўғлингни кўрган одам билан гаплашдим. Ўғлинг Сколот тирик, лекин у қул бўлиб қолган...”

Будакен ҳаловатини йўқотди. У узоққа, ой нурларига чулғанган мовий текисликларга, кечаси милтиллаб турган гулханлар ўчган қўрғонларга қаради. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган учта чевар маҳорат билан тиккан ўзига ниҳоятда ярашган қорамтир чакмонга ўралиб олган ўғлини кўз олдига келтирди. Хайрлашув чоғида ўғли бир текис оппоқ тишларини ялтиратиб кулган эди. У ўзи билан иккита вояга етган отни – Бўронқуш тулпорларини олиб кетганди... Мана энди, ўша қувноқ, жасур йигит балки, тегирмон ғилдирагига боғланиб, қамчи еб тургандир.

Бақувват скифларни энг оғир ишларга қўйишлари маълум. Ёки Будакеннинг қимиз кўпиртирувчи қуллари каби кўзларини ўйиб олишганмикин? Балки унинг Сколоти катта ўғир даста билан ўғирдаги буғдойни янчаётгандир?

Будакенни қаҳр ва умидсизлик чулғаб олди. Кенг кўксидан темирчининг босқонидан чиққандай оғир хўрсиниқ отилиб чиқди. Вақтни бой бериб қўймасдан керак, саёқ овчи билан бирга Сколотни кўрган одамни қидириб топиш керак. У орқали ўғли билан хабарлашиш, мол-дунёсини ўртага қўйиб уни қутқариб олиш лозим.

Маст уйқудаги қўналға узра қандайдир ҳайвоннинг чўзиқ, юракларни эзиб юборадиган увуллаши эшитилди. Будакен диққат билан қулоқ солди. Илгари бундай товушларга аҳамият бермас эди. Ҳозир аста туриб, оёқлари мўйнали калта этигини кийди ва салобат билан увуллаш келаётган тарафга юрди.

Будакен турли алфозда ухлаб ётган одамларни айланиб ўтди, бир неча итни чўчитиб юборди, охирги чодир ҳам орқада қолди. Хазин нола зиндон остидан чиқмоқда эди. Кимдир зиндон четида чўнқайиб ўтирарди.

– Кимсан, бу ерда нима қилаяпсан? – овоз берди Будакен.

– Одамларнинг қисматини кузатаяпман! – таниш чийилдоқ овоз эшитилди.– Ҳар биримиз шундай аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Ой сийрак булутлар орасидан чиқди ва Будакен Спитаменни таниди. У нон бўлаклари ўралган тугунча боғланган узун таёқни увуллаш ва қий-чув эшитилаётган зиндонга туширмоқда эди. Зиндон ичига тушган ой нури бешта одам гавдасини ёритди. Уларнинг оёқлари бир занжирга кишанланганди. Тўрттаси бир-бирини итариб-туртиб таёқдаги нонни олишга интиларди. Бешинчиси сакраётганлардан бирига занжирбанд қилинган бўлиб, зиндон тубида ётар ва ҳайвоний овоз билан увилларди. Тўртинчи банди ерда ётган шеригига эътибор бермай, уни эзиб-топтаб, нонни илиб олишга уринар ва ҳаммадан баландроқ сакрашга ҳаракат қиларди. Зиндондагилар Будакенинг қуллари бўлиб, буйруқларни бажаришдан бош тортганлари учун шу кўйга тушган эдилар. Улар скиф тилини тушунмас, ҳамиша ўз юртларига қочишга ҳаракат қилиб келишган эди.

Будакен зиндон четига ўтирди. Пастга, соч-соқоли ўсиб кетган, қўлларини чўзиб номаълум тилда бақиришаётган одамларга қаради. Зиндон ичидан ўта бадбўй ҳид тараларди. Скифлар у ерга сарқит овқатларни ташлашар, бандилар табиий эҳтиёжларини ҳам ўша ерда бажаришар эди.

“Балки, ўғлим ҳам ватанига қочишни хоҳлаётгандир, у ҳам сарқит суякларни талашиб, бадбўй зиндонда ўтиргандир?”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Улар қайси тилда гаплашмоқда? Ватани қайда? Иблис ин қурган чуқурликда ўтириб, ҳеч бир кўчманчи, ҳатто момақалдироқ пайтида Папейнинг ўзи билан ҳам гаплаша оладиган коҳин Курсук ҳам тушунмайдиган қандай сўзларни айтишмоқда? Муддаолари нима? – деб сўради Будакен.

Спитамен ўзи дарбадар бўлиб, жаҳон кезиб юрган пайтларда ўрганган турли тилларда бандиларга саволлар бериб кўрди. Улар жим бўлиб, тингладилар, кейин бир-бирига гал бермай, бўғиқ, хирилдоқ овозда жавоб беришга тушдилар. Спитамен жавобларини диққат билан тинглаётан Будакенга таржима қилиб турди.

– Анави бошига сочини ўраб олган йигит тохарлар мамлакатидан. У Бобилга ипак ва қимматбаҳо тошлар олиб кетаётган карвонга қўриқчи бўлган. Массагетлар ҳужум қилиб, карвонни талашган, асир олинган ҳамма савдогар ва кузатувчиларни қўшни қабилаларга қул қилиб сотишган. Анави узун соқолли, қўллари таёқдек ингичка иккитаси Гиркан мамлакатидан. Массагетлар уларнинг қишлоқларига ҳам кечаси тўсатдан ҳужум қилишган, кўп одамларни, от ва туяларни ўзлари билан олиб кетишган. Бу иккаласи қул бўлиб қолган, лекин ишлашга мажоли йўқ. Эгалари уларни сақлаб туришни хоҳламаган. Улар афсунгар бўлишган, худоларга ибодат қилиб, бемор баданидан ёвуз руҳларни ҳайдашган. Шунинг учун улар тегирмон тошини айлантиргандан кўра зиндонда ўтиришни афзал кўришяпти.

Спитамен тўртинчи бандининг биронта сўзини тушунмади. Унинг узун нутқида баъзан Тир, Сидон Иерушалаим[1] каби номлар учраб қоларди. Лекин у нима демоқчилиги сирлигича қолди.

– Унинг сочлари жингалак, кўзи қора,– тушунтирди Спитамен.– У балки асосий шаҳри Иерусалим бўлган мамлакатдандир. Денгиз соҳилида яшаганга ўхшайди. Бешинчиси касал, баданини яра босиб, қуртлаб кетган. У икки шохли махлуқ тилида – яван тилида гапиряпти, лекин у телба, гаплари узуқ-юлуқ, уззукун зиндон деворига сўзлар ёзиб, бошқаларга халақит бериб, от ва одамларнинг суратини чизган. У жим ётсин деб ёнидагилар урган.

Будакен ўрнидан туриб, чодирига қайтди. Бадбўй ҳид ҳам унга эргашиб келди. Чодир ёнида у чалқанча ётганича оғзини очиб, қаттиқ ухлаб ётган скифни кўрди. Будакен кенг кафти билан унинг оғзини ёпиб, бурун парракларини қисди. Бир неча сониядан кейин бўғилиб қолаёзган скиф сакраб ўрнидан турди ва Будакенга маъносиз нигоҳ билан тикилди.

– Тонг ёришяпти, йўлга отланиш керак. Йигитларни уйғот.

Скиф ўзига келгач, Будакен қўшимча қилди:

– Ҳозироқ зиндондаги қулларни тортиб чиқариб, занжирни ечасан. Мен уларни кечирдим. Тўрт томони қибла – хоҳлаган жойига кетаверсин. Улардан ҳеч қандай наф йўқ. Ҳаммаси ишга яроқсиз. Бекорга боқишга тўғри келади. Қуллар орасида гирканлик икки афсунгар бор. Сафарим омадли бўлиши учун улар ўз худоларига ибодат қилишсин. Бу сўзларни уларга Бўронқушни бўйсундирган сўғд овчиси тушунтиради. Зиндонда ҳамма ерини яра босган яна бир бемор бор. У занжирбандлигича қолсин, афсунгар Курсук дуо ўқиб, доира чалиб, танасидаги ёвуз руҳларни ҳайдаб чиқарсин. Яраларини сигир сийдиги билан ювиб[2], қўй ёғи суриб қўйиш керак.

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам қочиб кетишига йўл қўйилмасин. У асирларни алмаштиришда керак бўлади... Кейин... Кекса Тамир уйғониб, овқатланиб бўлиши билан биз йўлга чиқамиз. Қара, унгача отлар ҳам, йўл учун заҳиралар ҳам тайёр бўлсин.

---

[1] И е р у ш а л а и м – қадимда яҳудийлар Қуддус (Иерусалим)ни шундай аташган.

[2] Ўша замонларда сигир сийдиги гуноҳларни ювиб, касалликларни, айниқса яраларни даволайди деб ҳисоблаганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУДАКЕН ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

Марвариддек товланиб, кўз қамашадиган даражада яшнаб ётган ҷўл бўйлаб бир тўда чавандозлар бормоқда. Уч киши ёнма-ён кетаётир. Йўлга мос қора кийим кийган Будакен бақувват тўриқ айғирга минган. Ранг-баранг мунчоқ қадалган чалворининг почаси учи қайрилма, пошнасиз сариқ этик қўнжига тиқилган. Лиқ тўла хуржунлар чарм камарлар билан эгар қошига қаттиқ боғлаб қўйилган. Ҳамма нарса олис сафарга мўлжаллангани кўриниб турибди.

Унинг ёнида кулранг човкар айғирда марварид қадалган қизил қулоқчини остидан сийрак сочлари чиқиб қолган, букчайган қотма хон Тамир борар эди. Унинг қирғий кўзлари олис уфқни диққат билан кузатар, чакаклари кириб кетган оғзи тинимсиз қимирларди. Учинчи чавандоз ёш келишган йигит бўлиб, гуллар ва қушлар тасвири тикилган янги ипак камзул кийган, кенг йўл-йўл чалворини тўпиғига ўраб, кумуш занжир билан боғлаб олганди. У думи оқ олтинранг саман айғирни йўрттириб борарди. Отнинг сағрисига олтин уқали тўқ қизил ёпқич ёпилган. От бўйнини тик тутиб, сувлиғини чайнаб олдинга интилар, аммо хонзода Гелоннинг кучли қўллари чопишга йўл бермас эди.

Юз қадамча олдинда тўртта қўриқчи аскар борар, чавандозларнинг катта қисми орқада келарди. Аскарларнинг қўлида учига бир тутам қизғиш от думи боғланган ингичка найза бор эди. Биттаси қўлидаги таёқни кўндаланг ушлаб олган. Таёқ устига тумшуғига қўнғироқчалар осилган учта мис лочин ўрнатилганди; таёқ остида ҳам уч бўлак от думи осилиб турарди. Бу кекса хон Тамирнинг жанговар нишони бўлиб, у Будакенни ўзига қарашли юртлар чегарасигача шахсан кузатиб қўймоқчи эди.

Будакеннинг юк ортилган карвони бир неча соат олдин жўнаб кетганди. Кун ботганда у келишилган манзилда дам олиш учун тўхташи лозим эди.

Чавандозлар чоғроқ овулга яқинлашганида Будакеннинг ёнига Кидрей от чоптириб келди ва қурум ҳамда йиллар шамолида қорайиб, титилиб кетган чодир ёнида арқонлаб қўйилган кулранг туяни кўрсатди.

Уз отаридаги ҳар бир жониворни яхши эслайдиган Будакен байрамда жасур ёш чўри арқонларини ечган туяни дарҳол таниди. У хон Тамирга тезда етиб бораман деб қичқириб тупроқлари ёрилиб кетган ерда елиб бораётган отига қамчи босди. Ортидан Кидрей от қўйди.

Чодир олдида дарғазаб ҳуришдан бўғилиб қолаёзган пахмоқ итлар қарши чиқди. Чодирдан қоқсуяк бўлиб қолган, серажин, товонигача тушадиган узун, ранги ўчиб кетган кўйлак кийган қари кампир чиқиб, мис узук тақилган қорамтир қўлини кўзига соябон қилганича, Будакенга ҳайрон тикилди.

— Эркаклари овга кетган чодирга нима учун келяпсан? Тез изингга қайт!

Кидрей гапга оғиз жуфтлаган эди, Будакен имо билан уни тўхтатди:

— Бу туя кимники?

— Билиб нима қиласан? Ўзинг қаердансан? Ҳар куни уюрлари, юзлаб подаларига янги мол қўшадиган хассис Будакен сени юбормадими? Чўлдан ўтин олиб келишга уловимиз йўқ, шунинг учун саксовулу янтоқни, ўзим букчайган елкамда ташийман.

— Лекин Будакен ўз подаларини кўпайтириш билан бирга уларни жанговар даъватга кўра қардошларига ҳадя ҳам қилади. Ахир анави туяни Будакен совға қилмаганми?

— Нима деб валдираяпсан ҳой, кампир? — гапга аралашди Кирдей.— Будакеннинг ўзи сен билан гаплашяпти-ку...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чексиз ҳокимият эгаси бўлган қудратли хоннинг номини эшитган кампир шоша-пиша бошига йиртиқ рўмоли учини ёпди ва ўйноқлаб турган от оёқлари остига ўзини ташлади.

— Бефаросат, ақлдан озган кампирни кечир! — нола қилди у.— Кексалик қилиб, бемаъни гапириб қўйдим. Очликдан силлам қуриб турганди. Ейишга қеч вақо йўқ, ўғлим икки йилдан буён қаердалигини фақат Папай билади...

— Ўрнингдан тур, ҳеч нарсадан қўрқма! — деди вазминлик билан Будакен,— ўғлингни исми нима, у икки йилдан бери қаерларда дайдиб юрган экан?

Чангга беланган кампир ўрнидан аранг турди ва Будакенга синовчан тикилди:

— Ҳа, сен ҳақиқатан ҳам Будакеннинг ўзисан? Юганинг ҳам олтиндан. Ўғлим карвончиларга ёлланиб, у ердан янаям узоққа — денгиз бўйига, бизнинг худоларимизга сиғинмайдиган яван ва киликаслар томонга, иштонсиз, оёқяланг юрадиган уятсизлар юртига кетган. Яқинда у юганли от миниб келди... Энди мени боқади... Ахир, уйда от бўлса, дунёнинг тагига ҳам етиш мумкин...

Будакен кампирнинг гапларини эринмасдан тинглади. Спитаменнинг Киликияга борганлиги сершубҳа хонда янгидан-янги гумонлар уйғотди. У отдан тушиб қўй сути ичишга даъват қилаётган кампирни гапга солиб, кўп нарсаларни билиб олаётганидан хурсанд эди. Будакен отдан тушмасдан чодирга яқин келди, жундан тўқилган пардани кўтариб, ичкарига кўз ташлади.

Ичкарида, қизил кўйлакли бир аёл титилиб кетган гиламда ўтириб, ёрғучоқда буғдой янчиб, ун чиқармоқда эди. Чодир тешигидан қуёшнинг қия нури тушди ва бринч билакузук таққан қорача қўлнинг тирсагидан юқорисини ва турмуш қурганлигини билдирадиган қизил рўмолни ёритди. Аёлнинг кулиб турган қора кўзлари, кўк бўёқ билан туташтирилган тўғри чизиқли қоши Будакенга таниш туюлди.

— Бу заҳматкаш аёл қаердан келган? — Будакен отини чодирдан нари суриб, кампирдан сўради.

— Қаердан? Бунисини билмайман,— жавоб берди маҳмадона кампир.— У ойдин бир тунда қулранг туяда кириб келди. Албатта, ўғлим топиб олган уни. Шеппе—Тэмен ўзи ўйлаган нарсасини ернинг тагидан бўлса ҳам топади... Фақат мен уни уйда ўтиришини, тоғ ва чўлларда дайдиб юрмаслигини ҳоҳлайман. Қачондир бошсиз танасини олиб келишларидан қўрқаман!

Будакен кампирнинг гапларига бошқа қулоқ солмай, чўл бўйлаб оҳиста бораётган хон Тамир тўдаси ортидан от қўйди.

— Бўронқушни тутиб олган овчи шу ерда яшар экан. У ўз ўлжасига кул ранг туяни ҳам қўшиб олибди. Туяни ечган анави уятсиз эса, чамаси, унга хотин бўлганга ўхшайди.

Гелоннинг остидаги от сапчиб кетди, хонзода ғазаб билан хитоб қилди:

— Дайди итни қанча боқма барибир ўлимтик уни ўзига тортаверади!

— Ҳаммамиз бир куни ўлимтикка айланамиз,— шивирлагандек паст овоз эшитилди.

Ҳукмдорлар ўгирилиб, ёнларида Спитамен турганини кўришди. У ўша йиртиқ, жулдур кийимда, белидаги камарга чоғроқ қилич, коса солинган чарм халта осиб олганди. Таранг тортилган камон ва патли ўқлар солинган садоқ ёпқичга маҳкам танғиб қўйилганди. Спитамен минган от йирик бўлмаса ҳам чайир, дўнг пешона, скифлар узоқ йўлга қўрқмасдан миниб кетаверадиган чидамли асл берк[2] тулпорлардан эди.

---

[1] Скифлар одатига кўра душманнинг бошини кесиб қароргоҳга олиб келишган. Шу йўл билан ҳарбий ўлжани бўлишда иштирок этиш ҳуқуқи қўлга киритилган.

[2] Б е р к — ўта чидамли, узоқ масофаларни писанд қилмайдиган наслдор от зоти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўп ўтмай, хонлар тўхташди. Шу нуқтада чўлдаги асосий йўллар кесишганди: шимоли-шарққа кетган йўл Хоразмга, жанубий йўл Сўғдга, шарқий йўл эса тохарлар юртига олиб борарди. Чорва туёғи топтаб ташлаган қовжираган чўлда тепаси саксовул шохлари билан ёпиб қўйилган қатор қудуқлар кўзга ташланарди. Улкан тош ҳайкал — санам бўртиб чиққан кўзларини чўлга тикиб, қўлларида тош коса ушлаб турарди. Хон Тамир ва бошқалар навбатма-навбат тош косага қоқланган қўй гўшти, нон ёки бир сиқим арпа сола бошладилар.

Кейин хонлар бир-бирларининг ёнига бориб, тирсакларидан ушлаб, пичирлаб дуо ўқидилар ва елкаларидан ўпдилар. Будакен кекса Тамирнинг отга минишига кўмаклашди. Кейин ўзининг қўнғир айғирига чаққон сакраб минди ва узун арқонга ўхшаган тор сўқмоқ бўйлаб жанубга йўл олди. Занжирдек чўзилган скиф аскарлари унга эргашдилар.

Тамир отига қилич уриб, йўлсиз чўлга — ўз қароргоҳига қараб кетди. Орқасидан чанг кўтариб, ҳамроҳлари эргашдилар.

Якка ёлғиз кулранг санам сўқир тош кўзлари билан олисларга — титраб турган иссиқ ҳаво қаърида йўқ бўлиб кетаётган чавандозлар гуруҳи томонга қараб қолди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

БАХТИЁР СЎҒДИЁНА

> Ҳозир ҳамма нарса барбод бўлишини, чанг ва қумли кўчаларни тўкилган қонлар лой қилишини, янги ҳаёт бошланишини ҳеч ким билмаган эди.
>
> *(Шарқ солномасидан)*

ШАҲАР ДАРВОЗАСИДА

Жазирама қуёш нурларига чулғанганча мудраётган Курешата шаҳри остонасидаги ғиштин дарвозалар гўё беўхшов қора оғизларини очиб турганга ўхшайди. Улар қайрағоч дарахтидан ясалган. Йиллар шамоли ва қурт-қумурсқалар бу дарвозаларни емира бошлаган. Дарвоза табақаларида орқа оёғида тик турган шер ва уни қулоғидан тутиб, қилич билан қорнини ёраётган баҳодир аскар тасвири ўймакорлик билан ишланган эди. Арк остидан кўм-кўк беда ортилган эшаклар, имиллаб қадам босаётган қўтослар, баҳайбат шох-шабба боғламлари орасида кўринмай қолган пакана отлар ўтиб бормоқда. Жониворлар ортидан қий-чув кўтариб кулранг дағал кийимлар ва қўпол чарм сандал кийган деҳқонлар борар эдилар.

Улар узун қора соқол қўйган, жовдираб боқувчи кўзлари ичига ботган, қирғий бурунли кишилар эди. Белларига боғланган уч хил рангдаги чилвир уларнинг садоқатли оташпараст экани ҳамда уч фазилат — яхши ният, яхши сўз ва эзгу ишларга амал қилишини англатарди. Бошларига учи елкаларига тушадиган сариқ ёки кўк мато ўраб олишган.

Шаҳар дарвозаси хом ғиштдан урилган девор ўртасига ўрнатилган. Деворларда шинаклар бор. Чўл скифлари шаҳарга ҳужум қилиб қолса, уларни девордан ўққа тутадилар, устларига тош думалатадилар, қайноқ сув, эритилган қатрон қуядилар.

Девор тепасидаги кичик минорада соқчи Кукей рангдор жун пайпоқ тўқиб ўтирибди. Бу кекса киши умрининг кўп йилларини мана шу қалъада ўтказиб келади. Юзлари қуёшда қорайиб ажинлар тилиб ташлаган. Кўзлари ёшланадиган бўлиб қолган. Ияги устидаги оқ соқоллар тарвақайлаб кетган. Кўпдан бери кўчманчилар ҳужум

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилишгани йўқ. Лекин калта найза, ўткир ойболта кўтарган чўққи қалпоқли чавандозларнинг охирги ҳужумини яхши эслайди. Улар қўтосдек бўкириб, жуссаси кичик, қўнғир холдор отларда елиб келардилар. Узоқдан туриб отган ўқлари нишонга бехато тегарди. Шаҳар ҳимоячилари қайноқ сув тўлдирилган қозонларни ташлаб, девор панасига яшириниб олишганди. Чавандозлар отлари билан буғдойзорларни топтар, дуч келган қўй ва бузоқларни эпчиллик билан ердан кўтариб, эгарларига ўнгариб олар, ойболталари билан дарвозани тақиллатишарди. Улар ғалла тўла йўл-йўл қоплар ва тоза асал, ўткир шароб қуйилган катта хумлар ортилган қатор-қатор туяларни ҳайдаб чўлларига қайтиб кетган эдилар.

Қоровул Кукей мудраб қолар, қўллари эса одат бўлиб қолган ҳаракатини тўхтатмасдан тўқишда давом этарди. Қандайдир бир масала устида қаттиқ баҳслашаётган деҳқонларнинг баланд овози қарияни ҳушига келтирди. У пастга қаради.

Кукейнинг ўнг томонида, ғиштдан кўтарилган, қуёш, шамол ва ёғин-сочин таъсирида емирила бошлаган минора устида ҳурпайиб турган бир ин бор эди. Унда узун, ингичка қизил оёқли оқ лайлак узоқ-узоқларга қараб турарди. Лайлак баъзи-баъзида қанотларини кенг ёйиб, сакраб-сакраб қўяр ёки бошини орқага ташлаб, тумшуғини тақиллатарди.

“Шаҳримиз обод,– деб ўйлади Кукей.– Ҳали қудратли парвардигоримиз Аҳурамазданинг қаҳрини келтирганимиз йўқ” У пайпоқ тутган қўлларини қуёшга қараб чўзди ва пичирлаб дуо ўқирди.

Чап томондаги девор каваклaрига каттакон кулранг калхатлар ин қурган эди. Бу шижоатли ва жасур қушлар уяларидан тез-тез учиб чиқишар, кўкда сузаётгандай сокин парвоз қилишаркан, ўткир овозда “пирлюлю пирлюлю” деб қичқиришлари қудуқ чархининг ғижирлашини эслатарди.

Лайлак бирдан қанотларини силкитиб, ингичка оёқларида турганича рақс туша бошлади. Сўнг инидан кўтарилиб, гулдор гиламга ўхшаб шимол томонга чўзилиб кетган поёнсиз чўлга бир текисда учиб кетди.

Кукей мудроқ кўзлари билан қуёш нурида кумушдек товланаётган лайлак парвозини бир муддат кузатиб турди. Тўрт бурчак қилиб ишлов берилган тариқзор ва бедазорлар ёнидаги суви ялтираб оқаётган зовур бўйлаб бир гуруҳ отлиқ қалъа томон келмоқда эди. Кукей уларни дарҳол таниди: шубҳасиз, скифлар, йигирмага яқин. Учи чўққи қалпоқ, бўлиқ жийрон ва чавкар отларни танимай бўладими? Ингичка, олдинга эгилган найзаларни ҳам илғаш қийин эмас.

Кукей устунга осилган улкан бронза қозон ёнига югурди ва қўлига таёқ олиб жон-жаҳди билан уни ура бошлади. Даранглаган ўткир овоз шаҳар бўйлаб тарқалиб, ҳаммани хавфдан огоҳ қилди. Қўрқиб кетган одамлар ишларини ташлаб текис томлар устига югуриб чиқишди.

Кукей уйқудан юзлари шишиб кетган ўнбоши етиб келмагунча қозонни даранглатиб ураверди. У карахт кўзлари билан гоҳ Кукейга, гоҳ чўлга қараб, бир муддат довдираб турди ва ниҳоят яқинлашиб келаётган даҳшатли отлиқларни кўриб, ҳуши бошидан учди. Бир тўда деҳқонлар эшакларини қалъага қараб тирқиратиб ҳайдаб қочиб келмоқда эди.

– Дарвозани, тезроқ дарвозани беркитинглар! – деб қичқирди ўнбоши ва Кукей билан бирга, ейилиб кетган силлиқ зиналардан пастга югурди.

Бироқ икковлари деворнинг туртиб чиққан жойидан ўтишлари билан чавкар от минган учта скифга дуч келишди. Улар дарвозадан кириб шериклари етиб келишини кутиб турардилар.

– Орқага, орқага кетинглар! – ўнбоши скифларга қараб бақирди. У яқин боришга қўрқиб, узоқдан қўл силкитди.

Бошига қизил боғич боғлаб олган бир отлиқ Кукейга қичқирди:

– Ҳой, пайпоқ тўқувчи чол, наҳотки мени танимаяпган бўлсанг? Мен Чапақай, Шеппе-Тэмен, кулолнинг ўғлиман-ку! Наҳот эсламаётган бўлсанг? Менга ингичка ичакдан камон ясашни ўргатган эдинг-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кукей синчиклаб қараб шамолда қорайган қийиқ кўзли ёш йигитни таниди.

— Ё парвардигор, бу Чапақай Шеппе-ку! Сени танимай бўладими? Ёнма-ён яшаганмиз! Қара-я, отли бўлибсан-ку! Кўриниб турибди: бойиб кетганга ўхшайсан. Бизга скифларни шаҳарга киритмаслик буюрилган. Мен нима қила оламан?

Скифлар оғир ойболта билан бошини чопиб ташлашидан хавотирланиб турган ўнбоши ҳамон бақирарди.

— Шаҳар деворидан нари кетинглар — дарвозани ёпиб, кейин сизлар билан гаплашамиз. Ким билади, орқангиздан шаҳарга бостириб кириш учун минглаб скиф яшириниб келаётгандир?

— Бақираверма!— уни тинчлантирди Спитамен.— Нега бутун шаҳарни саросимага солаяпсан? Неча йиллардан бери орамизда уруш йўқ-ку! Сак йўлбошчилари хонларингиз билан дўстлик косасидан озмунча ичдими?

— Менга ақл ўргатма, орқангга қайт! — бақирди ўнбоши.— Шаҳар ҳокими сизларни киритганимиз учун мени ҳам, Кукейни ҳам дарвозага михлаб қўяди.

Одамлар гавжум ён кўчадан бир неча чавандоз қийқириқ солиб отилиб чиқди. Олдинда бошдан-оёқ қуролланган, найзасини қия ушлаган сўғд учқур отини елдириб келмоқда эди. Унинг совути ярақлар, дубулғасига қирғовул пати қадалган эди. Ортидан қиличларини шарақлатиб ёш аскар йигитлар чопиб келишар эди.

Будакен ҳамроҳлари билан айни шу паллада дарвозадан кириб келди. У отда одатдагидек осойишта ўтирар, қовоғи солиқ, мўйлаблари осилган, қисилган кўзлари атрофга эҳтиёткорона боқар эди. Ҳамма тўхтади.

Кукей олдинга отилиб чиқди:

— Мана, бизнинг юзбошимиз келди. У ҳам скифлар шаҳарга кириши мумкин эмас деб айтади.

— Бу ерга нима учун келдинглар?— ҳовлиқиб сўради юзбоши.

Спитамен жавоб берди:

— Бу сакларнинг энг аслзода элчиси, Олтин Сувлоқ хони Будакен бўлади. У Мароқандга ҳукмдор Бесс ҳузурига қимматбаҳо совғалар олиб боряпти. Агар сен, ҳурматли бақироқ, бизни шаҳарга қўймасанг, девор ортида, далада, шоқоллар ва итлар ёнида тунашга мажбур қилсанг, бу ерда қолмасдан йўлда давом этамиз. У ерда эса сизларнинг устингиздан шоҳ ноибига шикоят қилиб, мўътабар элчиларни қанчалик қўполлик билан кутиб олганингизни айтамиз! Бесс ҳеч шубҳасиз шаҳар ҳокимига ҳам, сенга ҳам таниқли элчини хафа қилганларинг учун жазолагани канопдан ўрилган арқон юборади.

Юзбоши ҳамроҳлари билан шивирлашди.

— Уларни карвонсаройга киритиб, устидан қулфлаб қўямиз.— деб таклиф қилишди ёш йигитлар.

Қоровул Кукей от юганини ушлади ва юзбошининг қўлидан найзасини олди. Юзбоши отдан вазмин сирғалиб тушди. У қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилганича, скиф хонига оҳиста яқинлашди.

Будакен ҳам сакраб ерга тушди ва қийшиқ оёқларида чайқалганича, юзбошига қўл узатиб, ҳурмат юзасидан ўнг оёқларини букиб, қўлини сиқиб ушлаб турди.

— Мартабали меҳмонни қутлайман,— деди юзбоши,— хуш келибсиз! Йўлда давом этиб, бош майдонга боринглар. У ерда йўловчилар учун карвонсарой бор. Қоровулдан жаҳлингиз чиқмасин — у ҳақ эди. Мароқанддан бегона юртдан келганларни шаҳарга рухсатсиз киритилмасин деган буйруқ бор. Бироқ мартабали элчилардан биз доим хурсандмиз. Ҳозир замон шунақа хатарли бўлиб қолди! Айтишларича, Сўғдга Икки шохли ҳукмдор бошчилигида кучли ёв

www.ziyouz.com kutubxonasi

бостириб келаётганмиш. Йигитларинг отларига миниб менинг ортимдан юрсин.

Будакен ва юзбоши яна отларига миндилар.

— Азрак, Кукен қоровулни сиртмоққа ол! — қичқирди юзбоши. Елкалари кенг, бадқовоқ сўғд жангчиси қоровул Кукейнинг ёнига келиб, бўйнига сиртмоқ солди ва отини буриб қарияни судраб кетди.

Кукей бўйнини бўға бошлаган арқонни қўллари билан чангаллаб, ҳи- қиллаб йиғлашга тушди.

— Бошимдан жудо бўламан! Энди мени ким қутқаради? Ҳаммасига мана шу саклар сабабчи! Мени ким қутқаради? Онажон, бекорга ўлиб кетадиган бўлдим!

Йигитлар гавжум тор кўчага йиғилган одамларни қамчи билан савалаб, зўрга йўл очиб боришди.

Кўчанинг икки томони бўйлаб савдогарларнинг дўкончалари тизилиб кетган. Эшак, от минган деҳқонлар, ранг-баранг кийинган шаҳарликлар — ҳамма баробар скифлардан қочиш учун зир югуриб қолишди.

— Саклар — Аҳраман ўғиллари бостириб келишди! Дарвозани ёпинглар! Афросиёб қайтиб келди! Ҳаммани сўйишади! — деган қичқириқлар эшитилди.

Савдогарлар шошилиб дўконларнинг ўймакор эшикларини ёпдилар. Қочиб бораётганлар анор, шафтоли мевалари тўлдирилган саватларни ағдариб борардилар.

Текис томлар устида узун гулдор кўйлак кийган аёллар югуриб юришарди. Улар йиғлаётган болаларини, кўрпа, гилам, хум сингари буюмларни кўтариб олган эдилар.

Қари бир кампир яшил ёстиқни судраб том лабига борди. Қинғир-қийшиқ бармоқлари билан уни силкитиб, сўғд тилида энг ёмон қарғишларни айтиб, нола қила бошлади:

— Авлод-аждодларингга ўт қўяман!.. Улар дўзахда ёнсин!..

Кидрай кулиб, унга қичқирди:

— Нега юзингни кўрсатаяпсан? Юзинг сиртлон елинидек бадбашара-ку! Ёстиқ билан ёпиб ол!

Шаҳар аҳолиси скифлар тинчгина кетаётгани, ойболта ва найзалари билан ҳеч кимга ҳужум қилмаётганини кўргач, тинчланиб тўда-тўда бўлиб йиғилиб, скифларни кўрсатиб, қўлларини ёнларига уриб, хохолаб кулиб мазах қила бошладилар. Скифлар ўгирилиб қараганда улар ўзларини ҳар томонга ташлаб, қочиб қолишар эди...

Чавандозлар ғиштин арк ва унинг орқасида девор билан ўралган бино кўриниб турган чоғроқ майдонга етиб келдилар.

— Бу карвонсарой,— деб тушунтирди Спитамен Будакенга.

Майдон атрофига курешаталик савдогарларнинг дўконлари тизилганди. Дўконлар олдида ёғоч пештахта ва сўрилар, гиламлар, хилма-хил матолар, лакланган туфлилар, упа-элик солинган тақсимчалар, бурама пичоқ, рўмол, маржон, тақинчоқ, билакузук, хум, чинни идишлар, от анжомлари илгак, ҳалқа каби скифлар учун бегона ялтироқ буюмларга тўла эди.

КАРВОНСАРОЙ

Олдинда бораётган сўғд жангчилари қамчиларини силкитиб карвонсаройнинг кенг дарвозасидан ёпирилиб кирдилар. Туяларнинг бўқириши ва қичқириқлар эшитилди.

Унбоши қўлини дўстона силкитиб:

— Бу ёққа, бу ёққа!— деб қичқирди.

Тўдалашиб турган скифлар бир-бирлари билан паст овозда гаплашар эдилар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сўғдларнинг деворидан қўрқ! Кирсанг қайтиб чиқмайсан. Бу ерда ўрадаги каламушлардек янчиб ташлашади. Далада тунаганимиз яхши эди.

Сўғдлар уларга яқин келиб таъзим қилишар ва кафтларини тиззаларига уришиб, ҳовли ичига таклиф қилишарди.

Кидрейнинг чавкар оти ва кенг елкаси қора дарвоза ичида кўзга ташланди. У ичкаридан қайтиб чиқиб, қичқирди: — Бу ерда сув, пичан бор экан, биз учун жойларни тозалашаяпти!

Будакен қамчи ушлаган қўлини кўтарди. Скифларнинг йигирмата оти бир-бирини туртиб, дарвозага қараб юрди.

Девор билан ўралган каттакон тўрт бурчакли ҳовли бақир-чақир қилаётган одамлар ва безовта туялар билан тўла эди. Ҳовлини айлантириб қурилган айвонларга ўймакор устунлар ўрнатилган. Деворларда йўловчиларнинг буюмларини қўйиш учун токчалар қорайиб турарди. Айрим ҳужралар гулдор парда ва гилам билан тўсилганди. Уларнинг ортидан рангдор ёпинчиққа ўралган аёллар қўрқа-писа мўралашарди.

Сўғд жангчилари ҳовли бўйлаб йўлида учраганларни итариб-туртиб, қамчи билан уриб ҳовлининг бир томонига ҳайдаб боришди. Улар шовқин солиб ҳужраларга кириб-чиқишар, ҳуркиб кетган туяларни тутишар, хуржун, қопларни бир жойга тахлаб, сочилиб ётган сомон ва хас-хашакларни йиғишарди.

Скифлар охурга ўхшаган чуқурлар ўйилган девор остига отларини боғлашди...

Кекса Хош бурнини жийириб, бошини чайқади ва паст овозда Спитамендан сўради.

— Бу ердан қандай чиқишни биласанми? Қамишзордан кўра бу шаҳарда адашиш осонроқ. Анави яна қанақа тентак? У бу ерда нима қидиряпти?

Айвон ёнидан қимматбаҳо ипак кийим кийган, лекин оёқяланг бошига бир парча йиртиқ мато ташлаб олган сўғд ўтиб борар ва қўлидаги қопни силкитиб, кўзларини тепага тикканича тўхтовсиз дуо ўқирди.

У қуллар супуриб тозалаган ҳужрага кирди ва чиқиндиларга ташланиб, у ердан кана, қирқоёқ, чумолиларни тутиб, ҳаммасини силкитаётган қопига солди, сўнг бир текис овозда дуо ўқишда давом этди.

— Меҳрибон онанинг муносиб ўғли, нима қилаяпсан?— сўради Хош.

— Мен гуноҳкорман! Бошимга етти юз етмиш еттита бахтсизлик ёғилган. Энди бу ҳаётимда ҳам ўлимимдан кейин жазо таҳдид солмоқда. Қоронғулик руҳлари мени ғажиб ташлашади.

— Бошингга қанақа бахтсизлик тушди?

— Акам ўлпон йиғувчиликка тайинланганда уникига зиёфатга борган эдим. Кўҳна шароб кайфимни ошириб қўйди, гандираклаганимча қўшиқ айтиб, уйимга йўл олдим. Аҳриманнинг менга ҳасади келди, ортимдан итлар эргашиб, кийимимга ёпишишди. Шунда ердан тош олдим ва биттасини шундай урдимки, у йиқилиб, оёқларини типирчилатиб — оҳ, менинг бошимга офат ёғилди — ўлиб қолди.

— Бу қанақасига бахтсизлик бўлади? — ажабланди Хош.— Итни уриб, тўғри қилгансан.

— Қандай гуноҳ гапларни гапиряпсан! — даҳшатга тушди сўғд.— Ахир, биз учун сигир билан итлар муқаддас, уларни улуғ худо Аҳурамазданинг ўзи асрайди. Мен итни урган пайтимда ўша ердан ибодатхонанинг хизматчиси ўтиб кетаётган экан, у олий коҳинга шикоят қилибди. Қонунга кўра энди мен ўз қўлим билан ёвуз Аҳриманнинг тўрт юз саксонта хизматкорини: қирқоёқ, калтакесак, илон, кана, чаён, мингоёқ каби жирканч ҳайвонларни теришим керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларнинг ҳаммасини тирик ҳолда ибодатхонага олиб келиб, илоҳий қисқичлар билан ўлдириш учун коҳинга беришим керак. Кейин у ибодат қилиб, мени гуноҳдан фориғ этади.

— Бундан ташқари, коҳинга яна қанча тўлашинг керак?— сўради Спитамен.

— Мен коҳинга қўчқор, иккита совлиқ ва саккизта товуқни қурбон қилдим, яна қанча — коҳин билади...

Сўғд нола қилганича, нари кетди.

— Қанақа мамлакат бу!— ажабланди Хош.— Чамаси, бу ерда ит одамдан яхшироқ яшайди, шекилли?

— Буни осонгина билиб олишинг мумкин,— жавоб берди Спитамен.— Тош билан аввал одамни, кейин итни уриб кўр-чи?

Саройга икки хизматкор жиловидан етаклаган, чиройли зийнатланган от минган қария кириб келди. Унинг эгнидаги тўқ-қизил рангли, уқали кийим, учи чўққи намат қалпоқ, қўлидаги олтин қадалган таёқча эътиборли киши эканлигини билдириб турарди. Кумушранг узун соқоли бир текисда моҳирлик билан жингалак қилинган. Қора сурма тортилган кўзлари безовта боқарди.

Юзбоши Будакенга тантали равишда маълум қилди:

— Шаҳримиз ҳукмдорининг ўнг қўли бўлган марҳаматли Фейзавлни ҳамма нарсани кўрувчи Аҳурамазда асрасин!

Хизматкорлардан бири Фейзавлнинг оти ёнида ерга энгашиб турди. Қария қизил тасма ўралган оёғини унинг белига қўйиб, ерга тушди. Бошқа хизматкор қизил, оқ, кўк йўлли кенг соябонни боши узра кўтарди. Фейзавл паст овозда бир неча сўз айтиб, олтинранг таёқчасини кўтарди.

Уни кўриб, эҳтиром билан таъзим қилиб турган сўғдлар ҳар томонга югуриб кетишди.Хизматкорлар гилам ва ранг-баранг ёстиқларни тез олиб келиб, устунлар орасидаги айвонга солишди.

Фейзавл яна кафтига хина сурилган қўлини кўтарди, хизматкор сават келтирди. Фейзавл тантанали равишда ундан узун новдали атиргул ва тўқ сариқ рангли анор меваларини олди. Уларни каттакон, қимматбаҳо нарсадек қўлида кўтариб Будакен томонга йўналди.

— Оқила ва гўзал Рокшанак — ўзининг меҳрибонлик нурлари билан ерни безаб турган шаҳримиз ҳокимининг қизи ташрифига муносабати билан сенга соғлиқ-саломатлик ва ишларингга омад тилаб, ушбуни юборди. У сенга: “Хуш келибсиз!” дейди,— Фейзавл Будакеннинг қўлини сиқиб, унга гул билан анорни берди, сўнгра ёнидаги жангчилар қуршовида ўзини орқага олди.

Будакен Спитаменга ўгирилди:

— Сен бу ерда кўп бўлгансан, буларни нима қилиш кераклигини биласанми? Ейишим керакми ё?

— Йўқ, хизматкорингга бер. У ёнингда гўё сув тўла косани тутиб тургандек, буларни ушлаб турсин.

Будакен Хошга қараб, қошини учириб, амр қилди, у хондан орқароқда гул ва анорни тутиб турди. Будакеннинг юзи тундлашди.

Спитамен Фейзавлга мурожаат қилди:

— Скиф хони Будакен миннатдорчилик билдиради ва ундан атиргул билан анор нима учун юборилганини изоҳлаб беришини сўрайди.

— Малика Рокшанак хон энг гўзал атиргулдек гуллаб-яшнашини, анор донаси қанча бўлса, шунча йил бахтиёр ҳаёт кечиришини тилайди.

Будакен баланд овозда қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди:

— Чўлимизда ҳаммага мен атиргулга ўхшашимни ва тўрт юз йил яшашимни айтаман,— деб қўшимча қилди:— Мен малика Рокшанакни кўришни хоҳлайман. Мен ҳам унга гўзаллиги ва саховатига муносиб совға келтирганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фейзавлнинг кўзлари жавдираб атрофга назар ташлади ва у мулойим улуғвор ишора билан гиламни кўрсатди:

— Аввал анави ерга бориб, онгимиз ва қалбимизга юксаклик, олийжаноблик бахш этувчи ширин суҳбат қурайлик.

Будакен ва Фейзавл гиламнинг икки четига ўтиришди.

— Фейзавлнинг орқасида юзбоши, соябон кўтарган хизматкор ва бир нечта қуролли жангчи туришди. Фейзавл гапни оддий саволлардан бошлади:

— Хонимиз соғ-саломатми? Бурнинг йўғонми?[1] Мускулларинг кучлими? Кўксинг бемалол нафас оляптими?

— Марҳаматинг билан доно шаҳар ҳукмдорининг "ўнг қўли"га ўхшаб яхши нафас олаяпман.

Фейзавл олтин таёқчасини кўтарди — хизматкорлар келиб, гиламга мис патнислар қўйишди. Уларга ширмой нонлар, майиз, бодом, писта ва мумли асал бўлаклари тоғдек уюлганди.

Қулоғига суяк ҳалқа таққан ялангоч қул моғор ва пўпанак босган каттакон хум олиб келди. Бошига сариқ тасма боғлаган, йўл-йўл кийимли кекса хизматкор қўйнидан мис пиёлалар олиб, уларни кўк жун белбоғи учида артди ва хум оғзига ёпиштирилган қатронни пичоқ билан кўчирди, ёғоч тиқинни чиқариб, пиёлаларга қорамтир қуюқ шароб қуйди.

Хизматкор шароб тўла пиёлани олиб, бир неча томчисини чап қўлининг серажин кафтига томизди ва пиёлани Будакенга узатди. Айни вақтда чап кафтидаги шаробни ялаб, бошқа пиёлани Фейзавлга ва скифларга узатаётганда ҳам ана шу ҳаракатни такрорлади. Ҳамма пиёлаларда оғу йўқлигини, шаробни бемалол ичавериш мумкинлигини тушунди.

Фейзавл пиёлани икки қўллаб олар экан, кўзларини кўкка тикиб, оҳангдор овозда хитоб қилди:

— Буюк шоҳлар шоҳини, еримизни ва у улуғ зотни қадрловчиларнинг ҳаммасини Аҳурамазда асрасин! — У бир кўтаришда пиёладаги мусалласни ичиб юборди.

Будакен Фейзавлни кузатиб, ҳаракатларини такрорлашга уринди. Шаробни ичди: у хушбўй, ширин ва ўткир эди.

Будакен савол бера бошлади:

— Шоҳлар шоҳининг саломатлиги қандай? Ҳозир Эроннинг буюк енгилмас ҳукмдори қаерда?

Фейзавл қўлларини ёзди:

— Сиз, саклар, азамат ва донишманд бия соғувчилар, бепоён чўлларда яшайсизлар. Шунинг учун ҳамма янгиликлар сизларга бир йилдан кейин етиб боради. Қайси шаҳаншоҳ ҳақида сўраяпсан? Агар мурувватли Дариёвуш[2] ҳақида бўлса, у энди йўқ, уни Аҳурамазда ўз ёнига, осмонга чақириб олган; унинг оиласи қаердалиги номаълум: ё ҳалок бўлган ёки ундан ҳам ёмони Икки шохли ёвуз томонидан қулликка маҳкум этилган. Шаробдан яна ич, у кўп йил ерга кўмилиб турган, шунинг учун асалдек қуюқ бўлиб қолган.

— Шаҳаншоҳга нима қилди, унга қандай бало ёғилди?— сўрашда давом этди Будакен.

— Шўрхок чўлнинг чегарасидаги бу кичкина шаҳарчада биз нимани билишимиз мумкин? Бизни бошқараётган улуғ одамларнинг буйруғини жимгина кутиб ўтиришимиз керак.— Фейзавл одоб билан кўзларини ерга тикди.

— Ноиб Бесс-чи? У тирикдир, ҳалиям аввалгидек Бақтрия ва Сўғдни бошқараётгандир?

---

[1] Сўғдлар кучли одамнинг бурни, кучли отнинг тумшуғи йўғон бўлади, деб ҳисоблашган.

[2] Д а р и ё в у ш — Искандар мағлуб этган форс шоҳи. Унинг номи юнонлар томонидан Доро деб ўзгартирилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эшитишимча, сен Мароқандга бормоқчи экансан?

— Ҳа, мен Мароқандга, ноиб Бесснинг ёнига бормоқчиман. У бир йил аввал мени меҳмон бўлишга чақирган эди.

Фейзавл бошини чайқади:

— Сен нималар юз берганидан бехабар экансан. Ноиб Бесс энди йўқ. Ушбу оламни улуғ яратувчиси Бессни шаҳаншоҳ этиб, унга шоҳлик тожини кийдирди ва бутун Эронни бошқаришни топширди. Энди Бесснинг олдига, Мароқандга меҳмонга бориш осон иш эмас.

— Агар Бесс шоҳлар шоҳи бўлган бўлса, демак, у ўта адолатпарвардир,— деди Будакен.— Шоҳ эслаб қолиши ва ўз ваъдасини бажариши шарт. Ўйлайманки, Бесс мендан ҳадя сифатида олган машҳур Бўронқушнинг иккита айғирини унутмаган чиқар. У мени уларни кўриб кетишга таклиф қилганига ишонаман.

Фейзавл муғамбирона овозда мулойим гапира бошлади:

— Энди шаҳаншоҳ Мароқандда, уни қаттиқ қўриқлашади: ҳеч кимга алоҳида чақириқсиз ва муҳр босилган ёзма буйруқсиз шаҳарга киришга рухсат берилмайди. Менинг чопарим хат ва илтимоснома билан Мароқандга сени боришинг учун ижозат олиб келгунча шу ерда кутиб турганинг яхши эмасми? Ушанда сен Мароқандга бемалол бора оласан, ахир у энди Эроннинг янги пойтахти.

Будакен бир неча пиёла ўткир шароб ичди. Шароб уни тез сархуш қилди ва Фейзавлнинг гапи ҳақорат, таҳқир бўлиб туюлди.

— Биз, саклар — озод халқмиз, на ноиб Бесснинг, на шоҳлар шоҳининг хизматида эмасмиз. Биз қаерни хоҳласак, ўша ерда яшаймиз: агар ёқмаса, чодирларимизни йиғиб, араволарга ортамизу бошқа қудуққа қараб кетаверамиз. Сен бизни канаю чаёнга тўла ушбу ғишт қопқонда ушлаб қоламан-у, Мароқандга Фейзавл бир ўзи, қўшинларсиз, ўзининг донишмандлигию, айёрлиги туфайли енгилмас Будакен ва йигирмата эркин скифни асир олди деб хуфия хабар юбормоқчимисан? Фейзавл, сен адашяпсан ва Афросиёб юришини аниқ унутиб қўйибсан. Эй, жангчилар, отимни олиб келинглар! — қичқирди Будакен.— Кўраман, ҳамма жангчиларинг билан бирга бир ўзи бутун бир сўғд карвонини олиб кетган Будакенни тутиб қолишга уриниш нима бўлишини!

— Будакен сакраб туриб, жанговар ойболтасини чангаллади-ю, уни шувиллатиб чайқата бошлади.

Фейзавл бир четга қочди ва узоқдан мўралаганича Будакенни жаҳлдан туширишга уринди:

— Шаҳардаги қизиққон аҳоли халақит бермасин деб сени атайлаб шу жойга олиб келдик.

— Бундан баттарроқ жой топа олмадингми? Бу ерга жиннилар кана тергани келади, сен мени жангчиларим билан ўлдиргани олиб келдингми?

— Дарвозани ёпинглар, ҳеч кимни ташқарига чиқарманглар! — деб қичқирди Фейзавл устун орқасини пана қилиб.

— У ерда бутун бир қўшин йиғилган,— қичқиришди скифлар.— Кидрей дарвозадан чиқмоқчи эди, уни найза билан кутиб олишди.

Будакеннинг ойболтаси яна Фейзавлнинг боши узра шувиллади. У титроқ қўлларини узатди.

— Тинчлан, хон! Сен ҳокимимизнинг ёзги саройига кўчиб ўтишинг мумкин. Сен у ерда боғда, дарахтларнинг соя-салқинида бўласан, гиламда ётиб, ширин шафтолилар ейсан. Қўшиқчиларимиз сен учун энг яхши қўшиқларини куйлашади.

— Жангчиларингга айт, дарвоза ёнидан кетишсин, акс ҳолда саклар ёйи қандай учишини, найзаларимиз қандай қилиб бирданига учта одам танасини тешиб ўтишини кўрсатиб қўйишади.

Дарвоза томондан қичқириқлар эшитилди.

— Саклар қутурди! Улар отларини минмоқдалар! Улар ҳозир бизга ташланади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Улала! Улала! — деб наъра тортди Будакен сакларнинг жанговар даъватини айтиб.

— Улала! — баравар жавоб қайтарди йигирмата скиф.

Дарвоза ташқарисида буйруқ овозлари ва отларнинг кўчалар бўйлаб ҳар томонга чопиб кетаётгани эшитилди.

— Мен Курешат ҳукмдорининг донишманд қизини кўришим керак! — Будакен Фейзавлнинг устига бостириб борди.

— Бизнинг аёлларимиз эркаклардан қўрқмайдилар, бироқ сен бошқача эркаксан! — жавоб берди Фейзавл.— Агар уйига кирсанг, Рокшанак сени кўриб, қўрққанидан ўлиб қолади.

— Унинг ёнига сен бошлаб борасан. Биз, саклар болаларга ҳам, аёлларга ҳам ёмонлик қилмаймиз. Мени унинг ёнига олиб бор!

Фейзавл қўлларини кўкка кўтарди:

— О қудратли! Эй, ой ва олтита сайёрани яратувчиси! Кўриб турибсан, мен айбдор эмасман: мени ҳукмдорим Оксиартнинг ғазабидан ўзинг асра!

— Қанақа Оксиарт? — ҳайратланиб тўхтади Будакен.

— Ҳоким Оксиарт — Курашета шаҳри ва вилоятларнинг эгаси. Фақат ҳозир бу ерда йўқ. У шаҳаншоҳ қўшинларига отлар олиб келиш учун кетган. Унинг ўрнига, доно қизи Рокшанак бошқаряпти.

Будакен чодирида Оксиарт пайдо бўлганини ва кейин юз берган воқеаларни алам билан эслади.

— Мени кутиб тур,— деди Фейзавл,— ҳозир малика Рокшанакнинг олдига бориб гаплашиб, кейин жавобини айтаман.

— Қайтиб келишингга ишонсам бўладими?

— Сенга гаров сифатида энг қимматбаҳо буюмларимни: олтин камар, пўлат қилич ёки қаҳрабо маржонларимни қолдираман.

— Бу нарсалар менда ҳам кўп.

— Унда янаям қимматли нарсамни — соқолимни қолдираман...— Фейзавл қулоқларига илиб қўйилган олтин илгакка моҳирлик билан туташтирилган жингалак соқолини олиб, ёш, чиройли сўғдга айланди.

У хизматкорларидан бирига мис патнисга қўйилган қимматбаҳо соқолини ушлаб ўтиришни буюрди. Ўзи эса олтин таёқчаси билан қуллуқ ишорасини қилди ва ясатилган оти томон юрди.

Хизматкорлар уни қўлтиқлаб, айғирнинг думалоқ, ялтираб турган, гиламча ёпилган белига ўтқазишди. Фейзавл қўриқчилари ҳамда аъёнлари билан кенг дарвоза ортида кўздан ғойиб бўлди.

БИЯЛАР СОҒИЛМАЙ ҚОЛДИ

Будакен жун кийимларини ечиб, ялангоч, мускулдор елкасини қуёш нурларига тутиб, сўғдларнинг йўл-йўл чолворини кийди. У кўм-кўк гуллар ва ранг-баранг қушлар тасвири туширилган қизил гиламда ётарди. Тепасида юз йиллик ўрик дарахтининг сон-саноқсиз майда мевали шохлари тарвақайлаб кетганди. Токнинг йўғон пояси илонга ўхшаб, дарахтга чирмашиб, юқори кўтарилган, қуюқ барглар орасидан ялтироқ узум шингиллари кўриниб туради.

Фейзавлнинг бир нечта хизматкори Будакенга бириктириб қўйилган. У хизматкорлардан кўчат қандай экилишини, улардан қанча ҳосил олиб, қандай сақланишини, саройга нималар жойлаштирилишини сўраб-суриштирмоқда эди.

Скифлар отларнинг эгар ва жабдуқларини ечиб, ариқ сувида тер ва чангларини ювишди. Отлар ялтираб, ипакдек товланиб, янги ўрилган сершира майсаларни тортқилаб ейишга тушди.

Карвонсаройга чангга беланган, озғин отда бошқа бир скиф кириб келди. У отни совутиш учун бошини тортиб, устундаги ҳалқага боғлаб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Скиф одоб сақлаб Будакеннинг ёнига келди, қўлларини чалиштириб, белидаги пичоқ сопини ушлаган ҳолда тўхтади. Чангдан қорайган юзида тер томчилари қорамтир излар ҳосил қилганди. Нигоҳи Будакен билан тўқнашгач, скиф гилам четига чўккалаб ўтирди.

— Бияларимнинг аҳволи қандай? Бўронқуш югуриб юрибдими? Қоплон боласи тирикми?— Будакеннинг дастлабки саволлари ана шулар бўлди.

Скиф қўлларини ёйди.

Наматдан қилинган учи чўққи қалпоғи остидан елкаларига узун, чигал соч тутамлари ёйилди.Сийрак соқоллари жингалак бўлиб, осилиб турарди.

— Бай-бай, ёмон! Агар чўпон кетса, подаси дайдиб қолмайдими? Шу заҳоти бўрилар келиб, қўйларни ҳар томонга тортқилайди.

Будакен ҳушёр тортиб, икки қўллаб ушлаб турган шароб тўла пиёлани ерга қўйди:

— Хонзода Гелон ҳамма отарларимни назорат қилишга ваъда берган эди-ку! Хонзода Гелон кетдими?

— Хонзода Гелон қўлидан келганини қиляпти: бир отардан иккинчисига югуради, чарчаган отларни алмаштиради, чўпонларга бақириб, уларни ўзи савалайди, лекин бундан наф йўқ.

— Нега ўзи югуради? Бу — унинг иши эмас-ку. Унинг вазифаси чодир ёнида, соя-салқинда ўтириб, қимиз ичиш ва кутишдан иборат. Ёнига таъзим билан чўпонлар келиб, чўлда нималар юз бераётганини оқизмай-томизмай айтиб беришлари керак. Мен бирор марта чўпонларим орқасидан югуриб юрганмидим?

— Сени йўриғинг бошқа. Сен ҳаммани кенг кафтингда тутиб тургансан. Сен кетганингдан кейин ҳамма онасиз кучукчаларга ўхшаб, ҳар томонга ўрмалаб кетди. Вой-вой, энди ҳолимиз нима бўлади?

Кўчманчи ҳеч қачон бирданига ҳамма гапни айтмайди. Унинг нутқи чўлдаги сўқмоқ каби чалкаш, у асосий мақсадга ўтиш учун гапни узоқдан бошламоғи лозим.

Будакен унга шароб қуйилган пиёлани узатди:

— Аввал сўғд шаробидан ич. Қўрқма. Чўпон ўз қўйлари ёнига қайтади ва ҳамма нарсани тўғрилайди. Хўш, нима юз берди?

Кекса скиф пиёлани олди, мойга ўхшаган қорамтир шаробга бир кўзлаб қиё боқиб, ҳидлаб кўрди:

— Ҳеч қачон бунақа нарсани тотиб кўрмаганман. Ҳаммамизга Папай куч-қувват ва бутун бир сурув фарзанд берсин! — У озгина ҳўплаб, лабларини чўлпиллатди: — Асал қўшилганми? Елкамдаги бошим айланиб кетмаяптими? — Скиф бошини орқага ташлаб, сопол пиёланинг таги кўрингунча кўтариб ичди, кўзларини чақчайтириб, уфлаб, идишни гиламга қўйди.

— Жангда сўғдлар биздан кучсиз, лекин қимиз тайёрловчиларимиз бунақа шароб қила олмайдилар,— деди Будакен.— Қани, энди сен бепоён чўлимизда нималар бўлаётганини, бу ерга келишга нима мажбур қилганини бир бошдан гапириб бер. Исминг нима? Асук эди, шекилли?

— Тўғри, тўғри, Сагул Асук! Қувноқлашиб қолган скиф дарҳол жавоб берди.— Мен туғилганимда отам чодирга ёввойи эчки — асук[1] олиб кирган экан. Шундан исмим Сагул Асук бўлиб қолган. Эсимни таниганимдан буён чўл кезиб юраман, чодирда ўтиришни ёқтирмайман. Ўзинг биласан, уйда ўтирсанг, охиригача еб битирасан, чўлда дайдиб юрсанг — бахтингни топасан.

— Яхши, яхши! Энди давомини айт, қўрғонда олов ёнганда меникига келган сўғд Оксиарт нима қилаяпти?

[1] А с у к — сўғдчада “тоғ эчкиси”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сўғдвачча қимиз бўзани жуда яхши кўраркан. Тўхтовсиз ичади, кейин сакраб туриб югуради, ўйинга тушади, қарияларни ҳам меҳмон қилиб, рақс тушишга мажбурлайди.

— Меҳмон хушчақчақ бўлса, уй эгасининг бахти. Лекин мен ҳали нимадан ташвишланишимни билмай турибман.

— Олтин Сувлоқ хони Будакен, кўрган зарарларинг жуда катта: биялар соғилмай қолди, уюрларинг топтаб ташланган яйловларда боқилмоқда: уларни янги жойларга ҳайдайдиган одам қолмади.

— Хизматкорларим нима қилишяпти? Сўғдвачча билан бирга кайф қилишяпти? Ёки бир-бирларини бошини ейишдими? Ё ўлат тегдими?

— Уларнинг ҳаммаси кетиб қолишди.

Будакен хўмрайиб Асукка тикилди. Паншахадек қўллари беихтиёр гиламни пайпаслаб, қиличини излашга тушди. У яна қандай гап айтилмаганини билиш мақсадида чопарнинг шамоллар ялаган, ажинли юзларига тикилди.

— Яна ич! — деди у тўла пиёлани кўрсатиб.

Қария яна пиёлани охиригача сипқорди, сўнг бирдан тили ечилиб кетди. У Будакенга эгилиб, паст овозда гапга тушди.

— Бир нечта сак бизни йўлдан урди. Нима учун хон Будакенга хизмат қилишимиз керак, дейишди улар. У ҳам бизга ўхшаган скиф эмасми? У ҳам бизга ўхшаб қурум босган чодирда туғилмаганми? Нима учун биз ҳаракат қиламиз-у, ҳузурини у кўради, дейишди.

Отарларига қўй ва тойларни қўшаверади, биз эса эски, чарм иштонда аввал қандай бўлсак, ўшандайлигимизча қолдик ё фақат унга ямоқлар қўшилди,— дейишди.

— Тўғри, тўғри,— дедик биз ўша, йўлдан ураётганга,— лекин қўлимиздан нима ҳам келади? Қуёш ҳам унга кўпроқ нур сочади?

— Ҳаммаси мендан кетиш учун тил бириктиришдими? — хириллади Будакен.

Унинг муштлари тугилди. Хўжайиннинг тийиқсиз феълини яхши билган Хош қилични гилам остига беркитди.

— Нафақат тил бириктиришди,— жавоб берди Асук,— бизни йўлдан уришди. Мен уларга: “У менга нон беряпти” дедим.

— Улар эса: “Сен қўрқоқсан, Асук така! Будакен сенга нон эмас, нон ушоғини беряпти” дейишди. Бир қанча норози саклар биз улоқ чопиб, байрам ўтказаётган кунда яширинча Яксарт қирғоқларига чиқиб кетишди.

— Ўшанда кимлар бўлганди? Ҳаммасини номма-ном айт! — Будакен Асукка ташланиб, бақувват қўллари билан уни гиламга босди.

— Ҳаммасини айтаман, ҳаммасини! Ўзим ҳам ўша ерда бўлдим. Ҳаммадан кўп сенга қарши анави Бўронқуш айғирингни миниб келган овчи гапирди...

Будакен Асукни қўйиб юбориб, ўрнидан турди ва атрофга назар ташлади — скифлар жим тинглаб туришар, кўзлари Будакенга қадалганди. Спитамен йўқ эди.

Скифлар шивирлаб гаплашишарди. Ҳаммаси Асукнинг гапини эшитди, энди хон қандай йўл тутишини кутишарди. Ахир Будакен бошқалар йўлидан бормайди, ҳамма ишни ўз билганича қилади.

Будакен эса кулиб, Асукнинг елкасига қоқди, ҳеч ким у қандай тадбир ўйлаганини англай олмади.

— Ич, Асук! Чўлимизда ҳеч ким сенга бунақа шароб бермайди! Бошқа гапларни ҳам айт. Хизматкорларим қаёққа кетишди. Қайси хоннинг олдига? Айёр қария — Тамирникига эмасми?

Асук шаробга тўйиб олиб, давом этди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тош худо Скрош ёнига алоҳида қўналға қуришди, чодирларини тикишди. “Эркин яшаймиз, ҳеч кимга қуллуқ қилмаймиз!” дейишди. Мен ҳам чодиримни ўша ерга тиқмоқчи эдим, кутиб турай-чи, кейин нима бўларкин, деб ўйладим. Будакен — хўжайиним, у менга нон беради, нима учун унга кўрнамаклик қиламан? Шундай қилиб, Гелон олдингга юборди, ҳамма гапни айтгин, деб. Отимни қоровул қўрғонларида тўққиз марта алмаштирдим. Сени тўхтатиш ва орқага — отарларинг ёнига қайтариш учун тун-кун йўл юрдим.

Будакен қаттиқ кула бошлади.

— Сен, қари калтакесак, бияларимни ўзим соғиш учун қайтиб боради деб ўйлайсанми? Соғувсиз юраверсин — тойчоқларга кўпроқ сут қолади! Сен, кекса Сагул Асук Будакен хизматкорларнинг кетидан от қўйиб бориб, орқага қайтариб келади деб ўйлайсанми? Папай худо менга қанча уюр берган бўлса, бошқаларга ҳам шуни берсин! Олға! Олға! — гулдиради Будакен.— Анави, ясама соқолли ўйинчи қани? Нима, у бизни манави туялар билан бурга тўла саройда шаробга тўйдириб, кейин маст ҳолда арқонга боғлаб ташлайман деб ўйлаяптими? Уни бу ёққа чақиринглар, бўлмаса, қидиришга ўзим бораман...

Қадди-қомати келишган, нофармон кийим кийган, бошига гулдор тасма, янги қўнғир жингалак соқол тақиб олган Фейзавл бу пайтда бир неча хизматкорлар кузатувида саройга қайтиб келмоқда эди. Хизматкорлардан бири ялтираб турган мис патнисда юлдузга ўхшатиб кесилган қовун кўтариб келарди.

Фейзавл эгилаётиб, кафтини пешонасига тегизди:

— Малика Рокшанак манави қовунни тулпор отингга едириш учун юборди. У савлатли ва кучли скиф хонини, шунингдек, довюрак жангчиларни кўрмоқчи. У сизларни кутяпти.

Будакен олтита скифга отланиб, қуролланиб, ортидан боришни, қолганларга юклар олдидан қимирламай, кутиб туришни буюрди. У сўғд чолворини ечиб ташлаб, скифлар кийимини кийиб олди.

— Ҳушёр бўлинглар, отлар олдидан нари кетманглар, қуролларинг ёнларингда бўлсин, сўғдларнинг ширин сўзларига ишонманглар! Саройга етиб борганимиздан кейин бир жангчини чопар қилиб юбораман.

Будакен ва олти жангчи карвонсаройдан чиқиб кетишди, гиламда эса бўш хумчани қучоқлаб ётган Асук ҳамон ғўлдирарди:

— Сагил Асук — ақлли одам. У Будакендан ҳам насиба олади, ўртоқларига ҳам ёрдам беради...

Қолган скифлар Асукни ўраб олиб, Будакеннинг қароргоҳида нима воқеа юз берганини билишга уринишарди.

ШАҲАНШОҲ ГАПИРАДИ

Тор, қинғир-қийшиқ кўчалар, гувала деворлар чўзилиб борар, уларнинг ортига уйлар, ҳовли ва боғлар ястанганди. Ҳовлиларда жўшқин ҳаёт қайнар эди.

Ясси томлар зинага ўхшаб, бир-бирига уланиб кетган. Уларнинг устида аёллар узун кийимлар ва кўм-кўк матоларни ёймоқда эдилар. Қорачадан келган ярим ялангоч болалар деворларга чиқиб, сопқонлардан лой ўқлар отишар ва дарҳол пастга яширинишарди.

Йўлда учраган сўғдлар қуроллари ярақлаган, рангдор кийимли, пишқириб турган тулпор отларда келаётган чавандозларни ўтказиб юбориш учун деворларга қапишиб олишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳар марказидаги майдон ўртасида тошдан ясалган қурбонлик жойи бўлиб, унинг устида енгил тутун сузиб юрарди. Узун оқ кийимли иккита қария қўлларидаги елпиғич билан тутаётган кўмирни елпир эди. Муқаддас оловни ўз нафаслари билан ифлос қилмаслиги учун қарияларнинг оғзи оқ латта билан боғлаб қўйилганди.

Бир томондаги девор ёқалаб, пиёда сўғд жангчилари, бошқа томонда чавандозлар саф тортишганди. Улар юз чоғли бўлиб, ҳаммаси турли кийинганди. Айримлари арқондан, бошқаси чармдан тўқилган совутда эди.

Фейзавл скифлар ва ўз хизматкорлари билан бирга майдон атрофини айланиб ўтиб, минора девори ёнида тўхтади:

— Хон Будакен, ҳозир бу майдонда иботатни, кейин жангчиларнинг юришини кўрасан!

— Бу ерда нималар бўлаётганини кўраяпсанми?— Хош Будакеннинг қулоғига шивирлади.— Орқага қайтайлик. Ўзимизникиларга етиб олишга улгурамиз. Бу ерда юзлаб жангчилар бор. Бизни сўйиб, анави тошда ёндиришади!

Майдон бурчагидаги дарвоза очилди ва карнай, сурнайлар овози янгради. Жуфт-жуфт бўлиб саккизта мусиқачи чиқиб келди. Олдинда сурнайчилар, кейин ноғорачилар, унинг ортидан узун ингичка чарм карнай кўтарган созандалар келишарди. Орқада оқ кийим кийган бир нечта қўшиқчи болалар кўринди. Улардан кейин мункайиб қолган, бош кийими узун, нафармон рангли чакмонга ўралган қария келарди. Иккита ёш коҳин унинг икки ёнидан қўлтиқлаб суяб, учинчиси эса кенг чакмони этагини кўтариб олганди. Энг охирида узун қалпоқли, кенг ёпинчиқли яна уч жуфт коҳинлар чиқишди.

Тантанали маросим қатнашчиларининг ҳаммаси қурбонлик тоши олдига жойлашишди. Мусиқачилар жим бўлишди. Қўшиқчилар оғир чўзиқ қўшиқни куйларди. Тош ёнига қари коҳинни етаклаб келишди, у титроқ қўллари билан ўзига тутилган саватдан бир нечта бутоқ олди, нафаси тошни ифлосламаслиги учун енги билан оғзини ёпиб шохчаларни оловга ташлади. Новдалар чирсиллаб, ҳавога кўм-кўк хушбўй тутун кўтарилди. Кейин коҳин оловга икки пиёла шароб ва ёғ қуйди, аланга ловуллаб ёнди. Ҳамма томлардан баланд хитоблар янгради:

— Агни[1] қурбонлигимизни қабул қилди! Агни бизни севади! Агни ибодатларимизни эшитди!

Ёш коҳин ингичка овозда муқаддас китобдан қадимий қўшиқни айта бошлади:

Юлдузли осмон,
Денгиз гирдоби,
Ҳайвонлар ва худолар,
Девлар ва одамлар —
Ҳаммамиз боғлиқмиз
Ягона кучга.

Кароматли сўзлар
Ҳукмрон ҳар ерда.
Қиличдан ва ўқдан
Қудратлидир сўз.
Тингланг, юлдузлар,
Тингланг шамоллар,
Менинг қўшиғим.

[1] А г н и — олов худоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сеҳрли билим-ла
Эгалланган кучлар
Даъват овозларин
Учиринг елдек...

Коҳиннинг қўшиғи тунд минорада акс-садо таратиб, майдон узра таралди.

Кекса коҳин мумдек сарғайган қўлларини кўтарди, иккала хизматкор унинг мадорсиз қўлларидан ушлаб туришди. Қариянинг олдига узун пергамент ўрамини ёйишди. Майдондагилар бош коҳиннинг кексаларга хос титроқ овозини эшитиш учун жим бўлди.

— Шоҳнинг фармонини тингланг! Шоҳларнинг шоҳи нима деганини эшитинг!

Ерни яратган, тепамизда турган ва устимизга қулаб тушмайдиган осмонни ва унда сузиб юрган булутларни ҳам яратган, инсоннинг фойдасига емишлар ва ичимликларни бисёр этган буюк худо Аҳурамазда Эрон ва унга тобе барча ерларнинг янги шоҳини танлади. Буюк ва муносиб нурли худомизни ардоқловчи Бесс Аҳурамазда олдида дуогўй ва илтимосчи бўлди.

Ҳукмдор Бесс шоҳлар шоҳи, ҳамма ерлар, турли тилда сўзлашувчи халқлар, бахтли еримиз сўғд ва бошқа давлатлар устидан шоҳ бўлади.

Эндиликда унинг номи шоҳ Артаксеркс деб аталади.

У Аҳмонийлар уруғидан, миллати форс, орий, орийлар уруғидан. Бугундан ҳаммага шоҳ Артаксеркснинг ҳукми эълон қилинади: худо Аҳурамазда Бесс Артаксерксни шоҳлар шоҳи қилгани учун бутун халққа шоҳлар шоҳи Артаксерксга бўйсунишни ва номини ибодат чоғида ёдга олишни, улуғ Аҳурамазда ўз ихтиёрига олган шоҳлар шоҳи Дариёвушга, Кодеманга, Вистаспахия ўғлига авваллари бўлганидек ҳар йили туҳфалар келтириш буюрилади.

Шоҳлар шоҳи Артаксеркс айтадики: форс найзалари шоҳлар шоҳи қудратини узоқларга таратади, истакларини бажо келтиради, — хоҳлаган жойини забт этиб, қаршилик қилганларни форслар оёғи остидаги тупроққа ташлайди Ҳозир ёвуз Ахриман ва илоннинг ўғли Икки шохли явуна, киликаса қароқчиси Искандар еримизга ёвуз ният билан бостириб кирди. Аммо жангларда форсларнинг қудратли кучини яксон қила олмади, фақат қутурган бўрига ўхшаб форс ерида дайдиб юрибди, улуғ Аҳурамазда осойишта ва бахтиёр сўғддан икки шоҳли Искандарни ҳайдаб юборишни ихтиёр этди ва у қорли Хараива[1] тоғларига қараб кетмоқда. Ана шу тоғларда у қуртлар еб битирган ифлос шоқолга ўхшаб харом қотади.

Эй одамлар! Аҳурамазданинг иродасига қарши борманглар! Тўғри йўлдан тойманглар, ҳеч кимга ёмонлик қилманглар! Аҳурамаздани ўқинглар!

Кекса коҳин қўлларини туширди. Пергаментни ушлаб турган коҳин ёш уни эҳтиёткорлик билан ўради, пешонасига тегизиб, чарм найчага солди. Қария қўли билан ишора қилди, олтита коҳин қурбонлик қилинадиган тош атрофига саф чекди. Улар узун қалпоқлари билан ерга эгилиб, пичирлаб дуо ўқишди, гавдаларини тиклаб, енглари билан оғизларини ёпиб, қурбонлик тошига бир сиқимдан дон ва қатрон бўлагини ташлашди. Олов янада алангаланди.

— Қурбонлик худо Агни томонидан қабул қилинди! — деб хитоб қилди олтита коҳин ва қўлларини кўтаришди. Уларнинг ўнг кафти тепадан — ниманидир олаётгандек, чап кафти эса пастга узатаётгандек кўринишда эди.

---

[1] Х а р а и в а — Шимолий Афғонистон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурнайлардан нозик куй таралди, ноғора ва чилдирмалар бир маромда олти марта урилди, коҳинлар бирдек ҳаракат қилиб, тош атрофида айлана бошладилар. Улар турли масофада ҳаракатланишар, бирлари тош ёнида бўлса, бошқаси ундан тобора узоқлашиб борарди. Бир текис айланишдан узун, ранг-баранг кўйлакларининг этаги қўнғироққа ўхшаб ҳилпирарди. Қўлларини кўтариб бир хил ҳолатда айланаётган бу руҳонийлар каттакон рангли пирилдоқни эслатарди.

Будакеннинг ёнидан таниш, хотиржам овоз эшитилди:

— Бу осмондаги олти сайёрани англатади; улар ер атрофида айланмоқда; Ой, Ноҳид, Тир, Хурмузд, Брагам ва кўҳна Кайвон[1].

Будакен ўгирилди. Унинг ёнида чавкар отда Спитамен турарди. У қисиқ кўзлари билан айланаётган коҳинларга бепарво ишора қилди:

— Бу дуолар ва айланиш билан улар Икки шохли ҳайвоннинг ҳужумини тўхтатамиз деб ўйлашади. У эса қонга ташна — кундан-кунга бизга яқинлашиб келмоқда...

Будакен совуқ нигоҳи билан Спитаменга ўқрайди. “Заҳарли илон! — ўзича шивирлади у. — Ҳали сакларимни йўлдан урмоқчи бўлдингми? Икки бармоғим билан эзиб ташлайман-ку сени! Афсуски, ҳали менга кераксан!” У ўзини тутди, юзида англаб бўлмайдиган ифода қотиб қолди.

Кекса коҳин хитоб қилди:

— Тўхта!

Зикр тушаётган коҳинлар шу заҳоти тўхташди. Хизматкорлар қарияни кўтариб, елкаларига ўтқазишди. У қўлини пешонасига қўйиб, айланаётган коҳинлар қаерда, қай ҳолатда турганлигига назар солди. Кейин уни яна ерга қўйдилар.

Қария кучли, оҳангдор овозда қичқирди:

— Улуғ Аҳурамазда олтита сайёрани яратган. Улар осмонда абадий сайр қилиб, одамларга қодир худо иродасини кўрсатадилар, келажакдан дарак берадилар ва хавф-хатарлардан огоҳлантирадилар. Катта душман дастлаб бизга жуда яқин келди. Бироқ сайёраларнинг жойлашуви хатар ёнимиздан ўтиб кетишини, бизга тегмаслигини кўрсатмоқда. О Сўғд! Сен қаттол ёв босқинига учрамасдан минг йил бахтиёр яшадинг, келгусида ҳам тақводор сўғдларга омад, бахт кулиб боқади, яна тинч-осуда яшайсан. Қулоқ сол, Фейзавл, сен энди Авшин Оксиартга ўринбосарсан, шоҳлар шоҳи Бесс Артаксерксга мактуб жўнат, туну кун ҳақига дуо қилиб, унга хотиржамлик тилаётганимизни билдириб қўй. Яна ёзгинки, фалакдаги сайёралар ва ердаги ҳаракатлар Икки шохли ҳайвон сўғд диёрини тинч қўйиб, олисдаги тоғларга қараб кетаётганидан дарак бермоқда.

Фейзавл баланд овозда хитоб қилди:

— Шоҳимиз Артаксеркс кўп йиллар соғ-омон яшасин!

Майдондаги коҳинлар ва йиғилган оломон бу сўзларни қичқириб такрорлади.

Пиёда ва отлиқ саф тортган жангчилар Фейзавлнинг ёнидан “Яшасин шоҳлар шоҳи!” деган қичқириқлар билан минора ортидаги дарвозалардан чиқиб, кўздан ғойиб бўлдилар.

Фейзавл ясатилган отини ўйнатиб, Будакеннинг ёнига келди:

— Ҳазрати олийлари, донишмандлар донишманди Артаксеркс фармонини эшитдингми? Энди Сўғдиёна улуғ форс шоҳи ҳимоясида бўлади. Мароқанд — унинг пойтахти. Собиқ ноибимиз Бесс шу ерда туриб бутун мамлакатни бошқаради. Энди Сўғдиёнага бахт кулиб боқади. Агар Артаксеркс номингни эслай олса, марҳамат кўрсатиб, сени тақдирлаши мумкин.

Будакен кенг елкаларини қисди:

---

[2] О л т и т а с а й ё р а — Ой, Зуҳра, Меркурий, Юпитер, Марс, Сатурн.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз, кўчманчилар камбағалмиз, лекин эркин яшаймиз. Бизда на саройлар, на яширилган бойликларимиз бор. Шунинг учун икки шохли ҳайвондан қўрқиб ўтирмаймиз. Қиличларимиз ўткир, отларимиз учқур. Душмандан чўллар ичкарисига кириб қутуламиз ёки шоҳлар шоҳи Қурайшни кутиб олганимиздек, уни ҳам муносиб тақдирлаймиз.

Будакеннинг жавоби Фейзавлга ёқмади, бироқ сўғдларга хос нозик хушмуомалалик ўзини тутишга, норозилигини билдирмасликка унда эди.

— Сени ёлғиз қолдираман, Будакен. Мен бош коҳин айтган башоратлар ҳақида Мароқандга мактуб ёзишим керак. Кўнглингга ором бергувчи боғимга хизматкорларим сени кузатиб қўйишади.

— Малика Рокшанак-чи? — хитоб қилди ғазабланган Будакен. — У сени кутяпти, суҳбатлашиш учун қабул қилмоқчи деб ўзинг айтган эдинг-ку? Гапингга кўниб бу ерга келгандим. Мен билан ҳазиллашмоқчи бўлдингми?

— Ахир сен ҳозиргина, шу ерда унинг қабулида бўлдинг-ку, яна нимани хоҳлайсан? — ажабланиб сўради Фейзавл. — Ана у томда. — Фейзавл қимматбаҳо гиламлар ва қизил безаклар осилган том устини кўрсатди. У ерда ялтироқ кўйлаклар кийган бир тўда аёллар ўтиришарди. — Малика Рокшанак ҳам ўша ерда. У олти сайёра башоратига бағишланган байрам маросимини томоша қилди, сени ҳам, жангчиларингни ҳам кўриб улгурди.

— Бу ерга томда ўтирган малика Рокшанакнинг ёпинчиғини кўргани келганим йўқ. Мен у билан гаплашмоқчиман. Агар буни хоҳламасанг, ўзим уйини излаб топиб, гаплашиб кетаман.

Будакен қайсарлик билан туриб олди, Фейзавл малика чарчади, у жуда нозик, аскарларингдан қўрқади, деб қанча уринмасин, фойдаси тегмади. Фейзавл отига қамчи уриб, Рокшанак турган уй ёнига чоптириб борди. Бир неча дақиқадан кейин томда қий-чув ва югур-югур бошланди. Томдаги аёллар ўтирган жойларида ёстиқларини қолдириб, бир зумда ғойиб бўлишди.

Фейзавл Будакеннинг ёнига қайтди:

— Ҳозир сени Сўғдиёнанинг энг гўзал гули — малика Рокшанак қабул қилади. Улар либосларини алмаштириш учун чопиб кетишди.

МАЛИКА РОКШАНАК

Чавандозлар оқланган, ҳашаматли девор ёнида тўхташди. Дарвоза очилди. Фейзавл ичкарига кириши билан у яна қайта ёпилди.

Скифлар ташқарида кутиб қолишди. Худди уй музлаб қолгандек, ичкаридан биронта товуш эшитилмасди.

Хош Будакенга шивирлади:

— Нега бу қизни кўришни хоҳлаб қолдинг? У қўрқяпти, ҳеч нарсани билмаса ҳам керак. Ҳаммаси анави соқол ёпиштириб олган семиз амалдорнинг найранги бўлса керак.

— Жим бўл, нимани тушунар эдинг.

— Тўртта барваста хотининг бор-ку? Яна биттасини нима қиласан?— Хош бўш келмади. — Ўз ташвишларинг етмаяптими?

— Узоқ сафарга чиққан пайтимда, — тушунтирди Будакен, — кўнглим ҳамма нарсани кўришни хоҳлайди: сўғд аслзодалари уйларида қандай яшайди, гиламлари қанақа, хотинлари ва қизлари қандай кийинишади? Буларнинг ҳаммасини соғ-саломат чодиримга қайтиб боргач, хотинларимга гапириб беришим керак-ку? Агар бу ҳоким яхши яшаётган бўлса, балки мен ҳам чўлда шунга ўхшаган сарой қурарман, қизларимни ҳам шундай кийинтирарман. Қўявер,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўлдагиларнинг ҳаммаси хон Будакен ҳам сўғд бойларидан ёмон яшамаслигини билиб қўйишсин.

Хош танглайин тақиллатди:

— Қанчалик ақлли бошинг бор-а! Лай-лай, вой-вой! Нима учун бундай қилаётганингга сира ақлим етмади-я! Сени яна уйланмоқчи деб ўйлабман.

Дарвоза очилди. Фейзавл кўринди:

— Ичкарига кир, хон, майли, яна бир одам кирсин. Бошқаларга рухсат йўқ: аёллар қўрқишади.

Скифлар саройга киришга унашмади:

— У ерда бизни бўғиб ўлдиришади, — тўнғиллашди улар. — Сен ҳам, хон Будакен, ипак парда орқасидан ханжар ейсан. Саксафар қўшиғини эсла!

Будакен бир ишга қўл урса, ҳеч ким қайтара олмасди. У отидан сакраб тушиб, найзасини Хошга берди. Увишган елкаларини тўғрилаб, оёқларини силтади.

— Ким мен билан боради?

— Рухсат берсанг, мен бораман. — Спитамен ерга сакраб тушди. — Мен сени то Сусгача кузатиб боришга ваъда берганман.

Бошқа скифлар кутишга қарор қилди. Будакен эса эгилиб, Фейзавлнинг ортидан ичкарига қадам қўйди. Спитамен унга эргашди.

Сарой ўртасида мармар тошлари ейила бошлаган тўртбурчак ҳовуз бор эди. Атрофда тўқ-қизил атиргуллар қулф уриб ўсиб ётибди. Сарой айвонига нақшинкор бақувват устунлар ўрнатилган. Кўк ипакдан тўқилган тўрқовоқларда булбуллар ва беданалар безовта типирлашади.

Икки скиф Фейзавлга эргашиб, баланд пахса девор билан ўралган шафтолизор боғдан ўтишди. Шохлари тарвақайлаб ўсган қайрағоч панасида гўё кулранг учбурчак ўйинчоқлар устма-уст қўйиб ясалган-дек, пастаккина уй кўринди. Том ўрнида кичкина гумбазлар дўппайиб турарди.

Узун думларини ёйган тилларанг товуслар ўткир овозда бир-бирини чорлаб, йўлкаларда эркин кезиб, юришарди. Дарахтлар орасида қўлга ўргатилган иккита кийик боласи кўринди. Уй остонасида лунжи осилиб кетган, ажин босган, бўйи баланд, семиз эшик оғаси турарди. Фейзавл қўполлик билан уни туртиб юборди.

Боғ ичкарисидан юракни эзувчи оҳангдор қўшиқ овози келарди. Бир томонда, сояси қалин дарахтлар тагида тўқ-қизил кўйлак кийиб, белига шойи белбоғ, бошларига рангли боғичлар боғлаб олган бир неча хушсурат йигит ўтирарди. Ҳар бири қулоғининг орқасига қизил гул қистириб олган. Улар қўлларидаги удни оҳиста чалиб, майин оҳангдаги қўшиққа жўр бўлишмоқда эди.

Спитамен Будакеннинг қулоғига секин шивирлади.

— Булар бўлажак куёвлар. Уларнинг вақти бемалол. Бизга ўхшаб чўлда ёввойи от овлаб юрмайдилар.

Фейзавл скифларни биринчи кичкина хонага бошлаб кирди. Заиф ёруғлик тепадаги гумбазчадан, безакли панжара билан ёпилган учта думалоқ даричадан тушмоқда эди. Панжара ортидаги устунларга осилган ингичка мугуз чироғдонлар нур таратди.

Кўзлар қоронғуликка ўргангач, деворлардаги мис ва чинни вазалар, коса ва турли рангдор шиша идишларни кўриш имкони туғилди.

Фейзавл гулдор пардани кўтариб, меҳмонларни шундай кичкина хоналардан олиб ўтиб, шифти думалоқ, нақшинкор гумбазли залга бошлаб кирди.

Ерга ранг-баранг гиламлар солинган. Бир томонга баланд, суянчиғи ўймакор нақшли бўш курси қўйилган. Деворга яқин жойда бир-бирининг пинжига суқулиб, ялтироқ кенг кўйлаклар кийган йигирматача аёл ўтирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барча аёллар бирдек ўринларидан туриб, қўлларини пешонаси ва кўкракларига тегизиб, ергача эгилиб, сўғдча салом бердилар:

— Хуш келибсиз!

— Гуллаб-яшнанглар! — жавоб берди Будакен.

Аёллар кўйлакларини шитирлатиб, гиламга чўкдилар, бироқ Будакеннинг ҳар бир ҳаракатидан чўчиб, ўринларидан қўзғалиб, қочишга шай аҳволда қўрқиб ўтирдилар.

— Адолатнинг муносиб ҳимоячиси, ўтир, — аёл кишининг майин овози эшитилди.

Меҳмонлар кўрпачаларга ўтирдилар. Жимлик чўкди.

Гиламда олд қаторда узун кўйлак кийган ёш қизчалар катталарга ўхшаб ўтиришарди.

Будакен аёлларнинг ялтироқ кўйлаклари, упа суртилган юзларига кўз қирини ташлаб, қайси бири малика эканини билолмай карахт эди.

Аёллар ўртасида елкасига юпқа ипак рўмол ташлаб ўтирган семиз аёлнинг савлати бошқача эди. Бошидаги олтин гулчамбарга қадалган олтин капалакчалар титрарди. Будакен унинг қулоқларидаги оғир тилла балдоқлар, олмос тақинчоқлар, семиз билакларидаги олтин билакузуклар ва ҳар бир бармоғидаги узукларга эътибор берди. Кўзларига сурма тортилган, ўсма қўйилган қошлари бир-бирига туташиб кетган, юзларига шунчалик кўп упа сурилганидан ҳамма аёллар бир-бирига ўхшаб кўринарди.

Қизларнинг олдида олтин тақинчоқлар тақиб, кийимига ҳам турли-туман олтин безаклар қадалган дўмбоқ ўғил бола ўтирарди.

У Будакенга тик қараб, жилмайди. Бошқалар ерга қараб жим бўлишди.

Фейзавл одоб юзасидан ҳол-аҳвол сўрашга тушди:

Зоти олияларининг ҳол-аҳволлари қандай? Куч-қувватингиз жойидами? Бошингиз оғримаяптими?

Семиз аёл ҳамма учун жавоб қайтарди:

— Қудратли эгамнинг иродаси ва сизнинг эътиборингиз шарофати билан ҳаммаси яхши.

Фейзавл шивирлаб, Будакендан сўради:

— Балки, хон, сен ҳам бирор нима сўрарсан?

Будакен ҳам шивирлаб жавоб бермоқчи эди, лекин товуши бутун зал бўйлаб гулдираб чиқди:

— Ўртадаги тўладан келган соҳибжамол аёл ким? Ҳукмдорнинг қизи, малика хоним ўша эмасми?

Аёллар ўзаро пичирлашди, ҳайрат хитоблари, бўғиқ кулгилар эшитилди.

— Қанчалик тўла бўлса, шунчалик олижаноб. Бу аёл ҳукмдоримизнинг рафиқаси. Унинг қизи, малика Рокшанак ҳали чиққани йўқ.

Қўр тўкиб ўтирган бегойим кўйлаги ва тақинчоқларини тўғрилаб, ўғил боланинг қулоғига шивирлади:

— Шаҳзода Гистан, Рокшанакка айт бу ёққа чиқсин. Анави скифларнинг мард подшосини жуда ҳам кўргиси келаётган эди.

Бола яшил сахтиён этикчаларини тарақлатиб пилдираб кетди. Безаклар тақилган заъфарон парда аста қимирлади, ортидан норози овоз эшитилди:

— У ҳам мени кўрмоқчи эканми?

Бола қўлига туфлаб пардани қайирди ва қайтиб жойига ўтирди.

Орқасидан озғин, рангпар қиз кўринди. У ҳеч кимга аҳамият бермай, сурма тортилган бодомқовоқ кўзлари билан тепага қаради. Кўкимтир товланиб турган тўлқинсимон икки ўрим қора сочи қулоғи остида бир нечта майда кокилларга айланиб, қаҳрабо маржон осилган кўксига тушиб турарди. Қиз товонига тегадиган бинафша чизиқли

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўқ-қизил кўйлак кийган эди.У оппоқ қўлларини кўкрагига қўйиб, гўё нозик буюмни авайлаётгандек гиламга эҳтиёткорона қадам босиб залга кириб келди.

Малика каттакон ўймакор курси ёнига бориб, ҳорғин ҳаракатлар билан тахтачага қадам қўйди ва оёқларини яшил ипак чолворига ўраб, парча газламадан тикилган ёстиққа суянди. Тўпиғида ингичка олтин ҳалқачалар ялтирарди. Рокшанак гўё ҳамма нарса жонига теккандай Будакендан нигоҳини олиб қочди.

— Менинг гўзалим қани? — безовталанди у.— Уни бу ёққа олиб келинглар.

Парда ортидан қувноқ табассум қилиб, ялтироқ сочлари жингалак, белига йўл-йўл белбоғ боғлаган ҳабаш қизча чиқиб келди. У бурнига феруза кўзли мис булоқи тақиб олганди.

Ҳабаш қизча каттакон кулранг эчкиэмар боғланган занжирни тутиб турар, эчкиэмар эса гоҳ олдинга интилар, гоҳ ён-атрофга қочишга уринарди.

— Унга пашша бер,— буюрди Рокшанак.

— Хабаш қизалоқ тўқима саватидан яшил чигиртка олиб, гиламга қўйиб юборди. Чигиртка сакради, эчкиэмар ҳам сакраб, уни ҳаводан тутиб олди.

— Ҳадянг учун миннатдорман,— ғўлдиради Будакен.

— Қанақа ҳадя? — Рокшанак ажаблангандай чўзиб гапирди.— Мен унга ҳадя юборганмидим? — у Фейзавлга мурожаат қилди.

— Довюрак хон келганини эшитганимдан кейин унга сенинг номингдан атиргул новдаси ва етилган анор донасини совға қилдим.

— У менга қовун ҳам юборди,— қўшимча қилди Будакен.

— Фақат битта қовунми? — хитоб қилди Рокшанак.— Шундай катта одамга биттагина қовун юбориш мумкинми? Фейзавл сен унга қовун ва анор ортилган катта туя юборишинг керак эди.

Аёллар кулиб юборишди, ўғил бола эса бармоғи билан Будакенни кўрсатиб, Фейзавлга:

— У сендан кучли экан,— деди.

Рокшанак бепарволик билан:

— Сизларда бияларни эркаклар соғиши тўғрими? — деб сўради.

— От гўшти ейсизларми?— қўшимча қилди онаси.

— Биз отларимизда чўл бўйлаб елиб юрамиз, улар бизга емиш берадилар ва биз ўзимиз севган нарсани еймиз.

— Сизларда ҳам мана шунақа калтакесаклар борми? Уларни ўлдирасизларми?

— Бизда тўлиб ётибди,— жавоб берди Будакен.— Бироқ уларга тегиш мумкин эмас: улар бизга дўст — заҳарли илонларни тутишади.

— Сенинг ҳам мана шунақа уйинг борми? — Жим турган Спитаменга эринибгина мурожаат қилди Рокшанак.

— Биз кўчманчилармиз, уйларимиз ҳам ўзимиз билан кўчиб юради.

— Нима учун? — Рокшанакнинг хаёллари олисда эди, қиз товус пати билан эчкиэмарнинг жиғига тегар, у эса вишиллаб, томоғини шиширарди...

— Бизнинг отларимиз ва қўйларимиз янги жойларни ёқтиради,—жавоб берди Спитамен.— Қишни битта водийда ўтказамиз. Баҳорда ер қизийди, қизғалдоқ, қизил, тарғил лолалар ва мовий ранг гулсапсарлар гуллайди, жанубга учиб кетган қушлар қайтиб келади, шунда ҳамма кўчманчиларнинг қалби қизиб, чодирларни йиғишга шошиламиз, кейин бир неча кун йўл босиб, узоққа, дарё қирғоғига ёки тоғ этакларига, тошлар орасидан тоза булоқ сувлари жилдираб оқиб турган жойларга борамиз. У ерда яна чодирларимизни қурамиз, молларимизни топ-тоза

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтлоқларга қўйиб юборамиз. Шундан кейин тез кунда отларимиз, қўй ва буқаларимиз ялтираб семириб, дум-думалоқ бўлиб кетади, жунлари ўсади.

Рокшанак чапак чалиб юборди:

— Ана буниси менга ёқади. Мен бу ерда, деворлар орасида зерикаман. Дунёни кўргим, охири йўқ, бутун ер юзига чўзилиб кетган йўлларни босиб ўтгим келади. Улар эса мени у бошқа аёлларни кўрсатди боғда увиллаётган болалардан бирига эрга беришмоқчи, у мени ўз минорасига қамаб, бир умр дераза орқасига ўтқазиб қўяди.

— Дунёни кўриш учун нега сафарга чиқмайсан?— сўради Спитамен.

— Мен? Бир ўзим кетаманми? Сочларимни ким ўриб қўяди? Баданимга ким хушбўй мой суради? Йўқ, мен улуғ Аҳурамазда дуоларимни ижобатга олиб, мени олис мамлакатлар оша осмон ер билан туташадиган жойгача олиб борадиган қудратли одам юборишини кутаман.

— Мен бир аёлни биламан,— деди Спитамен,— у ҳеч қандай қудратли одамсиз, бир ўзи боласи билан бирга қулликка сотилган эрини қидириб топиш учун бутун Эронни Мароқанду Бобилни пиёда кезиб чиққан.

— Демак, у гадойга ўхшаб, пиёда юрган-да?— Рокшанакнинг лаблари истеҳзоли қийшайди.

— Ҳа. У қиздирилган мих билан юзларини таниб бўлмас даражада куйдириб, йўлда бирортаси тегмаслиги учун моховга ўхшаб, йиртиқ чойшабга ўралиб олган, тиланчилик қилиб, ўзини ва боласини боққан.

— Кейин, у Бобилдан эрини топдими? — аёллардан бири сўради.

— Ҳа, у эрини топиб, қочишига ёрдам берди ва биргаликда Мароқандга қайтишди. У менинг онам эди.

— О, бахтли экан! — хитоб қилишди аёллар.

Бироқ Рокшанак елкасини қисиб, Спитамендан юз ўгирди ва Будакенга мурожаат қилди:

— Нега бунчалик ғамгинсан?

— Ўғлим шоҳлар шоҳининг даъвати билан урушга кетган эди, асирга тушиб, қулга айланибди.

— Менинг ҳам қалбим ғамга тўлди, мен унга ачинаман...

— Агар ўғлим озод бўлганида,— паришон гапирди Будакен,— у сенга дунёнинг ярмини кўрсата оларди.

— Лекин мен уни бунча узоқ кута олмайман-ку! Бу уйда зерикиб кетдим.

Фейзавл суҳбат поёнига етганини сезди ва Будакенга шивирлади:

— Маликага совға бермоқчи эмасмисан?

Будакен қўйнига қўл солиб, қизил ва қора тасмадан моҳирлик билан тўқилган чарм қутичани олди ва Фейзавлга узатди. У белидан яшил ипак рўмолни тортиб чиқариб, унга қутичани қўйди, ўрнидан туриб, икки букилиб таъзим қилганича, майда қадамлар билан Рокшанакнинг ёнига борди. Тиззалаб ўтириб, ҳадяни унга узатди. Рокшанак лабларини истеҳзоли қийшайтириб, упа билан оқартириб, тирноқлари бўялган ингичка бармоқлари учида қутичани олди, очиб, ичига қаради, яна ёпиб, қўлида айлантириб кўрди. Кейин яна очиб, ундан скиф усталари ингичка олтин симчадан жимжимадор қилиб ясаган олтин зирак, узук ва қадама безакни олди.

У тақинчоқларни айлантириб кўриб, бетоқатлик билан қичқирди:

— Нимани кутаяпсизлар? Менга кўзгу берсаларинг-чи?

Ҳабаш қизча парда орқасига югурди ва у ёқдан пардоз берилган узун дастали, кумуш кўзгу билан гулдор чинни косада сув олиб келди. Рокшанак кўзгуни сувга ботириб[1] ҳабаш қизчага тутқазди, ўзи олтин тақинчоқларни тақиб кўра бошлади.

[1] У пайтларда кўзгу бўлмаган, металлни силлиқлаб кўзгу ясалган, унга қарашдан олдин сувга ботириб олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жудаям яхши! — деб хитоб қилишди аёллар. — Сен гўзалсан! Скифларнинг маликаси бўлсанг арзийди!

— Албатта, арзийди,— беписанд жавоб берди Рокшанак.— Ҳамма мени яхши кўради. Бироқ, скиф шоҳи ўлса, хотинини ҳам марҳум билан бирга кўмишади. Шунинг учун скиф маликаси бўлгим келмаяпти.— У дилкаш овозда Будакенга мурожаат қилди. — Мен ярим йил кутаман: агар шу вақт ичида ўғлинг қайтса, менинг ёнимга, бу ёққа келсин. Уни кўриб кейин сен яхшимисан, ё ўғлингми — айтаман.

У ингичка қўлларини кўтариб, билакузукларини жаранглатганча, солланиб қадам ташлаб парда ортига яширинди.

Унинг изидан ҳабаш қизча билан эчкиэмар ҳам ғойиб бўлишди, боғдан эса куёвларнинг қичқириб айтаётган қўшиқлари эшитилди.

Фейзавл эҳтиёткорлик билан ўрнидан турди. Будакен ҳам оёқларини йиғиштириб, оғир қўзғалди.

Ҳамма аёллар сакраб туриб, бир овоздан қичқиришди:

— Худо паноҳида асрасин!

— Саломат бўлинглар!— жавоб қайтаришди чиқиб кетаётганлар.

Улар қалампирмунчоқ ва мушк ҳиди ўрнашиб қолган кичик хоналардан ўтиб, ҳовлига чиқишди. Қуёшнинг ёрқин нурлари кўзларини қамаштирди. Дарвоза орқасида сояда ўтирган скифлар сакраб туриб, Будакенга отини келтирдилар. Улар йўлга тушиб, тор кўчадан тизилишиб кета бошладилар.

Хош Спитамендан сўраб-суриштирарди:

— Малика Рокшанакнинг Сўғддаги энг ақлли ва чиройли қизлиги ростми?

Спитамен ўйлаб туриб жавоб берди:

— Эртакларда ҳамиша шоҳнинг хотини ёки қизини ҳаммадан ақлли ва гўзал деб таърифлашади. Рокшанакнинг гўзаллигини куйлаётган йигитлар жаннат боғига тушаман деб ҳоким Оксиартга куёв бўлишга ошиқишмоқда. Аммо Рокшанак ҳеч бўлмаганда уч дона буғдой донасидан ун қилишни, эчки соғишни билармикин?

Хош хўрсинди:

— Буларни бизнинг хотинларимиз — камбағалларнинг хотинлари билишлари керак. У ахир, малика-ку! Малика ишлаши лозимми?

Спитамен Хошга ғижиниб қаради:

— Сен, таъмагир, нуқул хоннинг қулоғига шивирлайсан. Мана, тийилмаган тилимни кесиб ташла деб яна шивирлаб кўр-чи!

* * *

Скифлар карвонсаройга яқинлашганда, Спитамен Будакенни тўхтатиб, ингграб фарёд солаётган бир одамни ушлаб кетаётган қуролланган иккисўғдни кўрсатди. Ушланган одамнинг юзи қора қонга беланганди. Бурнига суяк тиқиб, унга арқон боғланган қўллари орқага қайрилган

— Катта жиноят қилганми? — сўради Будакен.

— Чапақай Шеппе! Сен туфайли ҳалок бўлаяпман, мени қутқар! — қичқирди бечора.

— Пайпоқчи Кукей! Сени нима қилишди? — хитоб қилди Спитамен.

У олға ташланиб, Кукейни судраб кетаётган иккала сўғдни қамчи билан қулочкашлаб ура бошлаган эди улар жуфтакни уриб қолишди. Спитамен отдан сакраб тушиб, пичоқ билан арқонни кесди.

— Бурнимдаги суякка тегма,— ингради Кукей.— Яна қон кетади.— Кукей от жиловига ёпишди.

— Энди сендан ажралмайман, сизлар билан бирга кетаман, бўлмаса, мени ўлдириб юборишади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кукей, бурунсиз ҳам, яшайверасан — шу ҳам ташвиш бўптими?— скифлар Кукейни юпатишди.— Сени олибкетамиз, ҳеч ким сенга тегмайди! — Улар йиғлаётган Кукейни қўлтиқлаб саройга кирдилар.

“СЕНИ СЕВАМАН, ЖОНИМ!..”

Сак чўлларидан келган меҳмонлар кетишгач, Рокшанак катта хонага қайтиб кирди. У кафтларини чаккасига босганича қалтираб ҳозир йиқилиб кетадигандек чайқаларди. Доира бўлиб ўтирган аёллар ўз таассуротларини қизғин муҳокама қилишарди:

— Бу семиз скиф хон бўлсаям, ўзини тутишни билмас экан, қўлини силкитиб, қулоғини қашийвераркан.

— Лекин отлари шаҳримиздаги одамлардан кўп!

— Рокшанакимиз қандай ажойиб суҳбатлашди — нақ маликанинг ўзи! У малика бўлишга яралган!

— Агар Рокшанак ана шу хонга турмушга чиққанда ҳамма скифларга малика бўлиб, олтин уқалик қизил кийимлар кийиб юрарди.

Рокшанак инграб юборди:

— Чуғурлайверманглар! Ўлаётганимни кўрмаяпсизларми, ахир!

Она малика ва бошқа аёллар сапчиб туришиб, қўрқув билан Рокшанакни ўраб олдилар.

— Сенга нима бўлди, жоним? — шивирлади онаси, — анави ёш скиф жуда ёмон тикилганди, кўзи тегдимикин? Балки, анави, “бир яримта одам” совға қилган тақинчоқ афсун қилингандир, ўша сенга касаллик олиб келгандир? Ахир скифлар биз, сўғдларни ёмон кўришади.

Рокшанак тоқатсизланиб, нозик қўлларини силкитди, қўлидаги билакузуклар асабий жиринглади.

— Йўқ, йўқ! Ҳечам ундай эмас!

— Унда, нима? Айт, жоним менинг!

— Ҳеч нарсани кўрмайсизлар, сезмайсизлар: бу ёввойи одамлардан худди йилқи уюридан келаётгандек сассиқ ҳид келди.

Ҳамма аёллар бир-бирларига қараб, қўлларини силкитишди:

— Мана бу ҳақиқий малика! Биз ҳатто сезмаган нарсадан у қанчалик изтироб чекяпти! Лекин улар кетиб бўлишди-ку, нега қийналасан?

— Улардан кейин хонада чидаб бўлмайдиган аччиқ булут қолганини сезмаяпсизларми? Мушк билан атир келтиринглар! Бирор нарса қилсаларинг-чи ахир, бўлмаса, бўғилиб ўламан!

Ҳамма югуриб қолди. Ёниб турган манқал олиб келишди. Тутаётган хушбўй илдиздан ҳаворанг тутун кўтарилди. Онаси дуо ўқиб, кўмир чўғига қуритилган бўтакўз поялари ҳамда заъфар кукунини ташлади. Хизматкорлар хонага тоза сув сепдилар. Ҳаммалари Рокшанакни эҳтиёткорлик билан хонасига олиб кириб, юмшоқ ўринга ётқиздилар. Кичкинтой ҳабаш қиз елпиғич билан елпиб турди. Ҳатто севимли эчкиэмар ҳам Рокшанакка ёқмай қолди. Уни олиб чиқиб кетишди.

Онаси ҳамма аёлларга жавоб берди ва Рокшанакнинг ёнида, гиламда майиз ҳамда асал қўшилган кулча турган идишни қолдириб, аста чиқиб кетди.

Ҳабаш қизча катта маликанинг ортидан эшикни ёпиб, илгагини солди-да, Рокшанакнинг ёнига қайтди.

— Ҳаммалари кетишдими? — ингради Рокшанак.— Улар мени куёвлару меҳмонлари билан қанчалик қийнаб юборишди! Сен эшик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнида пойлаб ўтир. Агар эшикни тақиллатишса, малика касал, уни безовта қилиш мумкин эмас, дейсан.

Ҳабаш қизча беморга қўрқув билан қараб, гилам парда ортида яширинди.

Шундан кейин Рокшанак сакраб туриб, мушукка ўхшаб товуш чиқармасдан хонада юра бошлади. Гилам остидан бир тугунча чиқарди, девордан кичкина ханжарни олиб, ипак белбоғига қистирди; тиркама нарвон билан осонгина шифтга кўтарилиб, мовий осмон ҳамда юлдузлардан ёришиб турган тўртбурчак туйнукдан томга чиқди.

Уйқуга кетаётган шаҳар илиқ туннинг ўзига хос шов-шувига тўла эди. Беданалар тиним билмай сайрашарди. Узоқдан янграган майин қўшиқ мусиқа оҳангларига қоришиб кетарди. Даладан шоқолларнинг улиши эшитилиб, бирдан жим бўлиб қоларди.

Каттакон тўқ-сариқ юлдуз ёғдусида Рокшанакнинг ҳаворанг кўйлаги ялтираб кетди. У том лабига келиб, текисликка бир текис сочилган уйларнинг бирин-кетин сўнаётган оловларига тикилди. Уларнинг ортидан самода тоғ ўркачлари чизиқлари аниқ кўриниб турарди.

У пастга, анор буталари, ёш шафтоли дарахтлари қатор чўзилиб кетган боққа қаради.

Буталар орасида чигиртка чириллади. Рокшанак тугунчани ечиб, томдан пастга эҳтиёткорлик билан ипак нарвонни туширди, бир учини девордан туртиб чиққан ёғочга боғлади. Номаълум бир соя томга тирмашиб чиқди ва шамол эпкинидек, Рокшанакка яқинлашди.

— Бу мен, қошинг камонидан отилган ўқдан яралланган фироқман. Том устида қизил ёпинчиғингни кўрмай уч кечаю уч кундуз азоб-уқубатда ўлдим. Энди шу ердаман, жоним! Сенинг даъватинг билан келдим, сен учун ўлимга ҳам тайёрман.

Титроқ қўллар Рокшанакнинг елкаларига теккан эди, тақинчоқлар жаранглаб кетди.

— Бу ёққа кел, Фироқ. Биз бу ерда, олмос юлдузлар остида қоламиз, сен менга кўп нарсаларни гапириб берасан. Бугун сени тинглашни хоҳлайман... Узоқ мамлакатлар ҳақида гапириб бер. Мен шовқин-суронли шаҳарларни, қизил қанотли кемалари бор кўм-кўк денгизларни кўришни истайман...

— Мен хон эмасман,— шивирлади йигит,— бойликларим йўқ, бир қашшоқ қўшиқчиман, одамлар қўшиғимни тинглашни ёқтиришади. Бу қўшиқлар сени ҳам, мени ҳам боқади. Бу ердан қочиб, олис юртларга кетамиз. У ерда мен порлаб турадиган кўзларинг, нозик қоматинг, қоплондек енгил қадам ташлаб юрганингда билак-узукларингдан чиқадиган садолар ҳақида қўшиқ айтаман. Одамлар оғир кумуш тангачалар ва ялтироқ олтин дариклар[1] беришади.

— Сен билан кета олмайман. Қашшоқлар кийимини кийиб, чанг кўчаларда юра олмайман. Бироқ қўшиқларингсиз яшашни ҳам хоҳламайман. Отам мени Мароқандга, янги шаҳаншоҳ қаллиқ қидираётганда олиб бораман, деди. У агар ақлли ва тадбиркор бўлсам Эрон маликаси бўлишимни айтди. Отамнинг қанчалик қаттиққўллигини биласан. Агар айтганига кўнмасам, мени “сукунат минораси”га[2] ташлайди. Энди ортиқ бундай яшай олмайман... Бу нима? Бармоқларимга кўз ёшларинг оқиб тушаяпти. Сен куйинма, мен сени унутмайман, сени ҳам ўзим билан олиб кетаман: сен шоҳ саройида

---

[1] Дарик — форс тангаси.

[2] Сукунат минораси — вафот этганларнинг мурдасини йиртқич қушлар ейиши учун қўйиладиган дафн жойи. Бундай миноралар қолдиқлари Эрон ва Ўзбекистон ҳудудларида (Хўжанддан шимолда, Мўғул тоғларида) ҳали ҳам мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиқ айтасан, мен сени чақирсам, карвонлар қанча интилмасин, ета олмайдиган жаннат боғлари ҳақида қўшиқ айтасан...

— Биргаликда ўлиб, мангу уйқу қанотида ажойиб боғларга учиб кетамиз!

Дарвозанинг қаттиқ тақиллатиш ва қичқириқлар Рокшанакни чўчитиб юборди. У йигитнинг қучоғидан юлқиниб чиқиб, том четига югурди. Боғ йўлакларида тўқ сариқ фонар кўтарган одамлар юришарди.

— Бу — отам! Унинг овозини биламан! У бемаҳалда қайтибди. Нима қилиш керак? У бу ёққа келяпти! Агар у бизни кўриб қолса шармандалигим ҳақида бутун шаҳарга гап тарқалади.

— Ҳозир биргаликда ўламиз!..

— О, менинг бебаҳо Фироғим! Ҳа, ўламиз! Мана, менинг ханжарим!

Йигит ханжарнинг учини кўксига қадаб, унга ўзини отди.

— Сени севаман, жоним!— деб шивирлади совуб бораётган лаблар.

Рокшанак йигит ёнига тиз чўкиб, юрагига қулоқ солди:

— Энди нима қиламан? Қандай қутулай? Ўлим нақадар қўрқинчли! Нега бундай қилди у?

Боғдан чиққан овозлар уйни айланиб ўтиб, пастдаги хона ичидан эшитила бошлади.

Рокшанак ҳолсизланганича нима қиларини билмай, кутиб ўтирди... Хона дарчаси ғийқиллади ва томнинг тўртбурчак туйнугида Оксиартхоннинг ёруғ тушиб турган юзи, сўппайган бурни, жингалак соқоли, узун сочлари чиқиб турган намат қалпоғи кўринди. Оксариат мулойим кулиб турарди. Кетма-кет кекса ҳарам оғаси, бадқовоқ Факфал томга кўтарилди.

— Шу ердамисан, Рокшанак? Девлардан ёки касалликлар тарқатувчи хавфли тунги шамолдан қўрқмасдан томда юрибсанми? Демак, тузалиб кетибсан. Ўзинг айбдорсан, нима учун ёввойи қароқчи сакларни қабул қилдинг? Мен уларни қиймалатиб сиртлонларга ташлаган бўлардим. Тасаввур қил, анави хон Будакен мени оддий асир ўрнида кўрди. Фақат куёви, аслзода Гелон от билан кузатувчи бериб, озодликка қўйиб юборди. Бунинг учун унга кўҳна шароб, олтин ва чўрилар юборишга ваъдалашганман. Ие, сенга нима бўлди?.. Оқариб кетибсан... Қўлларинг, кийимларинг қон. Қаердан тегди?

Рокшанак ерга қараб, зўрға жавоб берди:

— Бу ёққа, томга қандайдир қароқчи чиқиб, менга ташланди. Жангчининг қизиман-ку, унга ханжар санчдим. У йиқилди...

Рокшанак чайқалиб кетиб, гиламга ҳолсиз ағдарилди. Оксиарт саросима билан бир қизига, бир ҳарам оғасига мўлтираб қаради. Қул ўзини йўқотмай, кўрсаткич бармоғини кўтарди:

— Жим!

— Фанфал, ярамас қўй! Каллангни оламан!

— Бекорга дағдаға қилаяпсан!

— Нега ҳушёр қарамайсан? Нимса қилиб ўтирган эдинг?

— Рокшанак хоним менга ҳарамдаги аёллар санғиб юрмасин, қўшиқ айтишмасин, валақлашмавермасин деб буюрган эди. Буйруқни бажариб, кузатиб юрган эдим — унинг доно боши оғриётганди.

— Лекин менинг буйруғимга кўра — ҳарамни қўриқлашни унутиб қўйдингми?

— Йўқ, мен, боғда ҳам бўлдим, у ерда чигиртка қўшиғини тингладим.

— Бирор нарсани кўрдингми?

Чигиртка томга чиқаётганини кўрдим.

— Уни тутишга нега ҳаракат қилмадинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Отларнинг туёқ товушини эшитиб, истиқболингга югурдим ва сени бу ерга, томга бошлаб келдим. Мана, ўша қароқчи ётибди... Ие, бу ўзимизнинг беғам қўшиқчимиз Фироқ-ку! Секинроқ гапир, жаноб!

— "Секин гапир" деб менга ақл ўргатасанми? Хизматкорларни чақириб, бу жирканч мурдани майдонга олиб бориш керак. Ибрат бўлиши учун тўрт нимта қилиб осиб қўйишсин!

— Йўқ, жаноб! Ундай қилиб бўлмайди. Ёвуз тиллар энг пок нарсани қоралашдан роҳатланишади. Содиқ хизматкорларинг олиб, бу чигирткани "Сукунат минораси"га элтиб қўйишсин. У ерга уч киши кириб, бир киши қайтиши лозим.

— Сен менга содиқсан, Фанфал. Буни унутмайман! Ҳаммани ухлатиб, бу ишни ўзинг бажарасан. Энди эса ана шу пок хилқатни ерга туширган малика ойимни чақир! Меҳрибон маликага ёрдам беришимиз керак. У касал. Уни эҳтиёт қилишимиз зарур.

"СУКУНАТ МИНОРАСИ"ДА

Карвонсарой дарвозасига келганда, Будакен от жиловини тортиб Хошни чақирди.

— Қўй эти қовуришни буюрасанми? Ё барра қўзичоқни сутда қайнатиб берайми? — Будакеннинг кўзларига тик қараб сўради кекса хизматкор.

— Сен нима деб ўйлайсан, қай бири маъқул? — хон Спитаменга мурожаат қилди.

— Энг яхшиси — ҳозироқ юкларни ортиб, бу ердан кетиш! — шивирлаб жавоб берди овчи.— Деворлар биз томонга силжиб келяпти, уларнинг ортида хиёнат бор.

— Худди шундай бўлсин!— жавоб берди Будакен.

— Бунга кеч қолдик,— гапга аралашди Хош,— дамбалар кўтариб қўйилган, зовур сувлари далаларга қўйиб юборилган. Уватларни топа олмаймиз, отлар ботиб қолади.

— Ҳозир йўлга тушамиз, йигитларни ишга сол! — ғўлдиради Будакен.

— Буйруғинг бош устига! — Хош таъзим қилиб, Будакеннинг оёқларига қўл теккизди. У кўзи билан Спитаменга ишора қилиб, шивирлади: — Унга ишонма!

— Ўз ишингни қил! — бақирди Будакен.

— Қиламан, қиламан!— ғўлдиради Хош ва дарвозага қараб чопиб кетди.

* * *

Скифлар деворнинг нураган жойидан турнақатор тизилиб чиқиб кетишаётганда қоровул минораси учида сўниб бораётган шафақнинг қизғиш шуълалари яллиғланиб турар, тор кўчаларда узун соялар тебранар эди. Улар девордан ўтиб, Шўр бел тоғларига олиб борадиган йўлга чиқишди. От устига боғлаб қўйилган Асук шунчалик маст эдики, ҳеч нарсанинг фарқига бормай фақат:

— Асук — ақлли одам, у Будакендан ҳам ақлли! — деб тинмай ғўлдирарди.

От жиловидан қоровул Кукей ушлаб борарди. У Фейзавл, айғоқчилари таниб қолмасин деб юзига кўк латта боғлаб, скифлар чакмонига ўралиб олганди.

Дарвоза яқинида ўтирган иккита сўғд ўтиб бораётган скифларнинг ғалати ола-чипор кийимлари ва жундор отларига оғизларини очиб, қараб қолишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Скифлар бўм-бўш йўл бўйлаб тоғ томонга кўтарилиб боришди. Қоядор тоғ тизмалари шафақдан қизарган осмонни тўсиб қўйгач, Спитамен тўхташга ишора қилди. Олдинда сув қўйиб юборилган ям-яшил ғўза майдони ястаниб ётарди. Қуёш нурлари ва чангдан қорайиб кетган, йиртиқ жулдур латта-путта танасини аранг тўсиб турган бир нечта деҳқон узун хода кўтариб, зовур сувларини далага тўғриламоқда эдилар. Оқшом сукунатида уларнинг қичқириқлари баралла эшитиларди.

Скифлар шу ерда юкларни тушириб, отларнинг оёқларини тушовлаб қўйишди. Чор атрофда сариқ чой ўти ва бошқа гиёҳлар ўсиб ётарди.

Ён томонда пастак, томи йўқ минора кўриниб турарди. Унга ёпиштириб пахса деворли уйча қурилганди.

Скифлар учта гулхан ёқишди, ерга найзаларини санчиб, олов атрофида давра қуриб ётишди.

— Анави қанақа минора? — сўради Будакен.

Спитамен пешонасини тириштирди:

— Бу — "Сукунат минораси". У ерда итлар, қарға-қузғунлар марҳумларни ейишади. Ўлсанг, бошқа ерда ўлгин, бу ерда ўлишни ҳавас қилма.

— Нега бу итларни ўлдириб ташлашмайди?

— Нима деяпсан? Булар муқаддас итлар. Уларга қўл кўтарган одамни ўлдиришади. Минора ёнидаги уйчада кекса авлиёлар яшайди, олдин улар марҳумга атаб дуо ўқийдилар, кейин мурдани итлар олдига ташлайдилар.

— О улуғ Папай! — хитоб қилди Будакен ва чап елкасидан ошириб уч марта туфлади.— Мен сўнгги марта осмонда Темир қозиқни кўриш, шамолнинг увуллашини эшитиш ва отлар уюри нафасини ҳис қилиш учун, жанг майдонида ўлишни афзал кўраман. Бу ерда ўлгандан кўра камбағал-қашшоқ бўлиб, чўлда дайдиб юрганга не етсин. Чўлга етиб борганимиздан кейин итлари марҳумларни қандай ейишини гапириб берамиз. Хон Тамир бунақасини тушида ҳам кўрмаган чиқар. Минорага бориб келсак бўладими?

Ой чиқди. Гулхан оловида исиниб ўтирган скифлар мудрай бошлади. Будакен ва Хош "сукунат минораси" томон йўл олдилар: олдинда Спитамен сув тўла тўртбурчак майдондаги эгатлар оралаб, йўл бошлаб борарди. Улар сув шиддат билан оқаётган зовур ёқалаб, ариқлар устидан сакраб анча юришди. Ойнинг мовий нурлари текисликка ёйилган, экин экилмаган ерларда ҳар хил ҳайвонларнинг шарпаларини иғаш мумкин. Қора минора олдинда ёлғиз шумшайиб турибди. Минора ёнидаги уйчада олов липиллайди. Скифлар минорага яқинлашган сари бўғиқ увиллаш ва унга жавобан жарликдаги юзлаб шоқолларнинг шовқин ва ангиллашини эшитдилар. Энсиз тош зина минора тепасига олиб чиқарди. Спитамен яхлит тошлардан йўниб ясалган каттакон зиналардан секин кўтарилди. Минора тепасида шитирлаш эшитилди, қора шарпалар улкан қанотларини потирлатиб қоқиб, визиллаб учди. Скифларнинг боши устида қузғунлар айлана бошлади.

Будакен қиличини чангаллади, Хош зинага ўтириб олиб, у ёғига бормайлик деб ялинишга тушди.

— Булар ўликларни қўрқитиш учун тунда учиб келадиган девлар билан парилар. Улар қонимизни ичиб, танамизни бурдалаб ташлайди.

— Булар бўйнида туки йўқ ўлаксахўр бургутлар,— деди Спитамен.— Эҳтиёт бўл, Хош, улар сени тоғ тепасига кўтариб кетмасин. Улар сенга ўхшаган бақалоқларни яхши кўришади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зинанинг энг тепасига чиқиб, минора ичини бемалол кўрса бўларди. Ойнинг мовий ранг нурлари минора ичини тўла ёритмаган эди. Оппоқ тепага ўхшаб уюлиб ётган инсон суяклари кўзга ташланди. Важоҳатли, жунлари узун қора итлар дайдиб юрар, суяк талашиб, бир-бирига ташланар ва ваҳшиёна ириллашар эдилар.

— Бегоналар исини сезган итлар ўзаро "жанг"ни тўхтатиб, бир жойга ғуж бўлишиб ваҳимали ҳура бошладилар.

— Итлар емиш сўрашяпти,— тушунтирди Спитамен.— Марҳумларнинг қариндошлари бу ерга келиб, тепадан итларга овқат ташлашади.

— Қанчалик тўполон, худди ит бозори-я,— ёқасига туфлади Будакен.— Бу ердан тезроқ кетайлик!

Итлар ҳуришдан тўхтаб, бир томонга қочишди. Пастда эшик тақиллади. Оқ кўйлак ва оқ қалпоқ кийган кекса чол кўринди. У бир қўлида чироқ, иккинчисида учи айри узун таёқ кўтариб олганди.

— Яширинш керак! — шивирлади Спитамен.— Ҳозир унча-мунча одамга насиб қилмайдиган нарсани кўрасан.

Уччовлари деворга қапишиб, кузатишда давом этдилар.

Қариянинг ортидан елкаларида замбил кўтарган икки киши кириб келишди. Улардан бири ғуппа семиз, соқол қўймаган одам эди. Бошқаси ярим яланғоч қул. Замбилда арқон билан боғлаб ташланган мурда ётарди. Ой нурларида йигитнинг юмуқ кўзлари, қордек оппоқ юзлари аниқ кўринди. Замбилнинг бир томонини ерга қўйиб, иккинчи томонини деворга суяб қўйишди. Марҳум худди тик турганга ўхшаб қолди.

Қалпоқ кийган қария буйруқ бериб амирона овозда:

— Қуёш чиқишини кутиб олиши учун марҳумнинг юзи шарққа қаратиб қўйилади. Муқаддас итлар ҳамма гўштини еб тугатмагунча унинг руҳи шу ерда қолади. Шундан кейин жони Чинвад кўпригига учиб боради ва пичоқнинг тиғидек ингичка кўприкдан ўтишга рухсат кутади. Агар руҳи покиза бўлса, кўприкдан қийналмай ўтиб кетади, ҳаётида ёвуз ишлар қилган бўлса, кўприк узилиб, тубсиз зангори ботқоққа йиқилади, у ерда парилар уни қийнаб, мангу оловда ёқишади.

Қария ғўлдираб, оҳанг билан дуо ўқиб қўлларини гўё ой нурида ювоётгандек ҳаракат қила бошлади.

Соқоли йўқ бақалоқ одам арқонни ечиб олди ва орқа томондан пусиб қулга яқин келди. Тугилган арқон қулнинг бўйнига тушди, у гавдасини орқага ташлаб, жон-жаҳди билан ўзини ҳимоя қила бошлади. Иккаласи гупиллаб ерга йиқилди. Итлар яна ҳуришга тушди, қария эса қўлидаги уч тиғли найза билан олишаётган қулни уришга уринар эди.

— Нима қилмоқчисан нодон? — шивирлади Будакен.

Спитамен деворга тармашиб, қирғоғига осилди ва пастга сакради.

— Мен бу ернинг парисиман! — бақирди у хирилдоқ овозда.— Мурдаларнинг илоҳий оромини бузишга ким журъат этди?

Спитамен йўғон оқ суякни кўтариб, қария ва бақалоқни савалай кетди. Улар телбаларча бақириб, минорадан қочиб чиқишди. Эшик очиқ қолди. Қўрққанидан ўтакаси ёрилаёзган итлар бир-бирининг устидан сакраб, эшикка ташланишди ва бир зумда минорадан ғойиб бўлишди.

Спитамен ерда ётган қулга эгилиб, бўйнига ўралган ҳалқани ечди. Қул саросима ва талваса ичида ўрнидан туриб, қўрқув билан Спитаменга қараб:

— Агар сен бу ернинг париси бўлсанг, бечора қулни ўлдирма! Мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ,— деди.

— Мен ҳам худди сендек париман,— жавоб берди Спитамен.— Хўжайининг ким?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳожам хон Оксиарт, шу шаҳарнинг ҳокими. У бугун тунда қўққисдан келиб қолди ва анави ўликни бу ерга, “Сукунат минораси”га ташлаб келишни буюрди.

– Ёнингда ким бор эди?

– Бош эшик оғаси Фанфал.

У нима учун мени бўға бошлаганини билмайман. Мен эгамнинг содиқ қулиман.

– Бироқ сен эганг хоҳлаганидан кўпроқ нарсани билиб қолгансан, айбинг ана шунда.

Спитамен марҳумга ўгирилди. Унинг юзида ўлим соя солмаган нозик ифода сақланиб қолганди. Кўзлари юмуқ. Спитамен унинг юрагига қулоғини босиб, узоқ тинглади. Кейин белига осилган қичкина қовоқни олиб, йигитнинг оғзига бир неча томчи томизди. Йигитнинг киприклари титраб, лаблари шивирлади:

– Мен сени, жоним, нозли ёлғонинг учун севаман!..

– Э, бу ерда яна анави тегманозик эчкиэмар аралашиб қолибди-ку. У буни Чинвад кўпригига юборибди-ю, бу эса ҳамон уни унута олмаяпти! Мен сени бу касалликдан даволайман!

Спитамен пичоқ чиқариб, арқонларни кесди. Кичкина ханжар оёқлари остига тушди. Спитамен уни олиб, кўздан кечирди, кейин қўнжига тиқиб қўйди.

– Гапимни эшит, ўз эгасининг нодон қули!.. Агар шер ўлжасига ташланиб, омадсизликка учраса, ўз қурбонини янчиб ташлаш учун иккинчи марта яна ҳамла қилади. Сен бечорага энди хон Оксиартнинг уйида кун йўқ: у барибир сени ўлдиради. Ҳозир биз билан юр. Манави йигитни опичлашимга ёрдам бер.

Спитамен йигитни кўтариб, кичик эшик орқали миноарадан чиқди.

Будакен билан Хош пастда кутиб туришарди.

– Бу ерда нима ишлар қилдинг?

– Хон Оксиарт кутилмаганда чўлдан қайтиб келиб, иккитасини Чинвад кўпригига юбормоқчи бўлибди. Бу ерлардан тезроқ кетишимиз зарур. Манави эса, хон Будакен, сенга янги содиқ хизматкор. У отларингга қарайди. Елкамдаги бола ўлади. Чунки илон кўзли маликанинг заҳарли ханжари тегиб кетган. Агар ижозат берсанг, у менинг отимда кетади, мен ёнида бораман. Боғда малика Рокшанакнинг шаънига қўшиқ айтган ошиқ йигитлардан бири бу.

– Бораверсин!– деди Будакен.– Сули ҳам, нон ҳам етарли. Тузалгандан кейин мен уни чўлга олиб кетаман – меҳмонларимга қўшиқ айтиб, қизларимнинг гўзаллигини мадҳ этиб юради.

* * *

Ҳамма гулханлар ёнига қайтгач, Спитамен йигитни ётқизиб, у билан овора бўлди. Йигитнинг кўкрагини кўздан кечирди, ярасини ювиб, қорамтир мўмиё кукунини сепди ва латта билан боғлаб қўйди.

Йигит нимадир деб ғўлдираб, қичқирди, лекин ҳушига келмади. У то тинчимагунча Спитамен ёнида ўтирди. Скифлар ухлаб қолишди. Будакен кафтини яноғига қўйиб, тўқим устида ётарди. Кўзлари гоҳ очилиб, гулхандаги оловни кузатар, гоҳида эса юмилиб кетарди. Спитамен ўрнидан туриб, қулнинг ёнига борди. Қул гулхан ёнида тиззаларини қучоқлаб, скифларга қўрқув билан қараб ўтирарди. Спитамен унинг елкасига туртди ва “ортимдан юр” деб ишора қилди. У ётган ерида паст овозда тўхтовсиз инграётган одамнинг ёнига борди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни сал кўтариб, нимадир деб шивирлади. Улар учовлон нари кетишди, гулханлар сариқчой бутаси ортида қолиб кетгач, улар бир-бирига ёпишиб, доира бўлиб, кафтларини кафтларига текизиб, бармоқларини чалиштириб, ўтиришди. Шу вазиятда бошлари бир-бири билан тўқнашди.

— Кукей, сенинг бурнинг туя михи билан тешилган. Шаҳардан қочиб кетганинг учун энди сенга ҳаёт йўқ. Қутулишларинг учун битта йўл бор — тоққа кетиш. Шу ерда, дарё бўйида ғорда синглим Ойжамол яшайди. Сизлар севги қўшиғини куйлаган манави майнани олиб кетасизлар. Синглим уни тоғ гиёҳлари билан даволайди, агар у ҳам умрбод тинчиб ётишни истамаса, янаям нарига, озод тоғликлар ёнига кетади. Синглим сизларга темирчилар манзилига олиб борадиган йўлни кўрсатади; улар темирларни эритиб, пўлат қиличлар ясашади; уларга ҳамиша ёрдамчилар керак, темирчилар сизга овқат беради. Агар у ер ёқмаса, яна ҳам нарига, улуғ Ўкуз дарёсининг нариги ёғига ўтиб кетишларинг мумкин.

Учовлон қучоқлашиб, яна қаерда учрашишни келишиб олишди. Бирдек қўлларини кўкка кўтариб, шивирлаб, дуо ўқишди, кейин аста гулхан ёнига қайтишди. Улар яраланган йигитни эҳтиёткорлик билан отга ўнгаришди, қил арқон билан боғлаб, тун қўйнида шарпасиз ғойиб бўлишди.

* * *

Шарқ оқариб келаётганда Будакен сакраб туриб қичқирди:

— Отларни тайёрланглар!

Спитамен гулхан олдида, унга сариқчой пояларини ташлаб ўтирарди. У қаттиқ ухлаётган скифларни туртди.

— Ярадор қани? Қул қани, анави бурни пачоқланган қул қани? — ажабланди Будакен.

— Улар қочиб кетишди, хон, — жавоб берди Спитамен.— Улардан сенга қанақа наф бор?

Чавандозлар отларини эгарладилар ва тонг ғира-ширасида тоғ остидаги эгри-бугри йўлдан баландга чиқиб, Мароқанд тарафга жўнадилар.

“БАХТИЁР МАМЛАКАТ”

Чавандозлар асосий савдо йўлини четлаб ўтиб, хилват сўқмоқлардан уч кун йўл босишди. Вақти-вақти билан туман пардаси орасидан чўлдан кўчманчилар бостириб келишига қарши қурилган еттита шаҳарнинг деворлари кўриниб қоларди.

Йўл бўйлаб ширин мевалари маржондек тизилган тут дарахтлари саф тортганди. Дарахтлардан йўлга қуюқ соя тушиб турар, салгина тегиб кетилса, эгилиб ётган шохлардан оқ мевалар чанг йўлга дўлдек тўкиларди.

Текислик бўйлаб сўғд ҳокимларининг ҳашаматли қўрғонлари сочилиб кетганди. Баланд пахса деворлар биноларни ўраб олган. Деворлар ёнида адл тераклар кўкка бўй чўзганди. Очилиб қолган дарвозалар тирқишидан ҳовлидаги тўртбурчак ҳовузлар атрофидаги атиргуллар кўринарди. Уларнинг тепасида улкан қалпоқ каби осмонга бўй чўзган қайрағоч шохлари осилиб турарди. Ҳовузлар ёнидаги текис супаларга солинган гилам ва наматлар устида ола-була гулдор либослар кийган аёллар ва болалар ётишарди. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўмбира чалиб, қўшиқ айтар, ўйинга тушишар, хурсандчилик қилиб, кулишарди. Очиқ эшиклар олдидан турнақатор бўлиб ўтиб кетаётган қора қулоқчинли, ингичка найзалар билан қуролланган скифларни кўриб, ҳаммалари ҳайрат билан қичқириб, жим бўлиб қолишарди.

Далалар ўртасида қоровултепалар бўй чўзганди. Уларнинг ёнида деҳқонларнинг лой ва шох-шаббадан ясалган кичик кулбалари кўринарди. У ерда латта-путталар офтобда куйган баданларини аранг яширган деҳқонлар ишлашарди. Қоринлари катта, оёқлари ингичка, бошининг у ер-бу ерида ўрилган сочлари диккайиб турган бринч рангли яланғоч болалар чангда ўйнашар. Йўловчиларни кўриб, деворларга тирмашиб, ўша ердан бақиришарди.

Скифлар икки кеча қўналғаларини қишлоқлардан узоқроққа тепалар устига қуришди. Зар-Гар ва Ларвас-Кам бўйлаб юриб, Сангзор дарёсидаги саноқсиз каналлар ёқалаб ўтиб бордилар. Ниҳоят, Олтин ташувчи[1] дарё водийсига тушишди ва узоқда сўғдлар пойтахти Мароқанднинг саноқсиз уйлари, кўм-кўк боғлари ялтираб кўринди.

Бу шаҳарнинг боши ҳам, охири ҳам йўққа ўхшаб кўринарди. Бутун атроф адоқсиз боғларга бурканган. Дарахтлар ўртасига томи ясси уйлар қурилган. Бир-бирига туташиб кетган боғлар орасида тепаси тишли мудофаа деворлари қад кўтарганди.

— Бу қўрғонда сўғд ҳукмдори, ноиб Бесс — янги шаҳаншоҳ яшайди,— деди Спитамен.— Унинг беш йилга етадиган ғалла захираси бор. Отхонасида минглаб арғумоқлар занжирлаб қўйилган, атиргул ва шафтоли дарахтлари билан ўралган саройда бир йилда қанча кун бўлса, шунча — уч юз олтмиш бешта хотини зерикиб ўтирибди. Сўғд ҳокимлари шод-ҳуррам яшайдилар, ғам ташвиш нималигини билишмайди, тўғрими гапим?

Давоми бор

Рус тилидан
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА
таржимаси

[1] Зарафшон дарёси қадимда шундай аталган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лойиқ ШЕРАЛИ

Дилимда бир дунё дод айлади, оҳ

* * *

Лойиқ ҳазратлари, сиз огоҳмисиз,
Гуллаб турган ёшлик айёмингизнинг
Ярми ғафлат босиб, алданганидан?
Ўткинчи умрингиз хазинасининг
Ярми ғорат бўлиб, талганганидан?
Ишқу Шеър ва Шуҳрат орзуси дея
Ном олган ўғрилар қолдирмай бир из,
Кўзингиз олдида, хазинангизни
Ташиб кетганидан хабардормисиз?

Сиз эса мамнунсиз,
Ишхонангизда,
Тамаки дудида йитганингиздан,
Китоблар терилган жавон олдида,
Номига чучмал шеър битганингиздан.
Мамнунсиз, бир ҳовуч тўпориларнинг
Юзаки битилган хатидан, ахир,
Гўё шеърингизни ўқигач улар,
Шодликдан қийқириб, айламиш фахр.
Гўё шеърингизни ўқиб ўшалар,

Тожикчадан
Одил ИКРОМ
таржимси

Лойиқ ШЕРАЛИ (1941– 2000) – ҳозирги замон тожик адабиётининг йирик вакилларидан. Панжакент туманидаги Мозори Шариф қишлоғида туғилган. Душанбе Давлат Педагогика институтини тугатган. “Йўловчи”, “Қадаҳсўз”, “Кўнгил кошонаси”, “Кўзлар манзили”, “Қуёш ёмғири”, “Шоҳнома”дан илҳом”, “Тошдаги битик”, “Мен ва дарё”, “Сассиз фарёд” каби йигирмадан ортиқ китоб муаллифи. Тожикистон Халқ шоири, Рудакий номидаги Давлат мукофоти, Халқаро “Нилуфар” мукофоти совриндори. Шеърлари элликдан ортиқ дунё тилларига таржима қилинган.
Таниқли адиб Темур Зулфиқоров Лойиқ Шерали ҳақида қуйидагича фикр билдирганди: “Менинг назаримда, Тангри ер юзида биргина шоирни яратди, бироқ унга турлича ном ва тақдирни насиб айлади. Русияда уни Александр Пушкин, Англияда – Жорж Гордон Байрон, Италияда – Данте Алигьери, Тожикистонда – Лойиқ Шерали деб атадилар...”
Ҳар бир ижодкор адабиёт майдонига ҳам ўзига хос тарзда кириб келади. Кимдир сокинлик ва тамкинлик билан, кимдир даъво-иддао билан, яна кимдир ўз карнай-сурнайчилари ва ҳайбаракаллачилари билан бу майдонда улуғлар “панжасига панжа урмоқ”чи бўлади. Тўфондек шиддат билан тожик адабий муҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юраги титрагай, йиғлагай унсиз.
Ёздан фахрланиб кетасиз ногоҳ
Ва гулдай яшнайсиз,
Зеро, мамнунсиз.

Ахир, сиз,
(Уйингиз буғдойга тўлсин!)
Алданиб дунёнинг алдовларига,
Нечун ишонасиз бунчалар осон,
Одамларнинг сохта мақтовларига?

Ахир, сиз
Бўрилар билан қўйни еб,
Чўпон билан бирга йиғламайсиз, бас,
Ахир, сиз,
Ариқдан қочиб, қутулиб,
Дарёга тутилган қавмидан эмас.

Биласиз-ку Сиз Шеър саргузаштидан,
Сара шеър бир марта яралар, тайин.
Сиз биласиз, шоир ул шеъри билан
Мъжиза бобида Худога яқин.
Шоирнинг илк, сўнгги якка-ягона,
Ўшал шеъри билан ёришар қалби,
Ўшал ёлғиз шеъри билан қолар у,
Ёлғиз фарзанди бор оналар каби.

Биласиз-ку Сиз Шеър саргузаштидан,
Бу дунёнинг не-не алп шуароси,
Ўлимидан олдин оҳ-фиғон чекиб,
Ётади ўзидан бўлмасдан рози.
Зеро, яратмаган мумтоз шеърини
Ёзи билан олиб кетгайдир бадар,
Гўрга олиб кетар ўшал шеърини
Ёки ўша шеърни гўрида айтар.

тига кирган Лойиқ Шерали илк шеърлари биланоқ ўз хайрихоҳлари, мухлислари ва табиийки, ўз рақиб ва душманларини пайдо қилди. Шўро даврида ёзилмаган қоидага биноан, Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиниш учун ёш адибнинг ақалли битта китоби чоп этилиши лозим эди. Нашриётларда эса, уюшма аъзолигига қабул қилинмаган қаламкашларнинг асарлари режага деярли киритилмасди. Барча шўро қонунлари каби юқоридаги мантиқсиз қоида ҳам бузиш учун чиқарилганди – илк китоб кимнингдир ҳиммати, муруввати, илтимоси ё буйруғи билан чоп этиларди. Лойиқ уюшмага аъзо бўлишида мазкур қоида бошқачароқ тарзда бузилди. Бир адабий даврада тожик адабиётининг ўша даврдаги устуни, машҳур шоир Мирзо Турсунзода ҳузурида 19 ёшли Лойиқ "Онамга" шеърини ўқиб беради. Шеърдан таъсирланган отахон шоир онанинг миллий қиёфасини яратишдаги маҳорати учун истисно тариқасида ҳали бирор китоби чоп этилмаган Лойиқни уюшма аъзолигига қабул қилишга тавсия этади.

Лойиқ Шерали ижоди адабиётшунослар томонидан минг йиллик тарихга эга бўлган форс-тожик мумтоз адабиёти билан бугунги замон шеърияти ўртасидаги кўприк дея таърифланади. Лойиқ мавжуд адабий қолипларни синдирган шоир эмасди, аммо шу билан бирга унинг ижоди шахсияти каби бирор қолипга ҳам сиғмасди. Унинг шеърлари саёзлашиб кетаётган тожик адабиётига янги руҳ олиб кирди, мустабидлик юки остида ҳақ сўзга ташна бўлган одамлар қалбида адабиёт, шериятга бўлган самимий муҳаббат ва эҳтиромни уйғотди. Ички ҳурлик ва руҳий эркинлик учун курашнинг олдинги сафида турган, тил ва тарихни оёқ ости бўлишдан асрашга бел боғлаган, халқининг топталган ҳақ-ҳуқуқини қайтариб беришга чоғланган, қизил империянинг разил ўйинларини фош этиш, миллатни пахта қуллигидан халос қилиш, болалар ва аёллар ўлими, миллий қадриятларнинг камси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир бор ўзингизга келинг, юракни
Очиб, ундан сўранг, борми хабари:
Сўзмикан, яратган барча шеърингиз
Ёки майда-чуйда сўз парчалари?

Агар шеър мезони ўлчанса шундай,
Сизнинг юзингизга айтгум рўйи рост,
Ҳозиргача (Мени маъзур тутгайсиз!)
Бекор сув янчдингиз ўғурда, холос.

Лойиқ ҳазратлари, сиз огоҳмисиз,
Ёғурда сув янчгансиз, холос!
Ёғурда сув янчгансиз, холос!..

* * *

Бу ёмғирли тунда, маҳзун кечада,
Онам кулбасини ўйладим бир зум.
Унинг чакка ўтган томини эслаб,
Дилимда бир дунё йиғлади юм-юм.

Бўм-бўш ҳовлидаги ғариб кулбада,
Тўғри кўнгил — унинг бори-бисоти.
Болалари тўзғиб, уй бурчагида
Ёлғиз ўтиргандир хаёлга ботиб.
Балки, рўза тутиб Рамазон ойи,
Қилмаган гуноғин оқлаётгандир?
Ифтор чоғи шифтдан томган чаккалар,
Балки, қулоғига ёқмаётгандир?

тилиши каби Ўрта Осиё халқлари бошида қилич қайраб турган муаммоларга жавоб қидирган Лойиқнинг тожик адабиётига қилган хизматларини тенгқур авлодидан Е.Евтушенко, Р.Рождественский, Ў.Сулаймонов, А.Орипов, Э.Воҳидовларнинг миллий адабиётдаги мавқеларига қиёслаш мумкин. Лойиқ ижодига хос яна бир хусусият – у халқнинг муомала тилида мавжуд, аммо адабий тилда қўлланилмаётган сўз ва ибораларни топиб, моҳирлик билан ўз шеърларида фойдаланди.

Ижтимоий мавзулардаги шеърлар Лойиқ ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Тожик халқининг тарихий ҳофизасининг уйғониши, шўролар даврида оёқости қилинган миллий ғурур, миллий ифтихорининг тикланиши, ҳақиқий ватанпарварлик туйғусининг шаклланишида Лойиқнинг "Ватан тупроғи", "Ифтихор ва эътироз", "Яна бир мушт" каби шеърларининг хизмати катта. Тафаккури маҳаллий доира чегарасидан чиқмайдиган "ижодкор"лардан фарқли ўлароқ Лойиқ миллий ифтихор, миллий ғурурни бошқа миллат ва элатларга эҳтиром туйғуси билан эгиз деб биларди, бирини бошқасидан айри ҳолда тасаввур этолмасди. Тожикистонда сўнгги йилларда содир бўлган биродаркушлик уруши Лойиқни қаттиқ изтироб ва руҳий тушкунликка солди. Буни унинг сўнгги китоби – "Сассиз фарёд"даги шеърлардан ҳам билиш мумкин. Ушбу мажмуада у миллат номидан гапириш ҳадисини олган ватанфурушларнинг қабиҳ кирдикорлари, эзғиланган халқнинг басирлиги, инсон табиатидаги яширин тубанлик ва унинг юзага келадиган ҳолатлари, қадимдан давом этиб келаётган биродаркушликнинг бемаъни ва фожиавий оқибатларини янги-янги поэтик ифода воситалари, кутилмаган мажоз ва истиоралар, қуйма оҳанг билан шеърий сатрларда умумлаштирди, бефарқлик ва лоқайдликдан ҳосил бўладиган кулфатлардан огоҳлантирди.

Лойиқ Шерали анча эрта – эллик тўққиз ёшида оламни тарк этди. Шеърларининг бирида "Агар шоир оламдан ўтса, унинг ҳаёти шеъри билан давом этар" мазмунидаги сатрлар бор. Бугун ҳам тожик халқи унинг "Алла"си билан улғаяди, ишқий туморлари туфайли висолга эришади, ҳижронда таскин топади, тўй-ҳашамларда унинг шеърларига басталанган куйлар навосида рақсга тушади, ёлғизланганда дардкаш сатрлари орқали олам ва одам ҳақида тафаккур қилади.

Лойиқ Шералининг шеърлари С.Воҳидов, А.Маҳкам, С.Саййид каби таниқли шоирлар таржималари орқали аллақачон ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айланган.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски жойнамозда ўтириб, балки,
Юракдан Худони ўйлайди ҳамон?
Балки, паст овозда Парвардигордан
Сўраб ўтиргандир жаннатдан макон?..

Бир вақт қувноқ эди мунғайган онам,
Узун сочлари ҳам тим қора эди.
Сочидан таралган қатиқнинг ҳиди
Бир хазина эди, бир чора эди.

Енгини шимариб тирсакка довур,
Минг битта тадбирни ўйлаб толарди.
Гўё у тақдирнинг қаттиқ қўлидан
Бизнинг ризқимизни юлқиб оларди.

Сигир соғар эди уйғониб тонгда,
Меҳр билан сигир ортини силаб.
Сирғалиб тушарди сут идишига
Танғилган сочлари тўзғиб, қалтираб.

Ҳар гал қизиб турган мўъжаз тандирга
Сутли кулчаларни ёпиштирган дам,
Тандирнинг лахчаси куйдирар эди,
Кипригининг учи, қошларини ҳам.

Сутнинг ҳиди қолган қўллари, тунда
Бошимда сирғалар эди мулойим.
Силарди кўзимнинг қабоқларини
Унинг бармоқлари, оҳиста ва жим.

Юрагимда ёнган орзуларимни,
Соддадиллик билан тутар эдим сир.
Қўлини кўксимга босиб ухлардим,
Шифтнинг вассаларин санаб бирма-бир.

Бу ёмғирли, маҳзун кечада тағин,
Онам кулбасини эсладим ногоҳ.
Шифтдан ўтган чакка... Ёмғир шиддати...
Дилимда бир дунё дод айлади, оҳ.

Онагинам!
Менинг жаннати онам!
Жойинг жаннатлиги, гарчанд, тайиндир.
Лекин, томдан чакка ўтган бу кунлар,
Билмайман, негадир, жуда ғамгиндир.

Онагинам!
Менинг жаннати онам!
Биламан, пушаймон қилмайсан бекор.
Ёғилган ўқ бизни ўлдиролмади,
Ёғса ёғаверсин, майли, ёмғир, қор!

Онагинам!
Менинг жаннати онам!
Ҳаёт гоҳ қадр, гоҳ қорнига йиғлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осмон ҳам, баъзан, ер, баъзида эса,
Ёзининг паришон ҳолига йиғлар.

Онагинам!
Менинг жаннати онам!
Осмон йиғлар, дарди бунчалар оғир?
Сенинг кўз ёшларинг бас эмасмиди?
Ёмғир ёғар... Ёмғир устига ёмғир...

ЭСКИ ЎГИТ

Дўстлар! Қўлда қадаҳ, дилда гард надир?
Бу кун ўтди, эрта келган дард надир?
Ахир, кимга керак панду насиҳат?
Бул дам ғаниматдир,
Одам ғанимат!

Дўстлар! Ишқ баҳори гул сочиб ўтди,
Дил дарёси бекор, тез оқиб ўтди,
Қачонгача дилни шртар азият?
Бул дам ғаниматдир,
Одам ғанимат!

Дўстлар! Дил додига етайлик бир дам,
Ёр нозин кўтариб кетайлик илдам,
Ноз айлаган ёрдан кутмайлик ҳиммат,
Бул дам ғаниматдир,
Одам ғанимат!

Дўстлар! Бошни бошга айлайлик фидо,
Юракда тинмасин қадим куй, нидо,
Шеър, қўшиқ нурига қонсин муҳаббат,
Бул дам ғаниматдир,
Одам ғанимат!

* * *

Хатодан, ғафлатдан ва ғурурлардан,
Жафодан, ғирромлик ва қусурлардан,
Ёлғондан, алдоқдан ва ур-сурлардан,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

Гумону маломат ва бўҳтонлардан,
Дилни эговлаган ўлик жонлардан,
Қалби кўр қўрслардан, қўли қонлардан,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

Камолот фаслида камол ўтгайдир,
Тушдай бамисоли хаёл ўтгайдир,
Қадр топган ҳусну жамол ўтгайдир,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гул-япроқ кузақда бўлгандай хазон,
Йўлларда қуриган дарёдай ҳайрон,
Азобдан қийналган жондай беомон,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

Эскирган матодай йўқотиб рангин,
Ўлик ердай ютиб зардобу зангин,
Йўлларда туртинган асодай ғамгин,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

Ирода сўнгайдир, ғам келса ғолиб,
Ҳалок айлагувчи азобдан нолиб,
Биздай тўполонлар ичида қолиб,
Ишқ ҳам қартаяди, ҳеч бўлар, афсус,
Ишқу ошиқликка кеч бўлар, афсус.

Гарчанд, у – юракда мунглиғ ҳикоят,
Гарчанд, – дунёдан айлар шикоят,
Гарчанд, у – ёшликдан гўзал ривоят,
Безамон қартайиб кетади, афсус,
Ноаён қартайиб кетади, афсус...

* * *

Илк муҳаббат – совуқ урган ғўрадай,
Етилмай тўкилар шохдан ғамбода.
Умр новдасининг илдизи агар
Сувда бўлса, гуллар қайтган баҳорда,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

Шоирлик юртига сафар айладим,
Тўрвамга мен сени жойладим, фақат,
Тўрвамда йўқ эди тоғлар ганжидай,
Шуъла сочган тошдан ўзга бир давлат,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

Баъзан, кўксим ичра нолийсан узоқ,
Баъзан, ўт ёқасан бағримга маним.
Берилиб кетганда ишқ ўйинига,
Баъзан, бошим билан ўйнашасан жим,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

Баъзан, пушаймонлик биёбонида,
Кетган ёр изини ахтардинг роса.
Баъзан, неки насиб этса умрдан,
Унга шукр айтиб, қилдинг муроса,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

Ҳаёт кўпу камнинг йиғиндисидир,
Ҳар тун осмон узра ой бўлмас сирдош.
Чиройга ошиқдир баъзилар, аммо,
Дўппи топилади, омон бўлса бош,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мудрама шошқалоқ оламда, зеро,
Шоирлик, ошиқлик телбаликдир, рост.
Очилган эшикни очганлар касби, –
Хонаки товуқнинг парвози, холос,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!

Яна сипқорамиз жомларни бир-бир,
Бошга кўтарамиз яна шомларни.
Туғилган минг-минглаб чақалоқларга,
Биз инъом этамиз янги номларни,
Эй, менинг телба дилим, девона бўл!
Девона бўл!

ШОИР ҚАДРИ

Ошиқлар оҳ тортса хаёлга ботиб,
Зўрлар ҳам йиғласа ҳайрон, лол қотиб,
Дўстлар бир-бирини кетганда сотиб,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Осмонда бир юлдуз ёнса дамодам,
Ерда бир ёш юрак тутганда мотам,
Ёзидан ўзини ахтарса одам,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Овчиларнинг ови юришмаган он,
Бошин эгиб қайтса елкада камон,
Харсанг тош устида ўтирса ҳайрон,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Йўловчи қумлоқдан ўтиб кетганда,
Оҳанги қумларга чўкиб кетганда,
Бир парча шеър ўқиб жўшиб кетганда,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Юрак осмонини қопласа булут,
Сохта гўзалликнинг юзи ҳам шувут,
Эзгулик дунёси бўлганда унут,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Дунё тор келганда зўрлар лошига,
Ҳангомаю ғурур етиб бошига,
Ёзув ахтарганда қабр тошига,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

Одамзод қайтадан топса қадрини,
Куйга солиб айтса олам, дардини,
Бир сўздан изласа ул дард шарҳини,
Ўшанда билинар шоирнинг қадри.

ОРИФ ЗОТЛАРГА

Ноаҳил ва кўрдир ёритгувчимиз,
Яқинлар ўзидан олислардадир.
Тоғларимиз каби сақлаймиз сукут,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Токи, тоғлар тоши қиларкан сабр,
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Жилоси қолмагай тоғларимизнинг,
Торож бўлса тоғлар тоши, турбати.
Балки, тош арзимас кўз ёшимизга,
Аммо, ғорат бўлса тоғлар қудрати,
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Булоғимиз кўпдир, томоғимиз қоқ,
Гўё озод, аммо, қулмиз беқадр.
На майдон мардимиз ва осмон марди,
Аслимиз қанақа, номимиз надир?
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Номимиз баланду оҳангимиз паст,
Руҳ баланд, юзларда ажинлар қат-қат.
Дарё тўла суву ташнадир соҳил,
Тоғлар баланд, аммо, пастдир фаросат...
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Пахтамиздан битта кўйлак тикилмас,
Юзи ёруғ бўлган бир ҳамватан йўқ.
Пахта фахримиздир ўла-ўлгунча,
Ўлсак, ўрагани, ҳатто, кафан йўқ...
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Озодалик йўқдир, оворалик бор,
Чоракорлик йўқдир, бечоралар бор,
Она юртимизда, зоҳиримизда,
Эгасиз, худбинга не чоралар бор?
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

Бошимиз омондир, қалбимиз ўлик,
Қисмат қийиғидан белбоғимиз йўқ.
Бир сафда кетамиз итаот қилиб,
Бир сафда Ўзликка келмоғимиз йўқ,
Ҳолимга вой менинг, ҳолимизга вой!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баграт ШИНКУБА

Кетганларнинг сўнггиси

Роман

УЧИНЧИ КИТОБ

ВАҚТНИ НИМА ЎЗГАРТИРАДИ?

– Қандай ухладинг, азизим Шарах? – сўради қария бугун эрталаб ғамхўрлик билан.

– Қотиб ухлабман ўзиям, – дедим уялиб.

– Одамнинг уйқуси тинч бўлса, жуда яхши! – деди қария. – Мен бўлсам кўрган-кечирганларимни ўйлай бошласам, хотираларим мени денгиз тўлқинлари сингари у ёқдан-бу ёққа итқита бошлайди. Биласанми, Шарах, бугун эрталаб нималарни ўйладим? Меҳмоним, тоғам менинг уйимда экан, ўзимни ташландиқ ва кимсасиз деб ўйламайман. Аммо у кетгандан кейин нима қиламан? Бу ҳақда мен ҳар куни, сен остонамга қадам қўйгандан бери ҳар тонг ўйлайман! Лекин бугун менга шундай туюлдики, аллақачон бизни тарк этган қарияларимиз Сит, Соулах ва бошқалар Шарах кетади деб қўрқиб ўтирмагин деб буюришди.

“У кетадиган пайтда, унга ўз қалбингни бериб юборгин, – дейишди улар. – У қалбингни она тупроғимизга олиб борсин. Ахир бизнинг қалбларимиз аллақачон у ёқларга кетишган. Сенинг қариган суякларинг эса биз сингари шу ерда қолаверсин, уларнинг кимга кераги бор?”

Сен ухлар экансан, улар менга шундай дейишди. Агар улар ҳақ бўлсалар, майли сенга беришга улгурмасам ҳам, барибир, қалбим сен билан юртимизга боради. Балки буни унча узоқ кутишга тўғри келмас! Лаънати қарилик! Сен хафа бўлма-ю, бугун ҳеч нарса гапириб беролмасам керак. Мен бир жойга бориб келишим лозим. Бориб келганимдан сўнг балки ухларман. Чарчаган оёқлар баъзан бошга дам олиш имконини беради...

Зауркан шундай деди-да, ҳассасини олиб, уйдан чиқди. Қаёққа? Балки эски қабрларга йўл олгандир. Билмадим.

Бирам ҳамишагидек туш пайтига етиб келди. Қариянинг йўқлигини кўриб, сўраб ҳам ўтирмади. Мени ўтирғизди-да, овқатлантириб жўнаб қолди.

Мен ўз ўйларим билан ёлғиз қолдим. Бир ўзим қолганим янада яхши бўлди. Ёзаётганингда ўйлашга вақт бўлмайди. Зауркан Золакнинг таржимаи ҳоли, ярадорнинг изи сингари унинг қонли тарихи

Охири. Боши ўтган сонларда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

убих халқининг бутун фожиаси орқали ўтади. Юз ёшли бу одам хотирасининг аниқлиги мени ҳайратга солади. У гапириб берган воқеаларни тарихий саналар билан солиштириб, қарийб ҳамиша бир-бирига мос тушишини кўрасан. Убихлар Кавказ соҳилидан 1864 йили кетган эдилар. Ўшанда Зауркан Золак йигирма тўрт ёшда бўлган. Демак, у 1840 йилда туғилган, ҳозир 1940 йиллигини ҳисобга олсак, у юз ёшда бўлади.

"Биз Самсун яқинида кемалардан тушиб, кейин Усмон кўйда яшаган пайтларимизни ҳисобласак, мен убихлар орасида беш ёки олти йил яшаганман", – дейди у. Агар унга ишонадиган бўлсак, ўз сингиллари учун ўч олиб, Салим пошони 1869 ёки 1870 йилда ўлдирган. Уни турмадан ўғирлаб, қулликка сотиб юборишгандан сўнг, унинг гапларига қараганда, "саккиз йил Африка саҳросида юрган". Тўғри келаяпти. У Африкада саккиз йил бўлган ва 1877 йилда Истанбулга қайтиб келган. Худди ана шу пайтда абхазларни Туркияга кўчиришган.

Ана шундан сўнг у бироз вақт озодликда бўлган. Аммо хотираларига қараб, унинг яна қачон ҳибсга олинганини аниқлаш қийин. Лекин унинг қачон озод қилингани маълум. Ёш турклар инқилоби 1908 йилда юз берган. Айнан ўшанда қонхўр султон Абдулҳамид тахтдан ағдарилган эди.

Зауркан Золак умрбод қамоқ жазосининг умидсиз йилларини ўтказаётган пайтда турманинг қалин деворлари орқали унинг дунёдан ажратилган ҳужрасига биринчи рус инқилобининг учқунлари, барибир, етиб борди. Қариянинг "Жароҳат қўшиғи" ҳақидаги ҳикоясини эслайлик. Турманинг туйнугидан узоқ йиллар турк деҳқони оиласининг ҳаётини тинимсиз кузатган тоғлик тутқун ўзи Навей деб исм берган бола улғайиб, бошқа минглаб турк деҳқонлари сингари қўлига қурол олиб, султон истибдодига қарши бош кўтаришини ва ҳатто султон шунча умид боғлаган, ўз қудратининг таянчи бўлган ўша ҳарбийлар ишончсиз бўлиб чиқишини қаёқдан билсин. Ахир, айнан ўша йиллари, албатта, буни қария асло билмаган, мен эса жуда яхши биламан, йигирма саккиз турк зобити қатл этилган рус инқилобчиси, довюрак лейтенант Шмидтнинг синглисига хат ёзган эдилар. Бу хатни мен талабалик йилларимдан ёддан биламан: "Биз ўз фуқаролик эркимизга эришиш учун сўнгги томчи қонимиз қолгунча курашишга қасамёд қиламиз. Ана шу муқаддас эрк учун жуда кўп яхши одамларимиз жон фидо қилдилар. Биз яна шунга қасамёд қиламизки, бутун кучимиз ва имконимиз билан турк халқини Россиядаги воқеалардан хабардор қилиб туришга интиламиз, токи умумий куч-ғайратимиз билан ўзимиз учун инсонлардек яшаш ҳуқуқига эришайлик..."

Зауркан Золак 1905 йилда Россиядаги воқеалар, лейтенант Шмидтнинг қатл этилиши, турк зобитларининг хати, Абдулҳамиднинг тахтдан ағдарилиши ва ўзининг турмадан озод қилиниши ўртасида боғлиқлик борлигини қаёқдан билсин? Йўқ, албатта, у буни билмасди. Лекин буларнинг ҳаммаси қандайдир шаклда унинг қиссасида ўз аксини топарди.

Гарчи биз ҳозирча шунда тўхтаган бўлсак ҳам, эҳтимол, унинг ҳаёт қиссаси тарих акс садоларига жавобсиз қолмасди. Ахир, бизнинг у билан олдимизда ҳали жаҳон уруши, Россиядаги инқилоб ва Туркиядаги инқилоб турибди. Ва мен ҳали билмайман, лекин шубҳа қилмайман, ҳаммаси қандайдир йўл билан бўлмасин бир-бири билан, убихлар тарихи билан ҳам, қариянинг ўз тақдири билан ҳам боғланиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен бугунги танаффусга бир томондан қувонсам, иккинчи томондан ташвишдаман. Менинг қайтиб кетиш муддатим яқинлашаяпти. Яна нимани ёзиб олишга улгураману, нимага улгурмайман?

Зауркан қайтиб келгач, қаерга борганини менга тушунтириб ўтирмади, мен билан бирга ўтириб кечки овқатни еди ва мендан олдин ухлашга ётди. Унинг, толиққан оёқлар бошни тинч ухлатади деган нақли тўғри бўлиб чиқди. Қария жуда мириқиб ухлади. Эрталаб барвақт турди ва менинг илтимосимни кутиб ўтирмасдан ҳикоясини бошлади.

Қамоқхона остонасидан ташқарида мени сарсон-саргардонлик йиллари кутарди. “Тиш берган Худо ризқни ҳам беради” деган гап шунчаки айтилган. Ҳеч ким текинга нарса бермайди. Инсон ҳар қанча чидамли бўлмасин, нонсиз яшай олмайди, шундаймасми, Шарах? Кўплаб йўллар чанги оёғимга қўнган. Не ҳунарларни қилмадим мен? Чўпон бўлиб қўй боқдим. Измит бандаргоҳида ҳаммоллик қилдим. Бой савдогар дўконида ишладим, темир йўл қурилишида ер қазидим. Шу тариқа Шат-Ипа қишлоғигача етиб бордим. У ерда муҳожир абхазлар яшарди. Онам томонидан яқин қариндошларимдан тирик ҳеч ким қолмаган экан. Лекин Кансоу исмли амакиваччам мени бағрига олди. Унинг уйида қарийб икки йил яшадим. Амакиваччам менга Шат-Ипа қабристонида иккита мозорни кўрсатди. Бирида онам, иккинчисида отам кўмилган экан. Қабрларни ўт босган экан. Уларни тозалаб, панжара билан ўрадим, ота-онам ўз қавмлари орасида қўним топганидан кўнглим таскин топди.

— Ота-онам Шат-Ипага қандай бориб қолганини билишни истайсанми, Шарах? Мен Салим пошони ўлдирганимдан сўнг Мата яширинди. У аҳмоқ эмасди, дарҳол ота-онамни қутқаришга киришди. Бунинг биттагина йўли бор эди: Усмон кўйдан қочиб қолиш. Улар Шат-Ипага кўчиб ўтишди. У ерда онамнинг укаси, у пайтда ҳали тирик эди, уларга ўз уйидан бошпана берди. Қизлари бошига тушган бахтсизликдан куйиб кетган онам бир йилга ҳам етиб бормади. Беш йилдан кейин отам вафот этибди.

Отамнинг ўлимидан сўнг Мата уй қуришга, ўз хўжалигига эга бўлишга қарор қилибди. Лекин уни армияга чақириб қолишибди. Бошқа цебелдаликлар сингари у ҳам сафарбар қилинибди. У тушган ҳарбий қисм Арабистонга йўл олибди. Ўшандан бери ундан на ном бор, на нишон.

Сингилларим ҳам бедарак йўқолишди. Салим пошо ўлгандан сўнг қариндошлари унинг ҳарамини барча хотинлари ва жориялари билан сотиб юборишибди. Ҳозир сингилларим ва Фелдиш қаерда ва умуман улар тирикми, йўқми, аниқлаш жуда қийин.

Сен, эҳтимол, ҳайрон бўлаётгандирсан, сабр-бардошли Шарах. Менинг энг яқин кишиларимнинг ўлими ва йўқолиб кетиши ҳақида бемалол гапиришим сенга ғалати туюлаётгандир. Нима ҳам қилардим? Ўшандан буён анча сувлар оқиб ўтди. Вақт оғриқни қолдиради, кўз ёшини қуритади, хотирани хиралаштиради. Вақт буюк юпатувчи. Агар у бўлмаса инсониятнинг ярми ақлдан озган бўларди. Унда ўтмишни эслашнинг нима кераги бор, аждодлар руҳини безовта қилиш шартми, деб сўрарсан? Ҳа, авлодларга ибрат учун, яхшилик учун, кўпларни келажакда шафқатсиз хато ва аччиқ тавба-тазаррудан қутқариб қолиш учун...

Шат-Ипада яшаб қолардим-у, убихлар сўзини соғинишдан қўрқдим. Бунинг устига ўтроқ бўлиб яшаш қисматидан безгандим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жуда зерикиб кетдим, мени яна йўллар чорлади. Зеро, айтилган-ку: “Келганнинг қайтиши ҳам бор” деб. Шошилмай юрдим, чақиримдан ошиқроқ йўл босдим чамамда, лекин ер култепага ўхшаб кета бошлади: устини кул қоплаган-у, ости ҳали иссиқ. Атрофда ҳеч нарса кўринмайди. То уфққача бўм-бўш. Бирдан шамол турдию, кулни осмонга кўтарди. Чанг-тўзон ичида ҳаммаёқни зулмат қоплади. Гўё бутун дунё сўнди ва мен бир ўзим шу кимсасиз қоронғи дунёда танҳо қолдим.

Бир маҳал ана шу тўс-тўполон ичида кўзимни кафтим билан пана қилиб қарарканман, қандайдир қора нуқтани кўриб қолдим. Аввалига қузғун бўлса керак деб ўйладим. Нуқта катталашиб, яқинлаша бошлади. Шамол увлаши орасида одам овози эшитилгандай бўлди. У шохда ёлғиз қолган япроқдай титрарди. Кимдир ғамгин, юракни эзадиган қўшиқ айтарди. Қўшиқ йиғига ўхшаш, мунгли эди. Шамол уни гоҳ бошқа томонга учириб кетар, гоҳ менга олиб келарди. Кўп ўтмай мен эшак миниб келаётган одам қиёфасини ажрата бошладим. У юзи қуёшда қорайган ажиндан тарам-тарам бўлиб кетган чол экан. Тирик жоннинг пайдо бўлишидан анча жонландим. У мен билан бараварлашгач, қўлимни пешанамга қўйиб салом бердим. Нигоҳини хира осмондан узмай, мунгли ашуласи сеҳридан маст бўлиб, мени сезмай ўтиб кетаверди. Мен чол одатга зид ўлароқ эшак устида намоз ўқиб кетаяпти, шекилли, деб ўйладим. Лекин унинг қўшиғи кўкка қараб айтилаётган бўлса ҳам дуога сира ўхшамасди. У ёнимдан ўтиб кетди-ю, ҳатто қайрилиб қарамади ҳам. Гўё: “Ҳой йўловчи, мен шошаяпман. Мен ҳақимда сенга қўшиғим айтиб беради”, демоқчидай бўлди.

Мен унинг изидан қараб қолдим. Мен томонга эсаётган шамол кекса туркнинг чўзиқ овозини олиб келди. У чидамли ва узунқулоқ эшагига куйлаб борарди:

Етказ мени, қаерга буюрса ғам,
Тўрт томонга бўлса ҳамки, барибир.
Қайга кетди менинг тўрт ўғилгинам,
Ўша жангда қолиб кетишди, ахир.

Кўкрагимда яра эмас, жароҳат
Кўзларим ҳам аччиқ ёшга тўладир.
Шу боисдан султонингга минг лаънат,
Десам менга тўрт томон жўр бўладир.

Эшак минган йўловчи узоқда эриб, кўринмай кетди, лекин унинг мунгли қўшиғи ҳамон қулоқларим тагида жаранглaрди. Ниҳоят, у тинди. Уят бўлсаям тан оламан: мен ўша бечора чолга ҳасад қилдим, зероки, у ўз қалби учун қўшиқда овунч топган эди.

О, қани энди мен ҳам ўша ўксиз туркдай бошимдан кечирганларим ҳақида куйлай олсам эди, онт ичаман, юраги тош кишиларни ҳам йиғлатиб юборардим. Лекин мен убихлигимча қолгандим. Қайси убих ёлғиз қўшиқ айтади, жароҳат қўшиғи бундан мустасно, албатта. Йўқ, қўшиқ учун фақат апхиарцагина эмас, балки тингловчилар ҳам керак эди, зеро улар ҳам қўшиғимга жўр бўлишарди. Биз, убихлар, бу борада тоғларга ўхшаймиз: биттаси қўшиқ бошладими – бошқалари акс садо бериб, унга жўр бўлишади.

– Ҳой бўриларга ем бўлгур, тирраки бузоқ! Бир томчи қолдирмай эммоқчимисан! – деди қўлидаги таёғи билан онасининг елинига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёпишган бузоққа ҳамла қилиб кекса киши. Қария пешанаси қашқа бузоқни думидан тортиб, сигирдан нарироқ олиб борди, оёғи билан тепиб кўча эшикчани очди-да, бузоқчани ҳовлига киритиб юборди.

— Ҳали кун ботгани йўғ-у, уйга келиб олганингни қара. Ўтлашга эринадиган бўлиб қолдингми, текинхўр! — деди чол энди сигирга қараб.

Қариянинг койиши менга энг гўзал саломлашишдай эшитилди, чунки у убихча жаранглади.

Агар бошқа пайт бўлганда қувончдан бошим айланиб, йиғлаб юборардим, лекин ҳозир қалбим кутилмаган севинчга унчалик юмшоқ бўлмай қолганди.

Ё Тангрим, убихлар тили! Уни эшитмаганимга қанча вақт бўлди, ўйлашнинг ўзи даҳшат!

Буларнинг бари мен тунаб қолиш ва дам олиш мақсадида кирган чекка бир қишлоқда юз берди. Дарвозадан тўлагина, паст бўйли бир кампир мўралади.

— Бу занғарни эплаб бўлмай қолди! Кеча кўчага чиқиб олибди, онасини йўлдаёқ эмиб қўйса-ю, челакка ҳеч нарса тушмаса... Боғлаб қўйиш керакка ўхшайди...

Терим қўтосникига ўхшаб қотиб кетган бўлса-да, этим жимирлаб кетди: мен отамнинг синглиси — Химжаж аммамнинг овозини танидим. “Анави чол — унинг эри Сит-ку. Танимай қолганимни қара-я?” — деган ўй кечди хаёлимдан.

Қандайдир паришонхотирлик чулғади мени. Кўришмаганимизга неча йиллар бўлдийкин? — ўйлаб қолдим мен. Мени бу ҳолатдан кичкинагина олапар кучукча қутқарди. Вовуллаганича ҳовлидан югуриб чиққан олапарни кўриб ўзимга келдим.

— Хайрли кун! — саломлашдим мен.

Чол билан кампир ўгирилиб қарашди.

Уларни ҳайратга солган нарса нотаниш кимсанинг убихча гапириши эди.

— Хуш келибсиз, йўловчи, — саломимга алик олди Сит, юзимга тикилиб.

— Ким бу бечора? — шивирлади аммам эрига, ташвишини яширмай.

— Йиртиқ-ямоқ кийимига қараганда, албатта шаҳзода!

Кампир унинг ҳазилини тушунмай, довдираб сўради:

— Қанақа шаҳзода?

Шунда мен ўзимни тутиб туролмадим, унга қўлимни узатдим:

— Аммажон, Химжаж амма, нима, мени танимаяпсизми? Мен Заурканман!

— Зауркан? — деди у инграб, кейин кафти билан оғзини беркитиб, ниманидир нотўғри айтгандай, сулайиб дарвозага суяниб қолди.

— Ё Оллоҳ, кимни кўраяпман! — оҳ урди Сит ва йиғлаганича келиб мени қучоқлади.

— Ким бу, Сит? — қайта сўради кампир.

— Оҳ, шўрлик, кўзингни каттароқ оч! Олдингда Зауркан турибди! — қарийб бақириб юборди чол: — Зауркан! Сенинг жиянинг!

— Зауркан? Жиянимми? — шундай деб аммам бир-икки қадам босди-ю, кўзлари олайиб, оёқлари чалишиб кетди.

Мен кампирни ушлаб қолдим-да, юзига пуфлай бошладим. Лекин бу ёрдам бермади. У ҳушидан кетганди. Мен аммамни қўлимда кўтариб ичкари олиб кирдим-да, сўри устига ётқиздим. Сит сочиқни совуқ сувда ҳўллаб, унинг чаккасига қўя бошлади.

— Агар у дунёга равона бўлмоқчи эрсанг, жуда вақтини танладинг-да. Сени кўмишга жиянинг ёрдамлашиб юборади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен чинакамига қўрқиб кетгандим. Агар аммам ўлиб қолса, Худо асрасин, мен айбдор бўлиб қоламан.

— Э-э, қўрқма, Зауркан, амманг ўлмайди. Ҳадемай кўзини очади. Биринчи бор эмас, — хотиржам қўл силтади Сит. — Мана сен, қанча вақтлардан бери марҳум ҳисобланардинг. Тирилиб келдинг-ку, ахир. Кел-чи, бир яхшилаб кўрай сени, ўғлим. Вақт аяб ўтирмайди. Соч-соқолинг бутунлай оқариб кетибди. Яқиндагина йигит эдинг. Эҳ, ота-онанг соғ-омон эканингни билганларида уларга ўлим унчалик қўрқинчли бўлмасди. Сен ўтир, дам ол, болам! Йўлдан чарчаб келгансан, оёқларинг зирқираётгандир. — Кечирим сўраётгандай, боши билан имо қилди: — Ундан ташвишланма, ўзига келади.

Дарҳақиқат, аммам кўзини очди. “Оҳ” уриб ўрнидан турди. Оёқларини пастга тушириб, мени ёнига чақирди:

— Яқинроқ ўтир-чи, жигарим.

У қора рўмоли остида тўзғиб кетган оппоқ сочларини тузатди. Мен аммам ёнидаги пастқам курсичага ўтирдим. У бошимни майингина силаб, хўрсиниб энтикар, гапира олмас, кўзларидан тинимсиз ёш оқарди. Кейин у дастурхон ёйди, овқатланарканмиз, дилимиздагини тўкиб солар, марҳумларни эслардик.

Ситнинг уйи қишлоқдаги барча уйлар сингари ясси томли бўлиб, таппидан қилинганди. Деворлар ичкаридан ва ташқаридан лой билан сувалган эди. Уй икки хонадан иборат эди. Эртаси кун улардан бирида уйғонганимда, қуёш анча тепага кўтарилганди. Ташқаридан эркаклар ва аёлларнинг овози келарди, менинг номимни аташарди. Улар қўшнилар, ўйладим мен, менинг келишим билан Сит ва Химжажни табриклагани тўпланишибди.

Дарров кийиниб, уларга пешвоз чиқдим. Келганларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, мени қуршаб олишди, саломлашиб, қардошларча қучоқлашиб кўришишди.

— Салом Доут! Сен қаерда эдинг, Мурот?

— Сен бизни эслайсанми, Зауркан?

— Нега эсламас эканман, ахир, ҳаммангиз шундай азамат бўлибсизларки, — дедим мен анча қариб қолишган ака-ука Ҳафиз ва Хатхвани зўрға таниб.

Ҳовли ўртасида ёнаётган олов устига қозон осилган, унда гўшт қайнарди. Ҳидидан сездимки, эчки гўшти. Ситнинг саховати тутиб, қарзга эчки сотиб олибди, убихларнинг қадимий меҳмоннавозлигини эслабди-да. Мана ҳамма эркаклар дастурхон теварагига ўтиришди. Менга тўрдан жой кўрсатишди. Чодрали аёллар бўсағадан ташқарида қолишди. Фақат Химжаж эшик олдида туриб, мендан кўз узолмасди. Қўшнилар ликопчаларда егуликлар олиб чиқиб, эшик олдида турган йигитга беришар, у олиб келиб меҳмонлар олдига қўярди. Аввал убихларда бу расм йўқ эди. Аёллар юзларини яширмасдилар, дастурхон атрофида эркаклар билан бирга ўтиришлари, қўшиқ айтишлари, рақсга тушишлари мумкин эди. Одатда, меҳмонларга ёш қизлар хизмат қилар, ёш йигитлар эса катталар билан бирга дастурхон ёнига ўтирмас, айниқса, уларнинг суҳбатларига аралашишмасди. Бошқа замон, бошқача қўшиқлар. Бу ерда дастурхон атрофида кекса кишилар орасида бир неча йигит ўтирибди, шовқин солиб гаплашишар, кулишар, ҳатто оқсоқолларнинг гапини бўлишдан тортинмасдилар. Аввалги пайтлар гўшт ўтирганлар ўртасида нуфузи ва ҳурмат даражасига қараб тақсимланарди. Фахрли меҳмонларга яхшироқ бўлаклар тегарди, масалан, сон, курак, калла-поча ёки унинг ярми. Гўштни тақсимловчи одам қонун-қоидага амал қилар, бундан ҳеч ким хафа бўлмасди. Бу ерда эса майда-майда қилиб бўлинган эчки гўшти

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта патнисда аралаш-қуралаш ётарди ва ҳар ким ўз таъбига кўра, гўшт бўлагини оларди. Номини эслашим билан сўлагим оқадиган мамалиг дастурхонда йўқ эди. Унинг ўрнига суви қочган нон қўйилганди. Сув қўшилган асал шароб ўрнини босарди.

Овқатланиш олдидан Сит сўз олди:

— Ҳурматли меҳмонлар, биродарлар ва қўшнилар! Бугун бизнинг етим уйимизда байрам. Ҳаммангиз кўриб турибсиз: Зауркан қайтиб келди! Нариги дунёдан қайтиб келди! Кутилмаган қувончимизга шерик бўлиш учун келганингиздан беҳад хурсандмиз. Азизлар, марҳамат қилиб, дастурхонга қаранглар, олиб-олиб, еб-ичиб ўтиринглар. Оллоҳнинг марҳамати билан! Бисмиллоҳир-роҳманир-роҳийм!

Сит сув қўшилган асалдан ичиб, гўштга қўл урди. Бошқалар ҳам унинг қилганидай дастурхонга қўл чўздилар. Уйни турли овозлар, ҳазил-мутойиба, кулги тўлдирди. Ҳаммадан кўп ёшларнинг овози эшитилар, улар қаттиқ кулишар, ҳазиллашишарди. Мен кекса танишларимга қараб алам билан ўйлардим: “Қандай эдилар-а, вақт уларни нақадар ўзгартириб юборибди”.

Яна шуни ўйлардимки: “Агар Сит меҳмонларни ўз юртида кутиб олганида ҳаммаси бошқача бўларди. Зиёфатга бутун буқанинг гўштини тортса ҳам дастурхон истаганчалик тўкин бўлмагани учун меҳмонлардан кечирим сўрарди. Ичкилик тортилар, косагул сайланар, қадаҳлар айтиларди. Жўровоз бўлиб қўшиқ куйланарди. Йигитлар ва қизлар рақс тушиб даврани қизитардилар.

Сит убихлар юртида сўзга чечан, ҳазилкаш одам сифатида танилганди. Ҳозир эса тутилиб-тутилиб, зўрға гапирарди. Бир вақтлар пўрим кийиниб юрадиган Сит ҳозир эскириб, минг ямоқ тушган черкасча чакмон кийиб олганди. Фақат юраги ҳамон ўша — меҳрибон ва саховатли эди.

Ситнинг тенгқурлари ҳам фақат ўтмиш билан яшашлари мумкин эди. Туркияда туғилган ёшлар эса мана шу қартайган чоллар бир вақтлар қандай жўмард ва шунқор йигитлар бўлганини тасаввур ҳам қилолмасдилар. Ҳатто Ҳафиз ўрнидан туриб, қадимий қўшиқни айтишга таклиф этганида ёшлар парво ҳам қилишмади. Улар оғизларини чапиллатганча эчки гўштини кавшаниб, қандайдир воқеалар ҳақида баҳслашишарди.

— Ҳой биродарлар, аждодларимиз бунақа қилишмасди, — деди Ҳафиз ёшларнинг ғала-ғовурини босишга уриниб. — Уйга меҳмон келганда, барча қайғу-ғамни унутардилар, қўноққа парвона бўлардилар. Меҳмонни қўшиқ билан улуғлайдилар, рақс билан қувонтирадилар!

— Қўйсанг-чи, бу гапларингни! Аждодлар, аждодлар дейсан? Ким ўша аждодлар? Ўлди Али, кимлигини билмаймиз ҳали! — эътироз билдиришди Ҳафизга ёшлар.

“Ҳа, — ўйладим мен, — бунақаларни убихлар орасида учратмагандим”.

Аммо Ҳафиз ёшларнинг қўполлигига қарамай, убихларнинг қадимий зиёфат қўшиғини бошлаб юборди.

Уа-райда, келинглар дўстлар,
Ботирлар ҳақда куйлайлик қўшиқ.
Бир тану бир жон бўлайлик доим,
Яшайлик, дўстлар, қўшиқдай жўшиб.

Кексалардан икки-уч киши, шу жумладан, мен ҳам таниш қўшиққа жўр бўлдик. Менинг овозим, бунга ўзим ҳам ҳайрон бўлдим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эркин янгради, худди сукунат қафасидан бўшаган қушдай парвоз қилди.

Уа-райда, дўсту ёронлар,
Қадрдон уйида жам бўлганда гоҳ,
Меҳмонга айтиб шарафу шонлар,
Кексаю ёшлар кўтарсин қадаҳ!

Қўшиқ тўсатдан бошлангандай, тўсатдан тўхтади. Гарчи бир онга бўлса-да, ёшларни жим бўлишга ва бизларни қадрдон уйнинг сўнгги соқчиларини тинглашга мажбур қилди. Шмат кўз ёшларини артаркан, менга жилмайди:

— Умримиз тугаб бораяпти, лекин сен туфайли, Зауркан, ҳозир қадрдон тоғларимиз чўққиларига кўтарилгандек бўлдик.

Аёллар эшик олдига уймаланиб, рўмоллари учи билан лабларини беркитганча менга ҳайрат билан тикилишарди. Бу унча узоқ чўзилмади. Мен осмондан яна ерга қайтиб тушгандай бўлдим.

Мен Ситнинг уйида яшай бошладим. Усмон кўйдан урушга кетган унинг ўғиллари бедарак йўқолган эдилар. Чол-кампир бутун меҳр ва мурувватларини менга бағишлашди...

Агар ҳозир, азиз меҳмоним, мана шу иккаламиз ўтирган ердан тез юрадиган чопар жанубга қараб йўлга чиқса, "Қаринжа оваси"[1] қишлоғига етиб бориш учун икки ҳафта керак бўлади. Эҳтимол, убихлар пайдо бўлгунга қадар у ерда чумолилардан бўлак ҳеч қандай махлуқ яшамагандир. У ер торгина ўзандан иборат, қуп-қуруқ жой эди. У учи шимолга осилиб турган кўппак тилига ўхшарди. Унинг асоси ғуж-ғуж безгак чивини бижиб ётган балчиқзорга бориб тақалар, учи эса тошлоқ ясси тепаликка туташиб кетарди. У ерда ёз дим ва иссиқ бўларди. Агар далани суғормасангиз, ҳеч нарса ололмайсиз. Қиш эса, аксинча, совуқ, шамол-изғиринли, қор ёғмайди. Дўзахнинг ўзгинаси. Фақат иблисгина убихларни шундай ўлик ерга сургун қилишни ўйлаган бўлиши мумкин. Агар омон қолишса, уларнинг бахти, ўлиб кетишса, бизга не ғам, дейишган-да, шу ерга сургун қилишган.

Очиқ денгизда бўронга дуч келган одам, кема чўкиб кетгандан сўнг, фақат ўзининг жасоратига, эшкакни маҳкам тутган қўлларининг кучига, кейин Худога ишонади. Убихлар водийнинг чеккаларидаги ернинг камроқ қовжираган жойларини танлаб, экин эка бошладилар. Ўттизта текис томли, деразасиз тезак уйлардан ташкил топган қишлоқ пайдо бўлди. Ўйлаб кўр, дад, "тезак уйлар". Бу худди тақдир ҳазилига ўхшайди. Ахир, убихлар уй қуриш учун унча-мунча ёғочларни эп кўрмас, фақат ёнғоқ ва каштан дарахтидан фойдаланардилар-ку. Убихлар қудуқ қазиб ўтиришмасди, чанқоқларини ҳаётбахш чашмалардан қондирардилар. "Қаринжа оваси"да эса лойқа сувга етиш учун қатқолоқ ерни ўн саржин[2] чуқур кавлашга тўғри келарди. Энди қуюқ ўрмонли ва тиниқ булоқли ватанларидан олисда туғилиб ўсган ёшларни убихларнинг қўшиқларини айтолмасликда, ноғора овозига рақсга тушолмасликда, бир вақтлар оталари елдиргандек, от чоптирмасликда айблаш жуда ҳам қийин.

Биласанми, Шарах, умр бўйи нимани орзу қилдим? Энг муқаддас истагим — ҳеч бўлмаса бир кечани убихлар пацха[3]сида ўтказиш эди. Оҳ, қандай сеҳрли тушлар кўрасан унда ухласанг! Ёзда ҳар қанча иссиқ бўлмасин, пацхада жуда салқин бўлади. Унинг тўқилган де-

---

[1] Қ а р и н ж а о в а с и — чумоли водийси *(туркча)*.
[2] С а р ж и н — сажен (рус). 1 саржин 3 газга ёки 2,134 метрга тенг.
[3] П а ц х а — чайла, капа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ворларидан қушларнинг чуғурлашлари, шамол эпкини оқиб киради ичкарига. Кечалари эса унинг ёриқларидан ой нури ёғилади, у юзингни силаётганини ҳис қилиб турасан. Ташқарида эса чирилдоқлар аллалаётгандай бўлади. Нақадар роҳат!

Ёки, масалан, ўчоқни олайлик! Бирор-бир убих ўз уйини ўчоқсиз тасаввур қилолмасди. Убих оловни муқаддас билар, ўчоғида олов сира сўнмасди. "Ўчоғинг ўчсин!" – деган сўздан даҳшатлироқ қарғиш йўқ эди. Ва гўё кимдир убихларнинг бошига ана шу қарғишни ёғдирди. Энди убихларнинг уйларида тупроқ тўшаманинг ўртасида чуқур кавланиб, тандир деб аталган бу ўчоқда олов ёқилади, унда овқат пиширишади ва нон ёпишади.

МИС КАРНАЙ

Ёз. Туш пайти. Жазирама. Девор тагига тўпланган товуқлар оғизларини очиб ётибди. Ҳаммаёқ чанг билан қопланган. Чанг кўча тупроғи жуда ҳам иссиқ. Бу этикнинг устидан сезилаяпти. Томлар, сийрак дарахтлар барги, деворлар, дарвозалар, кавш қайтараётган туялар – ҳаммасини чанг босган. Туяга қўл теккиздингми ёки четан эшикни очдингми, кафтинг кулга булғанади. Қишлоқ сув қуйгандек жимжит, ҳатто итлар ҳурмайди. Одамлар деразасиз уйларида ҳарорат пасайишини кутишмоқда. Улар барвақт туриб, қуёш чиқиб атрофни қиздиргунга қадар ишлайдилар, кейин ишларини охирига етказиш учун кеч киришини кутишади. Ёзда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен Қаринжа овасида вақтинчалик яшаб турибман. Ҳарҳолда ҳамма шундай деб ўйлайди. "Келдими, демак, кетади", – хаёл қилади қўшнилар.

Қишлоқнинг ўртасида мачит бор. Муаззин ҳар куни беш марта унинг минорасига чиқиб, диндорларни намоз ўқишга чақиради: "Ла илаҳа иллоллоҳ".

...Кузда Қаринжа оваси қишлоғининг шарқ томонида Жамхасарлар пайдо бўлишди. Улар кўчманчилар авлодидан бўлган ураклар қабиласига мансуб эдилар. Ураклар жуда биқиқ, ўзларининг қатъий одатларига кўра яшардилар, бошқа уруғ вакилларини ўз ораларига киритмасдилар. Ҳатто олди-сотди ишларига ҳам бегона қабила одамлари билан ҳаддан ташқари зарурат туғилгандагина йўл қўярдилар. Эгар устида туғилган барча кўчманчилар сингари хушбичим, қуёшда тобланган, қорамағиз кишилар эди. Чорвачилик билан ҳаёт кечирар, эчки ва қўйларни яйловдан-яйловга ҳайдаб кун кўрардилар. Ёзнинг охирида кўчманчилар қисқа муддатга убихлар қишлоғи этагига жойлашганди, уларнинг жундан қилинган чодирлари ҳар дақиқада учиб кетишга шай турган, ҳозирча дам олаётган қора қарғаларни эслатарди. Жамхасарларнинг етакчиси қаттиққўл ва совуққон Жавадбей эди. Унинг ҳарамида убих аёллари бўлишига қарамай, бу чол убихларни ҳам аямасди. Ҳатто Қаринжа овасига ҳужум қилиб, аёллар, молларни ўғирлаб кетарди.

Ўз-ўзидан равшанки, муҳожирлар қўлига қурол олиб, ўз мулкларини, ор-номусларини ҳимоя қилардилар. Ҳар сафар қон тўкиларди. Аммо боши гангиб, ўч олиш учун ёғий устига ташланаркан, бунинг оқибатини ким ўйларди, дейсиз?

Тақир текисликнинг ғарб томонида шаруаллар яшарди. Одамохун, дилкаш, хушмуомала бу қабила авлоддан-авлодга фақат бир касб-савдо билан шуғулланиб келардилар. Фақат яқиндаги эмас, балки анча олисдаги бозорлар уларнинг тасарруфида эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаруал аёли ўғли бешигини тебратар экан, алла айтарди.

Алла ўғлим, юм кўзинг,
Ухлай қолгин, жон кўзим,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Кун келар, йигит бўлиб,
Отангдек кучга тўлиб,
Бўларсан зўр дўкондор.

Қаринжа оваси қишлоғида убихлар пайдо бўлиши билан шаруалар етиб келишди:

— Кимга чўрак! Кимга чўраклар!

— Керосин! Кимга лампамой! — қичқирарди кўча атторлари.

Кўп ўтмай тадбиркор шаруаллардан бири убихлар қишлоғида дўконча, иккинчиси қаҳвахона очди. Учинчиси устама фоизи билан пул қарз бериб турадиган бўлди. Қишлоқда мачит очилганда унинг мулласи ҳожи — яна ўша шаруаллар уруғидан бўлди. Унинг амакиваччаси эса қишлоқ оқсоқоли ўрнини эгаллади. Айтишларича, ҳатто вилоят волиси[1] ҳам қурумсоқ шаруаллар қабиласидан экан.

Вақт ўтиши билан убихлар ҳамда ана шу савдогарлар гуруҳи ўртасида фақат савдо-сотиқ муносабатларигина эмас, қариндошлик алоқалари ҳам ўрнатилди. Чиниққан ва абжир йигитлар чиройли убих қизларини кўргач, бозор-ўчарларини, омадли битимларини, қарз олди-бердиларини унутиб юбордилар. Натижада ўтказила бошлаган тўйларда табрик ҳамда қадаҳ сўзлари икки тилда, кўпинча таклиф қилинганларнинг аксарияти тушунсин деб турк тилида айтиларди. Шунинг учун Усмонли салтанати фуқароси бўлиб туғилган убих йигитлари савдо-сотиқ ва судхўрликдан тўпланган сепли қизларга жонжон деб уйланардилар.

Эсингдами, дад Шарах, Ҳамида кампирнинг набираси Тоҳир ҳақида гапиргандим. Кампир Чорох дарёсига ўзини ташлаб, чўкиб кетганди. Қайтиб чиқиш мумкин бўлмаган турмадалигимда Мзауч Абухбанинг ўғли, худо раҳматига олган бўлсин, менга Тоҳирнинг катта саводхон бўлиб етишганини, кўчириб юборилган убихлар кетидан кўнгилли бўлиб кетганини айтганди. Худди шундай бўлган эди. У муаллимлик қилди, болаларни ўз она тилларида ўқиш ва ёзишга ўргатди. Ўзинг биласан, бундай олижаноб иш учун китоб бўлиши керак. Лекин убих тилида китоб йўқ эди. Шунинг учун ҳам у убих тилида алифбе китобини яратди. Албатта, бу қўлёзма бўлиб, тарихимизда биринчи китоб эди. Табиийки, мулла бунга бефарқ қараб туролмади, “черкас”нинг хатти-ҳаракати унинг ғашини келтирди: “Болалар қандайдир шайтон тилини нега билиши керак? Ахир, мен мулламан, уларга турк ҳарфини ўргатаяпман. Дўконлар пештоқидаги лавҳаларни ўқишни, келажакда ҳарбий хизматга чақириқ қоғозини олгани ҳақида имзо қўйишни билса бўлди-да. Бунинг устига мактабга қатнаяпти, арабчани ёдлашлари керак. Қуръон арабча ёзилган. Ислом мамлакатида дуони ёдлаб қолиш лозим. Уларни на дуои фотиҳани, на султон номини ўқиб бўладиган тилга ўргатиш зарарли ғоя, чунки ўқувчиларни юқоридан кўрсатилган машғулотлардан чалғитади. Агар ўқитувчи Тоҳирнинг ўзбошимчалигига панжа орасидан қарайдиган бўлса, қароқчи уруғининг насллари ҳаракат қилиб, убихча хатни ўқишни ўрганиб оладилар. Кейин, йиллар ўтиши билан улар нима ёзаяпти, нимани ният қилаяптилар, бориб текши-

[1] В о л и — ҳоким, губернатор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб кўр-чи. Оллоҳ кўрсатмасин, бусиз ҳам бузғунчилар тўлиб-тошиб ётибди”.

Шўрлик боши шубҳалар билан ғовлаган мулла “бу ерда бир гап бор”, деган хаёлга борди.

“Фан соҳасида шунча хабардор Тоҳир қаердан келди? Истанбулдан! Истанбулда у қаерда ўсган эди? Сотқин ва қотил Шардин Алоу ўғли оиласида. Мана шунақа”. Хаёлидан шу фикр ўтган мулла бошлиғига билдирди: “Сизни шу нарсадан хабардор қилмоқчиманки, фосиқ Тоҳир бегоналарнинг болаларини Тангрига номаъқул тилга ўргатгани етмагандай, қонунга хилоф иш қилмоқда, исёнчи ва қотилларни ҳимоя қилмоқда. Султон иродасига қарши чиқиб, мўминларни солиқ тўлашдан бош тортишга чақирмоқда, хусусан, Али Ҳазрат пошога солиқ тўламасликка даъват этди. Маҳалла оқсоқоли ҳамда пошо Ҳусайн афандининг иш бошқарувчиси устидан шикоят ёзди. Гўёки халқ номидан ёзилган ушбу шикоятлар, аниқроғи туҳматларни унинг ўзи бир неча бор бош вазир саройига олиб бориб берди”.

Ҳақ гап, болам, Тоҳир халқнинг ҳимоячиси ва мададкори эди. Пайғамбар ўз сўзларини мирзаси орқали халққа етказишга интилди, убихлар эса Тоҳир орқали. Бизнинг ташвишимиз вазирни асло қизиқтирмасди. У парво ҳам қилмади, лекин ҳайратланди! “Нима? Убихлар? Наҳотки, улар ҳалиям қирилиб битмаган, аралашиб йўқ бўлиб кетмаган бўлса? Демак, ўзлари айбдор!” Тоҳирнинг барча ҳаракатлари ва куч-ғайратлари зое кетди. Мулла эса ниятига етди: Ҳамиданинг набирасига болаларга убих тилини ўргатиш тақиқланди. Бу менинг Қаринжа овасига келишим арафасида юз берди. Мен Тоҳир билан учрашмоқчи эдим, лекин бўлмади. У яна Истанбулга кетган экан.

Ўзинг яхши тушунасан, азизим Шарах, Ситнинг уйида ортиқча нонхўр бўлиб яшаш менга маъқул келмади. Темирчилик билан шуғуллансамми деб ўйладим, зеро бу ишга Давиднинг ўғли ўргатган эди. Аммо битта ниятнинг ўзи билан иш битмайди, уй қуриш, болға, босқон, қисқич ва бошқа ускуналар сотиб олиш керак. Қаердан оламан? Ситдан қарз олиб туришим мумкин эди, лекин унда пул қаердан бўлсин. “Менинг чўнтагимда фақат тушовланган бурга топилиши мумкин”, дея аччиқ ҳазиллашарди у. Фақат кўмирнинг ўзига ҳам бу ўрмонсиз тақир ерда жуда кўп пул керак бўларди. Кексалар хўжалигига ёрдамлаша бошладим. Улар билан буғдой экишдим. Лекин бу қўриқ ерда қандай ҳосил олиш мумкин? Шуни ҳам унутмаслик керакки, Сит ва Химжаж аммамнинг ери пўстин билан ёпса бўладиган даражада кичик эди. Пахта етиштириш билан шуғулланмоқчи бўлдик, воз кечишга тўғри келди. Унга сувни қаердан топамиз? Бир сафар ёввойи қовоқ уруғини топишга муваффақ бўлдик. У кади[1] деб аталадиган қовоқ эди. Экдиг-у, ўзимиз ҳам ҳайрон қолдик. Роса ҳосил берди. Камбағал нимани ўйлаб топмайди, дейсан. Биз ўша кади қовоқни қуритиб, юмалоқ қобиғидан дастали чўмич, сузгич, коса, товоқ ва бошқа идиш-анжом ясадик. Қуритилган кадидан турли-туман болалар ўйинчоқлари: қўғирчоқлар ясаб, қуш патлари билан безадик, юзга тутадиган ҳар хил ниқоблар бунёд этдик. Ана шу оддий буюмларни бозорда сота бошладик. Тўғри, уни сотишдан тузукроқ пул топиш қийин эди, биз уйга фақат мис пуллар олиб келардик.

Худога шукур, отам бундай шармандали кунларгача яшамади. Яхши қўшчи деҳқон ва жангчи бўлиш учун туғилган унинг ўғли бозорда мана шундай бемаъни нарсаларни сотиб юрса-я.

---

[1] К а д и – каду ҳам дейилади. (*Тарж.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир куни куйдирувчи офтоб тиғида, хира пашшалар хуружига бардош бериб, кадидан ясалган буюмларни ёйиб то кечгача бозорда ўтирдим. Қуёш ботаётганда савдодан тушган пулимга туз, лампамой, нон олиб, орқага қайтдим. Кайфиятим расво, бу нима деган гап, қилаётган ишим ҳақиқий кавказликка ярашадими? – деган фикрдан эзилиб борардим. Бундан ташқари, эшитган хабарларимдан кўнглим ғаш эди. Одамлардан эшитишимча, яна уруш бошланармиш. Юнон қўшинлари Измитга туширишга шай турганмиш. Мерсинда француз кемалари лангар ташлабди. Истанбулда эса инглизлар мустақилликдан маҳрум бўлиб қолган султонга ўз иродасини ўтказиб, қонли битимга кўндирмоқчи бўлаяптилар. Мен бозорда эшитганларимни Ситга айтиб, убихлар тақдири учун ташвиш билдирдим.

– Ғат-ғат қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи, – деди ғамгин қария.

Жума кунлари мачитга қатнай бошладим. Зауркан Золак мусулмонликни қабул қилибди, деб ўйлама тағин. Йўқ, Сит билан Химжаж аммамга гап тегмасин деб қилардим бу ишни. Уйларидан жой беришган одам худосиз бўлиб кўринса, уларни тинч қўярмидилар?

Сенга шуни айтишим керакки, дад, мен Африка саҳроларида тентираб юрган пайтларимда ва қамоқда ётган йилларимда убихларнинг ҳаммаси ислом динига кирган эдилар. Бу вазият мени анча ҳайратга солди. Менга улар ораларида яшаётган шаруалларга нисбатан анча тақводорроқ кўринардилар.

Ҳар жума куни кексалар ҳам, ёшлар ҳам мачитга борардилар. Энди менинг қавмларим мусулмон тақвими бўйича рўза тутардилар. Тўғри, анча етишмовчиликлар шароитида бундай қилиш қийин эмасди, шунингдек, байрамларда, айниқса, рўза ва Наврўз кунлари ишламасдилар. Дуо қиларкан, осмонга қўл кўтариб: “О, Худойим, ёрдам қил!” демасдилар, “Ё Оллоҳ, марҳаматингни дариғ тутма!” – дердилар ва қўлларини кўксига қўярдилар. Лекин мени ҳаммадан кўра ҳайрон қилган нарса шу бўлдики, улар энди маст қилувчи ичимликни оғизларига олмасдилар. Ҳа, бу одамлар борган сари убихларга камроқ ўхшаб борардилар...

Сен Битха ҳақида сўраяпсанми, азизим Шарах? Мен сенга ҳозир айни шу ҳақда гапирмоқчи эдим. Ўша муқаддас Битха ҳали бор эди ва кексалар унга сиғинишда давом этардилар. Бундай сиғиниш сенга ғалати туюлмаслиги лозим. Мен ёшлигимда шапсуглар танасида хоч тасвирланган олмурут дарахтига қандай сиғинганларини кўрганман. Ҳолбуки, улар мажусийлар ҳисобланардилар. Ҳатто черкаслар орасида ҳам икки ёки уч динга эътиқод қилувчилар бор эди. Бир хиллари Исо Масиҳга чўқинардилар, баъзилар исломга эътиқод қилардилар. Улар орасида асаларига сиғинувчилар ҳам бор эди.

Битханинг коҳини ҳамон аввалгидек қария Соулах эди. Ўша пайтларда у анча қариб қолган, менинг ҳозирги ёшимда эди.

Бир куни Сит менга:

– Соулахнинг тоби қочибди, юр, ўғлим, бир кўриб келайлик! Афсус, сен қарияни шу пайтгача бир йўқлаб қўймадинг!

Икковимиз касал коҳинни кўриш учун йўлга тушдик. Ҳамроҳим тантанали йиғинга кетаётгандай пўрим кийинганди. Эгнида черкас чакмони, ичидан бешбел камзул кийганди, белига ханжар тақиб олибди, қўлида алабаша[1]. Қария Сит коҳиннинг кўзига ёқимли кўриниш учун байрамона ясанганди. Йўлда учраганлар биз билан саломлашишарди:

[1] А л а б а ш а – темир учли ҳасса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ассалому алайкум!

Ҳассасининг учини ерга санчаркан, Сит ҳар сафар жавоб берарди:

— Ваалайкум ассалом!

Бирорта ҳам убихча саломлашиш йўқ. “Хайрли кун” ёки “Сени кўрганимдан хурсандман” ўрнига “Ассалому алайкум”, “Ваалайкум ассалом”. Нима бўлди? Нега бунақа? Ахир булар убихлар-ку? Мен Ситдан сўрадим. У қисқа жавоб қилди:

— Ўрганишган.

Йўлда ўсмирлар ерга пичоқ санчиб ўйнашарди. Улар ёнидан ўтиб борарканмиз, бирортаси ўрнидан турмади, бизга йўл бўшатмади. Уларни айланиб ўтишга тўғри келди. Янги замон, янгича одатлар.

— Эҳ-эҳ-ҳей! Нега ҳам дунёга келдим-а! — тўнғиллади қария ва негадир ўйланиб қолди. Балки Убихияда ўтган ёшлигини эслагандир. О, у ёқда ҳаммаси бошқача эди!

Биз Соулах яшайдиган уйнинг ҳовлисига кирганимизда оппоқ кийинган коҳинга кўзим тушди. У пастак курсида ўтирар, қўлида алабаша ушлаб турарди. Унинг икки тарафида маҳаллий чоллар ўтирарди. Соулах мени таниб, ўрнидан турди, қучоқлади.

— Сени бағрига олган хонадондан бахт-саодат аримасин!

Шундай деб қария мени ёнига ўтқазди. Ҳолбуки, бунақанги фахрли жойга ўтиришга мен ботина олмасдим. Оқсоқол бош оғриғидан азоб чекарди, лекин ҳозир буни эсдан чиқарди, шекилли. Унинг амри билан сарсон-саргардон юрганларим ва қамоқда ўтказган йилларимни гапириб бердим. Менинг ҳикоям уни тўлқинлантириб юборди.

— Биродарларим, — мурожаат қилди Соулах, атрофида ўтирганларга, — агар бугун мени кўргани келмаганларингда, барибир, сизларни чақиртирардим. Зауркан ҳам шу ердалиги айни муддао. Мен коҳинлик мажбуриятини бўйнимдан соқит этишга қарор қилдим.

Бундай кутилмаган хабардан лол бўлиб қолдик.

— Афв этасан-у, бундай қилишга ҳаққинг йўқ. Ҳали ақлинг жойида, ироданг мустаҳкам, шошилишинг яхши эмас. Халқ томонидан сенга юклатилган вазифа енгил эмас. Лекин ҳозирги шароитда бундай қарорга келишинг шошқалоқлик, — деди ташвишини яширмай Сит.

— Қалб қалъаси — қабирга қалъасидан муҳимроқ, — эслатди Даут.

— Етакланадиган халқнинг ўзи бўлмаса, етакчининг нима кераги бор? Илдизлари қирқилган экан, дарахт яшай олмайди! Муқаддас Битха унутилган бўлса, коҳиннинг нима кераги бор? — деди қайғу билан бошини эгиб Соулах.

— Йўқ, муҳтарам Соулах, битта бўлса ҳам муқаддас Битхани тавоф қилувчи убих бор экан, мажбуриятингни ўзингдан соқит қилолмайсан,— Ситнинг ёнини олди унинг тенгқури Татластан.

— Сизларнинг лафзингиз билан халқнинг эртанги куни олдидаги жавобгарлик гапирмоқда, менинг оғзим билан эса ҳақиқат гапирмоқда, — деди Соулах. — Аччиқ ҳақиқат, аммо нима ҳам қила олардинг...

Қария жим қолди. Қаттиқ бош оғриғи уни анча вақт қимир этмай туришга мажбур этди. Соулах бутун қартайиб, куч-қувватдан қолган чол эди. Юзини чуқур ажинлар қоплаганди.

— Каттани ҳам, кичикни ҳам ҳурмат қил, дейилган! — бош оғриғи тўхтагач, сўзида давом этди Соулах. — Одамларни йиғиб, Битханинг ҳимоясига муҳтож одамлар кўпмикин, аниқлаймиз.

— Уларнинг сони камайди, лекин тугагани йўқ, — деди қария Даут.

— Майли, биринчи пайшанбада одамларни тўпланглар. Агар “хўп” дейишса...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э-э-эҳ! Агар ўз уйимизда бўлганимизда, мис карнайни чалсак борми, ҳамма югуриб келарди, — хўрсинди Сит.

Биз уй-уйимизга тарқалиш учун ўрнимиздан турдик.

— Шошманглар, — деди Соулах ва касалманд, бир қўли йўқ набирасини чақирди-да, қулоғига нимадир шивирлади. У бошини сараксарак қилиб, уйга кириб кетди ва дақиқа ўтмай, ажойиб қадимий ханжар ва муқаддас мис карнайни олиб чиқди. Соулах ўрнидан турди, бор кучи билан ҳассасини ерга санчди-да, соқолини силади. — Биродарлар, — мурожаат қилди у бизларга, — бу нарсалар менга ота-бобомдан қолганини биласизлар. Мана бу ханжар убихлар ўлкаси гуллабяшнаган ва шон-шарафга эга бўлган пайтда қуйилган. Унинг барча соҳиблари ҳақиқий эркаклар бўлишган. Ушбу карнай эса халқнинг жарчиси, унинг қувончи ва қайғуси даракчиси бўлган. Ҳатто тоғлар ҳам унга жўр бўларди. Мен бир оёғим билан гўрда турибман. Набирам, яхши биласизлар, касалманд ва тажрибасиз. — Соулах менга ўгирилди: — Ўғлим Зауркан Золак, бу ердагилар ичида энг ёши ўзингсан, лекин ҳаммамиздан кўп жафо чеккан сенсан. Руҳан ожизларни азоб-уқубат эзади, руҳан кучлиларни эса тоблайди. Шу боисдан тақдир муҳри босилган ушбу буюмларга ворис бўлишга сен лойиқсан.

— Кечирасиз, уларни қабул қилиб олишга ҳаққим борми? Ахир мен қўлимни бегуноҳ Саиднинг қонига булғаганман... Яна ишонмай туриб мачитга қатнайман...

— Бўйсун! Мен яхшироқ биламан, — деди қария.

Бу ерда ҳозир бўлганлар менга кўрсатилган ишонч билан табриклай бошладилар. Соулах қўлини чап елкамга қўйиб буюрди:

— Пайшанба куни эрталаб муқаддас бутхонага келасан. Тепаликнинг устига чиқиб мис карнайни чаласан. Унинг чақириғи уларнинг кимлигини эслатиб қўяди! Руҳан тушганлар қадларни ростлайдилар, ўзларини унутганлар уйғонадилар. Агар биз Тангри марҳаматидан маҳрум этилмаган бўлсак, одамлар йиғилиб келадилар!

Чоллар сергакландилар, гўё елкаларидан ўнлаб йилларни улоқтириб ташладилар. Мен эса улар олдида гангиб, қувонишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасдим.

КОҲИННИНГ ЎЛИМИ

Пайшанба куни етиб келди. Биз бу кунни юрак ютиб кутардик. Осмонни куз булути қоплаганди. Ҳавода ёмғир ҳиди бор эди. Лекин йўлларда чанг-тўзон ҳали босилмаганди. Жамхасарларга тегишли бўлган қўйлар суруви тоғдан пастга тушиб, бизнинг далаларимизга ўрлаб кела бошлаганди. Убих қоровуллари қуролланиб, кўчманчилар томон ўқ узишганди. Улар ҳам ўз навбатида бизнинг соқчиларимизга ўт очишганди.

Менга буюрилганидай, эрта тонгда туриб тепалик устига кўтарилдим. У ерда убихлар Қаринжа овасига келган йиллар экилган граб[1] дарахти ўсарди. Афтидан, бу ернинг тупроғи унга мос келмаган шекилли, зўрға ўсаётгани кўриниб турарди. Бургут тимсолидаги Битха унинг остига кўмилганди. Дарахт қаршисига бориб турдим-у, мис карнайни чалишга ботина олмасдим. “Уни чалишга кучим етармикин, — ўйлардим мен. — Юзлаб кишилар эшитадиган овозга анчагина нафас керак бўлар”. Бошқа йўли йўқ эди. Лабимни карнай муштугига қўйиб пуфладим. Ундан чўзиқ товуш чиққанига ўзим ҳам ҳай-

[1] Г р а б — қайинлар оиласига мансуб дарахт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рон қолдим. Ўз кучимга ишонгач, чалишда давом этдим. Аввалига шарқ томонга қараб туриб чалдим, кейин тескари томон бурилиб, бор кучим билан пуфлай бошладим. Шу тариқа, кейин жанубга, сўнгра шимолга қарата карнайни чалдим. Чалавердим, чалавердим. Нафасимни ростлаб олардим-да, чалишда давом этардим. Чаккаларимдан қон тепа бошлади. Тоғда бу карнай бошқача товуш чиқарарди. У ерда карнай овозига тоғлар акс садо берарди, денгиздан эсаётган шамол уни янада кучайтирарди. Бу ерда унинг даъваткор товуши паст булутларга урилиб, уларга сингиб кетарди. Ёмғир ёға бошлади. Мен ўпкамга ҳаво олдим-да, яна карнайга пуфладим, юзимдаги терлар ёмғир томчилари билан қўшилиб кетди. Карнай овози жаранглaмас, ёрдамга чақираётган кемага ўхшаб товуш чиқарарди.

Мен толиқиб кетдим ва дарахт тагига чўккаладим. Карнай ўнг қўлимда. Ёмғир тинди, булутлар орқасидан қуёш мўралади. Одамлар туш пайтига йиғилиб келишлари керак эди. Менинг уйга бориб, қайтиб келишим учун вақтим бор эди. Лекин ёлғиз қолгим келди. Ўтириб ўйга толдим.

Карнайнинг чақириғи убихларга етиб бордимикин? Улар ҳозир қандай фикрга бордийкин? Агар тушгача тўпланишса, Соулахга қулоқ солишармикин? Ўйлаб ўтириб, негадир мудрай бошладим. Юмула бошлаган қовоқларим орасидан тонгги туман чулғаган тоғлар кўриниб кетди. Тоғнинг учли ўркачлари оппоқ ялтирарди. Унинг ён бағри бўйлаб оқ кўпикка бурканган Сочи дарёси оқаётир. Мана у водийга етгач, тиниқлашди-да, секин оқа бошлади. Сув тагидаги тошларда қуёш акс этарди. Дарёнинг ўзани тор ва қирғоқлари баланд жойда унинг устидан кўприк ўтказилганди. Кўприк устида туриб сувга қарарканман, соқолсиз ёш юзимга кўзим тушди. Бирдан қамишнинг шитирлагани эшитилди. Ўгирилиб қарадим: учта кийик, у ёқ-бу ёққа аланглаб, сув ичгани тушиб келаяпти. Кўзлари мунча чиройли бўлмаса бу жониворларнинг, киприклари узун-узун. Бунақа кўзларни тоғ қишлоқларидаги аёлларда кўп кўрганман. Қўлимда пилта милтиғим бор, лекин уларни отгани кўзим қиймайди. Милтиқни нарироқ суриб қўйдим. Нега у мунча совуқ? Ё тавба, бу ахир карнай-ку. Шу ерда уйғониб қетдим. Ҳозиргина қаерда юргандим? Наҳотки ухлаб қолган бўлсам? Йўғ-е, кўзимни юмганим ҳам йўқ-ку! Ё Худо, очиқ кўз билан ҳам туш кўриб бўларканми?

Тепаликка қараб келаётган йўловчи фикримни бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши тепага, офтобга қарадим. Йўқ, у ҳали тик тепага келганича йўқ. Агар бу одам карнай овозига келаётган бўлса, вақтлироқ чиққанга ўхшайди. Ялангбош келаяпти. Эгнида катак кўйлак, оёғида этик. Ана, юзи аниқ кўрина бошлади. Нотаниш! Баланд бўйли, ингичка, оқ оралаган сочлари орқага таралган. Яқин келиб, жилмайди.

— Хайрли кун! Омадингни берсин, Зауркан. Бугун қанчалик хурсанд эканимни билсанг эди. — У шундай деб, мени қучоқлаб олди.

— Сени ҳам Худо ёрлақасин, нотаниш!

— Нега нотаниш? Биз бир-биримизни жуда яхши таниймиз! Сенинг уйингда яшаганимда нон-тузингни баҳам кўрган эдинг-ку?

Бирдан қотиб қолдим:

— Тоҳир! Муқаддас Битха номига қасам ичаман, тутинган укам Тоҳирсан!

Ва мен уни бағримга босдим. Бу ўша, бундан ярим аср муқаддам Мата иккаламиз қўлда кўтариб Усмон кўйга олиб борганимиз Тоҳир эди. У чиндан ҳам бизнинг уйимизда яшаган ва кейинчалик Шардиннинг ўғли билан Истанбулга кетган эди. Ўшанда онам кичкина Тоҳирни кузатаркан, аччиқ-аччиқ йиғлаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Учрашдик — яна қаерда дегин? Шундоққина Битханинг олдида. Чинакам муқаддас жойда-я! — дедим мен.

Тоҳирнинг кулиб турган мовий кўзларида қайғу акс этди:

— Убихларнинг муқаддас жойи денгиз ортида қолди... Кечаси Истанбулдан қайтиб келганимда, хотиним сенинг тирилиб қайтганингни айтди. Кечаси безовта қилгим келмади. Эрталаб эса, Сит сенинг бу ёққа келганингни айтди менга. Кейин карнайнинг овозини эшитдим. Ҳа, аммангнинг эри ҳақ: "Агар кимдир қачондир, — деди у, — ўлиб тирилган бўлса, бу бизнинг Зауркан бўлади". Бошингдан шунча нарсаларни кечириб, аввалги яхши замонларда уйга қайтиб келганингда борми, бутун Кавказда сен ҳақингда қўшиқ тўқиб, апхиарца жўрлигида айтиб юришган бўлишарди. Аммо, барибир, ўзларини йўқотмаган убихлар учун сенинг қайтиб келишинг катта воқеа. Сен халқимизга қадимги ақидани эслатдинг: "Тоғлар тоғ елкасига қулаган пайтда, улар бу оғирликни кўтаролмадилар; шунда бу оғирликни одамлар елкасига ортишди — уларнинг бели букилмади". Сенинг номинг ҳолдан тойганларга куч-қувват беради, мардлик ва сабр-бардош бағишлайди...

— Тоҳир, одамлардан халқнинг ёнини олаётганингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бу ишларинг мақтовга лойиқ. Хўш, Истанбулдан қандай хабарлар олиб келдинг?

— Ёмон хабарлар, Зауркан! Убихлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бир ой давомида ҳукумат идораларига бош урдим. Шикоятимга ҳеч ким қулоқ солмади. Қандай борган бўлсам, шундай қайтиб келдим. Биз хўрланганлармиз.

Вақт тушга яқинлашиб қолганди.

— Нима деб ўйлайсан, халқ йиғилармикин? — сўрадим мен.

— Оқсоқоллар уйма-уй юриб, одамларни йиғинга чақиришди. Карнайнинг овози ҳам эшитилди. Анча-мунча одам тўпланса керак, — деди у наридан-бери бориб келаркан. — Убихлар энди мўмин мусулмон бўлдилар, — Тоҳир Битха томонга ишора қилди, — унга сиғиниш ўтмишда қолиб кетди. Бошқа муқаддас нарсага эга бўлсалар маъқул келарди...

— Нимага?

— Озодликка ишончга! Лекин унга тиз чўкиб эмас, балки қўлда қурол билан сиғиниш керак.

— Бир тўда кишилар бутун бир давлатга қарши қандай курашишлари мумкин?

— Сен ҳақсан, бир ҳовуч кишилар кураша олмайди. Лекин озодликка эришиш барча ҳақ-ҳуқуқсиз кишилар қалбига етиб бориши лозим. Қабилалар ўртасидаги жанжалу можаролар инсон табиатидан келиб чиқмайди, балки ҳукмдорлар ниятидан юз беради. Қайси тилда гаплашишмасин, камбағал камбағални ҳамиша тушунади. Ер — унда ким тер тўкиб ишлаётган бўлса ўшаники бўлиши лозим. Яхши келажак болалар сингари ўзаро келишувдан туғилиши керак.

— Эҳтимол, келишув инсон табиатида йўқдир. Кун бор жойда тун ҳам бор; бойлик бор жойда камбағаллик ҳам бўлади. Биров қувонса, иккинчиси кўз ёши тўкади; биров — саломалайкум? — деб дунёга келади, бошқаси — алвидо! — деб дунёни тарк этади. Йўқ, Тоҳир, инсонларнинг ўз тартиб-қоидасини ўзгартиришга бизнинг кучимиз етмайди.

— Ҳаёт-мамот, тун ва кун борасида шундай, одамлар ҳақида эса ундай эмас. Ёки сен эшитмадингми? Россияда подшони ағдаришибди...

— Мен кар эмасман...

— Инқилоб — бу эртак эмас. Россияда қардошлик қонуни кучга кирди. Энди у ерда кучлиларнинг ҳақ-ҳуқуқи эмас, барча халқларнинг ҳуқуқ кучи ҳукмронлик қилаяпти. Сенинг онанг қабиладошла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри – абхазлар энди ўз давлатига эга. Абхазия ҳукуматининг бошлиғи бултур Туркияга келиб кетди...

Сен тушунгин, азизим Шарах, мен қандай аҳволга тушиб қолдим. Муқаддас Битхага ибодат қилгани келиб, мана шундай гапларни эшитиб турибман! Менга болалигимдан таниш бўлган Абхазияни бошқача тасаввур қилмоқчи бўлардим-у, ҳеч кўз ўнгимга келтиролмасдим.

– Россияда юз берган воқеалар акс садоси бу ёққача етиб келди. Султон ҳокимияти қил устида турибди... Бу ерда ҳам халқ ҳаракатга келади ва шунда...

– Нима шунда?

– Ҳаммаси ўзгаради Зауркан. Қулоқ сол, сен билан маслаҳатлашмоқчийдим. Балки, одамлар тўплангач, мен уларнинг олдига чиқиб, ҳозиргина гаплашганимиз воқеалар ҳақида ўз қарашларимни ирод қиларман, а?

– Майли! Лекин ноқулай бўлмасмикин? Ўзингни балога қўясан, деб қўрқаман. Убихлар орасида анчадан бери якдиллик йўқ...

Қуёш тикка тепага келганда, одамлар иккита-учтадан кела бошлашди. Улар орасида аёллар йўқ эди: ислом қоидалари амал қила бошлаганди. Икки йигит оқ эчки етаклаб келди, уларнинг кетидан коҳин бошчилигида чоллар келарди. Биз тепаликдан тушдик. Ибодат пайтида у ерда коҳиндан бўлак ҳеч ким бўлмаслиги керак эди. Мен кутганимдай одамлар кам тўпланди. Ибодатдан сўнг коҳин қурбонлик эчкини сўйди. Ёш йигитлар эчкининг терисини шилишни билмагани учун энг кекса Татластан бу ишга киришди. Эчкининг терисини шилиб, гўштлари нимталаниб қозонга ташланди. Бурунги яхши замонларда ҳар бир уруғ қурбонликка битта эчки келтирарди, энди бўлса барча Битхага сиғинувчилар битта эчкига етадиган пулни зўрга йиғишди.

Бир вақтлар бундай ҳолларда эчки гўштини барра чинор барглари устида ердилар. Бу ерда ўнлаб чақирим атрофда бирорта дарахт йўқ эди, шунинг учун бир неча киши маккажўхори барги излаб кетишди.

Умуман, йиғин ғамгин ўтди. Арқалуг ва черкас чакмонли, бошида қора телпак, кўкси газирли хушқомат йигитлар қаёққа кетди? Қарияларнинг батартиб суҳбатлари-ю, ёшларнинг боодоб хизматлари қаерда қолди? Абжир чавандозлар, маросимлардан кейин пойга қўйишлар қани? Тўй ва томошаларда қўлларини қанотдек ёзиб, оёқ учида чир айланиб рақсга тушаётган, ўрим-ўрим сочлари товонини ўпаётган қизлар қани? Сувлиғини чайнаб, оёғи билан ер тепиниб, учишга интилиб гижинглаётган тулпорлар қаёқда қолди? Ҳув ана, биттагина қўтир туя нарироқда ўтлаб юрибди. Тўпланганлар ҳорғин у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди, Муқаддас Битха ҳақида эмас. Кўплар Тоҳирни кўриб, уни ўраб олишди-да, Истанбулга сафари ҳақида суриштира бошлашди.

Лекин ана, оппоқ кийинган Соулах, арвоҳ сингари тепаликнинг чўққисида пайдо бўлди. Ўнг қўлида хивчин ушлаб турарди, унга эчкининг қайнатилган юраги ва жигари сихланган эди. Улардан буғ чиқиб турарди. Тепалик пастидаги чоллар бош кийимларини олиб, тиз чўкдилар. Уларга тақлид қилиб, мен ҳам тиз чўкдим. Тоҳирнинг ҳам тиз чўкканини кўриб ҳайрон қолдим. “Ўзи ваъз айтмоқчи эди, шекилли”, ўйладим мен.

Йиғинга келганларнинг кўпчилиги тик турардилар, баъзилар чекишарди.

– Ё қодир Худо! – бошлади у. Жимлик чўкди. Ва коҳин ингича, секин овозда давом этди: – О муқаддас, бургутсифат Битха, мадад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

коримиз ва ҳимоячимиз! Биздан марҳаматингни дариғ тутма! Биз адашган бандаларингнинг гуноҳидан ўт ва тўғри йўлга бошла. Қурбонлиғимиз арзимас бўлгани учун бизни кечир! Тиз чўкиб, сенга умид билан илтижо қиламиз. Арзимизни эшит, о марҳаматли...

Мен аждодларимиз Битхани бекорга ҳар нарсага қодир деб ҳисоблашмаган, у аждодларимизни ҳимоя қилган ва ёрдам берган деб ўйлай бошлаганимда орқа қатордан қаттиқ хуштак чалинди. Ҳамма ўгирилиб қаради. Эскириб кетган аскар кийимидаги киши тўрт бармоғини оғзига тиқиб, ҳуштак чаларди. Унга хўмрайишди, у бўлса парво ҳам қилмади.

— Бутун аср бўйи ибодат қиламиз, лекин нима фойдаси бор унинг! Бувам ибодат қилганди, отам тавоф қилиб тиз чўкканди. — у Битхага имо қилди, — нима берди бизга у? Мен султон шарафига Болқонда уч йил битларга ем бўлдим, ерни қоним билан суғордим. Қайтиб келсам, на отам бор, на онам, на уйим бор, на жойим. Менга айт-чи, муҳтарам қария, нега муқаддас Битха бунақа кўр, бунақа кар ва бунақа кучсиз бўлиб қолдики, гуноҳсизларга ёрдам беролмаяпти? — ва тупуриб, қўл силтади: — Буларнинг ҳаммаси қуруқ гап, ёлғондан бошқа нарса эмас.

— Нима бало, эсингни едингми? — қичқирди Сит.

— Мачитда ғинг дея олмайсиз, бу ерда ҳам тилингизни тийганингиз маъқул! Бизни шунча алдаб келганингиз етар! — тўнғиллади аскарнинг жўраси.

— Овозларингни ўчиринглар, шаккоклар, — бақирди қария Даут. Лекин аскар ва унинг шериги сира парво қилишмади. — Битха аллақачон ўз умрини яшаб бўлди, сиз коҳин эчкининг юраги ва жигарини унинг олдида бекорга ушлаб турибсиз, — деди биринчиси.

Иккинчиси эса мазах қилиб уни қўллаб-қувватлади:

— Ёки сиз Битхасиз юрак ва жигарнинг таъмини билолмайсизми?

Ғала-ғовур кўтарилиб, чоллар билан ёшлар ўртасида жанжал бошланди.

— Нима, ибодат қилишимизга халақит бериш учун тил бириктирдингларми? — ҳассасини ҳавода ўйнатганча Татластан ёшлар қаршисига чиқди.

Тоҳир тепаликнинг устига чиқа бошлади, одамларга ўз сўзини айтишга қарор қилди, шекилли. Шу пайт коҳин Солаух ибодатини тўхтатиб, қўлидаги юрак ва жигар сихланган хивични туширириб юборди. Ўзи эса ипга осилган чойшабни шамол учиргандай, оппоқ кийимда қўлларини ёйиб Битха олдига йиқилди.

Қарияни қўлларида кўтариб уйга олиб киришди. Ўша кечаси у ўзига келмай жон таслим қилди.

МАНСОУ ШАРДИН ЎҒЛИ

О азизим Шарах! Агар бошингни роса қотирмаган бўлсам, менинг хотираларим мевасидан яна озгина татиб кўр.

Менинг энг ёмон кўрган одамим Шардин эди. Убихлар ва бизнинг оиламизнинг барча қайғу ғамлари шу ном билан боғлиқ эди. Шу тўнғиз қўпгур шаккок сингилларим ҳалокатининг сабабчиси эди. Ҳатто унинг итларча ҳалок бўлиши ҳам менинг интиқомга ташналигимни сўндира олмади.

Мен Қаринжа овасига жойлашганимда отамнинг эмикдош укаси Шардиннинг ўғли Мансоу бу ерда фаровон яшаётганини кўриб ҳайрон бўлдим. Деҳқонлар уни ер-мулкида текинга ишлаб берардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳолбуки, давлат жиноятчиси, сараскар[1] қотилининг ўғли ҳеч бўлмаганда турк султонининг оддий фуқаросига айланиши, бировлар ҳисобига кун кўрмаслиги керак эди. Йўқ, буни қарангки, оқ-суякларнинг ўз қонунлари бор экан. Менга ўхшаган камбағал жиноят содир этса, бутун оиласини уруғи билан қуритишади, агар ҳукмдор шундай иш қилса, унинг меросхўрларидан ўч олмайдилар, бола отаси учун жавобгар эмас. Демак, Мансоу ҳақида ғамхўрлик қилишган. Ахир дворяннинг боласи-да, нима, у энди ер ҳайдайдими?

Шардин Алоу ўғлини ўлдиришгач, Мансоунинг онаси меросхўрни Францияга жўнатди. Унинг қайтишини кутолмади, ўғли кетганидан сўнг икки йил ўтгач, вафот этди. Беғам йигитча, савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлади, ғирром қартабозлар билан боғланиб кечаларини қиморхоналарда ўткарди. Бир куни қаллоблик қилаётганда қўлга тушиб, убихларни эслаб қолди ва Қаринжа овасида пайдо бўлди. “Мен сизларнинг дворянингизман, – эслатди у одамларга. – Марҳамат қилиб, илтифот кўрсатинг”. Уни тан олишди, жуда хурсандмиз! – дея бўйсунишди.

Эҳ, убихлар, убихлар, ҳаёт қанча таълим бермасин, барибир, гўллигича қолдилар. Бўйин эгдилар. Эгилган бўйинга эса бўйинтуруқ илиш қийинмас. Ҳокимларнинг ҳам сахийлиги тутиб кетди. Унга ортиғи билан ер ажратиб беришди: Яша, қандингни ур! – дейишди. Кўзбўямачиликларда анча тажрибаси ортган убихларнинг янги бошлиғи пахта олиб-сотиш билан шуғуллана бошлади. Унинг иши юришиб кетди ва бу жулдурвоқи каттагина бойлик тўплади. Шундай уй солдики, юз чақирим атрофда бунақаси йўқ, ҳатто Али Ҳазрат пошонинг ўзи унга ҳасад қила бошлади. Қабиладошларининг йўқсиллиги ва ташвишларига парво қилмасди. Мансоуни қизиқтирган нарса, убихлар унинг ерида эшакдай ишлашса, унга қарамлик бурчини бажарсалар бўлгани. Олма ўз дарахтидан узоққа тушмайди: отасининг қилиқлари ва феъл-атвори унинг жон-қонга сингиб кетганди. Мен Шардиннинг зурриёдидан имкони борича узоқ юрардим. Лекин Ситнинг тоби қочиб қолди ва мен ҳафтасига бир марта Мансоу даласига чиқиб ишлаб беришимга тўғри келди. Эсимда, убихлар билан жамхасарлар орасида яна жанжал чиқди. Уларнинг сардори Жавадбейнинг ўнта қўйи йўқолиб қолибди. У волийга қўйларни убихлар сўйди деб шикоят ёзиб берди: Учта убих йигитини ҳибсга олиб, сўроқ қила бошладилар. Лекин далил тополмай, уларнинг ўғрилигини исбот қилиша олмади ва йигитларни қамчи билан савалаб қўйиб юборишди. Жавадбейнинг жонпони чиқиб кетди, ғазабдан қутурди: бу нима деган гап, қўйлар йўқолди-ю, лекин ўғрилар топилмаса? У аламидан туялар подасини бизнинг далаларимизга ҳайдаб юборди. Убихлар туялар ва уларнинг ҳайдовчиларига қарата ўт очишди. Икки ўртада отишма бошланди. Икки томоннинг бир-бирига ўт ёғдириши уч кеча-кундуз давом этди. Мундоқ қарасак, Жавадбей отлиқ қўриқчилар кузатувида Мансоу Шардин ўғлиникига меҳмон бўлиб келаяпти. Базми жамшид қуриб ўтиришибди, ичиб, кайф-сафо қилишаяпти, бир-бирининг соғлиғи учун қадаҳ кўтариб, ким кимнинг қанча одамини ер тишлатганини айтиб, мақтанишяпти.

Чоллар Ситнинг уйида тўпланиб, менинг Мансоу уйига боришимдан бўлак нарса ўйлаб топиша олмапти. Мен бориб Мансоуни Жавадбей билан қон тўкишни тўхтатишга эришишга кўндиришим керак экан.

---

[1] С а р а с к а р – лашкарбоши, ҳарбий вазир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Топган одамингларни қаранглар-у, — қаршилик кўрсатдим мен.

— Сизларнинг оталарингиз эмиқдош оға-ини эдилар, — эслатишди улар, — бошқа ким ҳам борарди.

Чолларнинг ана шу топшириғи билан мен дарвозадаги темир қопқани очдим. Худди ердан ўсиб чиққандай қоровул пайдо бўлди.

— Нима керак?

— Мен Зауркан Золакман. Хўжайиннинг қариндошиман. Унда ишим бор.

— Қариндош дейсанми? Зауркан Золак? Оббо, бу номни қара, уни айтгунча оғзинг йиртилиб кетади-ку, "Зауркан Золак"миш!

У менга бошдан оёқ қараб чиқди-да, буйруқ берди:

— Орқага қайт, тентак! Жўнаб қол.

— Ҳой-ҳой, тилингга эҳтиёт бўл, яқин одамига шундай муомала қилганинг учун хўжайиндан балога қолиб юрма.

— Хўжайин бандлар! Олий мартабали меҳмонлари бор, сенга йўл бўлсин, пандавақи! Бугун Али Ҳазрат пошо ва француз генерали ташриф буюришган. Жўна! Кимга айтаяпман, йўқол бу ердан!

Нима қила олардим? Жойимни тепкилаб турдим-да, уйимга жўнадим. Тўсиқни айланиб ўтганимда, ҳовли томондан қувноқ суҳбат эшитилди. Темир панжаранинг симига яқинроқ бориб тўртта эркакни кўрдим. Олдинда Мансоу тиржайиб турарди. У Шардинга жуда ҳам ўхшаб кетарди. Унинг чап томонида чилим чекиб, бўчкадай семиз, ялтироқ эполетли турк турарди. «Али Ҳазрат пошо шу бўлса керак", ўйладим мен. Чап томонда қўлида ҳасса, ялтироқ нишонлар таққан, баланд овозда мен тушунмайдиган тилда гапираётган озғин жаноб. "Француз генерали шу, шекилли" кечди хаёлимдан. Сал нарироқда оқ яктакли, баланд бўйли Жавадбей. Уни кўрганлар менга шундай тасвирлашганди.

Эркаклар мева-чева, шарбат ва ёнғоқ қўйилган стол атрофига ўтиришди. Маза қилиб яшарканда бу порахўр мазахўраклар, деган фикр келди миямга. «Фақат хўроз уриштиришлар етишмаяпти". Худди шу пайт иккита хизматкор бир жуфт хўроз кўтариб кириб келди. Улар хўрозларни қўйиб юборишди. Қизил хўроз оқ бабаққа бургутдай ташланди. Ташланди-ю, чанг солди. Оқ хўрознинг патлари тўзиб кетди. Кейин бир-биридан орқага чекинишди. Патлари ҳурпайган, қанотларини осилтириб, тумшуқларини ерга суркаб ўткирлаштирдилар-да, бошларини эгиб олдилар. Қобоқларини қоқиб, бир-бирига ёвузона боқиб туриб, яна жангга отилдилар. Бир-бирларининг тожларини чўқиб патларини юлдилар. Меҳмонлар ва хонадон соҳиби қоринларини ушлаб кулишар, уришаётган паррандаларни бир-бирига гиж-гижлаб ҳуштак чалар, ёнғоқ отардилар.

Кўнглим айний бошлади. Темир тўсиқдан ўзимни четга олдим-да, муштларимни қисганча, жўнаб қолдим.

"Бизларни мана шу хўрозлардек қўшниларга гиж-гижлаб, уриштиришяпти, — ўйлаб кетдим йўл бўйи. — Хўрозлар чўқишса, уларга кулгили, одамлар уришса, уларга эрмак, бунинг устига фойда: уришинглар, нодонлар, ёвлашаверинглар, сизлар жанжаллашиб турсанглар биз тинчроқ яшаймиз".

Эртаси куни меҳмонлар кетганидан хабар топиб, мен яна темир дарвоза олдига бордим, лаънатлар бўлсин! Қопқани очдим, бугун бошқа қоровул, сўради:

— Нима керак?

Отамнинг эмиқдош укаси Мансоу Шардин ўғлини кўрмоқчиман, деб тушунтирдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўрмаяпсанми, от эгарлоғлик? Хўжайин овга чиқмоқчи. Сенга вақти йўқ!

— Уни йўлдан қўймайман, икки сўз айтмоқчиман, холос.

— Кирита олмайман. Ҳеч кимни қўйманглар деб тайинлашган.

Қоровул билан тортишиб турганимда балкондан ҳовлига Мансоу Шардин ўғли тушиб келди. Оёғида этик, бошида похол шляпа, елкасида қўшоғиз милтиқ.

Мен черкас чакмонида эдим, белимда ханжар. Турк одатларига хос бўлмаган ғалати кийимдаги нотанишни кўриб, ёнимга келди.

— Хайрли кун! — саломлашдим у билан убихчасига.

Саломимга алик олиш ўрнига туркча сўради:

— Кимсан?

— Яхшилаб қара, танийсан!

— Қараб ўтиришга вақтим йўқ!

— Мен Зауркан Золакман. Оталаримиз эмиқдош оға-ини бўлишган.

— Ҳа, Мухтор[1] менга айтган эди... — таниқли пошони сўйган сенмисан...

— Бу бизнинг уруғимизда биринчи воқеа эмас, — дедим унинг отаси сараскарни отиб ташлаганига ишора қилиб... — Манифестга кўра афв этилганман.

— Манифест дейсанми? Манифестнинг нима дахли бор? Сен қотилсан. Қўлларинг эса қон... — Мансоу пешанасини тириштирди.

— Мен ўз дардим билан келмаганман.

— Биз қариндошмиз, дейсанми?

— Бувим сенинг отангни сут бериб боққан.

— Ё тавба, бу қачон бўлганди! У даврлар ўтиб кетди. Мендан сенга нима керак?

— Йўлдан қолдираётганим учун кечирасан. Мен фақат воситачиман.

— Кимлар ўртасида?

— Сен билан қабиладошларим ўртасида. Мансоу ҳушёр тортди:

— Қавмдошларим нима истайдилар?

— Ўртада душманликка чек қўйиш тўғрисида сенинг Жавадбей билан келишувингни... Қон тўкилаяпти, ахир...

— Қон тўкилишига ачиниш сенга қолганми... Убихлар ўғирликни бас қилишсин, ҳаммаси тўхтайди-қолади. Сени юборганларга шундай деб қўй...

Гапимиз тамом дегандай, эгарлоғлиқ отига қараб юрди, бир неча қадам босгач, бурилди:

— Менда қайси кунлари ишлайсан?

— Душанба ва сешанба кунлари.

— Сен отамнинг номини эсладинг. Шунинг шарафига бир кунингдан озод қиламан. Ишга фақат сешанба куни чиқсанг бўлди. Бугун эса, келган экансан, хизматчига қарашиб юбор. Ҳой, Ҳасан, унга нима қилишини кўрсатиб юбор!

Шундай деб отига минди-да, катта кўчага чиқди ва чанг-тўзонда кўринмай кетди. “Бу ёвузлик ҳовлисига келгунча оёқларимни синдирсам бўлмасмиди?” — дедим ғижиниб.

Ҳасан деганлари қора кўз йигитча экан. Тўпланган ўтинлар ёнига бошлаб борди-да, болтани кўрсатди:

— Қўлингга туфла-ю, ёришга бошлайвер!

---

[1] М у х т о р — маҳаллий ҳоким.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтин ёришни тугаллагач, ўша қўтос Ҳасан мени боққа бошлаб кирди-да, қўлимга хаскашни тутқазди.

— Пичанни йиғиштир!

Офтоб уфққа ёнбошлади. Қорнимда эса ичакларим қулдирарди. Тезроқ чиқиб кетсам, дердим. Лекин яна тўнғиз башара Ҳасан пайдо бўлди-да, мени итхонага судради:

— Итни чўмилтириш керак. Енгингни қайир, мен кўзадан сув қуйиб тураман.

Нималар қилишимга тўғри келмаганди, лекин кучукни чўмилтириш... Бунақаси бўлмаганди. Мен тоғлар фарзандига хос кийингандим, белимда ханжар. Жин урсин барча қанжиқ ва кўппакларни! Уларга умуман қўл теккизмагандим, бу ерда уни чўмилтиришмиш...

— Нима, қулоғинг том битганми? Енгингни торт, дайди! — бўкирди тўнғиз башара.

Мен тортиндим:

— Қўлимдан келмайди!

— Ўлатга учрагур! Нега қўлингдан келмайди?

У мушт туширмоқчи бўлиб, бармоқларини қисди. Лекин улгурмади. Мен ханжаримни суғурдим. Ва олти пудлик Ҳасан ошхона эшигигача қушдай енгил учиб борди-да, ичкари қулаб тушди. Мен шошилиб ҳовлини тарк этдим.

Ҳаммадан ҳам мени олис убихлар юрти тупроғига кўмилган бувим жаҳлимни чиқаради. У сувда эмас, сутда чўмилтирган ўша лаънатининг ўғли мени кучугини ювишга мажбур қилмоқда. Унинг ўзига ҳам, барча итларига ҳам лаънатлар бўлсин.

Кетаяпман-у, қорнимда оғриқ турди. Очликданми ёки жаҳлданми, билмайман. Мансоунинг қўрғони анча олисда қолди. “Уни бошқа учратмасам бўлгани”, дея ўйлаб борардим.

АСТАН ЗОЛАК

— Бизнинг Золак уруғимиздан яна бирор кимса қолдими? — сўрадим Химжаж аммамдан Қаринжа овасига келганимнинг иккинчи куни.

— Битта қолган. У ҳам ҳали “Отанг ким?” деб сўрашганда: “Менинг онам от!” — деб жавоб берган хачирга ўхшайди.

— Ким ўша?

— Сен уни эсласанг керак, бизлар Туркияга кўчиб келганимизда жуда ёш эди. Апхиарцачи Сакутнинг набираси. Унинг сўқир буваси, Худо раҳматига олган бўлсин, Самсундаёқ ўлган эди. Набираси ҳали тирик.

— Ўзинг биласан, дад Шарах, Сакут ростдан ҳам Самсунда ўлганди. Лекин ўша пайтда Сакут Золаклар уруғидан эканини айтиш эсимдан чиққан эди. Ўша пайтлар менинг яқин қариндошларим анчамунча бор эди. Энди бўлса Қаринжа овасида бир вақтлар жуда кўпчилик бўлган Золак фамилияли тоғликлардан фақат икки киши қолибмиз: мен ва Сакутнинг набираси — Астан. Хабар тез тарқалади. У менинг Қаринжа овасида пайдо бўлганимда, Ситнинг уйига келмаган ва: “Менинг ягона қариндошим, қайтиб келганингдан жуда хурсандман” демаганди. Агар тоғ Муҳаммад ҳузурига келмаса, Муҳаммад тоғ ҳузурига боради. Ёз пайти эди. Қуёш анча кўтарилган бўлсада, атрофни ҳали қаттиқ қиздирмаган бир пайтда Астаннинг ҳовлисига кириб бордим. Шафтоли дарахтининг барглари орасидан қаҳрабо мевалари сарғайиб кўриниб турган шохлари четан деворга қиси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ турибди. Сал қийшайган пахса деворли кулба мўрисидан тутун чиқаяпти. Нарироқда, эшигидан тезаги йиғиштириб олинган молхона кексайиб қолган, озғин, қошлари оқарган эркак, дарахт тагида ўтириб, тош билан болта қайраяпти.

— Хайрли кун! Мен қариндошим Астан Золакни кўрмоқчи эдим, — баланд овозда мурожаат қилдим унга убих тилида.

Қария, кўзини қуёшдан пана қилиб, кафтини пешанасига қўйида, мени кузатиб чиқди. Мулозимат бурчи уни дарҳол ўрнидан туриб келган одам танишми, нотанишми, қарши олишга ундарди. Лекин у бундай қилмади.

— Салом алайкум! Ижозатинг билан, Астан Золак менман. Ўзинг ким бўласан? — деди у туркчалаб.

— Танимадингми? Унда хотирангни бир кавлаштириб кўр. Золаклар орасида Зауркан бормиди, йўқмиди?

Астан болтасини ерга қўйиб, хавфсираб қаради:

— Зауркан, дейсанми? Шунақа бир абрек[1] бўлган эди... Ландавур... Пошо булғаган сингилларини деб, ғазабланиб бузуқини сўйиб ташлаган эди. Қатл этишди аҳмоқни!

— Агар қатл этишган бўлса, демак, у дунёдан қайтиб келибман-да. Акангни кутиб ол!

— Жинни бўлма, дад! Менинг акам ҳам, синглим ҳам йўқ, ҳаммаси ўлиб кетишган.

— Демак танимайсан? Сохтакор деб ўйлайсанми?

— Ўлган — тирилмайди. Буни фақат кофирлар ўйлаб чиқаришган, пайғамбарлари Исои Масих тирилган деб.

— Сенга султон манифести билан озодликка чиқарилган деб ёзилган қоғозни кўрсатишим мумкин. Кўзингни арт, ахир буванг Сакутга ўхшаб кўр бўлиб қолмагансан-ку. Агар истасанг, Убихияни тарк этаётганимизда бобонг айтган қўшиқни эслатаман. Ўшанда кичкина бола эдинг, бобонгни етаклаб юрардинг. У шундай куйлаганди:

Бир қайрилиб қарайлик,
Сўнг бор тоғларимизга,
Қаранг бари мунғайиб
Кўз тикар бизга.
Ахир улар билишмас,
Биз қайга кетаяпмиз.
Бугун улар бағрини
Нечун тарк этаяпмиз?!
Ўгирилиб қарайлик,
Эслаб қолишсин бизни.
Уларга қолдирайлик,
Мунгли қўшиғимизни!
Токи қўшиқ-куйимиз
Ўчмас акс-садо берсин,
Тоғдан-тоғга урилиб
Доим жаранглаб турсин!
Гар онаси бағридан
Кетиб қолса боласи,
Унинг кетгани учун
Айбдордир онаси.
Яхши ўйлаб боқинглар
Айбдорми онаси?
Ахир фарзанд доғида
Кўкка ўрлар ноласи.
Нега она айбдор
Фарзандлар кетганига.
Она чидарми, бағрин
Фарзанд тарк этганига!
Нега кетмоқдасан сен,
Айбим нимада болам,
Дея йиғлайди она,
Йиғлар тоғ, ўрмон, дала.
Жавоб кутар она ер,
Жавоб кутар дарё, тоғ.
Қаштанзор, қарағайзор,
Ўланг, майса, — ҳар гиёҳ.
Кечир биз шўрликларни,
Кечир бизни, она ер!
Биз ожизмиз қолишга,
Бизга оқ фотиҳа бер!
Сенга қолдирамиз биз
Қалбларимизни фақат.
Бизлар мангу кетамиз,
Қалблар қолгай тоабад.

Шу сатрларни битганнинг жойи жаннатдан бўлсин. Самсун яқинидаги якка граб дарахти тагидаги тупроқ унга пар тўшак бўлсин.

[1] А б р е к — қароқчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Астаннинг юзи бўзарди. Ҳозир ўрнидан сакраб туради-ю, мени бағрига босади, деб ўйладим мен.

Мен янглишдим. Астан ҳамон ўша қайроқ тош ёнида менга қараганча безрайиб ўтирарди.

— Ҳеч эшитилган гапми, ўлимга ҳукм этилган одам ҳам тирик қоладими. Табригимни қабул эт Зауркан, лекин хафа бўлма, сени қабул қилолмайман... Қаерда турибсан?

— Ситнинг уйида, холбуки, урф-одатимиз, агар каторгадан қочган бўлсам ҳам менга бошпана беришингни тақозо этади.

— Урф-одат — буқанинг думидай гап. Буқа ўлса, думи билан терисини ҳам шилиб олишади.

— Агар мени қатл этишса, сен мен учун ўч олишинг керак эди.

— Нима бало, осмондан тушдингми? Мен ҳатто отам учун хун олишни лозим топмасдим. Бунинг учун жаннатга тушмасам ҳам майли. Фақат бир нарсани истайман: яшар эканман, мени тинч қўйишсин. Ҳеч кимга ва ҳеч нарсага мажбур эмасман.

— Ҳой, тинчлан! Сендан менга ҳеч нарса керак эмас. Кўргим келди, холос. Ахир, бегона эмасмиз...

Ундан ҳеч нарса сўрамоқчи эмаслигимни эшитиб, Астан хотиржам бўлди ва енгил нафас олди:

— Худога шукр, қўл-оёғинг бутун экан. Бош эгиб таъзим қилсанг, эҳтимол, ер беришар, эркин нафас олиб, яшаб кетасан.

— Биз сен билан Золаклар занжиридаги сўнгги бўғинмиз. Унинг узилишига йўл қўймаслигимиз керак.

— Мен ўз Золак деган фамилиямдан воз кечдим. Хотиним — шаруал қизининг фамилиясини олдим.

— Фахрланишга топган нарсангни қара-ю. Эр хотиннинг фамилиясига ўтганини қаерда кўргансан?

— Бекорчи гап. Одам — бу кади, фамилия — уруғи. Кадидан чўмич ясаганда уруғини ташлаб юборишади.

— Куфр қилма, чўмичвой!

Ўз фамилиясини ўзгартирган убих зўрма-зўраки кулди:

— Ха-ха-ха! Ҳаммаси ғурурдан. Уйда яшаган пайтимизда фахрлансак ярашарди. Эсимда, агар қовоқнинг думи узилса, уни сигирга берардилар, ейишга ярамайди деб. Кечқурунги базмдан қолган гўштни эрталаб меҳмонларга қўймасдилар — қолдиқ деб. Агар савдогар пастроқ табақадан қизга уйланса ё уни қўйиб юбор ёки у билан гумдон бўл. дейишарди. Йил бўйи оч юр, лекин меҳмон учун дастурхонга қўядиган нарсанг бўлсин. Биз убихлар Кавказнинг кафтига жой бўлардиг-у, калондимоғлигимизни чеки йўқ эди. Ҳаммаси нима бўлди?

— Ўзингни оқлашга уринаверма! Мен — каттаман, олдингда тикка турибман. Сен бўлсанг, ўтиришга таклиф ҳам қилмаяпсан.

— Жой етарли, ўтиравермайсанми? — у қўли билан атрофини айлантириб кўрсатди.

— Ана қара, қандай ажойиб шафтолилар бошинг узра осилиб турибди. Сен бўлсанг, узиб енг деб таклиф ҳам қилмаяпсан, қизғанчиқ!

— Истасанг, узиб еябер.

— Сен мени ҳовлида тик туришга мажбур қилаяпсан, уйга таклиф ҳам этмаяпсан.

— Уй дим. Сени қатл этишмаган бўлишса, демак тўрт девор ичра роса ўтиргандирсан.

— Хотининг билан таништирсанг бўлармиди?

— Улар менда иккита. Иккаласи ҳам шаруаллардан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Улар қаерда?

— Уйда. Уй иши билан бандлар ва одатдагидек жанжаллашаяптилар.

— Қайси даромадингга икки хотин олдинг?

— Бир вақтлар бор эди, кейин тугаб битди. Хотинлар эса қолди. “Таништир” деяпсан, уларга совға олиб келганмисан?

— Қариндошинг билан таништирсанг қайтага яхши эмасми?

— Диққинафас уйдан тоза ҳавода ўтириш яхши эмасми? — ишшайди у. Ва ниҳоят ҳақиқат у томонда қолгандек қилиб қўшиб қўйди: Бироз ўтир, бекалар нон ёпишади, қаҳва қайнатишади, қўшнимиз Маҳаматни чақираман. Ҳаммаси ўз навбати билан.

— Болаларинг кўпми?

— Иккита. Ҳар биридан биттадан ўғил.

— Улар оналарининг фамилиясидами ёки сенинг?

— Улар менинг янги фамилиямда — Қозонжиўғли... Шу мамлакат одамлари қулоғига ёқади ҳамда шубҳадан ҳимоя қилади...

— Қани ўша Қозонжиўғилларинг?

— Улардан бирининг мана йилдан ошаяптики, дараги йўқ. Ўғрилар тўдасига қўшилиб қолди, шекилли, тентак. Балки қамоқдадир ёки отиб ташлашгандир, номинг ўчкурни. Иккинчиси абжир. Кўнё шаҳрида бир баққолникида хизмат қилаяпти. Кунини кўриб юрибди. Оилали, лекин хотинини ҳам, болаларини ҳам кўрганим йўқ.

— Набираларинг ҳаётингни безашмаётгани чатоқ бўлибди-да. Мана бу ҳовлида югуриб, ўйнаб юришганда, бу ер етимга ўхшаб кўринмасди.

— Эҳ, Зауркан, болалар билан овора бўлиш, уларнинг қорнини тўйдириш ҳақида қайғуриш — ташвишнинг ўзи. Бунинг устига чўнтак кўтармайди. Қаерда бўлмасин соғ-омон бўлганлари маъқул. Худо йўл берса, ўсиб улғайишади, одам бўлишади.

— Ўзинг-чи, нонни қандай топаяпсан?

— Иш бошқарувчи Ҳусайн афандининг ғозларини боқаман. Биз уч киши ғоз боқамиз. Ҳар уч кунда алмашиб турамиз.

— Эркак киши ҳам ғоз боқадими? Чўпон бўлсанг ёки йилқи боқсанг — бошқа гап.

— Гапинг жуда ғалати. Сен ҳеч ғоз гўштини еганмисан? Татиб кўрсанг — бармоғингни ялайсан. Унинг кабобини кўрсанг, сўлагинг оқади. Устига-устак, пати — жон роҳати, похол эмас. Ана шу ғозлардан Ҳусайн афанди чўнтагига тилла оқиб келади. Уларни қўриқлаш осон эмас, лекин мен кўникиб кетганман.

Астан ғозлар ҳақида шундай завқ билан гапира кетдики, худди отбоқар йилқи уюри ҳақида ҳикоя қилаётгандай. Шу пайт уйдан бир чодрали аёл чиқди. Эшик олдида турган шох-шаббадан озгина олиб, бир оғиз сўз айтмай ичкари кириб кетди.

Мен уни нигоҳим билан кузатиб, суҳбатдошимга мурожаат қилдим:

— Сенга ғалати туюлмаяптими, Астан, биз сен билан — икки убих икки тилда гаплашаяпмиз. Мен — она тилимда, сен турк тилида? Ёки ўз тилингни унутиб юбордингми?

— Шундай деб ҳисоблайвер. Мен оғзингдан чиқаётган ҳамма гапни тушунаяпман, ҳатто убихча ўйлаяпман. Лекин менга туркча гапириш осон. Иккала хотиним ҳам шу тилда гаплашишади. Мен ўз ўзим билан жиннига ўхшаб гаплаша олмайман-ку. Баъзан Ҳусайн афанди убих тилида гапиришга мажбур қилади. Гапира бошласам кулади, мазах қилади: “Қуш тили! Қани яна чуғурла-чи” дейди. Мана, сен белингга ханжар тақиб юрасан. Хиралашган, занглагандир эҳтимол, ошиқча юк бўлиб қолгандир. Бизнинг тилимиз ҳам шундай. Мунча қаттиққўл бўлма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ханжарни қинидан чиқардим. У қуёшда ялтираб кетди. Астаннинг бутун ҳовлиси унинг ўзи ҳам ханжарнинг кўзгудай тиғига осонгина жойлашди. Мени ўраб турган нарсалар шунақа кичкина кўриниб кетдики, юрагимнинг уриши тезлашганини ҳис этдим. Африка саҳросида туш пайти жазирамасида, ҳаво етишмай қолганда шундай бўлгандим. "Хайрлашиб кетиш даркор. Иложи борича тезроқ кетиш керак", дерди чаккаларимдаги томир уриши.

– Унутма Астан, бизнинг қонимиз бир. Агар керак бўлиб қолсам мени Ситнинг уйидан топасан. Бориб тур, ука. Ҳозирча – хайр!

– Хайр, – бош силкиди у ва болтани олиб қайрашда давом этди.

Лекин қўлидаги ўша болта билан эмас, балки бошқа бир кўринмас болта билан Астан мен учун қардошлигимиз дарахтининг илдизини чопиб ташлади ва унинг қуриб қолган шохларини эрига фамилиясини берган чодралик аёл бемалол оловга қалаши мумкин эди.

"Ҳа, бутун Убихия бўйлаб донғи кетган эпчил чавандоз ва жангчилар уруғидан бўлган Золаклар қавми тамом бўлди, – ўйладим мен. – Астан сиймосида эса бу уруғ шон-шуҳратсиз ва ҳатто шармандалик билан ўлиб кетди. Ҳаммаси вазиятга боғлиқ дейишади. Агар шундай бўлса, биргина Астанни айблаш тентакликдир. У – қурбон, вазият эса унинг бўйнига тушаётган болта. Кундадан қочиб бўпсан? Мендан эса қандай наф? Мен ўзим кимман? На оилам, на болаларим бор. Яшин урган эманга ўхшаб тутаб ётибман. Чўғим кулга айлангач, ҳеч нарса қолмайди. Золаклар уруғи бутунлай қурийди. Гўё у умуман бўлмагандек. Бутун бир қабила йўқ бўлиб кетгандай. Кўп асрлар янграб турган тил йўқолиб битгандай. Одамлар бир-бирини шарафлаган, алла айтган, ризқу-рўз нон ҳақида гаплашган, онт ичишган ва сафсата сотган, лаънатлаган ва дуо қилган тил! Бу тақдир тақозосими ёки кимнингдир машъум хатосими? Агар ҳамма фарзандлари Тоҳир сингари бўлганда халқимиз шундай офатга учрармиди? Йўқ, агар ҳамма Тоҳирдек бўлса, биз шундай ҳалокатга учрармидик!.."

Ўйларим нотаниш ўрмонда адашиб қолган йўлчини эслатарди. Нима қилишини билмай боши қотган, адашган мен чанг кўчанинг охиридаги кичик кулбанинг олдига келиб қолдим.

Мени қийнаётган саволларга мана шу Тоҳирнинг қўллари билан қурилган тинч, оддийгина лойсувоқ уйда жавоб топишим мумкин эди.

АБХАЗИЯДАН КЕЛГАН ГАЗЕТА

Барча деҳқонларнинг уйи сингари Тоҳирнинг уйи ҳам тор ва кўримсиз эди. Лекин ҳар куни унга одам тўпланарди. Бу ерда ҳаммани очиқ чеҳра билан кутиб олишарди. Чунки юракдан айтилган сўз юракка бориб тегарди. Мухтор бошқармасида бирор наф кўриш мумкинмиди? Йўқ, у ерга бирор ташвиш билан боришнинг фойдаси йўқ эди. Тоҳирнинг уйида эса эшик ёпилмасди: марҳамат қилинг. Уй соҳиби маслаҳат берар, шикоят ёзар, муҳими, дардингизни тинглар, насиҳат қилар, агар кўнгилсизлик юз берса адолат билан ҳал қиларди. Ҳатто доривор ўсимлик сўраб Тоҳирнинг олдига боришарди. Ҳолбуки, у Истанбулда даволашга ўқимаганди. Вазият шунга мажбур қилдики, у эски табиблик китобларини ўқиб дори-дармон илмини ўрганди. Ҳеч қандай амалга эга бўлмаган қандайдир убихнинг барча мухожирлар орасида катта ҳурматга эришгани Мухторга алам қиларди. Мухтор Тоҳирга ҳасад қилар ва кўргани кўзи йўқ эди. Буни қарангки, маънавий устоз мулла эмас, балки бир амаллаб ўқитувчи бўлиб олган қандайдир оддий одам, ҳатто унинг ота-онаси ким бўлганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳеч кас билмайди. Тавба! Бунақаларни кузатиб туриш керак. У Тоҳир изидан пойлоқчи қўйди ва буни дарҳол Али Ҳазрат пошога етказди. Тоҳир буни биларди, лекин бўш келмади, чекинмади, қўрқмади.

Менинг келганимни сезиб ҳовлига чиқди.

— Зауркан, азизим, бир пас сояда ўтириб тур. Мен ҳозир бўшайман. Иш билан одамлар келишганди.

— Меҳмон мезбоннинг ихтиёрида, — дедим ва соя жойга ўтирдим.

Чаққон Гулизор — Тоҳирнинг рафиқаси менга финжонда қаҳва олиб чиқди. Истанбуллик турк қизи — хушқомат, қорамағиз, хушчақчақ, чодра ёпинмаган, эркаклардан юзини яширмайдиган аёл, нимаси биландир Фелдишга ўхшарди, ҳар сафар уни кўрганимда юрагим ўйнаб кетарди. Гулизор бизнинг тилимизни тушунар, лекин гапиролмасди. Тоҳир унга кеч уйланди. Хотини унга иккита ўғил туғиб берди. Болалар одобли қилиб тарбияланди. Келган ҳамқишлоқларини кузатиб, Тоҳир мени чақирди:

— Уйга кир Зауркан. Куттириб қўйганим учун узр. Деҳқонларга арзнома ёзиб бердим.

Хонадон соҳиби мени кенг бир хонага олиб кирди. Бу ерда биринчи бор бўлишим. Мени ҳайратга солган нарса деворларнинг шифтигача тахланган китоблар бўлди. Убихнинг уйида китобни кўриш жуда кам ҳол. Бу ерда эса жуда кўп китоб. Сен, Шарах, албатта, буюк китобхонсан. Мен сўқирга эса битта китобни варақлаб кўриш фойдасиз эди. Китобларга қарадим-у, миямда бир фикр ярқ этди. Агар шу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанимда ҳар қандай вазирнинг кунини кўрсатган бўлардим.

— Мана бу китоблар орасида, — деди Тоҳир қўли билан деворни кўрсатиб, — қадимги ва ноёб китоблар бор. Биз убихлар бегона ўт эмасмиз. Биз хақимизда қадимги юнон, араб, турк олимлари ёзганлар. Тақдирнинг биздан бу тарзда юз ўгириши сотқин сардорларимизнинг айби туфайли юз берди. Улар халқни мухожирликка кўндирмаганларида бу фожиа юз бермасди.

— Бу китоблар қўлингга қандай тушди?

— Шардин ўғли Мансоудан пулни сира аямасди. Мен ўқув йилларида Мансоунинг эрксиз югурдаги эдим. У китоб сотиб олишим учун лира[1] бериб турарди, чунки мен ҳам ўзим учун, ҳам унинг учун ўқишим керак эди. Маишатпараст йигитчанинг китоб ўқишга вақти бўлмасди. Шунинг учун мен китобни ўқиб унга мазмунини айтиб берардим. Бунинг учун у менга қўшимча ҳақ тўларди. Мен бу хазинани шу тарзда тўплаганман. Тоҳир стулни суриб, мени столга яқин ўтқазди. Унинг устида қалин қўлёзма турарди. Мана бу, Зауркан, убихларнинг қадим замонлардан шу пайтгача бўлган тарихи. Уни анчадан бери ёзаяпман. Агар соғ-омон бўлсам, ушбу ишни тугаллайман. Яшаётганлар ўзгаради, ўзгарувчилар эса яшайди. Эҳтимол, шундай замон келадики, бизлар халқ сифатида йўқ бўлиб кетамиз. Бошқа халқларга сингиб, фақат хотиралардагина қоламиз. Аммо менинг китобим биз ҳақимизда, юксалишимиз ва қулашимиз ҳақида бутун дунёга гапириб беради.

— Муқаддас иш! Худо сенга омад берсин! Эсимда, оталаримиз жангда мағлуб бўлсалар ҳам қаҳрамонлар қўшиғини куйлашарди. Бу қўшиқ уларга жон бағишлар, душманга даҳшат соларди. Сенинг китобинг — қаҳрамонлар қўшиғига ўхшайди. Агар у бўлмаса, биз ҳақимиздаги хотира ҳам йўқ бўлиб кетади. Сўз эса ўчмайди, ўқишиб эслашади.

[1] Л и р а — Туркия пул бирлиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳурмат билан: “Яшар эканлар – мардлик уларни тарк этмади” деб эслашади.

– Раҳмат, Зауркан!

Тоҳир қўлёзмани худди ота ўғли бошини силагандай силаб қўйди, мен эса хаёлан бу ерда эшитганларимни Астан ҳовлисида эшитганларим билан таққосладим. У ерда руҳ жаноза ўқир, бу ерда шоншараф қўшиғини куйларди. У ерда жарликка қулаган эди, бу ерда чўққилар узра қанот қоқарди. Тоҳир стол устидан ручкани олди.

– Бу нима, биласанми?

– Ҳа, ёзадиган нарса.

– Ишон, Зауркан, ручка ҳар қандай қиличдан ҳам ўткир. Агар биз – убихлар, масалан гуржилар сингари ёзувни билганимизда, қўлимиздан уриб тушириб бўлмайдиган қуролимиз бўларди. Ишонаманки, бизлар бундай аҳволга тушиб қолмасдик. Саводи бор одам хору зор бўлмайди. Майли, ҳозирги ночор аҳволимиздан ота-боболаримизни ҳиқичоқ тутсин, қулоқлари қизисан. Туркияга келиб қолган тоғликлардан кўпларининг, гарчи кечикиб бўлса ҳам кўзи очилди. Абхазлар алифбе яратдилар, саводхон бўлишни истаяптилар, ўз мактабларини очишга ҳаракат қилаяптилар. Адигейлар ҳам. Мен ҳам,– Тоҳир бир энлик қалинликдаги ёзилган қоғозлар тахламини олдига тортди, – Убих алифбесини туздим. – У тахламнинг биринчи саҳифасини очиб, деди: – Мана, қарагин, мана булар ҳарфлар: а, б, в.

– Э-э-э, дад Тоҳир, агар булар шундай майда бўлмай, филдай катта-катта бўлганда ҳам мен, барибир, ҳеч нарса тушунмайман. Бекорга уринма. Менга кўзойнак ҳам энди ёрдам беролмайди.

– Битта сен шундай бўлганингда “афсус” деб қўя қолардим. Ахир, ҳамма ёппасига шундай бўлгач – бу фалокат. Бошқа нима ҳам дейиш мумкин. Агар маъмурлардан убихларнинг болалари учун она тилларида мактаб очишга рухсат ололсам эди, ўз уйимни мактабга айлантириб, болаларни бепул ўқитар эдим. Биринчи дарс берган куним ҳаётимдаги энг яхши куним бўлар эди.

Мен қўлёзма алифбени кафтимга қўйиб, худди янги туғилган чақалоқ мисол тебратдим:

– Эҳтимол, китобинг жуда яхши нарсадир, балки нодонлигимдан сенинг меҳнатингни тўғри баҳолай олмасман. Мени кечирасан-у, убихлар тилида сўзлашни эшитган турклар менга бу тилни қоғозга тушириб бўлмайди, дейишди. Бизнинг тилимиз қушларнинг чуғурлашига ўхшармиш. Бошқарувчи Ҳусайн афанди эса уни “калхат тили” деб атади.

– Ҳусайн афанди елкасида бош эмас, қовоқни кўтариб юрибди. Дунёдаги ҳамма тилда қоғозга ёзса бўлади. Агар алифбени китоб қилиб чиқариш ва мактаб очишга муваффақ бўлганимда эди, мен барибир умид қиламан, руҳан тушмайман.

– Жуда тўғри қиласан.

Тоҳир ҳар иккала қўлёзмани ҳам қўлига олди, варақларини текислади, бурчакда турган сандиққа солди. Гулизор бизга қаҳва олиб кирди. Буғи чиқиб турган қаҳвадан мириқиб ҳўпларканмиз, Тоҳир кафтини пешанасига қўяр, вақти-вақти билан мўйловини силарди. Қаҳвадан ичиб, Тоҳирга қарайман. Жуда ҳам ўнғай, хотиржам, эркин сезаман ўзимни, худди ўз уйимда ўтиргандекман. Тоҳир тамаки қутисини олиб чека бошлайди, пуфлаган тутуни орасидан сўзлари келади қулоғимга:

– Мен Убихия ҳақида жуда кўп ўйлайман. Мен сенга айтгандим, Россияда, шу жумладан, Кавказда ҳам халқ ҳокимияти ўрнатилибди. Бу нималигини тасаввур қила оласанми? У ерда қабилалар ва халқлар ўртасида низо ва жанжалларга барҳам берилди. Халқлар қардош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиги эълон қилинди? Э-э-э, агар кўнгилли қувғинга учрамаганимизда, ҳозир қандай яхши яшаётган бўлардиг-а? Бизнинг убихлардек аччиқ афсус-надоматлар чекмаган бирор халқ йўқ бу дунёда. Бармоқни тишлашдан бошқа нарса қилолмаймиз энди!

Худди ҳўнграб юборгандай нафас олди. Оғзидан тутун бурқсиб чиқди.

— Одамнинг ишонгиси келмайди. Бир тасаввур қилиб кўр-а, масалан, Али Ҳазрат пошо сингарилар ўз ерини менга ўхшаганлар билан бўлишса, бўридан қўзичоққа айланса.

— Ўз ихтиёри билан ўлақолса, рози бўлмайди. Аммо барча деҳқонлар, темирчилар, қуролсозлар, отбоқарлар, ҳаммалари бирлашса, Али Ҳазрат пошо сингарилар йўлбарсдан мушукка айланадилар.

— Мени эзма, эркин турмуш ҳақида гапирма менга.

— Сўнгги бор Истанбулда бўлганимда битта грек билан учрашиб қолдим. Сухумидан Афинага кетаётган экан. Мени кавказлик эканимни билиб, Абхазия ҳақида гапириб қолди. Абхазия — мустақил давлат бўлган, деди у. Хайрлашаётиб менга мана бу газетани совға қилди...

— Газеталар Туркияда ҳам бор, — дедим мен.

Тоҳир қўлёзмаларни яширган ҳалиги сандиқдан газета олди.

— Бу оддий газета эмас, онанг томонидан сенинг қариндошларинг газетаси. “Қизил Абхазия” деб аталади. Озодлик ва мустақиллик учун тўкилган қонлар шарафига уни қизил дейилган. Мана суратни кўраяпсанми? Унда дворянлар ерини олган деҳқонлар тасвирланган. Қара, балки бирорта танишни кўриб қоларсан?

— Мана бу ким? — бармоғим билан битта одамни кўрсатдим.

— Бу абхаз ҳукуматининг бошлиғи. Халқ олдида нутқ сўзлаяпти.

— Ё Тангри, — отилиб чиқди сўзим кўксимдан. — Шу кунларга етказган Ўзингга шукр. Агар шундай бўлмаганда жуда адолатсизлик бўларди-да, — деб газетани ўпдим. Менинг бошимга тушганлардан бехабар одам буни тушунмайди. О, қалбимга ғулғула солган Тоҳир! Агар сени оққўнгил она туққан бўлса, марҳаматингни аяма, мен ўлгач, шу газетани кўксимга қўйиб кўмгил. Шунда мен бу газетани она юртимдан келтирилган бир сиқим тупроқ деб ҳисоблайман.

Кўзимдан ёш оқиб кетди. Тавба! Қаердан келди бу ёшлар? Ахир, дийдам қотиб кетган эди-ку! Ёки сабр-бардошим етмадими? Баъзан, дад Шарах, қаттиқ тортилган камон ипи тўсатдан узилиб қолади. Тоҳирнинг уйида узоқ ўтириб қолдим. Унинг “ётиб қол” дейишига қарамай, тунашга рози бўлмадим.

— Эртага эрталаб бизларни Мансоу чақираяпти, — деди кўчага чиққанимизда.

— Кўришни истамайман!

— Мен ҳам боришга кўзим учиб тургани йўқ. Лекин ҳамма убихларга алоқадор гап экан, истасак, истамасак бориш керак.

Биз учрашиш вақти ва жойи ҳақида келишиб, хайрлашдик. Кечаси билан жимжит кўчалар, қишлоқ четидаги хиёбонларда дайдиб чиқдим. Тоҳир совға қилган газета қўйнимда. Агар кимдир мени учратиб қолса, ўзим билан гаплашаётганимни кўриб, эси оғиб қолибди-да, деб ўйлайди. Баъзан шундай бўладики, уйғоқлигингда туш кўрасан. Бу сафар мен ўзимни тоғаларим яшаган қишлоқ бўйлаб юргандек ҳис қилдим. Цебалда тизмаси, Пианж тоғи, унинг чўққисидан бутун Абхазия кафтдагидек кўриниб турибди. Кваначхар қоясининг бир қирраси қуёшда ялтираб турибди, пастда эса тош бўғозда Кодор шарқираяпти. Диққат билан қулоқ соламан, Дал томондан чавандозлар қўшиғи эшитилади, от туёқларининг товуши келади, қандайдир маросим шарафига отилган ўқ овозлари янграйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана, тепага ўрлаяпман. Олдимда Ситнинг кулбаси. Мен айвонга кўтариламан. Ёғоч ўриндиққа чўзилишим билан хўрозлар қичқира бошлайди.

ҚАРАМА-ҚАРШИ СОҲИЛЛАРДА

Биз Тоҳир билан темир дарвозадаги қопқани очиб, дворян Мансоу ҳовлисига кирдик. Лекин негадир соқчининг "Нима керак?" деганини эшитмадик. Қоровул кўринмасди. Жимжитлик ҳукм сурарди, эшик олдида хизматкорлар ҳам йўқ эди.

— Ўлиб қолишганми, нима бало? — шивирладим Тоҳирга.

— Агар...

Бизлар яқинда хўрозлар жанги ўтказилган майдонни айланиб ўтганимизда кўзимга қонга беланган жониворлар-у, "жанг" ишқибозларининг қийқириқлари келди. Қалбдан сезиб турибман: "Бу ерда бизни бирор хайрли иш кутмаяпти". Уйнинг олдига етганимизда қарол пайдо бўлди. Мансоу Шардин ўғли чақириғига биноан келдик, дейишимиз билан:

— Сизларни кутишаяпти, — деди хизматкор қўли билан иккинчи қаватга олиб чиқадиган зинани кўрсатиб. Юқори кўтарилиб, юмшоқ гилам тўшалган кенг залга кирдик. Мансоу Шардин ўғли оғзида муштук, туркча кенг халатда, дивандаги ёстиққа ёнбошлаб, оёқларини чалиштириб ўтирарди.

— О, киринглар, ўтиринглар, — дўстона таклиф қилди у.

Унинг қаршисидаги оромкурсиларга ўтирдик. Мен хонадон соҳибини кўздан кечира бошладим. Ўтган сафар у овчи кийимида, бошида похол шляпа бор эди. У олтмишга чиққан бўлишига қарамай ҳали бақувват кўринарди. Калта олинган сочларида оқ тола кўринмасди. Мен унинг болалигини яхши билардим. Ҳозир юзида болалигидан бирорта белги қолмаганди. Мансоунинг кенг халати енгидан кўриниб турган қўллари қонсиз, сояда ўсган жўхори поясидай сарғайгандек эди. Унинг қоқсуяк бармоқларидан бирида узук ялтирарди.

— Қандай яшаяпсизлар? Нима янгиликлар бор? — сўради гапини чўзиб, муштуги кулини қоқаркан собиқ султон қайноғасининг ўғли.

— Мен оддий деҳқонман, пастқам уйда яшайман, иккинчи қаватдан сенга яхшироқ кўринса керак, — жавоб берди Тоҳир.

— Ўзингни гўлликка солма! Қанақасига деҳқон боласан. Бутун атрофдагилар сени олим деб атайди. Уйинг тўла китоб. Ўзинг эса қаламни қўлдан қўймайсан.

— Ҳа, бу гапингда жон бор! Алифбе туздим, Убихлар тарихини ёзаяпман. Лекин қорнимни шу ердан, экканимни ўриб тўйғазаяпман.

У ҳам, бу ҳам туркча гапирарди.

— Сен фавқулодда қобилият соҳиби бўлган инсонсан. Буни мен Истанбулдан ҳам яхши биламан. Лекин кўрпангга қараб оёқ узатмаяпсан. Замон оқимига қарши сузиш ҳам қайғули, ҳам кулгили.

— Ҳар ким қўлидан келганича ва виждонига қулоқ солиб яшайди.

— Ўжар олим эшакдан баттар. Нимани ўзгартира оласан? Вазият сендан кучлироқ. Тош деворни пешананг билан ёриб ўтолмайсан. Ўзинг ҳақингда, болаларинг ҳақида ўйласанг яхшироқ бўларди...

— Бу маслаҳатга жон-жон деб амал қилардим-а, агар сен ҳам ўз васийлигингдаги юртдошларинг ҳақида ўйласанг...

Мансоу Шардин ўғли чўнтагидан оппоқ дастрўмол чиқарди-да, терлаган юзини артди. Кейин кумуш тамаки қутисини бизга чўзди:

— Чекинглар!

— Чеккимиз келмаяпти, — иккаламиз учун рад этди Тоҳир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мансоу яна тутатди ва давом этди:

— Бойлар билан камбағаллар ўртасига адоват уруғини сочиш нимага керак? Бу — халқни қутқара олмайди. Сен каби одамлар, Тоҳир, инсон табиатини ўзгартириши мумкинми? Ўтакетган шуҳратпарастлик. Эҳтиётсизлигинг туфайли ўзинг ўлиб кетсанг бир нави, лекин сен халқ орасини бузаяпсан ва кўпларни ҳалок қилишинг тўғрисида ўйламаяпсан ҳам. — Менинг қувватлашимни умид қилиб, сўради: — Ё мен ҳақ эмасманми, Зауркан?

— Тоҳир одамларга ёрдам қилишга интилаяпти ва буни юракдан қилаяпти... У буни ёмон ниятда қилаётгани йўқ. Ахир, сенга Мансоу, очиқ гапираётганим учун кечирасан, одамлар маслаҳат сўраб келмайди, адолатсизликдан ҳимоя истаб келмайди. Ҳолбуки,сен, уларнинг васийси сифатида Қаринжа овасида яшаётган барча убихлар ҳақида ўйлашинг ва ташвиш тортишинг керак.

Хонадон соҳиби бурнини жийирди:

— Бу тарғиботчининг заҳари сенга ҳам ўтдими? — Тоҳир томонга имо қилди, у. — Балки бу ақл-идрокни турмада битлардан олгандирсан?

— Турма бусиз ҳам ҳамма нарсага ўргатади.

Мансоу Шардин ўғли бошини қуйи солиб ниманидир ўйларди. Девор бўйлаб сирғаниб бораётган нигоҳим диван тепасида осиғлиқ турган расмга тушди. Кутилмаган бу ҳолатдан ҳатто сесканиб кетдим. Расмда яланғоч ухлаётган гўзал бир аёл тасвирланганди. Устидан сирғалиб тушган чойшаб тўшак яқинидаги гиламда ётарди. Аёлнинг қўллари боши остига шундай қўйилгандики, қўлтиқости туклари кўринар, бир оёғи иккинчисига тегиб турарди... Уялиб, нигоҳимни олиб қочдим. Оллоҳ одам расмини чизишни тақиқлаган, аёллар юзларини яшириб юрадиган ўлкада бунақа расмни деворга осиб қўйиш куфр, худосизлик, катта гуноҳ эмасми? “Балки Мансоу Шардин ўғли фосиқ одамдир”, ўйлардим мен.

— Гап талашишимизнинг нима кераги бор, Мансоу, — эшитилди Тоҳирнинг овози. — Бизларни нега чақирдинг?

Пастда биз учратган хизматкор учта финжонда қаҳва олиб келдида, чиқиб кетди.

— Убихлар кўчиб келгандан буён Туркиянинг кўзидаги оқ доғ бўлиб турибди, — дея бошлади Мансоу оғир ва оҳиста.

Тоҳир сабр-бардош кўрсатиб, уй соҳибининг фикрини тугал айтишига имкон бериши керак эди. Лекин тажрибали овчи ҳам баъзан тепкини билмасдан босиб юборади:

— Оқ доғ сабаб эмас, оқибат, холос!

Мансоу гўё суҳбатдошнинг заҳархандасини эшитмасликка олди.

— Бу давлатнинг бошлиғи Оллоҳ томонидан тайинланган, унинг ердаги ноибидир. Шунинг учун унинг барча фуқаролари бутун борлиғи билан мусулмон бўлишлари керак. Ҳокимият шуни яхши биладики, имон-эътиқод йўқолса, бошбошдоқлик бошланади. Убихлар бўлса мачитга фақат кўзни чалғитиш учун боришади.

— Султон фуқаролари нуқсонсиз бўлмаслигини яхши билиш керак. Нуқсони йўқларни фақат жаннатдагина учратиш мумкин. Жаннатда уни қоракўз парилар оғуши кутади. Бундан ташқари, шуни таъкидламоқчиманки, Муҳаммад зўравонликка йўл қўймаган ва унинг ҳукмига сўзсиз бўйсуниб, хирож тўлашга рози бўлганларни жазоламаган. Нима, бизлар солиқ тўламаяпмизми?

— Пайғамбар иродасини фақат султонгина талқин қила олади. Сен эса ҳали вазир ҳам эмассан. Убихларнинг мусулмонлар билан олтин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳилолли яшил байроқ остида маҳкамроқ жипслашишлари вақти келди. Исм ва фамилияларини туркчага ўзгартириб, ўзларини усмонлилар деб ёздирсинлар.

— Уларнинг кўпчилиги шундай ҳам Битхани унутдилар, туркча гаплашмоқдалар, мачитга қатнамоқдалар. Энди номларини ҳам ўзгартиришлари керакми? Бу энди ҳаддан ошиш...

— Қонун шунақа! Усмонли салтанатида яшаётганларнинг ҳаммаси усмонли бўлиши лозим. Мен сени огоҳлантиришни истайман, Тоҳир! Тўполон кўтарма, эҳтиёт бўл, акс ҳолда ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок қиласан. Мачитга ўт қўйиш учун фойдаланилаётган гугуртинг мачитдан олдин ёниб кетади. Убихларга ўрнак кўрсат — фамилиянгни ўзгартир.

Ён томондаги эшик ғичирлаб, хонага ёш аёл кириб келди. У эгнига калта енгли, кўкраги очиқ узун оқ кўйлак кийиб олганди. Ҳавони атир ҳиди тутиб кетди. Негадир хаёлимдан: "Расмда тасвирланган шу аёл эмасмикан", деган фикр кечди. Биз Тоҳир билан шарт ўрнимиздан туриб таъзим қилдик. Гўзал хоним бир жилмайди-да, Мансоунинг ёнига бориб, мен тушунмайдиган тилда нимадир деди. Биз Тоҳир билан Мансоунинг уйини тарк этгач, Тоҳир менга хўжайиннинг хотини француз тилида нима деганини тушунтириб берди. У сайр қилгани кетаётганини, Али Ҳазрат пошоникига ҳам кириб ўтишини айтди.

— Кечқурун мени олиб келишга боришни унутма, — ҳазиллашди ёш бека, чиқиб кетишдан олдин қўлини Тоҳирга узатди, кейин менга яқин келди ва ғалати қараш қилди: — Ой-ла-ла! Кавказ!

Менинг камаримга, ханжаримга, газиримга қўл теккизиб, юзида бирданига қўрқув ва қувонч акс эттирди:

— О-о!

Аёл қандай шахдам кириб келган бўлса, шундай тез чиқиб кетди. Тоҳир Мансоуга таъна қилди:

— Хотининг мусулмон аёли сифатида юзини беркитмай юришни катта гуноҳ деб ҳисобламайсанми?

— У француз католикларидан.

— Оллоҳ мусулмонларга кишилар расмини чизишни ман этади. Сенинг тепангда эса ялангоч аёлнинг тасвири... Агар убихлардан биортаси уйида шунақа расмни осиб қўйса...

— Биз ўқиган пайтимизда, сен бир сафар лотинча ҳикматни келтирган эдинг: "Муштарийга раво кўрилган нарса, буқага ман этилади". Мен турк ҳам, убих ҳам эмасман, мен европаликман.

— Европалик жанобга бизга ақл ўргатиш ва кескин огоҳлантириш нимага керак бўлиб қолди.

— Сизларга илтифотим бу!

— Шунақами! Агар илтифот кўрсатадиган бўлсанг, мактаб кўриш ва алифбе китобимни чиқариш учун бойлигингдан бироз маблағ ажрата олмайсанми?

— Ажрата олардим, лекин унинг кимга кераги бор! Бу аҳмоқлик, ахир, тушунсанг-чи. Буюк бир миллат, кам сонли миллатни гарчи зўрлаб бўлса ҳам ўзига фарзанд қилиб оларкан, бу давр тақозоси, ахир. Зеро, ўзининг болалари ҳам убих тилини билмайди-ку! Турк тили ҳаётда уларга убих тилидан кўпроқ керак бўлади. Тўрт қоятош орасида қисилиб қолган бу тил билан узоққа бориб бўлмайди. Ҳатто лотинчада ҳам одамлар гаплашмай қўйишди, ҳолбуки у тилда китоблар ёзишган, тағин қандай китоблар!

— Агар шу йўлдан борадиган бўлсак, янада соддароқ қилиб, бутун дунёни фақат битта тилда, масалан, француз тилида гапиришга мажбур

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш мумкин. Лотин тили ҳақида ҳам айтишим мумкин, – баҳсга қизишиб кетган Тоҳир. – Давлат тили лотинча бўлган салтанат ҳалокатидан сўнг ҳам ўша тил кўп асрлар яшади.

– Убихлар тарихини хаёлан бир эслаб кўр, ўжар Тоҳир. Унда ўтган буюк бир одамнинг номини айт менга. Йўқ унақа одам! Йўқ! Ким билан мақтанмоқчисан? Ҳеч ким билан! Болаларга ким ҳақида гапириб бермоқчисан? Қароқчи тўдаларининг босқини ҳақидами, йўлтўсар абреклар ҳақидами? Яхшиси болаларга раҳм қил ва тушун, убихлар тақдирини тарихнинг ўзи ҳал қилди. Тарих ғилдирагини тўхтатишга уриниш кулгили ва фойдасиз. Убих ёшлари усмонлиларга қанча тез қўшилса, шунча яхши. Чунки саводхонлик, маданият, ҳунармандлик равнақи бўйича турклар майда миллатларга нисбатан анча устун турадилар. Убихлар тўғрисида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Мен ўзимни тутиб туролмадим:

– Яхшиси содда қилиб: бўри билан яшагандан кейин бўрича увла, десанг-чи!

– Лекин, қизиқ, Мансоунинг жаҳли чиқмади, балки бизга ақл ўргатишда давом этди:

– Агар убихлар омон қолишни истасалар, ўз тақдирларини султон ҳокимияти ихтиёрига топширишдан бошқа иложлари йўқ. Бу жойларнинг ҳокими бўлган Али Ҳазрат пошо исёнчиларга қарши сарбозлар тўпламоқда. Убих йигитлари султон байроғи остига тўпланганлари маъқул.

– Ўша убих йигитларини қаердан оласан? Болқон жангидан омон қайтиб келганлар қанча ўзи? Ўша қайтиб келганлар ҳам майиб-мажруҳ.

– Агар сизлар Зауркан билан даъват қилсангиз, убихлар қўлларига қурол оладилар.

– Онангнинг жойи жаннатда бўлгур, – дедим мен. – Тоҳир тўғри айтаяпти, биздан қанақа ёрдам бўлиши мумкин!

– Қанақа бўлишидан қатъи назар, агар сизлар Камол пошога қарши курашда Султонни қўллаб-қувватламасанглар, бу сотқинлигингиз учун у сизларни кечирмайди. Агар Али Ҳазрат пошо душман воситачилари деб устингизга қўшин тортса, менинг кўмагимга умид қилманглар. У бу ерлардан убихларни ҳайдаб юбориб, уларнинг уйларини пахта омборларига айлантиради.

– Унда сенга ҳам бу ерда ҳаёт кечириш мумкин бўлмай қолади, – дедим ўзимни тутолмай.

– Биламан, яшаб бўлмайди! – хотиржам рози бўлди Мансоу, ўрнидан туриб кўзгу томон юраркан. – Аммо Мансоу учун қайғурмасанглар ҳам бўлади, – у қўли билан қошини силаб қўйди. – Ҳусайн афанди менинг саройимни ва ерларимни сотиб олмоқчи. Мен қайнатамнинг ёнига – Францияга кетмоқчиман. Шампан вилоятида мени зариф гўша ва узумзорлар кутмоқда. Шароб сақланадиган ертўлалари билан. У ерда мен султонга содиқ туркларнинг соғлиғи учун ҳамда агар маслаҳатимга кирмасанглар, жойларинг жаннатда бўлиши учун қадаҳ кўтараман.

– Сен у ерда узумни эзиб сувини оласан, бу ерда эса эзиб қонимизни ичишади! – деди Тоҳир қони қайнаб.

– Мен уйимдан чиқаман. Сизларни огоҳлантирмасдан кетиб қолишим ҳам мумкин эди.

– Қаёққа қочмагин, убихлар қайғуси сени топади ва гирибонингдан олади ҳали...

– Тортишишни бас қилинглар! Шуни яхши билингларки, убихлар тақдирига бефарқ эмасман, шунинг учун ҳам сизларни хавфдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

огоҳлантираяпман. – У Тоҳирга мурожаат қилиб, таъкидлади. – Эсингда бўлсин, кечаги кун тарғиботчиси, маслаҳатимга кирмасанг, ўзингдан кўр! Иккалангга ҳам хайр!

У шундай деди-да, зални тарк этди.

Ўша кеча Зауркан ўз ҳикоясини одатдагидан эртароқ тугатди. Узоқ вақт ҳорғин ҳолда узоқ жим ўтирди. Кейин иккаламиз турмуш ташвишларидан гаплашиб ўтирдик. Сўнгра у асабийлашди, битта сўзнинг на абхазчасини, на убихчасини эслолмаётганидан куйинди.

Ниҳоят аниқладик, бу това деган сўз экан.

– Шундай оддий сўз, – жаҳли чиқди Заурканнинг, – лекин неча йилдирки, менинг ёнимда бу сўзни убихча ҳеч ким гапиргани йўқ. Худди гўрда яшаётгандайман. Эшитмаган сўзларни эсдан чиқараяпман.

У узоқ вақт ғам-ғуссага ботиб, бошини чангаллаганча индамай ўтирди. Мен бўлсам, истасам-истамасам, унга қараб, бу уйда мен дуч келган фожиа ҳақида ўйлардим.

Мен Зауркан билан учрашган дастлабки кунларда у убих тили умуман йўқ бўлиб кетишига ишонмагандай кўринганди. Ҳатто унинг она тили ватани Убихияда сақланиб қолган деб ишонтиришга уринганди, тоғлар, ўрмонлар, ёки дарёлар сингари йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас деб ўйларди. Мен у билан баҳслашмасдим, фақат янглишса ҳам қатъиятига ҳайратланардим.

Ва бирдан ўша кеча менга шу нарса аниқ бўлдики, энди ҳеч кимга кераги йўқ она тили билан шунча яшаган қария, ўликлар орасида ягона тирик одам сифатида ўзига юпанч изларди. Ва бу нимаси биландир мени кутиб олган биринчи кечасидаги марҳумлар билан ўтказилган зиёфатга ўхшаб кетарди.

Зауркан Золак “муаммо” деган сўзни билмасди. Лекин ҳаётнинг ўзи унинг олдига жуда кўп марта тил муаммосини рўпара қилганди ва у бу муаммодан қочиб қутулолмасди.

У узоқ йиллар давомида фақат ўзи билан ўзи гапириб, она тилини жуда соғинарди. Жуда кўп марта қулоғига эшитилган турли тилда гаплашаётган одамлар суҳбатидан она тилимни эшитиб қоламанми, деб ўйларди. Кейин ўз халқи орасига қайтиб келгач, бу тилда гаплашаётган одамлар жуда кам қолганини ҳис қилди. Бу аччиқ ҳақиқат эди. Она тилида гапирадиган ёки уни умуман билмайдиган ёшлар кўпайиб қолганди.

Шу тариқа ҳаётнинг ўзи уни бу муаммога рўпара қилди. Ҳолбуки, унинг ўз ватанида яшаганида бу ҳақда умуман ўйламаганди. Зеро, унинг учун ўшанда бу муаммо бўлмаганди.

Мен учун-чи? Ўз халқининг фарзанди сифатида мен учун бу муаммо ҳал қилинганди. Чунки халқнинг ўз ҳаётида у ҳал қилинганди.

Лекин филолог олим учун бу муаммо – убих тилини ўрганиш муаммоси менинг мутахассислигим билан боғлиқдир. Мен учун эса бу жуда муҳим. Ҳар ҳолда, агар бу муаммо мени қизиқтирмаганда, денгиз оша бу ерларга келиб юрмасдим.

БИТХАНИНГ ЙЎҚОЛИШИ ВА ТОҲИРНИНГ ЎЛИМИ

Азизим Шарах, биласанми хотира аёлдан нимаси билан фарқ қилади? Билмаслигинг кўриниб турибди. Топишмоқ устида бош қотирма. Бу жуда оддий: аёл фақат ёшлигида эрига хиёнат қилиши мумкин, хотира эса у кампир бўлганда хиёнат қилади. Борди-ю, менинг хотирам ҳам тез-тез айниб турадиган бўлса, мендан хафа бўлма, ўғлим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мустафо Камол пошолик унвонидан воз кечган йили биз пахтадан жуда юқори ҳосил олдик. Бундай омадга қувониш керак эди, лекин қаерда дейсан! Замон нотинч эди, уруш давом этарди, бозорларга олиб борувчи йўллар урушаётган томонлар армиялари билан тўсиб қўйилганди. Бир томондан – султон, асоратга тушиб қолгани учунми ё Туркия ерларининг яхши жойларини эгаллаб олган инглизларга, французларга ва грекларга сотилгани учунми, иккинчи томондан ватанни озод қилишга бел боғлаган Камол қўзғолончилари. Олиб сотарлар бутун вилоятлар бўйлаб чиябўридай изғиб юришарди. Улар пахтани арзимаган пулга сотиб олардилар-да, жабҳа орқасига ўтказиб уч баробар қимматига пуллардилар. Арздодингни кимга айтасан? Ҳусайн афандининг ўзи пахта билан боғлиқ қинғир ишларда мўмайгина пул топарди. Ундан қонунни сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Истанбулда эса, миш-мишларга ишонадиган бўлсак, чет элликлар гаровига тушиб қолган султон ҳокимиятдан қарийб маҳрум эди. У Камол ва унинг сафдошларини сиртдан ўлимга ҳукм этди. Лекин ҳар кеча бошкент[1]да ёнғинлар чиқар, ўқ-дори омборлари портлар, Галата кўприги ёнида аслаҳа ортилган кемалар ёнар, Султон саройи яқинида отишмалар юз берарди. Султон томонидан исёнчиларга қарши ташланган аскарлар Истанбулда ўлимга ҳукм қилинган, лекин Анқарада энг катта бошлиқ бўлиб қолган қўзғолончилар сардори томонга ўтиб кетардилар. Мамлакат икки бошли танага ўхшарди. Бизнинг Қаринжа оваси қишлоғимиз эса карвонсаройни эслатарди. Бу ерга кимлар келиб кетмади, дейсан! Французларни ҳам, грекларни ҳам, султон боши бузуқларини ҳам кўрдик. На уят, на виждон бор эди уларда. Бу қишлоқда тўхтаб ўтган ҳар каснинг қорнини тўйғазишинг, ўзинг кўчада ётиб, унга уйингни бўшатиб беришинг керак эди! Бунинг устига убих йигитлари нард ўйнаб, жанжал чиқарардилар. Қон тўкишгача боришарди. Улардан бирининг юзида чандиқ қолди. Жабрланган йигит такаббур нагвацлар уруғидан эди. Улар буни ўлимга йўйдилар ва хун талаб қилдилар:

– Қонга – қон! Бунақанги чандиқ билан хотиржам яшай олмаймиз! Ўч олмасак бўлмайди!

Собиқ улфатининг юзида чандиқ қолдирган йигитнинг исми Фарҳод эди. У чизмаа уруғидан эди. Фарҳоднинг қариндошлари тўкилган қон давом этадиган қирғинларга сабаб бўлишини ҳис қилиб, қўрқиб ўтирмадилар, аксинча енг шимариб жангга шай турдилар:

– Агар улар билан ярашадиган бўлсак, бу қўрқоқ нагвацлар бизни кучсиз бўлиб қолган ҳисоблайдилар, – деб донолик қилди, ўзини доим ҳақ деб биладиган чизмааликлардан бири.

– Фарҳодни шаруалларга, Ҳусайн афанди ҳимоясига юбориш керак, – деб маслаҳат солди бошқаси. – У жуда ақлли одам, бу борада унга ҳатто бош вазир Тавфиқ пошо ҳам ҳавас қилади.

Фарҳодни шаруалларга жўнатишди. Шуниям билиб қўйишинг керакки, дад Шарах, убихлар орасидаги ҳар қандай жанжал Ҳусайн афанди учун байрам ҳисобланарди. У Фарҳодни ўз ўғлидай қабул қилди, эркалади ва кийинтириб, Али Ҳазрат пошо мулкини қўриқловчи соқчилар бўлигига жўнатди. Қурол-яроғ тақиб, ҳуркакроқ отга миниб олган думбулроқ Фарҳод ўғри, урушқоқ, бақироқ телбавор йигитлардан фарқ қилмасди. Худди Ҳусайн афанди сингари унга ҳам ҳимоясиз одамни жўжадай сўйиб ташлаш ҳеч гап эмасди. Чинакам амирнинг ити, амирнинг ўзидан баттар. Шундай бўлардики, орасида Фарҳод ҳам бўлган каллакесарлар тўдаси Қаринжа овасига “ташриф” буюрарди. Бунақанги ҳар бир “ташриф” босқинга ўхшаб кетарди.

[1] Б о ш к е н т – пойтахт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир вақтлар мен Мансоу Шардин ўғли қўрғонида Али Ҳазрат пошони узоқдан кўргандим. Энди биз томонларда пайдо бўлганда уни дарҳол танидим. У қора араб арғумоғида, эгардан тушиб кетадигандек, бир қўли билан эгар қошидан ушлаб олганди. Унинг ёнида оқ ахта отда соябонли қалпоқда баланд бўйли ва озғин киши – француз генерали келарди. Уларнинг орқасида бутун отлиқлар тўдаси. Маҳаллий ҳоким – Мухтор уларни кутаётган оломон орасидан чиқиб, отлиқларга яқинлашди, бошидан қалпоғини олиб уларга таъзим бажо келтирди. Аммо пошо унга эътибор ҳам бермади. Оломонга ўгирилди:

– Муҳтарам жамоа, Қаринжа оваси фуқаролари, сизларнинг қасамхўрлик қилганингизга ҳам, Оллоҳнинг ердаги ноиби, буюк султонни қўллаб-қувватлашдан бош тортганингизга ҳам ишонмайман. Султоннинг яқин одами, сизларнинг шавкатли юртдошингиз – Азнавур пошо қалбини доғлаш истагида эканингизга ҳам ишонмайман. Туркия жаҳон урушида жуда оғир йўқотишларга учради. Бундан фойдаланган жиноятчи сохта қаллоблар ўзларини лашкарбоши деб ўйлаб халқ орасида бошбошдоқлик ва низоларни авж олдирмоқдалар. Лекин султон уларнинг шохларини синдиришга қодир. Устига-устак, у ёлғиз эмас. Мана, менинг ёнимда француз генерали. Бу жасур ҳарбий бошлиқ ўз армияси билан мамлакатнинг қонуний ҳукмдори – буюк султонга ёрдам бергани келди. Бизга дўстона қўлини чўзган фақат шавкатли француз қўшини эмас. Инглизлар ва греклар ҳам султоннинг иттифоқчиларидир. Бундай қудратли кучга ким қарши тура олади? Мардонавор убихлар, сизлар учун оғир бўлган дамларда Туркия ҳукумати бошпана берди ва ғамхўрлик қилди. Разил қаллоблар сизларга туҳмат қилиб, гўё буюк султон қўшинларида хизмат қилишдан бош тортаяптилар деб гап тарқатмоқдалар...

Оломон орасидан чиққан Сит, бошидан қалпоғини олиб, қўлтиғига қистирди-да, таъзим қилди:

– Марҳаматли пошо, сиз ҳақсиз, бизнинг султон билан душманлигимиз йўқ. Лекин ҳукмдорнинг қўшинини тўлдириш учун жангчиларни биз қаердан оламиз! Бизлар бир ҳовучгина қолдик. Ёшларимизнинг қарийб ҳаммаси жангларда ҳалок бўлишди...

Али Ҳазрат пошо Ситнинг гапини бўлди:

– Мени алдаш сенга ярашмайди, қария. Ҳой, Мухтор, чақирилиш керак бўлганлар рўйхатини бер.

Мухтор пошонинг олдига югуриб борди-да, қўйнидан қоғоз чиқариб унга тутди.

– Мана, кўраяпсанми, бобой, бу ерда қанча ном бор. Шу рўйхатга киритилганнинг ҳаммаси лозим пайтда майдонга етиб бориши шарт. Чақириқдан бош тортганларнинг ҳаммаси судга берилади. Мен орангизда фитначилар пайдо бўлганини кўриб турибман, улар иғво тарқатиб, исёнга чорлаяпти. Ҳой, Мухтор, сен нега ватан душманига ён босаяпсан? Қишлоқда фитначилар пайдо бўлганини нега хабар қилмадинг?

– Мен Ҳусайн афандига етказганман!

– Ҳа-а... Эсимда бор. Қандайдир олим сув лойқатаётган экан...

– Худди шундай, жаноб! Тоҳир деган олим.

– Қаерда ўша сотқин?

– У сотқин эмас, пошо. У халқимиз орасида ҳурматли одам, – эътироз билдирди Сит қалпоғини кийиб.

– Қаерда у, деб сўраяпман?

– Истанбулга кетди.

– Нега?

– Ҳусайн афанди устидан арз қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунақами!

— Ҳаммаси қонун бўйича, бошқа ерга эмас, Истанбулга кетди.

— Мен умид қиламанки, — пошо яна оломонга мурожаат қилди, — убихларнинг жасур ўғлонлари султон ва халифа иши учун жангларда аввалгидек мардлик кўрсатадилар!

Азизим Шарах, сен султон пошоси билан бизнинг учрашувимиз нима билан тугади деб сўраяпсанми? Ҳеч нима билан. Пошо жўнаб кетди, унинг убихлардан бошқа ишлари ҳам бошидан ошиб ётарди. Бизнинг йигитларимизни султон армиясига олгунча, уларнинг кўплари ғойиб бўлишди. Қандайдир омадсизларни, қочишга улгурмаганларни армияга олиб кетишди.

Бир куни эрталаб, қишлоқ кўчасини чангитиб бир отлиқ келаётганини кўриб қолишди. Эгарланмаган от белидаги бу чавандоз бақириб келарди:

— Ҳой, одамлар? Муқаддас Битхамиз жойида йўқ. Битха йўқолиб қолди!

— Нега йўқолади? Қаёққа йўқолди? — деб сўрарди унга пешвоз чиққанлар.

— Тепалик ёнига боринглар! Ўзинглар кўринглар!

Бу ёмон хабар худди шамол олиб учган учқундай бутун қишлоқ бўйлаб тарқалди ва халқ ёлғиз граб ўсган тепалик томон оқиб кела бошлади. Сит касал ётганди, бу шум хабарни эшитгач, ўрнидан турди-да, ўша ёққа жўнади. Мен ҳасса суяниб кетаётган Ситга зўрга етиб борардим. Биз етиб борганимизда кўп одам тўпланганди. Бир вақтлар муқаддас Битхага ана шунақа кўп одам оқиб келарди. Тепаликка кўтарилган кексалар ҳалиги йигит алдамаганига амин бўлдилар. Бургутсимон Битха сақланадиган токча бузиб ташланганди. Тагидан чопиб ташланган ёлғиз граб бузилган токча ёнида ётарди. Халқ жим турарди. Сит бузиб ташланган тош бўлакларига, ниҳолдаги болта изига узоқ қараб турди, грабнинг сўлиган баргларини ушлаб кўрди, сўнгра қаддини ростлади ва оломонга қараб деди:

— Ёвузлик қилинибди! Кимдир муқаддас Битхамизни ўғирлаб кетибди! Бу на бугун, на-да кеча юз берган. Бу дарахт япроғидан ва болтанинг изидан кўриниб турибди.

Халқ гувуллади. Оломон орасида турган одамларнинг кўплари аввалги эътиқодда эмасдилар. Битхага сиғинмай қўйгандилар, лекин бундай шаккоклик уларнинг иззат-нафсига тегиб кетди. Шу дақиқада ҳам хотираси уларнинг кимлигини ўзларига эслатди ва уларни қаҳру ғазабда бирлаштирди. Баъзан ғам-ғусса узоқ айриликдан сўнг қариндошларни аза ва мотам маросимида бирлаштиради.

Ишон, Шарах, мен ўзимни жуда қаттиқ хафа қилишгандай ҳис қилдим. Агар бирдан шу жиноятни қилган одам учраб қолса, қўлларим унинг гирибонидан оларди.

— Бундай шаккокликка ким жазм этди?! Эй, қодир Битха, момақалдироққа айлан, яшинга айлан, ёвузнинг бошига ёғил! Унинг бутун уруғига тавқи лаънатлар бўлсин, — бошидан қалпоғини олиб, қўлларини кўкка кўтарганча қарғай кетди Татластан.

Кўплар унга жўр бўлди:

— Омин!

“Буни убих қилмаган”, — ўйладим ўзимча, лекин ўйлаганим оғзимдан чиқиб кетибди, қишлоқдошларимдан кимдир бақириб қолди:

— Рост айтасан, Зауркан! Буни душманимиз қилган!

Аммо Тоҳирнинг боши кал, бадбашара, бир кўзи ғилай қўшниси, афсуски исми эсимдан чиқибди, тиржайиб эътироз билдирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бошқага тўнкаш осон! Ўзимизники бўлса-чи?

— Жинни бўлма! — жеркиди ғилайни Даут.

— Битханинг йўқолганини нега олдин сезмадинглар? — сўради қора рўмол ўраган аёл. Унинг сўроғида қишлоқнинг барча эркакларига таъна бор эди.

Худди қариялардан айбни олиб ташлагандай, Даут ёшларга ишора қилиб жавоб берди:

— Нега ҳайрон бўлаяпсизлар? Убихлар ўзиникини ташлаб, бошқаникига сиғинаётгани янгилик эмас. Бизларга вақтларинг ўтди, дегандай муомала қилишаётгани бекорга эмас. Мана шу ернинг ўзида жойи жаннатда бўлгур коҳин Соулахга тиш қайрашганига кўп бўлгани йўқ.

Кал яна гап ташлади:

— Олов тутунсиз бўлмайди. Ўғрини бошқа қишлоқдан қидиришади, у бўлса ўзиникида бемалол ухлаб ётади...

Одамлар ҳушёр тортди.

— Кимдан шубҳа қилаётган бўлсанг, айт! — талаб қилишди оломон ичидан.

— Айтиш етмайди, исботлаб бериши керак, — огоҳлантирди кални Сит.

— Гувоҳлар топилади... — тўнғиллади кал.

Тўда жипслашди.

Шу пайт хитоб янгради:

— Йўл беринглар!

Одамлар тисланиб йўл беришди, оппоқ кийинган, соат занжири қорнида осилиб турган Раҳмон ўғлини етаклаб олдинга чиқди. Бу одам кўпдан бери бизда олди-сотди билан шуғулланарди. Унинг ўзи савдогар эмасди, лекин тез-тез ўтиб кетаётган карвонга қўшилиб олар ва карвонбоши топшириқларини бажариб юрарди. Умуман, шамол қаёқдан эсишига ва ҳид келишига қараб, қаёққа йўл олишдан қатъи назар, ўғлини етаклаб оларди. Итваччасини доимо эргаштириб юрарди.

— О ҳақгўй ва қодир Битха, — тиз чўкиб ибодат қилди Раҳмон, бошидан похол шляпасини олиб олдига қўяркан. — Агар ёлғон гувоҳлик бераётган бўлсам, фақат ўзим эмас, яккаю ёлғиз ўғлим ҳам ғазабингга учрасин. Агар ёлғон гапирсам шу ерда тош қотиб қолай.

— Тулки думини гувоҳ қилиб кўрсатаяпти, — деди Татластан.

— Ўз кўзимиз билан кўрдик, — деди Раҳмоннинг ўғли.

— Битхани Тоҳир ўғирлади! — деди Раҳмон худди қийноқ остида тан олгандай.

— Бўлиши мумкин эмас! Туҳмат қилаяпсан? — дўқ қилиб ҳассасини кўтарди Сит.

— Тушуниб турибман, ишониш қийин, лекин ҳақиқатга қарши боролмайсан.

— Алда, лекин ҳаддингдан ошма? Ҳайданглар уни бу ердан!

— Ҳой, шошманглар, балки бу ростдир! — қичқирди кимдир тўдадан.

— Ҳар нарса бўлиши мумкин, — овозини кўтарди яна кал. — Ҳатто мулланинг қизи ҳам гуноҳ қилиши мумкин! Қўйинглар гапирсин ота-бола.

— Муҳтарам зотлар, бизнинг ўғирланган Битхамиз, ҳозир у қаерда бўлишидан қатъи назар, ўч олиш кучига эга. Агар мен Тоҳирга туҳмат қилаётган бўлсам, Битханинг қаҳрига мен учрайман... Бундан ўн кун бурун мен ва ўғлим Кўнё шаҳрига кетаётган карвонга қўшилгандик. У ерда ишимизни битиргач, бозордан у-бу олмоқчи бўлдик. Савдо растаси бўйлаб кетаётиб бир дўкон ёнидан ўтиб қолдик. Дўконда қимматбаҳо тошлар, шиша ва фил суягидан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюмлар сотиларкан. Қарасак, ундан Тоҳир чиқиб келаётган экан. Биз уни чақирдик. У ё эшитмади, ёки эшитмаганга олди ва одамлар орасида ғойиб бўлди. Ўша кўчада одам доим гавжум бўлади. Биз Тоҳирнинг Истанбулга кетганини билардик. У Ҳусайн афанди устидан арз қилмоқчи эди. Лекин Кўнёда кўриб ҳайрон қолдик! Биз ўғлим билан қизиқиб Тоҳир чиққан дўконга кирдик ва не кўз билан кўрайликки, дўкончилар бургутмисол Битхани кўздан кечираяпти.

Буни эшитиб, оломон гувиллади, Раҳмон бўлса, намоз ўқиётган мусулмон сингари қўлларини кўксига қўйиб, сўзида давом этди:

— Битханинг базалт танаси қорайган, тилло суви юритилган кўзлари ғазабкор, тирноқларига эса қон қалқиб турарди!

“Бу черкас бизни боплаб кетганга ўхшайди”, — деди дўкончилардан бири Битхани кўздан кечираркан. Иккинчиси унинг елкасига қоқиб: “Қайғурма! Бу қимматбаҳо бўлмаса ҳам, ноёб нарса. Барибир, яхшигина фойда кўрамиз”, — деди.

Биз ўғлим билан ўша дўконда тиз чўкдик. Лекин дўкончилар бизни қувиб солдилар.

— Вақтни бекорга ўтказишнинг нима кераги бор! Ҳаммаси равшан: ким ўғрилигини энди биламиз! Тоҳир муқаддас Битхамизни қайтариб берсин, бўлмаса терисини шиламиз! — дея бақирди йигитлардан бири. Бу ўша, шу ердаги сўнгги ибодатимизда, Соулах ўлган кун ҳуштак чалган йигит эди.

Оломон иккиланиб қолди, бир хиллари Раҳмонни бурдалашни истарди, бошқалари Тоҳирнинг уйига бостириб боришга тайёр эди.

— Истасанглар менинг гўштимни майдалаб ташланглар, лекин мен бу юлғичга ишонмайман. Тоҳирга эса ўзимга ишонгандек ишонаман! — хитоб қилди Сит.

— Ҳамманинг оғзини боғлолмайсиз, — бақирди кал. — Қўйнингизда илонни асраган экансиз-да! Истанбулга кетган одам Кўнёда нима қилиб юрибди!

Мен яна бир неча одам Тоҳирнинг Истанбулга эмас, Анқарага кетганини яхши билардик. Тоҳир у ерда Камол пошо ҳузурига келган Совет Россияси вакили билан учрашиб бизнинг ишларимиз ҳақида гаплашмоқчи, ҳозир инқилобдан сўнг, хоҳиши бўлган убихлар ўз юртларига қайтишлари мумкинми, билмоқчи эди.

Аммо Тоҳирнинг ҳозир қаердалигини айтиш хавфли эди. Оломон орасида Ҳусайн афандининг югурдаклари бўлиши турган гап. Улар дарҳол хўжайинларига етказишади. Шунда мана бу одамхўр Тоҳирнинг оиласини дарҳол ҳибсга олиши мумкин.

Мен олдинга чиқдим:

— Манави туҳматчилар овозини ўчирсин! Раҳмоннинг айтганлари ҳаммаси туҳмат эканига ҳадемай ўзингиз гувоҳ бўласизлар! У бизларни ҳамма нарсага ишонадиган аҳмоқлар деб ўйлади шекилли. Тоҳир ҳеч қанақа Кўнёга боргани йўқ!

Менинг олдимга сакраб келган кал бирдан шундай чинқирдики, гўё унинг эркакни аёлдан ажратадиган жойини омбир билан қисиб олгандек эди:

— У билан тилларингиз бир! Ҳаммангиз бир гўрсиз!

Мен ханжарни қинидан суғурдим.

— Ҳозир ичак-чавоғингни буёққа олиб, бўйнингга ўраб ташлайман.

Кални шамол учиргандай бўлди. Тепаликдан пастга шундай юмаладики, ҳатто кўролмай қолдик. Буни қарангки, ғийбатдан отда ҳам қочиб қутулиб бўлмаскан. Ғийбат убихлар яшовчи барча қишлоқлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га тарқалди. Биттаси ёлғон гапирди, иккинчиси нималигини тушунмади, учинчиси ўзидан қўшди. Мол оласи ташида, одам оласи ичида деб бежиз айтишмаган. Кечагина Тоҳирни олқишлаб юрган одамлар бугун ёлғонга ишониб, бу олижаноб инсонни ўғри деб атай бошлашди ва ҳатто бошини олишга ҳам тайёр эдилар. Қаринжа оваси ва унинг атрофида Битханинг ўғирлангани ҳақида ҳар хил гаплар юрарди. Тоҳирнинг бошқа дўстлари қатори мен ҳам унинг тезроқ қайтиб келишини кутардим. У билан бирга Битхани аслида ким ўғирлаганини ҳамда Раҳмон билан кални унга қарши ким ишга солганини билгимиз келарди.

Лекин Тоҳирдан дарак йўқ эди. Бир куни кечқурун Даут иккаламиз Раҳмон билан гаплашмоқчи бўлдик. Ҳовлисига кирсак, ҳеч ким йўқ. Қўшниларидан сўрадик:

— Раҳмон қаерда?

— Битха ўғирлангани маълум бўлган ўша куниёқ шом пайти оиласи билан кўчиб кетди. Ашқол-дашқолини аравага ортди-ю, сигирини шатакка боғлаб жўнаб қолди.

— Қаёққа?

— Ким билади? Сал олдинроқ Фарҳод Чизмаа уникига келиб кетувди.

“Мана калаванинг учи қаёққа олиб бораркан”, ўйлардик биз, лекин унинг қанчалик узоқ боришини ва бошимизга не кулфатлар солишини билмасдик.

Отлар бор эди — отхона йўқ, отхона қурилди, отлар эса йўқ. Али Ҳазрат пошонинг убихларни султон аскари қиламан деган умидлари пучга чиқди. Султоннинг отлиқ даракчилари қишлоқма-қишлоқ изғиб: “Яшасин султон!” дея жар солишлари беҳуда эди. Кўп одам тўплай олишмади.

Али Ҳазрат пошо ҳақида бизга шуни маълум қилишдики, буни эшитганда унинг тили танглайига ёпишди. Нима қиларини билмай қутурди, шўрлик убихлар бошига ҳақоратлар ёғдирди. Агар ҳақоратларнинг ўзи бўлса майли эди-я, лекин пошонинг каллакесарлари унинг амри билан уйларимизга бостириб кирар, ўзларига ёққан ҳамма нарсани тортиб олар, молларни ҳайдаб кетар, аёлларни зўрлашардилар, ёш йигитларни учратиб қолсалар, аскарликдан қочди, деб ўша жойнинг ўзида отиб ташлардилар.

— Ла илоҳа иллоллоҳ! Яшасин султон...

Оллоҳ номи билан ёвузлик, қонун номи билан адолатсизлик қилиш мумкин эди.

— Астағфуруллоҳ! — дея худонинг зорини қиларди одамлар.

Ниҳоят улар Қаринжа овасида яшаб бўлмаслигини тушуниб етдилар. Қаёққадир кўчиб кетиш керак. Эҳ, бу кўчманчилик! Бу не ёзмиш убихларнинг пешанасига, ёвуз тақдир бизни мунча таъқиб этмаса?!

Фалокат келдими, қон қақшатади... Тоҳир Анқарагача етиб боролмай қайтиб келди. Ҳаммаёққа соқчилар, тўсиқлар қўйилган. Йўллар бекилган, кўприклар қўриқланмоқда. Уруш кетаяпти. Тоҳир уйга келганда ярим кеча эди. Гулизор унинг бўйнига ташланиб, қучоқлади-ю, йиғлаб юборди.

— Нима бўлди? — сўради Тоҳир.

Гулизор унга “Битхани ўғирлаганликда айблаб сенга тухмат қилишаяпти”, деди. Энди гапини тугатган эдики, ташқаридан Тоҳирни чақириб қолишди.

— Хўжайин уйдами? — сўради кимдир убих тилида.

— Чиқма! Яширин! — Тоҳирнинг йўлини тўсди хотини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ташвишланма. Бу ким бўлса ҳам ўзимизники, — деди Тоҳир ва дарвозани очишга борди.

Ўқ отилди. Тоҳир йиқилиб тушди.

Тўртта қуролланган эркак отдан тушиб, уйга бостириб кирдилар, ёрдамга чақираётган Гулизорни ушлаб, оғзига латта тиқдилар, оёқ-қўлини боғладилар. Уйғониб, қўрқиб кетган ўғилларини ҳам арқонлаб ташладилар. Уччаласини ҳам отлар эгарига ўнгариб, уйга ўт қўйдилар-да, жўнаб қолдилар.

Биз Сит билан етиб борганимизда, Тоҳирнинг уйи тутаб ётган қора тахталар тўдасига айланганди. Тутун, кул ва ёнғин ҳиди анқирди. Ҳовлида Тоҳир қонга беланиб ётарди. Мен уни ўлган деб ўйладим. Лекин у тирик экан, қаттиқ яраланибди. Ўзига келиб хотини ва болаларини сўради.

— Соғ, омон, — жавоб бердим нима дейишимни билмай, ўзим ҳўнграб юборишга тайёр эдим.

Аммо Тоҳир гапларимга ишонмади. Чаккасидан оқиб тушаётган кўз ёшлари шуни англатарди.

— Сени ким отди? — сўрадим бошини сал кўтариб.

— Фарҳод Чизмаа.

Одамлар югуриб келишди. Тоҳир кимга азиз ва яқин бўлса, ким умидларини у билан боғлаган бўлса, ҳамма шу ерда эди. Бу қайғудан ҳамманинг бағри қон эди. Мен ушбу мард ва қадрдон инсоннинг сўниб бораётган сиймосига қараб, мажолсиз бир ҳасрат юрак-бағримни эзди. Тоҳир ўлаяпти. Ў бутун умрини бағишлаган нарсалари оловда куйиб кул бўлди. Убих халқининг тарихини энди ҳеч ким ёзмайди. Убих болалари учун ҳеч ким алифбе яратмайди.

Тоҳир бемажол қўлини зўрға қимирлатди ва шивирлади:

— Уйга қайтинглар! Кавказга... Ҳамма... Уйга!

Бу унинг сўнгги сўзлари, васияти эди. Тоҳир қуёш чиқиши олдидан жон берди. Унинг жанозасига бутун қишлоқ аҳли тўпланди. Ҳатто яқинда Тоҳирни кофир деб атаган мулла ҳам келди. Раҳмоннинг сирли қочиб қолиши ва Тоҳирнинг ўлдирилиши, Битханинг йўқолишига Тоҳирнинг ҳеч қанақа алоқаси йўқлигини рад этиб бўлмас далили эди. Раҳмоннинг иғвосига учган ва унинг найрангига ишонган кимса эса ялиниб қасам ичар, кўз ёши тўкар ва марҳумдан кечирим сўрарди.

— Уаа, чироғим, Тоҳиржон, — йиғлар эди марҳумнинг боши узра сочларини ёйиб ўтирган Химжаж, — қара, қанча улуғ инсонлар келди сен билан видолашгани!

Аёлларнинг ҳўнграб йиғлашлари, эркакларнинг оғир-оғир хўрсинишлари эшитилди.

Жанозага ёшликдаги дўсти Мансоу Шардин ўғли ҳам у билан видолашгани келди. Ёнида турганларга паст овоз билан деди:

— Афсус, унга жуда ачинаман! Ҳақиқий олим эди! Ўзини ҳам, оиласини ҳам бекорга нобуд қилди. Уни огоҳлантиргандим... Жимжилоғи билан тош деворни тешмоқчи бўлди... Хаёлпараст...

Ҳашаматли извош аравалар келиб, нарироқда тўхтади. Уларга чиқиб ўтиришдан олдин Мансоу биз — қариялар ёнига келди:

— Яхши қолинглар! Мен учун қилган меҳнатларингни унутмайман. Раҳмат! Бизлар бошқа кўришмасак керак. Ер-мулкимни сотдим ва Францияга — хотинимнинг ватанига кетаяпман. Ўтган ишга салавот дейишади. Аммо яширмайман, мени хафа қилдинглар. Чунки халқнинг сўнгги муқаддас Битхасини Ҳусайн афандининг бошқарувчиси орқали Али Ҳазрат пошога ҳадя қилиб юбординглар. Ёки бу совғага мен муносиб эмасмидим? Ундан қутулмоқчи бўлдингларми? Бу қароқчига ишониб бўладими? Султонни қўллаб-қувватлаганларингда қай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тага яхши бўларди. Лекин мен билан қандай муносабатда бўлишингларга қарамай, отам убихлардан эканини унутганим йўқ! Ва биласизларми нима қилдим? Сизнинг совғангизни Али Ҳазрат пошодан сотиб олдим. Нархига хасислик қилиб ўтирмадим, олиб қўя қолдим. Битхани ўзим билан олиб кетаман. Балки бегона юртда у менга бахт келтирар. Хайр, омон бўлинглар, яхшилик билан эсланглар!

Мансоу Шардин ўғли извошга ўтирди-да, кўчада отлар туёғидан кўтарилган чанглар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Тоҳир билан видолашишга тўпланган одамларнинг ҳаммаси кекса кишилар эдик. Унга аза тутарканмиз, ўзимиз қора тақдиримизга аза тутардик. Кўз ёшларимиз орасидан у бизга васият қилган узоқ ва унутилмас юртимиз Убихини кўриб турардик.

Тоҳирни тепаликнинг устига, аввал Битха турган жойга дафн қилдик. Ботаётган қуёш хайрлашувчи нурлари билан янги қабрни ёритди.

Одамлар тарқалишга шошилмасди. Улар бошларини эгиб турардилар, қайғули ўйлар уларни тарк этмасди. Шунда мен тепаликка кўтарилдим, Тоҳирнинг қабри ёнига турдим. Мис карнай қўлимда эди. Мен уни лабимга қўйдим ва саҳро бўйлаб убихлар карнайининг ноласи таралди. У Тоҳирнинг қабри устида йиғлар, нола қиларди. У ёвуз тақдирга, адолатсизликка лаънат ўқир ва йўлга, убихлар юртига, ватанга чорларди! Беморларни замбилларга, чақалоқларни халталарга олинглар, болталар ва ханжарларни белларингга тақинглар. Майли бу қонли йўл бўлсин, лекин биз юртимизга қайтишимиз керак, зеро, ватанни йўқотган ҳамма нарсани йўқотади.

Карнай то қўлим толиб, ҳолдан тойгунимча нола чекиб, йўлга чорлади.

Атроф-теваракка қоронғи чўкди. Фақат осмондагина сийрак юлдузлар милтилларди. Гўё осмон ҳам бизга мотам тутиб, совуқ кўз ёшларини тўкаётгандек эди. Бу убихларнинг яшаши мумкин бўлмай қолган ердаги сўнгги кеча эди.

СЎНГГИ ЙЎЛ

Мана бир ҳафтадан ошдики, биз ҳаммамиз – убихлар яшайдиган ўн учта қишлоқнинг қурол кўтариб юришга қодир бўлмаган аҳолиси чоллар, аёллар ва болалар – йўлдамиз. Қолган-қутган ашқол-дашқолларини орқалаб олган уйи куйган одамларгами-ей, лўлиларгами-ей, уруш бўлаётган жойлардан кўчган қочоқларгами-ей ўхшаб кетиб бораяпмиз. Уч минг хўжалик, гарчи ўзлариники бўлмасаям, яшаб турган манзилларидан қўзғалишди. Уч минг оила – ҳазилакам гап эмас. Қуруқ, иссиқ ёз пайти. Кундузи шунақа иссиққи, миянгни қайнатиб юборади, кечаси қора совуқ. Бир вақтлар мен қоврилиб, Исмоил Саббоҳ карвонига эргашиб юрганим Африка саҳросидан қолишмайди.

Худди марҳум Тоҳирнинг иродасини иддаолаб Кавказ томонга қараб кетаяпмиз. Эҳтимол, бизнинг йўлимиз Сурия ёки Арабистонга йўналган бўлсайди, зеро, бу давлатлар Туркия тасарруфидан чиқиб, мустақил бўлган эдилар, Али Ҳазрат пошо кўчишимизга қўл силтаб қўя қолган бўларди, “Убихларсиз ҳам ташвишимиз тўлиб тошиб ётибди”, – дерди. Лекин биз Камол пошога дўстона муносабатда бўлган ҳокимият ўрнатилган она юртимиз томон кетаётгандик. “Қўйнимизда илонни олиб юрган эканмиз-да, – жони чиқарди Али Ҳазрат пошонинг, – кавказлик мухожирларнинг ҳаммаси сотқин, хоин, султоннинг душманларидир. Шошмай туришсин, мен уларга кўрсатиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўяман ҳали!” У сўзига амал қиларди. Султон югурдагининг жазо бўлуклари бўрилар галасидай бизга ташланишди. Қочиб бораётган бизнинг тўдамиздан янги-янги қурбонлар берилди.

Билмадим, лекин ўйлашимча, агар бизларда кўпроқ куч ва қуролярoғ бўлганда, биз Али Ҳазрат пошо муридлари орасидан ҳам, бу ерларда гоҳ ҳужум қилиб, гоҳ чекиниб турган греклар орасидан ҳам ёриб ўтган бўлардик. Шунда, эҳтимол, бизнинг қайсарлигимиз ва омадимиз ўзимизни Кавказга, қадрдон чўққиларимизга қайтарган бўларди.

Лекин бизда куч кам, қурол йўқ эди. Чўлда бизларга қўшилган қуролли йигитларимиз анча асқотди. Бунгача улар аскарликка олиниб, гоҳ султон қўшинлари томонда, гоҳ Камол пошо ёш турклари томонда туриб жанг қилиб, тоғларга қочиб кетган эдилар. Уларда қурол бўлгани учун имкон қадар бизларни ҳимоя қилиб бордилар.

Бизлар таланган ўлакса сингари Кўнёнинг тақир чўллари бўйлаб борардик. Ўнлаб чақиримда на бирор дарахт, на қудуқ, на булоқ учрайди. Туркларнинг ўзлари “бу жойлардан туя билан ҳам ўтиб бўлмайди” деб бежиз айтишмаган.

Жонивор отлар сўналар хуружидан оёқларини зўрға судраб босардилар. Болалар, беморлар ва ҳаста кексалар ётган аравалар ғичирлаб борарди. Биз шошилардик. Ўлганларни тез-тез кўмиб, йўл-йўлакай аза тутиб борардик. Ярадорлар зўрға юрар, аравалардан жой сўрашга ботинолмасдилар. Уларнинг кўнгли айниб, эси кириб-чиқиб турса ҳам юришда давом этардилар. Фақат жон талвасасида ётганларни аравада ёки замбилда кўтариб борардик. Гоҳ олдинда, гоҳ ён томонда отишма бошланарди. Одамлар тўдасига қараб ўқ узиш нолойиқ иш бўлса-да, аниқ эди: ҳар қандай аҳмоқ ўқ қурбонини топарди. Йигитларимизнинг вазифалари эса мураккаброқ эди. Таъқибчиларимиз йўлда отларда, бирдан ҳужум қилиб, ўқ узиб-узиб, қочиб қолардилар.

Али Ҳазрат пошо бизни қайтишга кўндириш учун юборган одамлар орқали дўқ қиларди:

— Агар ёппасига қирилиб кетмайлик десанглар, қуролларни ташлаб орқага қайтинглар, ҳали ҳам кеч эмас, қайтинглар! Оллоҳ номи билан қасам ичаманки, султон душманлари қучоғига интилаётганлар, менинг ёрдамим билан ўлим қучоғига тушадилар!

Лекин биз ҳеч қандай ваъдаларга ҳам, дўқ-пўписаларга ҳам учмасдик. Дарё денгизга интилади, инсон эса она ерига. Йўлга чиқдикми, қайтишни истамасдик. Чунки ватан чақириғи ҳақиқат сеҳридай бизни чорлаб турарди. Руҳан чўкканларнинг кайфиятини кўтариш учун биз — чоллар баъзан убихларнинг қадимий сафар қўшиғини айтардик:

Майли, ярамиздан оқаверсин қон,
Душманлар қасдига, билмай қўнолға;
Илгари интилинг, ғанимат ҳар он,
Тоғлар шарафига олға бос, олға!

Қўшиқнинг нақорати ана шундай янграрди. Ёшлар қўшиқнинг сўзларини тушунишмасди. Лекин биз куйлаганимизда уларга ёқарди бу қўшиқ. Ҳалокатли чўлнинг ярми ортда қолди. Шунда янги бир ташвиш бошланди. Озгина егулигимиз ҳам тугаб, очарчилик бошланди. Уни болалар йиғи билан бошлаб бердилар. Чорамиз йўқ эди, ҳўкизларни сўя бошладик. Кейин навбат отларга келди. Азизим Шарах, отларнинг ўлим олдидан кишнашини ҳеч эшитганмисан? Араваларни ёқиб бўлганимиздан сўнг, ёғоч бешикларни ёқишга тўғри

www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. Милтиқ қўндоқларини ҳисобга олмаганда олов ёқишга ҳеч нарсамиз қолмади. Лекин улар бизга керак эди. Ўққа ўқ билан жавоб бермасак бўлмасди.

“Майли, ярамиздан оқаверсин қон...” бу қўшиқ бизга оғир йўлда суянчиқ эди. Аммо очликдан ташқари сувсизлик ҳам томоғимиздан ола бошлади. Очлик ва ташналик бизга қутурган бўрилардек ёпишди. Чидаб кўр-чи... Чор атрофда на булоқ, на қудуқ бор!

— Сув, ойижон, сув! — шивирлади болакай.

— Чанқадим, сув! — дерди йиғлаб қизча.

Оналарнинг эса кўз ёшлари ҳам қуриб қолганди. Ўқ теккан ярадан қон оқмасди, қорайиб, қотарди. Сув излаб кетган йигитлар қайтиб келишмади. Одамлар оқими энди ҳаракат қилмасди, судралиб борарди. Бир бурда нон, бир қултум сув учун жанжал чиқарди. Одамлар йўлда учраб қолган ўт-ўланни териб ердилар. Сичқонни тутиб олишга муваффақ бўлганнинг қувончини кўрсайдинг, Шарах!

Бардам бўлинглар-эй, тушмасин руҳлар,
Гарчи аҳвол чатоқ, йўлимиз оғир —
Қаддингиз тик тутинг, қондош уруғлар,
Бу кеча осмондан ёғажак ёмғир, —

куйлаймиз биз — чоллар одамларга далда бериб, умид бағишлаб. Лекин энди бу қўшиқ эмас, балки марсия эди.

Ва бирдан кўкдан товуш келгандай бўлди:

— Ботқоқлик! Шу яқин орада ботқоқ бор экан! — деди овози хириллаб, мастга ўхшаб, гандираклаб келаётган одам. Бу сўзни эшитиб, ўлаётганлар ҳам тирилгандай бўлди, ўрнидан туриб кетди.

Ким чопиб, ким юриб, кимдир эмаклаб, ҳалиги одам кўрсатган томонга ташланди. Оналар гўдакларини қўлга олдилар, каттароқ болалар эса катталардан ўзиб кетишди. Баъзилар ҳушдан кетиб, иссиқ ерга қулаганча, соҳилга итқитилган балиққа ўхшаб оғзини каттакатта очарди. Уларга ҳеч ким эътибор бермасди.

Кўп ўтмай, одамлар оёғи остида йўсин қоплаган ўнқир-чўнқирлар билчиллай бошлади. Ботқоқлик кенг эди. Унинг билқиллаб турган четларида қамиш ўсиб ётарди. Ботқоқзор узра қўланса ҳид сасиб ётарди. Бутун теварак атрофда тупроқ ва ўт-ўланлар туз билан қопланганди. Кимдир бақирди:

— Бу сувни ичманглар, эҳтиёт бўлинглар!

Қаёқда дейсан! Одамлар зўрға нафас олганча, бир-бирини туртиб, итариб, тиззалаб қўнғир тусдаги ўлик сувни ютоқиб ича бошладилар, то бўккунча ичдилар. Сув илиқ, шилимшиқ, ичи ғиж-ғиж қурт эди. Лекин биз убихлар шу сувни шундай ютоқиб ичардикки, ҳатто ўзимизнинг тоғ булоқларидан бунақа мириқиб сув ичмасдик. Тўйгунча ичиб, чанқоқни қондиргандан кейин ҳам ботқоқликдан кетмай туриб қолдик. Жазирама иссиқ бўлишига қарамай, худди қутурган кўппаклар сувдан қўрққандай, одамлар ташналик азобидан қўрқишарди. Кейин, ниҳоят, ўпкаларини босиб, ўзларига келгач, яқинларини қидириб, у ёқ-бу ёққа аланглай бошладилар. Сувгача етиб келолмаганларни топиш учун югуриб қолдилар. Йўлда чўзилиб қолганларнинг бир нечаси аллақачон ўлиб бўлганди.

Гоҳ у, гоҳ бу дегандай чанқоқликни қондиргандан кейин очлик бошланди. Тўғри, кейинги куни сал омадимиз келди. Бир неча чақирим олдинда кетаётган иккита айғоқчи сайёд йигитимиз, ўтлаб юрган йилқилар уюрини кўриб қолишган экан. Улар ўқ узиб, уюрни биз томонга ҳайдаб келишди. Очликдан қийналаётганларнинг кўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

очилди. Азизим Шарах, сен ҳеч одамлар билан отлар ўртасидаги жанг ҳақида эшитганмисан? Бўлмаса эшит: бу жанг ўша ёвуз ботқоқлик ёнида юз берди. Кимда милтиқ бўлса, отларга қарата ўт очишди, кимда ханжар бўлса, югуриб кетаётган жониворга ташланди, болта ушлаганлар қуюқ ўрмонга кириб қолгандай йилқи уюрини чопа бошлади. Яралган ва йиқилган отларнинг хириллаши ва кишнаши, туёқлар остида қолиб кетган одамларнинг дод-фарёди аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бошлари ёрилган, оёқлари синган, қорни чавақланган отлар йиқилар, айғирлар уриб ағдарган, топтаб кетган одамлар типирчиларди. Ўқ ёки болта тегиб йиқилган жониворнинг ҳали жони узилмай туриб, терисини шилишиб, гўштини бурда-бурда қилишарди. Оч одам бўрига ўхшайди. Қамиш ўриб келишди. Ўт ёқишди. Ҳаммаёқни куйган от гўшти ҳиди босди. Чала пишган гўшт билан очлигини қондирган одамлар яна сасиган сувга ташландилар. Кейин йилқилар билан олишувда ҳалок бўлганларни кўмишди. Яна йўлга тушишдан олдин ботқоқлик атрофидаги қамишзорга ўт қўйишди: “Ҳали тирик эканимизни, ҳали олов ёқаётганимизни душманларимиз кўриб қўйишсин!”

Оловлардан уйғонган умидларимиз бизга куч-қувват берди, лекин бу узоққа чўзилмади. Иккита ташвишдан қутулган эдик, учинчиси етиб келди. Убихлар орасида вабо бошланди. Касалликка биринчи бўлиб чалинган аёл уч боланинг онаси эди. У икки қўли билан қорнини чангаллаб, титраб-қақшаб қизғин қум устида юмалар эди. Лаблари кўкариб кетди. Оёқ-қўллари тортиша бошлади. Бир неча соатдан кейин аёл ўлди, касаллик унинг болаларига ўтди. Одамларни даҳшат қоплади. Бировлар Худога илтижо қилар, бошқалари уни лаънатларди. Мен кўнгилли гўрковга айланиб қолдим ва юрагимга энг яқин икки кишини – Химжаж аммам билан эри Ситни дафн этдим. Химжаж биринчи жони берди, шунда Сит менга:

– Зауркан, мадорим қолмади, – деди. – Мени Химжажнинг ёнига кўм, токи, бу лаънати жойда у ёлғиз қолиб кетмасин.

У хотинининг мозори ёнидан ўзига ҳам гўр қазиди. Ситнинг ўлим олди азоби ҳам унча кўп чўзилмади. Уларнинг қабрлари тепасида турарканман, кўзларим қуруқ бўлса ҳам, чаккамда ёш пайдо бўлди. Баъзан шунақа бўлади, ҳаво очиқ бўлса-да, қоялар нам тортади. Мен қояларга ўхшаб йиғлардим, ёшим чаккамдаги ажиндор терим орқали сизиб чиқарди.

Бирдан ичимизда ёши энг кекса Татластаннинг овозини эшитдим:

– Ҳали ўлишга улгурмай туриб, ўзларингни кўмаяпсизларми? Қани, бошларингни кўтаринглар! Ахахара, хахаира! Қарсак чалинглар! Рақса! Рақса! – дея давра қўшиғини бошлаб юборди. Гўё у орамизда энг ёшимиз эди.

Мен ҳайрон бўлдим: эсини едими, нима бало?

Аммо Татластан ақли маҳкам, хотираси теран эди.

– Шам сўниш олдин бир ёрқин ёнишини билмайсизми? Келинглар, учаётган юлдуз, йўқ, чақмоқ мисоли ўлим олдидан душманлар кўз ўнгида бир ярқирайлик!

Татластан қўлларини бир-бирига қаттиқ уриб, гоҳ биримизга, гоҳ иккинчимизга яқинлашарди:

– Ахахара, хахаира!

Чиндан ҳам мўъжиза юз берди. “Сен жинни бўлибсан! Эсингни йиғ!” деб унга ҳеч ким бақирмади. Аксинча, зўрға оёқда турган ёки қум узра чўзилиб ётган одамлар қўлни қўлга уриб қарсак чала бошладилар. Кейин аввалига секин, сўнгра баландроқ, тағин янада баланд овоз чиқариб, ота-боболарининг давра қўшиғига жўр бўла бошлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ернинг қулоғи кар, болаларимиз йиғисини эшитмаяпти, кўзи эса кўр, қандай ҳалок бўлаётганимизни кўрмаяпти! Шундай экан, келинглар, рақс тушайлик, шундай ўйнайликки, оёқларимиз тапиллаши унинг қулоқларида гумбурласин. Шуни билиб қўйсинки, бизлар ҳали тирикмиз ва унга таслим бўлишни истамаймиз! — даъват этди Татластан.

Аста-секин доира ҳосил бўлди. Агар сен, ўғлим доира қуриб, гир айланаётганларнинг юзини кўрсанг эди. Жилмайиб турган марҳумларнинг юзини бир тасаввур қил-а...

Татластан бўлса, ўзига ўзи мурожаат қилиб бақирарди:

— Эҳ, Татластан, маҳоратинг қайда қолди? Ахир сен, Убихиядаги тўйларда кичкинагина столча устида ҳам рақс туша олардинг-ку! Сен ахахарага ўйнаганингда қизларнинг боши айланарди. Столча қимир этмасди, шароб тўла бордоқдан бирор томчи тўкилмасди! Қани, бир ёшлигингни эслатиб қўй!

У шундай деди-да, қўлларини белига қўйиб, рақс туша кетди. Шунда ҳаммаси қўшилиб кетди — марсия ҳам, "ахахара" деган қийқириқлар ҳам, кўз ёшларию жилмайишлар ҳам. Ўзим ҳам наша чекиб олгандай қарсак чалишга тушиб кетдим.

— Ахахара, хахаира!

Татластан бўлса, бир тиззасини ерга қўйиб ўйнамоқчи бўлди, лекин эплай олмади.

"Қари суяклар энди бўйсунмаяпти, — ўйладим мен. — Ҳар бир рақсга ўз ёши керак! Лекин, барибир, у шунча кучни қаердан олди?" Ҳа, чиндан ҳам аёлнинг ёшлигини юзига қараб, эркакнинг ёшлигини қалбига қараб баҳолашади. Ўша саҳрода юз берган воқеалар менга аждодларимиз мен туғилмасдан анча бурун тўқишган мақолни эслатди: "Марҳумларни базмга чорлаймиз, ўлганларни ўйнашга мажбур қиламиз!" "Наҳотки... — буни эслаб қалбим титраб кетди, — наҳотки улар авлодларининг даҳшатли ҳалок бўлишини олдиндан билган бўлсалар".

Бирдан Татластан рақсдан тўхтамаган ҳолда қарсак чалаётганларни ўз орқасидан чорлаганча одамлар даврасидан чиқа бошлади. Қариянинг нафаси тугаб борарди. Чарчаганидан тили айланмасди, фақат боши билан ишора қилиб, тўдани ўзига эргашишга таклиф қиларди. Тўда гўё уларни ипга боғлаб тортаётгандек унинг орқасидан борарди. У бизни бошлаб бораётган томонда бирдан хўроз қичқириб қолди. У ерда, шундоққина ёнимизда бу саҳродаги биринчи қишлоқ учради...

Кейин нима бўлганини Зауркан яхши тасаввур қилолмасди. Босиб ўтган йўллари ҳақида адашиб гапирарди. У йўлда қанча вақт юрганларини, тирик қолган убихлар билан бирга у етиб борган жойнинг номини эслай олмасди. Бугун бир нарсани гапирса, эртага бошқа нарсани айтарди. Ҳаммаси чалкашиб кетарди.

Ўша кунлари унинг ўзи ҳам вабо юқтирганди. Балки хотираси кирди-чиқди бўлиб қолгани шундандир? Бир нарса аниқ эди: қария қандайдир даҳшатли тушга ўхшаш воқеаларни бошдан кечирган. Бу ҳақда гапирганда, титраб кетар, юзи тундлашар, овози чиқмай қоларди.

Лекин бу жой қаерда экан?

Мен Туркиянинг харитасини олиб, қариянинг ёнига ўтирдим. Бармоғим билан унга Кўнё текислигини ва нуқталар-ла белгиланган ботқоқликни кўрсатдим. Лекин қария гапириб берганларига бошқа ҳеч нарса қўшимча қилолмади.

Харитада ўша ботқоқлик ҳозир биз чол билан гаплашиб ўтирган жойдан унча узоқ эмасди. Буни қарангки, мен бу ерга убихлар вабога чалиниб ҳалок бўлган жой орқали ўтиб келган эканман. Бу шун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

доққина ёнгинамизда. Заурканнинг тасаввурида жуда узоқ йўл юришгани ва у ҳеч тугамас бўлиб кўрингани ҳақиқатга унча тўғри келмайди: аслида убихлар олтмиш-саксон чақирим йўл босишган. Аммо қайгунинг кучи қариянинг хотирасида кунларни ҳам, чақиримларни ҳам узайтириб юборгани учун уни ким айблай оларди?

Биз яна ёнма-ён ўтирдик ва қария тағин қийналиб, ўз хотиралари жамлаб гапира бошлади.

Биз икки ўт орасида қолган эдик: олдинга йўл йўқ, орқага тўсиб қўйилганди. Атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси вабодан тоғларга қочишганди, улар озиқ-овқатларини ҳам, молларини ҳам олиб кетишганди. Фақат касалга чалинганларгина уйларида қолганди. Момақалдироқ қаерда гулдирамасин, яшин биз убихларнинг бошига тушарди. Вабонинг тарқалишида усмонлилар бизни айблашди, касалларга қараш учун қолганлар ва касални енгиб ўзига келганлар ҳам қўлига қурол олиб бизга қарши чиқдилар.

Полициячилар Истанбулдан қатъий буйруқ олишди: “Убихларнинг барча йўлларини тўсинглар. Қурол ишлатишдан тап тортманглар. Ўлганларни куйдиринглар!”

Биз биринчи қишлоққа яқинлашганимизда, энг четдаги уйларга етиб қолгандик. Олдимизга қандайдир бир деҳқон югуриб чиқди, ҳаммадан олдинда бораётган Татластанга қарата ўқ узди-да, ғойиб бўлди. Татластан йиқилди. Мен унинг устига энгашдим.

— Мана, мени ҳам ўлдиришди, Зауркан! Менинг бошимни Убихияга қаратиб кўмгин.

У ўлди. Мен эса баданимда титроқни ҳис қилдим. Қадимий бир қўшиқнинг сўзлари ёдимга тушди: “Вабо тарқалса агар, учмас қалдирғочлар ҳам”, мен осмонга қарадим. Қалдирғочлар чиндан ҳам кўринмасди. Олис-олисларга туман чўкканди. Кафтим билан пешанамни артдим. Туман тарқади, кейин яна пайдо бўлди. Ўлик Татластан тепасида туриб, ҳеч тушуна олмасдим, Убихия қайси томонда экан? Мен уни кўмолмадим, кучим етмади. Уни дарахт тагига олиб ўтдим-да, кўзларини ёпдим. Аҳволим тобора ёмонлашиб борарди. Қорнимда оғриқ кучайиб, бир чеккада турган уйга яқинлашдим. Бошим устидан чийиллаб ўқлар учиб ўтди, уларга эътибор қилмадим.

Татластаннинг жияни ва яна қандайдир бир убих йигити ханжарларини яланғочлаганларига қарияни отган деҳқонни излаб кетдилар.

— Ерга кириб кетиши мумкин эмас-ку, ахир? — бақирди йигитлардан бири.

— Бирор уйга беркиниб олгандир.

Дарвозага яқинлашиб, қалбни титратувчи аёл чинқириғини эшитдим. Бор кучимни тўплаб, уйга кирдим. Татластаннинг жияни қўрқиб кетган бир аёлни бурчакка қисганича кўксига ханжар қадаганди:

— Айт, отган одам қаёққа яширинди? Мен унинг шу уйга кирганини кўрдим. Нега тишингни тақиллатасан? Жавоб бер, деяпман! Агар айтмасанг, дўзах париси, сени ҳам, ўғлингни ҳам ўлдираман! — деб тўшакда типирчилаётган болани кўрсатди.

— Худо ҳаққи, бу ерга ҳеч ким киргани йўқ. Уйни ахтариб кўринглар, бизни ўлдирманглар, айбимиз йўқ. Ўғлим етимча, отаси ўлганига икки йил бўлди, — деди аёл бахтсиз боласи томон интилиб.

— Нари тур! — жеркидим мен.

Овозим жониворнинг ўлим олдидаги ўкиришига ўхшаб кетди, шекилли.

Эсанкираб қолган йигитлар қуролларини яширишди. Шу пайт ташқарида отилган ўқ овози эшитилди. Кейин яна такрорланди, йигит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар уйдан югуриб чиқиб кетишди. Мен ҳам бўсағадан ташқарига хатламоқчи эдим, лекин ҳалиги аёл қўлларимга ёпишиб олди.

— Кетманг, ялинаман, кетманг! Агар ёлғиз қолсак, улар қайтиб келиб, бизни ўлдиришади. Бизга раҳмингиз келсин! — Аёл болага ишора қилди.

Агар ўшанда шу аёл мени ушлаб қолмаганда узоқ кетолмаслигим турган гап эди. Кўз олдим қоронғилашди ва аёл мени катга ётқизар экан, ҳушимдан кетдим.

Қанча вақт оғриқдан тиришиб ва алаҳсираб, кейин яна ҳушсиз ётганимни билмайман. Ўзимга келгач қарасам, бегона уйда ётибман.

— Мен қаердаман? — у дунёнинг ярим йўлидан қайтиб келган кунимнинг биринчи сўзлари шу бўлди. Бу сўзлар тепамда турган аёлга қаратилганди.

— Ўз уйингизда деб ҳисоблайверинг.

— Ўзинг ким бўласан, хоним?

— Агар яхшилаб қарасангиз, балки эсларсиз?

Менга аёл жилмайгандай бўлиб кўринди ва мен унга диққат билан қарадим. Думалоқ юз, катта-катта қора кўзлар, жилмайишга қарамай, ғам тўла нигоҳ, сочларига оқ оралаган. Эслашга уринаман: “Ким экан?”

Лекин аёл ўзи эслатди:

— Эсингиздами, сизларнинг йигитлардан иккитаси ўғлимни ва мени пичоқламоқчи бўлишди, лекин сиз бизларни қутқардингиз, кейин кетмоқчи бўлдингиз, аммо мен қолинг деб ялиндим. Сиз ўзингиз касал эдингиз, мен сизни катга ётқиздим. Шу кунгача ўлим билан олишдингиз, гўр ёқасига бориб қайтдингиз. Оллоҳга шукр, бугун ўзингизга келдингиз. Тирик қолдингиз.

Аста-секин зеҳним тиниқлашиб, кўз ўнгимдан убихларнинг сўнгги йўли бир-бир ўта бошлади... Ўликлар, ўликлар... ўликлар... Рақсга тушаётган Татластан... Ниҳоят бу уйга қандай келиб қолганимни ўзим эсладим. Сергак тортиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим.

— Ётинг, ётинг! Сиз ҳали жуда бемадорсиз, — аёл ғамхўрлик билан тер қоплаган пешанамни артиб, бошимни ёстиққа қўйишга мажбур этди. Кейин чой келтириб, менга ичирди.

— Демак, мени ўлим оғушидан мана бу қўллар қутқарибди-да? — дея унинг қўлларини силадим.

— Йўғ-е, бизларни сиз қутқардингиз. Тўғри, иккита беморни бараварига парвариш қилиш анча қийин кечди. Бу ерда сиз, у ерда ўғлим. Худога шукр, иккалангиз ҳам тузалдингиз. — Аёл эшик олдига бориб уни очди ва чақирди: — Бирам, уйга кир, ўғлим!

Сояга ўхшаб шовқинсиз кирган ўн беш ёшлардаги бола олдимга келди. Унинг юзида қон йўқ эди.

— Мана, Бирам, бизни қутқарган амаки ҳам тузалди, — деди она ўғлига.

Бола оҳу кўзлари билан менга қараб, шивирлади:

— Оллоҳга шукр, Оллоҳга шукр!

Аёл қўлини ўғлининг бошига қўйди-да, умид билан хўрсинди:

— Эҳтимол, энди бизнинг деразамиздан ҳам ёруғ кун кўринар.

Азизим Шарах, бу ҳозир биз ўтирган уй эди. Мен худди мана шу ҳозир ўтирган жойимда ётардим. У эса ҳозир сен ўтирган жойда ўтириб менга қараб турган эди...

Биламан, мен унинг исмини айтишим мумкин эмас, чунки худди абхазлар сингари убихлар ҳам ўз рафиқасининг исмини айтиб чақирмайдилар. Лекин мени ўлимдан қутқариб қолган турк аёлининг номини сен билишинг керак: унинг номи Салима эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қимматлигим сен менинг, сабрлигим сен менинг, ўз ҳикояларим билан сени қийнаб қўйдим, зеро, унинг ҳар бир сўзида қайғу ва қоннинг акси бор. Юртига қайтишга уринган убихларнинг ҳаммаси қирилиб кетди: бир хиллари вабодан, бир хиллар ўқдан. Тирик қолганлар эса, гарчи улар жуда озчилик бўлса-да, улар энди убих эмасдилар.

Салимага нима бўлди, деб сўраяпсанми? Ажойиб қалб эгаси экан ўша аёл. У мени ажал чангалидан юлиб олганда мен саксон ёшда эдим. Кўп ўтмай анча ўзимга келиб, куч тўпладим. Кетмоқчи эдим, у менга: “Шу ерда қолинг, борадиган жойингиз йўқ. Энди уйингиз шу ер”деди. Ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай, анча бақувват эркак эдим. Биз у билан эр ва хотин сингари яшай бошладик. Орадан бир неча ой ўтди. Қишлоқда вабо ҳақида ҳеч ким гапирмасди. Тоғларга чиқиб кетганлар қайтиб келишди. Фақат мозорлар анча кўпайганди. Қишлоқ қабристонида шу йилнинг ўзида ўтган ўн йиллик тинч даврдан анча ошиқ эди янги мозорлар.

Кутилмаганда Салима касал бўлиб қолди. Қанақадир кўкрак оғриғи ёпишди унга. Қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим, лекин уни қутқариб қололмадим. Ўлим олдидан у илтимос қилди:

— Бирамни ёлғиз қўйманг! Унга ота бўлинг!

Бир кундан кейин уни дафн этдим. Унинг қабри бу ердан унча узоқмас, тепалик ёнбағрида. Сайрга чиққанимда ўша ерга бориб келаман. Менга у ерда фақат Салима эмас, менинг барча яқин кишиларим кўмилгандек туюлади. Мен Бирамга ўзимни ўшалар ёнига кўмасан деб аллақачон айтиб қўйганман.

Бирам ўсиб, катта бўлгунга қадар менинг ёнимда ва қарамоғимда бўлди. Мен унинг ҳам отаси, ҳам мураббийси эдим. Уйлангач, алоҳида, ўз оиласи билан яшай бошлади. Меҳнатсевар ва моҳир темирчи бўлгани учун уни ҳамма яхши кўради. Худо шоҳид, сен ҳам, ўғлим мени эсдан чиқараётгани йўқ. Мана шу бегона юртда, менинг қўлим билан қурилмаган уйда ҳар бир куним сўнгги куним бўлиш мумкин. Мен — Зауркан Золак ушбу бири кам дунёда сўнгги убихман. Унда шунчалик узоқ қолганимдан ўзим ҳам хижолатдаман...

Мана, Зауркан Золакдан эшитганларим шулардан иборат. Ўз қўлёзмамни қайта ва қайта ўқиб бу одамнинг ҳаётийлигига ҳайрон қоламан. Ўз халқининг йўқ бўлиб кетишига гувоҳ эрса-да, Зауркан кўрганларини бир ой давомида менга гапириб беришга ўзида куч топа олди.

— Болагинам Шарах, мендан хафа бўлмайсан, ётишим керак, бошим айланаяпти! — деди у ўша сўнгги кеча, ўрнидан турди ва хайрлашди.

Мен эса ўз ётоғимга кирдим, шамни ёқдим, ёзганларимни олдимга ёйиб, ўйга толдим. Убихларнинг сўнгги йўллари ҳамон кўз ўнгимда турарди. Қулоғим остида чинқириқлар ва ўқ овозлари ҳамон эшитиларди, қўлёзмамнинг ўзидан қон ва кўз ёшлари сизаётганга ўхшарди.

Сон жиҳатдан убихлардан бир неча бор кўп халқлар ер юзидан изсиз йўқ бўлиб кетгани ҳақида тарихда мисоллар жуда кўп. Аммо убихлар ер юзидан яқиндагина йўқ бўлиб кетдилар. Буларнинг ҳаммаси битта одамнинг хотирасида йўқ бўлиб кетди. Гарчи у бир кун ёки бир йилда юз бермади, албатта. Улар Туркияда жаннатмакон жойларга эга бўлиш илинжида кемаларга чиққанларидан бошлаб, астасекин йўқ бўлиб кетишга маҳкум бўлгандилар.

Ҳоким халқ тили ва маданиятини бошқа халқларга сингдириш сиёсати султон Абдулҳамид ҳукмронлиги йилларида ҳам, ҳокимият-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ёш турклар эгаллаган пайтда ҳам Туркиянинг расмий давлат сиёсати бўлиб қолаверди. Ассимиляциянинг лойқа ва қудратли дарёси бошқа кўплаб халқлар сингари убихларни ҳам чирпирак қилиб ўзига қўшиб олди. Ёш турклар аҳолиси мусулмон бўлган барча ерларни бирлаштириш ҳақида, Кавказни ҳам қўшиб олиш тўғрисида орзу қилардилар. Улар қайта тузилган Буюк Усмонлилар салтанатида: "Давлат дини ислом бўлиш керак", "Ягона тил турк тили бўлиши лозим", "Туркиядаги барча миллатлар ўзаро тенг – ҳамма усмонли бўлиши шарт", деб ҳисоблардилар. Майда миллатларнинг эса ана шу ягона дарёга қўшилиб йўқ бўлиб кетишидан бошқа чораси йўқ эди. Буни хоҳламаганлар эса Тоҳирга ўхшатиб йўқ қилинарди.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, ўша пайтда Туркияда яшаган кўплаб тоғликлар инқилобий воқеаларда қатнашганлар. Орзуси амалга ошмаган Тоҳир сингари Туркияда яшаган илғор муҳожирлар ўз тиллари, урф-одатлари ва миллийлигини асраб қолиш учун уриниб кўргандилар. Бунга эришиш йўли саводхонлик деб билдилар, алфавит туздилар ва алифбе яратдилар. Баъзи жойларда абхаз мактаблари очилди, газетачалар чиқарилди. 1919 йилда абхаз муҳожирларидан бўлган Мустафа Бутба Истанбулда абхаз алифбосини нашр эттирди. Лекин бундай нимжон майсалар ассимиляция тўлқинида ғарқ бўлиб кетдилар. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Туркиядаги абхазларнинг бир қисми Греция ҳудудларига кўчиб ўтгандилар. Улар 1925 йилда Абхазия ҳукуматига хат ёзиб юртларига қайтиш истагини билдиргандилар.

Зауркан Золак уйида ўтириб, жуда кўп нарсалар, шу жумладан, мазкур хат ҳақида ўйларканман, қўлёзмага баъзи тузатишлар киритдим. Торгина дарча орқали олисдаги бир ёрқин юлдуз кўзга ташланарди. Унга қараб бирдан Абхазияни ва уйимни эсладим. Мен туғилган ўша уйда ёлғиз онам яшаяпти. Балки бугун унинг уйқуси келмаётгандир...

Қўшни хонадан Заурканнинг тун бўйи йўталиб ва инграб чиққани эшитилиб турди. Мен эрталабга яқин ухлаб қолдим. Турсам, қария чиндан ҳам касал бўлиб қолибди, ўрнидан туролмаяпти. Шу кун эрталабдан бошлаб уч кун давомида мен ва Бирам беморнинг аҳволини енгиллатиш учун уринардик. Лекин кексалик деб аталувчи бу касалликка нима ҳам қила олардик.

Мен бу ерда бошқа қололмасдим, хорижий паспортимнинг муддати тугаб борарди. Мен Зауркан билан хайрлашадиган куни у мени эрталабдан ёнига чақирди:

– Азизим Шарах, сен уйингга хотиржам кетавер. Мен ё тузалиб кетарман, ёки тинчгина ўламан. Мен сени – онамнинг қариндоши абхазни кўрдим. Менга Абхазиядан яхши хабар олиб келдинг. Мени қувонтирдинг.

Қария Бирамни чақириб қулоғига нималардир деди. У чиқиб кетди ва қўлида мис карнай ҳамда катта кавказ ханжари билан қайтиб келди. Қария уларни қўлига олиб, узоқ кўздан кечирди.

– Азизим Шарах, ер юзидан ўчиб кетган убихлардан қолган нарсалар мана шулар. Уларни Абхазияга олиб кет! Бирам учун уларнинг сас-садоси йўқ, сен билан эса гаплашишади. Бу ерда, менинг ўлимимдан сўнг улар бегоналар қўлига тушиб қолиш мумкин. Сен билан бўлса она диёримизга борадилар!..

Мен учун азиз бўлган ушбу буюмларни миннатдорчилик билдириб қабул қилдим-да, Заурканнинг тўшагидан турғазмасликка уриндим. Лекин у, барибир, менга қулоқ солмади, ўрнидан турди. Ўзининг эски архалуг ва черкасча чакмонини кийди, телпагини бошига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўндирди, ҳассасини қўлига олиб, мени йўлаккача кузатиб чиқди. Фақат шу ерда мени бағрига босиб, ўпди-да, оқ йўл тилаб қолди.

Бирам мени йўлгача кузатди. Биз оҳиста юриб борардик, орқамга қайрилиб қараб, тепаликда турган Заурканни кўрдим. У ҳамон ўша ерда, эски қалъа деворининг сўнгги бўлагидай турарди...

Мен бошқа ўгирилиб қарамадим. У менинг хотирамда шундай қолгани маъқул. Худди ана шундай ўтмишнинг сўнгги мағрур бўлагидай кўринсин китобда бошқа кишиларга ҳам. Унинг сўзларидан кўчирганим қўлёзма асосида у ҳақда ёзилган китоб бўлади бу.

СЎНГСЎЗ

Ёш тилшунос Шарах Квадзбанинг қўлимга тушиб қолган қўлёзмаси ана шу сўзлар билан тугайди. Олдин айтиб ўтганимдай, қўлёзманинг номи йўқ эди, у бобларга ҳам бўлинмаганди. Нашрга тайёрлаётиб мен уни бобларга ажратдим, уларга сарлавҳа қўйдим ва ўқиганларим таъсири остида китобни “Кетганларнинг сўнггиси” деб атадим.

Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фозил ИСКАНДАР

Қуёнлар ва бўғма илонлар

Фалсафий эртак

Бу воқеа қадим-қадим замонларда, жануб-жануб томонларда, қисқаси, Африкада бўлиб ўтган эди.

Ёруғ ёз кунларининг бирида икки илон каттакон япасқи тош устида ётиб қуёшга тобланмоқда ва яқиндагина ютилган қуёнларни баҳузур ҳазм қилмоқда эдилар. Улардан бири кекса бир кўзли илон эди. Аслида ғилай эмас, бир кўзли бўлса-да, нимагадир у илонлар орасида "Ғилай" деган лақаб билан маълум ва машҳур эди.

Иккинчи илон ҳали жуда ёш ва ҳеч қандай лақабга эга эмас эди. У ёш бўлишига қарамай қуёнларни яхшигина ямламай ютар, шунинг учун порлоқ келажагига катта умид уйғотарди. Ҳар қалай, яқин-яқинларга қадар асосан каламушу сичқонлар, гоҳида ёввоий куркаларнинг жўжалари билангина ўз нафсини қондириб юрган бу илон энди қуёнларни ҳам тановул қилишга ўтган эдики, ушбу дадил қадам унинг ёшида айтса арзигулик ютуқ эди.

Ҳордиқ чиқараётган илонларнинг атрофи ям-яшил ўрмон билан қопланган бўлиб, унда кокос пальмалари, банан ва ёнғоқ дарахтлари кўп эди. Атрофда мўъжаз қушча катталигидаги капалаклару катта капалакдек қушчалар қанот ёзиб қувнардилар. Тўтилар ранго-ранг патларини силкитиб дарахтдан дарахтга учиб-қўнишар, шу асно ўзларича нималарнидир чуғур-чуғур қилардилар.

Баъзан дарахтларнинг тепа-тепаларида шохлар бехос силкиниб қолар, маймунлар чийиллашар, ана шунда яқингинада мудраб ётган жаноби шер таҳдидли наъра тортарди. Маймунлар наърани эшитган

Рус тилидан ОТАУЛИ таржимаси

Ҳайвонлар ҳаётини инсон умрига қиёсий ўрганиш иштиёқи одам боласининг қонида азалдан кучли ва у ҳеч қачон сўнмаслиги шак-шубҳасиз. Шунинг учун ҳам, дейлик, Эзоп масаллари, "Калила ва Димна", "Маснавийи маънавий", "Мантиқ ут-тайр", "Лисон ут-тайр", "Зарбулмасал" каби мумтоз асарлар яққол далолат бериб турибдики, жаҳон адабиётини мажозсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биргина эртак жанридаги мажознинг ўзиёқ оламга татийди. Ўзбек халқининг ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклари, Ганс Христиан Андерсен, Сетон Томпсон ва бошқа кўпгина ёзувчиларнинг адабий эртаклари... Хуллас, бу рангин оламда мажознинг турлари ҳам, мажозий эртаклар ҳам беҳад-беҳисоб...

Мустабид Шўро тузуми даврида мажоз бу антиқа тузумнинг кирдикорларини фош этишда айрим моҳир ёзувчиларга анчагина қўл келган эди. Айниқса, Михаил Булгаков ва Чингиз Айтматов асарларидаги ит, мушук, буғу, от, туя, бўри, кит ва бошқа жониворлар ўзига хос тимсоллар сифатида моҳирона бадиий гавдалантирилганини кўпчилик яхши билади.

Шўро тузуми даврида мажоздан юксак маҳорат билан унумли фойдалана олган ёзувчилардан яна бири 1929 йилда туғилган атоқли рус ёзувчиси Фозил Искандардир. Унинг "Чегемлик Сандро" роман-дилогияси (1989), "Эчкибоқар юлдузлар тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

заҳоти шивирлашиб қолишар, сал ўтмай ўзликларини унутиб тағин чийиллаша бошлашарди. Ниҳоят, шер ўзининг яна бир қаттиқ наъраси билан маймунларга таҳдид қилиб, улар уйқусига халал беришаётгани, ҳолбуки кечқурунги овга куч тўплаб бориши кераклиги хусусида огоҳлантирди.

Маймунлар тағин ўзаро шивирлашишга тушдилар, лекин бутунлай жимиб қолмадилар. Улар мудом нима ҳақдадир баҳслашар, бироқ айнан нимани бўлишолмаётганини билиб бўлмасди.

Сирасини айтганда, япасқи тош устида дам олаётган икки илоннинг бу чийиллашлару шивирлашларга парвойи палак эди. Гоҳида маймунларнинг безовта-беҳаловатликларига кўзлари тушганида "Бу эси пастлар чириган бананни бўлишолмаяптими, нимани талашиб-тортишаверишади мунча!" дея ўйларди ўзларича...

— Бир нарсани ҳеч тушунолмаяпман, — деди яқиндагина қуёнларни ютишга ўтган ёш илон, — мен кўз тикиб турганимда нега қуёнлар қочиб қолмайдилар, ахир, улар одатда жуда тез чопадилар-ку?..

— Бунинг нимасига тушунмайсан? — деди Ғилай. — Ахир биз уларни гипноз қиламиз-ку!

— "Гипноз" нима у? — тағин сўради ёш илон.

Айтиш керакки, биз ёзишга киришган ўша қадим-қадим замонларда бўғма илонлар ўз ўлжаларини бўғиб ўлдирмас эдилар. Фақат учрашганларида, аниқроғи, бу ҳуркак жониворларга яқин масофада бехос дуч келиб қолганларида ўз нигоҳ-назарлари билан бечораларни шунақанги донг қотириб қўяр эдиларки, айни шу ҳолат оддий халқ тилида "гипноз" деб аталар эди.

— "Гипноз" деганлари нима ўзи? — яна ажабланиб сўради ёш илон.

— Аниқ жавоб беришга қийналяпман, — деди Ғилай, аслида у ғилай эмас, балки бор-йўғи бир кўзли эди, — ҳар қалай, қуёнга яқин масофадан қаралганида у қимирламаслиги керак.

— Нима учун қимирламаслиги керак? — ажабланди ёш илон. — Мен, масалан, улар ҳатто қорнимда ҳам баъзан қимир-қимир қилаётганини сезиб тураман...

— Қоринда қимирлаши мумкин, — уни маъқуллади Ғилай. — Ахир ютилган луқма керакли йўналишда ҳаракатланиши шарт-да.

Ғилай шундай дея ётган жойида бир тўлғониб олди, боиси ичидаги қуён гўё уларнинг гапларини эшитаётгандек бирдан таққа тўхтаб қолган ва, назарида, уни керакли йўналишга солиб қўйиш шартдек эди.

Гап шундаки, бу кўпни кўрган қари илоннинг ҳаётида шунақанги бахтсиз ҳодиса рўй берган эдики, ўшанда у бир кўзидан ажраган, ўзи ҳам базўр тирик қолган эди. Ҳар гал ўша ҳодисани эслаганида ютилган қуён қорнида таққа тўхтаб қолар, ана шунда емишини йўлга солиш учун бир тўлғониб олиши керак бўлар эди. Ёш илоннинг саволлари ўзи эслашни хуш кўрмайдиган ўша кўнгилсиз воқеани ёдга солди.

куми"(1966), «Инсон ва унинг атрофи» (1993), "Мактаб рақси ёки уят кучи" қиссалари ҳамда кўпгина ҳикоялари маълум ва машҳур. Хусусан, "Қуёнлар ва бўғма илонлар"(1987) фалсафий эртаги ўз вақтида улкан мамлакатдаги бадиий наср ихлосмандлари орасида катта қизиқиш уйғотган эди. Наинки оддийгина қизиқиш уйғотган, балки жамиятнинг сиёсий кучларини қаттиқ безовта қилиб, истибдод тузуми посбонлари кўнглида ғулғула-таҳлика қўзғаган эди. Мажоз замиридаги ҳақиқатнинг беқиёс кучи эди-да бу!

Қозоқ адиби Абиш Кекилбоевнинг камина ўн йилча аввал ўзбек тилига таржимада эълон қилган "Пойгатўриқ" қиссаси ("Жаҳон адабиёти", 1999, октябр) бир отнинг қисмати ёритилган мажозий асар сифатида наинки замонавий қозоқ насрида, балки жаҳон адабиётида ҳам нодир ҳодиса, деб ўйлайман. Фозил Искандарнинг мазкур "Қуёнлар ва бўғма илонлар" фалсафий эртаги эса, шуниси билан яна-да эътиборлироққи, унда қуёнлар ва илонлар оламини бадиий кашф этиш билан бир қаторда, башарият тарихидаги ижтимоий тузумлар ва, айниқса, мустабид Шўро тузуми ҳақида муайян фалсафий умум-

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Барибир, мен тушунмаяпман, — бир муддатлик жимликдан кейин тағин сўради ёш илон. — Нега энди айнан биз кўз тикканимизда қуён донг қотиб қолиши керак?..

— Сенга буни қандай тушунтирсам экан? — дея ўзича хаёлга толди Ғилай. — Ўйлашимча, тирикликнинг таомили шунақа, афтидан, бу шундай қадимий ёқимли одатки...

— Биз учун албатта ёқимлику-я, — гапни илиб кетди ёш илон, — лекин бу одат қуёнлар учун ёқимли бўлмаса керак-ов?..

Ғилай нима дейишини билмай бир муддат жим қолди-да, анчагина мужмал жавоб қилди:

— Бўлса бордир, буёғини ким билади дейсан, ука!

Асл табиатини олганда, Ғилай, айниқса, бўғма илонлар дунёсида анчагина олижаноб эди. Тўғри, уни қуённинг юмшоққина гўштини тановул қилишдан ўзини тийиш даражасида ўтакетган олижаноб деб бўлмасди. Ҳар қалай, у қуёнлар учун шундай бир ҳиммат кўрсата олардики, оғзига тушган жониворнинг жонини оғритмасдан ютишга имкон қадар ҳаракат қилар эди. Эвоҳ, айни шу олижаноблиги учун товон тўлашга тўғри келган эди унга!

— Шундай қилиб, наҳотки қуёнлар, — ҳаяжонланиб гапида давом этди ёш илон, — бу ўзлари учун ёқимсиз одатга қарши исён қилишга ҳеч қачон ҳеч бир ҳаракат қилмаган бўлсалар?!.

— Бундай уринишлар-ку, бўлган! — истаб-истамай жавоб қилди Ғилай.— Яхшиси, сен мендан бу ҳақда сўрама, ука! Менга ўз кўргиликларимни эслаш мутлақо ёқмайди.

— Илтимо-ос! — ёлворди ёш илон. — Қизиқарли бир ҳикоя тинглашни шунақанги хоҳлаб турибманки!..

— Гап шундаки, — деди Ғилай ғижиниб, — келиб-келиб айнан менинг қорнимдаги қуён исён қилса бўладими! Ўша касофатнинг касрига бир кўзимдан ажраганман-да!

— Нима бўлувди, кўзингизни тирнаб олганмиди? — баттар қизиқиб сўради ёш илон.

— Тирнашга тирнамади-ю, бироқ шу падарқусурнинг айби билан бир кўзимдан ажрадим-да, — деди Ғилай, сўнг гаплари қорнидаги қуёнга қандай таъсир қилаётганини аниқлашга ўзича уринди. Хайрият, қуён жимгина ҳазм бўлаётгандек эди.

— Қани, айтиб беринг! — тағин ялиниб-ёлворди ёш илон. — Нима бўлганини жуда билгим келяпти!..

Ғилай анча кекса ва ёлғиз илон эди. Катта илонлар унга масхаромуз ёки душманларча муносабатда бўлишарди, шунинг учун у манави ёш, лекин уқувли илоннинг дўстона муомаласини жуда қадрларди.

— Майли, қўймадинг, айтсам айта қолай, — рози бўлди Ғилай. — Фақат шуни билиб қўйки, бу сирни бошқа ёш илонлар билмасликлари керак.

лашмалар чиқарилади. Демоқчиманки, мазкур асар Абиш Кекилбоев қиссасига нисбатан муаззам Шарқ адабиётининг дурдоналари бўлмиш мумтоз мажозий-фалсафий асарлар юксаклигига бир баҳя яқинлашиб боради.

Мазкур асарнинг энг муҳим фазилати унинг том маънодаги кулгили асар эканида деб ўйлайман. Ичакузди латифалар, ҳангомалар, ҳажвиялар, ҳикоялар ва шулар каби нисбатан кичик жанрлардаги кулги асарлар ўзбек адабиётида ҳам, жаҳон адабиётида ҳам кўп. Лекин буюк Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асаридек бошдан охиригача кулиб-кулиб ўқиладиган қисса, кулги-қисса ўта ноёб ҳодиса ҳисобланади. Ушбу фалсафий эртак мана шундай кулгили, айни чоғда, фалсафий тагзамини теран асар сифатида бугунги кунда ҳам улкан завқ-шавқ билан ўқилади, келажакда ҳам иштиёқ билан ўқилиши шак-шубҳасиз. Асар билан танишиб бунга ўзингиз ишонч ҳосил қила оласиз.

ТАРЖИМОН

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қасам ичаман: ҳеч кимга чурқ этмайман! — барча қасамхўрлар каби ўз қизиқишини ичаётган қасамига садоқат сифатида тақдим қилгани кўйи ялиниб-ёлворди ёш илон.

— Бу воқеа етмиш йил аввал бўлган эди, — гап бошлади Ғилай. — Ўшанда мен сендан салгина катта эдим. Ўша куни мен лаънати қуёнга Эшаклар Сувлови қошида дуч келдим-да, оппа-осон ютдим-юбордим. Аввалига ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди, бироқ кейин... қуён қорнимнинг қоқ ўртасига борганида... кутилмаганда орқа оёқларида тик туриб, бошини елкамга қаттиқ тираб олса бўладими!..

Шу пайт Ғилай ҳикоясини тўхтатиб, қулоғини динг қилди.

— Бошини елкангизга тираб олса нима қипти? — бетоқатланиб сўради ёш илон.

— Кимдир бизнинг гапимизни тинглаётгандек туюляпти-да менга! — деди Ғилай соғ кўзини нарироқдаги қалин бутазорга тикиб.

Ёш илон баттар бетоқатланди:

— Менимча, сизга шундай туюляпти, холос. Ахир, сиз яхши эшитмайсиз-ку! Бўлақолинг, давомини айтинг!

— Мен ғилайман, бироқ эшитиш қобилиятим жойида, ука! — норози бўлиб писанда қилди кекса илон, сўнг тезгина ҳовуридан тушди. Афтидан, деб ўйлади у ўзича, шох-шаббаларнинг шамолда шитирлашини тирик жоннинг қимирлаши деб янглишди, шекилли-да.

У ғаройиб ҳикоясини давом эттирди. Лекин гоҳида ютилган қуённи ҳазм қилиш учун тўлғониб, гоҳида кимдир гапларини тинглаётганидан гумонсираб ўқтин-ўқтин тўхтаб қолаверди. Келинг, биз ўзимиз бўлган воқеани тутилмай-тўхтамай мухтасарроқ ҳикоя қила қолайлик. Биз, ахир, гапимизни кимдир тинглаётганидан хавотирланмаймиз, қолаверса, яхши биласизки, ўзгаларнинг сир-асрорлари ҳисобига жасорат кўрсатиш ҳамиша ёқимли!

Шундай қилиб, қари Ғилай ҳали ўшанда на қари, на ғилай бўлмагани ҳолда Эшаклар сув ичадиган кўл қошида қуённи ютди-юборди. Дарҳақиқат, аввалига ҳаммаси баайни хамирдан қил суғургандек силлиққина кечди. Лекин қуён кутилмаганда пастки оёқларида туриб, бошини унинг елкасига тираган кўйи қорин бўшлиғида тошдек қотиб қолдики, бу хатти-ҳаракати билан ҳазм бўлмоқчи эмаслигини сўзсизгина англатмоқчидек...

— Ие, бу нима хурмача қилиқ? — деди унга Ғилай. — Нега ўзбошимчалик қиляпсан? Қани, ҳазм бўл-да, йўлингда давом эт!

— Мен сенга қасдма-қасд шу алфозда турабераман! — қорнининг ичидан қичқирди қуён.

Бундай ўтакетган қайсарликка жавобан нима дейсан энди!

— Асли сенга яхшилик қилган мен аҳмоқ! — ғижинди Ғилай. Бир муддат ўйланиб, қўшимча қилди: — Кўрамиз, қачонгача шундай тек қотиб турарер экансан!..

Ғилай ҳали жуда ёш, эгилувчан ва кучли думи билан уни савалай кетди. Савалагани сайин жони оғриди, лекин падарқусур қуённинг парвойи палак!

— Мен оғриқни сезмаяпман, мен оғриқни сезмаяпман! — тағин қичқирди у қорнида туриб.

Ростдан ҳам, деб ўйлади ўшанда илон, менинг терим қалин бўлганидан кейин, бу шаккокнинг адабини бераман деб ўзимни ўзим жазолаяпман, шекилли?..

— Майли, кўрамиз! — баттар ғижинди Ғилай. — Ҳозир мен сенинг бошингга шунақанги ит кунини солайки, ҳолингга маймунлар йиғлайдиган бўлсин!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

У атрофга олазарак қаради. Улкан кокос пальмасининг жаладан кейин очилиб қолган букри илдизига кўзи тушди. Илдиз қошига оҳиста ўрмалаб бориб, қорнининг яшовчан қуён дўмпайтириб турган жойини букри илдизга тиради.

— Яхшиликча ёт! — ёввойи важоҳат билан ҳайқирди у. — Йўқса нақ бошингда ёнғоқ чақаман!

— Қани, чақиб кўр-чи! — баттар қайсарлиги тутди бу эси паст қуённинг. — Мен ҳам бўш келмаганим бўлсин!

Ана шунда илоннинг бутун вужудини ғазаб қоплади. Букри илдиз остига кириб кифтини унга ишқайверди-ишқайверди.

Дарахт қаттиқ силкинди, кокос ёнғоқлари ерга дувва тўкилди, бироқ қуён баттар қутурди.

— Ҳа! — деб қичқирди. — Яна! — деб бақирди. — Бўшашма! — деб масхараомуз далда берди.

Ғилай жаҳл устида дарахтни шунақанги силкитдики, унинг антиқа хатти-ҳаракатларини қизиқиб томоша қилиб турган маймун... нақ бошига йиқилиб тушса бўладими! Зарба сезиларли даражада кучли эди, чунки маймун дарахтнинг энг учидан ерга қулаб тушган эди. Чақиб ўлдирмоқчи бўлди, лекин бошига бало бўлиб ёғилган маймун чаққонгина жуфтакни ростлаб қолди. Ортидан ташланай деса, қорнида кўндаланг туриб олган анови тавқи лаънат!..

Ўзи қуённинг хурмача қилиғидан жиғибийрони чиққан эмасми, устига йиқилган маймун обрўйини бир пул қилиб бошини тупроққа қориштирганидан баттар жазаваси тутиб шунақанги куч билан силтандики, натижада букри илдиз узилиб кетди ва у... нарироқдаги шамшод дарахтига бор кучи билан калла қўйди-да, шу заҳоти ҳушини йўқотди.

Тахминан бирор соатдан кейин ҳушига келиб, оҳиста бош кўтарганча теваракка нигоҳ ташлади. Гарчи боши ғувиллаб турган бўлсада, атрофида қондош илонларнинг қадрдон вишиллашлари яхши эшитилиб турибди. Таниганлар, судралиб келганлар, энди бири олиб-бири қўйиб гап бераётган қавмдошлари...

— Иш юришмаса шунақа бўлади, — вишиллади бир илон. — Юмшоққина қуённинг гўштига ҳам бўкиб ўлаверасан!

— Кимлардир бизнинг ҳолимизга ҳавас билан қарашади тағин! — деди илонлар орасида ўзининг тушкун кайфиятию бадбинлиги билан маълум ва машҳур бир илон...

— Оҳ, биродарлар! — беихтиёр фарёд чекди Ғилай. — Анови қорнимдаги падарқусурнинг уни ўчиб, ўзи ҳазм бўлай дедими?..

— Тахминан маймуннинг кафтидеккина жойи ҳазм бўлгандир-ов! — деди яқинроқда ётган бир илон.

— Ҳамма гап маймуннинг қанчалик катталигида-да! — дарахт тепасида туриб кутилмаганда гап қўшди бир маймунча. — Агар гап Орангутаннинг кафти ҳақида кетаётган бўлса, унинг тирноқчасиям ҳазм бўлгани йўқ ҳали!

— На уни ўчди, на муртини болта кесди бу қуённинг! — ҳамма нарсани қора рангда кўришга ёмон ўрганган илон гапни илиб кетди: — Аввал-бошда қандай қозиқдек тиқилган бўлса, шундай қотиб турибди!..

— Биродарлар, ёрдам беринг!.. —тағин ҳолсизланиб ёлворди Ғилай.

— Ишлар ёмон! — кутилмаганда илонлар подшоҳи Улуғ Бош-қошнинг овози янгради: — Ёмон одатлар юқумли бўлади. Қуёнларнинг бундай шаккоклигини кўриб, ҳали маймунлар ҳам бизга ақл ўргатиб бошлайди энди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима, маймунларнинг бошқалардан кам жойи борми?! — Дарахт тепасида пўписа билан бармоқ ўйнатди жиккаккина маймунча. — Бир гап бўлса дарров “маймун”, “маймун”!..

Улуғ Бош-қошнинг овозини эшитиб, Ғилай қаттиқ даҳшатга тушди. Бу даҳшатнинг олдида ўзининг бошига бехос ёғилган кулфатлар, назарида, ҳолва эди.

Гап шундаки, Улуғ Бош-қош илонлар орасида кўриниш берганида ўзининг жанговар мадҳиясини айтар, барча илонлар Бош-қошга чексиз садоқати рамзи сифатида мадҳияни бошларини кўтариб тинглашлари талаб этилар эди.

Мана ўша қисқагина, аммо шу туришида ҳам анчагина маъноли жанговар мадҳия сўзлари:

Аждаҳонинг авлодлари,
Улуғ меросхўрлари,
Улуғ Бош-қошнинг шогирдлари,
Ёш илонлар!
Ютилган қуёнларнинг ширин юкини
Даст кўтаринг! Бу суронли давр талаби!

Улуғ Бош-қош учун, ҳатто ўзидан ёши каттароқ бўлса-да, барча илонлар кичкина ҳисобланарди. Унинг мадҳиясини бош кўтариб эшитмаган илон хоин сифатида ўлдирилар эди.

Ғилай ҳали Ғилай бўлмай туриб, Улуғ Бош-қошнинг овозини эшитганда даҳшатга тушганига сабаб мана шунда эди! Ахир, у азбаройи ҳуши ўзида бўлмагани учун мадҳия айтилганида бошини кўтаролмади-ку!

Аслида у бекорга қўрққан экан. Улуғ Бош-қош мадҳия айтганида бошларни кўтариш одати шу қадар кучли бўлиб, бу одат қон-қонларга шу қадар чуқур сингиб кетган эдики, у ҳушини йўқотган ҳолида ҳам мадҳияни эшитганида бошқа илонлар қаторида бошини кўтарган эди.

Улуғ Бош-қошнинг таклифига кўра, илонлар омади чопмаган қавмдошларини қандай қутқариш масаласини муҳокама қилишга киришдилар. Бир илон унга энг баланд пальманинг энг баланд шохига қадар ўрмалаб чиқиб, ўзини ерга таппа ташлаш, шу йўл билан беадаб қуённинг боплаб таъзирини беришни маслаҳат қилди.

— Бу қанақаси, биродарлар?! — фиғони фалакка ўрлади бечора Ғилайнинг. — Мен, ахир, шу аҳволда дарахтга ўрмалаб чиқолмайман-ку... Ўрмалаб чиққан тақдиримда ҳам, ерга қуёним билан эмас, яна бошим билан йиқилсам нима бўлади?.. Мен, ахир, омадсизман...

— Тўғри, у ўрмалаб чиқолмайди, — деди Улуғ Бош-қош, — хўш, кимда яна қандай таклиф бор?

— Балки қуённи қайт қилиб ташлагани маъқулдир? — ийманибгина сўради битта илон. Улуғ Бош-қош ўйланиб қолди:

— Бир томондан олиб қарайдиган бўлсак, бу йўл тўғрига ўхшайди, — деди у. — Лекин бошқа томондан олиб қаралганда, илоннинг оғзи чиқишга эмас, киришга мосланган!..

— Биз ахир бу мўмайгина луқмадан бутунлай воз кечмоқчи эмасмиз-ку! — деди ушбу антиқароқ таклифни ўртага ташлаган илон журъат пайдо қилиб. — Қуён оғзидан чиқиши билан бир олғирроғимиз оғзимизга оламиз-да, бетамизга ютиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўямиз, тамом-вассалом!

— Бундай тентак қуённи ютгандан кўра типратикан ютганим яхши! — деди ҳамма нарсани қора рангда кўришга одатланган илон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тинчлик сақлансин, ўртоқлар! — огоҳлантирди Улуғ Бош-қош. — Оҳистароқ вишилланг! Унутмангки, душман ичимизда... Ҳар қалай, биттамизнинг ичимизда... Бутун ҳаётим давомида (Худога шукур, икки юз йил яшаб қўйдим), бор-йўғи бир мартагина қуён илоннинг оғзидан қайтиб чиқишга муваффақ бўлган!

— Қандай қилиб?!

— Бу қизиқ-ку...

— Айтиб беринг!.. — вишиллашди илонлар.

— Биродарлар! — нола қилди Ғилай. — Шу топда ўтганни кавлаштиришга бало борми?! Мен нима аҳволдаман-у...

— Сабр қил! — деди Улуғ Бош-қош. — Мени ўз халқим билан гаплашиб олгани қўй-да!.. Шундай қилиб, бу воқеа "Навбатдаги қуёнгача қуёнга қуён" деган ўйин илонлар орасида кенг тарқалган дорилмомон замонларда бўлиб ўтган эди.

— Бу қандай ўйин бўлди тағин?

— Қизиқ...

— Тезроқ айта қолинг!..

— Биродарлар!. — атрофга нажот истаб мўлтиради Ғилай. Бироқ энди унинг оҳ-ноласини ҳеч ким эшитмади. Одатда Улуғ Бош-қош кўрганкечирганларини айтиб бошлаганида уни тўхтатиш ҳам, тингловчиларни алахситиш ҳам анчагина қийин эди.

Сирасини айтганда, ростдан ҳам, қачонлардир илонлар орасида шундай бир ўйин кенг тарқалган эди. Эндигина қуённи ютган илон шу топда бошқа қуённи ютган бошқа илонга таклиф қилар эди:

— Навбатдаги қуёнгача қуёнга қуён қиламизми?

— Яхши! — дейди иккинчи илон, агар ўйинга ҳуши бўлса.

Ўйиннинг тартиби шундай эдики, икки илон ёнма-ён ётиб, ҳакамлик вазифасини ўз зиммасига олган учинчи илоннинг буйруғига биноан, илонлар ичидаги қуёнлар бош билан дум орасида у ёқдан, бу ёққа ўзаро мусобақалашиб югуришга тушардилар. Кимнинг қуёни эпчилроқ бўлса, ўша енгиб чиққан ҳисобланарди. Илонлар ичидаги қуёнларнинг югуришини ташқаридан осонгина кузатиш мумкин эди, чунки илоннинг сағриси қуённинг ҳаракатига қараб тўлқинланиб турарди. Ўйиннинг энг қизиқ томони шунда эдики, ҳакамнинг ўз овозини ўзгартирган ҳолда: "Қуёнлар, қочиб қолинг, илон ёнингизда!" — деган огоҳлантиришидан сўнг қуёнлар беихтиёр югуриб бошларди. Иккала қуён шунинг учун ҳам югуриб бошлар эдики, улар қорин бўшлиғида гипноз кучидан қутулганларида ўзларига нима бўлганини мутлақо эслолмасдилар. Қочиб чиқадиган йўли бор антиқа коваккa кириб қолганмиз деб хаёл қилардилар ўзларича.

Ичидаги қуён чаққонлик кўрсатган илон ғолиб деб топиларди. Ғолибнинг ютуғи шу бўлардики, мағлуб унга яна бир қуённи топиб, гипноз қилиб, ана ундан кейин ўзи четга чиқиши, ғолибга "Марҳамат, ютинг!" дея илтифот кўрсатиши керак бўлар эди. Мағлуб учун дўзах азоби эди бу! Айрим илонлар икки-уч марта кетма-кет енгилганларидан кейин азобга чидаёлмай асаб касалига гирифтор бўлардилар.

Улуғ Бош-қошнинг айтишича, ушбу ўйиннинг асосий хусусияти шунда эдики, у ёки бу илон қанчалик кўп ютгани сайин унинг ошқозони шунчалик кўп чўзилар, бу навбатдаги қуённинг югуришини осонлаштирар, бинобарин, айни шу илонда ғолиб чиқиш имконияти тобора ошиб борар эди. Илонлар орасида ҳатто шундай бир чемпион ҳам чиққан эканки, у ошқозонини муттасил такомиллаштира бориб, ичида улоқча ҳам бемалол югура оладиган қилган экан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шоҳ, э шоҳ! — кутилмаганда Улуғ Бош-қошни қизиқ гапдан тўхтатди бир Калтабақайгина илон.

Илонлар орасида у ўзининг битмас-туганмас қизиқувчанлиги билан танилган, шунинг оқибатида қуён ўрнига бананни ютиб бошлаган ва ҳатто банан қуёнга нисбатан хушхўрроқ деган ақидани шаккокларча илгари сурмоқда эди. Яхшиямки, бу шаккокка илонлар орасида ҳеч ким эргашмади. Барибир, Улуғ Бош-қош Калтабақайни ёқтирмас эди — уни ахлоқий бузуқ, маънавий жиҳатдан айниган деб ҳисобларди.

— Шоҳ, э шоҳ! — сўради Калтабақай. — Мана, мен, масалан, калтаман, бошқалар, дейлик, узун?.. Менинг ичимдаги қуён бошимдан то қуйруғимга қадар бошқаларга нисбатан тезроқ югурадими?..

— У-у-у, Калтабақай, — унга қараб вишиллади Улуғ Бош-қош, — ҳамиша сен ўзингни бошқаларга қарама-қарши қўясан... Сен қадимда илонлар ўзингдан аҳмоқроқ бўлган деб ўйлама-да. Агар илонлардан бири узунроқ бўлса, унинг ортиқча жойини бураб, иккинчиси билан бараварлаштириб қўйганлар.

Айниқса, шу ўринда илонлар Шоҳнинг ҳикояси ўзларига ёқиб тушганидан ва бу қадимий ўйиннинг шартлари нақадар адолатли бўлганидан қаттиқ ҳайратландилар.

— Яшасин Шоҳ ва унинг ўчмас хотираси! — хушнуд қичқирдилар улар. — Бу ажойиб ўйинни биз ҳам ўйнайлик-да энди!

— Афсуски, иложи йўқ, — орага жимлик чўкишини кутиб, маҳзун ҳолатда деди Улуғ Бош-қош.

— Нега энди? — ҳафсалалари пир бўлиб сўрашди илонлар. — Сен ҳамиша бизнинг эркимизни чеклашга уринасан. Ичимизда қуён югуришини истаймиз биз ҳам!

— Сабаби бир улуғ фожиа рўй бериб, ўшандан кейин қуёнларнинг илонлар ичида югуриш эркини чеклашга тўғри келган, — тушунтириш берди илонлар шоҳи.

— Ҳамиша шунақа! — пўнғиллади ҳамма нарсани қора рангда кўришга одатланган илон. — Қуёнлар эрки чекланади-ю, аслида илонлар жабр кўради!

— Гап шундаки, — ҳикоясини давом эттирди Улуғ Бош-қош, — ўйин пайтида илонлардан бири ҳаддан ташқари оғзиочиқлик қилдими ёки унинг қуёни фавқулодда абжирлик кўрсатдими, ишқилиб, қуён илоннинг оғзидан лип этиб чиқиб ўрмонга қочиб қолса бўладими!

— Ақл бовар қилмайди! — бараварига ҳайратланди бир неча илон.

— Қанақанги аблаҳ қуён экан бу! — бош чайқаб вишиллашди бошқалари.

— Ишониш қийин, бироқ бу айни ҳақиқат, — ўз ҳикоясини давом эттирди Улуғ Бош-қош, — бу бизнинг тарихимиздаги энг қора кунлар бўлган. Қочқоқ қуён бизнинг ички тузилишимиз ҳақида қаерларда нималар деб вайсаши номаълум эди. Гапларини бошқа қуёнлар қандай қабул қилишади? Албатта, уни топиб жазолаш чоралари кўрилди, топалоққа мукофот эълон қилинди, бироқ илонлар орасида пастбаланд гаплар ўрмалай бошлади. Орадан бир муддат ўтиб у ёки бу илон ўша қочқоқ қуённи тутиб, ҳатто ютиб юборгани хусусидаги маълумотлар бирин-кетин кела бошлади. Лекин қочган қуён атиги биттагина бўлгани, унинг тутилганию ютилгани хусусидаги хабарлар эса, кўплиги сабабли, айнан ўша падарқусур тутилганини текшириб кўриш ўта мушкул эди. Вақт ўтиши билан биз хотиржам бўлдик. Ҳар қалай, қуёнлар томонидан уюштирилган ялпи норозиликлар кузатилмади. Ҳойнаҳой исёнкор қуён чекка бир ўлкадаги камтарин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гина илон томонидан тутиб олинган. Ўша илон нафақат мўмай мукофот илинжида, ҳатто айнан қанақанги қуённи ютаётганини ўзи ҳам билмагани ҳолда, шаккокни баҳузур тановул қилиб юборган бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди. Вақти-соати билан биз оғзиочиқ — лапашанг илонни қатл этдик-да, шу билан ҳаётимиз қайта изга тушди. Тўғри, бу ўта қизиқарли ўйинни тақиқлаб қўйишга мажбур бўлдик. Чунки илоннинг ичидаги қуённинг ҳаётини ғайритабиий равишда узайтиришга уринишларга чек қўйиш керак эди. Тутдинг-да ютдингми, марҳамат, ҳазм қил, бу муҳим ишни пайсалга солиб бўлмайди, шу икки ўртада олифтагарчиликка бало борми!..

Улуғ Бош-қош ландовур илонни тантана билан қатл этишнинг ажабтовур тафсилотларини эслаб бир муддат жим қолди. У қатл ҳақида кимдир сўрашини жуда-жуда истар эди. Бироқ ҳеч кимдан сас-садо чиқмади. Шунда у ёрдамчиларидан бирига шивирлади, токи қатордаги илонлар орасида кутилган савол жадал равишда ташкил этилсин!

— Бир гуруҳ илонлар қизиқиш билдиришяпти, — ниҳоят, савол ўртага ташланди, — ўша лапашанг илон айнан қай йўсинда қатл этилди?

— Ўринли савол, — бош чайқади Улуғ Бош-қош. — Чинакамига ажабтовур иш бўлган эди бу! Ҳозирда биз бундай қатл турини йўқ қилдик, очиғини айтсам, бекор йўқ қилибмиз! Қатл шундай эдики, унда илон ўзини ўзи еб битиради. Унга икки ой мобайнида емиш берилмайди. Ана шундан кейин ўз думи ўз оғзига тўғрилаб қўйилади. Бундан-да ибратлироқ жазони тасаввур қилиш мушкул! Бир томондан, ўзининг думини ютиш аянчли ҳоллигини у яхши тушунади, иккинчи томондан, илон сифатида оғзига илинган ўлжани ютмаса туролмайди. Бир томондан, у ўзини ўзи еб битиради, иккинчи томондан, шу йўл билан уқубатли ҳаётини сал бўлса ҳам узайтиради. Ахийри илоннинг қарийб бошигина қолади-да, бу каллаварам бошни қарға-қузғунлар чўқишга тушади...

— Қанақанги даҳшатли манзара! — беихтиёр хитоб қилишди айрим илонлар. Айримлари эса, жимгина ўз думларига зимдан кўз югуртирдилар.

— Шуниси етмай турувди! — деди ҳамма нарсани қора рангда кўришга одатланган тушкун кайфиятдаги илон. — Думаланиб ётганимда ҳам думим тасодифан оғзимга тўғри келиб қолмадими экан дея хавотирланадиган бўлдим-да энди!

— Ҳар қалай, шуниси аниқки, — деди Улуғ Бош-қош, — ана ўшандан буён биронта илон қуённи оғзидан чиқармайдиган бўлди.

— Ўтакетган ваҳшийлик бу! — кутилмаганда хитоб қилди Калтабақай узоқдаги илонлар панасида туриб.

Илонлар бундай қўпол муомалага жавобан нимадир дейишга улгурмасидан, мисли кўрилмаган бир сўз қулоққа чалинди.

— Аблаҳ! — кутилмаганда қайдандир аллакимнинг аниқ-тиниқ овози эшитилди.

Барча илонлар бир-бирларига шубҳа билан қараб, бундай ҳақоратли сўзни айнан ким айтганини аниқлашга ўзларича уриндилар.

Айни вақтга келиб, кўпчиликнинг назаридан қолган Ғилай қаттиқ даҳшатга тушиб шуни ҳис қилдики, ўзи ўтакетган омадсизлик билан ютган лаънати қуённинг овози эди бу! У ютилган қуённинг ичдаги ҳаракатига жавобгарлик тўла равишда ўз зиммасига тушишини яхши биларди, шунинг учун ҳам даҳшатга тушган эди.

Модомики бошқа илонлар айнан ким қичқирганини фаҳмламаётган эканлар, у ҳар эҳтимолга қарши Шоҳни ҳақорат қилган кимсани қидирган бўлиб атрофга аланглади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким “аблаҳлар” деди?! — важоҳат билан вишиллади Улуғ Бош-қош қўрққанларидан бошларини ўт-ўланлар орасига яшириб олган илонлар сафини бир сидра кўздан кечирар экан. — Мабодо сен эмас-мисан, Калтабақай?!

— Мен ваҳшийлик ҳақида гапирдим, лекин “аблаҳ” ҳақида, — заҳарханда билан бирликда таъкидлади Калтабақай, — ҳеч нарса деганим йўқ!

Улуғ Бош-қош ҳақоратли сўзни шунинг учун ҳам кўпликка ўтказиб айтган эдики, токи у кўпчилик илонларга тааллуқли, шахсан ўзига, Улуғ Бош-қошга эса, бир қисмигина тегишли бўлсин. Ҳақорат шу ерда турган илонларга баравар тақсимлаб берилсин! Унга бундай майдаланиш натижасида ҳақоратнинг залвори нисбатан камайиб қоладигандек туюлган эди, гарчи аблаҳлик, каттадир-кичикдир, барибир, ўз номи билан аблаҳлик эди.

Айтиб ўтиш керакки, кейинчалик тузумлилар илонларнинг ҳақоратни бундай кўпчиликка баравар тақсимлаш одатларини яхшигина ўзлаштириб олиб, ўзини қатордаги аблаҳ сифатида тақдим этадиган, шу тариқа ўз аблаҳликларини имкон қадар камайтириб кўрсатадиган бўлдилар.

Шундай қилиб, Калтабақай ўзининг айнан нима деганию ҳақоратнинг бирликдами-кўпликда қўлланганини ҳаммага яхшигина эслатиб қўйди. Айни шу ўзи учун ёқимсиз нозиккина жиҳатга эътиборни қаратмаслик учун Улуғ Бош-қош унга ошкора дакки-дашном бериб ўтирмади.

— Ў-ў-ў, Калтабақай! — у томонга қараб шивирлаш қадар вишиллаш билан кифояланди, — сенимисан, ҳали шошмай тур!

— Аблаҳ! — кутилмаганда яна Ғилайнинг қорнидаги қуён қичқириб қолди.

— Ёлвориб сўрайман, жим бўл! — илтижо қилди Ғилай қўрқувдан даҒ-даҒ титраб.

— Мен бу ерда жим бўлиш учун турганим йўқ! — овозининг борича ҳайқирди қуён.

Атрофдаги илонлар Ғилайга ажабланиб қарашди. Чунки улар нега бу омадсиз бошига муқаррар ўлим келтирувчи сўзни айтишга журъат қилганига мутлақо тушунмадилар. Ҳаммалари Улуғ Бош-қошнинг мароқли ҳикоясига маҳлиё бўлиб, Ғилайнинг қорнида тирик серғайрат қуён борлигини паққос унутиб қўйган эдилар.

— Ие, бу ҳали сенмисан?! — ниҳоят вишиллади Улуғ Бош-қош ҳали ғилай бўлиб улгурмаган, лекин шундай бир кўргилик остонасида турган Ғилайга.

— Бу мен эмас, менинг ичимда! — титраб-қақшаб тан олди Ғилай.

— Ичингда илонинг борми?! — Истеҳзо билан сўради Улуғ Бош-қош. Илонлар орасида кенг тарқалган ҳақоротомуз ибора эди бу.

— О, Шоҳ! — тавалло қилди Ғилай. — Сиз одатдагидек улуғ ўтмишингизга маҳлиё бўлиб, менинг ичимда қуёним борлигини унутиб қўйдингиз...

— Нима қилибди?! — уни гапдан тўхтатди Улуғ Бош-қош. — Менинг ичимда ҳам қуёним бор, қолаверса, биттагина эмас...

Аммо шу пайт ёрдамчиларидан бири у томонга энгашиб, гап нимадалигини қулоғига оҳиста шивирлади.

— Ҳа, дарвоқе, — эслади Шоҳ, — бизнинг ҳаммамизни “аблаҳ” деб ўша қуён айтдими ҳали?

— Ҳа, мен! — ҳайқирди қўрқувдан донг қотиб қолган илоннинг ичидаги шартаки қуён. — Сен ўзингнинг аблаҳларинг орасида энг олий аблаҳсан, бунинг устига, аҳмоқсан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен аблаҳманми?! — ғазабдан нима дейишини билмай саволни беихтиёр такрорлади Улуғ Бош-қош.

— Ҳа, сен аблаҳсан! — қичқирди шаккок қуён.

— Мен аҳмоқманми?! — қулоқларига ишонмай, саволни такрорлади Улуғ Бош-қош.

— Ҳа, сен аҳмоқсан! — ғолибона қичқирди қуён. Бу гал унинг овози ниҳоятда аниқ эшитилди. Чунки бечора Ғилай қўрққанидан оғзи очилганича анқайиб қолган эди.

Орага ёқимсиз жимлик чўкди. Бу пайтда Улуғ Бош-қош Ғилайга қаттиқ кўз тикди.

— Сенинг ошқозонинг қуёнларнинг минбарига айланиб қолибди, — деди у таҳдид билан, — лекин сен ҳали бу қилмишинг учун жавоб берасан, ярамас ногирон!

— О, шоҳаншоҳим! — тавалло қилди бечора Ғилай.

— "Шоҳаншоҳ"миш! — аччиқ кулди Улуғ Бош-қош. — Ичида қуён гапирадиган илон биз учун керакли илон эмас!

— Керакли илон эмас, керак эмас! — вишиллашди илонлар.

— Шунинг учун ҳам, — ниҳоят, ўзига келиб, гапида давом этди Улуғ Бош-қош, — буни Филлар Сўқмоғига обориб ташланг, модомики бу аянчли ногирон ўзи эплай олмас экан, бетгачопар қуённи филлар босиб чалпак қилиб ташлашсин!

Улуғ Бош-қошга соқчи илонлар Ғилайни тутиб, Филлар Сўқмоғи томон олиб кетдилар. Улар олиб кетгунича илоннинг ошқозонидаги қуён бетўхтов қичқираверди.

— Қуёнлар! — қичқирди у. — Бир қуён илоннинг оғзидан қайтиб чиқиб қочиб қутулибди! Шоҳнинг ўзи бу ҳақда гапирди! Илонларга қаршилик кўрсатинг! Ҳаттоки қоринда туриб ҳам! Менга ўхшаб!..

— Тезроқ кўздан йўқотинглар! — буюрди Улуғ Бош-қош. Илонлар сирини қуёнларга овоза қилиш унинг асабига тегаётган эди, албатта.

— Биз-ку, ҳаракат қиляпмиз, — ўзларини оқладилар соқчилар, — лекин бунинг қаршилиги...

— Биродарлар! — фурсатдан фойдаланиб шивирлади Ғилай уларга, — шафқат қилинг, ахир филлар қуёнимга қўшиб мени ҳам янчиб ташлайди-ку!

— Қуёнлар сенга биродар! — жавоб қилди соқчилар уни чакалакзорнинг ичкарисига олиб кириб кетар эканлар.

— Қуёнлар! — ҳали-ҳануз қулоққа чалинарди тап тортмас қуённинг овози. — Бир қуён илоннинг оғзидан чиқиб қочиб қутулибди! Шоҳнинг ўзи айтиб берди буни!..

— Хи-хи-хи, — дафъатан Калтабақайнинг заҳархандаси эшитилди, — ўзи шивирлаб гаплашинглар деб, тағин ўзи қавмимиз сирини фош қилиб ўтирибди анови қовоқбош!

— Ярамас! — Улуғ Бош-қош Калтабақай билан пачакилашмаслик учун гапни қисқа қилди: — Банан еб кун кўрадиган маймун!

— Ҳали маймун сен аблаҳдан ёмонроқ бўлдими? — ёнғоқ дарахтининг қалин япроқлари орасидан бошини чиқариб қичқирди бир маймунча. — Бизга тинчлик берасанми-йўқми? Бир гап бўлса, дарров "маймун", "маймун"!

Улуғ Бош-қош бошини кўтариши билан маймун қалин барглар орасига яширинди ва ҳойнаҳой, ёнғоқ чақа бошлади. Чунки ёнғоқ пўчоқлари ерга шиддат билан ёғилишга тушди... Маймунлар билан илонларнинг ўзаро муносабатлари бирмунча чигал эди. Гап шундаки, илонлар одатига кўра, маймуннинг гўшти билан озиқланиш мумкин эди. Бироқ улар жудаям сержун бўлгани ва гўшти у қадар

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазали эмаслиги учун маймунларни тановул қилиш одобдан ҳисобланмасди.

Шу нуқтаи назарни Улуғ Бош-қошнинг ўзи ҳам кўп маротаба таъкидлаган, маймунлар, бир томондан, гўштининг бемаза ҳисобланганидан манфаатдорликни ҳис қилишган, бошқа томондан, ўзларининг мукаммал эмаслигига аллақандай имо-ишораларни оғриниб қабул қилган эдилар. Шунинг учун улар майда сиёсат билан шуғулланиб, илонларнинг айрим камситишларига жавобан енгил дўқ-пўписа қилиш билан кифояланишар, айни чоғда, илонлар орасида ўзларининг мазали эканлиги хусусидаги нуқтаи назарни сақлаб қолишга уринишар эди.

— Топишмоқ эшитинг! — деди Улуғ Бош-қош, қуённинг шаккокларча қичқириқларидан қолган нохуш таассуротларни изсиз йўқотишга уриниб. — Ҳазиломуз топишмоқ-да бу. Қандай қуён илон бўлиши мумкин?

Илонлар ўйланиб қолдилар. Айримлар Шоҳ бу топишмоқ ёрдамида бўлажак хоинларни қидиряпти деб ўйладилар, шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши жимгина тураверишни маъқул кўрдилар. Бошқалар ҳақиқатга нисбатан яқинроқ мулоҳазаларини айтишга жазм қилдилар. Бироқ тўғри жавобни ҳеч ким тополмади.

— Жавобини эшитайлик, жавобини! — қичқира бошлашди илонлар.

— Яхши, — деди Улуғ Бош-қош, — мана сизга жавоб: илон ютган қуён илон бўлиши мумкин!

— Буни қандай тушуниш керак, о, Шоҳ? — ажабланиб сўрашди илонлар.

— Чунки илон ҳазм қилган қуён илонга айланади-да. Демак, илонлар — бу ўз тараққиётининг олий даражасига эришган қуёнлардир. Бошқача айтганда, биз — аввалги улармиз, улар — келажакдаги биз.

— Хо-хо-хо! — Улуғ Бош-қошнинг ҳазилига қойил қолиб кулишди илонлар. — Биз — собиқ қуёнлармиз. Қойил!

— Илмий нуқтаи назар-да бу, — камтарлик билан қўшиб қўйди Улуғ Бош-қош, илонларнинг ўзини ошириб мақташларини тўхтатиб қолиш умидида.

— Улуғ Бош-қош — бу ўз номи билан Улуғ Бош-қош! — Шоҳларининг донишмандларча ҳазилини тилга олиб, унинг беназир ақлига тасаннолар айта кетишди илонлар. Қолаверса, қуёнларни ютар эканлар, ўзлари қуёнларнинг юмшоққина териси юпқа гўштидан лаззатланибгина қолмай, айни чоғда, маълум бўлишича, қуённи ўзлаштириб, ўз даражаларига кўтаришларини ҳис қилиш илонлар учун анчагина ёқимли эди.

Филлар Сўқмоғида нималар бўлди экан?

Ғилайнинг хотирасида кам нарса сақланиб қолди. Унинг эсида қолгани, соқчи илонлар филлар пайдо бўлиб, яқинига келгунларига қадар уни ушлаб турдилар. Ўшанда ҳам қуён ичида турган ҳолда илонларга қарши курашиш кераклиги ҳақида тўхтовсиз бақириб-чақирарди.

Филлар уларни топтаб бошлаганларида лаънати қуён қочиб қутула олдими-йўқми, бунисини буткул эслаёлмайди, чунки биринчи фил устига оёқ қўймай турибоқ у ҳушини йўқотган эди.

Икки ҳафтадан кейин, Сурункали Ёмғир Мавсумида у ҳушига келди ва ўзини Филлар Сўқмоғи қошида беҳол-бемажол ётган ҳолда кўрди. Бу ерга, афтидан, қайсидир филнинг нозиктаъб хартуми томонидан итқитиб юборилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг жисми бир неча жойдан топтаб ташланган ва бир кўзидан ажраган эди. Филлар босиб бир кўзини косасидан чиқариб юбордими ё кейинроқ ўзи беҳуш ётганида бир кўзини қандайдир ўлаксахўр қуш чўқидими, бунисини билмайди. Гарчи унинг аҳволида бошқа ташвишлари ҳам етарли бўлса-да, нимагадир айни масала Филайни қаттиқ безовта қиларди. Нимагадир Филай кўзининг уни ўлик деб ўйлаган ялоқхўр қуш томонидан чўқилаб ейилмаган, балки айнан филларнинг оёқлари остида топталган бўлиб чиқишини жуда хоҳларди. То очликни ҳис қилиш бошқа ҳиссиётларидан зўрроқ чиққунига қадар қандайдир қуш кўзини баайни дондек чўқилаб егани ҳақидаги фикр нимагадир уни ташвишга соларди. Шу аҳволда тағин бир неча кунни ўтказди. Кунлардан бир куни унинг ҳаракатсиз ҳолатини кўрган бир қарға... ҳойнаҳой иккинчи кўзини ҳам ўйиш учун бошига қўнганида бетамизни тутиб олишга муваффақ бўлди. Ўшандан буён у бир неча ой ягона кўзи билан осмонга тикилган кўйи ҳаракатсиз ётди. Ҳар қалай, бекор ётмади: уни ўлик деб ўйлаб қаттиқ янглишган бир неча қарға-қузғунни тутиб ейишга муваффақ бўлди.

Шу йўл билан Филай яна соғайиб кетди. Бу "иши" билан бошқа илонларда совуққон бир ҳайрат, Улуғ Бош-қошда эса, очиқ-ошкор норозилик уйғотди. Қавмдошлари унга бошқа тегинмадилар, аммо нафрат билан қарайдиган бўлдилар, сабаби, Шоҳ айтганидек, "ичида қуён гапирадиган илон уларга керакли илон эмас" эди.

Бечора илон бошқа илонларнинг ичида ҳам ютилган қуёнлар гоҳида гапирганини айтиб, улардан нажот қидирди, аммо бу уринишлари зое кетди.

— Буниси бутунлай бошқа нарса! — дейишди улар, — бу гипноз таъсиридаги алаҳлаш, сенинг ичингдаги қуён бўлса, онгли равишда гапирди.

Дарвоқе, қуён илоннинг оғзидан чиқиб қочиб қутулганидан кейин қуённи ютгач дарҳол ҳазм қилиш ҳақида махсус қонун қабул қилинганини эслатишни унутиб қўйибмиз. Мазкур қонуннинг ижроси, моҳиятан олганда, илонларнинг виждонига ҳавола эди. Чунки илон қуённи ютганидан кейин дарров ҳазм қилиб бошладими ё унинг умрини узайтириш ҳисобига тановулнинг лаззатли онларини узайтиряптими, буни аниқ текшириб кўриш амалда мумкин эмас эди.

Хуллас, бўлиб ўтган воқеалардан кейин қавмдошлари Филайдан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолдилар. Унга тегинмасдилар, ҳатто қарийб гаплашмасдилар ҳам. Филай бундан қаттиқ қийналарди. Чунки ҳар бир тирик жонда ўз қавми билан мулоқотга киришишга чексиз эҳтиёж мавжуд.

Айнан шунинг учун ҳам Филай бугун ёш илон билан ёлғиз қолганида ўзининг аччиқ тарихини ошкора ҳикоя қилиб берган эди. Ҳар қалай, биргина "касб сири"ни ёш илонга айтиб ўтирмади: у ҳозир ҳам гоҳида ўликка ўхшаб ётганича қарға овларди. Чунки бир кўз билан қуён овлаш осон эмас, гипноз кўпинча етарли даражада иш бермайди!

— Дарвоқе, — сўради ёш илон, — сиз бир кўз билан қандай ов қиласиз?

— Нимаям қилардим, — чуқур хўрсинди Филай, — гипноз чоғида биргина кўз анча зўриқар экан.

— Мен ҳаммасини эшитдим! — тўсатдан қуённинг овози атрофга таралди.

Филайнинг юраги шувиллади.

— Бу қанақаси?! — деди у овози титраб. — Сен ҳалиям тирикмисан? Сени ҳалигача ҳазм қилолмадимми?!.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўрқманг! — унга тасалли берди ёш илон. — Шох-шаббалар ортида оғзимизга тушиб улгурмаган қуённинг гапи бу!

— Хайрият-э! — енгил нафас олди Ғилай. — Мен тағин ўша падарқусур ичимда гапиряптими деб капалагим учиб кетди.

— Нимани эшитдинг ўзи? — сўради ёш илон, ортидаги қуённи кўриш умидида шох-шаббаларга синчиклаб тикилар экан.

— Мен кўпдан буён илонларни кузатиб келаман, — деди шохлар ортидаги қуён, — сиз жасур қуён ҳақидаги афсонанинг аслида афсона эмас, ҳақиқатлигини тасдиқладингиз. Бу менинг айрим илмий фаразларим тўғрилигини яна бир карра исботлаб турибди. Энди мен аниқ биламан: сизнинг гипнозингиз — бу бизнинг қўрқувимиз. Биздаги қўрқув — бу сизнинг гипнозингиз!

— Иккимизнинг қорнимиз тўқлигидан фойдаланиб қоляпсан-а! — деди Ғилай ўзининг қорнига қулоқ тутар экан.

— Йўқ, — жавоб қилди қуён, — узоқ ўйланиш ва изчил илмий текширишлар маҳсули бу.

— Шунчалик ақлли экансан, нега бировларнинг гапини яширинча эшитасан, — сўради Ғилай, — ёки сен бу ишинг одобдан эмаслигини билмайсанми?

— Мен бу хусусда ҳам кўп ўйлаб кўрганман, — жавоб қилди қуён шохлар ортига яширинган жойида, — бировнинг гапини ўғринча эшитиш пасткашлик эканини биламан. Ҳаттоки бировни жиноятчи деб шубҳаланганингда ҳам уни яширинча эшитиш керак эмас. Чунки шубҳа асосга эга бўлмаслиги, усул эса, кенг илдиз отиши мумкин. Мен айтмоқчиманки, ҳар бир яширинча эшитаётган кимса “Мен уни жиноятчи деб ўйлайман” дея ўзини оқлашга уриниши мумкин. Агар ҳақиқий жиноятчини кузатаётганингга қатъий ишонч ҳосил қилсанг, ана шундагина яширинча эшитиш мумкин ҳам шарт. Сиз илонлар эса, қотилсизлар. Сиз қотилликни ё содир этгансиз, ё содир этишга тайёргарлик кўряпсиз. Бинобарин, сиз ҳақингизда имкон қадар кўпроқ билиш — тирик қуёнлар манфаатига хизмат қилади!

— Адашмасам, мен сен ҳақингда эшитган эдим, — эслади ёш илон. — Бу сенмисан, Ўйчан?

— Ҳа, менман, — жавоб қилди қуён.

— Агар сен ўша Ўйчан бўлсанг, қани, яқинроқ кел-чи, — деди ёш илон. У, башарти зарурат бўлса, ўзини иккинчи қуённи ҳам кетмакет ҳазм қилишга қодир деб ҳис қилмоқда эди.

— Йўқ, — деб жавоб қайтарди қуён, — мен шу топда таваккал қилолмайман. Гипнозингиз йўқ бўлганда ҳам чақиб олишингиз мумкин-да, ахир!

— Шуни англаганинг учун ҳам раҳмат, — деди Ғилай, ушбу антиқа суҳбатга енгил ҳазил-мутойиба оҳангини беришга уриниб. Лекин, барибир, у қуёнларнинг қулоғига етиши керак бўлмаган кўп гапларни беихтиёр айтиб ташлагани чатоқ бўлди. Бу ерда янги хавф-хатар ҳиди анқиб турибди. Бунинг устига, Ўйчан ўзининг қорасини кўрсатмаган ҳолда чакалакзорнинг ичкарисига жуфтакни ростлаб қолса бўладими!

— Нега қорангни кўрсата қолмадинг? — яна-да ёлвориброқ сўради Ғилай.

— Сиз ҳар бир қуёнда Ўйчанни кўринг! — қичқирди қуён. Унинг, айниқса, шу гапи бутун чакалакзорга овоза бўлди.

Энди қулайгина япасқи тош иккала илонга алланечук совуқ ва ёқимсиз туюлди. Иккалалари бир-биридан хавфли гувоҳ сифатида қутулсалар яхши бўлишини ўйладилар. Лекин иккаласи ҳам ҳужумга

www.ziyouz.com kutubxonasi

журъат қилолмадилар. Ёш – бунга тажрибаси, қари эса, кучи ва абжирлиги етмай қолишидан қўрқди.

– Яхши иш бўлмади-да, – вишиллади ёш илон. – Назаримда Улуғ Бош-қошга бу ерда бўлган гапларни тезроқ етказишимга тўғри келади.

– Керак эмас! – деди Ғилай. – У мени ёқтирмаслигини сен яхши биласан-ку, ахир!

– Агар сир фош бўлса-чи? – эътироз билдирди ёш илон.

– Ҳеч ким билмай қолди деб умид қиламиз, – жавоб қайтарди Ғилай.

– Сенга осон, – деди ёш илон, – сен ошингни ошаб, ёшингни яшаб бўлгансан. Менинг бутун ҳаётим ҳали олдинда... Йўқ, тезроқ етказганим маъқул...

– Лекин у ҳолда ўзингга ҳам жабр қилган бўласан-ку?

– Нега энди?

– Мен гапириб бошлаган пайтимдаёқ сен кескин рад қилишинг керак эди, – илонлар орасида қарор топган эски одатлардан бирини эслатди Ғилай.

Ростдан ҳам, ўйлади ёш илон ўзича, шундай бир одат бор-ку. У иккиланиб қолди. Қай бири фойдалироқ эканини билолмай боши қотди: бу ерда бўлиб ўтган гапларни тезроқ керакли жойга етказсинми, ё ичига ютсинми?

– Агар сир фош бўлса-чи? – сўради у ҳамсуҳбатига ўйчан боқиб. – Майли, мен жимман... Хўш, бунинг эвазига сен менга нима берасан энди?

– Мен нима ҳам бера олардим! – чуқур хўрсинди Ғилай. – Ўзим ногирон қария бўлсам... Фақат маслаҳат беришим мумкин: агар қуён тутолмай қолсанг, ўликка ўхшаб ётиб ол, ана ўшанда эртадир-кечдир бошингга қарға қўнади...

– Қарғангни бошимга ураманми! – энсаси қотди ёш илоннинг. – Мен, худога шукур, ютаман десам атрофимдаги истаган қуён оғзимда!

– Бундай катта кетма! – танбеҳ берди Ғилай. – Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан!..

– Қарғанинг гўшти қаттиқдир-а? – кутилмаганда сўраб қолди ёш илон.

– Гўшти сал қаттиқроқ, – тан олди Ғилай, – аммо қорин оч қолганида йўқдан кўра бори-да...

– Агар сир фош бўлса-чи? – тағин иккиланди ёш илон ва ўзлари ётган тошдан пастга сирғалиб тушар экан, қўшиб қўйди: – Майли, айтмайман... Аслини олганда, аввал-бошда сен билан ҳамсуҳбат бўлмаганим маъқул эди-я... “Ичида қуён гапирадиган илон бизга керакли илон эмас” деганида Улуғ Бош-қош минг карра ҳақ экан.

Ғилайни ёлғиз қолдириб судралар экан, ёш илон чиндан ҳам ҳали қай бири фойдалироқ эканини билолмасди: етказсинми, етказмасинми? Ёшлиги туфайли у айтсамми ё айтмасам деган савол устида бош қотираётган кимса ахийри албатта айтишини тушунмасди. Чунки ҳар қандай фикр ўзидаги мавжуд имкониятларнинг қонуний маррасига етишга интилади.

Шуям ҳаёт бўлдию дея мискинларча ўйга чўмди Ғилай. Ўз қавмдошлари орасида мудом алланечук қўрқув ва иштибоҳ ичида яшаганингдан кўра ўшанда филлар чалпак қилиб ташлашгани яхшироқ бўлмасмиди?!

Ғилай шундай деб ўйлашга ўйларди-ю, барибир, дил қаърида (яъни, ошқозонининг туб-тубида!) ўзининг ҳаётдан кўз юмиб кетишини мутлақо истамаётганини теран ҳис қиларди. Ахир, мана шун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай силлиққина тошда маза қилиб ётиш, зотилжамдан озор чеккан эски терисида қуёшнинг ёқимли тафтини ҳис қилиш, нима, ёмонми? Бунинг устига, қуёнхўрлик – яширишнинг нима ҳожати бор! – унга ҳали-ҳануз етарли ҳузур-ҳаловат бахш этар эди.

Ўша куни, қуёш чакалакзор устида бақувват баобаб ёхуд нимжон тилоғоч баландлигида порлоқ нур сочиб турганида, Қироллик Ўтлоғидаги Қироллик Саройига кираверишда қуёнларнинг фавқулодда қурултойи чақирилган эди.

Қирол юксак бир жойда Қиролича билан ёнма-ён ўтирарди. Уларнинг бош устида гулкарам тасвири туширилган байроқ ҳилпираб турарди.

Байроқ каттакон банан япроғидан ясалган бўлиб, унга тропик гулларнинг ранг-баранг япроқларидан ҳосил қилинган бир бош гулкарам қарағай сирачи ёрдамида ёпиштириб қўйилган эди.

Аслини олганда, ҳеч бир қуён ҳеч қачон ҳеч қандай гулкарамни кўрмаган эди. Тўғри, маҳаллий аҳолининг сирли майдонларда ишлайдиган исмлари сир тутилувчи қуёнларнинг гулкарам етиштириш бобида жиддий ютуқларни қўлга киритаётганлари хусусидаги шовшувлар (гарчи бу шов-шувларни гоҳида махсус тарқатиб турилса-да) қуёнлар орасида ҳамиша бор эди. Якунига бир баҳягина қолиб турган тажрибалар гулкарамни барча экин майдонларига экиш имконини берган заҳоти қуёнлар ҳаёти бошдан оёқ ҳосилдорлик байрамларию фаровонлик тантаналаридан иборат бўлиб қолади, дея ўзларича умид қилардилар улар.

Байроқдаги гулкарам тасвирида ранглар уйғунлиги ўқтин-ўқтин сезиларли даражада ўзгариб қолар, қуёнлар бу ўзгаришда тарихнинг сирли, аммо тўхтовсиз ҳаракати ўзларининг фойдасига рўй бераётганини ғира-шира кўриб турардилар. Байроқдаги безакларнинг салгина ўзгаришини сезганларида ҳам улар ўзлари учун узоқ истиқболга қараб кетувчи кўтаринки хулосалар чиқарганлари ҳолда бир-бирларига маъноли бош чайқаб қўярдилар. Бу хусусда ошкора гапириш одобдан ва камтарликдан эмас деб ҳисобланарди. Тарихнинг сирли жараёнларидан далолат берувчи бу айрим ташқи аломатлар қироллик маъмуриятининг эътиборсизлиги туфайли тасодифан пайдо бўлиб қолган, деб ўйлардилар улар.

Қуёнлар фаровон келажакни муштоқлик билан кутганлари ҳолда ўзларининг одатдаги кундалик турмушлари билан машғул эдилар: атрофдаги чакалакзорларда ўтлашар, тузумлиларнинг далаларидан нўхот, бурчоқ ва оддий карамни ўғирлашар эдилар. Айниқса, оддий карамнинг хуш таъми Рангли Карам ҳақидаги орзуларни баттар алангалатарди. Улар бу маҳсулотларни Қирол саройига ҳам етказиб берардилар.

– Бугунги карамнинг таъми қалай? – оддий қуёнлар ҳосил солиғини тўлаш учун карам бошини думалатиб келиб, уни қироллик омборхонасига тахлар эканлар, гоҳида сўраб қоларди Қирол.

– Ёмон эмас, – дердилар қуёнлар сўлаклари оқиб.

– Шуни билиб қўйингларки, – дерди Қирол, – Гулкарам яратилганида сиз бу кўм-кўккина барра ўсимликка қайрилиб қарашни ҳам истамай қоласиз.

– Э Худо! – бундай гапларни эшитиб ширин орзиқарди қуёнлар. – Наҳотки ўша кунларни кўриш бизга ҳам насиб қилади?!

– Хотирингиз жам бўлсин, – дея бош қимирлатарди Қирол, – тажрибаларни кузатиб, тегишли йўналиш бериб турибмиз...

Қиролга қуёнлар қавмини қатъий итоаткорликда ушлаб туришда гулкарам ҳақидаги ширин орзулар қўл келарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар қуёнлар ҳаётида Қиролга ёқмайдиган интилишлар пайдо бўлиб қолса ва бу интилишларни оддий йўллар билан тўхтатиб қололмаса, Қирол энг сўнгги севимли воситадан фойдаланар ва, табиийки, бу восита гулкарам эди.

— Ҳа-а, — дерди у бундай вазиятларда ножўя мақсадларни кўзлаган қуёнларга, — сиз айтаётган гаплар тўғри, лекин бемаврид, чунки айнан ҳозир, гулкарам етиштириш бобидаги тажрибаларимиз якунига озгина қолган бир пайтда...

Агар ўша қуён ўз йўлидан қайтмай қатъият билан давом этаверса, бехосдан йўқолиб қолар, ана шунда қуёнлар унинг номи сир тутилгани ва махфий тажриба майдонларига жўнатилганини ўзларича тусмол қилишар эди. Бу табиий ҳам эди. Чунки у ёки бу мустақил фикр ақлли каллалардан чиқади ва бу ақлли каллалар, табиийки, аввало гулкарам етиштириш бобидаги ишларда керак бўлади.

Агар йўқолиб қолган қуённинг оиласи ўз жигарбандининг қаёққа йўқолганини сўраб-суриштириб бошласа, унга нозик қилиб қидирилаётган қуён "гулкарам гуллаётган узоқ ўлкаларда" деган тушунтириш бериларди!

Агар йўқолган қуённинг оиласи ҳам ҳақиқатнинг тагига етаман деб қайсарлик қилаверса, бундай тақдирда у ҳам йўқоларди-қоларди. Шунда қуёнлар ўзларича тусмол қилардилар:

— Оиласининг боришига рухсат берилибдими, демак, анави ўша томонларда катта олим экан-да, а?..

— Баъзиларнинг омадлари юриша қолади! — дея уф тортишарди айрим қуёнларнинг хотинлари бундай пайтда.

Қатордаги қуёнларнинг каллаларида бошқача ўйлар пайдо бўлмас эди. Чунки гўштхўр бўлмаган қуёнлар қироллигида айбдорлар жазоланардилар — қулоқларидан осиб қўйиларди — лекин ҳеч ким ўлдириб юборилмасди.

Шундай қилиб, ўша куни қуёш ботиши арафасида Қироллик Ўтлоғида Қирол билан Қиролича баланд жойда ёнма-ён ўтиришар, уларнинг бош устларида эса, гулкарам тасвири туширилган байроқ ҳавода енгилгина ҳилпираб турарди.

Салгина қуйироқда сарой қуёнлари, ёхуд, оддий халқ тилида айтганда, Ўринга Қўйилганлар жойлашган эдилар. Яна-да қуйироқда эса, Ўринга Қўйилган бўлишга Интилаётганлар, улардан ҳам пастроқдаги ўтлоқда оддийгина қуёнлар тик турар ёхуд ўтирардилар.

Қуёнларнинг фавқулодда қурултойи Ўйчаннинг ғаройиб ахбороти юзасидан чақирилганини осонгина тушуниш мумкин эди.

— Биздаги қўрқув — уларнинг гипнози! Уларнинг гипнози — биздаги қўрқув! — такрорлашарди оддий қуёнлар бу антиқа жумланинг мағзини яхшироқ чақиш умидида.

— Масаланинг нақадар дадил қўйилишини қаранг! — хитоб қилардилар улар.

— Фикрнинг мантиқ кучини айтмайсизми, — қойил қолишарди бошқалари, — худди қопчасига терилган бурчоқдек.

— О-о, қуёнла-а-ар, буёғи энди нима бўлади! — Ўйчаннинг буюк кашфиётидан ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ваҳимага тушаётган яна бир гуруҳ қуёнлар.

Фақатгина Ўйчаннинг хотини ғала-ғовур қилаётган қуёнлар орасида туриб бир гапни қайта-қайта такрорлар эди:

— Нега айнан менинг эрим илонларнинг кирдикорларини фош қилиши керак? Қани Ўринга Қўйилган мутафаккирлар билан алло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

малар? Хўш, бу кашфиётнинг бизга нима фойдаси бор? Ахир, илонлар бу ерда эрим айтган гаплар учун мен билан болаларимдан қасос олишади-ку!

— Сен эринг билан фахрланишинг керак, нодон, — дейишди уни қуршаб олган қуёнлар. — У буюк қуён!

— Унинг қанчалик буюклигини мен билсам керак! Соч-соқоли оқариб бошлади-ю, шу пайтга қадар нўхотнинг япроғини бурчоқнинг япроғидан ажратолмайди!

Ҳолбуки қуёнлар Қиролига Ўйчан топиб келган гап мутлақо ёқмаган эди. У бу кашфиёт яхшиликка олиб келмаслигини ўзича ҳис қилди. Аммо, оломон руҳиятининг тажрибали билимдони сифатида барчанинг шод-хуррамлигини кўриб-билиб туриб, бу кайфиятнинг тўла равишда намоён бўлишига халақит қилмади. У ҳар қандай умумий кўтаринкилик ўзининг авж нуқтасига етишини яхши биларди. Ана шундан кейин муқаррар равишда кўтаринкилик сусайиб бошлайди ва ўша пайтдагина ўз фикрларини ошкора айтиши мумкин бўлади.

Гап шундаки, одатда оломон нимадандир хурсанд бўлаётганида у ҳар қандай хурсандчилик эртадир-кечдир тугаб битишини билмайди. Ана шунда, хурсандчилик камайиб боргани сайин, хурсанд бўлаётганлар, хурсандчилик тугаб битаётганини ич-ичдан ҳис қилиб, бунда айнан ким хурсанд қилган бўлса, ўшани айблашга мойил бўлади. Нега у бизга бахш этган хурсандчилик чексиз эмас ва бу қадар тез тугаб қолди, дея ўзини айблай бошлайди.

Аммо, мабодо, кимдир ўзининг хурсандчилик манбаига бўлган танқидий қарашлари билан ўша хурсандчиликка раҳна солса борми, хурсанд бўлаётганларнинг бутун қаҳр-ғазаби фавқулодда куч билан унга қарши қаратилади. Хурсанд бўлаётганлар уларнинг хурсандчиликлари аслида битмас-туганмас эди-ю, лекин манови бахил-ҳасадгўй атайин ҳамманинг ҳафсаласини пир қилди-қўйди, деб ўйлайдилар ўзларича.

Қуёнлар қироли буларнинг ҳаммасини жуда яхши билар эди ва шунинг учун ҳам жимгина кузатиб ўтирарди. Гарчи айрим яккамдуккам шодон ҳайқириқлару бахтиёр қийқириқлар қулоқларга аҳёнаҳёнда чалиниб қолса-да, умумий хурсандчилик шиддати сезиларли даражада пасайганидан кейин қуёнлар шунга эътибор бера бошладиларки, нимагадир Қирол жимгина ўтирибди. Нафақат жимгина ўтирибди, унинг ташқи қиёфасида адашган жонларнинг беҳуда ҳовлиқишларига истеҳзоли қараш мана мен деб турибди!

Шундагина қуёнлар Ўйчаннинг кузатишлари тўғрилигига Қирол шубҳа билан қараётганини тушуна бошлади. Ўринга Қўйилганлар Қиролнинг шубҳасини биринчи бўлиб илғаб, айрим бақириқ-чақириқлар билан ўз таажжубларини изҳор қила бошладилар. Ўринга Қўйилганларнинг таажжублари ўз навбатида Ўринга Қўйилишга Интилувчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Улар баҳамжиҳат ривожлантирилиб, Қирол томонидан текширилмаган илмий сафсатага қарши даргазаб раддия изҳор қилиш даражасига олиб чиқилди.

Ҳа, Ўйчаннинг сўзлари замирида яширинган улкан хавф-хатарни ҳис қилганида Қирол ўзича ҳақ эди. Зотан, Қиролнинг бутун фаолияти сарой аъёнлари билан биргаликда йил фасллари, чакалакзордаги об-ҳавонинг аҳволи ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ равишда қуёнлар илонлардан қанчалик қўрқишлари ва муқаррар хавф-хатарни теран ҳис қилишлари кераклигини аниқлаштириб беришдан иборат эди.

Энди қутилмаганда қуёнларни бошқаришнинг йиллар мобайнида моҳирлик билан ишлаб чиқилган тизими емирилиши эҳтимолдан холи эмас эди. Чунки қуёнлар, қарангки, гипноздан қўрқмасликлари керак эмиш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирол фақатгина умид (гулкарам) ва қўрқув (илонлар) ёрдамидагина қуёнлар ҳаётини оқилона бошқариш мумкинлигини яхши биларди. Аммо биргина гулкарам билан иш битириб бўлмайди. Буни Қирол яхши тушунар эди. Шунинг учун бутун давлат аҳамиятига молик ақлини жамлаб, қуёнлар ҳузурида нутқ ирод қилди.

— Қуёнлар, — дея оҳистагина гап бошлади у, — биласизлар, мен кўпни кўрган қиролман. Мана, Худога шукур, қарийб ўттиз йилдан буён тахтда ўтирибман ва шу вақт мобайнида бирон марта илоннинг оғзига тушганим йўқ. Бу ҳол сизларга баъзи нарсалардан далолат берса керак?

— Сенга ҳаммасини таппа-тайёр ҳолда саройга олиб келиб беришларидан далолат бу! — қичқирди оломон орасида қандайдир бетгачопар қуён.

Тўғри, ким гапираётганини аниқлаш мушкул, чунки аллақачон қоронғилик чўккан эди. Ўринга Қўйилганлар ва, айниқса, Ўринга Қўйилган бўлишга Интилганлар оломон орасида қичқиришга журъат қилган шартаки қуённинг унини ўчиришга тушдилар.

Қирол сарой аъёнларига таҳдидли бир қараб, етарли ёритқичлар билан халқнинг кўнглини чароғон қилишни буюрди. Бунга қадар ичи ёнар қўнғизга тўлдирилиб, рангсиз чақичдан шиширилган шишалардан атиги бир нечтагинаси Қироллик Саройига кираверишга, Қирол билан Қиролича ўтирган юксакликнигина ёритиб турган эди.

— О, Қирол, — кокосдан ясалган идишдаги ёнар қўнғизларни шишаларга тўкар эканлар, сарой аъёнлари шивирлаб эслатдилар, — ахир сиз ўзингиз бизга тежашни ўргатгансиз-ку!

— Фақат тузумимиз манфаатлари ҳисобига эмас, — қарийб шивирлаган ҳолда жавоб берди Қирол. Сўнг бошқа аъёнлар Қироллик Ўтлоғининг турли бурчакларига ёритқичларни ўрнатиб бўлгунларига қадар оломонни жимгина кузатиб турди. Кўнгли тўлиб, дили равшан бўлди, шекилли, энди Қирол ўз фуқароларига мурожаат қилди: — Қуёнлар! Ўйчаннинг хатосини кўрсатишдан аввал сизга бир неча савол бермоқчиман.

— Қани, эшитайлик! — қичқиришди қуёнлар.

— Қуёнлар! — Шундай дея Қиролнинг овози беихтиёр титради: — Сиз бурчоқни яхши кўрасизми?

— Яхши кўрмай бўладими! — жўровоз бўлиб жавоб бердилар қуёнлар.

— Ям-яшил, янги, эндигина узилган нўхотларни-чи?

— Гапга не ҳожат, Қирол! — оҳ тортишди қуёнлар, — ширин хотираларимизни қўзғаб сўлагимизни оқизма!

— Барра карамни-чи? — Қирол шафқатсизлик билан авжига чиқди. — Еганда қирсиллайдиган, диркиллаб турган, хуштаъм карамни тановул қилишни севасизми?

— Оҳ-оҳ-оҳ! — кўзлари ёниб хитоб қилди қуёнлар, — ярамизга туз сепма, Қирол!

— Шундай бўлганидан кейин, — умидворлик ўтида жизғанак қуёнларга тикилган ҳолда гапида давом этди Қирол, — энг асосий масалага ўтмоқчиман: ораларингизда ким нўхот, карам, ловияни парваришлаб етиштиради ўзи?

Анча вақтгача таажжуб зуҳур кўрсатган жимлик ҳукм сурди.

— Ахир, Қирол, — қичқириб бошлади қуёнлар, — бу иш билан маҳаллий аҳоли шуғулланишади-ку!

— Демак, бугунги кундаги (гулкарам билан боғлиқ эртанги кунга нозик ишора эди бу!) энг ажойиб истеъмол маҳсулоти тубжойлиларга тегишлими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Афсуски, шундай, — жавоб беришди қуёнлар.

— Хўш, сиз бу маҳсулотларни қай йўл билан қўлга киритасиз? — саволни саволга улади Қирол.

— Ўғирлаймиз, — ҳайрон бўлган ҳолда жавоб қилишди қуёнлар, — шуниям билмайсизми?

— Менимча, бу жудаям кескин айтилган гап! — тузатди Қирол. — Тўғрисини айтадиган бўлсак, "ортиқчасини ўзлаштирамиз"... Сиз ахир тузумлиларга нимадир қолдирасиз-ку, тўғрими?

— Қолдиришга мажбур бўламиз-да! — жавоб қилишди қуёнлар.

— Энди энг асосий фикрга ўтаман, — эълон қилди Қирол

— Сен энг асосий фикрга бир марта ўтган эдинг! — қичқирди оломон орасидан яна бир шартаки.

— У биринчи энг асосий фикр эди, энди иккинчиси, — деди Қирол ўзини йўқотиб қўймасдан. — Илонларнинг қуёнларни ютиши — бу даҳшатли ноҳақлик, шундай эмасми?!

— Ҳамма гап шунда-да, — қичқиришди қуёнлар. — Ўйчан айнан шу гапни айтяпти-ку!

— Ҳа, — давом этди Қирол, — бу қуёнларга нисбатан ўтакетган ноҳақлик ва биз ўз ақлимиз етган воситалар билан унга қарши курашяпмиз. Тўғри, бу даҳшатли ноҳақлик эвазига биз кичкинагина, аммо ғоят ёқимли ноҳақликдан фойдаланамиз: маҳаллий халқ етиштирган ажойиб истеъмол маҳсулотларини ўзлаштирамиз. Энди, гарчи ҳали мутлақо исботланмаган бўлса-да, бир лаҳза Ўйчан ҳақ деб тасаввур қилиб кўрайлик! Фақат тасаввур қиламиз. Гипноз, маълум бўлишича, йўқ! Қаёққа хоҳласангиз, шуёққа қараб сакранг, қуёнлар! Тасанно, тасанно, Ўйчан! Аммо шундан кейин нима бўлади? Ўйчаннинг гапидан чиқадиган хулоса, модомики қуёнларга нисбатан даҳшатли ноҳақлик бартараф этилган экан, демак, қуёнлар ҳам, табиийки, биз учун ёқимли, лекин тубжойлиларнинг экин майдонларига нисбатан содир этаётган ноҳақлигимизга ҳам чек қўйишга тўғри келади.

— Ўйчан бундай демаяпти-ку! — жўр бўлиб қичқиришди қуёнлар.

— Қани кафолат? — сўради Қирол. Сўнг яқинида турган ва гапларини бамайлихотир эшитаётган Ўйчанга кўз тикди.

Гипноз ҳақидаги ахборотидан кейин у тепаликда қолган эди. Чунки Қирол, бир томондан, ҳеч ким ўзини норози экан деб ўйламаслиги учун, бошқа томондан, Ўйчанни узоқ кузатиш, унинг қиёфасини ўрганиш ва фавқулодда таъсир кучини шу йўл билан ўз-ўзидан камайтириш учун шундай илтифот кўрсатган эди.

Ўйчан жим эди, бироқ унинг ташқи қиёфасида Қиролнинг саволларидан довдираш аломатлари мутлақо йўқ эканлиги сезилиб турарди.

— Хўш, сен нима дейсан? — тағин Ўйчанга мурожаат қилди Қирол. У пайсалга солмай ҳозирнинг ўзидаёқ Ўйчанни буткул фош қилиб ташлашни истар эди.

— Мен кейинроқ ҳамма саволларга бирйўла жавоб бераман, — хотиржам жавоб қилди Ўйчан, — майли, Қирол гапида давом этаверсин.

— Яхши, — гарчи ич-ичдан ғазабланган бўлса-да, сир бой бермай мийиғида кулди Қирол. Ўйчан айёрона топқирлик билан унинг зарбасига чап бермагани, балки айрим жузъий масалаларга беҳуда вақт кетказмасликни нодонларча хоҳлаётгани унинг ғазабини қўзғаган эди.

— Давом этайлик, — деди Қирол. — Илонларнинг қуёнларни еб қўйиши даҳшатли ноҳақлик, албатта ва биз қурбонлар сонини имкон қадар камайтириш чораларини кўрмоқдамиз. Лекин нега бу масаланинг фақат қора томонини бўрттириб кўрсатиш керак? Ҳаёт бу ҳаёт! У баъзан кутилмаган мукофотларни бизга туҳфа этиб тура-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди-ку. Масалан, сиз илонга дуч келдингиз-да, даҳшатга тушдингиз. Хўш, нима қилибди? Маълум бўладики, у Калтабақай. Роса бананга тўйиб олгани учун ютиш тугул сизга қайрилиб қарашга ҳам ҳуши йўқ. Яна биримиз илонга дуч келамиз. Яна даҳшатга тушамиз. Хўш, кейин-чи? Маълум бўладики, у Филай экан. Сиз бемалол қутулиб қоласиз. Чунки унинг сўқир кўзи тарафида турганингиз учун у сизни кўрмай ўтиб кетаверади. Қуёнлар, ака-укалар ва опа-сингиллар! Ҳаётнинг бундай туҳфаларидан кўз юмиб бўлмайди-да! Ўйлаб қарасангиз, табиатда ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Агар муқаддас учлик (нўхот, ловия, карам)дан биз оладиган беқиёс лаззат илонлар олдида бошимиздан кечирадиган қўрқув ҳиссига бевосита боғлиқ бўлса, бунисига нима дейсиз? Бу қўрқув ҳисси бўлмаса табиатнинг жамики хушбўй-хуштаъм неъматлари иттифоқо баайни зарангдек қаттиқ ва ёқимсиз туюла бошласа-чи?

— Даҳшат-ку бу, — хитоб қилди қуёнлар, — у ҳолда яшашнинг нима қизиғи бор!

— Бас шундай экан, — гапида давом этди Қирол, ўз нутқига ўзи қойил қолиб, — келажакдаги гулкарамни орзу қилишни ҳам буткул йиғиштириб қўямизми? Бу борадаги тажрибаларни назорат қилиш ва кучайтиришни ҳам бас қиламизми?!

— Бу фожиа-ку, фожиа, фожиа, — табиатан ўта таъсирчан қуёнлар беихтиёр оҳ чекишди. Гарчи биз шу икки ўртадаги ўхшашликни атайин қидирмаётган бўлсак-да, айни шу таъсирчанликдан илонлар ҳам, буёғини сўрасангиз, Қирол ҳам усталик билан фойдаланишарди.

— Келинг, қуёнлар, — тағин гапида давом этди Қирол йиғилганларга донишмандларча ўткир нигоҳ билан қараб, — очиқчасига гаплашайлик, ахир бу ерда ўзимиз-ку... Тан олинг, сиз кечқурун ўз ининингизга қайтиб бориб, хотинингиздан қайсидир қуённи илон ютиб юборганини эшитганингизда ўлган биродарингизга мотам тутиш билан бирга ўз уянгиз хавфсизлигию бу шинам бошпанангиз файзитароватини фавқулодда куч билан ҳис қиласизми?! Гўзал жуфтларингизнинг нафис баданини ялаб-юлқашнинг роҳат-фароғатини-чи?! Яна яқинлашиш, яқинлашиш (бу ерда балоғат ёшидаги қуёнлар, бинобарин, очиғини айтаверсам бўлади), иссиққина, дейман, ёқимтойгина аёлингизга яқинлашиш-чи?!.

— Ҳа, ҳа, — қизғин маъқуллашди қуёнлар, — очиғини тан олишга уяласан-у, лекин тўғрисиям шу-да!..

— Уялишнинг ҳожати йўқ, азизлар! — хитоб қилди Қирол. — Ахир, сиз бунинг ўзини алоҳида эмас, ўлган биродарингиз қайғуси билан биргаликда ҳис қиласиз-ку, тўғрими?!

— Ҳамма гап шунда-да, — жавоб қилишди қуёнлар, — ҳаммаси қандайдир аралаш-қуралаш, айқаш-уйқаш бўлиб кетади...

— Шунақада!.. — қутилмаганда “Топқир” лақабли қуён бор овоз билан қичқирди. У Ўринга Ўтирган Бўлишга Интилувчилар орасида эди. Унинг шаккокларча қичқириғини ҳамма эшитди-да, орага ноқулай бир жимлик чўкди. Зотан, у кимсан Қиролнинг сўзини бўлишга журъат қилган эди. Табиийки, Қирол хўмрайди.

— Шунақада!.. — Топқир, афтидан, нима қилаётганини яхшироқ англаб етмаган ҳолда омманинг таажжубига парво қилмай тағин қичқирди.

— Нима “шунақада”? — ахийри унга таҳдидомуз савол ташлади Қирол.

— Шунақада аждодларимиз нима бўлади? — тап тортмай саволга қарши савол берди Топқир. — Ахир, мабодо Ўйчан ҳақ бўлса, илон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар оғзида қаҳрамонларча ҳалок бўлган барча аждодларимиз, ўз-ўзидан келиб чиқадиган хулоса, аҳмоғ-у қўрқоқ бўлишган экан-да, а? Улар кўрсатган жасоратлар бемаъни бўлган экан-да, а?..

— Ўринли гап! — деди Қирол бирдан шаштидан тушган ҳолда Топқирга бош чайқаб, Ўйчанга қайта кўз тикар экан. — Қани, сен бунга нима дейсан?

— Мен ҳамма саволларга кейинроқ биратўла жавоб бераман, — бамайлихотир деди Ўйчан, — Қирол давом этиши мумкин...

— Ўзига бино қўйишини қара-я! — Қиролича жаҳлини босолмай Ўйчан тарафга қараб бурнини жийирди.

— Ҳозирча гапим тамом, — деди Қирол. — Бир гапни қўшимча қилишим мумкин: буни ҳаёт дейдилар. Модомики, Худо қуённи яратган экан, у айнан қуённи назарда тутиб яратган.

Қирол нутқининг якунида ажойиб емишлар шарафига гулдурос қарсаклар янгради. Бу қарсаклар гулдуроси остида Ўринга Қўйилганлар орасидан Қирол шаънига қичқириқлар ва Интилувчилар орасидан Қиролга офарин-олқишни ифодаловчи ҳуштакбозликлар ўқтин-ўқтин эшитилиб турди.

Одатдагидек, буюк учликка энг кўп шон-шарафлар айтилди. Айрим жузъий қўшимчалар ҳам бўлдики, буларнинг орасида энг кўп айтилгани "Камтарин сабзига ҳам шон-шарафлар!" эди.

Алоҳида таъкидлаш керак бўлади: ҳар бир қуён қарсак чалар экан, шахсан ўзи ажойиб емишларнинг қуёнлар билан мустаҳкам иттифоқи ғоясини қўллаб-қувватлаётганига ишончи комил эди. Айни чоғда, у бошқалар нафақат бу иттифоқни, балки Қиролнинг бутун нутқини олқишлаяпти, деб ўйлар эди. Модомики, ҳамма шундай ўйлаб, ўз қарсакларининг худбинларча моҳиятини тан олишни одобдан эмас деб ҳисоблар экан, улар ўз қарсакларининг худбинлик ифодаси эканини яшириш ва умумий олқишларга қўшилиб кетиш учун ҳаракат қилар, шунинг учун жон-жаҳдлари билан қарсак чалардилар. Шахсий қарсакларнинг мўъжазгина ҳиссалари қўшилиб қуёнлар жамоатчилиги фикрининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига куч қўшар эди.

— Нутқим қалай бўлди? — сўради Қирол Қироличадан, унинг ёнига ўтириб, қуёнларнинг оташин олқишларига жавобан оҳиста бош чайқар экан.

— Чинакам қаҳрамонлик кўрсатдинг, жонгинам, — деди Қиролича ва Қиролнинг юзидаги терларини карам япроғи билан авайлабгина артиб қўйди.

— Топқир ўзини кўрсата олди, — деди Қирол ва у томонга қараб бош иргаб қўйди.

Қиролича Топқирга кулиб қаради ва енгилгина имлаб чақирди. Топқир югургилаб келиб унинг олдида тошдек қотди. Қиролича табассум билан ҳалигина Қиролнинг юзидаги терлари артилган карам япроғини унга туҳфа қилди. "Ейишинг мумкин" деди унга. Бу олиймақом илтифот, аслини олганда, Ўринга Қўйилганликнинг аниқ-равшан аломати эди.

— Ҳеч қачон! — туҳфани бажонидил олар экан, жўшиб хитоб қилди Топқир. — Мен буни Сизнинг улуғ илтифотингиз рамзи сифатида асраб қўяман.

— Ихтиёринг, — деди Қиролича ва аёлларга хос қизиқиш билан Топқирга тикилиб қаради. Аёлга унинг ёқимтойгина ташқи қиёфаси, айниқса, ўт чақнаб ўйноқлаган кўзлари ёқди. Бу кўзлар аёл зотида ундан худди шундай ўйноқи кўзли кичкинтойгина қуёнча орттириш иштиёқини уйғотувчи нимадир борлигини ифода этарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма жим бўлгач, бутун машварат давомида ўз қавмдошларининг кўз олдида қаққайиб турган Ўйчан, ниҳоят, тилга кирди.

— Мен охиридан бошламоқчиман, — деди у дабдурустдан. — Қуён бўлганимдан кейин, илоннинг ғамини ейиш менга мутлақо кераги йўқ. Марҳамат қилиб ўз табиати ҳақида илоннинг ўзи бош қотираверсин!

— Хўш, сен нима деб бош қотирасан? — истеҳзоли гап қўшди Топқир ва Қироличага кўз тиккан кўйи карам япроғини ўпиб қўйди. Қиролича яна бир марта унга табассум ҳадя этди.

— Бу Топқир бало экан, — деди у.

— Ўринга Қўйилган деб ҳисоблайвер уни! — деди Қирол диққатини нотиқнинг гапларига қаратаркан ва шу сабабли мазкур илтифот Топқирга бироз аввал кўрсатилганини тамоман унутиб.

"Эркакка сездирмасдан қанча кўп ишларни қилиш мумкин, — деб ўйлади Қиролича ўзича, — агарда эркакнинг бутун фикри-зикри жамоат ишларига қаратилган бўлса!"

— Майли, ўзим ҳақимда гапирай, — деди Ўйчан, — модомики илон ўз табиати ҳақида қайғуришга ҳақли экан, қуён ҳам бунга тамомила ҳақлидир. Қуён табиатининг моҳияти эса, шундайки, у илонлар томонидан ютиб юборилишини мутлақо истамайди. Биз қуёнлар илонларсиз ҳам яшай оламизми?

— Яшаганда қандоқ! — хитоб қилди қуёнлар. — Яшаганда ҳам маза қилиб яшар эдик-а!

— У ҳолда айт-чи, — ўрнидан сапчиб турди Қирол, — нега Худо илонни яратди?

— Билмадим, — деди Ўйчан, — эҳтимол ўша пайтда кайфияти чатоқроқ бўлгандир. Эҳтимол у худди карамни биз роҳат-фароғатнинг нима эканини билишимиз учун яратганидек, илонни даҳшатли азоб-уқубатнинг нима эканини ҳис қилишимиз учун яратгандир.

— Бу гапинг тўғри! — қичқиришди илонлар. — Илон — азоб-уқубат, карам — роҳат-фароғат!

— Нима, нўхот билан бурчоқ роҳат-фароғат эмасми? — қуёнлардан бири шунақанги безовталаниб эслатдики, гўё бу хусусда ўз вақтида эслатилмаса, ушбу тансиқ таомлар қуёнлар истеъмолидан буткул чиқариб ташланадигандек.

— Давом этаман, — деди Ўйчан. — Шундай қилиб, модомики Худо илонни қандай бўлса шундайлигича яратган экан, мени ҳам қандай бўлсам шундайлигимча яратган. Ва мен ўйланиб қолган эканманки, демак, менинг қуёнлик табиатимга ўйлаш қобилияти мутлақо бегона эмас. Ўзимда мавжуд фикрлаш қобилиятимни ривожлантириб кўп кузатдим, тингладим, текширдим... Ҳаёт, Қиролимиз такрорлашни хуш кўрганидек, улуғ мураббий. Айнан у менинг бугунги хулосаларимга келишимга туртки берди. Кунлардан бир куни мен илон билан юзма-юз келиб қолдим. Шу пайт гипноз мушакларимни таранглаштириб бошлаганини сездим. Кўрққанимдан ҳушимни йўқотиб қўйдим. Озгина ўтиб ўзимга келсам, не кўз билан кўрайки, воажаб, мени ютиши керак бўлган илон думини биланглатганча кўз олдимда кетиб боряпти. Синчиклаб қараб Ғилайни танидим. Афтидан, у кўрмас кўзи томонида турганимда мени кўрмай бепарво ўтиб кетаверган. Шу аснода, гарчи аниқ-тиниқ шамойил касб этмаган бўлса-да, миямга антиқа бир фикр келди: уларнинг гипнози — бизнинг қўрқувимиз. Бизнинг қўрқувимиз — уларнинг гипнози!

— О, олижаноб соддадиллик! — хитоб қилди Қирол ўрнидан сапчиб туриб қуёнлар оммасига мурожаат қилар экан. — Ахир, мен сизга

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғилай ёки Калбатақай билан учрашиб қолишдек бахтли тасодиф ҳақида айтмаганмидим?

— Ҳа, ҳа, айтган эдингиз, — Ўйчаннинг сўзларида қандайдир жозибали, аммо ўта ташвишли ҳақиқат, Қиролнинг сўзларида эса, зерикарли, аммо алланечук юпатувчи ҳақиқат борлигини ҳис қилиб жавоб беришди қуёнлар.

— Ҳамма гап шундаки, — деди ҳаяжонланиб Ўйчан, — мен гипноз-нинг барча аломатларини ҳис қилдим, илон бўлса, мени кўрмади-сезмади ҳам! Демак, мен ўз қўрқувим билан ўзимни гипноз қилганман!

— Нақадар содда, лекин буюк ҳақиқат! — дея омма орасидаги бир қуён ўз бошига ўзи қаттиқ мушт уриб йиқилди-да, шу заҳоти жон таслим қилди. Унинг бечора калласи бу соддагина фикрнинг салмоғини кўтаролмаган эди.

Издиҳомда айни жузъий воқеага боғлиқ ғала-ғовур кўтарилди, лекин у машваратнинг давом эттирилишига монелик қилолмади. Ўйчан келтирган мисолнинг ишонтириш кучи, берилган қурбонга қарамай, қуёнларга битмас-туганмас шодлик бахш этган эди.

— Янги таълимотнинг биринчи мевасини кўринг! — заҳарханда билан хитоб қилди Топқир ақли ошганини кўтаролмай ўлиб қолган қуённи олиб чиқишар эканлар. Лекин унинг гапига ҳеч ким эътибор бермади.

— Тасанно! Офарин! Олқиш! — қичқирардилар қуёнлар. — Яшасин халоскоримиз!

— Буни ҳали исботлаш керак! — ҳайқирди Қирол тағин ўрнидан сапчиб туриб. — Нега ўзини ўзи гипноз қилганига бу қадар ишонч билан қарайди у?! Фақат Ғилай уни кўр кўзи билан кўролмай ўтиб кетгани учунми? Қани менинг Олимим чиқиб Ўйчанга тушунтириб берсин-чи, илмий нуқтаи назардан қаралганда нима бўлган ўзи?!

Бу гапдан кейин қуёнлар аста-секин ҳовурларидан тушдилар ва Ўринга Қўйилганлар орасидан Бош Олим чиқиб, жимлик сақланишини кутиб турди-да, ниҳоят, деди:

— Албатта, Ўйчаннинг ахбороти муайян илмий аҳамиятга молик...

Қуёнлар унинг бу гапига гулдурос қарсаклар билан жавоб қилдилар.

—...Гарчи бизнинг йиғилишимиз алламаҳалгача чўзилиб кетган бўлсада, — давом этди Бош Олим, — муайян хулосалар чиқаришга ҳали анча эрта. Хўш, Ўйчаннинг Ғилай билан ёхуд бизнинг илмий тилимизда айтганда, бир кўзи кўриш қобилиятини йўқотган илон билан тўқнаш келганида аслида нима бўлган эди ўзи? Афтидан, бизнинг қадрдон ҳамкасбимиз Ўйчан, ҳаммамизнинг бахтимизга, илоннинг кўролмайдиган тарафида туриб унинг назаридан четда қолиб кетган. Фақат шунинг учунгина у тирик қолган. Чунки ҳаракатдаги кўзнинг ҳалокатли гипноз нурлари бизнинг севимли ҳамкасбимиз турган томонда эмас, тескари томонда бўлган. Бу ҳол унга гипноз хусусида шундай юзаки хулоса чиқаришига асос бўлиб хизмат қилган...

— Қанақанги ақли калталарни олим деб ушлаб туришади-я! — пўнғиллади Қирол Олимнинг гапларини эшитиб ва гўё уни маъқуллаган бўлиб бош чайқар экан.

— Йўқ, сиз янглишасиз, азиз ҳамкасбим, — давом этди Олим. — Гипноз ҳали-ҳануз душманларимизнинг даҳшатли қуроли бўлиб турибди. Фақат бизнинг олимларимиз томонидан Қиролимизнинг шахсан иштирокида ишлаб чиқилган Кўпайиш Жадвалига оғишмай амал қилсаккина биз илонлар устидан ғалаба қозона оламиз. Кўпайиш Жадвалини ёдда тутинг ва уни ўқиб-ўрганинг! Ана шундагина биз қуёнларнинг келажагимиз гулкарамга муносиб бўлади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуёнларга Олимнинг нутқи ҳам айни ҳақиқатдек эди. Лекин кўпчилик ич-ичдан Ўйчанга мойиллигини ҳис қиларди.

Дарвоқе, Кўпайиш Жадвали хусусида. Унинг моҳияти шундай эдики, қуёнлар илонларга нисбатан жадалроқ кўпайишар эканлар, демак, қуёнлар илонларга нисбатан қанчалик кўп бўлсалар, ҳар бир алоҳида олинган қуённинг илонга ютилиш хавфини шунчалик камайтирадилар. Мазкур жадвалдан келиб чиқадики, келажакда ҳар бир қуённинг илонга ютилиш хавфи тобора камая бориб, нолга интилади, ахийри унга етиб боради, ҳатто ўтиб кетади ҳам! Шунинг учун қуёнлар кўпайишни жуда яхши кўрар эдилар.

Лекин қуёнларнинг шу топдаги кайфияти Ўйчаннинг фойдасига хизмат қилар эди. Буни кўриб-сезиб турган Қирол йиғилишнинг давомини бошқа бирон қулайроқ кунга кўчиришга қарор қилди. Шу мақсадда у кўпчиликка сездирмай Сарой Ёритувчисини сўзга чиқишга буюрди.

— Қуёнлар! — хитоб қилди Сарой Ёритувчиси. — Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Ёритқичлар бирин-кетин ўчяпти. Ёнар қўнғизларни озиқлантириш керак...

— Ҳечқиси йўқ! — қичқирдилар қуёнлар бу гапларга жавобан. — Ўрмонда нима кўп — ёнар қўнғиз кўп! Керак пайтида истаганингча йиғиб берамиз!..

Машваратни давом эттириб, сўзни тағин Ўйчанга беришга тўғри келди.

— Қуёнлар! — деди Ўйчан. — Олимимиз одатдагидек аҳмоқона гаплар қилди. Мен яна айтаман, гипноз мутлақо йўқ нарса. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Бақалар Ботқоғида нечта бақа бор? Шу ботқоқдан уззукун у ёки бу илон судралиб ўтади. Агар илон гипноз қудратига эга бўлганида, илоннинг ютиш хоҳишидан қатъи назар, хушини йўқотган ўнлаб бақалар унинг йўлига “мана мен” деб чиқаверган бўлар эди-ку? Бақалар шундай бўлсалар, сувдан ризқини терувчи қушлар илоннинг ортидан ғужғон ўйнаб қолмасмидилар?

Сиз яхши биласизки, ҳеч бир бақа илонни кўриб хушини йўқотмайди ҳам, ҳеч бир қуш илонга эргашмайди ҳам!

— Тўғри, тўғри! — қичқиришди қуёнлар. — Бу мисоллар ҳам яққол кўрсатиб турибдики, Ўйчан ҳақ: бизнинг қўрқувимиз — илонларнинг гипнози. Уларнинг гипнози — бизнинг қўрқоқлигимиз.

Қуёнлар шовқин-сурон кўтаришиб ўз муносабатларини билдиришар эканлар, Қирол Ўринга Қўйилганлар сафидан Қари Донишманд Қуён мансабидаги қуённи ҳузурига чақиртирди.

Бу қуённинг мансабга миниши анчагина қизиқ бўлган эди. Қирол Саройи қошида Сабзи дарахти ўсар, унинг меваси сабзига жуда ўхшаб кетар эди. Гарчи Сабзи дарахтининг мевасини еб бўлмаса-да, қуёнлар, одатда, байрам тантаналарида ундан безак сифатида фойдаланишар, Сабзи дарахтининг ўзи эса, қуёнлар томонидан муқаддас дарахт сифатида эъзозланарди.

Вақти-вақти билан Сабзи дарахтидан унинг сабзисимон меваси тўкилиб турарди. Айтиш керакки, анча салмоқли. Меванинг тўкилиш пайтида дарахт тагида турган қуёнларнинг оғир шикастланиш ва ҳатто ўлиш ҳоллари ҳам рўй берган. Кунлардан бир куни айни шу қуён Сабзи дарахтининг тагида турганида мева унинг бошига келиб тушибди.

Бечоранинг мияси чайқалибди. Бу қуёнлар қавми орасида мия чайқалиш хасталигининг биринчи маротаба қайд этилиши экан!..

— Мия чайқалиши?! — мисли кўрилмаган касал номини эшитиб ажабланди ўшанда Қирол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, мия чайқалиши! — тасдиқлашди табиблар.

— Демак, чайқаладиган нарса бор экан-да? — аниқлаштирди Қирол.

— Демак, бор экан, — тасдиқлашди табиблар.

— Тузалганидан кейин уни Қари Донишманд Қуён лавозимига тайинлаймиз, — фармон берди Қирол. Дарҳақиқат, бу оддийгина қуён соғайганидан кейин дарров Ўринга Қўйилганлар қаторига ўтди-қолди.

— Энди гапирасан! — тантана қилаётган қуёнлар оммасини тундлик билан кузата туриб унга буюрди Қирол.

— Менимча, фойдаси йўқдир-ов, ишлар пачава! — деди кўпни кўрган Қари Донишманд Қуён.

— Бир ҳаракат қилиб кўриш керак! — тағин буюрди Қирол. Айни чоғда Қирол Саройини қўриқлаш гуруҳининг бошлиғига, башарти ғалаён қўзғалган тақдирда чиқиб қочиш учун яширин йўлни ҳозирлаб қўйишни буюрди.

— Биласизлар, мен қари донишманд қуёнман, — деди Қари Донишманд Қуён. Айтиш керакки, у қисман ҳақ эди. Чунки мазкур мансабга тайинланганидан буён у қариб улгурган эди. — Мени донишманд қилган муқаддас Сабзи дарахти билан қасам ичиб айтаманки, Ўйчаннинг сўзларида...

Шундай дея қараса, қуёнларнинг бақир-чақирлари даҳшатли даражага етибди. Уларнинг айни лаҳзалардаёқ Қиролни тахтдан ағдариб, ўрнига Ўйчанни сайлагудек важоҳатлари борга ўхшайди...

— Ўйчаннинг сўзларида, — такрорлади у қуёнларнинг авжига чиқаётган қийқириқлари орасида ўз овозига жой топишга уриниб, — жуда катта ҳақиқат бор...

— Ура! — баттарроқ қичқиришди қуёнлар. Бу қичқириқлар ҳаттоки Ўринга Қўйилганларнинг безовталаниб чалган ҳуштакларини ҳам босиб кетди. Агар тўнтариш бўлса, биринчи галда улар шу ҳуштакларига яраша таъзирларини ейишлари аниқ. Лекин Интилувчилар нимагадир жим_ўтиришарди. Ҳатто улар ўзларини умуман ҳеч қандай интилишга эга бўлмагандек кўрсатишга урина бошлаган эдилар. Айримлари гўё табиий эҳтиёжлари юзасидан бориб келишлари керакдек бутун умр интилиб етишган жойларини ошкора ташлаб кета бошладилар. Қайтиб келиш чоғида эса, оддийгина қуёнлар орасида ўзларининг эски қадрдонларини бехос кўриб, улар билан узоқ-узоқ гурунглашиб, анчагина ушланиб қола бошладилар.

— Қирол айтган гапларда, — давом этди Қари Донишманд Қуён, — у қадар...

Шу пайт нимагадир қуёнлар оммаси кутилмаганда жим бўлиб қолди. Қари Донишманд Қуён Қиролга қаради ва юраги шувиллаб ўйланди: агар қирол қайта сайланмаса-чи? Оломон қаттиқ ғалаёнга тушганида у Қиролдан кучлироқ туюлган эди. Энди у жим қолганида, аксинча, Қирол яна кучлироқ туюлди. Шунинг учун у ўзи ҳам кутмаган ҳолда нутқини шундай якунлади:

— Ҳақиқат жуда кўп!.. Аммо, айт-чи, Ўйчан, агар сен ҳақ бўлсанг ва илонлар қилаётган ноҳақлик барҳам топса, бизга илоҳий учлигимиз: нўхот, бурчоқ, карамни кўнглимиз тусаганча истифода этиш масаласини ҳал қилиб берасанми ўзи?

— Ҳа, ҳа, — қичқиришди қуёнлар, — шу ҳаёт-мамот масаламизни ҳал қилиб берасанми?..

Ўйчан ўзи мансуб халққа тикилиб қолди ва ҳеч нима деёлмади. Шу асно оддий қуёнлар қўл ушлашиб ер тепинар эканлар, такрорладилар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муаммони ҳал қил-да, ўғирлик қилишга рухсат бер! Ўғирлик қилишга рухсат бер-да, муаммони ҳал қил!

Ўйчан тағин жим туравердн. Нима қилишини билолмай боши қотиб ўтирган Қиролнинг кўз олдида дафъатан умид учқунлари чақнади.

— Қуёнлар, — ниҳоят Ўйчан тилга кирди, — мен сизга бош муаммомизни ҳал қилиш йўлини баҳоли қудрат кўрсатиб турибман: илонлардан қўрқмаслигимиз керак! Шундан кейин нима бўлади, мен бу хусусда фақат тахмин қилишим мумкин, холос.

— Қаранг-а, у фақат тахмин қилар эмиш! — беихтиёр ғазабга минди Қиролича ва карам япроғини жаҳл билан йиртиб, нарироққа отди.

Интилувчилар япроқнинг қаерга бориб тушганини эслаб қолишга уринганча Қироличанинг дарғазаб истеҳзосини қўллаб-қувватлаб қийқиришди.

— Тағин бу бизга қандай яшашни ўргатмоқчи бўляпти-я! — хитоб қилди "Топқир" лақабли қуён. У ўз овози аниқ эшитилиши учун жўрттага қуёнлар жимиб қолганида хитоб қилганди.

Муаммонинг туб моҳияти шунда эдики, ҳеч ким Ўйчан қадар Топқирнинг ғашига тегмасди. Чунки улар болаликдан дўст эдилар. Иккаласи ҳам тез-тез айни бир қизни севиб қолишарди. Топқир агар ўзи Қўйилган бўлишга Интилмаганида Ўйчандан ҳам зўрроқ кашфиётлар қилиши мумкинлигига қаттиқ ишонарди. Афсуски, у ўз мавжудлигининг фалсафасига қарам бўлиб, қуёнлар жамоаси мавжудлиги масалалари билан жиддийроқ шуғулланишга ҳеч вақт тополмасди.

— Унга маза, — дерди Топқир танишларига Ўйчан ҳақида гап қўзғалганида, — чунки у Қўйилган бўлишга интилмайди.

— Ким сенинг интилмаслигингга халақит беряпти? — сўрашарди танишлари бундай ҳолларда.

— Сиз яхшиси ким менга ёрдам беряпти деб сўранг, — жавоб қиларди Топқир уларга, айни чоғда Қиролнинг кўзига яхшироқ кўриниш хусусида қаттиқ бош қотирар экан...

Топқирни қўя туриб, Ўйчанга қайтайлик.

Ўйчан гапида давом этди:

— Қуёнлар, — деди у, агар биз йўлнинг энг бошида туриб энг охирини кўришга уринадиган бўлсак, ҳеч қачон ўз жойимиздан жилолмаймиз. Дастлабки дадил қадамни қўйиш муҳим, унинг тўғрилигига ишониш ундан ҳам муҳимроқ.

— Тағин нима демоқчисан? — қичқиришди қуёнлар, — Айниқса, нўхот, бурчоқ, карам ҳақида нима дейсан?

— Ўйлайманки, — деди Ўйчан, — илонларнинг бизга нисбатан ўтакетган ноҳақлиги бартараф этилганидан кейин биз тубжойлилар томорқаларига нисбатан ўзимиз қилаётган ноҳақликлар хусусида ҳам ўйлаб кўришимиз керак бўлади.

— У-у-у, — беихтиёр уввос тортиб юборди бу гапдан норози бўлган қуёнлар. Қирол эса, бош чайқади: "Уни кўпроқ эшитаверинглар, ўшанда бахтиёр ҳаётни тушларингизда кўрасизлар!" демоқчи бўлди.

— Гап бу маҳсулотларни бутунлай инкор қилишда эмас, — деди Ўйчан, — балки уларни ўзимиз етиштиришни ўрганишимиз керак-лигидадир.

— У-у-у, — тағин жўровоз бўлиб баҳамжиҳат увлаб юборишди қуёнлар, — қанақанги ёқимсиз... Хўш, биз ерга қандай ишлов берамиз?

— Билмадим, — деди Ўйчан, — эҳтимол, кўрсичқонлар билан шартнома тузармиз, эҳтимол, бирон бошқа чораси топилар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— У-у-у, — баттар ҳафсалалари пир бўлиб увладилар қуёнлар, — агар кўрсичқонлар рози бўлишмаса-чи? Демак, “Алвидо, нўхот, бурчоқ, карам”ми?!.

Шу кўндаланг саволдан кейин оддий қуёнлар номидан қавми орасида обрўли бир қуён сўзга чиқди:

— Менга қара, Ўйчан, — деди у, — биз ҳаммамиз сени яхши кўрамиз. Сен ўзимизнинг йигитсан. Биз ҳақимизда ўйлайсан. Бу-ку, яхши. Лекин сен нимагадир тушунмаяпсан. Мана мен, масалан, ҳар куни ўрмонга бораман, ўтлоқларга, тузумлиларнинг экинзорларига кўз ташлайман... Ҳар куни мен илонга дуч келишим мумкин, аммо дуч келмаслигим ҳам мумкин. Аввалги куни, масалан, дуч келмадим, кеча ҳам, бугун ҳам, Худога шукур, кўриб турибсан, соғ-омонман. Бундан қандай хулоса келиб чиқяпти? Маҳаллий халқнинг экинзорларида мен ҳар куни бўлишим мумкин. Илон бўлса, мени ҳе-еч қачон ҳа-ар куни ютолмайди. Демак, масала менинг фойдамга ҳал бўляпти-ку, шундай эмасми?.. Демак, сен ниманидир ҳисобга олмаяпсан, Ўйчан. Марҳамат, ўзингнинг ям-яшил тепалигингга бор-да, шунақанги бир йўлини ўйлаб топгинки, натижада илонлар ҳам бизга тирғалмасинлар, ҳам, нима деймиз, Худо бизни уч севимли озуқамиздан қисмасин. Ана шунда биз барчамиз бир тану бир жон бўлиб сенинг ортингдан эргашамиз.

— Тўғри! Тўғри! — қичқиришди қатордаги қуёнлар. Чунки дўппи тор келиб, бош қотиб қолганида ҳеч қандай қарор қабул қилмаслик қарори қуёнлар қавми учун энг мақбул қарор эди.

— Агар ўша сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган ғоянг топилса, мен шахсан ўзим биринчи бўлиб сенга эргашаман! — тантана билан қичқирди қуёнлар Қироли.

— Яшасин бизнинг олижаноб Қиролимиз! — дея ўзларининг ҳеч қандай қарор қабул қилмаслик аҳдидан мамнун бўлган қуёнлар тағин Қиролга олқиш айтишга тушдилар.

— Гапим салгина чала қолди, — давом этди Қирол. — Ўйчанимиз ҳеч нимага чалғимай астойдил ўйланиши учун ҳар куни бизнинг ҳисобимиздан унинг оиласига икки дона бус-бутун сабзи бериб турилсин!

— Яшасин Қирол ва унинг саховати! — қичқиришди қуёнлар.

— Кўпайишга зўр бериш — мана бизнинг қуролимиз! — сўнгги маротаба қичқирди Қирол ва йиғилиш тугаганининг аломати сифатида Қироличани қўлтиқлаганича ўзининг муҳташам Саройига йўл олди.

Қуёнлар ҳам ғовур-ғувур қилишиб ўз инларига тарқалишди. Уларнинг айримлари виждон азобини ҳис қилиб, Ўйчаннинг ажойиб ғоясини қизғин қўллаб-қувватлади, лекин бу ғоянинг айрим хом томонлари ҳам борлигини таъкидлади.

Баъзи қуёнлар Ўйчаннинг хотинидан “Қиролнинг илтифотидан мамнунмисиз?” деб сўрашди.

— Албатта, бу от билан туя эмаску-я, лекин ҳар қалай... — жавоб қилди у қизиққан қуёнларга. Ўз навбатида бугунги кун ҳам нафақа муддатига кирадими-йўқми, шу асосда у эртага қурумсоқлиги ва расмиятчилиги билан машҳур Қирол Хазинабонидан бирйўла тўрт дона бус-бутун сабзи оладими-йўқми — масаланинг шу томонларини аниқлашга уринди.

— Бугунги кун ҳам қўшилади, албатта, — билағонлардек комил ишонч билан жавоб қилишди қуёнлар. Айниқса, йиғилиш вақтида унинг эрини қўллаб-қувватлашда энг ланжлик ва сусткашлик қилган қуёнлар энди шунчалик қатъий ишонч билан дадил жавоб қайтарардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўйчан кимсасиз қолган Қироллик Ўтлоғида ғамга ботиб ўтирарди. Нафақат унинг таълимоти тўғрилигига қаттиқ ишонган (бунақалар озчилик эмас эди), балки айни чоғда ҳузур-ҳаловатда яшашдан ўз ихтиёри билан воз кечиб, унга эргашишга қатъий аҳд қилган бир ёш қуёнча қошида қолди.

— Энди нима қиламиз? — сўради у Ўйчандан.

— Нима ҳам қилардик, — деди Ўйчан, — ўйлашда давом этамиз-да!

— Мен ҳам сиз билан биргалашиб ўйласам майлими? — сўради ёш қуён. — Сизнинг гапларингизни эшитганимдан буён менда асл ҳақиқатни билишга шунақанги чанқоқлик уйғондики!..

— Майли, биргалашиб ўйлашамиз, Чанқоқ! — деди Ўйчан. — Мен бутун куч-ғайратимни илонларни ўрганишга сарфлаган эдим. Аммо ўз қондошларим қуёнлар чин ҳақиқатга суяниб яшашга ҳали тайёр эмасликларини билмаган эканман...

Эртасига саҳардан қуёнлар ҳаёти эскичасига давом этди. Уларнинг бир гуруҳи ўтлоқзорларга йўл олди, яна бир гуруҳи соя-салқингина чакалакзорни хуш кўрди, айримлари эса, тузумлиларнинг томорқаларига равона бўлдилар.

Ўйчан эрта тонгданоқ авваллари ўзи илонлар устидаги кузатишларини хаёлида пишитган ям-яшил тепаликда ўтирарди. Энди илонлар ҳақидаги ўйларига қадрдон қуёнлари ҳақидаги безовта ўйлари ҳам келиб қўшилган эди.

Тепаликдан ўтлоқзорлар, пастликда кенг ёйилиб оқувчи, шунинг учун ҳам чакалакзорда яшовчилар томонидан “Бақалар Ботқоғи” деб номланган иланг-биланг дарёнинг ажиб манзаралари яққол намоён бўлар эди.

Чанқоқ эрталабдан ўқтин-ўқтин Ўйчанга кўз ташлаб, унинг олисдан кўриниб турган авзойидан миясига қандайдир янги фикр келган-келмаганини аниқлашга ўзича уринган ҳолда тепалик ёнбағрида ўтлаб юрар эди. Кўп ўтмасдан қизиқиши иштаҳаси устидан ғолиб чиқиб, нонуштани қисқароқ қилганча яшил тепаликка кўтарилиб борди.

Бу пайтда Қироллик Саройининг кенг ошхонасида кечаги ғалаба шарафига нонушта зиёфати берилмоқда эди. Барча Ўринга Қўйилганлар, табиийки, ўз ўринларида ўтирардилар. Қиролнинг кайфияти яхши эди. Нонушта асноси у тез-тез ҳазил-ҳузул қилар, бамбукдан ясалиб, кокос арағи билан тўлдирилган улкан қадаҳни ўқтин-ўқтин баланд кўтарар, уни кўрган Қўйилганлар тезда ўз қадаҳларини тўлдириб, қувноқлик ва тетиклик бахш этувчи ичимликни ўз Қироллари билан кетма-кет сипқорардилар.

Алоҳида қайд этиш керакки, Ўринга Қўйилганлар орасида бир неча назоратчилар ўтиришарди. Улар Ўринга Қўйилганлар қиёфасига кириб олиб, аслида, Ўринга Қўйилганларнинг суҳбатларини қулоқларини динг қилиб тинглашар, бундан кўзда тутилган асосий мақсад исён куртакларини ёхуд Қирол сиёсатидан охир-оқибат исёнга олиб келиши мумкин бўлган чекиниш ҳолларини ўз вақтида илғаб олиш эди.

Гарчи Қўйилганлар қиёфасига кириб ўтирган бўлсалар-да ва айнан шунинг учун ҳам улардан низом бўйича алоҳида қимматбаҳо маҳсулотлар, хусусан, карам, нўхот ва бурчоққа нафсларини тийиброқ қараш талаб этиларди. Лекин Ўринга Қўйилганлар ўзларининг қаторларида Қўйилганлар қиёфасида ўтирган назоратчилар борлиги, шунингдек, назоратчиларга Қўйилганлар даражасида еб-ичиш таъқиқланганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

билганлари учун улар бошқа Қўйилганлар қандай еб-ичаётганини зимдан кузатардилар. Айни чоғда, ўзлари имкон қадар кўпроқ еб-ичишга, токи ўзларини, қуёнларнинг оддийгина тилида айтилганидек, айғоқчи деб ўйламасликларига уринардилар. Аммо авом тилида "айғоқчи" деб аталувчилар зиёфатда тортинибгина ўтирсалар, бошқалар уларнинг асл вазифаларини сезиб қолишларини яхши билишарди. Шу боис ҳақиқий қиёфаларини яшириш учун имкон қадар кўпроқ еб-ичардиларки, бу уларнинг ички хоҳиш-истакларига ҳам тўла равишда мувофиқ келар эди.

Шундай қилиб, Қирол зиёфатида барча улкан фидойиларча иштаҳа билан тановул қиларди.

Бу гал Қўйилганлар орасида Қари Донишманд Қуён мансабини эгаллаган қуён кўринмасди. Унинг кечаги иккилланиши, табиийки, Қиролнинг диққат назаридан четда қолмаган эди. Ўрнида энди Қари Донишманд Қуённи "Қари Тулки" деб аташни таклиф қилган, бу таклифи қувноқлик билан қизғин қўллаб-қувватланган Топқир ўтирарди. Қирол эса, "Қари Тулки" ҳаётидан бир неча қизиқ латифалар айтиб берди.

Нонушта авжида ошхонага вақт емириб ташлаган тишларини кавлаштириб айни ўша ҳамма устидан кулаётган ва куни кечагина қиролликнинг биринчи маслаҳатчиси ҳисобланган қуён кириб келди. Маълум бўлишича, у энди ошпазлар хонасида нонушта қилибди. Айни у кириб келганида Қирол ўзининг собиқ донишмандини Сабзи дарахти тагига турғазиб қўйиб, мевасининг бошига тушишини кутиш ва у ҳозирда ҳам мия чайқалиши касалини бошидан кечирадими-йўқми, аниқлашни ярим ҳазил, ярим чин сифатида таклиф қилаётган эди. Барча Қўйилганлар Қирол ҳазилига жавобан кулакула энди бу хум каллада чайқаладиган ҳеч вақо қолмагандир-ов деб фикр билдирди!

— Мен нима учун ошпазлар хонасига ўтиб қолганимни биламан, — деди "Қари Тулки", — лекин нега менга унча янги бўлмаган кўкатларни беришганига тушунмаяпман?

— Нима-нима? — сўради Қирол ўтирганларга маъноли кўз қисиб. — Сенга унча... жуда яхши кўкатларни беришдими ҳали?

Ўринга Қўйилганлар хоҳолаб кула бошладилар. Уларнинг анчамунчаси маъшуқалар эркаланиб ошиғининг кўксига ўзларини отганидек нозик бир ишончу таманно билан тўкин дастурхон устига ўзларини ташладилар. Шу аснода ҳам карам япроғи ёки нўхотни гўёки бехосдан оғизларига солардиларки, бу, афтидан, ўз моҳиятига кўра ошиқ-маъшуқаларнинг бир-бирларини ялаб-юлқашларига ўхшаб кетар эди.

— Мени мутафаккир қилган Сабзи дарахтининг номи билан қасам ичиб айтаман, — деди "Қари Тулки", — мен хато қилдим... Аммо кейин шу хатойимни ўзим тузатдим-ку!

— Тузатмай ҳам кўргин эди, — деди Қирол мийиғида кулиб, — акс ҳолда сен ошпазлар хонасида эмас, узоқроқларда нонушта қилган бўлардинг. Ҳа, майли, ўтир, мен бағрикенгман. Бундан кейин қаттиқ ишлайдиган каллангни тегишли дармондори билан ким таъминлаётганини яхшигина биладиган бўласан.

Шундай қилиб, хуш кайфият билан Қари Донишманд Қуён тағин Ўринга Қўйилди. Тўғри, Қирол "Қари Тулки" деган кулгили лақабни сақлаб қолди. Бу ўз навбатида, бир томондан, унинг мансабига алланечук масхарали маъно бахш этар, иккинчи томондан эса, Топқирни Қирол оиласига яна-да яқинлаштирар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Топқир бирор ой Ўринга Қўйилганлар қаторида қиролликнинг энг зўр ичимликларини ичиб, таралабедод қилиб яшади. Маҳаллий аҳоли томорқаларидан етказиб келинган тансиқ таомларни эса, айтмаса ҳам бўлади.

Топқирга бу ерда ҳаммаси хуш ёқди. Фақатгина Ўринга Қўйилганлар йиғилишганида нимагадир на Қирол, на бошқалар гулкарам ҳақида лом-мим демасликлари уни ажаблантирди. Бу чиндан ҳам жуда ажабланарли ҳол эди. Чунки Қирол оддий қуёнлар билан ҳар учрашганида у ёки бу даражада гулкарам ҳақидаги масалага ўз муносабатини билдирар эди. Бу ерда эса, нимагадир бу хусусда гапирилмас эди. Нега шундай?

У саволга жавоб қидирар экан, ўзича хулосага келдики, афтидан, Ўринга Қўйилганлар орасида шундай нисбатан торроқ доирадаги хослар, яъни, Ўриндиққа Қўйилганлар бор ва улар, эҳтимолки, Гулкарам ҳақида нафақат гапиришади, балки ҳар ҳафта камида бир маротаба уни татиб кўришади ҳам! Топқир шундай деб ўйларди. Лекин биронтасидан сўрашга журъат қилолмасди. Чунки Ўринга Қўйилганлар орасида ким Ўриндиққа қўйилганини билмасди. Буни сўраш ўзининг Ўриндиққа Қўйилмаганини тан олиш эканлигини Топқир яхши тушунарди. У қулай вазиятни кутишга ва бу хусусда Қиролнинг ўзидан сўрашга аҳд қилди.

Шундай кун ҳам келди. Кунлардан бир куни Қирол ундан тушликдан кейин яккама-якка суҳбатга қолишни илтимос қилди.

— Сенга давлат аҳамиятига молик топшириғим бор, — деди Қирол ва Қиролича эшикни маҳкам ёпиб келиб Топқирнинг ёнига ўтиргач, қўшиб қўйди: — Сен уни бажаришга тайёрмисан?

— Буюринг, Қиролим! — деди Топқир кўзларини ерга тикиб.

— Бу ерда бизнинг сарой Шоиримиз бир шеър ёзибди. Вазифа шуки, сен чакалакзордаги Холис Сўқмоққа чиқиб, унинг бошидан охирига қадар бутун йўл давомида шу шеърни қўшиқ қилиб айтишинг керак бўлади?..

— Қулоғим хизматингизга тайёр, — деди Топқир ва қулоғини қимирлатди.

Қирол қанчалик ишончли эканини аниқламоқчи бўлаётгандек унинг қулоғини синчиклаб кўздан кечирди:

— Мана, эшит, — деди Қирол ва каттакон банан япроғига маржон мевасининг шарбати билан ёзилган шеърни ўқишга тушди:

Ўйчан қуён
Тепаликда ўтирибди,
У ердан ўтлоқ кўриниб туради
Ва Бақалар Ботқоғи.
Аммо бўрон барибир бошланаяпти!

Даҳшатли тахминдан Топқирнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Жаноби олийлари, — овози титраб сўради у, — бу қайси маънода?..

— Маъноси йўқ, — жиддий тортиб унинг гапини шартта бўлди Қирол.

Топқир дарров тушунди. Бу шеърни қўшиқ қилиб айтиш — илонларга ўз қондоши Ўйчанни сотиш деган гап эди. У Қирол берган Ўриндан буткул воз кечиб, оддий қуёнлар қаторига кетишга аҳд қилди. Нима бўлганда ҳам, гарчи у табиатан ўтакетган шуҳратталаб бўлса-да, ҳар қалай, аламзада эмас эди. Аммо бу ерда битта нозик жиҳат бор эди. Саройда қабул қилинган таомилга кўра, оддий қуёнлар қаторига қайтарилган қуён жамики мукофотларини Қиролга қайтаришга мажбур эди.

Демак, у қачондир Қиролича туҳфа қилган ва ўзини Ўринга кўтарган ўша карам япроғини ҳам қайтариши керак эди. Аммо гап шунда

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдики, у ўшанда уясига қайтаётганида қувонганидан карам япроғининг ярмини еб қўйган, ҳолбуки уни ейиши мумкин эмас эди. Зотан, ўзи уни эсдалик учун сақлаб қўйишни ваъда қилган эди.

Гап шундаки, Қироличадан карам япроғини ноёб туҳфа сифатида қабул қилиб олар экан, у таклиф қилганидек, ейишга ҳақли эди. Лекин туҳфани, ўзи айтганидек, мукофот даражасига юксалтирганидан кейин уни еб қўйиш ҳуқуқини бой берган эди.

Буларнинг барчаси яшин тезлигида Топқирнинг хаёлидан кечди. Иқрор бўлдики, ярми еб қўйилган карам япроғини Қироличага қайтаришнинг мутлақо иложи йўқ. Албатта, у тушунади: бу иши учун уни ҳеч ким таъқиб қилмайди. Бироқ қуёнлар табиати шундайки, уларга бугунги ноқулайлиги эртанги сотқинлигидан оғирроқ туюлади. Ноқулайлик – шу топда, айни лаҳзаларда, эртага эса, нима бўлишини Худо билади. Масалан, қуёш тутилади-да, шу муносабат билан ҳаммаси бекор қилиниши мумкин.

– Яхши, – деди Топқир чуқур хўрсиниб, Қироличага қаттиқ қийналаётгандек илтижо билан боқиб, – фақат мен матнга бир тузатиш киритсам майлими?

– Агар бу моҳиятни ўзгартирмайдиган бўлса, майли, – деди Қирол.

– Мен шу тарзда айтишни истаяпман:

Қандайдир ўйчан
Тепаликда ўтирибди.
У ердан ўтлоқ кўринади
Ва Бақалар Ботқоғи.
Аммо бўрон барибир бошланяпти!

– Бўпти, – деди Қирол ва мамнун ҳолда Топқирнинг елкасига бир қоқиб қўйди. Топқир ўзини алдайман деб аслида усталик билан ўз виждонини алдашга уринаётганини у яхши биларди. Кўнглига далдами-таскин қидиряпти. Шу боис қўшимча қилди: – Айниқса, ҳозир айримлар бунақанги андишага ўхшаш нарсаларни шунчаки бидъат, эскилик сарқити деб турган бир пайтда...

– Яна бир тузатиш киритсам майлими? – сўради Топқир ва Қиролнинг розилигини ҳам кутмай тез айта бошлади:

Қандайдир ўйчан
Тепаликда ўтирибди.
Пам-пам, пам-пам, пам-пам-па!
Ва Ба-ба-ба-қа Бат-қо-ғи
Аммо бўрон барибир бошланяпти!

– Буёғи сўзсиз оҳангжама бўлиб кетди-ку, – ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади Қирол, – бўш келганинг сайин жа-а...

– Майли, майли, – кутилмаганда гап қўшди Қиролича, – қайтага шу туришида яна-да жозибадор эшитиляпти. Фақат менинг бир илтимосим бор: қўшиқни айтаётганингда учинчи қатордаги охирги икки сўзни имкон қадар авж пардада айт: “Пам-пам, пам-пам, пам– П-А-А-М! Па!” Тушунарлими?

– Албатта, – деди Топқир, – қўшиқ айтаётганимда мен буни албатта ҳисобга оламан.

– Майли, – деди Қирол, – шундай ҳам бўла қолсин. Фақат олдидан биргина сўзни қўш. Яъни, мана бундай: “Кўринади пам-пам, пам-пам, пам– П-А-А-М! Па!” Тамом, бошқа савдолашмаймиз!

– Хўп бўлади, жаноби олийлари, – деди Топқир.

– “Ва Ба-ба-ба-қа Ботқоғи” дейсанми? – сўради Қирол сўнгги сатрни қайта эшитиб кўриш учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Худди шундай, — маъқуллади Топқир, — «Ва Ба-ба-ба-қа Ботқоғи” дейман.

Қирол андак иккиланди:

— Биз тарафларда учта ботқоқ машҳур: Йўлбарслар Ботқоғи, Маймунлар Ботқоғи, Бақалар Ботқоғи... Англашилмовчилик келиб чиқмасмикан?

— Йўғ-э, — деди Қиролича, — эшитадиганлар биздан аҳмоқроқ деб ўйламаслигимиз керак.

— Қиролим! — сўради Топқир, — мен бир нарсага тушунмаяпман: “Аммо бўрон барибир бошланяпти!” сатрининг нима кераги бор?

— Сен бизнинг Шоиримизни билмайсан, — деди Қирол, — у бўронсиз туролмайди!

— У шеъри нима мақсадда фойдаланишини ўзи биладими? — сўради Топқир. Ўйчанни сотишда ёлғиз ўзи хизмат кўрсатмаса, назарида, анча енгил бўладигандек эди.

— Албатта билмайди! — қовоғини уйди Қирол. — У Шоир, осмонда учиб юрибди. Уни ўзимизнинг ерга боғлиқ хонаки ишларимизга аралаштириб нима қиламиз?!.

— Тўғри-тўғри, — маъюсгина рози бўлди Топқир.

— Майли, — деди Қирол, — матнни маромига етказдик. Айрим натуралистик тафсилотларни олиб ташлаш кераклигини сен бунчалик тез фаҳмлаганингга қойил қоляпман!..

— О, Қирол, — беихтиёр оҳ чекди Топқир, — бундай вазиятда фаҳмламай бўладими!..

— Дарвоқе, — деди Қирол ўта айёрлик билан, — Қиролича сенга туҳфа қилган карам япроғини охиригача ейверсанг бўлади энди...

— О, Қироличам! — нола қилди Топқир ва қаттиқ хижолат чекиб, бошини панжачалари орасига яширди: — Мени афу этинг... тансиқ таом...

— Ҳечқиси йўқ, — олижаноблик кўрсатиб далда берди Қирол, — ҳаммамиз ҳам қуёнмиз... Ҳар қалай, ахборот хизматим қандай йўлга қўйилган, а, Қиролича?

— Сен муғомбирними! — Топқирга енгилгина пўписа қилиб танбеҳ берди Қиролича, — бунинг “Ҳеч қачон!” деб чин юракдан хитоб қилганини ўшанда бир кўрганингизда эди, Қирол!

Шундан кейин Қиролича Топқирга қироллик дафтарини берди. Унда фалон куни сарой қуёни Топқир Холис Сўқмоққа чиқиб “Бўрон мавзуидаги ариялардан парчалар”ни ижро этиши кўрсатилган, чакалакзорнинг барча аҳолисига қуёнлар бардам яшаётгани ва бемалол кўпайишаётганини кўрсатиб қўйиш кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Топқир имзо чекди ва Қиролнинг шахсан ўзи унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Ана энди тила тилагингни, сен истаган ва менинг қўлимдан келадиган нарсани бажо келтираман, — ҳиммат кўрсатди Қирол.

— Мен фақат шуни сўрамоқчи эдимки, — деди Топқир, — мен шунга ажабланаяпманки, ҳалиги, қироллик зиёфатлари даврасида гулкарам ҳақида лом-мим дейилмайди, ҳолбуки жаноби олийлари ва ё бошқалар оддий халқ билан гаплашганингизда уни тез-тез тилга олиб турасизлар, нега шундай?

— Нима дейиш мумкин, — елка қисди Қирол, — тажрибалар муваффақиятли ўтяпти ва биз ҳар томонлама шароит яратиб турибмиз... Барча Янги Қўйилганлар фикрича, Ўринга Қўйилганлардан ташқари алоҳида олий Ўриндиққа Қўйилганлар ҳам бор...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима, у йўқми? — ҳафсаласи пир бўлиб сўради Топқир.

— Йўқ, азизим, — унинг елкасидан дўстона қучиб жавоб қилди Қирол, — Қиролича билан ётоқхонамиздан бошқа Қўйиш мумкин бўлган жойимиз йўқ!

— Фу, Қирол, қандай қўполлик, — деди Қиролича юзини четга буриб, айни чоғда, Топқир томонга қараб кўзларини сузиб.

Аммо Топқирнинг шу қадар ҳафсаласи пир бўлдики, буни сезмади ҳам.

— Менга ҳаммадан кўра қийинлигини энди сен тушунгандирсан? — деди Қирол.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Олий даражадаги Қўйилганларнинг йўқлигидан қаттиқ хафа бўлган Топқир.

— Чунки сизнинг ҳар бирингиз учун, — деди Қирол, — сир бор, интилиш мумкин бўлган марра бор. Менда бўлса бу бахт йўқ. Агар мен тушунмасам, тушунтирадиган кимсанинг ўзи йўқ... Мана нима учун қироллигимда менга ҳаммадан қийинроқ... Лекин биргина тасаллим бор... Унга — Қирол қўли билан осмонга ишора қилди, — яна-да қийинроқ...

— Модомики Олий даражадаги Ўриндиқ йўқ экан, бундан чиқди, менга ҳам интиладиган марра қолмабди-да! — хитоб қилди Топқир, ўзининг хафалиги орқали Қиролнинг тушкунлигини яхшироқ тушуниб. — Қанчалик зерикарли!

— Бу кайфиятинг ўтиб кетади, — деди Қирол қатъият билан, — вақти-соати келиб Ўринда имкон қадар узоқроқ ўтириш иштиёқи Ўринга Қўйилганларнинг ягона битмас-туганмас интилишига айланиб қолади... Ана энди бора қол... Тиниқиб ухла... Эртага янги куч-ғайрат билан Холис Сўқмоққа...

Топқир таъзим қилиб Қирол саройини тарк этди.

— Биласанами, Топқир нимаси билан менга ёқади? — сўради Қирол, кенг ва ёруғ хона бўйлаб одимлар экан. Сўнг ўз саволига ўзи жавоб қайтарди. — Инсофи борлиги билан!

— Қачондан буён? — сўради Қиролича бир қадар таажжубланиб.

— Сен ҳеч нимага тушунмайсан, — деди Қирол хона ўртасида таққа тўхтаб, — қуёнга нозик топшириқни бераётганингда ҳалок қилмайдиган даражадаги инсоф жуда фойдали бўлади.

— Мен сени унчалик тушунмадим, — деди Қиролича паришонхотирлик билан, чунки у шундай ўйноқлаган кўзларга эга Топқир бу қадар ишончсиз бўлиб чиққанидан ҳали-ҳануз хафа эди.

— Ҳа, — такрорлади Қирол тағин хона бўйлаб одимлар экан, — қуён нозик вазифани бажараётганида муайян уятни ҳис қилиб турса, у ўзидан кейин кўзга кўринадиган из қолдириб, уятдан қизариб қолмаслиги учун бу вазифани имкон қадар тоза бажаришга ҳаракат қилади. Бу эса, биз учун айни муддаодир. Инсофнинг ўлдириб қўймайдиган даражаси — бизнинг мутафаккирларимиз қуёнларнинг онггига қуйиши керак бўлган нарса айни мана шу!

— Эркакларнинг қанчалик бебурдлигини қара-я! — деди Қиролича. — Ўзи "Ҳеч қачон!" деб туриб ўзи еб қўйганини-чи!..

— Ейди деб умид қиламиз, — ғалати жавоб қилди Қирол, қуёнлар қироллик манфаатлари йўлида ишлар эканлар, ўз ишларидан биронбир хатарли из қолдирмасликлари учун уларнинг онгига ўлимга олиб келмайдиган инсоф дозасини қандай қилиб яхшироқ сингдириш хусусида ўйлар экан.

Ҳозир биз ўз сюжетимиздан бир қадар чекиниб, қуёнлар Қироли билан Шоир ўртасидаги муносабатлар тарихини ҳикоя қиламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоирнинг табиатида ҳар қандай кулфатга учраганга самимий ҳамдардлик билан ҳар қандай маиший ва табиий бўронларга нисбатан романтик ҳайрат ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган эди.

Дарвоқе, Қирол Шоир ҳормай-толмай мадҳ этган бўронлардан бирининг шарофати билан ҳокимият тепасига келган эди.

— Бу мутлақо мен куйлаган бўрон эмас, — дерди Шоир аввалига Қиролнинг бошқарувидан норози бўлиб.

Лекин кейинчалик улар тил топишдилар. Қирол бўрон қўшиғини қуёнлар ақлий ҳаётининг бир бутун, ягона ва тўлақонли мазмунига айлантиришни ваъда қилиб, уни ўзига оғдириб олди. Бундай жозибали ваъдага Шоир қарши туролмади.

Хуллас, Шоир бўрон қушини мадҳ этишни жуда севар ва кулфат қушини кўришни, аксинча, жуда ёмон кўрар эди.

Бўрон қушини кўрдими — мадҳ этади. Кулфат қушини кўрдими — йиғлайди. Унисини ҳам, бунисини ҳам шунақанги сидқидиллик билан қилардики, айни чоғда, бўрон қушини мадҳ этиш муқаррар равишда кулфат қушининг пайдо бўлишига олиб келишини тушунолмасди.

Гоҳо шундай бўлардики, кулфат даракчисининг елкасида йиғлаб улгурмасидан ўзи кўз ёш тўкиб бошлаган елкалар оша кўкка отилган бўрон қушини кўриб, бу жанговар қушга шодон олқиш айтиб юборарди.

У ўзининг шеърий овози бўрон қушини яна-да дадиллаштиради ва атрофдаги қуёнларга барра сабзавотларга муҳаббатдан ташқари уларда бўронга муҳаббатдек олий даражадаги бурч борлигини кўрсатиб қўяди деб ишонарди. Қуёнлар гоҳида унинг овозига қулоқ тутишиб, сабзавотга муҳаббатни олий даражадаги бурчга муҳаббат билан қиёслашардилар. Ва ҳар гал сабзавотга муҳаббатни улар ўз қалбларида аниқтиниқ ҳис қилишлари, олий даражадаги бурчга муҳаббатни эса, жуда ғира-шира ҳис қилишлари, аниқроғи, ҳатто мутлақо ҳис қилмасликлари уларни ажаблантирарди.

Шоир қариган чоғларида бўрон қушини кўриб ҳамон ўша-ўша ҳайратга тушарди. Аммо, кўзи заифлашгани учун оддийгина қарғани бўрон қуши деб ўйлайдиган бўлиб қолган эди. Қирол ҳам Шоир қуёнлар орасида шармандаси чиқмасин деб кўзи ўткиргина бир қуённи унга йўл кўрсатувчи қилиб бириктириб қўйган эди, токи у хатони ўз вақтида тузатишига кўмаклашсин. Дарвоқе, бу қуёнча ўтлоқда сайр қилар эканлар, Шоирни ҳар хил ўйдим-чуқур ва жарликларга бехос йиқилиб тушишидан ҳам сақлар, чунки Шоир бўрон қушини қидириб ҳамиша осмонга қараб юрар, атрофига аланглаб қарашга вақти ҳам, ҳуши ҳам бўлмасди.

— Жаҳон узра уч, бўрон қуши!..— деб бошларди Шоир, аммо кўзи ўткир қуёнча дарров уни тўхтатиб қоларди:

— Шоир амаки, у бўрон қуши эмас, қарға-ку!

— Э-э, қарғами, — ҳафсаласи пир бўлиб дерди Шоир. Кейин ўзинимиқуёнчаними овутарди. — Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, қарға бўлса ҳам, муҳими, бўронга чорлаяпмиз-ку!

Биз ҳам, ўйлаб қарасак, чалғиб кетибмиз, ҳолбуки Шоир билан Қиролнинг ҳаёти ҳақида тартиби билан ҳикоя қилишимиз керак эди. Устига устак, бу тарих, аслини олганда, кўтаринки эмас, анчагина ғамгин эди. Бинобарин, шунга мувофиқ равишда бир баҳя пастроққа тушишимиз керак бўлади.

Хуллас, Қирол билан Шоир тил топишганларидан кейин, Қирол яқин кунларда қуёнларнинг умумхалқ таълимини жорий қилишга ваъда берган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Фақат шундагина менинг мутафаккирона кўрсатмаларим ва сенинг илоҳий шеърларинг барча қуёнларнинг бисоти бўла олади, — деган эди бўлажак Қирол.

Аммо қироллик ҳаётининг кундалик ишлари давлат аҳамиятига молик шунақанги майда-чуйдаларга тўлиб-тошган эканки, Қиролнинг буюк орзуларни рўёбга чиқаришга ҳеч вақти бўлиб, қўли тегмасди.

— Тахтда худди ғилдиракдаги олмахондек айланаверар экансан, — ўсмирлик дўсти унинг дадил режаларини эслатганида Қирол ўзини оқлади, — лекин мен ҳам бўш келмай тағин беш кўза сиёҳ тайёрлашни буюрдим... Демоқчиманки, бу йўналишда ҳам баъзи чоралар кўриляпти.

Қирол маржон шарбатидан олинган сиёҳни вақти келганда бутун қуёнлар қироллигида саводсизликни тугатишга қаратилган кураш воситаси билан тўла таъминлаш мақсадида тайёрлаттирган эди. Аммо вақт ўтмоқда, қуёнларнинг умумий таълими масалаларига эса, Қиролнинг вақти йўқ эди. У қилишга улгурган ягона иш — вақти-вақти билан яна бир неча кўза маржон шарбатидан олинадиган сиёҳни ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўйишга буйруқ бериш эди.

Лекин ўша эҳтимол ҳеч келадиганга ўхшамасди. Маржон шарбати эса, идишда ачиб, ажойиб ўткир ичимликка айланар, лекин буни ҳеч ким билмасди. Кунлардан бир куни Шоир ўзининг шоирона патқаламини қаттиқ ғажиб ўтириб унинг ингичка найчаси орқали тасодифан сиёҳдан озгина сўриб қўйди. Сиёҳнинг ажойиб хусусияти ҳақидаги овоза қуёнлар орасида тез тарқалди. Ана шунда улар ўз билимларини оширишга катта иштиёқ кўрсата бошладилар. Лекин бу хусусда бошқа жойда батафсилроқ ҳикоя қиламиз.

Қироллик ҳокимиятини қўлида ушлаб туриб, қуёнлар Қироли афсус-надоматлар ила иқрор бўлдики, унинг бутун куч-ғайрати ана ўша ҳокимиятни қўлида маҳкам ушлаб туришга сарф бўлаяпти. Агар бутун куч-ғайратинг уни ушлаб туришга сарфланадиган бўлса, бундай ҳокимиятнинг нима кераги бор, деб ўйларди Қирол гоҳида. Ахийри у шундай хулосага келди: қиролликни ҳимоя қилувчилар сонини кўпайтириш керак, токи у нима мақсадда ҳокимият тепасига чиқишга интилган бўлса, ўша мақсадга йўналтирилган ишларга вақт топа олсин.

У қироллик ҳимоячиларини кўпайтирди, натижада ўзи бир қадар енгил тортгандек бўлди: ҳокимиятни ушлаб туришга сарфланаётган кучнинг бир қисми озод бўлган эди-да. Аммо кунлардан бир куни унинг калласига анчагина соғлом бир фикр келди: бундай қудратли ҳимоянинг ўзи ундан ҳокимиятни тортиб олишга уриниб қолса-чи? Эҳ, энди нима қилса бўлади?

Агар шу топда ҳимоячилар сонини бирдан камайтирса, ўйлади Қирол, ғаразли ниятда турганлар ҳокимиятни қўлга киритишга қулай вазият келди деб ўйлайдилар. Шунинг учун у ҳимоячиларни янада кўпайтирди ва янги ҳимоячиларга шундай бир яширин топшириқ бердики, токи улар Қиролни эски ҳимоячилардан ҳимоя қилсинлар.

Аммо бу ҳол Қиролнинг аҳволини баттар мураккаблаштирди. Шу нарса аён бўлдики, эски ҳимоячилар ичида жуда кенг ваколатларга эга бўлган янги ҳимоячилар ҳаддан ташқари назоратсиз бўлишади ва шуниси билан Қиролга хавф туғдиради. Шунда у эски ҳимоячиларга янги ҳимоячилар ортидан кузатишдек яширин топшириқ берди, токи янгилар унга сотқинлик қилолмасинлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо бу Қиролни баттар чалкаштирди ва унинг ҳаётини баттар мураккаблаштирди. Бундай кенг ваколатларга эга кўпдан-кўп ҳимоячиларнинг ҳар бирини қандайдир кундалик иш билан таъминлаш керак эди. Акс ҳолда жавобгарликсиз ҳокимиятдан боши айланиб, улардан ҳар бири нияти бузуқ исёнкорга айланиб қолиш эҳтимоли бор эди.

Шундай қилиб, ҳар бирининг зиммасида тайинли вазифа бўлиши ва ҳар бири бу вазифанинг бажарилиши хусусида ҳисобот беришга мажбурлиги учун бутун қуёнлар қавми ва, айниқса, қироллик хизматида бўлган қуёнлар ортидан айғоқчилар қўйишга тўғри келди. Аммо қироллик хизматида бўлганлар орасида Қирол тўла ишонадиган қуёнлар озчилик эмас эди. Булар унга ҳокимиятни ўз қўлига олишида яқиндан ёрдам берган ўсмирликдаги дўстлари эди.

Гарчи Қирол уларга ишонч кўзи билан қараса-да, охир-оқибат, бу қуёнлар ортидан ҳам айғоқчи қўйишга тўғри келди. Унинг эндиги аҳволига хос мураккаблик шунда эдики, у анави-манави қуёнларнинг ортидан айғоқчи қўйилмасин, чунки уларга ишонаман, деёлмас эди. Бу барчага баравар тааллуқли Қонун талабларига мутлақо хилоф эди.

— Мен ўзимни истисно қилмайман, — дерди Қирол Ҳимоя Бошлиғига, — агар мен ўзимнинг қонуний ҳокимиятимга хавф туғдираётган бўлсам, бошқалар қатори мени ҳам жазоланг!

— Қани хавф туғдиришга уриниб кўринг-чи, — таҳдидомуз дерди унга Ҳимоя Бошлиғи ва бу гап Қиролни анчагина хотиржам қиларди.

Агар яширин кузатиш ҳақида қонун қабул қилинса, бу қонун барчага баравар тааллуқли бўлмоғи керак, деб ўйларди Қирол. Агар қироллик хизматидаги барча қуёнлар айғоқчи кузатиши керак ва керак бўлмаганларга ажратилса, бу ҳол кузатувчилар тасаввурида ишонса бўладиган ва ишониб бўлмайдиган қуёнлар хусусидаги ғоят қўпол, мутлақо хато фикрлар уйғотиши мумкин. Аслида ҳаммаси анча мураккаб, ҳақиқат эса, хатарли даражада ҳаракатчан эди.

Орқасидан кузатилаётганлар орқасидан кузатилмаётганлар борлигини билгач, бу ҳолдан қаттиқ хафа бўлишлари мумкин. Қарабсизки, кўнгилларининг туб-тубида Қиролга қарши исён илдизлари пайдо бўлиб турибди.

Бу хавфни орқасидан кузатилмаётганлар ҳам туғдириши мумкин. Сабаби атрофда ҳамма кузатилаётгани, ўзининг эса, кузатилмаётганини англаган чоғда бу ҳолатдан келиб чиқадиган имкониятларни ишга солиш хоҳиши ўз-ўзидан туғилади.

Нима бўлганда ҳам, ўзи ишонадиган ўсмирликдаги дўстлари ортидан айғоқчи қўйганидан кейин бу ишидан Қиролнинг виждони қийналди. Ўсмирликдаги дўстлари ортидан айғоқчи қўйилганини, демак, Қирол уларга ишонмаётганини сезгач, у билан тортиниброқ муомала қиладиган, яъни, ўйлашича, писмиқроқ бўлиб қолишди.

Ҳар қалай, ортларига айғоқчи қўйилган ўсмирлик дўстлари ҳақида ўйлар экан, ҳар гал у виждонан қийналарди ва бу ҳолат унга мутлақо ёқмасди. Вақт ўтгани сайин Қирол ўсмирлик дўстлари ҳақида ўйлаганида нега ўзида нохуш бир кайфият уйғонишини унутиб юборди.

Давоми бор

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масару ЭМОТО

Сув қуввати

ЎЗ-ЎЗИНИ БИЛИШ ВА ШИФО ТОПИШ УЧУН

Махсус ўлчовчи асбоб ёрдамида ўзини ёмон сезаётган одам хадосини ўлчаб, тебранишлардаги маром бузилишига уни бартараф этувчи хадо орқали таъсир кўрсатиш керак. Тебранишлар маромига тушганда, соғлиқ тикланади. Мазкур тамойилни амалиётда қўллаш мақсадида ўлчовчи асбоб воситасида одамларнинг хадоси ҳақида ахборот йиға бошладим. Танишларимдан бири мени синаб кўргиси келди шекилли, бир сиқим сочни қўлимга тутқазиб, деди:

— Дўстим илтимос қилди, қизининг сочи, шуни текшириб, ташхис қўёласизми?

Танишим бу қизнинг соғлиги тўғирисида чурқ этмади. Бир соат ичида сочни асбобим ёрдамида текширгач, унга қуйидаги маълумотларни айтдим:

1. Бош мия учун ғоят паст резонанс.
2. Бутун жисм учун резонанс пастлашуви.
3. Қўрғошин билан заҳарланиш бунга сабаб бўлиши мумкин.

Танишим бу маълумотларни дўстига етказибди. Қиз ўн йилдирки, университет клиникасининг психиатрик бўлими ҳисобида тураркан. Уни кўп марта касалхонага ётқизиб, текшириб кўришган, аммо касаллик сабабини топишолмаган. Сабабини аниқламай туриб, соғлиқни тиклаш мумкин эмас. Ғамзада ота ноанъанавий тиббиётдан умидвор бўлиб, дўсти орқали (ўзи у қадар ишонмабди) менга мурожаат қилган. Кейинги кун танишим қўнғироқ қилиб, дўсти ташхисимдан карахт бўлиб қолганини, уйларидаги водопровод қувурлари дарҳақиқат қўрғошиндан эканлигини айтди. Кўп ўтмай, ота-она ишхонамга кириб келишди. Ота ҳар эҳтимолга қарши уйларидаги водопровод сувидан ҳам келтирибди. Покиза, келишган қиз руҳий касалга ўхшамасди. Ўзини яхши ҳис этар, фақат вақти-вақти билан кўзига шарпалар, рўёлар кўриниб тураркан.

Хадо ўлчовчи асбобим билан қизни, ота-онасини кўрикдан ўтказдим. Дарҳақиқат, қиз қўрғошин билан кучли заҳарланган эди. Ота-онада ҳам заҳарланиш бор, аммо у қадар кучли эмас. Таҳлил водопровод сувининг қўрғошин билан жуда кучли зарарланганлигини исботлади. Қизлари асло руҳий касал эмаслиги, барчасига сабаб қўрғошиннинг бош мияда тўпланиб қолганлигида эканини айтганимда, ота-она севинчдан йиғлашди, мен улар сиймосини ҳеч қачон унутмайман.

Энг аввало қўрғошин қувурларни алмаштиришга қарор қилишди. Жисмдаги қўрғошинни чиқаришга ёрдамлашишни илтимос қилишганда, амалий тиббиёт билан шуғулланишга ҳаққим йўқлигини, қўрғошиндан заҳарланиш хадосини нейтраллаштиришгагина ёрдамлашишимни айтдим. Хадо галлюцинациялар пайдо бўлиши олдини олади. Муолажа учун зарурий частота билан тебранувчи сув керак эди, холос.

Давоми. Боши ўтган сонда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар таклифимни қабул қилгач, заҳарланиш оқибатларини нейтралловчи хадо-сув тайёрладим. Бемор қиз хадо-сувни икки ой мобайнида бажонидил ичиб юрди, натижада қўрғошин билан заҳарланиш кўрсаткичи аввалгисидан кескин пасайди. Қизгина уч-тўрт кун тунлари ухлолмади, бу — заҳарланишнинг кескин йўқолиши туфайли бўлса, ажабмас. Соғлиги эса анча яхшиланганлигини университет клиникасидаги даволовчи шифокори ҳам тасдиқлади. Мадад беролганимдан хурсанд эдим, аммо бу воқеа сувнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам борлигини исботлаб мени ҳушёр торттирди.

Оила бошлиғи билан бамаслаҳат, уларнинг уйидаги қўрғошин қувурли водопровод сувини анализ қилиб берилишини сўраб, жамоат ташкилотларидан бирига мурожаат этдик. Ўн кундан сўнг мен аввалдан тахмин қилганим натижаларни олдик. Таркибида қўрғошин борлигига қарамай сув ичишга яроқли, сифатли, дея натижа берилган. Молекуляр даражада сувда қўрғошин кўринмаган, лекин атом зарралари тарзида борлигига ишончим комил эди. Бу ҳодиса сувни анализ қилишнинг ҳозирги усули эскирганлигини яққол кўрсатиб турарди.

Тадқиқ этилган сувда қўрғошин бўлмаса-да, сув унинг учун заҳарли эканлиги тўғрисидаги ахборотни сақлаб қолган. Қиз бундай сувни ичгач, тана тебранишларида бузилишлар содир бўлиб, руҳий хасталикларни келтириб чиқарган. Юқорида кўп бора таъкидлаганимдай, сув ижобий ёки салбий бўлган ахборотни ўзида сақлайди. Модомики, инсон асосан сув экан, у ўзи ичаётган сувдаги ахборотлардан таъсирланади. Ижобий ахборот соғлиқни мустаҳкамлайди, салбийси эса касалликка чалинтиради.

ОДАМЗОДНИНГ ИСМИ, СУРАТИДА УНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ МАВЖУД

Биз сувга маълум бир маъноли сўз билан таъсир кўрсатиб, сув музлатилгач, сўз моҳиятига кўра кристаллар ё ҳосил қилади ёки қилмайди. Буни фотосуратлар ҳам исботлайди. Гипотезамнинг тасдиғи сифатида муз кристалларини суратга туширишда давом этдим.

Ақл-идрок бу ҳодисага ишонишни истамайди, сув ўзига тақдим этилаётган ахборотни қабул қилиб, наҳот шунга мувофиқ ўзгарса?! Хадо ўлчагич асбобим воситасида ўтказилган тадқиқотлар бунинг ҳақиқатлигини исботласа, не тонг! Мисол келтираман.

Хадо-тиббиёт ёрдамида беморлар соғлигини тиклашга кўмаклаша бошладим. Ҳузуримга нотаниш киши келиб, дўстининг 22 ёшли қизи саратонга чалинганлигини айтди. Лимфа тугунлари ўсмаси. Икки йил муқаддам отаси, бобоси ҳам шу хасталикдан вафот этишган, иккиси ҳам шифокор экан.

— Бечора қизга ёрдам беринг, доктор,— ялинди танишим.

Қиз университетнинг тиббиёт факултетида ўқийди. Уни шу илм даргоҳидаги клиникада операция қилишган, айни пайтда кимёвий терапия оляпти. Бу эса вазиятни мушкуллаштирарди. Инсондаги бузилган тебранишлар хадосини ўлчаб, мувофиқлаштирувчи хадо-сув тайёрламоғим учун шахсан кўришиш зарур. Бемор қиз ётган клиникага ўлчагич асбобларимни кўтариб боролмайман. Замонавий университет клиникаси шифокорлари муқобил тиббиётни тан олишармиди? Мени ҳайдаб чиқаришади, тамом-вассалом! Буни танишимга айтдим. Кейинги сафар у қизнинг онаси билан ишхонамга кириб келишди. Она шўрлик шунчалар йиғлаб, тавалло қилдики, йўқ, демак, мумкин эмасди. Кутилмаганда хаёлимга бир ғоя келди. Қизнинг суратидан хадосини ўлчасам-чи?

Ҳа, суратдан хадони ўлчашга муваффақ бўлганим ондаги ҳайратим таърифга сиғмайди. Қизни кучли хавотир қуршаганини ўлчов натижалари кўрсатиб турарди. Юқорида, хавотир ҳолати кўпинча ошқозон касалликларини келтириб чиқаришини таъкидлаганман. Аёл, кейинги пайтда қизининг кўнгли айниб, овқат еёлмай қолганлигини айтгач,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мендаги ишонч кучайди: қиз ҳузуримга келмаса ҳам унинг касаллиги тўғрисида ахборот тўплай оламан!

Унинг хадосини маромига солувчи сув тайёрлай бошладим. Она ҳар сафар қизининг янги-янги суратларини келтирар, мен эса бемор учун хадо-сув тайёрлаш билан банд эдим.

Кимёвий терапия қизда ўз зарарли оқибатларини қолдирган бўлиб, тана тебранишларида кўплаб, турли хил номувофиқликлар кўзга ташланарди. У хадо-сув истеъмол қила бошлагач, зарарли оқибат нейтраллашди. Даво курси муваффақиятли тугаб, беморимга клиникадан уйга жавоб беришди. Қиз ўқишга қайтди, маълум бўлишича, ҳозир ўзи беморларни даволаяпти. Бундай ҳодисалар сувнинг суратлардаги ахборотни ўқиб, шунга мувофиқ ўз хусусиятларини ўзгартира олишига ишончимни комил қилди. Хаёлимга, балки сув исмларга хос ахборотни ҳам ўзида инъикос этса, ажаб эмас, деган фикр урилди. Бу гипотезани синаш учун тажриба ўтказдим. Бири эзгулиги ва бири ёвузлиги билан машҳур инсонлар – Момо Тереза ва Адольф Гитлер номлари ёзилган қоғозчаларни сув қуйилган шиша идишларга ёпиштириб, уларни музлатдим. Сувлар музлагач, ҳосил бўлган кристалларни суратга олдим. Натижа кутганимдай эди. Суратларда шу инсонлар билан боғлиқ туйғулар инъикос этганди. Сўз билан ифодаласак, исм-фамилияларнинг ҳам ўз хадоси бор. Ана шундай суратлар илгари босилиб чиққан китобларимга киритилган. Аммо жиноятчилар билан адаш исм-насабли инсонлар нотўғри хулоса чиқармасликлари учун тарихий шахслар суратлари хадосини чоп этмасликка қарор қилдим.

ОҚҚОН КАСАЛИГА ЧАЛИНГАН ҚИЗАЛОҚ ХАДОСИ

1996 йил, 24 феврал куни яқинда оққон касали борлиги аниқланган 14 яшар қизалоққа тушунтириш беришимни сўрашди. Гарчи унинг тузалиш жараёни тафсилоти сизни толиқтирса-да, хадонинг чинакам қудратини англашингизни истардим.

Қизалоқни дастлаб жаноб Ноборо Судзуки муқобил тиббиётнинг мануал терапия йўли билан даволаган. Афсуски, жаноб Судзуки оламдан ўтган, у ўз соҳасининг билимдони сифатида машҳур эди. Хоккайдо оролида яшаган жаноб Судзуки билан кўп марта учрашиб, дилкаш суҳбатлар қурганмиз.

Бир куни жаноб Судзуки менга қўнғироқ қилиб, унинг ҳузурига оққон касалига чалинган қизалоқни келтиришганини, аммо бу хасталикни даволаш унинг мажбуриятига кирмаслигини айтиб, мендан ёрдам беришимни сўради.

Қизалоққа ёрдам бероламанми-йўқми, бундан қатъи назар, жаноб Судзукининг илтимосини рад этолмасдим. Қизалоқ Токиода яшаганлиги боис даволаш осон кечишидан умидвор эдим, таассуфки, у ҳамон касалхонада экан. Ота-онаси келтирган суратидан қизалоқнинг хадосини ўлчадим. Дастлаб генетик ахборотларни ўрганиб чиқдим, чунки, аждодлардан мерос генетик ахборотлар ҳам шахс жисмининг тебранишлардаги салбий ўзгаришларига сабаб бўлиши мумкин. Таҳлил натижалари бунга сабаб саратонга чалиниб қолишдан қаттиқ қўрқув эканлигини кўрсатди. Қўрқув ҳисси лимфа безларига салбий таъсир этган. Қизалоқ ўзидаги қўрқув ҳиссини кучсизлантирувчи хадога муҳтож. Бундан ташқари, қизалоқнинг қораталоғи ҳам шифоталаб, юраги эса уятчанлик азобини тортар, изтироб ҳисси ҳам «қилич серпаб» турарди. Қизалоқнинг генетик ахборотларини таҳлил қилиб чиқдим. Жиддий оқибатлар мадад қўлини талаб этарди. Уч соатлик текширувлардан сўнг қизалоқ учун хадо-сув тайёрлаб, ота-онасига бердим.

Орадан бир ҳафта ўтиб, 3 март куни ота-она қизалоқнинг яқинда туширилган суратини олиб келишди. Унинг аҳволи оғирлашибди. Бу сафар унга салбий таъсир этаётган қўрқув ва изтироб ҳиссиётларини нейтралловчи хадо-сув тайёрлаб бердим. Қизалоқ бу сувни кунига 5 ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳал ичарди. У ўзи ичолмас, ота-онаси бир миллилитрдан тилининг тагига томизишарди. Одатда кунига 800-1000 миллилитрдан хадо-сув ичишни тавсия этаман.

7 март куни ота-она хушхабар билан ҳузуримга кириб келишди. Хадо-сув ёрдам қилган кўринади: қондаги лейкоцитлар камайган, сариқ касал аломатлари йўқолган, юрак ва ўпка фаолияти яхшиланган. Лекин қизгинанинг юрак сатҳида суюқлик тўпланган, камқонлик касаллиги ҳам хавф солмоқда эди. Энди мен унга бошқача хадо-сув тайёрладим ва буни ичгач, шитоб тузала бошлади. У доимо назоратимда турар, аҳволидан келиб чиққан ҳолда янги-янги хадо-сув тайёрлаб берардим. Қондаги лейкоцитлар даража кўрсаткичи яхши томонга ўзгарди ва беморга вақтинча уйга жавоб бердим. Ота-она мамнуният ила фарзандлари табассум қилаётганини айтишди. Ҳам хадо-сув ичиб, ҳам касалхонада даволанаётган қизгина ҳамкорликдаги икки томонлама муолажа туфайли оёққа турди. Аммо севинишга ҳали эрта экан, саратонга қарши кучли дори-дармонлардан фойдаланиш оқибатида унинг сочлари тўкилмоқда эди... Яна хадо-сув кўмакка келди. Сентябр-декабр ойларида бир неча бор бемор жисмидаги тебранишларни ўлчаб, янгидан-янги хадо-сув тайёрлаб берардим, у эса ихлос билан ичарди. 19 декабрда қизгина соғайиб, касалхонадан чиқди. Янги йилнинг феврал ойида у яна ҳайз кўра бошладики, бу беморимнинг касали барҳам топаётганидан дарак эди. Апрел ойидан эса у мактабга қатнай бошлади. Қизгина доимий назоратимда турар, ҳар бир текширувдан сўнг ундаги тебранишлар номувофиқлигини тўғрилаш учун хадо-сув тайёрлардим. Ва ниҳоят муолажа сўнггига етди.

Ҳозир собиқ беморим 24 ёшда, дизайнер бўлиб ишлайди. Яқинда ота-онаси, қиз ўз соҳасидаги услубларни тиббиётда қўллаш устида иш олиб бораётганлигини айтишди.

ЮРАК ХАСТАЛИГИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ҚИЗАЛОҚНИНГ ХАДОСИ

Маслаҳат сўраб ҳузуримга кўплаб кишилар келишади. Қуйида эса сизларга ғаройиб ҳодисани ҳикоя қилиб бермоқчиман. 1994 йил, 15 июл куни ҳузуримга оила доктори жаноб Н. кириб келди. Китобимни ўқиганлигини, мен амалиётда қўллаётганим хадо-тиббиётнинг мавжуд имкониятларини англаганлигини айтди. Жаноб Н. ўзи даволаётган касалванд қизалоқ суратини кўрсатиб, маслаҳат сўради. Қизалоқнинг болаларча табассуми акс этган сурат. Ғарб тиббиёти нуқтаи назаридан, қизалоқнинг саноқли ойгина умри қолган, даволаб бўлмайди, деган ташхис қўйилган. Вазият мураккаблигини тушунсам-да, айнан шу мураккаблик қалбимдаги жанговар руҳимни оёққа турғизди. Доктор Н.нинг қизалоқ хасталигига оид сўзларини тингларканман, ўз-ўзимга, болакай ҳаётини сақлаб қолишим зарур, деб айтдим.

Қизалоқ туғма юрак ҳасталиги гипертрофия билан туғилган, ривожланаётган касал юрак кўкрак қафасидан тобора катта ўрин олмоқда. Алал-оқибат қизалоқнинг умр шами сўнади. Бундай касалликка чалинган гўдаклар бир йил ҳам яшашмайди. Бу ташхис қўйилган 24 май куни қизалоқнинг юраги кўкрак қафасининг 68,9 фоизини эгаллаб бўлган. Гўдак бир ёшга тўлиши учун уч ой қолибди. Хадо-тиббиёт қудратига ишонсам-да, ёрдам беришга кечикмасмикинман, деган ҳадик бор. Хасталик, юқорида айтганимдай, атом зарралари даражасидаги тебранишлар бузилиши оқибатида пайдо бўлган. Бу эса ўз-ўзидан атом, молекула, ҳужайрадаги ва ниҳоят, жисм аъзоси даражасидаги тебранишлар марининг бузилишига олиб келган. Хадо-сув ёрдамида тебранишларни мувофиқлаштириш тескари тартибда ўтказилиши боис кўп вақт зарур эди. Вақт етишмаслиги оқибатида беморларга ёрдам беролмай ҳам қолганмиз. Зудлик билан қизалоқ сурати тебранишларини ўлчашга киришдим. Аппаратим ирсият даражасида ўлимдан қўрқиш, айбдорлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

туйғуси, депрессия оғир руҳий ҳолат, ишончсизлик, чуқур изтироб ҳиссиётларини аниқлади. Мазкур салбий туйғуларнинг таъсирини кесувчи хадо-сув тайёрлашга тутиндим.

Орадан икки ой ўтгач, 8 сентябрда иккинчи марта гўдак хадосини текшириб чиқдим. Ўша пайтда касалхонада ўтказилган текширувлар гўдак юраги кўкрак қафасининг 54 фоизини эгаллаганлигини кўрсатган. Мендаги текширув натижалари бўйича эса бояги ҳиссиётлар ҳамон мавжуд эди. Бироқ, навбатдаги текширувда юрак эгаллаган сатҳ яна 59 фоизга етиб қолди. Шундай бўлса-да, гўдак ҳолатида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади, 15 декабр куни қизалоқ умридаги биринчи туғилган кунини нишонлади.

Учинчи марта хадо текшируви: бетоқатлик, лоқайдлик, нотўғри тушунча, кучли қўрқув, нотинчлик, хавотир, ишончсизлик, тушкунлик, чарчоқ, саросима, ланжлик ҳисси, ўз-ўзига ачиниш туйғуси... ва бу салбий ҳиссиётлар таъсирини кесувчи нажотбахш хадо-сув.

Нимасини айтасиз, хадо-сув гўдакка нажот берди. Аҳволи яхшиланиб, уни касалхонадан чиқаришди. Энди ҳар ойда қизалоқни текшириб, зарурий хадо-сув тайёрлаб берардим. Юраги шу вақтга келиб кўкрак қафасининг 30 фоизинигина эгалларди.

1996 йилнинг 23 апрели. Йигирма бешинчи маротаба қизалоқ хадосини текширишга келдим. Хушхабарни эшитиб, бошим кўкка етди. Яқинда қизалоқни касалхонада текширувдан ўтказишибди. Юракнинг кўкрак сатҳида эгаллаган жойи нормага мувофиқ экан! Жажжи беморим билан хайрлашар эканман, зарурий вақтда ёрдамга тайёрлигимни айтдим.

Доктор Н. бу воқеадан сўнг хадо-тиббиёт билан янада қаттиқроқ қизиқиб қолди, журналимизга мақола ҳам ёзиб берди.

Ғарб тиббиётини ҳам, хадо-тиббиётни ҳам бирдай ҳурмат қиламан ва ҳар иккисини боғловчи кўприк вазифасини ўташга тайёрман.

ИРСИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

Шахсга ота-оналаридан, аждодларидан ўтган ахборотлар — ирсий мерос дейилади. Ирсий ахборот инсон генида кодлаштирилган бўлиб, фазилатлари ҳам, қусурлари ҳам бор. Аждодлардан мерос салбий ахборотлар, кўпинча жисмда намоён бўлиб, касалликка олиб келади. Мижоз хадосини ўрганишда биринчи ишни ундаги генетик ахборотни текширишдан бошлашимнинг сабаби ана шунда. Одамлар саратон касалининг суяк суришини айтишади. Балки бу авлодга хос саратон ўсмалари пайдо бўлишига замин яратувчи ҳиссиётларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги оқибатидир. Ҳарҳолда мен ирсиятни шундай тушунаман.

Электромагнит тўлқинлар таъсирида юзага келувчи вирусли ҳасталик ва касалланишлар давосини истисно этганда, хадо-тиббиёт соҳасида вақт муҳим ўрин тутади. Биз беморнинг гененетик — ирсий ахборотини тўғри таҳлил қила билишимиз, бирин-кетин намоён бўлувчи салбий ахборотларни бартараф этишимиз зарур. Неча-неча аждодлар ахбороти анъанавий тарзда авлодига мерос қолган. Инсон танасида 12 та ана шундай қатлам мавжуд, деб ҳисоблайман. Касаллик чақиришга қодир ахборот таъсирини кесиш учун ана шу қатламларнинг ҳар бири билан ишлашга тўғри келади.

Кўп йиллар муқаддам семинар ўтказаётганимда тингловчилардан бири ўз ташвишларини айтиб, ёрдам беришимни сўради. Тўнғич қизида тўғри ичак саратонининг авж формаси аниқланибди. Хадо-тиббиёт ёрдамида саратон ўсмалари ўсишини тўхтатишга муваффақ бўлдик. Уч йил ўтгач, уларнинг кенжа қизларига ҳам айнан шу ташхис қўйилибди. Қисқа фурсатда икки қиз ҳам касалликдан азобга тушишди. Ота-онани чексиз ғам босган, оила муҳитида ҳукмрон салбий ҳиссиётлар беморларнинг тузалишига йўл бермасди. Опа-сингил хадосини ҳар томонлама чуқурроқ ўрганишга киришдим.

Хадо ўлчовчи асбоб ёрдамида ўтказилган генетик ахборотлар текшируви мени қийин аҳволга солиб қўйди. Салбий ахборот илдизлари қиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг ўтган ҳаёти томон тармоқлаб кетган. Буни ота-онага айтилса, изтироблари бешбаттар кучаяди, худди шу сабаб тажриба натижаларини юзаки гапириб бердим. Аммо оила бошлиғи суҳбатдан сўнг ишхонамга келди.

—Доктор, сиз айтган натижалар мана бу журналдаги мақола мазмунига ҳамоҳанг эмасми? —деди у журналдан кўчирма нусхани менга кўрсатаркан.

Мақола «Мавжуд куч-қувватни рўёбга чиқариш ибтидоси: реинкарнация соҳасидаги тадқиқотларнинг ўсиши дунёқарашга қандай таъсир кўрсатади?» сарлавҳали мақола муаллифи Фукусима университети Иқтисод факултети доценти, доктор Фумихико Иидо эди.

Мақола остсарлавҳасини ўқибоқ, доктор Иидо ҳам айнан менинг мулоҳазаларим хусусида сўз юритаётганини англадим.

— Ҳа,—дедим оила бошлиғига,—сиз батамом ҳақсиз, мен ҳам айнан шуни назарда тутгандим. Фукусима университети мамлакатимиздаги нуфузи баланд илм даргоҳи. Замона дарҳақиқат ўзгариб боряпти, шундай эмасми? Машҳур университет доценти академик журналда дадиллик билан шундай мақола нашр эттирса-я, ишонгинг келмайди! Бу ҳаққи рост эътироф, чунки ҳозиргача ҳам Японияда Ғарб тиббиётини афзал билишарди-да.

КАСАЛЛИК САЛБИЙ АХБОРОТДАН ТАЪСИРЛАНАДИ

Ҳар бир инсон ҳаётини атрофидагиларга, ўзига наф етадиган қилиб ўтказиши шарт. Бу эса жуда муҳим.

Табиатан некбин камина тадқиқотларим бошлангандан буён доимий равишда иш билан бандман, кейинги йилларда меҳнат таътилим ҳам беш кундан ошмайди. Шу йўсин олтмишни уриб қўйганимни ҳам билмай қолибман.

Жамиятимиз қонун-қоидаларига кўра бу ёшда ишни бас қилиб, кексалик гаштини суриб юришим керак, аммо мен фаол ҳаётни тарк этмоқчи эмасман. Бахтимдан ўргилай, ҳаётнинг ўзи мени тиниб-тинчимасликка ундаяпти, маърузалар ўқиб беришимни сўраб, ер юзининг барча минтақаларидан таклифлар ёғилади. Дунё бўйлаб кўп кезишимга қарамай, ўзимдан ёшлар билан беллашишга лойиқ ички бир қувват мени бардам қилиб туради. Жисмоний куч-қувватим манбаи эса ҳамиша ижобий фикрлашим, ният, аъмолларимнинг покизалигида, деб ўйлайман. Мудом салбий, нохуш, ёмон фикрлар билан банд инсонлар касалликка енгил берилувчан бўлишади. Салбий фикрлар вирусларга ўхшаш нохуш ҳодисалар билан уйғун бўлгани боис уларни ўзига тортиб олади.

1980 йиллар охирида ёлғизлик ҳисси гиппоками — бош миянинг хотира учун жавобгар қисми билан, кексалик ақли заифлиги эса — алюминий концентрацияси таъсири оқибати, деган қарорга келдим. Хадо текширувлар натижаси бунга асос бўлди.

Ёлғизлик ҳисси бош мияга мудҳиш таъсир кўрсатиб, унга хос тебранишларни бузади. Гиппокамининг бузилган тебранишлари частотаси алюминий тебранишлари частотаси билан уйғун, демак, гиппокамида алюминийнинг тўпланиши хотира ёмонлашувига олиб келади. Бу шахсий хулосаларим. Кейинчалик, Алцгеймер хасталигига қарши курашувчи Америка уюшмаси маълумотларида ҳам алюминий таъсирида мудҳиш хотирасизлик касали ўртасида боғлиқлик борлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, салбий туйғулар кўпинча вируслар билан уйғунлашади. Шамоллашни олиб кўрайлик. Битта синф ўқувчиларидан учтўрттаси шамоллаб қолса, тез орада бошқаларига ҳам юқиб, давомат пасаяди. Лекин айнан шу мактабнинг бошқа синфларида давомат тўлиқ, ўқувчилар дарсга келишяпти. Шамоллаш касалини вирусли инфекция тарқатади. Мантиқан олганда, мактабдаги барча синф ўқувчилари шамоллаши керак-ку, нега бундай бўлмади? Бу қандай фикрлашга боғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиқ, деган бўлардим. «А» синф ўқувчилари салбий фикрлашга мойил. Улар бу йил кутилаётган шамоллаш эпидемияси тўғрисида эшитишган, доимо шу ҳақида ўйлашади, касал бўлиб қолишса, ўзларини ғоят ёмон ҳис этишлари мияларига қуйилган. Уларнинг таъсирида бошқа ўқувчилар ҳам эпидемия тўғрисида ўйлай бошлашади. «Б» синфда эса некбинлар кўпчилик, улар эпидемияни ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Уларнинг фикр-ёди қизиқарли телевизион кўрсатувларда ёки тезроқ дарс тугаб, тушликка чиқишни ўйлашади.

Демак, «Б» синф эмас, «А» синф ўқувчилари эпидемияга чалингани боиси уларнинг фикрлаш тарзи ҳар хиллигида экан.

«Инфекция» маъносини англатувчи япон иероглифи яна бир мазмун — «ҳис этиш ва юқдириш»ни англатишида ҳам ҳикмат кўп.

Салбий тусдаги фикрлар нохуш омиллар билан уйғун бўлиб, вазиятни оғирлаштиради. Бу эса хасталикларгагина тааллуқли эмас. Кўпроқ суиқасд билан боғлиқ мақола ўқиган ё филм кўрган одамлар вос-вос бўлиб, алал-оқибат ўзини ўлдиради. Йигирма йиллар муқаддам япон ўсмирлари даҳосига айланган қўшиқчи ўз жонига қасд қилди, унинг ортидан ашаддий мухлислар ҳам ўзларини асфаласофилинга жўнатишди. Ёки авиаҳалокатларни олайлик, нима учун устма-уст содир бўляпти? Учувчилар, механиклар, йўловчиларнинг ҳалокат тўғрисидаги бетиним ўйлари тўпланиб, улкан хадога айланяпти ва фожиа рўй беряпти.

Бахтли ҳаёт кечириш учун эзгу, ижобий фикрлар билан яшаш зарур. Шифокор эмасман, аммо ишончим комилки, шифокорлар фақат даволовчи эмас, файласуф ҳам бўлишлари керак. Шифокорнинг ҳамдардлиги, зукколиги, зийраклиги беморнинг соғайишига ёрдам беради. Бемор салбий ҳиссиётлардан халос бўла олса, ички ўз-ўзини даволаш хусусиятини ишга туширади. Қадимда барча табиблар художўй бўлганлар. Коҳинлар ва шаманлар бунга ёрқин мисол. Замонавий шифокорлар ҳам ўтмиш издошлари сингари беморларида қалб сокинлиги, хотиржамликни таъминлашга эришолсалар, касалликка мойилликни бартараф этган бўлур эдилар.

ҒАЙРИОДДИЙ ПНЕВМОНИЯ НЕГА ПАЙДО БЎЛДИ?

Бир неча йил муқаддам инсоният боши узра мудҳиш хавф — ноаниқ вирусли касаллик — ғайриоддий пневмония эпидемияси таҳдид солди. Ростини айтсам, янги касаллик тарқатувчи вируснинг пайдо бўлиши мен учун кутилмаган ҳодиса эмас эди. Бу эпидемия Она-сайёрамиз умумий аҳволининг ёмонлашуви билан боғлиқ.

Юқорида Еримиз аҳолиси 1900 йилда 1,5 миллиард нафарни ташкил этганлигини айтгандим. Олимларнинг тадқиқотларига мувофиқ, эрамизнинг биринчи асрида заминда бор-йўғи 180 миллион киши яшаган холос. Бундан кўринадики, 1900 йил ичида аҳоли 1,3 миллиардга, кейинги юз йилликларда эса 4,5 миллиардга кўпайган. Эсанкиратиб қўядиган рақам, шундай эмасми?

Ернинг жонли мавжудот эканлиги исбот талаб қилинмас аксиома. Шу нуқтаи назардан, сайёранинг паҳлавон жисми ғоят кўпайиб кетган аҳоли тебранишлари частотасига номувофиқликдан қийналаётган бўлиши мумкин. Ерни инсон жисми билан қиёсланса, замин тебранишларидаги бузилишлари субатом, атом, молекуляр даражадан ўтиб, ҳужайра ва балки жисм аъзоларига қадар етиб боради. Худди шу сабабли ернинг иммунитети ва ўз-ўзини даволаш қобилияти пасайди. Кучсизланган иммунитет эса жамоатчилик хавотирининг салбий ҳиссиётларига уйқашиб, шунга мос частотали вирус билан «тил топишган».

2003 йили Канадада ғайриоддий пневмония жунбушга келди. Мен мазкур давлат шаҳарларида, жумладан, касалликдан энг кўп азият чеккан Торонтода маърузалар ўқирдим. Сафар чоғи хаёлимга бир ғоя келди.

Токиога — иш жойимга телефон қилиб, дистилланган сувга инглиз, япон тилларида «ғайриоддий пневмония» сўзини индириб музлатиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, ҳосил бўлган кристалларни суратга туширишни ўтиндим. Одатда дистилланган сув тўғри шаклли кристаллар ҳосил қилади.Тажриба эса мутлақо кристалл пайдо бўлмаганлигини кўрсатди. Касаллик номи ўзида салбий ахборот мужассам этганлиги учун ҳам, бу манфий куч кристалл ҳосил бўлишига йўл бермаган. Энди, айнан шу – ўзида нохуш ахборотлар жамлаган сувга «ғайриоддий пневмония» сўзи ўрнига «муҳаббат ва эҳтиром» сўзлари таъсир этилиб музлатилган. Ижобий сўзлар яна инглиз ва япон тилларида ёзилган. Яхши сўз қудратини кўрингки, дистилланган сув яна чиройли кристаллар яратган. Ҳа, сув ўзига қандай ахборот юборилишига қараб, шунга мувофиқ ўзгаради.

Эътибор қаратиш – энергия узатиш хусусиятидир. Қуйидаги воқеани «Сув номалари» китобимда ҳам баён қилган эдим. Журналимиз муштарийси бўлган бир оилада қизиқ тажриба ўтказишган. Иккита шиша идишга тенг миқдорда гуруч солишади. Бир ой вақт мобайнида биринчи шишадаги гуручга «раҳмат», иккинчисига эса «аҳмоқсан» сўзларини айтиб туришади. Белгиланган вақт – ой ўтгач, «раҳмат» сўзини эшитган гуруч ниш уриб, ёқимли ис тарата бошлаган, доимий равишда «аҳмоқсан» сўзини тинглаган гуруч эса қорайиб, чириган, ёқимсиз ҳид чиқарган.

Бу ҳодисани ёзиб чиққанимиздан кейин Японияда юзлаб оилалар бу тажрибани такрорлаб, сўз қудратига тан беришди. Оилалардан бири эса, икки стакан ёнига учинчисини ҳам қўйди. 1-стакандаги гуручга «раҳмат», 2-га «аҳмоқсан» сўзларини айтиб, учинчи стакандаги гуручга мутлақ эътибор қилишмади. Нима рўй берди, дерсиз? Эътиборсиз қолдирилган гуруч «аҳмоқсан» сўзини эшитган гуручдан ҳам аввалроқ ириб кетди. Демак, эътиборсиз қолиш ҳақоратдан ҳам ёмон таъсир қиларкан-да. Тирик мавжудот борки, эътиборсизликни оғир олади. Диққат-эътиборингни бериш – энергия узатиш, демакдир. Бир боғбон, ўсимликларни парваришлаётганда улар билан суҳбатлашсангиз, ўсиши тезлашиб, гуррос гуллайди, деган эди. Тирик жонзотга эътибор қиларкансиз, уни яна ривожланиши учун имкон берувчи энергия билан таъминлайсиз.

Бу ҳақиқат инсоният жамияти учун ҳам хос. Ишсизлик, ҳеч ким билан гаплашмаслик, яъни одамларга, жамиятга керак эмаслик ҳисси инсонни абгор қилади. Келинг, ўзгарайлик. Қўл остингиздаги ходимлар ўз вазифасини яхши бажариши учун уларга эътибор қилинг, суҳбатлашинг, руҳлантириб туринг. Руҳлантирувчи сўзларингиз, айниқса, болаларни тўғри тарбиялашга катта ёрдам беради.

Қўлингизни кесиб олдингиз, дейлик. Жароҳатга раҳм-шафқат билан боқсангиз, тезда туза бошлайди. Кесилган бармоқ вужудингизнинг умумий саломатлигига ўз ҳиссасини қўшиб келган, бунинг учун ундан миннатдор бўлинг. Тегрангиздаги одамлар касал бўлишса, уларга жилла қурса, ширин сўз айтиб, кўнглини кўтаринг. Сизни қуршаган инсонлар борлиги учун ҳам ҳаёт тўкис, ранг-баранг экан, уларга ҳар қанча эзгу сўзлар айтиб, яхшилик қилсангиз, арзийди. Бир оғиз ширин сўз эса бемор дардига дармон бўлади.

СЎЗЛАРИМИЗ ҚУДРАТИ

Сув ғоят сезгир, айтилган сўздан таъсирланади. Эзгу, чиройли сўзларимиз моҳияти ила сувга ижобий хадо, яъни қувват узатамизки, музлатилгач, гўзал кристаллар шаклланади. Сувга дуои-санолар билан мурожаат этсак, илоҳий сўзлар унга ижобий энергия беради, хусусиятлари ўзгариб, ниятлар ижобатлигини таоминлайди. Лекин бунинг ўзига хос томонлари бор. Тилак келгуси эмас, ўтган замон феълида билдирилса,кучли самара беради.

Она саратонга чалинган, дейлик. Болакай «онам соғ бўлишини жуда хоҳлайман», дегандан кўра «онам соғайди», дегани аълороқ. Тилак хадоси сувга шаксиз таъсир кўрсатади. Тўғри, грамматик нуқтаи назардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтган замон феъли қўлланилиши (ҳали она тузалмаганлиги учун) мантиққа тўғри келмайди. Айни чоғда рўёбга чиққан фикр катта кучга эга эканлигини эътироф этайлик. «Тузалади» деган сўздан кўра «Тузалди» сўзида ишонч туйғуси кучли. Сувга дуои-илтижо қиларкан, ёрқин фикрда ижобий натижани хаёлга келтирасиз. Ўспирин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби бўлишни орзу қилади, дейлик. У ишонч билан «Мен-Бош котибман!», дея ўзини БМТ мажлисида раислик қилаётганини тасаввур этаркан, 30-50 йилдан сўнг у орзусига эришади. Шаклланган тасаввургина орзу-истак амалга ошиши учун омил бўла олади. Бу тасаввур бизнинг умидимиз бўлиб, ўзида ижобий ахборотни мужассамлантиради. Агар умидни ишонч мужассам ибора билан қувватлантирсак, сув бизга сўзсиз ёрдам беради. Баланд овозда айтилган сўз хадоси қоғоздаги ёзувникига қараганда кучлироқ экан, бу тажрибада тасдиқланган.

Художўй эмасман, динни осмонга олиб чиқиб мақтамайман. Лекин тақводорлар узоқ вақт мобайнида тиловат қилиб, дам солиб юрадиган ояти-дуоларда қудратли хадо энергияси мавжуд. Сидқидил ихлос, имон билан қилинган дуолар инсон кучига куч қўшади, мен бунга шак келтирмайман. Ғоят тақводор инсоннинг дуои-илтижолари катта сув ҳавзаси хусусиятларини ўзгартириб юборганлиги гувоҳиман. Буддавий эҳром роҳиби Хоуки Като, Гумма префектурасидаги Фудзивара тўғони соҳилида дуо ҳамда буддавий санолар ўқишини эшитиб қолдим. Сув тўғонининг дуо ўқилгунга қадар ва ундан кейинги ҳолати туширилган расмларни кўздан кечирдим. Суратларда сув ранги икки хил эди. Хоуки Като билан учрашиб, Фудзивара тўғонига бораётганида мени ҳам ҳамроҳ қилиб олишини ўтиндим.

Дуои-санолар тиловати олдидан тўғон сувидан намуна олдик. Ҳазрат Като тиловат билан бирга сокин маромда «ёҳу»лай бошлади. Ҳазрат бир соат мобайнида теграсида тантанавор вазият яратиб, тиловат қилди. Маросим сўнгида Токиода таҳлил қилиш учун сув намуналаридан олдик. Буни қарангки, тиловат ўқилгунга қадар олинган сув музлатилганда кристаллар ҳосил бўлмади. Дуои-саноларни «тинглаган» сув самовий чиройли кристаллар яратди. Катта чиройли олтибурчак ичида жажжи олтибурчак. «Сув номалари» китобим муқовасида ана шу самовий гўзаллик акс этган кристалл сурати тасвирланган.

«МУҲАББАТ ВА ЭҲТИРОМ» СЎЗЛАРИ ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРАДИ

Яхши сув тайёрлаш учун шиша идишга озроқ дистилланган сув қуйинг. Бирон-бир ташқи таъсирсиз сув музлаганда чиройли кристаллар ҳосил бўлади. Бу сувнинг тозалигидан далолат беради. Дистилланган сув эса ҳамиша ҳам топилавермайди, бу ўринда оддий водопровод суви ҳам асқотиши мумкин.

Шиша идишдаги сувга илтимос қилинг. Энг мақбул йўл эса, ҳазрати Като монанд сувга дуолар ўқиб мурожат қилишдир. Аммо оддий одам хаёли бошқа фикрлар билан бандлиги боис ўз нутқини сўз руҳи билан суғора олмайди.

Ҳазрат Като тиловати сўнгига етгач, биз 15 дақиқага яқин суҳбатлашиб ўтирдик. Шу пайт ёрдамчиларимдан бири ҳайқирди:

— Қаранглар, тўғондаги сув ранги жуда тез ўзгаряпти! Дарҳақиқат, улкан сув омборидаги сув тиниқлашиб борарди. Лойқа бу ҳавзада маросимгача ҳеч нарса аксланмаган бўлса, энди эса сув юзасида дарахт соялари ёрқин кўринарди. Япон тилида «котодама» — «сўз руҳи» деган тушунча бор. Руҳоний Катонинг сўзларида ана шу руҳ мужассам эканлигини ва унинг амалдаги қудратини кўриб турардим.

Ҳа, шунинг учун ҳам сув билан дилдан суҳбатлашинг. Ўз истагингизни тасдиқ шаклида, ўтган замонда, амалга ошганлигини хаёлан тасаввур этиб, гапиринг. Сувга доимий равишда товуш чиқариб мурожаат

www.ziyouz.com kutubxonasi

этган маъқул. Иши бошидан ошиб-тошган замонавий киши учун кунига бир неча соатлаб сув билан суҳбатлашиш имкони йўқ. Бу ўринда шундай маслаҳат бераман: сувга аталган мурожаатингизни бир парча қоғозга ёзинг. Сув қуйилган идишга қоғоз ёзувини ичкарига қилиб ёпиштиринг. Вақти-вақти билан ёзувингизни овоз чиқариб сувга айтинг-да, идишни чайқатиб қўйинг. Бу сувни фаоллаштириб, тебраниш кучини оширади. Ўзингизга шу йўсин хадо-сув тайёрлаб, фойдаланиш мумкин. Кунига 5 стакандан шу сувдан ичган маъқул.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Таомга хушқувват хадоли масаллиқ ишлатинг. Инсон сувсиз яшай олмайди. Ҳаёт манбаи – сувга хос тебранишдадир. «Дастурхонимиз кўрки – нон-чи? Нонсиз ҳам яшаш мумкин эмас», дерсиз. Тўғри. Инсон, дарҳақиқат, таомсиз яшаёлмайди. Таом – биз учун ғоят зарур, аммо таомдан кўра, унинг тебранишлари заруррoқ. Нимаики тирик экан, тебранишда бардавом бўлмоғи керак. Бошқача сўз билан айтганда, ҳар бир ҳужайра тебраниб туриши зарур. Тебраниш бардавомлигини нимадир таъминлаб туриши жоиз. Ҳаёт шундай қурилган. Чархи-кажрафтор абадий ўз-ўзидан айланиб туролмайди, уни ҳаракатда тутиб турувчи ташқи таъсир бўлмаса, чарх тўхтайди. Тирик жонзотлар тебраниши учун озуқа ана шу ташқи таъсир ҳисобланади. Ҳар бир озуқа маҳсулоти учун маълум бир турдаги тебраниш хосдир. Қулупнайнинг тебраниши ўзига хос бўлганидай, олма ҳам ўз тебранишига эга. Озуқа маҳсулотлари тебранишлари ҳужайралар, аъзолар тебранишлари билан резонанс саналади. Резонанс борлиги учун ҳам хилма хил озуқа зарур. Парҳезшунослар ҳам танадаги унсурлар ўзаро номувофиқ бўлиб, қолмаслиги учун хилма-хил озуқа истеъмол қилиш зарурлигини таъкидлайдилар. Қанчалар кўп хил озуқа есак, шунчалар кўп ҳужайра ва аъзолар уларнинг тебранишлари билан уйғунлашади – резонанслашади.

Яқинда парҳезшунос, доктор Акико Сугахаро билан ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотлари хадосини аниқлаш юзасидан тадқиқот ўтказдик. Сугахаро хоним Токио университети тиббиёт факультетида докторлик даражасига эришган. Машҳур илмий-текшириш муассасасида ишлаб, тажриба, орттирди ва ўз Сугахаро институтига асос солди. Диетология – парҳезшунослик соҳасида нуфузи баланд. Китобларимдан бирини ўқиб, Сугахаро хоним хадога қизиқиб қолибди. Хадо ўлчовчи асбобим ёрдамида кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини текшириб чиқдик.

Иммунитетни кучайтириш, зўриқишни олиш, васвасага қарши курашда хадонинг қувват даражаларини ўргандик. Бу борада сабзавотлар хадоси юксак натижа кўрсатди. Лўнда қилиб айтганда, касалликларга қарши курашда, зўриқиш ва тушкунликни бартараф этишда сабзавотларнинг нафи катта экан. Натижаларини қиёслашдаги тафовут эса озуқалар хилма-хиллиги нақадар зарурлигини кўрсатди. Айниқса, исмалоқнинг шифобахшлигини таъкидламоқ керак. Хом исмалоқнинг хадоси аъло даражада бўлади, қайнатилганда эса, ижобий хусусиятлари сезиларли равишда йўқолади. Барра ва қайнатилган исмалоқ бир-биридан шунчалар фарқланади.

Балиқ сингари денгиз неъматлари ҳам яхши хадога эга бўлиб, доктор Сугахаронинг фикрига кўра, денгиз сувида кўплаб минерал моддалар мавжудлиги боис, ер юзасидагидан кўра сув олами неъматлари фойдалироқдир.

Гўшт хадосини ўрганиш ҳам қизиқарли натижалар берди. Ўрдакча ҳамда жўжалар барча ўлчов параметрларида ҳам юқори аҳамиятга эга хадони кўрсатди. Мол, чўчқа, қўй гўшти хадоси эса нисбатан ёмонроқ кўрсаткичга эга экан. Бу фарқ айниқса, стресс-зўриқишни олиб ташлашда аён бўлади.

Мевалар ва ёнғоқ хадолари хусусиятлари доктор Сугахарони лол қолдирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ёнғоқ таркибида қувватбахш моддалар кўплиги учун ҳам буни авлиёлар таоми дейишади, – изоҳлади ўз ҳайратини доктор. Таҳлилларимиз у ҳақлигини исботлади. (Хадони дин билан боғлаш ниятим йўқ, аммо тақводор инсонлар хушқувват хадони қалбан сезишларига гувоҳман).

Ёнғоқлар сийдик ҳайдаш, қон томирларини кенгайтириш хусусиятига эгалиги боис қоннинг қуюқлашиб қолиши ҳамда мияга қон қуйилиши олдини олишда катта ёрдам беради.

Кейинги тажрибамиз турли усулда пиширилган бир хил таом хадосини аниқлашдан иборат бўлди. Таҳлил учун гамбургер танланди. Жамоат овқатланиш жойи – ресторанда ҳамда уйда тайёрланган гамбургерни таққосладик. Бу доктор Сугахаронинг ғояси эди. Шу ўринда ошпазнинг хадоси ҳам аралашиб қолиши мумкин. Докторнинг фикрича, меҳр билан тайёрланган таом хадоси янада яхшиланади. Уйда пиширилган таом лаззатли бўлиши сири ҳам эҳтимол шундадир.

Бу тахминни текшириб кўриш учун ресторанда тайёрланган, уй шароитида: шунчаки заруратдан, эзгу тилакларни айтиб туриб, ғазабнок гапириб пиширилган гамбургерларни таққосладик.

Гамбургер тайёрлаш жараёнида «жуда мазали кўринади», «ҳиди иштаҳамни карнай қилиб юборди», «тезроқ тайёр бўлсайди» сингари эзгу сўзлар, шунингдек, «жонимга тегди», «чарчаб кетдим», «нима учун шу бемаза таомни ейишим керак экан?» каби ғазабнок ибораларни айтдик. Кутганимиздек, хадоларда тафовут бор эди. Сўзлар таом хусусиятига шу қадар катта таъсир кўрсатишига ишонгимиз келмасди. Ахборотнинг сувга таъсир кўрсатишини яхши билсам-да, овқат тайёрлаш жараёнида айтилган сўзларнинг таом хадосига шунчалик катта таъсири бўлишини энди кўришим эди.

Таом уйники бўлиши мумкин, аммо ҳамма гап бу таом қандай тайёрланишида – меҳр биланми ёки пиширишга мажбурлик «юки»нинг қаҳри биланми? Ахир ғазабнок сўзлар айтиб тайёрланган уй гамбургеридан кўра, ресторанда кўпчилик учун қилинган гамбургер афзалроқ экан. Ўчоқ бошида турган бекалар, таомингизни меҳр ва эҳтиром билан пиширинг, оила аъзолари, дастурхонга келтирилган шу таомни тайёрлаган инсонга раҳмат айтиб, шукроналик билан тановвул қилинг.

Микротўлқинли печда шитоб иситилган таом хадоси сусаяди.

Музлатилганда чиройли кристаллар ҳосил бўлувчи дистилланган сувни микротўлқинли печда 15 секунд иситдик. (Кейин бу сувни музлатдик). Иситилган сув музлагач, бўртиқ, нотугал шакллар пайдо бўлди. Микротўлқинли печда кучли электромагнит тўлқинлари ёрдамида маҳсулотларга ишлов берилади. Электромагнит тўлқинларнинг 15 секундли таъсири дистилланган сувнинг хушқувват хадосини буткул йўқ қилиб ташлади.

Сув ҳароратининг кескин ўзгариши унинг ҳусусиятларига салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Музлатилган сув кристалларига оид илк тажрибалардан шундай хулосага келганман. Ўшанда тоза сув олиб, музлатгач, сўнг расмга туширардик. Музлатиш учун қай вақт қулайлигини билмасдик. Алал-оқибат, аста-секин уч соат мобайнида музлатиш энг зўр натижа бериши маълум бўлди. Аммо буни аниқлагунча, озмунча тажриба ўтказдикми!..

Микротўлқинли печ сув ҳароратини бир зумда кўтариб юборади. Бундай жараёнда сув (ёки таом) хадоси қандай ўзгаради? Уйда тайёрланган турли усулда иситилган гамбургерлар одатдагидай тажриба учун танлаб олиниб, духовка ва микротўлқинли печда (2 дақиқа), микротўлқинли печда кўпроқ муддат (3 дақиқа) иситилди. Натижалар кутганимиздай чиқди.

Микротўлқинли печда иситиш бор-йўғи бир дақиқага фарқ қиларди, холос. Доктор Сугахаронинг таъкидлашича, одамлар шу тариқа хатога йўл қўйиб, хадо даражасини пастлатишаркан. Юқоридаги тажриба, электромагнит нурланиш билан ҳазиллашиб бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ, ТЕЛЕВИЗОРЛАР ҲАМДА ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР ХАДОСИ

Инсоният тез кўпайганлиги боис Ер хадоси-латиф қуввати кучсизланиб кетганлигини юқорида айтгандик. Одамлар томонидан кўплаб маиший асбоблар ишлатилаётганлиги сайёрамизга зарарли таъсир кўрсатмоқда. Ўзидан электромагнит тўлқинлар таратувчи бундай асбоблар наинки заминнинг, балки инсониятнинг хадосига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатади. Улар сизнинг хадонгизга зарар етказиб, соғлигингизни ҳам издан чиқаради.

Дистилланган сувни микротўлқинли печда 15 дақиқа иситиш натижалари электромагнит тўлқинлар қанчалар хатарли эканлигини кўрсатди. Қўл телефонлари, телевизорлар ҳамда шахсий компьютерлар билан ҳам худди шундай тажриба ўтказилди. Дистилланган сувли шиша бутилкага қўл телефони боғланди, зарурий рақамлар терилиб, алоқа тугмаси бир дақиқага тезлаштирилди. Мазкур жараён ўн марта такрорланди. Кейинги тажрибаларда эса дистилланган сувли шиша бутилка аввал телевизорнинг, кейин эса шахсий компьютернинг ёнига тўрт соатдан қўйиб қўйилди.

Тажрибалар натижалари инсонни саросимага соларди. Бояги дистилланган сувлар музлатилганда, эгри-бугри шакллар пайдо бўлди. Бундан аниқ-кўриниб турибдики, электромагнит тўлқинлар сув сифатига салбий таъсир кўрсатаркан.

Биз бутун умримиз мобайнида ўзида электромагнит тўлқинларини йиғувчи маиший техника хизматидан фойдаланиб, танамиздаги хадомизга, сезиларли равишда салбий таъсир оламиз. Саломатлиги яхши бўлмаган, иммун тизими кучсиз инсон кўп вақт давом этган электромагнит майдон таъсирида касалланиб қолиши мумкин. Нима қилмоқ керак? Электромагнит майдонли техникадан фойдаланмай қўя қолсак, нур устига аъло нур бўлади. Зеро, 20- аср бошларига қадар, яъни Баниодам ғоят тез суратда кўпаймаган бир вақтда, Ер сайёраси беқиёс чиройли эди. Оммавий ишлаб чиқариш ҳам, оммавий равишда энергия, электромагнит тўлқинлари истеъмоли ҳам йўқ эди. Фан-техника инқилоби «мевалари» — микротўлқинли печлар, қўл телефонлари, телевизорлар, шахсий компьютерларсиз ҳаётга қайта оласизми?

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Хилват тоғлар бағрида макон топиб, электромагнит майдон таъсиридан шу зайл нажот топсангиз, ажаб эмас. Лекин ҳар қандай одам ҳам ишини, бикир турмушини ташлаб, қишлоқда яшашга кўникавермайди. Ўзим ҳам хизмат ёзишмаларида электрон почтадан тез-тез фойдаланиб тураман.

Ҳа, бизнинг давримизда электромагнит тўлқинли техника воситаларисиз яшаш қийин, фақат улардан фойдаланишнинг зарарсиз йўлларини топиш керак, холос. Мен эса шундай йўлни топдим.

Бу муаммонинг ечими осон. «Ғайриоддий пневмония» сўзини «эшитган» Сувнинг сифати ёмонлашиб кетганлиги тўғрисида юқорида айтилган эди. Бу сўзни «эшитган» дистилланган сув музлатилганда кристаллар ҳосил қилмаган. Лекин айнан шу сувга «муҳаббат ва эҳтиром» сўзларини айтганимда, оби-ҳаёт ўз хоссаларини қайта тиклагани бор ҳақиқат!

Электромагнит тўлқинлар таъсирига учраган дистилланган сувни ҳам шу зайл тозаладик. Юқоридаги тажрибани «тескари» равишда такрорладик. «Муҳаббат ва эҳтиром» сўзлари ёпиштирилган дистилланган сувли шиша идишларга микротўлқинли печ, қўл телефони, телевизор ва шахсий компьютерлар таъсири кузатилди. Ҳайратли воқеа! Барча техника воситаларининг электромагнит тўлқинлари салбий таъсири деярли сезилмади. Барча шиша идишлардаги сув музлатилганда, чиройли кристаллар ҳосил бўлди.

«Муҳаббат ва эҳтиром» сўзи ёзувда ҳам, овоз чиқариб айтилганда ҳам сувни электромагнит майдоннинг ҳалокатли таъсиридан сақлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар сафар электромагнит тўлқинларини йиғувчи маиший техника воситаларидан фойдаланаётганда «муҳаббат ва эҳтиром» сўзини айтиб қўйсангиз, кифоя. Аммо бу усул ҳам ўзини оқламади. Қўл телефонини ишлатаётганида, тинимсиз равишда «муҳаббат ва эҳтиром» сўзини айтиб туришни тасаввур қилинг, ақлга сиғмайди.

Бу ўринда хаёлимга ғаройиб тажриба ўтказиш ғояси келди.

Электромагнит тўлқинларига оид тажриба ўтказишдан аввалроқ Япония жамоатчилик телевидениеси орқали ҳужжатли дастур томоша қилдим. Дастурдаги чиройли саҳналар шифобахш қувватга эга бўлиб, менга ғоят манзур келди. Хўш, мазкур дастурни сувга кўрсатсак-чи?

Бу гипотезамни амалда синаб кўришга қарор қилдим, зеро эзгу ишларни орқага суриб бўлмайди, Дастурнинг видео ёзувини қўйиб, унинг сувга таъсирини синаб кўрдим.

Худди кутганимдек, дастур кучли электромагнит тўлқинларининг нохуш таъсиридан сувни муҳофазалади, оби-ҳаёт музлатилганда, тўғри шаклли кристаллар ҳосил қилди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ижобий моҳиятли ахборот электромагнит тўлқинларнинг салбий таъсирини кесади.

Микротўлқинли печда таом тайёрларкан, ўз муҳаббатингиз ва эҳтиромингизни билдириб туринг. Қўл телефонида гаплашаркан, ёқимли мавзулардангина сўз очинг, иш юзасидан суҳбатда эса битимлар тузишни гапиринг. Омадсизлик тўғрисида эса уй телефонида айтган маъқул. Қўл телефонида меҳр билан сўзлашаётган севишганлар салбий таъсирга берилишмайди. Муҳаббатга тўлиқ суҳбат узоқ давом этса ҳам салбий таъсирсиз кечади. Аммо айрилиқ ҳақида қўл телефонида гапира кўрманг, буни юзма-юз туриб айтган маъқул.

Келинг, телевизорда фақат тинчлантирувчи, кайфиятни кўтарувчи дастурлар кўрайлик. Даҳшатли қотилликлар, фожиалар тўғрисида маълумот берилувчи янгиликлар дастурлари намойиш этилаётганда, бошқа каналга олган ёки телевизорни ўчирган маъқул. Босқинчилик саҳналаридан иборат дастурлар ёки фильмлардан ҳам воз кечган яхшироқ. Қонли урушлардан ташкил топган видеоўйинларни ўйнаманг. Кейинги пайтларда, ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар сони кўпаймоқда. Менимча, бу ўринда вояга етмаган жиноятчилар электромагнит майдонларнинг салбий таъсири гирдобига тушиб қолишган. Таъкидлашим зарур, сувга порнографик фильм кўрсатилганда, натижа ғоят ёмон бўлди.

Шахсий компьютерингизда мароқланиб, шижоат билан ишланг, зеро, ижобий ёндашув электромагнит тўлқинларни нейтраллаштиради. Иш вақтида, шунинг менга керагидан даркори йўқ эди, дея тўнғиллаб ўтирсангиз, ўзингизга зарар.

ЁҚИМЛИ МУСИҚА ҲУЖАЙРАЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Ўз хадомиз бузилишининг олдини олиш учун истеъмол қилинадиган сув сифатини яхшилашга кучимиз етади. Юқорида таъкидланганидек, ижобий ахборот ҳамда фикрлар сув хусусиятларини яхшилайди. Ҳатто кучли электр майдони манбаида турган сувга эзгу сўзлар айтилгач, музлатилганда кристаллар пайдо бўлди.

Қай турдаги ахборот сувга «шифобахш» таъсир кўрсатади? Муҳаббат ва эҳтиром сингари ижобий сўзлар, албатта. Бироқ ахборот фақатгина сўздан иборат эмас. Сув таркибини яхшиловчи бошқа воситалар ҳам бор. Сув ғоят сезгир бўлиб, чиройли тасвир ҳамда мусиқага ҳам «жавоб» қайтаради. Сувга сўз билан таъсир этишдан илгарироқ мусиқанинг сувга таъсири натижасида кристаллар ҳосил бўлишини тажрибада кўрган эдик. Муз зарралари кристаллари расмини олишга қизиқувчи ёш тадқиқотчи шундай деб қолди: «Келинг, сувга мусиқа эшиттириб кўрамиз. Менимча, натижа яхши бўлади». Мусиқа жону дилим бўлгани, қачонлардир

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонандаликни орзу қилганим боис бу фикр менга маъқул тушди. Машҳур композиторларнинг мумтоз асарларини навбати билан қўйишга келишдик.

Мусиқанинг сувга таъсирини кузатиш асноси қатор хулосалар чиқардик.

1. Иккита динамик орасида шиша идишда сув қўйиб, баландлиги меъёрида бўлган мусиқани янгратдик.

2. Куй тугагач, мазкур тебранишдан сувни воқиф этиш мақсадида идиш тубини яхшигина чертиб қўйдик.

3. Тун бўйи сувни ўз ҳолига қўйгач, музлаткич камерага солишдан аввал яна чертдик.

Куй инсон қулоғи учун ёқимли бўлган баландликда янграрди. Натижа кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Сув ҳам мусиқадан худди инсон сингари ғоят мутасир бўлганлигини кристаллар гўзаллиги намоён этарди. Айниқса, оркестр ижросидаги асарларни тинглаган сув мураккаб, мушоҳадага чорловчи кристалларга айланган эди. Ҳар хил мусиқа асбобларининг уйғунликдаги ижроси хушқувват хадо пайдо қилган бўлса, не тонг! Инсон танаси ўзаро мувофиқ равишдаги ҳаракати меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминловчи 60 триллион ҳужайрадан иборат. Оркестр ижросидаги куй уйғунлиги жисмимизнинг ҳар битта ҳужайрасига қадар етиб бориб, соғлом бўлишимизга ўз ҳиссасини қўшади.

Сувга мумтоз мусиқа билан бир қаторда «шифобахш» куйни ҳам тинглатганимизда, у чиройли кристаллар яратди. Шовқин-суронли мусиқани «тинглаган» сув умуман кристалл ҳосил қилмади.

Мен, мусиқа дарҳақиқат шифобахш хусусиятга эга, деб ўйлайман. Мусиқа тинглаётганда ўзимизни яхши ҳис этишимиз боиси – куй танамиздаги сувни даволайди. Ёқимли куй танамиздаги олтмиш триллионта ҳужайранинг ҳар бирига етиб боради.

Навбатдаги тажрибамизда чиройли тасвирлар ва турли мазмундаги сўзлар воситасида сувга таъсир кўрсатишга киришдик.

Инсон руҳиятини кўтарувчи мусиқаларнинг сувга таъсири натижасида ҳосил бўлган кристаллар расмларини мазкур китоб учун танлаб олдим. Бундайин хуш мусиқалар сероб бўлиб, тонгда, кечки ҳордиқда яйраб тинглаш мумкин.

Мусиқа билан инсон вужуди ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисида кўпроқ ўйлаяпман. Ўз амалиётида «мусиқали даво» усулини қўллаётган шифокорлар кўпайиб бормоқда. Улар, мусиқа соғайиш жараёнини тезлаштираётганлигини тасдиқлашяпти. Мен ҳам бу фикрга қўшиламан. Модомики, мусиқа сувга эзгу таосир кўрсатар экан, асосий қисми сув бўлган вужудимизнинг ҳар бир ҳужайрасига қадар нечун ижобий таъсир этмасин?!

Илгари мижозларим хадосидаги бузилишларни тузатиш мақсадида мувофиқ ахборот йўлланган сув тайёрлардим. Ҳар бир инсоннинг ўз хадоси бор. Демак, издан чиққан хадони тузатиш учун ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос даво усули-ахборот шимган сув зарур экан-да. Назаримда, инсонга мусиқий таъсир кўрсатиш борасида ҳам шундай йўл тутган маоқул.

Доктор Наоки Сибуя, Сидзуока шаҳрида ўз нейрохирургик клиникасини ташкил этган, у товуш энергияси билан даволовчи шифокор сифатида машҳур. Бош мия ўсмалари ва уларни химиявий йўл билан даволашга оид тадқиқотлари учун докторлик даражасини олган. Жаноб Сибуя Япония нейрохирургия жамияти аъзоси, пешқадам нейрохирург саналади. Токио ва Нагойа университетларининг нейрохирургия бўлинмаларида ишлаган. 1997 йилда доктор Сибуя «Барча тирикларга: муаззам қудратли ЗОТдан армуғмон» китобини ёзди. Китобда товуш энергияси терапияси, овоз хадосидан фойдаланиб даволаш усуллари баён этилган. Мазкур усул беморнинг овоз хадосини аниқлайди ҳамда ундаги салбий ўзгаришларни товуш тинглаш орқали бартараф этади. Мазкур терапия учун аппаратни канадалик муҳандис Роберт Рой

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлаб чиқди. Рой мазкур йўналишда нақ 35 йил тадқиқотлар олиб борди. Математиклар атом частоталарининг ҳисоб-китоб формуласини тузишда унга ёрдам беришди. Товушнинг меъёрий тебранишлари-(частоталари)даги номувофиқликлар ушбу формула ёрдамида тўғриланади. 2003 йил бошларида Рой ўз услубини такомиллаштириб, компьютер дастурини яратди. Энди бу дастурга биноан, инсон овозини 15 дақиқа эшитгач, зарурий товушни қайтадан тиклаш мумкин. (Мусиқий оҳанглардан фарқли равишда, бу дастурда айнан бир товушнинг ҳар-хил бирикмалари уйғунлигидан фойдаланилган). Яратилган дастур вазифани анча енгиллаштирган, ечим учун атиги уч дақиқа кифоя қилади.

Мазкур услубни ўзимда синаб кўрдим. Китоб устида қаттиқ ишлаш ҳамда Атлантика оша парвоздан сўнг курагимда оғриқ турди. Компьютер дастури тиклаган товушни ўттиз минут тинглаганимдан сўнг оғриқлар буткул йўқолди.

Агар ушбу услуб кенг ёйилса, мусиқа терапияси янги ривожланишни бошлайди. Зарурий ахборотни мужассамлаштирган товуш орқали беморнинг ҳужайраларига муваффақиятли таъсир кўрсатиш мумкин бўлади. Компаниямда товуш энергияси тадқиқ этилмоқда.

СОҒЛОМЛИК ВА БАХТ ТЎЛҚИНЛАРИ

Саҳар уйғонгач, каравотим ёнидаги столчага қўйилган стакандаги сувга тикиламан. Ўттиз дақиқа чамасида Сувга ўз эҳтиромимни қуйидаги сўзлар воситасида билдираман: «Сенга ташаккур дейман ва бугуним яхши ўтишини сўрайман». Сувнинг ярмини ичаман. Бугун нималар қилишимни ўйлайман. Хаёлан бугундаги ишларимни муваффақиятли якунларканман, яна сувга сўзлайман: «Раҳмат, сенга, ҳамма иш кўнгилдагидай бўлди». Шундан кейин сувни ичаман. Натижада эзгу ахборот стакандаги сувгагина эмас, теграмиздаги ҳаво намлигига ҳам инади. Ҳаво билан ҳам, сув билан ҳам резонансга киришиш мумкин.

Ҳожатхонага ишим тушса, оқаётган сувга раҳмат айтаман. Душ қабул қиларканман, водопровод сувида мавжуд бўлган танам учун зарарли хлорни зарарсизлантириш эҳтиёжи туғилади. Хлорли сув хадосини яхшилаш учун эса муҳаббат ва эҳтиром зарур. Хлорли сувни тозалаш учун душга фильтр ўрнатиш имкони бўлмаган, тери касалликларига мойил инсонлар учун юқоридаги усул ғоят асқотади. «Раҳмат», «Муҳаббат ва эҳтиром» сўзлари ёзилган бир парча варақни ҳаммом деворига ёпиштириб қўйилса, нур устига аъло нур бўлади.

Тонг чоғи пича бўш вақт топсам, бироз сайр қилишни хуш кўраман. Субҳидам қуёши нурлари қалбга ёруғлик сочади. Эзгу хаёлларга берилган кўйи оҳиста сайр қиламан.

Баъзилар буни кўнгил куйига кириш, деб билсалар керак. Модомики, вақт тизгини ўз қўлимизда экан, сайр учун имкон топиш қийин эмас. Эрта уйқуга ётиб, эрта турмакни одат қилиш керак, холос. Алкоголли ичимликларга ортиқча ружу қўйманг. Шошилмасдан қилинган тонгги сайр ҳаётингизни бир маромда кечишини кафолатлайди.

Одатда хотиним билан нонушта қиламан. Бир ўзим қолган тақдирда ҳам, ҳамиша ўз-ўзимга: «Ёқимли иштаҳа», дейман.

Олдин таъкидланганимдай, таом ҳар хил бўлиши зарур. Рафиқам ҳам фикримни қўллаб-қувватлайди, таом тайёрлаш учун вақтини ҳам, кучини ҳам аямайди. Унга ташаккур.

Овқатланаётиб шошилмайман, емакни қиёмига келтириб чайнайман. Овқатни ямламай ютманг, лаззатланиб енг, неъматларга шукр қилинг. Ана шундагина жисми-жонингиз ором олади.

Овқатдан кейин майдалаб чойхўрлик қиламан. Биз, японларда, «Саҳарлик чойда шама чўп тик турса, хушхабар эшитасиз», деган мақол борки, мен шундай талқин қилган бўлардим: пиёладаги шама чўпни ҳам пайқай олиш учун оҳиста чой ичинг. Жажжигина шама чўп (ўзбекларда меҳмон келишига ишорат, дейдилар — *Тарж.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

кайфиятингизни кўтаради. Яхши кайфият ила бошланган куннинг юмушлари ҳам осон битади. Нонуштадан кейин, ҳатто якка ўзим бўлсам ҳам, «Раҳмат, таомни мазза қилиб едим», дейман ҳамда жаҳондаги воқеаларни билиш, машҳурлар билан интервьюларни кўриш мақсадида телевизорнинг тонгги дастурларини очаман. Ахборот кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисида бўлса, бошқа каналга олган маъқул. Хадо нуқтаи назаридан, хавотирга солувчи телекўрсатувлардан кўра, бейсбол бўйича олий лига командалари ўйинини кўрган афзалроқ. Спорт мусобақаларини томоша қиларканмиз, шунчалар берилиб кетамизки, жисмимиз-танамиз хадосига хуш ёқувчи резонанс ҳодисаси рўй беради, тана аъзоларимизга енгиллик югуради.

Ишга кетарканман, йўл-йўлакай иш фаолиятимизни хаёлан жонлантириб, эзгу ўйларни маҳкам тутиб туришга интиламан. Мени йўқлаб келган меҳмонни тасаввуримда гавдалантириб, чин кўнгилдан хаёлан суҳбат қураман. Ходимларимнинг жон куйдириб ишлашларини кўз ўнгимга келтирарканман, уларни рағбатлантириш режасини тузаман: «Биродарлар, келгуси йил феврал ойида биргаликда Гавая оролига бормаймизми? Саёҳатни хаёлан кўз олдимга келтираман. Ана, сидқидил меҳнат қилган ходимлар юзида мамнун табассум, «мангу ёз ороллари» бағридаги гўзалликка мафтун яйрашмоқда». Бундайин хаёллар ходимларимга яхшилик қилиш зарурлигига ишонтиради. Ва ниҳоят ишхона. Мунтазир меҳмоним билан саломлашгач, суҳбатга тушамиз. Мулоқот чоғи янги-янги ғаройиб ғоялар туғилиши мумкин. Ташриф буюрган одамлар иш жойимни диққат билан кузатгач, «Бинони режалаштиришнинг ҳам эзгу хадоси борми? Мебелларнинг-чи? Хадо ишлаб чиқариш табиатига кўра мебеллар бир-биридан фарқланадими? — дея саволларга кўмишади. Бу соҳада камина зарурий билимга эга эмас, демак, маслаҳат беришга ҳаққим йўқ. Бу саволларга фэн-шуй мутахассислари жўяли жавоб қайтарсалар, ажаб эмас.

Бино ҳавоси тоза бўлиши учун, тез-тез деразани очиб, шамоллатиб туриш зарурлигини уқдираман. Туриб қолган сув сифати ёмонлашади. Дарёда оқаркан, сув ўз ижобий хусусиятларини сақлайди, кўл ёки тўғонга тушаркан, зумда айнийди. Ҳаво намлиги тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Шу боис хона вентиляцияси бир маромда ишлашини назорат қилиб тураман.

Ишдан кейин каминада ходимлар билан бирор жойда кўнгил очиш, қиттайгина отволиш истаги туғилади. Бундай кўнгил очар кечаларга хоҳлаганлар боради, эмин-эркин енгил муҳитда ўз раҳбарлари билан очилиб-сочилиб суҳбат қуришади.

Бундайин дилдан суҳбатлар самимийлиги боис ҳамкасблар юракда борини тўкиб солишади. Дилдан суҳбат ҳужайраларимизни тўйинтирувчи эзгу хадо ишлаб чиқаради. Даврамизда ғийбат-иғво сингари салбий қусурларга онгли равишда эрк берилмайди. Ваҳоланки, ўз бошлиқларининг ғийбатини қилиш учун тўпланиб, қиттай-қиттай қилувчилар тоифаси ҳам йўқ эмас. Ғийбатчиликнинг фойдасидан зарари кўп. Ғийбатчилар чиқараётган қора тебранишлар резонансидан кўнгил беҳузур бўлади.

Таъкидлаш зарурки, салбий кайфиятдаги гуруҳлар ўзларига мувофиқ ёмон хадога тўлиқ жой танлашади. Ишдан сўнг ҳордиқ чиқармоқчи бўлсангиз, жой танлашда янглишманг.

Менимча алкоголда ёқимли хадо мавжуд бўлиб, сув ёғ билан яхши аралашади. Алкогол руҳият ҳамда жисм ўртасида баайни кўприк вазифасини ўтайди. Муккасидан кетиб, сурункали ичкиликбозлик қилишни қатъиян қоралайман. Меъёр қонуниятини унутган киши инсонийлик қиёфасини йўқотади. (Инсониятга туширилган Муқаддас китобларда ҳам маст қилувчи ичкиликларнинг фойдасидан зарари кўплиги таъкидланади).

Камина тонгимни сув билан бошлаб, уйқуга ётиш олдидан ҳам сув ичаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажойиб, гўзал кун ҳадя этганинг учун ташаккур, Сув, – дея эҳтиром бажо айлайман.

Куним сув билан бошланиб, сув билан ниҳоя топади, деб ишонч-ла айтаман. Модомики, ўзим – сув эканман, шундай бўлмоғи табиий.

КЕЛИНГ, СУВ БИЛАН ГАПЛАШИБ ЯШАЙЛИК

Доктор Жоан Дэйвис каминанинг ХАДО ва СУВ зарраларига оид тадқиқотларига қизиқувчи кўплаб ихлосмандларидан бири. Ҳозирда Цюрих техника университетининг истеъфодаги профессори доктор Дэйвис 30 йил мобайнида сув тадқиқоти билан шуғулланган.

Доктор Дэйвис каминага шундай деб ёзган эди:

«Муз кристаллари суратлари юзасидан тадқиқотларингизнинг икки муҳим жиҳати бор. Биринчиси, сув ғоят сезгир бўлиб, ҳатто энг латиф қувватдан ҳам таъсирланади. Ҳозир сув сифати муҳофазасига етарли эътибор қаратилмаётганлигини олимлар, давлат амалдорлари билишлари зарур. Назаримда, сиз ишлаб чиққан услубдан тиббиётда, соғлиқни сақлаш тизимида фойдаланилса, шак-шубҳасиз муваффақиятга эришилади.

Иккинчиси, Сув ўзига нисбатан ҳурматда бўлишимизни талаб қилмоқда. Ва биз буни тушуна бошладик.

Қадим Грецияда сувга эҳтиром қилинар, аксарият афсоналар сув ҳимоясига бағишланган эди. Кейинчалик пайдо бўлган фан, бу афсоналар ҳақиқат эмас, дея инкор этди. Сув шу зайл ўз асрорини йўқотиб, оддий унсурлардан бирига айланди.

Бизнинг замонамизга келиб, сувни мутлақо ҳурмат қилмасдан қўйдик, уни технологик усуллар билан тозалашга ёпишиб олганмиз. Баъзан, «Ишлов берилган Сув тозамикин?», деган эътирозларни эшитиб қоламиз. Дарҳақиқат, ўринли гумон. Зеро, сув тозалаш станциясида ишлов берилган сув музлатилганда чиройли кристаллар ҳосил қилмайди. Сув қайта ишловга эмас, Эҳтиромга муҳтож.

Доктор Дэйвиснинг сувни ҳурмат қилишга оид мулоҳазалари каминага қаттиқ таъсир қилди. Ҳа, бу сувга оид тадқиқотлар билан машҳур мамлакат – Швейцарияда ишлаган олимнинг сўзлари эди.

ДУОЛАР СУВНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Покиза сув технологик ишланиб тозаланган сувдан фарқ қилади. Доктор Дэйвиснинг шунга оид фикрлари анча йил муқаддамги тадқиқотларни ёдимга солди. Бу тадқиқотлар доктор Нобуо Сиоянинг «Сўз руҳи»га оид ваъзларига тааллуқли эди. Доктор Иккинчи жаҳон урушига қадар Кореяда ишлаган, Кэйдзё Сеул Император университетининг доценти сифатида тиббиёт факультетида дарс берган. Доктор Сиоя сэйм эйсэн тирё («ҳаёт йўллари терапияси»)ни ўрганиб, ўз фаолиятида қўллади. Ёши юздан ўтган эса-да, соғломлиги боис ҳар куни голф ўйнаб чарчамайди. Буюк Дастур – «Улуғвор Дастур» – дея номлаган қуйидаги дуони ўқиб юришимизни маслаҳат беради: «Коинотнинг чексиз-ададсиз қуввати қуюқлашмоқда; дарҳақиқат олам чегарасиз ва сокин бўлиб қолди». Мени ҳайратга солган “Улуғвор Дастур” моҳияти тасдиқланиб, урғу берилган «бўлиб қолди» иборасида эди. Биз бу дуо қудратини амалда кўрмоқчи бўлдик.

1999 йил, 25 июл, тонгги соат 4.30. Японияниинг энг катта Бива кўли қирғоғига 350 нафар киши тўпландик. Японларда «Бива кўлининг суви тозами, демак, бутун Японияда сув тоза», деган нақл бор. Афсуски, ҳозир Бива кўли ифлосланган, суви нохуш ҳид таратади. Кўл ҳуснига хол бўлган табиий қамишзорлар ўрнини Канададан келтирилган сув ўтлари мўрмалахдай босган, кўнгил озар ҳиддан маҳаллий аҳоли қайга бош уришни билмайди. Модомики, Бива – Японияниинг «Она» кўли шундай аянчли ҳолга тушган экан, «Оналик раҳми» даги булғанган сувдан қувват олувчи миллатнинг эртаси қандай бўлсин?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Устоз Сиоя раҳбарлигида тонг саҳар Бива кўлини ХАДО кучи билан тозалашга аҳд қилдик. 350 нафар инсон устоз жўрлигида “Улуғвор Дастур”ни ўн маротаба ўқидик.

Орадан бир ой ўтиб, 27 авсутда Киота газетасида қуйидаги сарлавҳали мақола босилди: «Мўрмалах сув ўтлари ва бадбин ҳид қандай йўқолди?».

Мана, ўша мақоладан парча: «Бу йил кўл сатҳини майда, чиммат бўлиб босувчи Канада сув ўтларидан, улардан чиқувчи бадбин ҳиддан шикоят қилувчилар йўқ. Ўтган йилнинг айни шу даврида кўлдан 1500 тонна сув ўтлари чиқариб ташланган бўлса, бу йил бошқа турдаги сув ўсимликларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда атиги 110 тонна ўт олиб ташланди. Префектура табиатни муҳофаза қилиш департаменти бошлиғи бу ҳодисани шундай шарҳлади: «Кейинги йилларда кўлнинг бу даражада тоза бўлганини эслолмайман. Мутахассислар билан бирга бу ҳодисани ўрганиб, сабабини аниқлаймиз».

Префектура мутасаддилари ўрганмоқчи бўлган ҳодиса сабаби, табиийки, “Улуғвор Дастур” хадоси эди, нима дедингиз?

Мен бунга аминман. Кўп ўтмай бу ҳодисанинг илмий тасдиғига дуч келдим. «Санкэй» газетасининг шу йил, 16 апрел сонида қуйидаги сарлавҳали мақола чоп этилди: «Ультратовуш тўлқинлар – ботқоқ ва кўлларни тозалашнинг фойдали усули». Мақолада Осака университети ҳузуридаги техника коллежи профессори Ясуаки Маэди тадқиқотлари натижаси ҳақида сўз юритилади. Мақола хадо ғоясининг илмий тасдиғи эди. Мана мақоладан парча:

«Сув таркибидаги диоксин, ПХДФ (полихлордифенил) сингари моддалар ультратовушли тўлқинлар таъсирида буткул парчаланиб кетади. Осака университети ҳузуридаги техника коллежи профессори Ясуаки Маэди мазкур технологияни ишлаб чиқди. 200 кгц частотали ультратовушли тўлқинлар сувдан ўтказилганда кимёвий бирикмаларни парчалаб, ўзига шимиб олувчи майда пуфакчалар ҳосил қилади. Пуфакчалар ёрилганда, кимёвий бирикмалар парчаланиб кетади. Ифлосланган ботқоқлик ва кўлларни тозалашда, шунингдек, Озон қатламини емирувчи фторуглеродни парчалаб ташлашда мазкур технологик усулни қўллаш мумкин. Таклиф этилаётган усул тозалаш муаммога айланган, туриб қолган ифлослантирувчилардан халос бўлиш имконини беради. Амалиётда қўллашга тайёр бу технологик усул ҳали наинки Японияда, балки, хорижда ҳам шов-шувга сабаб бўлиши табиий».

Сувнинг ультратовуш тўлқин тебранишлари билан резонанс алоқаси натижасида, оби-ҳаёт сифати яхшиланишига оид юқоридаги мақола босилганда, Бива кўли узра “Улуғвор Дастур» янграмоқда эди.

“Улуғвор Дастур” сўзлари Табиатни билиш натижасида шаклланган-тузилган товушларга асосланганлигига имоним комил. «Коинот» сўзини айтар эканмиз, Коинотнинг айнан ўзига хос Хадо шу сўзда ҳам мужассамлигини, Коинот уни тутиб олишини идрок этмак керак. «Коинотнинг чексиз энергияси...» дейилади “Улуғвор Дастур”. Демак, дуои-илтижомизнинг соф хадоси олис Коинотнинг ультратовушли ҳудудларига етиб бориб, резонанс ҳосил қилди ҳамда яна Бива кўли узра қайтди.

Замонавий фан ҳар қандай касалга ҳам дори-дармон топа олади, деб ҳисобловчи инсонлар хадо ҳақидаги битикларим моҳиятини англашмайди. Фақат олимлар билан ҳамкорлик, икки ёқлама ахборот алмашинув хадо ҳақида кенг оммага кўпроқ маълумот етказиш имконини бериши мумкин. Профессор Маэдининг янги технологияси ҳамда камина сўз юритаётган Хадо мавзуси яна бир мақола учун асос бўлди. «Зарарли моддаларнинг ультратовуш билан парчаланиши» сарлавҳали «Сув илми» туркумидаги мақолаларнинг олтинчиси бўлмиш бу изланишда яна профессор Маэди тадқиқоти натижалари тўғрисида сўз борарди. Худди шунингдек, мақолада каминанинг Сувга мусиқий таъсир ўтказиш тадқиқотларимга ҳам тўхталган эдик. Келажакда Хадо энергияси билан кўпдан-кўп одамлар қизиқадилар, дея ишонаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунга ишончим комилки, Хадо энергияси мавзуси келгусида ғоят кенг жамоатчилик эътиборини ўзига тортади.

Хадо Сувни ўзгартира олишини тадқиқотларим кўрсатиб турибди. Сувга самимий муносабатда бўлиб, эъзозлаб гаплашсак, оби-ҳаёт ўз сифатини яхшилайди. Катта кўлга ҳам, инсон танасидаги сувга ҳам шу йўсин ижобий таъсир кўрсата оламиз.

«ИШИНГНИ ҚИЛ!» ДЕМАНГ, «ИШНИ ҚИЛИБ ҚЎЙСАК-ЧИ», ДЕНГ

Китобимдаги муз кристаллари расмларига мафтункор швейцар аёли, фирма раҳбари Мануэла Ким ҳам қизиқиб қолганди.

«Ўз кўзимиз билан муз зарраларини кўраётирмиз, китобдаги расмлар мўъжизаси ҳам ана шунда,– деган эди у. Бу мўъжиза сабаб онгимиз шитоб уйғонади ҳамда юксалади. Фикрларимиз ҳамда ҳиссиётларимизни ана шу ўзгариш боис кўра бошлаймиз».

Ким хоним семинар ўтказиш учун мени Швейцарияга таклиф қилди, Европада қатор маърузалар ўқидим.

Учрашувлардан бирида Мануэлла Ким хоним шундай деди: «Икки нафар фарзандим бор. Меҳрибонлик билан гаплашасизми ёки буюрасизми, бола бунга аҳамият беради. «Ишни қилиб қўйсак-чи» билан «Ишни қил!» ўртасида фарқ бор. Бу фарқ ҳатто ҳужайра даражасида ҳис этилишини ҳам тушунаман».

Болалар ота-оналаридан ана шундай буйруқ ва илтимосни тез-тез эшитиб туришади. Энди ўзингизни бола ўрнида тасаввур қилинг: сизга буйруқ ёқадми ёки илтимос?

«Мана бу ишни қилсак-чи» ва «ишни қил!» ёзувли қоғозларни сув тўла шиша идишларга ёпиштирдик, сўнгра сувни музлатиб кристалларни расмга олдик.

Тахмин қилингандек, «Мана бу ишни қилсак-чи» ёзувини ўзига қабул қилган сув кристаллар ҳосил қилди. Шаклан чиройлидан кўра мунис эди бу кристаллар. «Ишни қил!» ёзуви инган сув қўрқитувчи думалоқ шакл ҳосил қилган эди. Кўриниб турибдики, талаб ва буйруқлар ижобий хадога эга эмас экан.

МУҲАББАТ ВА ЭҲТИРОМ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Сув ўзига болаларча қилинган мурожаат сўзларга таъсир кўрсатади. Демак, меҳрибон ота-оналарининг болаларига айтган ҳар хил сўзларидан сув турлича таъсирланар экан-да.

Қоғозчаларга турли мазмундаги сўзларни ёзиб, сувга ҳавола этдик.

Она билан боғлиқ ахборот тарзида «Онам пиширган таом мазаси», «Суянчим онам», «Келин ва қайнона», «Раҳм», «Бахтиёр оила», «Туғриқ», «Болаларга ғамхўрлик», «Хавфсизлик туйғуси» сўзларини танладим. Бу сўзларни «тинглаган» сув музлатилгач, ғаройиб кристаллар ҳосил қилди, фақат «Келин ва қайнона» сўзлари бундан мустасно. Чамаси мазкур сўзларда қандайдир салбий ахборот мужассам, шу боис тўғри кристалл ҳосил бўлмади.

«Отамнинг эрмаги», «Отам билан тўп ўйин», «Оилавий саёҳат», «Ота қатъияти», «Ота ибрати», «Оила боқувчиси», «Оила устуни» сингари сўзларни «Ота ахбороти» сифатида тинглаган сув кристаллар яратди.

Японча «Бош устун» («Оила боқувчиси») сўзига Сув мен кутгандай таъсир кўрсатмади. Кутганимдай йирик шакллари аниқ-тиниқ эмас, балки миттигина кристалл пайдо бўлибди. Эҳтимол, бу отанинг оиладаги айни пайтда тутган мавқеига боғлиқдир.

Оилага тааллуқли «муҳаббат» ва «эҳтиром» ахборотига сув ҳар қандай вазиятда ҳам сезгир таъсир кўрсатди. Мазкур ҳиссиётлар билан боғлиқ тебранишлар сувга таъсир қилгани бор ҳақиқат.

Кадзуэ Като хоним аёллар ва эркаклар ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги учун курашувчи фаол сиёсатчи сифатида Японияда машҳур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ бўлиб ўтган сайловларда Като хоним ғалабага эришиб, япон аёллари ичида илк бор Мамлакат Миллий Парламенти таркибига кирди. У Японияда аёллар нуфузини юксалтириш борасида қатъий кураш олиб борди. 104 баҳорни кўрган Като хонимдан узоқ яшаш сирларини сўрашганда шундай жавоб қайтарибди:

— Ҳар куни камида 10 та муаммо қалбимни тўлқинлантириб туради, узоқ яшашим сири ана шунда.

Нақадар ажойиб! У нимани назарда тутганини яхши тушунаман. Ўзимиз учун ёқимли кечинмалар ичра яшарканмиз, эзгу ХАДО билан мослашамиз. Бу эзгу ХАДО жисмимиз тебранишларидаги номувофиқликни тўғрилайди.

Тонг. Ўрнимдан туриб, қуёшга боқаман. Унинг гўзал жамоли қалбимни ҳаяжонга солади, ҳаётга муҳаббатим жўш уради. Куним шу зайл хуш туйғулар ила бошланса, кечга қадар яхши кайфиятда юраман. Бу — ҳаётбахш кучларнинг ўзаро алмашинувидир. Қуёшнинг, чаманзор чечакларининг тебранишларини қабул қиларканман, жавобан уларга ўз тебранишларимни йўллайман. Эзгу тебранишларни бир-бирига узатган кўйи ҳаёт тўлқинида оқамиз.

Чарақлаб нур сочаётган қуёшга, тонг уйқусидан уйғониб гуляпроқларини ёзаётган чечакларга эътибор бермадингизми? Афсус, сиз уларнинг ажойиб тебранишларига ҳамоҳанг таъсирланишдан бебаҳра қолибсиз. Соғлиғингиз чатоқ эмасми?

Биз сувни ҳурмат қилишимиз, севишимиз, борлигига шукр дея, ижобий тебранишларни қабул айлашимиз керак. Ана шунда Сув ҳам унга қўшилиб биз ҳам ўзгарамиз. Гапнинг пўсткалласини айтганда, моҳиятан барчамиз СУВМИЗ, ахир!

Русчадан
Маҳфуза УСМОНОВА
таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фантастиканинг бугунги аҳволи

Сўнгги интервью

Ажойиб ёзувчи Еремей Парнов ҳаётдан кўз юмди. У илмий-фантастик ва саргузашт жанрининг ёрқин вакили, тарихий детективлар устаси эди. Унинг кўплаб асарлари Россияда ва унинг ташқарисида маълум ва машҳур. Е.Парнов китоблари орасида "Мария Медичнинг сандиқчаси" (ушбу асар бўйича олинган фильм телевидение орқали тез-тез кўрсатиб турилади), "Шиванинг учинчи кўзи", "Искандарнинг ёқут тоши" номли асарлар катта авлодга ёшлигидан таниш эди. Еремей Парнов турли соҳаларда – табиий фанларда ҳам, тариху тилшуносликда, дин борасидаю оккультизмда қомусий билимга эга бўлган инсон эди. Унинг "Люцифер тахти", "Худоларнинг махфий хатлари", "Фамагустда уйғон", "Мальта ҳассаси", "Ҳукмдорлар ва сеҳргарлар" номли асарлари, Я.Райнис, Э.Тельман, Ш.Петефи ҳақидаги биографик қиссалари замонавий тадқиқотларга асосланган ва қадимий манбаларни синчиклаб ўрганиш жараёнида тўпланган кўплаб қимматли маълумотларни ўзида мужассам қилган.

Кейинги йилларда "Терра" нашриёти томонидан унинг "Маршалларга суиқасд", "Илон ҳалқаси", "Толе ва даҳшат", 10 жилдлик Танланган асарлари чоп этилди. Еремей Парнов китобларининг умумий адади, унинг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида миллионлаб нусхаларни ташкил этди. Дунёдаги кўплаб афсоналар, мифлар ва турли халқлар ҳаёти ва эътиқодининг беназир билимдони бўлган Парнов айни чоғда толмас саёҳатчи ҳам эди. Уни айниқса Жанубий ва Марказий Осиё ўлкалари, Ҳимолай ва Тибетнинг етиб бориш қийин бўлган манзиллари ўзига чорлади.

Адибдан олинган ушбу интервью сўнгги суҳбат бўлди.

– Сиз фантастика соҳасига илм айни гуллаб-яшнаган даврда кириб келдингиз. Буни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

– Ўша даврда ёзувчиларнинг катта гуруҳи Ефремов билан биргаликда фантастикага кириб келган эди. Бу "Андромеда туманлиги" номли ажойиб асар яратилган пайт эди. Борис Слуцкий бу даврни бир сатрида аниқ ифодалаб берган: "Физиклар – ҳурматда, лириклар – четда". Ефремов фазони забт этишнинг чексиз имкониятлари ҳақида гапирганди. Асар айни биринчи йўлдош учириладиган пайтда чиққанди. Йўлдош учирилдими, демак фазога ҳам учамиз. Ҳақиқатан тўрт йил ўтмаёқ бу орзу рўёбга чиқди. 60-йиллардаёқ мен кўплар билмаган улуғ сирни – Королёв кимлигини билардим. Мен у билан учрашдим ва унинг болаликдан бошлаб Марсга учиш орзуси борлигини ва бундай парвозга тайёргарликни бошлаяжагидан воқиф бўлдим. У аллақачон Ойга учадиган ракета яратган экан, бироқ у портлабди. Америкаликлар аксилпротон, яъни аксилмодда олишга муваффақ бўлдилар. Дунё икки бора кенгайди. Уотсон ва Криклар ДНКнинг қўшалоқ спиралини кашф этдилар. Эндиликда, инсон ирсий сирлари ўқилиб, генетикага доир аксарият саволлар ойдинлашган ҳозирги кунимизда ҳар қандай тирик жонни яратиш ва кўплаб касалликларни даволаш имконлари туғилди... Ўша пайтда эса буларнинг ҳаммаси кутилаётган эди. Хрушчев Лисенкога ҳар қанча ҳомийлик қилмасин, мамлакатда илм-фан гуллаб-яшнай бошлаганди. Ахир, мен ўзим узоқ вақт фан соҳасида фаолият кўрсатдим. Эсимда, "Юность" журнали учун Мичурин биологияси ва Лисенко номини тилга олмай ДНКнинг қўшалоқ спирали ҳақида каттагина ҳикоя ёзиб бергандим. Унда туғма хасталиклар, масалан, камқонликни тезда аниқлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бериш мумкинлиги, шунингдек, хромосомаларни 2—3 марта орттириб, мевалардан 2—3 баробар кўп ҳосил олиш мумкинлиги борасида гапирилганди. Бу 50-йилларнинг охири эди. Ва тасаввур қиласизми — қандай шов-шувга сабаб бўлганлигини? Бироқ бошқа томондан, тавқилаънатлар ҳам ёғилди... Муҳит мана шунақа эди ва ушбу муҳитда фантастика ўз ўрнини қозонди. Бундан ташқари у, агар амалга ошса нима бўлади?.. деган хавфни ҳам кўндаланг қилди. Бундай муаммони Стругацкийлар ҳам кўтаришганди, бироқ улар фанга эмас, жамиятга, ижтимоий ақлга доир масалаларни ўрганишди. Мен ва ўртоқларим Миша Емцов, Толя Днепров (илмий-фантастикага илмдан кириб келган (физика-математика фанлари номзоди, камдан-кам ижодкорлардан бири) атом муаммолари бўйича шуғулланардик.

— Ўша даврда илмий фантастика соҳасида ижод қилувчиларни пайғамбарлар ёки олдиндан кўрувчилар десак бўладими?

— Ҳа. Кўп нарсалар олдиндан башорат қилинганди. Мен ҳам "агар амалга ошса нима бўлади?.." деган саволни ўртага ташлагандим. Аммо бу саволни олим сифатида қўйиб, ёзувчи сифатида ҳал этганман. Бу борада мен қандай муваффақиятларга эришган эдим? Водород бомбаси яратилган пайтда кобальт бомба ҳақида ёзила бошланганди — бу водород бомбанинг ўзи бўлиб, кобальт қобиққа ўралганди, кобальтдан чиқадиган радиация шамолда тарқалар ва у етиб борган ерда бирорта тирик жон қолмасди (бу шундай бир даҳшат эдики, агар у амалга ошса, ер сайёрасида ҳаёт тугарди, олимлар шу боисдан ундан воз кечдилар). Ушанда мен кучли портлаш содир этмасдан нейтрон оқимларини йўналтирадиган бомба яратиш мумкинлиги ҳақида фикр юритдим. Тирик ҳужайраларни у ҳалок қилади, нарсалар эса бус-бутунлигича қолади. 1968 йили "Севгимни қайтаринг" деб номланган кичкина қисса ёздим ва унда нейтрон бомбанинг қандай ишлашни батафсил баён қилдим. Ҳатто синов полигонининг тасвирини ҳам чизиб кўрсатдим. Роппароса 13 йил ўтгандан кейин бутун дунё нейтрон бомбаси тўғрисида гапира бошлади. Бу пайтда мен Европа илмий-фантастикаси ассоциациясининг президенти, Ёзувчилар союзининг аъзоси эдим. "Литературная газета" мендан нейтрон бомбаси ҳақида ёзиб беришимни сўради. Мен 13 йилдан кейин хаёлдаги даҳшат рўёбга чиққанлигини ва бу қурол қўлланиладиган бўлса, бутун дунёга офат келтиришини ёздим.

— Хўш, ундоқ бўлса, америкаликлар ғояни сиздан ўғирлаган эканлар-да?

— Йўқ, ҳаммаси ҳавода осилиб турарди, масалан, худди борлиқни совутиб юборадиган ядро реакцияси сингари — бу ҳақда ҳамон гапиришади, лекин ҳали у амалиётга татбиқ қилинмаган. Америкаликлар "Ярим кечагача беш дақиқа" номли китобни чоп этдилар, унга фантаст ёзувчиларнинг атом асри фожиаси ҳақида ҳикоя башорат қилишади. Ғоя 1916 йилда Уэллс томонидан ташланган бўлиб, адиб ёрқин қирраларини тавсиф этмаган ҳолда энг даҳшатли бомбани тасвирлаб, уни атом бомбаси деб атаган эди. 1939 йилда, Иккинчи жаҳон уруши бошланган кезда, Ғарб атом бомбасига тааллуқли барча масалаларни матбуотда ёритилишига тақиқ эълон қилди. Бироқ, кутилмаганда, Невада штатига қарашли Тринитисайтдаги "Оқ қум" ракета полигонида биринчи синов ўтказилишидан бир неча ой муқаддам қандайдир Картмилл деган шахс атом бомбаси ҳақида "Қисқа муҳлат" номли ҳикоясини эълон қилади ва унда унинг қирғин келтирувчи жиҳатларини таъкидлайди: портлаш, тўлқин зарбаси, иссиқлик зарбаси ва зарарлайдиган майдон радиуси ҳамда яна бир қанча аниқ хусусиятларини келтиради. Ва ушбу илмий-фантастик ҳикояни эълон қилган "Амизинг" журналига ЦРУдан келишиб, бу борада тушунтириш хатларини талаб қилишади. Картмилл матбуотдан олиб фойдаланган материалларини кўрсатади. Қолганларини ўз ақли билан тасаввур қилганлигини айтади. Хусусан, мен ҳам асарларимда айрим нарсаларни башорат қилганман, лекин улар у қадар таъсирчан чиқмаган. Илмий фантастика илмдаги ғоялар синовдан ўтказиладиган полигондир. У мазкур ғояларнинг жамиятда қанчалик қўлланилиши мумкинлиги ҳақида тушунча беради. Ойга парвоз ҳақида I асрда римликлар ёзишганди, кейин Жюль Верн, Герберт Уэллс ва бошқалар ёзишди. Жамият бу парвознинг рўёбга чиқиши мумкинлигига кўникиб борди. Сўнг бу ғоя кимнидир ўзига жазб этди. Баайни Фёдоров Циолковскийни ўз ғоялари билан асир қилганидек. Гарчи давлат бизнинг фантастикамизни севиб, унга ҳеч қачон ташна бўлмаган эса-да, биз космонавтлар билан дўст эдик. Гречко бир пайт менга, унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

авлодини фазога айнан фантастика чорлаганини айтган эди.

— Фантастиканинг бугунги аҳволи қай даражада?

— Фанда қандоқ бўлса, шундоқ. Мен, албатта, фантастика соҳасини назарда тутмоқдаман. У бизда деярли йўқ даражада. Илгари илмий-фантастик асарларни ёритган журналлар эндиликда йўқ...

— Ҳозир ҳамма нарсага иқтисодий инқирозни рўкач қилмоқдалар. Биз қайларгадир қуламоқдамиз, шекилли?

— Модомики таълим вазири математикани зарарли санар экан, модомики тарих сохталаштирилар экан... Кимдир Россия Япония билан урушда ҳақиқатда енгилган эмас. Шунчаки биз урушни эртароқ якунладик, бўлмаса... деб қолди. Майли, ватанпарварлик туйғуси ғолиб келди деган фикрга тоқат қилайлик, лекин кўҳна тарих турган-биттани ўрта аср монахларининг хаёли меваси дейилган фикрга-чи?.. Шўрлик олимлар кўнгилларидагини айтишга ботинмайдилар, Гинзбург бошчилигидаги бешўнтаси бундан мустасно, улар ҳеч нарсадан қўрқмай қўйганлар, ўз фикрларини хатларда билдирадилар. Мен яқинда Евровидение орқали Европа жамияти ёш олимлар ҳимояси учун 560 дан 950 миллион еврога қадар маблағ ажратганлигидан воқиф бўлдим. Бу айнан мана шу инқироз даврида! Улар саноат ва иқтисодиётни илмсиз қутқариб бўлмаслигини тушунмоқдалар. Биз эса нима қилмоқдамиз — биноларни тортиб олиб ўрнида қандайдир офис-мофислар очиш учун институтларни ёпмоқдамиз. Нанатехнология борасида-чи? Бу, ахир, физика ва химиядан ўсиб чиққан юзинчи шоҳалар, илмнинг мўъжаз тармоқларидир. Бу йўналишни математикасиз ва умуман фундаментал фанларсиз ривожлантириб бўлмайди. Жамиятдаги яратилаётган носоғлом муҳитдан қатъи назар, аҳвол аянчли. Мен телевидение орқали берилаётган васвасалар ҳақида гапирмай қўя қолай. Ҳатто илмга дахлдор кўрсатувларда ҳам илмдан нишона йўқ... Яқинда биринчи каналда "Моғор ҳақида" васваса берилди. Шармандагарчилик бу. Ермолова Давлат мукофотини пенцилинни яратгани учун олган эди. Кимёвий таркиби жиҳатидан у америкаликларникидан мутлақо фарқ қилмасди, зеро иккисида ҳам бир хил замбуруғ эди. Ермоловани мен яхши билардим. Пенциллинлар фақат эмланиш жиҳатидан фарқланарди: бизникиқаттиқ оғритарди. Чамамда, бизда ўша даврда тоза новокаин йўқ эди. Қолган барча жиҳатлари бирга-бир эди. Фильмда эса бизники яхши эди дейилади. Халқимиз, телевидениени қўйиб турайлик, матбуот сўзига ишонишга кўниккан... Хўш, бу борада нима дейиш мумкин? Бу менинг ёдимга Салтиков-Шчедринни туширди. У ҳозир даврмиз учун энг керакли ёзувчидир. "Уларда (биз ҳақимизда гапирмоқда) энг маърифатли салтанатдаги каби ҳамма нарса бор эди: қонунчилик, темир йўллар, китоб босадиган босмахоналар. Бироқ бошқаларники сингари эмас, энг яхшилари". Менга яна бу ёзувчининг бир асаридаги шаҳар ҳокимининг ушбу сўзи жуда ёқади: "Ҳаммасидан муҳими, биз халқимизни ҳайратда ушлаб туришимиз керак". Бунақа "ҳайратда ушлаб туриш" бизда мактабдан бошланади ва бунга шунчаки ўткинчи иш деб қаралмайди. Мактабда адабиётни қай аҳволга туширдик! Газеталарни-чи... Уларни ўқиб бўлмайди!

— Сиз "Гурагон атласи" номли китобингизга Экклезиастдан эпиграф олгансиз. Унда таъкидланишича, ҳамма кулфат содир бўлган ва бир марта эмас, бироқ биз барчасидан соғ-омон чиққанмиз. Бу галгисига сизда қандай тавсия бор?

— Гап шундаки, бу ҳол Россияда ҳамиша бўлган. Биринчидан, худди пластинканинг игнаси орқага сакрагандек ҳамиша ортга қайтиш бўлган ва айни чоғда бу тебранишнинг масофаси қора кунлардан либераллашувнинг энг чекка чегаралари қадар бўлган. Оқибат-натижада ё инқилоб, ё сохта инқилоб содир бўлган ва бу инқилоблар асосан юқоридан бошланган. 17-йилдаги Феврал инқилобини мен юқоридан уюштирилган инқилоб деб ҳисоблайман. Кумуш давр асосан монархияга ҳужум билан ўтди. Тузум тоқат қилиб бўлмас даражада эди, бироқ, унинг ўрнига келгани билан таққослайдиган бўлсак... Ё худо, ўзи (монархия) шу кунгача давом этса бўлмасмиди, у аста-секин эврилиб, 1926 йилда Россия Американи қувиб етган бўларди — ўша даврда ўсиш юксак даражада эди. Дума ҳар қанақа кўринишда бўлмасин ҳозиргисидан яхшироқ — эркинроқ бўларди. Пётр-чи? Қаттиққўл эди, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилди дея у ҳақда нималар гапиришмасин, у буюк ҳукмдор бўлган. Россияни замонга "мослаштирганлиги" шак-шубҳасиз унинг хизматидир. Йўқса, биз ҳозир қаерда бўлардик?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ у қандай маломатларга сабаб бўлмади?! То ҳануз тавқи лаънат осишади, баҳслашишади... Кейин аёллар салтанати бошланди: Екатерина I, Елизавета, Анна Иоанновна, Анна Леопольдовна... Кейин тахтга улуғ ҳукмдор Екатерина II келди. У Конституцияни тайёрлайди, крепостнойлик ҳуқуқига барҳам беришга киришади, дворянликка тўла ҳуқуқ беришни хоҳлайди ва беради ҳам. Уша пайтда Француз инқилоби бошланиб қолади! Даҳшат. Бунинг устига – Пугачев қўзғолони! Даҳшат. Тахтга Николай келади – Россия учун керакли ҳукмдор, қаттиққўл, бироқ зарур бўл-маган жойга бошини суқади: оқибатда урушда ютқазади. Яна бошқа томонга тебраниш – тахтга Александр II келади. Улуғ ишни амалга оширади – қонунчиликни йўлга қўяди – бу бутун дунёдаги энг илғор қонунчилик бўлди ва 17-йилгача барқарор ишлади. Вера Засулични оқлашди – нима ҳам дейсиз! Народовольчиларга либерал Россия керак эмас. Ундан кейин "нечаевчилик" бошланиб кетди... Ва бу ҳамон давом этмоқда.

– Бу ҳаракат бизни бошқа томонга ирғитмайдими?

– Албатта. Мен улуғ рус халқининг, улуғ мамлакатнинг заволига умуман ишонмайман. Менга аввалги тузум ёқмасди. Мен партияга ҳам кирмаганман, аммо бу менинг ҳукуматим, менинг мамлакатим эди ва мен унга хизмат қилишга ҳаракат қилдим, сидқидилдан. Имкон даражасида кун кечирдим, қаерлардадир фойдали ишлар қилдим, қаерлардадир менга азоб бердилар, қаерлардадир қадримни ерга урдилар, қаерлардадир қаддимни тиклаб, орден бердилар... Ростини айтсам, 70 йиллигим билан мени Ёзувчилар союзи ҳам, журналлар ҳам қутламадилар. Фақат "Литературка"да суратим билан қисқа табрик босилди... Бугунга келиб, адабиёт ва фан майдалашиб кетганидек, сиёсатдонлар – арзимас шахслар, қўғирчоқлар ҳам майдалашиб кетдилар.

– Бу ҳол фақат биздами?

– Афсуски, ҳамма ерда шундоқ. Бизда, айниқса, нашр қилиш осонлашиб кетди. Истеъмолчилар жамияти вужудга келди – пул биринчи ўринга чиқди. Ҳатто олимлар ҳам пул учун тубанлашиб, ҳар нарса ҳақида вайсашга ўтдилар. Илгари текин даволаган шифокорлар эндиликда пул кўрсатилмаса бир қадам ҳам босмайдиган бўлдилар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари пора ола бошладилар... Мамлакатда энг муҳим нарса – инсон шахсининг қадр-қиммати, виждон ҳақида гапирилмагандан кейин буёғи нима бўларди. Бу тушунчалар ҳатто йўқолиб бормоқда. Бусиз яшаб бўладими ўзи! Жиддий илмий-фантастика яратиш учун маълум бир даражадаги илмий савияга, тушунчага, тажрибага эга бўлмоқ керак, истеъдод ҳақида гапираётганим йўқ, тағин меҳнат ҳам талаб қилинади. Манбалар билан, ҳужжатлар билан ишлаш заҳмати ва тинимсиз мутолаа бу... Агар осонгина чап оёқда ёзиш имкони бўлса, буларнинг кимга кераги бор?

– Лекин бу қоронғи йўлда қандайдир нур борми?

–Россия тарихидан маълумки, чекка нуқтасидан чиққанида маятник тебрана бошлайди, ҳозирги пайтда бу нуқта – инқироз. Энди ҳаракат бошқа томонга қараб бўлади – бунинг бошқа иложи йўқ. Улуғ маданиятга эга бўлган улуғ мамлакат, улуғ халқ заволга учраши мумкин эмас, имкон йўли топилади.

"Литературная газета"нинг 2009 йил 25–31 март (№ 12-13) сонидан жузъий қисқартиришлар билан олинди.

Суҳбатни Рогнеда СМИРНОВА олиб борди

Русчадан Мирпўлат МИРЗО таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Уйғонмадим сенинг кўксингда...»

Шеър шакли шоирнинг воқеликка нисбатан нуқтаи назаридир. Ўтган асрнинг 80-90–йилларидаги тарихий шароит ҳаётда янги тамойилларни туғдирди. Шунга кўра адабиёт ва санъатда ҳам янгича бадиий ифодалар, янги таъсир воситалари пайдо бўла бошлади. Айниқса, адабиётда биз кўниккан бир хиллик чегаралари бузилиб, хилма-хиллик нишоналари кўринди. Демак, янги давр – мустақиллик даври келиши билан янги шахснинг – маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларга шахс, миллат, ватан манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашаётган шахс руҳиятидаги мураккаб жараёнларни янги шакллар ва бадиий тимсолларда жонлантириш талаби давр тақозосига айланиб қолди. Бугунги кун кишисига хос бўлган туйғулар, кечинмалар сўз санъатида ҳам ўзига хос тарзда ифодаланадиган бўлади. Шеър ҳар томонлама янгилана бошлади. Жумладан шеърнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланмиш банд кўринишларида ҳам маълум бир ўзгаришлар юзага келди. Буни шеъриятимизда анчагина тармоқ ота бошлаган учлик шакли мисолида кўриб ўтайлик.

Учлик шакли, аввало, ўз адабиётимиз замирида, оғзаки ижод таъсирида пайдо бўлганди. Ҳозирги кунда Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим каби шоирлар учликлардан самарали фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

Энг мустаҳкам геометрик фигура тенг ёнли учбурчак ҳисобланади (пирамидалар ҳам шу шаклда). Учлик ҳам тенг мисрали, қофиялар билан боғланади. Унинг ҳар бир сатри шеърий банд қурилишини мустаҳкам тутиб туради. Бу шакл онгимизда мустаҳкам ўрнашади, уларда кўпинча пирамидалар янглиғ буюклик, улуғликни англатувчи ҳиссиётлар ҳам берилади. Учлик худди тенг ёнли учбурчак кабидир – ҳар бир сатр тенг вазифа бажармоғи керак. Мисралари қофиялари билан ҳам боғланган. Бироқ ҳозирги давр лирикаси тажрибаларидан кўринадики, миллий адабиётимиз анъаналаридан ташқари ҳолатда кириб келган учликларда бундай эмас. Масалан, алоҳида изланишлар меваси бўлган Рауф Парфи учликларида қофияланиш, мисраларда бўғинлар тенглиги йўқ, умуман, шоир анъанавий шеър талабларига риоя қилмайди. Мисол келтирамиз:

Соат синди, соатлар синди.
Вақтнинг исканжасида
Ўлиб кетди соатсоз бевақт.

Бу шеърда на вазн, на қофия бор. Ҳозирги кун ўқувчиси бундай шеърларни ўқишга ҳам кўникма ҳосил қилади. Шундай шеърлар борасида А. Вяземский шундай фикр билдирган эди: “Қофиясиз яхши шеърларни ўқир экан, доим миямга бир фикр келади: афсус бу тизмалар шеърга айланмай қолган”. Ўз даврида шоир анъанадан чекинишини қабул қилолмаган бўлса ҳам, уларнинг яхши шеърлар эканли-гини тан олган. Худди шунингдек, бугунги кунда ҳам шеър мезонларига тўлиқ риоя қилмаган шеърлар ичида ҳам яхши асарлар учрайди.

Юқоридаги мисолда учта образ мавжуд: соат, вақт, соатсоз. Умуман олганда, улар замирида ким ва нима назарда тутилди экан? Аслида учаласи ҳам бир нарса – вақтдан пайдо бўлади. Соат нима – сабрми, тоқатми, умрми? Соатсоз-чи, инсонми? У ким? Ҳар ҳолда бир умр заҳматини чеккан инсон. Соат, яъни умр вақт исканжасида синди. Соатсоз бу умрни тузатаман деб овора бўлади. Лекин афсус бевақт ўлиб кетди – тузата олмади, дунёнинг камини ҳам тўлдиролмади. Эртадан кечгача – вақт исканжасида тирик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилик ва тириклик кўйида умр ўтдию, ўзлигини англаши мумкин бўлганда бевақт дунёни тарк этди. Бу шеърда "исканжа" сўзига алоҳида урғу берилади. Шу сўз билан поэтик маънолар очилади. Поэтик синтаксисда бош маъно шу сўзда, у эгадир. Усиз шеър мазмуни юзага чиқмайди, соат ва соатсоз образи мавҳум қолади. Бу сўз ўрта қаторда берилган, 1- ва 3-мисрага баравар тегишли. Вақт исканжасида – икки нуқта – туғилиш ва ўлим оралиғида умр ҳам ўтди, вақт исканжасида соатсоз ҳам ўтди. Вақт – олий ҳакам. У доимо устимиздан ҳукм юргизади. Шеърда эса вақт – бевақт сўзлари қарама-қарши қутбга қўйилади. Соат сингач, соатсоз кетгач, макон-замон чегаралари ҳам йўқолиб кетади. Ушбу шеър умрдан маъни излаган, туғилмоқ ва ўлмоқ асрорини қидирган, умр йўлларида сарсон инсоннинг қисматига ишорадай туюлади.

"Рауф Парфи Ўзтурк поэтикасида метафоралар ва мажозлар турфа рангларга, серқатлам маънодорликка эга бўлган бир олам. Таҳайюлларга қурилган рамзли образлилик Рауф Парфи Ўзтурк шеъриятидаги Оламни ва Одамни кўриш ҳамда кўрсатишдаги бош йўли, бадиий тафаккурдаги устивор йўналиши. Шу боисдан бўлса керак, Рауф Парфи Ўзтурк шеърларидаги сўз – образлар, рамзлар айрим ўқучиларга мавҳумдек, мураккабдек туюлади" деб ёзади адабиётшунос олим, профессор Н. Раҳимжонов.

Дарҳақиқат, шоир бадиий тафаккури оламига етиб бормагунча, айниқса, унинг учликлари борасида юқоридаги фикрларда баён қилинганидек, мавҳумликни ҳис қилиш мумкин.

Модерн – замонавий, янги, ҳеч кимга ўхшамаган сингари тушунчаларни билдиради. Шу маънода Р. Парфи шеъриятда ўзга йўл очган – ўзи мустақил шеърий жанр яратган – ҳеч ким йўл солмаган оппоқ қор устидан юриб ўтган...

Рауф Парфи учликлари бирор-бир халқ шеърияти жарини тўғридан-тўғри кўчириб олмаган мустақил жанрдир. Шу борада фикр юритар эканмиз, япон хоккулари ҳақидаги тасаввурларимизни тиниқлаштирсак ва уларни Парфи учликларига қиёслаб кўрсак.

Ўз ички дунёсини унинг юқори даражадаги ҳаяжонли дамларида улкан мазмун ихчам жойлаштирилган поэтик образлар орқали ифодалаш хокку санъатида устиворлик қилади. Бу образларни Исикава Такубоку образ-сигналлар сифатида беради: шамолнинг увлаши, каккунинг товуши ва бошқалар.

Хоккулар ҳақида япон шеърияти таржимонларининг ўзлари ҳам атрофлича маълумот берадилар.

Хуршид Даврон хоккуларнинг ўзгармас шеърий қонун ва ақидалар асосида ривожланиб келганини айтади. Унда баъзи унсурлар борки, жумладан, йилнинг 12 ойида маълум мавзулар бўйича шеър ёзиб, шу ойлар ҳақида тўла тасаввур беришни талаб этилади. Масалан, шеърда олхўри гули, қор, шамол каби тимсоллар иштирок етиши керак. Ундан ташқари, япон шеъри (хокку, танка) кайфият шеъри эканлигига алоҳида эътибор берилади.

Дарҳақиқат, уларда ички бир овозни ҳис эта билмоқ даркор бўлиб, шоирнинг ана шу кичик шаклга ихчам тарзда бир оний лаҳзада ҳис этган кечинмаси орқали улкан борлиқ ҳақиқатини сиғдира билганлиги маҳорат нишонасидир.

"Хокку тасаввур уйғотадиган, унга туртки берадиган, ҳар бир ўқувчи қалбида ўзгача кечинма уйғотадиган шеърий жанрдир. Унда ўқувчи шунчаки ўқувчи эмас, хоккудаги ҳар бир образ ва кечинмани ўзига қабул қилиб, ўзи ҳам унинг яратувчисига айланади. Яъни хоккудаги шоир кечинмалари ўзга қалбга кўчиб ўтади. Янги кечинма ва туғёнлар ҳосил қилади" деб ёзади Эшонқул хоккулар табиати ҳақида. Шунингдек, бу жанрдаги шеърларнинг шеърий қурилиши ва ритми ҳақида ҳам гапиради: "Япон хоккулари ритмик жиҳатдан асосан икки қисмга бўлина-и.

Хоккудаги "кирэдзу" (кесувчи, ажратувчи сўз маънодасида) шеърни икки қисмга ажратиб, унга грамматик жиҳатдан тугалланганлик, интонацион бир бутунлик бағишлаб туради.

Мисол учун:

Ҳузуримга кел дўстим.
Дийдор ҳам бир ганимат.
Учиб тушди илк япроқ.

Басёнинг бу машҳур сатридаги кирэдзу "Дийдор ҳам бир ганимат" сатридир".

Энди қиёс учун рус шоири Д. Б. Лавровнинг хоккуларидан мисол келтирамиз:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лепесток вишни
Падает, мягко кружась,
Ещё один день прожит...

Ёки:

В сон погружаюсь,
Как после шторма корабль
Ко дну идущий...

Биринчи мисолда "Ещё один день прожит", иккинчи мисолда "Ко дну идущий" мисралари "киредзу" вазифасини ўтайди. Яъни учлик маъносини айнан шу сатрлар очиб беради.

Эътибор қилсангиз, учликларнинг 1-сатри 5 бўғин, 2-сатри 7 бўғин, 3-сатри 5 бўғиндан иборат. Япон хокку (хайку)лари жаъми 17 бўғиндан (5+7+5) иборат бўлади. Япон тилидан русчага ва ўзбекчага таржималарда эса бу қонуниятга амал қилиш қийинроқ кечган. Деярли ҳеч қайси таржимада бунга амал қилинмаган.

Улар қофиясиз бўлиб, поэтик тилнинг соддалиги, баён эркинлиги билан фарқланади. Бу менталитет ва миллий маданият билан боғлиқдир.

Масалан:

Эски ҳовуз.
Қурбақа сакрар сувга.
Чайқалади сукунат.

Шу билан бирга Ж. Эшонқул хоккулар 5-7-5 лик тарзида ёзилса-да, унинг аниқ бир шакли йўқлиги, унинг эркин шеърият эканлигини ҳам айтади.

Энди Рауф Парфи учликларидан яна мисол келтирсак ва уларни таҳлил этсак. Анъанавий япон хоккулари маълум мавзу билан чегаралганган бўлса, шоир ўзбек шеъриятида учлик мавзуларини кенгайтирди. Кўпгина учликларда эрк, миллатпарварлик мавзуларини олиб чиқади. Масалан:

Уйғонмади тоғлар, дарёлар,
Уйғонмади бу қаро дунё,
Уйғонмадим сенинг кўксингда.

Бу мисолда шоирнинг эркка ташна, миллат тақдири учун бир умр курашган, унга чин маънодаги маърифат истаган ШАХСнинг ҳаёти кўз олдингизда намоён бўлади. Бир умр келажаги ва охирати, ўтмиши ва бугуни ҳақида жанр солгани билан жавоб қайтармаган миллат қайғуси эмасми бу? Шоирни ҳали англаб улгурмаган, уни кўксида уйғотмаган миллат фожиаси эмасми бу? Демак, Рауф Парфида учликларнинг мавзу доираси кенг, бу асарлар миллий менталитетдан келиб чиққан ҳолда ёзилган ва миллий колоритга бойдир. "Уйғонмади бу қаро дунё"ни кирезу ўрнида қўлланган дейиш мумкин. Агар шоир шу фикрга урғу бермаганида эса бошқа сатрлардаги "уйғониш" маъноси тушунарсиз, англанмай қолар эди. Бу чин маънодаги уйғониш, ўзликни англаш эканлиги айнан шу иккинчи сатр билан боғлиқ равишда очилади. Кейинги учликнинг мавзуси ҳам уни давом эттиради:

Сўзламайман, дейман. Сўзламайман.
Сўзларимнинг ортидан эргашаман
Қаро гўргача.

Бу ерда ўз миллатига манқуртликдан қутулиш, ўзликни англаш ҳақида гапира-гапира чарчаган инсон қиёфаси намоён бўлади. Лекин у аҳдига, мақсадига, сўзларига, ғояларига содиқ. Ўз сўзининг устидан чиқади, то қабрга боргунча ўз ғоя, маслакларидан кечмайди.

Шоир учликларда классик шеърият ва анъанавий ХХ аср шеъриятида давом этиб келган ишқ мавзусига ҳам мурожаат қилади:

Минг йил кимни изладингиз,
Мен сизни изладимми?
Бир зумда йўқотмоқ учунми?

Ушбу шеърда кўп таъкидланган "Висол – муҳаббатнинг гўзал ўлими" ғояси берилганини кўриш мумкин. Минг йиллар давомида инсонлар қалбини ўтда ёқиб келаётган муҳаббат, минг йиллардан бери висолга етган муҳаббат ўткинчи эканлиги исботланади. Айни замонда бу туйғу яна барибир исботталаб эканлиги ана шу ихчам сатрларда баён қилинади. Ошиқ учун Висолгача бўлган вақт минг йилга тенг. Бир зумда бу ишққа ташналик йўқолади. Минг йил ва бир зум қарамақарши келади. "Минг йил сизни изладимми мен?" деб таъкид берилади. Агар сизни сўзи сатр бошида берилганда "минг йил" бирикмасига алоҳида урғу берилган бўларди. Ҳозирги ҳолатда "Сизни" сўзига урғу берилади. Демак, ошиқнинг ўз маъшуқасидан кўнгли қолган, у – излаган киши эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунинг учун зумда у оддий одамга айланади.

Р. Парфи учликларида нафақат катта фалсафий фикр, балки оний бир лирик кайфият ҳам берилиши мумкин:

Ер ўз ўқидан айрилар, инсон,
Инон, осмонидан айрилар қуёш,
Агар биз айрилсак.

Бу ерда ошиқ оҳ-воҳ чекиб ўтирмайди, айрилиқни қиёмат кунга тенглайди – қўяди. Шеър ўқувчи руҳиятига бир зумда таъсир этувчи кайфият беради. Лекин бу бир зумлик кайфият инсоннинг бутун ҳаёти мазмунига тенг бўлга туйғу ҳақида хабар беради.

Япон хоккулари 17 бўғинли бўлиши билан бирга урғуларнинг бир ўринда келиши билан ҳам фарқланади. Рауф Парфининг учлик шеърларида ҳам, япон учликларидан таржималарда ҳам бу иккала хусусият сезилмайди. Фақат рус тилидаги Лавровнинг хоккуларида сатрлар кўпинча 5-7-5 бўғинлардан иборат эканини кўриш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларга кўра айтиш мумкинки, **биринчидан**, япон учликлари бўғин ва урғулар сони жиҳатдан асрлар бўйи шаклланган маълум бир қонуниятларга бўйсунади, ўзбек шеъриятидаги учликларда эса бўғин сони ва урғу ўрни жиҳатидан қатъий чегаралаш йўқ (мисол учун, охирги келтирилган учлик сатрларининг бўғинлари сони 10-11-16; “Мен сизни” деб бошланувчи шеър 8-7-9 ва ҳаказо). **Иккинчидан**, уларда мавзулар бўйича чегараланиш ҳам мавжуд бўлиб, унда фаслга оид сўзлар (киго) иштирок этса, ўзбек шеъриятидаги учликларда бундай мезонлар мавжуд эмас. Р. Парфида учликлар мавзу доираси кенг ва эркин (масалан, “Уйғонмади тоғлар”, “Сўзламайман” деб бошланувчи учликларда умуман япон учликларига хос бўлмаган мавзулар кўтарилади). **Учинчидан**, бу учликлар япон хоккуларига фақат оний кечинмани табиат, борлиқ, абадият билан, улкан ғоялар билан узвий боғлиқликда ихчам шаклда бера олиш жиҳатидангина ўхшайди (масалан, юқорида эсланган барча шеърлар, айниқса, “Соат синди” деб бошланувчи учлик фикримиз далилидир). **Тўртинчидан**, япон хоккуларида шеърни ритмик жиҳатдан иккига бўлувчи қисм (киредзу) мавжуд бўлса, Рауф Парфи учликларида асосий мазмунни юзага чиқарувчи сатр ёки сўз хоҳлаган мисра-да берилиши мумкин (масалан, вақт ҳақидаги учлигида 2-сатр, айрилиқ ҳақидаги учлигида 3-сатр шу вазифани бажаради).

Умуман олганда, Рауф Парфи учликларда мустақиллик йилларида миллий лирикамизни шакл ва мазмун жиҳатдан бойитишга қўшилган катта ҳиссадир.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,
Тил ва Адабиёт институти
тадқиқотчиси

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фитрат ижодида мифология

Абдурауф Фитрат – Ўрта Осиё жадидлик ҳаракатининг энг йирик ва ёрқин сиймоларидан бири эди.

У ўтган асрнинг бошларида Туркияда таҳсил олиб келгандан кейин Бухорода юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларда фаол қатнаша бошлайди. Маълум даражада Европа маданияти билан танишади. Ислом тарихи, калом ва ҳадис илмини яхши билган Фитрат 1914 ёзилган "Сайёҳ ҳинди" асарида Бухоро хонлигидаги асрий қолоқлик иллатларини қаттиқ қоралагани маълум, «Яқин 200 йилдирки, бухороликлар илмни қадрламай қўйдилар. Тамаддун фалакидаги ёрқин юлдуз, башарият китобининг мунаввар саҳифаси Туркистоннинг эндиликда қай аҳволга тушиб қолганини гапиришга киши уялади!»

Шунингдек, адиб ўзининг машҳур "Мунозара" асарида фақат Бухоро эмас, бутун Туркистон халқларининг аҳволи нечоғли ачинарли экани ҳақида: "Жаҳонга Абу Али ибн Синодек, Форобийдек буюк олимларни берган замин, халқ нима учун қолоқлик ва жаҳолат ботқоғига ботиб қолмиш?" дея фарёд қилади.

Шуниси қизиқки, маърифий нуқтаи назарни ҳимоя қилувчи Фарангий (у яна шарқшунос ҳам) жаҳолатни танқид қилар экан, Қуръон ва Ҳадисларга таянади ва ўз танқидларини ҳақиқий исломга мункир келиш деб ҳисоблайди. Дин эмас, балки одамларни қулларча итоаткорлик ва фаолиятсизлик асоратига банди қилган зулмат ва жаҳолат – Фитратни ташвишга солган ва унинг танқиди манбаи бўлган нарсалар мана шулардир. Бухоройи шарифни расво қилган мусибатлардан қутулиш йўлини у маърифатда кўради, таълимни, давлат бошқарувини ислоҳ қилишни, газета ва журналлар чиқаришни таклиф этади.

Вақти келиб бу фикрлар жадидларнинг маърифий-демократик ҳаракати дастурига айланади. Унинг ғояларини тарғиб қилган ҳолда мамлакатнинг Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Ҳамза, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Тавалло, Шавкат Искандарийдек кўплаб энг яхши ёзувчи зиёлилари унга бош қўшадилар. "Мунозара, – деб ёзганди Садриддин Айний, – замона тараққиётига кучли ва ижобий таъсир кўрсатди. Бир томондан, у душманларнинг кўзини очган ва улар янгилик тарафдорларига ҳужум қила бошлаган бўлсалар-да, бу жадидларни қўрқита олмади; иккинчи томондан, "Мунозара" маълумотли одамларни ва ёшларни ўзига тортди ва инқилобий фикрлар туғилишига имкон берди".

Жадидчилик ҳаракатининг инқилобий демократизмга аста-секинлик билан ривожланиб бориши уч инқилоб давридаги Россия империясида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятда табиий ҳодиса эди. Марказий Осиё инқилоби тарихи шуни кўрсатдики, Россия мустамлака чекка ўлкаларидаги инқилоблашув жараёни шу ўлкалар халқларининг озодлик ҳаракати билан узвий боғлиқдир. Жадидчилик ҳам шу ҳаракатнинг ажралмас қисмини ташкил этарди. Бироқ 1916 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида содир бўлган халқ қўзғолони маҳаллий аҳолининг фронт орти ишларига сафарбар қилиниши муносабати билан ўлка ичидаги ижтимоий зиддиятни бутунлай очиб ташлади.

1916 йилдаги халқ қўзғолони шу даврдаги "миллат оталари"нинг ёрдами билан қонли тарзда бостирилди. Маҳаллий ҳукмдор доираларнинг исён кўтарган халққа нисбатан чоризм билан хиёнаткорона битими жадидчилик раҳбарлари эълон қилган миллий бирлик ҳақидаги маърифий ниятларни йўққа чиқарди.

Туркистон генерал-губернаторлиги жадидлари орасида ихтилоф туғилишидан манфаатдор эди. Бу пайтда янада фаолроқ инқилобий кучлар ижтимоий-сиёсий курашга бош қўшадилар. "Бухорога нисбатан хўжалик тарзи анча юқори бўлган Туркистонда, – деб ёзганди Файзулла Хўжаев, – кўпроқ рус ишчи кадрлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

мавжудлиги ва рус сиёсий партиялар фаолияти анча ривожлангани туфайли мустабид ўрта аср Бухоросига қараганда тараққийпарвар ғоялар тарқалиши учун вазият анча-мунча қулай эди”[1]. Бухородаги жадидлик ҳаракати узоқ муддатли ва нисбатан ягона инқилобий кучга эга эди. Бу ерда мутлақ амир ҳокимиятини тинч йўл билан ислоҳ қилиш ҳақидаги хаёллар 1917 йил мартида ҳам амалда мавжуд эди. Бироқ Бухоро амири Олимхоннинг 1918 йил мартида жадидлардан олган даҳшатли қонли қасоси фожиали сабоқ бўлди. 1920 йилда амир ҳокимиятининг узил-кесил йиқитилиши инқилобий зиёлилар ва халқнинг янада қатъийроқ ҳаракат қилишига туртки берди.

1923 йиллардан бошлаб жадидларга нисбатан расмий муносабатда сезиларли бурилиш рўй берди. 1926 йилда Ф.Хўжаевнинг Бухоро инқилоби масалаларига доир мақолалари қаттиқ танқид остига олинди. 1927 йилда эса партия съезди минбаридан туриб, Ф.Хўжаевни “жадидчиликни илоҳийлаштиргани” учун миллатчиликда айблашади. Маълумки, бу айблов охир-оқибатда фожиа билан якун топди. 20-йиллар охиридаги собиқ жадидларни танқид қилиш 1937 йилда уларни бутунлай йўқ қилиш билан ниҳояланди. Бу қисматдан Файзулла Хўжаев ҳам, Абдурауф Фитрат ҳам қутулиб қололмади.

Келинг, 1921 йилга қайтайлик. Бухоро инқилоби ғалабасидан кейин (1920 й.) Тошкентда мактаблар учун ўқув дастурлари тайёрлаш билан машғул бўлган Фитрат Бухорога чақириб келтирилади. Расман у Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг қуйидаги етакчи давлат лавозимларини эгаллайди: Ташқи ишлар министри, Халқ таълими министри, Халқ хўжалиги кенгаши раиси, Марказий ижроия қўмита раисининг муовини. Фитрат БХСР ва Туркистон АССРдаги мактаб ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратиш бўйича қўмитага раҳбарлик қилади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек тили давлат тили деб эълон этилади. Бухоро давлат университети ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, Маннон Уйғур бошчилигида Бухоро давлат театри очилади, Абдулҳамид Чўлпон бош муҳаррир бўлган “Бухоро ахбори” рўзномаси чиқарила бошлайди.

1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР ва БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси ва иқтисодий битим имзоланиши Бухоро ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Совет Россияси мустамлакачилик сиёсатидан сўзсиз воз кечди ва Бухоро мустақиллигини тан олди. Россия Бухорога 50 млрд. рубл заём, тўқимачилик, кўнчилик, қоғоз ва совун саноати учун жиҳозлар етказиб берди. РСФСР ёрдамида республикада 37 бошланғич ва ўрта мактаб, иккита ўқитувчилик институти, тўртта махсус хотин-қизлар мактаби, 12 интернат, 4 та мусиқа мактаби, ҳунармандчилик билим юрти очилди. Ўзбек, рус ва тожик тилларида газета ва журналлар чоп этила бошлади. Саводсизликни тугатиш бўйича Умумбухоро фавқулодда комиссияси ташкил этилди.

1921 йил 18–23 сентябрда бўлиб ўтган Халқ депутатлари кенгашининг иккинчи Умумбухоро қурултойи қабул қилган Бухоро Республикаси Конституцияси ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим. Тарихчилар эътироф этишича, Бухоронинг бу биринчи ва сўнгги Конституцияси умуман Шарқда биринчи чинакам демократик конституция ҳисобланади. Аммо бу унча узоққа бормади. Халқ Республикасининг шиддатли ижтимоий ва иқтисодий ривожланаётгани ҳамда Марказни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ғалла билан таъминлашнинг иккинчи даражага тушириб қўйилиши Марказдаги “раҳбар ўртоқлар”ни ташвишга солиб қўйди. 1923 йил 12 июнда Москвада РКП(б) МҚ “Бухоро масаласи” бўйича қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан МҚ котиби Я.Е.Рудзутак раҳбарлигида Комиссия тузилган эди, Комиссия Бухорога келди ва кейин маълум бўлишича, собиқ жадидлар “ўрнашиб олган” давлат муассасаларини “тозалай” бошлади. (Миллатчиликда шубҳа қилиш ана шунда пайдо бўлганди). Уларнинг ўрнига саводсиз, аммо синфий нуқтаи назардан фаол одамлар қўйилди. Комиссиянинг мана шу иши натижасида “ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани” ва “молиявий қонунбузарликлари” учун Фитрат эгаллаб турган барча лавозимлардан бўшатилган эди.[1] Фитрат ва БХСРнинг

[1] *Файзулла Хўжаев.* Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: ФАН. 1973. 78-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

барча давлат раҳбарлари бошидан нелар кечганини фақат тасаввур қилиш мумкин, холос, чунки булар, табиийки, ҳеч бир жойда ҳужжатларда ўз аксини топган эмас. Йўқ қилиб юборилган архивлардан сас-садо чиқмайди.

Кейинчалик давлат ишларидан четлашиб, илмий фаолият ва ижодга шўнғиди. Москвада яшаб турган даврда (1923–1924) у "Абулфайзхон" драмасини, Бедил ҳақидаги илмий тадқиқотни, "Қиёмат" ҳикояси ва "Шайтоннинг Тангрига исёни" драматик достонини ёзди. Кўп ўтмай у Лазарев номидаги Шарқ тиллари институтида ишлай бошлади, шу ерда унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат таржимаи ҳолидаги барчага маълум бу маълумотдан жўялироқ бир нарса билиб олиш амри маҳол. Афсуски, бу мавзуда унинг бир оғиз ҳам гапи сақланиб қолмаган. Фақат билвосита гувоҳлар – у яратган асарлар шу кечинмаларни баҳоли қудрат ёритиб беради, холос. Шуниси маълумки, Фитрат жадидлик ҳаракатига бўлган муносабатини ўзгартирмаган ва бу ҳеч қаерда тилга олинмаган. Жамоат арбобигина эмас, балки республика раҳбарларидан бири ўлароқ Фитрат юзага келган тазйиқ ва у билан боғлиқ барча воқеалар зўр хатар эканини шубҳасиз тушунар эди. Ҳокимиятнинг Марказда жамланиши, миллий давлатчилик тамойилларини чеклаб қўйилиши, жадидчилик ҳаракатини оммавий қоралашнинг авж олдирилиши – эркин, демократик маърифий дунёқарашли мафкурачи сифатида танилган Фитрат ва унга маслакдош зиёлилар устига катта хатарни бошлаб келаётгани аниқ бўлиб қолган. Шундай қалтис паллада кўп зиёлиларнинг машъум қарорларга хомуш ризолиги ҳаммадан ҳам Фитратга қаттиқ ботди.

Эркинлик истаги ва қулларча итоатгўйликни қоралаш – Фитрат янги ёзган "Шайтоннинг Тангрига исёни"асарининг асосий мавзуси бўлиб қолди.

Фитратнинг афсона воситасида рамзий тасвирга мурожаати ўз ғояларини халққа етказишнинг ягона усули ва уларнинг ҳақиқий маъносини ҳукмдор табақалардан яширишга имкон берувчи ягона шакл эди. Кўпчилик (Фитрат достонни Москвада ёзган ва нашр эттирган бўлиб, бу "кўпчилик" нинг аҳвол-руҳияти унга яхши маълум эди) "Исён"дан Худони фош этувчи аксилдиний ғояларни кутган эди. Авом халқ уни шундай қабул қилиши табиий эди, аммо Қуръондан яхши хабардор саводхон одамлар коса тагидаги нимкосани тўғри тушунган, Фитрат талқинидаги исён аслида Тангрига қарши эмас, балки ҳокимиятга қарши исён эканини англаб етган эди.

Абдурауф Фитрат барчага кундай равшан Қуръоний тушунчаларни атайлаб мавҳумлаштиради: ундаги муртад фариштА Иблис эмас, балки Азозил ёки Шайтон. У на И нжилдаги заҳарли илонга ва на Қуръондаги маъмун Иблисга ўхшайди. Кўз олдимизда миф ологик бўлмаган, Фитрат яратган янги диний афсонанинг бадиий ва фалсафий табиатига мансуб адабий іаҳрамон гавдаланади. Унда биз XX аср биринчи чорагидаги Туркистон жамиятида юзага келган ижтимоий сиёсий вазиятни кўрамиз. Шайтон ижодкорга мункир, исёнкор, шаккок ва даҳрий тимсолини яратиш учун жуда іўл келди. Бошіа барча ҳолларда – бу жаҳон адабий анъанаси – Данте, Мильтон, Гёте, Байрон, Анатол Франс, Михаил Булгаковлар руҳидаги Шайтон тушунчасини намоён іилувчи бошіа іаҳрамондир. Унга барча фариштАлар таъзим іиладилар. Ўеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Фитрат маълум диний-миф ологик іоидага эргашиб эмас, балки ўз адабий іаҳрамонини бадиий іонуниятлар бўйича яратади. Бу іоидадан атайлаб четга чиіади. Шу ўринда муаллиф іандай Іояни таліин этмоічи эканлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Фитрат достонида Шайтон оламий ёвузлик тажассумидан эркин фикрлаш жарчиси, эрк ва адолат кураш чисига айланади.

Шу ўринда Мильтоннинг "Йўіолган жаннат" (1667) драматик достонидаги Шайтон образи таліини беихтиёр эсга тушади. "Жаннатда іулликда яшагандан дўзахда эркин яшаш афзал" мисралари барча замонлардаги эрксеварлар ва зулмга іаршиі кураш увчилар учун бу биринчи марта буюк шиор бўлиб жаранглаган эди. Фитрат яратган Шайтон тимсоли ҳам худди шундай даъваткор тимсолига айланган. Достонни ёзаётган ваітда Фитратга ёмонлик ва яхшилик орасидаги ахлоіий зиддиятларни эмас, балки айнан эрк ва іулликнинг моҳияти ҳаіидаги долзарб іараш ларга жиддий урІу бериб, уларни рамзий іаҳрамонлар воситасида тасвирлайди. Неча-неча асрлардан бери мерос бўлиб келаётган, кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолларда халқ савиясини белгилаб берган ва одамлар ўртасида янги ўзаро муносабатлар ривожланишига тўсқинлик қилган эрксизлик муаммоси Фитратни бу тимсол сабабини қидиришга ундаган. Бу тобелик, бу иродасизлик, бу қулликнинг илдизи қаерда? Эрксизлик билан боғлиқ бу ва бошқа саволларга жавоб бериш учун муаллиф мажозга мурожаат қилади.

Олдин айтилганидек, тарихий вазиятдан келиб чиққан Фитрат Шайтон ва Худо мавзуида мутлақо янги сюжет яратади. Бунда унинг бадиий нигоҳи майдонида фақат Қуръон афсонаси эмас, балки жаҳон адабиётининг бутун олдинги тажрибаси, биринчи галда Жон Мильтон тажрибаси турганлиги аниқ. Мильтоннинг "Йўқолган жаннат"и каби Фитратнинг "Шайтоннинг Тангрига исёни" ҳам эркинлик – адолатли жамият ҳаётининг энг муҳим шарти эканига алоҳида ургу беради. Зеро, Мильтон айтганидек, "Эркинлик бой берилиши билан яхшилик барбод топади ва иллатлар тантана қилади, бунда ўз-ўзидан ахлоқий таназзул ҳукмдорларни ҳам, фуқароларни ҳам баб-баравар чулғаб олади"[1]. Фитрат достонидаги асосий тугун 1923 йилда тўсатдан унинг ўзи ва халқи озодликдан маҳрум бўлиши туфайли юзага келган эди. Бу ҳол уни "Йўқолган жаннат"да баён этилган Инсон ахлоқий кодексини намоён қилган эркин фикрлаш тамойилини қайта кўриб чиқишга даъват этган. Фитрат талқинича, Худодан қўрқиш ва Унинг олдида даҳшатга тушиш мўминларнинг эрксизлигини билдиради ва мўминлар ўз мутеликларини ҳукмдорлар ихтиёрига бериб қўядилар. Фитрат яратган Шайтоннинг исёни ҳар қандай зот олдида, ҳатто Худо олдида ҳам қулликда яшашни инкор этишга асосланган. Умуман, Фитрат талқинидаги Худо Мильтон тасвирлаган рамзий образдан фарқ қилади. Мильтон Худони сўнгги ҳақиқат, мутлақ улуғвор хилқат, қудратли куч сифатида намоён бўлади. Фитрат тасвиридаги Худо азалдан эркка, айниқса ахлоқий негизларга адоватда бўлиб келган ҳар қандай мутлақ ҳокимиятнинг мавҳум тажассумига айланган.

Мана шундай турли қарашлар ортида мазкур санъаткорларнинг ҳар бири бошидан кечирган турли тарихий тажриба ётибди. Шу билан бирга уларнинг қисматида кўплаб умумийликлар бор. Ҳар иккаласи ҳам икки машҳур инқилоб – 1640–1660 йиллардаги инглиз пуританлар инқилоби ва 1920–1923 йилдаги Бухоро халқ инқилобини бошдан кечирган, – аммо иккаласи ҳам ўз ватанларида ёзувчи ва маърифатли устоз ўлароқ ўз халқининг озод, эркин ҳаёт кечиришини орзу қилган, уларга етакчилик қилган. Бироқ иккови ҳам муваффақиятсизликка учраган: халқ инқилобининг галабасидан Англияда ҳам, ёш бухороликлар ҳаракатидан кейин Бухорода ҳам мустабидлар файдаланганлар. Озодликдан у ерда ҳам, бу ерда ҳам деярли ном-нишон қолмаган. Уларнинг иккови ҳам давлат ишларидан бош тортиб, ўзларини ижодга бағишлаганлар ва ҳар иккови ҳам рамзий образларга мурожаат қилган. Бу кутилмаган қаҳрамонлар ортида бир хил муқаддас китоб – Инжил ва Қуръон ётибди. Гарчи иккала ёзувчи яратган бадиий образлар орзуманд муаллифлар хаёлотининг меваси бўлса-да, уларни бир нарса бирлаштириб туради. Бу – эркни улуғлаш, мустабидликни, зулмни қоралаш ғоясидир.

Қуръони Каримда Одам Атога бўйсунмагани учун Шайтонни Оллоҳ Жаннатдан қувади. Аммо Оллоҳ Иблиснинг қиёматга қадар ерда қолдириш ҳақидаги илтимосини рад этмайди, ҳолбуки Иблис Инсонни йўлдан уриш борасидаги ниятидан қайтмаган эди. Шу боис, Инсон яхшилик ва ёмонлик ўртасида қолганида ўзига-ўзи савол беради: Оллоҳ йўлидан борайми ё Шайтон йўлидан? Шу билан у ўзининг Оллоҳ олдидаги масъулиятини аниқлаб олиб, ўз афзаллигини амалда исбот этади.

"Исён"нинг биринчи саҳнасидаёқ Азозил (Шайтон)нинг Тангрини турли сўзлар билан маломат қилиб тургани ифода этилган:

Нечун эмиш бу тубанлик, бу хўрлик,
Бу онгсизлик, бу жонсизлик, бу кўрлик?!
Милёнларга ихтиёрсиз махлуқлар
Минг йиллардан бери мана шундай
Юммуш кўзни, ерга қўймиш манглайни.

[1] *Ж.Мильтон.* Йўқолган жаннат. бутунжаҳон адабиёти кутубхонаси. 1-туркум.– М., 1976.– 22–23 бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Субҳон, субҳон, субҳон” дебон соиқлар,
Нурдан милён-милён малак яратгил,
Жон бер, онг бер, кўз, бош яса, тан ишла,
Учмоқ учун қанот даги бағишла,
Ундан сўнгра... Нега бердинг қўл-оёқ?..
Тебранмас-кан, нечун қанот берилди?..
“Йўқлик” эмас бундай “борлик”дан ёмон!

Дастлабки сатрларданоқ шу нарса маълум бўладики, қаршимизда илоҳий силсилага кучли муносабатда бўлмаган қандайдир ўзгача мантиқ юзага қалқиб чиқади. Фаришталар бу ерда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, уларнинг бор-йўқ ишлари ердаги тирик мавжудотларга Яратганнинг хоҳиш-иродасини етказиш, холос. Шайтоннинг барча ҳийла-найранглари эса бандаларга қарши қаратилган, бандалар эса қулларча хўрланган, зорланган, кишанланган, занжирланган. Уларнинг бундай “борлигидан кўра “йўқлиги”нинг афзаллиги шунда кўринади. Охирида унга берилган ҳокимият ҳуқуқи аслида эркинлик эвазига садақа қилинганини англаган Шайтон афсус-надоматлар қилади:

Тожи оғир бир юк эди бошимга,
Ибодати оғу қотди ошимга...
Тангри мени топинтирди ўзига,
Тушунтирмай, эргаштирди сўзига.
Бағишлади бир кирли тож, бир таёқ.
Билмай олдим, бўлар эмишлар тузоқ.

Инсон “ўзи билмаган ҳолда уни қопқондан чиқариб юборгани” учун Шайтон ундан миннатдор бўлади, Инсоннинг ўгитидан кейин Шайтон бундан сўнг илоҳий неъмату тортиқларга учмасликка сўз беради:

Мени билмай нажот сари юбординг,
Бу тутқунлик боғларидан қутқардинг...
Сен эслик бўл, туша қолма тузоққа,
Ташла тожни, бу таёққа берилма,
Энг сўнг сўзим шудир: сен малак бўлма!

Шайтоннинг бу тавбалари Фитратнинг 1923 йилда Бухородаги кечинмалари билан боғлиқ: киши ўз эркини ҳеч қанақанги ҳокимият, ҳеч қанақанги тожу зарга алмаштирмаслиги керак! Қуйидаги парчада эса Фитратнинг ана шундай рўёлар тузоғига тушиб қолиб, сўнг ундан қутулиш йўлини тополмай қийналгани Шайтон тили билан ғоят моҳирона ифода этилган:

Шу минбарга оёқ босиб чиққанда,
Амринг билан сўзга оғиз очганда,
Жалолингдан, жамолингдан сўйладим,
Ҳар бир ишнинг ҳикматини куйладим.
Улуғлигинг, қодирлигинг, илмингдан,
Кўрарлигинг, одиллигинг, ҳилмингдан
Оғиз очдим, кўз юмдим-да, гапурдим...
У гапларга ишонмадим мен ўзим!
Тилим қачон сенинг учун сайраса,
Юрагимни қитиқлайдир бир нарса!
Кўролмайдир ҳикматларингни кўзим,
Тилдангина чуриб тушади сўзим.

Онгдаги қулликка қарши исён мавзуси бутун достонни қамраб олган. Худонинг ҳар нарсага қодирлигини, банданинг эса ожизлигини тан олиш умр бўйи тобеликда яшашга рози бўлиш аслида Арши аълодан келган илоҳий амр эмас экан, балки ердаги “илоҳлар” тўқиб чиқарган ҳийла тузоғи экан. Бу “шоҳ”лар ҳатто Шайтоннинг ўзини ҳам ўқитиб қўйишга устаси фарангки, буни Шайтоннинг ўз сўзидан билиб оламиз:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен қутулдим, кетмоқдаман узоққа...
Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир.
Муовиним миям билан тилимдир.
Топингумдир ёлғизгина ўзимга,
Ишонгумдур икки очиқ кўзимга.

Инқилобий онгга хос бўлган ахлоқий масалаларнинг қадрига етмаслик Фитратни ҳам жонидан тўйдириб юборганди. У замонасидаги асосий ижтимоий зиддиятни бир нарсада – эрк ва қулликнинг бир-бирига қарши туришида кўрар эди. Айнан мана шу зиддиятни у ўз достонига бош мавзу қилиб олади, азалий ёмонлик тажассуми бўлмиш Шайтонни бош қаҳрамон қилиб танлайди. Ахлоқий бузуқлик авж олганда, барча инсоний қонунлар ва адолат топталганда мамлакатда зўравонлик ва зулму таҳдид ҳукмронлик қилади – Фитратнинг ўзи ана шундай зулм қурбони бўлган эди.

Диний ақидалар ва соф ахлоқий меъёрлар зулмат ва жаҳолат бўҳронидан қутулиб чиқиши учун роса бир аср керак бўлди. Унинг ўрнини илмий тафаккурнинг заковат ютуқлари эгаллаб, жаҳолат маърифат билан алмашди. Шу нуқтаи назардан Фитрат ва унга маслакдош бўлган, мустақиллик учун кураш йўлида қурбон бўлган шаҳид санъаткорлар ижоди озод Ватанимизда эъзозланиб, муносиб қадр-қимматини топмоқда.

Париза МИРЗААҲМЕДОВА,
филология фанлари номзоди

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлепберген Қаипбергенов таваллудининг 80 йиллигига

Оламга йўл

Париж шаҳрида 1999 йилнинг 25 март куни Чингиз Айтматовнинг 70 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан ЮНЕСКО ўтказган махсус анжуманда Тўлепберген Қаипбергенов ўзининг табрик сўзида шундай деган эди: «Айтматов ижоди – бутун инсоният маданиятларининг яқинлашуви, дунёнинг Шарқ ва Ғарб деб бўлинишидай эскича фикрлаш оқибатларини тугатиш сари қўйилган қадамлардан бири, янги аср бўсағасида Шарқ ва Ғарб бирлашувининг ҳақиқий инъикосидир. Унинг ижодидан сайёравий муаммолар ўрин олган бўлиб, бу муаммолар буткул дунё миқёсида ҳал қилинмоғи, бу борада умуминсоний миқёсда тафаккур юритилмоғи лозим». Дарҳақиқат, ҳозирги компьютер ва юксак технологиялар даврида жаҳоний аҳамиятга эга маънавий масалаларни кўтариб чиқиш, уларни ўз асарида юксак даражада тасвирлаб бера олиш – камдан-кам адибларга насиб этадиган мушкул вазифадир.

Битта халқ тақдири орқали драматизмга тўла давр воқеаларини тасвирлаш, шу тариқа умуминсоний миқёсда фикрлашга интилган ёзувчиларнинг бири – ватандошимиз Тўлепберген Қаипбергеновдир. Агар Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романи орқали ўзбек халқини, Мухтор Авезов «Абай йўли» эпопеяси орқали қозоқ халқини, Чингиз Айтматов «Жамила», «Асрга татигулик кун», «Кассандра тамғаси» асарлари орқали қирғиз халқини дунёга танитган бўлса, Тўлепберген Қаипбергенов «Қорақалпоқ достони», «Қорақалпоқнома» роман-эссеси, турли жаҳон тилларида чоп қилинган публицистик мақолалари орқали қорақалпоқ номини жаҳонга танитишга муваффақ бўлди. Унинг асарларига Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Қорақалпоқ достони» трилогияси учун собиқ Иттифоқнинг Давлат мукофоти, «Қорақалпоқнома», «У дунёдаги бобомга хатлар» роман-эсселари учун Маҳмуд Кошғарий ва Михаил Шолохов номидаги халқаро мукофотларнинг берилиши Тўлепберген Қаипбергенов номининг жаҳон адабий жамоатчилиги томонидан тан олиниши учун замин яратди, десак муболаға бўлмаса керак.

Академик Андрей Сахаровнинг Москва минбарида туриб ёзувчини Орол масаласида ёниб-куйиб, қувватлаб айтган гаплари, жаҳонга таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг ёзувчимизга йўллаган хати, таниқли рус тадқиқотчилари З.Кедрина, М.Пархоменко, Ю.Суровцев, Т.Давидова, З.Осмоноваларнинг, ўзбек адиб-олимлари Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пирмат Шермуҳамедов, Раҳимжон Отаули, қорақалпоқ олими, марҳум академик Марат Нурмуҳамедов ва бошқаларнинг адиб ижодига, фаолиятига берган баҳолари ҳам Тўлепберген Қаипбергеновнинг ёзувчи сифатида жаҳоний миқёс ва аҳамият касб этганини исботлайди.

Ёзувчининг дастлабки қиссалари инсон ҳаёти, яшашдан мақсад, умр мазмуни каби азалий-абадий мавзуларга бағишланган бўлса, унинг «Кўз қорачиғи», «У дунёдаги бобомга хатлар» асарларида жаҳоний аҳамият-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га эга масалалар – Орол, Оролбўйи минтақаларида ҳаётни асраб қолиш, ташвишли экологик вазият муаммолари қаламга олинди. Унинг юксак минбарларда сўзлаган нутқлари орқали эса Орол ташвиши миллионлар ташвишига айланганининг, халқаро аҳамиятга молик масала миқёсига кўтарилганининг, жаҳон халқлари бу фожианинг моҳиятига тушуниб ета бошлаганининг гувоҳи бўлганмиз.

Тўлепберген Қаипбергенов дунё маънавиятига ўзининг бадиий асарлари, публицистик мақолалари, жамоатчилик фаолияти билан қўшиб келаётган улуши эътирофга лойиқ. Айтайлик, у 1960 йиллардан бошлаб турли раҳбарлик вазифаларида ишлаб келаётир, 1980 йилдан то ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда узоқ йиллар мобайнида у «Марказий Осиё маданияти», «Ёзувчи», «Тафаккур», «Соғлом авлод учун», «Амударё» каби газета ва журналлар редколлегияси аъзоси сифатида ҳам иштирок этиб келди. (Жумладан, «Жаҳон адабиёти» журналининг ҳам жамоатчилик кенгаши аъзосидир). У мустақил Ўзбекистон мамлакатининг одил сиёсатини кенг дунё жамоатчилиги орасида, чет элларда тарғиб-ташвиқ қилиш ниятида мамлакатимиз номидан Венгрия, Сурия, Ҳиндистон, Вьетнам, Мўғулистон, Япония, АҚШ, Франция, Бельгия мамлакатларида бўлди, мазкур мамлакатларнинг кўплаб оммавий ахборот воситаларида мақолалари, интервьюлари чиқди. Улар ҳозирги замон қорақалпоқ публицистикасининг намуналари сифатида ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Ёзувчига 1974 йили «Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси», 1994 йили «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонларининг берилиши унинг истеъдодининг давлат миқёсида эътироф этилиши эди. 1990 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан Президент ҳузуридаги маслаҳат кенгашининг аъзоси этиб сайланиши, 2004 йил эса унга фахрли «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг берилиши адибнинг жамоат арбоби сифатидаги хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди.

2004 йилнинг март ойида ёзувчининг «У дунёдаги бобомга хатлар» асари Н.Красильников таржимасида нашр қилиниши муносабати билан (Т.Қаипбергенов. «Письма на тот свет, дедушке», М.Издательство «Мир», 2004) Москва шаҳрида мазкур асарнинг тақдимоти бўлиб ўтган эди.

Моҳир адиб шўро ҳукуматининг фожиавий тус олган найрангларини ўқувчи қалбига етказишда бетакрор бадиий шакл топа олган. Асар – набиранинг аллақачонлар оламдан ўтиб кетган бобосига Орол фожиаси ҳақида ёзган хатларидан ташкил топган. Бу дунёда Орол ҳақидаги ташвишли ўй-фикрларини тинглайдиган одам топилмаганлиги туфайли набираси энди марҳум бобосига хат орқали мурожаат этиб, кўнглидаги дардли сирларини шу тахлит тўкиб ташлашга мажбур бўлади. Адиб бу асарида қадимги юнон адабиётида қўлланилган адабий услубни танлайди. Хуллас, иложсиз қолган қаҳрамоннинг нариги дунёдаги одам билан суҳбатлашишга мажбур бўлиш услубини ёзувчи ўз асарида маҳорат билан қўллаган.

XXI асрда қорақалпоқ насрида яна бир аҳамиятли воқеалардан бири – бу тиниб-тинчимас адибимизнинг «Қорақалпоқман. Таваккалчиман» асарининг нашр қилиниши бўлди (Нукус, «Билим» нашриёти, 2003 йил). Китобнинг биринчи қисми «Учрашувларда тушган 9999 та саволга жавоблар» деб аталади. Бунда муаллифнинг ўз Ватанида ёки чет мамлакатларда бўлган пайтларида учрашган одамлар тарафидан берилган саволларга шошилинч жавоблари жамланган. Китобнинг иккинчи қисми «Интервьюлар, ўйлар» деб аталиб, бу бўлимда адибнинг жаҳонда таниқли бўлган адабий сиймолар – Лев Толстой ва Чингиз Айтматов ҳақидаги, шунингдек, Бердақ шоирнинг 175 йиллик таваллуд санаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

арафасидаги адабий ўйлари, таниқли ўзбек ёзувчилари, шоирлари, олим ва журналистлари Набижон Боқий, Шойим Бўтаев, Рустам Мусурмон, Раҳимжон Отаули ва бошқалар билан суҳбатлари берилган. Китобнинг учинчи бўлими «XXI аср бўсағасида туғилган адашимга 99 маслаҳат» деб аталади. Унда Шарқнинг ўлмас адабий дидактик асарлари анъаналарига суяниб ёзилган янгича шаклдаги адабий ўйлари жой олган. Китобнинг тўртинчи бўлими Т.Қаипбергеновнинг айрим асарлари ҳақида фикр айтган машҳур кишилар – марҳум академик Андрей Сахаровнинг, дунё адабиёти таниқли вакилларидан бири марҳум адиб Чингиз Айтматовнинг, ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари – Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг, Ўзбекистон халқ ёзувчилари марҳум Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, адабиётшунос Ф.Насриддиновларнинг фикрлари ўрин олган.

Тўлепберген Қаипбергеновнинг ҳар иккала асари ҳам унинг ўзигагина хос бўлган, бетакрор услубга эга, ижодкорнинг адабий лабораториясида пишиб етилган, бадиий мазмун ва шакл уйғунлигининг миллий кўринишларини ўзида жамлаган асарлар бўлди. Адиб бу асарларида жаҳон романчилигидаги ҳаётни тасвирлашнинг анъанавий усуллари йўлидан бормайди, балки Шарқ ва Ғарб адабиётларида кенг қўлланиладиган ўқувчи билан суҳбат, фикрлашув, унга ўз ғояларини очиқ-ойдин баён қилиб бериш усулларидан моҳирона фойдаланган ҳолда, драматизмга тўла ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини ҳеч хаспўшламай, ошкора айтишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса қаҳрамонлар характерининг мантиқий ривожланишига асосланадиган Европа романчилиги анъаналари мос келмас эди. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўзининг янги асарларининг композицион тузилишида қаҳрамон монологларини, илмий маълумотларни, афсона ва ривоятларни, турли даврларда яшаган донишмандлар, машҳур инсонларнинг ҳар хил асарларидан иқтибос ва парчаларни, хуллас, турли ўй-фикрлар, ғоялар, мотивлар, гипотезаларни сингдириб, фожиавий мазмунни яққол ёритишга кўмаклашувчи бадиий шакл излаган, уни топишга эришган, натижада эса нафақат Марказий Осиё, ҳатто жаҳон халқлари адабиётида ҳам такрорланмайдиган бадиий кўринишдаги янги услубни ярата олган.

Шуни таъкидлаш керакки, Тўлепберген Қаипбергенов – қорақалпоқ халқининг драматизмга тўла, оғир тарихий қисматини Орол ҳудудидаги аянчли шароитга боғлаб тасвирлашда ҳам «умуминсоний миқёсда фикрлаш» йўлидан боради. Буни давримизнинг кўплаб адиб-шоирлари ўз асар ва мақолаларида таъкидлайдилар. Масалан, атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, «Халқ сўзи» газетасида эълон қилган «Қорақалпоқ достони» номли мақоласида шундай деб ёзади: «А.Қодирий – ўзбек халқининг, М.Авезов – қозоқ халқининг, Ч.Айтматов – қирғиз халқининг манглайига худо ёрқалаб берган ёзувчилари... Ўзининг узоқ тарихига эга бўлган қадимий қорақалпоқ халқининг кенг пешонасига бугунги кунда тонг юлдузи каби ярашиб турган ёзувчи Т.Қаипбергеновдир!» Чиндан ҳам, Т.Қаипбергеновнинг қиссалари, турли услубда ёзилган романлари, публицистик мақолалари, интервьюлари, драматик асарларисиз бугунги қорақалпоқ адабиётини, умуман, бу халқнинг маънавий ҳаётини, бадиий сўз оламини кўз олдимизга келтириш қийин. Шунинг учун ҳам унинг ижоди ҳамиша кенг ўқувчилар оммаси орасида, адабий жамоатчиликда муайян қизиқиш уйғотиб келди, юракларга йўл топа олди.

Мустақиллик йилларида Тўлепберген Қаипбергенов ижоди қорақалпоқ адабиётида янада кенгроқ тадқиқотлар доирасига олинди – таниқли олим Қ.Султонов докторлик диссертациясини ёқлаган бўлса, ёш адабиётшунос олимлар П.Нуржанов, А.Абдимуротов, Ҳ.Ўтемуротова, Б.Полвоновлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзларининг номзодлик ишларида адиб ижодини асосий тадқиқот объекти қилиб белгиладилар. Нукус шаҳрида яшаб турли тилларда ижод қилувчи адабиётшунос олимлар К.Қуромбоев, Ф.Салаев, К.Ташанов, Ш.Абдуллаевлар ҳам Тўлепберген Қаипбергенов ижодини тадқиқ, тарғиб қилиш ишларига ўз улушларини қўшдилар.

«Қорақалпоқ достони»нинг рус тилига таржима қилинишида З.Кедрина, А.Пантилеев, Э.Арбенова, В.Панкиналарнинг, «Қорақалпоқ қизи» романининг Москвада китоб бўлиб чиқишида Г.Марьяновскийнинг, қиссалар таржимасида Н.Яцкевич ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Адибнинг номи ўзбек китобхонлари орасида кенг танилишида эса атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати жуда катта. Гап шундаки, эндигина адабиёт майдонига кириб келаётган ёш ёзувчининг ўзбек ўқувчилари учун кашф қилинишида устоз Абдулла Қаҳҳор бевосита иштирок этган бўлиб, у «Совуқ бир томчи» қиссасини 1962 йилда таржимон Ғойиб Ёқубов билан биргаликда ўзбек тилига ағдарган эди. Бундан руҳланган Тўлепберген Қаипбергенов шундан кейинги бутун ҳаётида Абдулла Қаҳҳор билан қалин алоқада бўлиб, устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириб келди. Шунингдек, бу ўринда адибнинг «Қорақалпоқ достони» трилогиясини ўзбекчалаштирган марҳум Лола Тожиева, «У дунёдаги бобомга хатлар», «XXI аср бўсағасидаги адашимга 99 маслаҳат» асарларини, «Саҳро булбули» драмасини ўзбек тилига таржима қилган Раҳимжон Отаули номларини шу ўринда тилга олиб ўтиш жоиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адибнинг ижоди - қорақалпоқ миллий насридагина эмас, собиқ Иттифоқ ва жаҳон миқёсида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган воқеа сифатида эътироф қилинишга лойиқдир.

Пардабой НУРЖОНОВ,
филология фанлари номзоди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мангу қайлиқ ноласи

Оллоҳ таоло инсонга шаклу шамойил бериб, даргоҳидан руҳ инъом этди. Онгли мавжудотга яшаш илмидан малоикалар сабоқ бердилар. Инсонга ҳаёт, умр синов учун ҳадя этилди. Ўткинчи дунё эса турфа хил товланиб, одамзодни ром айлади, ҳою-ҳавас сиртмоғига тортди. Нафс хуружи пок қалбга зулмат уруғини сочди. Неча асрдирки, бу бедаво дардга малҳам изланади. Зеро, шайтон васвасасидан холи руҳгина ором олади.

Инсон сурати-ю сийратидаги эврилишларни санъаткор нигоҳи-ла баҳолаш нозик жараёндир. Чингиз Айтматов одамзотни бутун мураккаблиги билан бадиий талқин этган руҳшунос адиб эди. У ҳар бир асарида инсон фитратини турли ракурсда ёрита олган донишманд эди. “Асрга татигулик кун” романидаги манқурт образи ёдингиздами? Бунда онгли одам қабиҳликда жамодотни лол қолдириб, уни ҳиссиз, жосус махлуққа айлантиришга эришади. Кишини ўзлигидан айириб, ўтмишу ҳозирни унуттириш — муқаддас хотирадан маҳрум этиш ақл бовар қилмайдиган разолат. Онгсиз жонзот манқурт жон ато этган маъсума, меҳрибон онаизорини ўлдирар экан, бу даҳшатдан таъсирланмайди. Қотил ўғил — модаркуш азми гуноҳини қандай оқлайди. Замон ўтиб, манқуртлар сони кўпайса, дунё остин-устун бўлади-ку?

Ёзувчи ирқу миллат танламайдиган глобал масалалар моҳиятига теранроқ назар ташлаб, “Кассандра тамғаси” романида ирсият муаммосини илмий-бадиий таҳлил этиб, замину коинотдаги сир-синоатни англашга эътибор қаратди. Ер юзидаги қабиҳлик, ваҳшийликдан ҳатто коинот нотинч. Самодаги Филофей ҳам одамзодни тубсизликка бошлаётган шаккоклик оқибатидан қаттиқ хавотирда. Одамзоднинг ёруғ оламни дўзахга айлантиришидан бари махлуқот лолу ҳайрон. Лоқайд инсонгина ёвузлик алангасини тобора қиздиради. Илоҳий қудратга шак келтириб — маҳбус аёлларни урчитиш орқали клон болани дунёга келтиришга мажбурлаш — куфрнинг олий нуқтаси ҳисобланади. Инсонни бу ҳолатдан огоҳ этиш учун ҳаёт лаззатидан воз кечган уммондаги китлар “исёни”нинг ҳикматини англайдиган идрок қайда? Инсониятнинг парвойи палак, занжирбанд қалб сукут қилмоқда. Ёруғ дунёдаги ноҳақлик, жаҳолатни нурахборот орқали илғаган муртак-эмбрион ҳодисотларни таҳлил қилишга уринаяпти. Ахборот қабул қилиш, фикрлаш, хулосалашга қодир муртак ҳаёт ва ўлим моҳиятини англагани сайин у туғилишдан бош тортади. Муртак қалб куфру жаҳолатга қарши чиқиб, келажакда содир бўлажак бало-офатларни олдиндан ҳис қилиб, нафс қулига айланган сўқир инсонларни огоҳ этмоқда. Она қорнидаги эмбрион англаган ҳақиқатни ёруғ оламдаги одамзод уқмаслиги — зиддият воситасида инсон хилқати асл қиёфаси тўлиқ намоён бўлади. Кассандра тамғасига маҳкум чақалоқ туғилса, ер юзига ёвузлик уруғини сочади. Қизиғи, техник тараққиёт шиддат ила ривожланаётган бир даврда одамзод инсонийлик қиёфасидан айрилмоқда, меҳру шафқат унутилмоқда. Чингиз Айтматов шу тариқа генетика илмининг нозик жиҳатини теран таҳлил этиб, ютуқ-камчилигини асослаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ҳаётини синчиклаб кузатган адиб умри сўнгида “Қулаётган тоғ ёхуд мангу қайлиқ” романини эълон қилди. Асарда тафаккур тадрижию оламу одам уйғунлиги, маънавий-моддий қашшоқлик, долзарб экологик муаммолар бир бутунликда ифодаланади. Айни дамда инсоннинг табиатдан, она заминдан айро яшай олмаслиги воқеалар силсиласида исботлаб берилади. Адиб услубига содиқ ҳолда жонзот фитратини тирик мавжудот тарзида ёритишга эътибор беради. Бу ҳолат унинг бошқа асарларида кўп кузатилган. Она буғу меҳру шафқати, катта қабиланинг ёлғиз ёдгори — етим

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўдакларни паноҳига олиб вояга етказиши инсону табиатни узвий ришта ила мастаҳкамлаган. Қақраган саҳрода ёзу қиш шодлигу ташвишда ҳамроҳ бўлган Туя чолга қадрдон дардкашга айланиб, сўнгги манзилга ҳам кузатиб, садоқатини тўлиқ намоён этади. Инсондан меҳр-оқибат кўрмаган қалблар жонзотлар билан тиллашиб, сирлашган.

"Қулаётган тоғ ёхуд мангу қайлиқ" романи юксак тоғ бағрида вояга етиб, йиллар давомида тўдага бошчилик қилган, қондошлари тинчи, бехавотирлигини таъминлаган қор барси тасвиридан бошланади. Мусаффо осмон, зилол сув, кумуш қор, кўм-кўк арчазор жозибаси, Тиёншон нурли чўққиларидаги ҳайвонот дунёси тавиридаги тиниқлик эътиборга молик. Қорбарси Жаабарсининг ҳаёт учун кураши, ови бароридан келишида сезгирлик, аҳиллик, тезкорликка риоя қилиши тўдадагиларга доим ибрат бўлган. Адиб Жаабарс қиёфаси – ҳаракатчан қадди-қомати, йўғон бўйни, йирик салмоқдор калласи, чақиндай кўзлари, момиқ, қалин терисини завқ билан тасвирлайди. Унинг илк муҳаббати тоғ зилзиласида вафот этгач, Жаабарс барсойим билан яшайди. Афсуски, барсойимнинг бевафолиги қор жаабарсини қаттиқ таҳқирлайди. Омад юз ўгирган жонзот бора-бора тўдадан ажралади. У ёш авлод билан яшай олмаслигини, кексалик ҳукмини ўтказаётганини ҳис қилади. Танҳоликка маҳкум жаабарс тоғда кезиб ўлжа қидирар экан, бу ер, тупроққа жондан боғланганини, қадрдон жойни ҳеч қачон тарк этолмаслигини сезади. Киндик қони тўкилган муқаддас замин кекса жонзотга шу макондагина тинч, хотиржам сўнгги кунларни яшай олишини сездиради. Қалб амри итоаткори катта ғор ичига жойлашиб, ҳар куни қор қўйнида қадрдон маконни сайр қилишга одатланади.

Чингиз Айтматов китобхон нигоҳини сокин тоғ бағридан гавжум шаҳар ҳаётига қаратади. Бозор иқтисоди шароити, фан-техника тараққиёти, ақлий фаолият кишиларнинг руҳияти аниқ ифодаланади. Халқаро дипломатик алоқалар, глобаллашув жараёнининг инсон тақдирига таъсири Арсен Саманчин орқали талқин қилинади. Бир қанча тилларни яхши ўзлаштирган журналист Арсен синфий табақаланиш, тадбиркор бой ва меҳнаткаш омманинг турмуш тарзига доир кўплаб мақолаларини матбуотда эълон қилган. Фикр эркинлиги, ҳурликни қадрлаган инсон сиёсий-мафкуравий тазйиқ, диний қарашларга муносабат билдирган. Арсен қалбини мумтоз мусиқа санъатининг хушовоз маликаси Ойдона ром этган. Болаликдан халқ достон, афсоналари оҳангида улғайган икки қалбнинг санъати борасидаги қарашлари муштарак. Арсен ва Ойдонанинг Хайделберг қароргоҳидаги суҳбати асносида машҳур "Мангу қайлиқ" афсонаси асар таркибига сингдириб юборилади. Бу афсона асарнинг асосий маъно нуқтаси, тақдир тушунчаси, моҳиятини ёритувчи маёқ. Унда тоғ бағрида камол топган йўлбарс терисини ёпинган жўмард, баҳодир овчи ва ҳай-иболи соҳибжамолнинг пок муҳаббати тараннум этилади. Макр-ҳийла, фисқу фасод уруғини сочувчи золимлар овчининг ғойиб бўлишига, қайлиғининг тоғу тошда йиллар давомида сарсон кезишига эришадилар. Икки ёр садоқати қирғиз халқи маросимларида доим улуғланади. Қалб нидоси, армон садоси, дард ноласи таралган афсона қадриятга айланган. Миллий удумни эъзозловчи Арсен Саманчин Ойдонанинг шу қалб навосини ижро этишни орзу қилади. Бироқ бозор иқтисодиётига мослашган шоу-бизнес операнинг ёрқин юлдузини ўзга муҳитга – шуҳрат салтанатига тақдим айлайди. Нафс тузоғи боис Ойдонанинг заминдан оёғи узилади, соф муҳаббати барбод бўлади. Қисмат ўйинига таслим Ойдона юксак чўққида не мақсадда порлаётганини ўзи ҳам англашга ожиз: нурли йўлга бошловчи шуур сукут қилмоқда. Бу каби ҳолат калава ечимини ахтараётган Арсен тафаккурида ҳам содир бўлаётир. Хилватдаги Арсен Ойдонадан фарқли ўлароқ ҳақиқатга тик боқади. Хусусан, амакиси Бектур оғанинг муҳим таклифи боис туғилган юрт-тоғга бориб, овулдошлари мураккаб турмушини кузатар экан, улар қисматига ачинади. Бектур оға араб шаҳзодалари билан расмий савдо алоқаларини ўрнатиб, тоғда ов қилишлари учун қимматли шартномага имзо чекади. Арсеннинг чет тилларни билиши ишда фойда келтиради. Бироқ Тоштанафғон каби маккор кимсалар боис қаҳрамонлар тақдирида бурилиш юз беради. Бу мерганлар Арсеннинг синфдошлари бўлса-да, овулдаги қашшоқлик ва ишсизликда кун кўрган йигитларга таклиф боис пул ишлаш имкони туғилади. Аммо шайтоний ҳою ҳавас, нафс қутқуси мерганлар фикри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ўзгартириб, шаҳзодаларни асир олиб, улардан мўмай пул ундиришга даъват этади. Ночорлик, фарзандларининг нурсиз келажагидан хавотирланган йигитларнинг бойларга нафрати чексиз. Шу тор дунёқараш Арсен билан уларни фарқлайди. Арсен мураккаб вазиятда ҳам тўғри хулоса чиқаришга қодир бўлгани боис Бектур оға ва Тоштанафгон қаршилигини бир-бирига сездирмай мустақил ҳаракат қилади. Журналист мерганларнинг тоғ ҳайвонларини асраш, миллий бойликни ҳимоялаш ғоясини қувватлар, шу тоғ, замин ўғлони сифатида табиатнинг ноёб инъомини авайлашга ўзини ҳақли санарди. Бектур оға эса овулдошлари ҳаётини яхши томонга ўзгартириш, моддий таъминотни йўлга қўйишда тоғ неъматидан қисман фойдаланиш тарафдори. Кишилар дунёқарашидаги зиддият замирида ҳам ҳақиқат акс этади: одамзод наботот ва жонзотдан юксак мартабада бўлса-да, зулму қабоҳатда тубанлигича қолаверади. Фақат айрим руҳи пок инсонлар эзгулик сари интилаверадилар.

Арсен ҳам ўзини қурбон қилиб, шаҳзодаларни синфдошлари зулмидан қутқариб, халқаро низога барҳам беради. Ў пок виждон билан миллатига, ватанига содиқ ҳолда жон таслим қилди, маънавий тубанлик қаъридаги замондошларидан фарқли инсонийлик қиёфасини асрай билди. Асардаги кульминацион нуқта – қор жаабарси ҳамда Арсен жасадининг бир ғордан топилиши. Одамзод ва жонзот туғилган, киндик қони тўкилган, муқаддас билган тоғда, она заминда жон таслим қилди. Учта хилқат жамодот, наботот, ҳайвонот узвийлиги аслида тақдир, қисмат битиги. Нурли тоғ чўққиси ўз бағрига жуфтини ахтариб фарёд ураётган мангу қайлиқ ноласи садосида ёридан айрилган жонзот жаабарсни, маҳзун Арсенни чорлади. Зулмат виқорли тоғни чўктирди, мағрур жаабарс қаддини букди, ҳурликка интилган Арсенни тамоман синдирди. Адиб сўнгги бор олий мавжудот – инсонни огоҳ айлаб, уни тинчлик-осудаликни авайлашга даъват этмоқда.

“Қулаётган тоғ ёхуд мангу қайлиқ” романи мутаржим Иброҳим Ғафуров томонидан моҳирлик билан ўзбек тилига таржима қилинган. Таржимон асар таркиби, оҳанги, мантиқий изчиллигини сақлаган ҳолда сўз жозибасини тўлиқ намоён эта олган.

Умида ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари номзоди

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маънавий меросимизни ўрганиш йўлида

Яқинда Ғафур Ғулом нашриётида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг профессори Ғофуржон Сатимовнинг "Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар салтанати" рисоласи босилиб чиқди. Бу асар буюк аждодимиз, Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанатининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ ҳазратлари ва у ерда 332 йил давом этган ушбу сулоланинг ундан кейинги авлодлари ҳақида хорижда, хусусан, Буюк Британия, Ҳиндистон, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда нашр қилинган илмий-тарихий манбаларда келтирилган тарихий маълумотларни танқидий назар билан таҳлил қилиш асосида юзага келган ҳосиладир.

Рисолада таъкидланганидек, буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, улкан шоир, аллома ва меъмор, хуллас, баркамол инсон – темурий шаҳзода Заҳириддин Бобур Подшоҳи Ғозийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти Мовароуннаҳр тарихида ўчмас из қолдирди, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатлар тарихида эса бир неча асрга татигулик ижобий бурилиш ясади, бу мамлакатлар халқларининг маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида хайрли ўзгаришларни амалга оширди, у асос солган салтанат тарқоқ мамлакатнинг сиёсий бирлигини таъминлади ва унинг гуллаб-яшнаши учун асрлар оша ижобий таъсир кўрсатди.

Асар ўн бобдан иборат бўлиб, ҳажман анчагина салмоқли, 235 бетни ташкил қилади. Унинг биринчи ва иккинчи боблари шаҳзода Бобур мирзо дунёга келган ва отаси вафотидан сўнг тож кийиб тахтга чиққан даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва ёш ҳукмдорнинг дастлабки сиёсий фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган.

Рисоланинг 3-бобида Бобуршоҳнинг Шимолий Ҳиндистонни бўйсундириши ва майда тарқоқ хонлик ва султонликларни бирлаштириб, марказдан бошқариладиган яхлит салтанатни асослаши баён қилинади. Ундан кейинги боблар салтанатнинг давомчилари – Ҳумоюншоҳ, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб Оламгирнинг ҳукмдорлик фаолияти ҳақида тарихий фактларга асосланган ва шу соҳанинг етакчи мутахассислари фикрларини умумлаштирган ҳолда китобхон ҳукмига ҳавола этилади.

Рисоланинг 9-боби бобурийлар салтанатидаги давлат бошқарувига бағишланган. Унда марказий ҳукумат таркиби, подшоҳнинг мавқеи, маъмурий идоралар, ҳарбий тизим, мамлакатдаги адлия ишларининг ташкил қилиниши, раиятга нисбатан қўлланилган адолат мезонлари, ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг фаолияти, молия ишлари ва солиқлар тизими ҳақида қизиқарли далиллар келтирилади.

Асарнинг якуний 10-бобида бобурийлар давридаги ижтимоий ҳаёт ва маданият ҳақида мулоҳаза юритилади. Унда салтанатда мавжуд бўлган маориф тизими, адабиёт, санъат, айниқса, меъморчилик санъати ва мамлакатда мавжуд бўлган дин сиёсати, шунингдек, ҳукмдорларнинг диний эътиқоди ҳақидаги кузатишлар умумлаштирилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рисола ниҳоясида бобурий подшоҳларнинг ҳукмдор сифатидаги қиёфаси, уларнинг ҳаёт йўли ва сиёсий фаолияти, беқиёс бунёдкорлик ишлари, давлатни бошқариш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, уларнинг мамлакат тарихида тутган ўринлари, қолаверса, уларнинг оддий инсон сифатидаги қиёфасига ҳам холисона баҳо берилган.

Бобурийлар сулоласи ўзининг 332 йиллик тарихи давомида салтанатининг қудрати ва адолатли давлат бошқаруви билан дунё аҳлини ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келади. Хорижда, айниқса, Британия ва Ҳиндистонда бу салтанат ва унинг ҳукмдорлари ҳақида жуда кўплаб қимматли маълумотларни ўз ичига олган асарлар яратилган. Бу маънавий меросни ўрганиш ва салтанат асосчиси бўлмиш бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она ватани – мустақил миллий давлатимизда тарғиб ва тавсиф этиш бугунги авлод, яъни биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ушбу асар шарқ халқлари тарихи билан қизиқувчилар, тарих ўқитувчилари, илмий ходимлар, талабалар ва кенг ўқувчилар оммаси учун фойдали маълумотлар бериши шубҳасиз.

Ансориддин ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари доктори

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агата КРИСТИ

Ҳикоялар

ТИКУВЧИНИНГ ХАТОСИ

Мисс Политт эшик ҳалқасини ушлаб, аста тақиллатди. Андиша қилиб бир оз кутиб турди-да, яна тақиллатди. Қўлтиғига қисиб олган тугунчаси тушиб кетаёзди, лекин мисс Политт уни базўр ушлаб қолди. Бу тугунчада миссис Спенлоунинг кийиб кўриш учун тайёрланган кўйлаги бор эди. Мисс Политтнинг чап қўлида эса тикувчиларнинг ўлчагичи, игнаю тўғнағичлар қадаладиган ёстиқча ва каттакон қайчи солинган қора сумкачаси ҳам бор эди. Мисс Политт баланд бўйли, қотмадан келган, қирра бурунли, лаблари қимтилган ва сийрак сочлари оқара бошлаган аёл эди. Бир оз кутиб тургач, у яна учинчи маротаба эшик ҳалқасини тақиллатди. Кўча томондан уйга юзлари қизариб кетган хушчақчақ мисс Хартнелл яқинлашаркан, қўнғироқдек овозда мисс Политт билан:

— Хайрли кун, мисс Политт! — дея саломлашди.

— Хайрли кун, мисс Хартнелл! Кечирасиз, мисс Спенлоу уйдамикин, мабодо, сиз билмайсизми? — у сўзларни чиройли қилиб, худди киборлардек талаффуз билан паст овозда гапирди. У ёшлигида бир оқсуяк хонимнинг хизматида бўлган эди.

— Хабарим йўқ, — жавоб берди мисс Хартнелл.

— Буёғи қандоқ бўлди? Миссис Спенлоу билан у тиктираётган янги кўйлагини кийиб кўриши учун бугун соат уч яримда учрашишга келишгандик. Боядан бери уч марта эшик қоқдим, лекин ҳеч ким жавоб бермаяпти. Балки миссис Спенлоу қаергадир кетиб, кўйлаги эсидан ҳам чиқиб кетганмикин? Қизиқ, лекин у кўйлагини индинга тайёр бўлишини жуда ҳам истаётганди.

Мисс Хартнелл ўз эшигини очгач, мисс Политтга яқин келди-да:

— Глэдис ҳам жавоб бермаяптими? — дея сўради.— Айтганча, бугун пайшанба-ку, унинг дам олиш куни! Балки, миссис Спенлоу ухлаб қолгандир? Сиз эшикни жуда секин тақиллатган бўлсангиз керак-да.

У эшик ҳалқасини ушлаб бир неча марта шунақанги қаттиқ тақиллатдики, қулоқни тешиб юбораёзди. Бу ҳам етмагандай, оёғи билан ҳам эшикни бир неча марта тепиб, баланд овозда:

— Ҳой! Уйда одам борми? — деб бақирди.

— Ҳеч ким жавоб бермади, — деди ҳайрон бўлган мисс Политт. — Менимча, мисс Спенлоу кўйлаги ҳақиқатдан ҳам эсидан чиқиб, бирор ёққа кетган бўлса керак. Кейин яна бир кириб ўтарман, — дея у аста кўча эшик томон юра бошлади.

— Бўлмаган гап! — унинг гапини бўлди мисс Хартнелл.— У ҳеч қаёққа кетмаган. У ҳолда мен уни йўлда учратган бўлардим. Ҳозир кўрамиз: бу ерда бирорта тирик жон борми ўзи.

У одати бўйича ҳазиллашаётганини билдириш учун хушчақчақлик билан кулиб қўйди-да, олдидаги дераза ойнасидан ичкарига кўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлади ва шу бир қарашнинг ўзидаёқ уйда ҳеч бир тирик жон йўқлигига амин бўлди ва бунинг акси – камин олдидаги гиламчада миссис Спенлоу ётганига кўзи тушди – у жонсиз эди.

– Лекин, – кейинчалик гапириб юрди мисс Хартнелл, – мен ўзимни йўқотиб қўймадим. Аммо анави қилтириқ Политт эса шунақанги қўрқиб кетдики, ҳатто нима қилишни ҳам билмай қолди. «Шовқин солманг! – дедим мен унга.– Сиз шу ерда кутиб туринг, мен бориб полицияни чақириб келаман». У эса бир ўзи қолишга қўрқишини айтиб, нималардир деб минғирлади, мен бўлсам унга қулоқ ҳам солиб ўтирмадим. Бундай одамлар билан қаттиқроқ гаплашиш керак. Мен ҳали кетишга ҳам улгурмагандим, кўча бошида мистер Спенлоу кўриниб қолди. – Ҳикоясининг шу ерига келганда мисс Хартнелл уни ҳаяжон билан тинглаётганлар: «Вой, худо! Хўш, у нима қилди?» деб сўрашларини кутиб, бир оз жим турди-да, яна давом этди: – Тўғрисини айтсам, у менга бошиданоқ шубҳали туюлди. У жуда хотиржам, биласизми, ҳаддан ташқари хотиржам эди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек. Нима десангиз денг-у, лекин бу ғайритабиий эди.

Ҳамма унинг бу фикрига қўшилди.

Полиция ҳам шу фикрда эди. Кейинчалик, миссис Спенлоунинг эридан кўра анча бойроқ эканлиги ва васиятномага кўра унинг ҳамма пуллари эрига ўтиши маълум бўлгач, бу шубҳа яна ҳам мустаҳкамланди.

Жиноят маълум бўлгандан сўнг орадан ярим соат ўтгач, полиция мисс Марпл билан учрашди. Уникига маҳаллий констебель мистер Полк кириб келди. Унинг қўлида ёндафтари бор эди ва у маъноли қилиб ёндафтарига уриб қўйди.

– Хоним, бир-иккита саволимга жавоб берсангиз, дегандим.

– Миссис Спенлоунинг ўлдирилиши билан боғлиқ эмасми?

– Кечирасиз, сиз буни қаердан биласиз?– ҳайрон бўлди Полк.

– Балиқлар орқали, – деди мисс Марпл.

Констебель унинг бу жавобидан балиқ дўкончасида тарқатувчи бўлиб ишлайдиган болакайнинг янгиликни ҳаммага тарқатишга улгурганига амин бўлди. Унинг суҳбатдоши миссис Спенлоунинг ўз хонасида ётганлигини, уни, маълум бўлишича, балки ингичка камар билан бўғиб ўлдиришганини, лекин жиноят содир бўлган жойда ҳеч нарса топилмаганини ва яна бошқа нарсалар ҳақида аллақачон билишга улгурганди. Констебель бу «она сути оғзидан кетмаган Фред»-дан аччиғи чиқа бошлаган эди, мисс Марпл унинг гапини бўлди:

– Мен ёқангизда тўғнағич кўряпман-а.

Констебель ҳайратланиб ўз мундирига қараб қўйди.

– Э-ҳа... биласизми, бу ҳақда нима дейишади? Тўғнағич топиб олиш – бу бахт топиб олиш дегани.

– Умид қиламанки, шу сафар бу гап тўғри чиқади. Энди айтингчи, мендан нимани билмоқчи эдингиз?

Полк йўталиб қўйди ва жиддий тортиб, ёндафтарига қаради.

– Менда марҳуманинг эри бўлмиш мистер Артур Спенлоунинг кўрсатмалари бор. Унинг таъкидлашича, сиз соат икки яримларда қўнғироқ қилиб, ундан соат учдан чорак ўтганда бир маслаҳатли иш билан сизникига кириб ўтишини сўрагансиз. Мен, ростдан ҳам шундай гап бўлган-бўлмаганини сиздан аниқлаб олмоқчи эдим.

– Албатта, йўқ, – деди мисс Марпл.

– Яъни, сиз соат икки яримда мистер Спенлоуга қўнғироқ қилмагансиз, тўғрими?

– Икки яримда ҳам, ундан кейин ҳам қўнғироқ қилмаганман.

– Шундай денг... – деб қўйди констебель ва мўйловининг учини бураб қўйди. – Мистер Спенлоунинг яна айтишича, у учдан ўн дақиқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтганда сизнинг олдингизга келган. Лекин у келганда, хизматкорингиз сизни уйда йўқ деган.

– Ҳа, бу рост, – деди мисс Марпл. – Мен Аёллар клубида эдим.

– Ҳа... – деб қўйди констебель Полк.

– Сержант, нима, сиз мистер Спенлоудан шубҳаланяпсизми?

– Ҳозирги шароитда аниқ бир гап айтиш қийин, лекин назаримда, исмини аниқ айтолмайман-у, кимдир мендан кўра айёрлик қилмоқчи.

– Ва сиз бу "кимдир"ни мистер Спенлоу деб ўйлаяпсиз, шундайми? – деди мисс Марпл.

Мистер Спенлоу унга ёқарди. Жиккаккина, қотмадан келган, бир оз тўпориоқ бўлса-да, ҳақиқий инсоннинг тимсоли эди. Ундаги бошқаларга ғалати туюлган ягона нарса – унинг қишлоқда яшашни исташи эди. Унга тегишли ҳар бир нарсада унинг олдинги ҳаёти шаҳарда ўтганлиги билиниб турарди. Кунлардан бир куни у мисс Марплга ўзининг қишлоққа келиб қолиш тарихини сўзлаб берди: « Мен умр бўйи қишлоқда яшашни, ўзимнинг боғим бўлишини орзу қилиб яшардим. Мен ҳар доим гулларни жуда севганман. Менга турмушга чиққунга қадар хотинимнинг ҳатто ўз гул дўкони ҳам бўлган. Мен у билан ўша ерда танишганман». Бу гапларда унинг нозик ҳис-туйғулари сезилиб турарди. Ва боғдорчиликдан у ҳеч вақони тушунмасада, кўз олдига анча ёш ва келишган мистер Спенлоуни келтириш мумкин эди. У уруғлар, экин-тикин ва бошқалар тўғрисида ҳеч нарса тушунмасди. Унга ёқадиган нарса фақат анвойи ҳидлар уфуриб турган гулларга тўла боғи бор уй эди, холос. У мисс Марплдан берилиб маслаҳатлар сўрар ва эшитганларининг барини – биттасини ҳам қолдирмай, ҳаммасини ёндафтарига ёзиб борарди.

Мистер Спенлоу биров таниб биров танимайдиган камтарин инсон. Шунинг учун ҳам полиция у билан хотини ўлгандан кейингина қизиқиб қолди. Полицияга хос сабр-тоқат ва қунт билан киришилгандан кейингина, у бечора ҳақида унча-мунча маълумот йиғишга эришилди ва Сент-Мери-Мидда ҳеч нарсани сир сақлаб бўлмаганлиги сабабли, тез кунда бу маълумотлар ҳаммага маълум бўлди.

Марҳума миссис Спенлоу ёшлигида бир бой оилада ошпаз бўлиб ишлар эди. У боғбонга турмушга чиққач, ишдан кетади ва эри билан бирга Лондонда гул дўкони очади. Дўкон яхшигина фойда келтириб, тез кунда гуркираб кетади, боғбон эр эса, аксинча, тез орада касал бўлиб вафот этади. Унинг беваси яна ҳам берилиб ишини давом эттиради ва бизнесини анча-мунча кенгайтиришга эришади. Сўнгра эса дўконини яхшигина пулга сотиб, меросга кичкина бир заргарлик корхонасини олган, унча ёш бўлмаган мистер Спенлоуга турмушга чиқади. Кейинчалик заводни ҳам сотиб, эр-хотин Сент-Мери-Мидга кўчиб келишади.

Гул савдосидан тушган пулларни миссис Спенлоу спиритик сеансларида руҳлардан олган кўрсатмаларга амал қилиб, сармоя қилар эди. У бу ҳақда берилиб гапириб берарди. Унга дуч келган руҳлар жуда ҳам устомон эдилар. Миссис Спенлоу орттирган сармоялар жуда ҳам фойдали, таажжубланарли даражада фойда келтирар эди. Бундан келиб чиқиб, миссис Спенлоунинг спиритизмга ишончи янаям ортади, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, бунинг акси бўлиб чиқади: бу ношукур аёл бирдан ҳамма нарсанинг баҳридан ўтиб, нафас олиш машқларини ўргатувчи қандайдир бир тезкор ҳинд гуруҳининг таъсирига берилиб кетади. Лекин, Сент-Мери-Мидга келгач эса, у яна ҳам ўсишда давом этади: инглиз черковининг ашаддий тарғиботчисига айланади. У кечаси ҳам, кундузи ҳам коҳиннинг уйида қолиб кетар, бирорта ҳам черков маросимини ўтказиб юбормасди. У дўкон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга борар, кундалик янгиликларни муҳокама қилар ва ҳатто қарта ҳам ўйнарди.

Бир-бирига ўхшаш сокин кунларнинг бирида тўсатдан қотиллик рўй берди.

Полиция бошлиғи полковник Мелчетт инспектор Слэкни чақиртирди.

— Бу унинг эрининг иши, — ишонч билан деди инспектор. — Бунга шончим комил. Ҳатто хижолат ҳам бўлмади, хавотирланмади ҳам. Сиз уни бир кўрсангиз эди!

— У ҳаттоки ўзини ғамдан адо бўлган эрга ўхшаб кўринишга ҳам уринмадими?

— Йўқ-да. Баъзи бировлар бирор нарсага уриниб кўришга ҳам қодир эмаслар. У менга хотини унинг жонини ҳиқилдоғига келтириб юборганга ўхшаб кўринаяпти. Хотинининг хаёли доимо бирор нарса билан банд бўлар экан — гоҳ йога, гоҳ эса бир нарса. Охир-оқибат, эри ундан қутулишга аҳд қилган. Ҳамма нарсани ипидан-игнасигача ўйлаб чиққан.

— Унга бирортаси қўнғироқ қилган-қилмаганини аниқладингизми?

— Йўқ, аниқлай олмадим. Демак, у ёлғон гапирган ёки унга телефон будкасидан қўнғироқ қилишган. Бу ерда иккита телефон будкаси бор — бири вокзалда, иккинчиси эса почтада. Унга почтадан қўнғироқ қилишмаган, чунки миссис Блейд у ерга кириб-чиқадиган ҳаммани кўриб туради. Вокзалдан қилган бўлишлари мумкин. Соат иккидан йигирма етти дақиқа ўтганда у ердан поезд ўтади, у ер жуда сершовқин. Лекин мистер Спенлоу унга айнан мисс Марпл қўнғироқ қилганини таъкидлаяпти.

— Сизга кимдир уни атайин уйдан чиқишга мажбур қилгандек бўлиб туюлмаяптими?

— Сиз ёш Тедди Жерардни назарда тутяпсизми? Мен, албатта уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйдим, лекин унда миссис Спенлоуни ўлдириш учун ҳеч қандай сабаб йўқ-ку?!

— Биз бу сабабларни билмаслигимиз мумкин. Унинг орқасида эса яхшигина гуноҳи бор: қандайдир пулларни еб кетган.

— У албатта — аблаҳ. Лекин ўшанда уй эгалари ҳали ҳеч нарсадан гумонсирашга улгурмасларидан, у ҳамма гуноҳларини бўйнига олган.

— У ҳозирда Оксфорд гуруҳининг аъзоси, — деди Мелчетт.

— Ҳа, у тўғри йўлга тушиб олди. Лекин мен барибир у ўшанда ундан гумон қилаётганларини билиб, ўз айбини бўйнига олаётган гуноҳкор ролини ўйнаган, деб ўйлайман.

— Сиз скептик—шуҳратпарастсиз, Слэк, — деди полковник. — Айтганча, мисс Марпл билан бир гаплашиб кўрмайсизми? У жуда ҳам ақлли аёл.

Слэк бутунлай бошқа нарса тўғрисида гап бошлади:

— Сэр, мен сиздан яна бир нарса тўғрисида сўрамоқчи эдим. Ўлган аёл ёшлигида сэр Роберт Аберкромби уйида хизмат қилган экан. Ўша пайтда унинг уйидан бутун бир бойликка тенг қимматбаҳо тошлар йўқолган, ўғриларни эса топиша олмаган эди. Сиз нима деб ўйлайсиз, унинг бунга алоқаси йўқмикин? Яна бу Спенлоу ҳам тайини йўқ, бир тийинга қиммат заргарлардан — у олибсотар ёки шунчаки бир қаллоб бўлиши мумкин.

— Менимча, бундай бўлмаса керак. Ахир у пайтда бу аёл мистер Спенлоуни танимаган-ку. Мен бу ишни яхши эслайман. Ўша пайтларда полиция доираларида бу ишга хўжайиннинг ўғли Жим аралашган, деб ҳам ўйлашган эди. У безорининг жуда ҳам кўп қарзлари бўлиб, у ўша ўғирликдан сўнг ҳамма қарзларидан қутулган эди. Қария Аберкромби эса бу ишни бости-бости қилиб кетишга ҳаракат қилганди — у полиция бу ишга аралашишини хоҳламаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисс Марпл инспектор Слэкни полковник Мелчетт юборганини билгандан сўнг, жуда ҳам илиқ кутиб олди.

— Полковник мени ҳали ҳам эсидан чиқармаганидан жуда хурсандман.

— Бўлмасам-чи! Жуда ҳам яхши эслайди. У айтдики, агар бу ерда сизнинг хабарингиз йўқ бирор ҳодиса рўй берган бўлса, демак, бу нарсани билишга ҳам арзимайди.

— Полковник томонидан бу жуда ҳам катта илтифот, лекин ишонинг, мен қотиллик ҳақида ҳеч нарса билмайман.

— Ҳеч бўлмаса, бу ҳақда нималар гапиришаётганини айтинг.

— Айтишга-ку айтаман-а, лекин ғийбатчиларнинг бўлар-бўлмас гапларини қайтаришнинг нима ҳожати бор?

— Бу суҳбатимиз сўроқ ёки расмий суҳбат эмас, — инспектор Слэк гап оҳангини ўзгартиришга ҳаракат қилди. — Шунчаки, бир дилдан гаплашиб олсак, дегандим.

— Демак, сиз, одамлар қотиллик хақида нима дейишаётганини билиб, кейин ҳақиқатни аниқламоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, худди шундай.

— Тушунарли. Бу ҳодиса тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар ва таҳминлар бор. Агар айтиш жоиз бўлса, одамлар икки гуруҳга бўлинишди.Бир гуруҳ одамлар марҳуманинг эрини айбдор дейишаяпти ва бу, албатта, табиий. Одатда биринчи шубҳа эрдан ёки хотиндан бўлади-ку, шундай эмасми? Бундан ташқари, бундай ҳодисалар одатда пулни деб содир бўлади, мен эса мистер Спенлоу хотинининг ўлимидан кейин жуда ҳам бой бўлиб кетади, деб эшитгандим. Афсуски, бу телба дунёда бундай тахминлар жуда кўп ҳолларда тўғри бўлиб чиқади.

— Унга мерос қолган пулларни назарда тутадиган бўлсак, сиз ҳақсиз.

— Худди шундай. Бундан ташқари, бу ишни бажариш унинг учун унчалик қийин бўлмаган: хотинини бўғиб ўлдириб, орқа эшик орқали ҳовлидан меникига келиш, менинг бор-йўқлигимни сўраш, мен унга қўнғироқ қилиб чақирганимни айтиш ва уйига қайтиб кириш, гўёки хотинини унинг йўқлигида ўлдириб кетишгандек.

— Агар молиявий шароитни ҳисобга оладиган бўлсак, — гап бошлади Слэк, — айниқса, уларнинг охирги пайтларда бир-бирларига муносабатлари яхши бўлмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак...

— Бўлмаган гап, улар бир-бирлари билан жуда яхши эдилар, — мисс Марпл унинг гапини бўлди. — Агар улар хафалашиб қолишган бўлганда, бундан ҳамма аллақачон хабар топган бўларди: уларнинг хизматкори Глэдис Брент буни бутун маҳаллага ёйиб чиққан бўларди.

— Хизматкор буни билмаган ҳам бўлиши мумкин...— ўзи ҳам ишонқирамай, эътироз билдирди инспектор, лекин мисс Марпл унга қараб кинояли кулимсираб қўйди ва давом этди:

— Лекин бошқа бир гуруҳ одамлар ҳам борки, улар Тед Жерарддан гумон қилишяпти. У жуда ҳам келишган йигит. Афсуски, бундай тоифа одамлар атрофдагиларнинг эътиборини ҳаддан ортиқ ўзига тортади, ҳаттоки чегарадан ҳам чиқиб кетишади. Масалан, ўзимизнинг охирги капелланимизни олайлик — у ҳаммани ўзига ром қилиб қўярди. Қизларнинг ҳаммаси черковга боришни бошлашди — эрталаб ҳам, кечқурун ҳам. Ёши катта аёллар эса черковнинг ҳар хил хайрия акцияларида қатнаша бошладилар. Унга яна қандайдилар шиппаклар ҳам тикиб олиб келишдими-ей... Бечора роса хижолат бўларди... Тўхтанг. Мен нима ҳақида гапираётгандим? Айтганча, Тед Жерард ҳақида эди... Унинг тўғрисида ҳар хил миш-мишлар юрарди. У миссис Спенлоунинг уйига тез-тез келиб турарди. Миссис Спенлоу менга Теднинг қандайдир сектага... Оксфорд гуруҳи эди шекилли, аъзо бўлганлигини айтганди. Бу секта аъзолари ҳам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маси худога ишонган ва ўз эътиқодларига содиқ бўлган, миссис Спенлоу бунга жуда қизиқарди. Тедни у ерга, албатта, фақатгина диний қарашлари олиб келганига мен ишонаман, лекин одамларнинг қанақалигини ўзингиз яхши биласиз-ку.... Кўпчилик миссис Спенлоу у йигитни деб эс-ҳушини йўқотиб қўйиб, унга жуда катта пул қарз берганлигига ишонади. Бундан ташқари уни ўша куни вокзалда соат иккию йигирма еттида келадиган поездда кўрганлар ҳам бор. Унинг учун вагоннинг бошқа томонидан тушиб, йўлни кесиб ўтгач, девордан сакраб ўтиш, сўнг эса буталарнинг у томонига ўтиш ҳеч ҳам қийин эмас эди. Агар шундай бўлса – у Спенлоуларнинг уйигача кўринмай пусиб бориши мумкин эди. Ха, айтганча ҳамма миссис Спенлоунинг кийган кийимидан ҳайратланяпти.

– Ҳайратланяпти?

– У кўйлакда эмас, халатда эди, – мисс Марпл бир оз қизаринқираді. – Баъзилар бунда бир гап бор, деб ўйлашяпти, мен эсам бу табиий деб ҳисоблайман.

– Бу сизга табиий туюлаяптими?

– Ҳозирги шароитда – ҳа. – Мисс Марпл инспекторга хотиржамлик билан ва бир оз ўйланиб жавоб берди.

– Демак, яна эрини айблашга қайтамиз. Сабаб – рашк.

– Йўқ, йўқ, мистер Спенлоу рашк нималигини билмайди! Агар хотини игналар санчиладиган ёстиқчага бирорта хатчани қадаб, ундан қочиб кетсагина у бирор нарсани сезган бўлармиди. – Мисс Марпл Слэкка тикилиб қаради ва унга аёлнинг гапларида қандайдир тушунарсиз шама бордек туюлди.– Инспектор, бирорта из топдингизми?

– Мисс Марпл, бизнинг даврримизда қотиллар из қолдиришмайди.

– Менга эса бу айнан урфдан қолган қотилликка ўхшаб туюлаяпти.

– Сиз шундай деб ўйлаяпсизми? Илтимос, тушунтириб берсангиз.

– Балки сизга констебель Полк ёрдам берар, – секингина деди мисс Марпл. – Жиноят содир бўлган жойга у биринчи бўлиб борган.

Мистер Спенлоу боғдаги ўриндиқда ўтирар, унинг кўриниши жуда аянчли эди. У аста шундай деди:

– Балки менга шундай туюлгандир, лекин мен болакайнинг менга қараб «Ҳой,сен мабодо Криппенни танимасмидинг?» деб бақирганини аниқ эшитдим. Ахир Криппен дегани бу – ўз хотинини ўлдирган шахс-ку. Ва менинг хаёлимга: «У менга хотинимни мен ўзим ўлдирганимни айтмоқчи бўлдими?» деган фикр келди.

Мисс Марпл эҳтиёткорлик билан қуриб қолган гул ғунчасини қирқиб ташлади:

– Албатта, у худди шундай демоқчи бўлган.

– Оҳ, худойим, ахир ёш болага бу гапни ким уқтирганкин?

– Тушунарли, – йўталиб қўйиб деди мисс Марпл, – бола отаонаси ўзаро суҳбатлашаётганини эшитган бўлса керак.

– Сиз ҳақиқатдан ҳам кимдир шундай деб ҳисоблайди, деб ўйлаяпсизми?

– Сент-Мери-Мид аҳолисининг қоқ ярми шундай деб ўйлаяпти.

– Ахир қандай қилиб бундай нарса хаёлга келиши мумкин? Ахир мен, ўрнак олса бўладиган, хотинини суядиган эр эдим-ку. Бахтга қарши, қишлоқ ҳаёти унга ёқмасди, лекин иккита инсон ҳар доим ҳам ҳамма нарсада бир-бирларига тўғри келавермайди-ку. Сизни ишонтириб айтаманки, хотинимнинг ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди.

– Тушунаман. Лекин, мени кечирасиз-у, сизнинг кўринишингиздан бундай деб бўлмайди.

Мистер Спенлоу ўзининг жиккак қаддини ростлади.

– Ҳурматли мисс, мен бир пайтлар ўз хотинидан айрилиб, кўчада бемалол занг чалиб юрган (занг уриш хитойликларнинг кундалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйини шекилли) хитой файласуфи ҳақида ўқигандим. Унинг ўзини қўлга ола билиши шаҳар аҳолисида катта таассурот қолдирган эди.

— Афсуски, Сент-Мери-Мид аҳолиси учун хитой фалсафаси бегона.

— Лекин, умид қиламанки, сиз мени тушунарсиз?

— Мен тушунаман. Менинг Генри амаким доим: «Ўз ҳиссиётларингни ҳеч қачон билдирма», деб таъкидларди. У ҳам гулларни жуда севарди.

— Мен ғарб томонда айвонча қуришни режалаштираётгандим, — заҳархандалик билан деди мистер Спенлоу. — Атиргулми ёки глициниялар билан атрофини ўраб.... Ва яна битта гул бор, оппоқ, гулбарглари ёйилиб туради, афсуски, ҳозир номини эслай олмаяпман...

Мисс Марпл ўзининг уч ёшли набира жияни билан гаплашадиган оҳангда деди:

— Менда расмлари билан берилган гулларнинг жуда яхши рўйхати бор. Кўриб чиқасизми? Ҳозир, мен бир неча дақиқага сизни ёлғиз қолдираман.

Мисс Марпл мистер Спенлоуни қўлида рўйхат билан ёлғиз қолдириб, ўз хонасига қараб кетди. У ерда қоғозга қандайдир кўйлакни ўраб, уйдан чиқди ва почта томонга қараб жадал йўл олди. Тикувчи Политт почта жойлашган бинонинг иккинчи қаватида яшар эди. Лекин мисс Марпл у ерга бирданига кирмади. Соат роппа-роса икки ярим эди, дарвоза олдида Мач Бенхэмдан келган автобус тўхтади. Ичкаридан почта ходимаси кўплаб тугунлар, қутилар, халталар билан — ўзининг асосий ишидан ташқари у яна ширинликлар, арзон китобчалар ва болалар ўйинчоқлари билан ҳам савдо қиларди, — чиқиб келди. Миссис Блейд қайтиб келгандан кейингина мисс Марпл юқорига кўтарилди, эшикни тақиллатиб, тикувчи билан учрашди ва ундан ушбу кўйлакни агар иложи бўлса замонавийроқ қилиб қайта тикиб беришни сўради. Мисс Политт ҳаракат қилиб кўришга ваъда берди.

Полиция бошлиғи Мелчетт мисс Марплнинг ташрифидан жуда хайрон бўлди.

— Тўғрисини айтсам, сизни безовта қилиш менга ноқулай, жуда ҳам ноқулай. Полковник, биламан, сизнинг ишингиз бошингиздан ошиб ётибди, лекин сиз ҳар доим шундай хушмуомаласизки, шунинг учун мен инспектор Слэк эмас, сизнинг олдингизга келишга қарор қилдим. Тўғрисини айтсам, констебель Полкда кўнгилсизликлар бўлишини хоҳламайман. Лекин, барибир, у қотиллик бўлган жойда ҳеч нарсага тегиши керак эмас эди.

— Полк дейсизми? Сент-Мери-Миддаги констебелми? У нима қилиб қўйди?

— Тўғнағични олибди, тушуняпсизми? Олиб, лацканига тақиб қўйибди. Мен ўша заҳоти, буни Спенлоунинг уйидан олган бўлса керак, деб ўйладим.

— Хўп, майли, шундай деб фараз қилайлик. Лекин, тўғнағичнинг бунга нима алоқаси бор? Тўғри, у ҳеч нарсага тегиши керак эмасди, лекин бу тўғнағич экан-ку, аёллар ишлатадиган оддийгина тўғнағич.

— Йўқ, полковник, сиз янглишаяпсиз. Бу бошқача тўғнағич, жуда ҳам ингичка, уларни мана бундай қутичаларда сотишади. Улардан тикувчиларгина фойдаланишади.

Мелчетт мисс Марплга тикилганча қараб қолди: у эндигина бирор нарсани тушуна бошлаганга ўхшарди. Мисс Марпл бошини қимирлатиб қўйди:

— Ҳа-ҳа, ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турибди. Миссис Спенлоу халатда эди, чунки у янги кўйлагини кийиб кўришга тайёрланиб турганди. Мисс Политт унга яна бирор нарсани ўлчаб кўриш керакligини айтган бўлса керак — бўйнига ўлчагични ташлаган — учини айлантириб бурашгина қолган. Мен суриштириб кўрдим, бу унчалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қийин эмас экан... Шундан сўнг мисс Политт хотиржамгина ташқарига чиққан, эшикни ёпган ва худди эндигина келгандек эшикни тақиллата бошлаган. Лекин бу тўғнағич унинг миссис Спенлоунинг уйига аллақачон кириб, чиққанини тасдиқлайди.

— Сиз мистер Спенлоуга ҳам у қўнғироқ қилган деб ўйлайсизми?

— Албатта. У икки яримда почтадан қўнғироқ қилган — бу пайтда автобус келади ва бир неча дақиқа давомида у ерда ҳеч ким бўлмайди.

— Лекин, нима учун, азизим мисс Марпл, нега? Ахир одамларни шунчаки, ҳеч қандай сабабсиз ўлдиришмайди-ку?

— Менинг тушунишимча, бу жиноятнинг илдизи жуда чуқур. Биласизми, менинг иккита амакиваччам бўларди — Энтони ва Гордон. Энтони нимага қўл урса доим омади келарди, бечора Гордоннинг эса ҳеч иши юришмасди: гоҳ пойгада отининг оёғи синарди, гоҳ биржада акцияларнинг, гоҳида ер участкаларининг нархи тушиб кетарди... Менимча, ўша ўғирликда бу икки аёлнинг ҳам қўли бўлса керак. Хизматкор ва ошпазнинг. Ўша пайтда битта нарсани охиригача ҳал қилишмаган: ошпаз аёл боғбонга турмушга чиқибди, гул дўкони сотиб олиш учун пулни улар қаердан олишган? Жавоб оддий — бу унинг ўғирликдан тушган пуллардан ҳиссаси эди. Ҳа, менимча «ўғирликдан тушган пуллар» десак жуда тўғри бўлади. Шундан кейин у нимага қўл урса ҳамма ерда омади чопаверади. «Пул пулни чақиради», деган гап худди унга қарата айтилгандек. Лекин иккинчи аёл эса жуда ҳам омадсиз бўлиб чиқади: охири бориб-бориб у оддийгина тикувчи бўлиб қолади. Улар учрашиб қолишади. Бошида ҳаммаси сипсиллиқ эди, лекин кейин бу йигитча — Тед Жерард пайдо бўлади. Менимча, миссис Спенлоу олдинлари ҳам виждони қийналган, ахир у жуда таъсирчан ва художўй бўлган-ку. Тед албатта миссис Спенлоунинг «ўз гуноҳларини бўйнига олишини, худо олдида юзини ёруғ қилиб олишини» талаб қилиб туриб олади. Билишимча, Тед уни кўндирган ҳам бўлса керак. Лекин мисс Политт эса қамоққа тушишни ҳеч ҳам истамайди ва айбини бўйнига олишга қаршилик қилишга қарор қилади.У ҳар доим ҳам жоҳил ва номуссиз бўлган бўлса керак. Агар виждонли ва тентак мистер Спенлоуни ушбу жиноятда айбдор қилишса, бу аёл пинагини ҳам бузмаган бўларди.

—Ҳа, — гап бошлади полковник. — Буни текшириб кўрсак бўлади. Мисс Политт ҳақиқатан ҳам ўша уйда хизматкор бўлиб ишлаганлигини аниқлашимиз мумкин, лекин ...

— Бунинг қийин жойи йўқ, — мисс Марпл уни тинчитди. — У ҳамма нарсани дарров бўйнига олади. Ва яна менда унинг ўша ўлчагичи бор. Мен уни ... ўғирлаб олдим. Биласизми, ушбу ўлчагич билан унинг жиноятини исботлаш мумкин ёки мумкин эмаслигига бу аёлнинг ақли етмайди. — Мисс Марпл уни тинчитаётгандек жилмайиб қўйди. — Ишонаверинг, ҳаммаси силлиқ битди.

Бу сўзларни у, полковник қачонлардир Сандхерстдаги ҳарбий академияга имтиҳон топшириш учун кетаётганида холаси уни кузатиб омад тилаётганда айтгандек оҳангда айтди.

Полковник эса ўша куни имтиҳондан муваффақиятли ўтган эди.

УСТАСИ ФАРАНГ ЎҒРИЛАР

— Бекам, кечирасиз, сиз билан бир дақиқагина гаплашсам бўладими?

Бу илтимос бир қарашда аҳмоқона бўлиб туюлиши мумкин эди: мисс Марплнинг жиккаккина хизматкори Эдна айни вақтда ўз бекаси билан гаплашаётганди.

Мисс Марпл унга рухсат берди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эдна, албатта, рухсат. Киринг. Эшикни ёпинг.

Эшикни астагина ёпиб, Эдна хонага кирди; унинг қўллари тинмай фартуғининг четларини ғижимларди ва ҳаяжондан у бир неча марта ютиниб қўйди.

— Қулоғим сизда, Эдна, — қизни суҳбатга чорлади мисс Марпл.

— Бекам, менинг амакиваччам Глэдди... У ишидан айрилиб қолди.

— Вой, бечора. Тушунаман. Менимча, у Олд Холлда, опа-сингил Скиннерларникида хизмат қилар эди, шекилли?

— Ҳа, бекам, худди шундай. Глэдди жуда эзилиб кетяпти.

— Лекин Глэдис аввалари ҳам ишини бир неча марта ўзгартирган-ку, тўғрими?

— Ҳа, бекам, у ҳар доим нималарнидир қидириб юради, биласизми, сира бир жойда ўтиролмайди. Лекин ҳар сафар ишдан ўзи кетарди.

— Бу сафар эса тескариси бўлдими? — қуруққина сўради мисс Марпл.

— Ҳа, бекам. Шунга Глэдис жуда ҳам эзилиб кетаяпти.

Бу нарса мисс Марплни бир оз ҳайрон қолдирди. Унинг билишича, ўзининг дам олиш кунлари ошхонада бирров чой ичиб кетиш учун бу ерга тез-тез кириб турадиган Глэдис соғлом, доим кулиб турадиган, лекин ўзига маҳкам қиз эди.

— Биласизми, бекам, — Эдна гапида давом этди, — гап бу нарса қандай содир бўлганлигида. Ва мисс Скиннер нима деб ўйлаганлигида.

— Хўш, у нима деб ўйлабди? — хотиржамлик билан сўради мисс Марпл.

Шундан сўнг Эдна одамларнинг нима дейишаётгани тўғрисида гапира кетди.

— Бекам, Глэдис шунақанги эзилиб кетяптики! Биласизми, мисс Эмилининг оилавий қимматбаҳо тошларининг ичидан тўғнағичи йўқолиб қолибди. Улар шунақанги тўполон кўтаришдики! Албатта, бу можаро кимга ҳам ёқарди? Албатта яхши эмас, тўғрими? Глэдди ҳам ҳаммаёқни қидирди, мисс Лавиния эса полицияга мурожаат қилишини айтгач, тўғнағич топилиб қолди - у пардоз столидаги тортманинг ичкарисида экан. Глэдис шунақанги хурсанд бўлиб кетдики. Худди ўша куннинг эртасига тақсимча синиб қолибди ва мисс Лавиниянинг жон-пони чиқиб, Глэдисга уни ишдан ҳайдаб юборишини айтиб, бир ойдан кейин жойни бўшатиб қўйишини сўраган. Глэдди эса гап тақсимчада эмас, балки мисс Лавиния шунчаки кимга заҳарини сочишни билмаётганини сезиб турибди; ҳамма гап тўғнағичда — улар опа-сингил иккаласи тўғнағичнинг йўқолишини Глэдисдан кўриб, полиция ҳақида гап кетгач, у қўрққанидан яна қайтиб жойига қўйган, деб ўйлашаяпти. Глэдди бундай ишга қодир эмас, у ҳеч қачон бировнинг нарсасига кўз олайтирмаган. Энди эса ҳар хил гаплар тарқалади, ахир қиз бола учун шу яхшими?

Мисс Марпл бошини чайқаб қўйди. У бу мақтанчоқ, ўзига бино қўйган қизни унча ёқтирмасди, лекин айни пайтда унинг ростгўйлигига ҳам ишонарди ва бу ҳодиса уни қанчалик хафа қилганини тушуниб турарди.

— Бекам, сизнингча унга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайдими? — умид билан сўради Эдна.

— Унга айтиб қўйинг: тентаклик қилиб юрмасин, — буюрди мисс Марпл. — Тўғнағични у олмаганига менинг ишончим комил, хафа бўлиб юришга ҳам ҳожат йўқ.

— Ҳамма гапиради-да, — эзилиб деди Эдна.

— Мен бугун ўша ёқларга бораман, балки опа-сингиллар билан гаплашиб кўрарман.

— Сиздан жуда миннатдорман, бекам! — хурсанд бўлиб деди Эдна.

Олд Холл викториан усулида қурилган уй бўлиб, атрофи ўрмон ва уйнинг ёнида жойлашган хиёбон билан ўралган эди. Бу уйни сотиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, гаровга қўйиб ҳам бўлмаслиги маълум бўлганда уйнинг эгаси уни тўртта хонадонга бўлиб, марказий иситиш йўлларини текшириб кўрди ва ҳамма ўша ерда истиқомат қилувчилар биргаликда ишлата оладиган қилиб, ерни бўлиб берди. Унинг бу тажрибаси иш берди. Хонадонларнинг бирига бой ва худбин бир аёл ўзининг хизматкори билан кўчиб кирди. У қушларни жуда ҳам яхши кўрар ва ҳар куни бутун бир паррандалар тўдасига овқат берарди. Бошқа хонадонга эса илгари Хиндистонда хизмат қилган истеъфодаги судья ва унинг рафиқаси кўчиб кирди. Учинчи хонадонга эса ёш келин-куёвлар жойлашишди. Тўртинчи хонадонни эса икки ойгина бурун опа-сингил қариқизларга беришди. Кўшнилар бир-бирларини зўрга танишарди, чунки уларни боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ эди. Уйнинг эгаси бу – энг зўр йўл дерди. Чунки у, агар қушнилар ўртасида аҳиллик бўлмайдиган бўлса сал ўтгач, улар гап талаша бошлашади ва сал нарсага олдимга шикоят қилиб келадиган бўлишади, деб қўрқарди.

Мисс Марпл хонадон эгаларининг ҳаммасини билса-да, уларнинг ҳеч бири билан жуда яқин эмасди. Опа-сингил Скиннерларнинг каттаси «ташкиллаштирувчи ҳалқа» эди. Кичиги, мисс Эмили эса, деярли бутун кунни, ҳамма Сент-Мери-Миддагилар «ўзи ўйлаб топган» деб ҳисоблайдиган ҳар хил касалликлардан шикоят қилиб ўринда ўтказар эди. Фақатгина садоқатли мисс Лавиниягина унинг синглиси «ҳақиқий азобларга дош бераётганига» ачинар эди ва унинг ҳамма эркаликларига чидар, вақти-вақти билан «синглиси бирдан хоҳлаб қолган» нарсани сотиб олиш учун қишлоққа бориб келарди.

Қишлоқ аҳолисининг фикрича, агар мисс Эмилининг шикоятлари ҳеч бўлмаганда ярми асосли бўлганда эди, у аллақачон доктор Хейдокка мурожаат қилган бўларди. Лекин мисс Эмилига бу хақда айтишганда у кўзларини юмиб олар ва унинг касали оддий касаллардан эмаслигини таъкидларди. Ва яна унинг айтишича, унинг касали энг яхши лондонлик шифокорларни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйган ва у яқиндагина учрашган бир ажойиб шифокор унга янги даволаш курсини тайинлаган ва энди унда тузалиш умиди пайдо бўлганди. Оддий шифокорлар эса шунчаки унинг касалини тушунишмайди.

– Менимча эса, – ҳеч қандай ғаразсиз деди мисс Хартнелл, - у нима қилаётганини билади. Доктор Хейдок – тўппа-тўғри одам, у мисс Лавинияга аҳмоқлик қилмасдан ўрнидан туришни буюрган бўларди. Бундан эса унга фақат фойда бўларди.

Бироқ мисс Эмили бу даражадаги оддий даволанишни истамади, аксинча, атрофида бир талай ҳар хил дори қутилари ёйилган ҳолда ўрнида ётишда давом этди. Айни пайтда у уйда пиширилган барча овқатлардан воз кечди ва уларнинг ўрнига бирорта анвойироқ нарсаларни талаб қила бошлади.

Мисс Марплга эшикни Глэдис очди. Унинг кўриниши жуда хокисор эди; шу даражада эканлигини мисс Марпл ҳатто тасаввур ҳам қилмаётган эди. Меҳмонхонада уни мисс Лавиния қарши олди.

Лавиния Скиннер баланд бўйли, қотмадан келган, елка суяклари туртиб чиққан эллик ёшлардаги аёл эди. Унинг овози хириллаб чиқар, ҳаракатлари кескин эди.

– Сизни кўрганимдан хурсандман, – деди у.– Эмили ётганди, бечоранинг бугун бир оз мазаси йўқ. Умид қиламанки, балки у сизни қабул қилар, бу уни бир оз кўнглини кўтаради. Аслида вақти-вақти билан у ҳеч кимни кўришни хохламайди. Бечора, унга жуда оғир!

Мисс Марпл уни хотиржам қилиш учун нимадир деб қўйди. Сент-Мери-Миддаги гапларнинг боши хаммаси хизматкорлар хақида борарди, шунинг учун суҳбатни шу томонга буриб юбориш унча қийин бўлмади. Мисс Марпл Глэдис уларникидан кетаётганлигини одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лардан эшитганини айтди. Мисс Лавиния жавоб бериш ўрнига бошини қимирлатиб қўйди.

— Келаси чоршанба куни кетади. Бутун идиш-товоқларимизни синдириб бўлди. Бунга кўника олмаяпмиз.

Мисс Марпл бизнинг кунларимизда хамма нарсага кўникишга тўғри келишини айтиб, хўрсиниб қўйди. Қишлоққа хизматкор олиб келиш жуда мушкул иш. Наҳотки мисс Скинер ростдан ҳам Глэдиснинг кетишига рози бўлса?

— Тушунаман, хизматкор топиш осон эмас, — мисс Лавиния бу фикрга қўшилди. — Мана Деверёлар ҳеч кимни топа олишмаяпти. Бунинг албатта, ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ — доим бир-бирлари билан уришишади, кечаси билан мусиқа қўйишади, хоҳлаган маҳалда овқат ейишади. Анави қиз, унинг хотини, хўжалик ишларига йўқ. Эрига одамнинг раҳми келади. Ларкинларникидан ҳам хизматкори кетиб қолган. Албатта, судьяниниг ўзига яраша феъли бор: ҳали қарасанг каллаи саҳарда уни қилиб бер, ҳали қарасанг, буни қилиб бер; миссис Ларкин бўлса бурнини жийиргани-жийирган. Шунинг учун, бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Миссис Кармайклларникидан уларнинг Женети ҳеч қачон кетмайди, менинг фикримча, у жуда бефаросат ва мудом кампирнинг ғашига теккани-теккан.

— Балки, унда, сизлар Глэдисни ҳайдамассизлар? У жуда ажойиб қиз. Мен уларнинг оиласини жуда яхши биламан — жуда ориятли ва мулойим одамлар.

Мисс Лавиния бошини сарак-сарак қилди.

— Бунинг сабаблари бор, — деди у маъноли қилиб.

— Сиз тўғнағичингизни йўқотиб қўйибсиз, — деди аста мисс Марпл, — тушунаман...

— Сизга буни ким айтди? Ўзими? Ростини айтадиган бўлсам, тўғнағични у олганига менинг ишончим комил. Кейин эса қўрқиб кетиб, яна жойига қўйиб қўйган. Албатта, ўз кўзинг билан кўрмаганингдан кейин гапириш яхши эмас.

Мисс Лавиния суҳбат мавзусини ўзгартирди:

— Мисс Марпл, мисс Эмилининг олдига кириб чиқсангиз, дегандим. Бу унинг кайфиятини кўтарарди.

Мисс Марпл индамай мисс Лавиниянинг кетидан эргашди; у эшикни аста тақиллатди, «Киринг» деган сўзни эшитгач, меҳмонни уйдаги энг яхши хоналардан бирига олиб кирди. Бу хона деярли қоронғи эди, чунки деразалардаги барча дарпардалар тушириб қўйилганди. Мисс Эмили кароватида худди нимқоронғиликда ўз “азоб”ларидан роҳатланаётгандек, ястаниб ётарди.

Милтираб турган хира чироқ ёруғида бир тутам сарғиш сочлари наридан-бери бошига турмакланган, жуда ҳам ориқ, кўринишидан феъл-атвори бўшгина бўлган аёлни бир амаллаб кўриш мумкин эди. Унинг соч турмагини кўрган киши бирорта қуш ҳам яшамайдиган уяга ўхшатарди. Хонадан атир, суви қочган пишириқлар ва қатиқнинг ачитқи ҳидлари анқирди.

Эмили Скиннер кўзларини зўрға очиб, ҳаста товуш билан «бугунги кун унинг учун оғир кунардан бири» эканлигини айтди.

— Бемор учун энг ёмони — ўзини бошқалар учун юк эканлигини ҳис қилиш, — ғамгин товуш билан деди мисс Эмили. — Лекин Лавиния менга жуда меҳриибон. Лэвви, жонгинам, сени безовта қилишни истамайман, лекин мана бу иситгичдаги сувни бир оз тўкиб бера оласанми, шуни кўтариш ҳам менга оғирлик қиляпти; бир ёқдан эса суви кам бўлса, тез совуб қоляпти.

— Берақол, жонгинам, мен тўкиб бераман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Унда бир йўла сувини ҳам алмаштириб келақол. Албатта, уйда қотирилган нон йўқ. Ҳечқиси йўқ, чидаб турарман.... Лимонли чой қилиб берақол. Лимон ҳам йўқми? Йўқ, лимонсиз керак эмас. Сут ҳам эрталаб чириб тушганди. Майли, чойсиз бир амалларман. Шундай бўшашиб кетяпманки! Устрицалар жуда фойдали дейишади. Бўлса, икки донагина ердим. Йўқ, йўқ, ҳозир шарт эмас, овора бўлма, кеч бўлиб қолди. Эрталабгача бир амаллайман.

Лавиния эшитилар-эшитилмас велосипедда қишлоққа бориб келишини айтиб, хонадан чиқиб кетди. Мисс Эмили одамларни безовта қилишни жуда ёмон кўришини айтиб, беҳолгина кулимсираб қўйди.

Ўша куни мисс Марпл Эднага, унинг ҳаракатлари зое кетганлигини айтди. У бечора қизнинг қилган хатти-ҳаракати бутун қишлоққа ёйилганини эшитиб, жуда хафа бўлди.

Почтада эса унинг олдига мисс Уэтербай югуриб келди.

— Азизим, Жейн, биласизми, улар қизга ёзма тавсиянома беришибди, у ерда қизнинг буюрилган ишларни тезда адо этишлиги, ичмаслиги ва умуман, яхши қизлиги тўғрисида ёзилган. Лекин у ерда унинг қўли эгри эмаслиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Қандайдир бир тўғнағич воқеаси ҳақида гапиришяпти. Биласизми, ҳозирги пайтда бекорга хеч ким хизматкорини ҳайдаб юбормайди. Ўрнига кимни ҳам топиб бўларди! Олд Холлга ким ҳам борарди дейсиз! Дам олиш кунлари қизлар уйларига қайтишга қўрқишади. Мана кўрасиз, опа-сингиллар ҳеч кимни топиша олмайди. Мисс Эмили эса ўзининг касалига қарамай ҳамма нарсани ўзи қилишига тўғри келади.

Қишлоқдагилар опа-сингил Скиннерлар агентлик орқали ҳамма томондан тўкис бўлган янги хизматкор топишганини эшитиб, ёмон хафа бўлишди.

— Уч йил учун берилган ҳамма томондан ижобий тавсифнома. У қишлоқда яшашни афзал кўради. Яна, Глэдис олгандан камроқ маошга ҳам рози. Менимча, бизнинг роса омадимиз келди.

— Шундай бўлса-да, нимагадир ҳаддан ташқари яхши, одамнинг ишонгиси ҳам келмайди,—деди мисс Марпл, мисс Лавиния балиқ дўконида унга ўзларининг янги хизматкорлари ҳақидаги янгиликни айтганда.

Сент-Мери-Миддаги барча одамлар эса, бу тўкис хизматкор охирги дамда фикридан қайтиб бу ерга келмайди, деб аниқ ишонишар эди.

Олдиндан очилган фолларнинг бирортаси ҳам тўғри чиқмади ва бир неча кун ўтгач, бу «бойликнинг» (унинг исми Мэри Хиггинс эди) таксида Олд Холлга томон келаётганини кўришди.

Мисс Марпл кейинги сафар Олд Холлга келганида (ўша куни у ерда байрам бўлаётганди, шу муносабат билан у ердаги аёллар ҳайрия бозори ташкил қилишган эди), эшикни Мэри Хиггинс очди. Унинг ҳақиқатан ҳам олий тоифадаги хизматкор эканлигига шубҳа йўқ эди. Ёши қирқларда, силлиқ таралган сочлари қора, ёноқлари қип-қизил, бир оз тўлароқ бўлса-да, буни қора кўйлаги ва тақиб олган фартуғи беркитиб турарди. Бошига эса чепчик кийиб олган эди. («Худди бир замонлардагидек» — кейинчалик гапириб берди мисс Марпл). Унинг овози майин, нутқи эса — бақириб гапирадиган Глэдисникига ўхшамас — жуда ҳам равон эди.

Мисс Лавиния бахтга қарши бозорда қатнаша олмаётган бўлса-да, (сабаби, синглисига қараш билан банд эди) ҳар доимгидан анча хотиржамроқ эди. Банд бўлишига қарамай, у байрамга яхшигина улуш қўшди ва яна сотувга анча-мунча нарсалар беришни ҳам ваъда қилди.

Мисс Марпл унинг кўриниши яхши эканлигини гапириб қўйди.

— Мен Мэридан жуда ҳам миннатдорман. Анави қиздан қутулганимга шундай хурсандманки. Мэрининг ростдан ҳам баҳоси йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таомни зўр пиширади, дастурхон атрофида сергак туради, уйимизни эса жуда озода, саранжом-саришта сақлайди – ҳар куни ўринкўрпаларни ёйиб олади. Эмилига ҳам шунақанги меҳрибонки.

Мисс Марпл мисс Эмилининг соғлиғини сўради.

– Шу кунларда бечоранинг яна мазаси қочган: об-ҳаво жуда ёмон таъсир қиляпти. У, албатта, вақти-вақти билан мазаси бўлмаса-да, ўзи бунга айбдор эмас. Бирор нарса келтириб беришни сўрайди-да, олиб келганингдан кейин рад қилади, ярим соатдан сўнг яна сўрайди, сўраган нарсасини яна бошқатдан тайёрлаб келиш керак. Бошқа ишлар ҳам тиқилиб ётибди, лекин, барака топсин, Мэри шошиб қолмаяпти. Унинг айтишича, беморларнинг ахволини тушунар экан, авваллари ҳам кўп беморларга қараган экан. Ишқилиб, у мушкулимизни осон қиляпти.

– Азизам, роса омадингиз келди-да! – деди мисс Марпл.

– Албатта, уни бизга худонинг ўзи етказди!

– Одам ишонгиси ҳам келмайди, – давом этди мисс Марпл. – Сизларнинг ўрнингизда мен эҳтиётроқ бўлган бўлардим.

Унинг нима демоқчи эканлигини мисс Лавиния тушунмаганликка олди.

– Мен, бизникида унга яхши бўлиши учун ҳамма нарсани қиламан. Агар у кетиб қоладиган бўлса, билмадим, нима бўлади.

– Уни вақтидан илгари кетади, деб ўйламайман, – деди мисс Марпл мисс Лавиниянинг кўзига тикилиб.

–Уйдан хотиржам бўлсанг қандай яхши-а, – деди мисс Лавиния эшитмаганга олиб.–Сизнинг Эднангиз-чи? Улгуряптими?

– Улгуряпти. Албатта, сизнинг Мэрингизчалик эмас. Лекин мен хотиржамман, чунки мен у ҳақида ҳамма нарсани биламан. У ўзимиздан, шу қишлоқлик.

Мисс Марпл даҳлизга чиқар экан, Эмилининг зарда билан гапираётганини эшитиб қолди:

– Латта қуриб қолибди. Доктор Аллертон эса латта доим нам бўлиб туриши кераклигини атай таъкидлаган. Бўпти, қолдириб кетинг. Менга чой олиб келинг ва тухум қайнатиб беринг. Эсдан чиқмасин, уч ярим дақиқа қайнатиш керак. Менга мисс Лавинияни чақириб юборинг.

Мисс Марпл соябонини ола туриб полга тушириб юборди; уни оламан деб сумкачасини ҳам тушириб юборди, сумкача эса тушаётиб очилиб кетди. Мэри хушмуомалалик билан ер билан битта бўлиб ёйилиб кетган ҳамма майда-чуйдаларни – дастрўмолча, ёндафтар, эски русумдаги теридан ишланган ҳамён, икки шиллинг ва уч пенс, шимадиган конфет – йиғиштириб мисс Марплга узатди. Шимадиган конфетни ола туриб, мисс Марпл хижолат бўлди.

– Вой, бу миссис Клементснинг ўғлиники бўлса керак. Менинг сумкачамни ўйнаётганда сўриб ўтирган эди, ўшанда солиб қўйган бўлса керак.

– Унда ташлаб юбораверайми?

– Барака топинг, яхши бўларди.

Мэри сумканинг ичидан тушиб қолган охирги нарса – ойнани олиш учун энгашди. Мисс Марпл ойнани ола туриб, хурсанд бўлиб кетди:

– Қандай яхши! Ҳайтовур синмабди, – Шундай дея, мисс Марпл жўнаб кетди, Мэри эса шимадиган конфетни қўлида ушлаганча эшик олдида туриб қолди. Унинг юзи тунд эди.

Кейинги ўн кун ичида Сент-Мери-Мидда фақат «шу бойликнинг», яъни мисс Лавиния ва мисс Эмилиларнинг янги хизматкорларининг фазилатлари ҳақида гапиришди.

Ўн биринчи куни тонгда эса қишлоқни жуда ёқимсиз хабар тарқалди. Бу нуқсонсиз Мэри йўқ бўлиб қолибди! Унинг ўрни ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

бузилмаган, кўча эшиги эса очиқ экан. У кечаси ҳеч кимга билдирмай, уйдан чиқиб кетибди.

Фақат Мэрининг ўзи йўқолмаган: у билан бирга мисс Лавиниянинг иккита тўғнағичи ва бешта узуги, мисс Эмилининг эса учта узуги, медальони, браслет ва тўртта тўғнағичи ҳам йўқолган эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас эди: Миссис Деверёнинг қулфланмайдиган қутичада сақлайдиган олмоси, унга тўйида совға қилишган мўйнаси ҳам йўқолганди. Судья ва унинг хотинининг ҳам бир қанча қимматбаҳо буюмлари ва пуллари йўқ эди. Лекин энг кўп азият чеккан миссис Кармайкл бўлди. Унинг хонадонида нафақат қимматбаҳо буюмлари, катта миқдорда пуллари ҳам сақланар эди. Ўша куни Женнининг дам олиш куни эди. Унинг бекасининг эса оқшом пайти боғда айланиб, қушларга нон ушоқларини бериш одати бор эди. Ўзўзидан кўриниб турибдики, Мэрида, яъни бу тенги йўқ деб мақталган хизматкорда ҳамма хонадон эшикларининг калити бўлган.

Очиқ айтиш керакки, Сент-Мери-Мид аҳолиси бу ҳодисани бир оз мазза қилиб ва заҳархандалик билан муҳокама қилишди. Ахир мисс Лавиния ўзининг Мэриси билан ҳаддан ортиқ мақтанар эди-да.

«Мана, марҳамат, кўриб қўйинглар: бу сермулозамат хизматкор оддий ўғри экан».

Кейинчалик яна маълум бўлдики, Мэрининг йўқ бўлиб қолиши ҳаммаси эмас экан. Унга жой топган ва унинг учун кафиллик берган агентлик уларга тавсифнома билан мурожаат қилган Мэри Хиггинс ҳақиқатда Мэри Хиггинс эмаслигини билгач, ҳазилакам хавотирга тушмади. Бу исм коҳиннинг синглисиникида ишлайдиган хизматкор аёлники бўлиб, бу ҳақиқий Мэри Хиггинс Корнуолл қишлоқларидан бирида яшарди.

— Роса пишиқ ўйланган экан, — бўйнига олишга мажбур бўлди инспектор Слэк. — Менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, у бу ишни ёлғиз ўзи қилмаган.. Шунга ўхшаган ўғирлик бир йил бурун Нортумберлендда ҳам содир бўлганди. Ўғирланган нарсаларни ҳам, ўғрининг ўзини ҳам топиша олмаган. Умид қиламанки, Мач-Бенхэмда бизнинг омадимиз келади. — Инспектор Слэк ҳар доим ўз кучига ишонар эди. Шундай бўлса-да, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди, Мэри Хиггинс эса бемалол озодликда юраверди. Инспектор Слэк[1] бекорга исми табиатига мос эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун жон-жаҳди билан ишлашда давом этди.

Мисс Лавиния бўлса доим йиғлаб юрарди. Мисс Эмили эса, шундай хафа бўлиб кетдики, ўз соғлиғи тўғрисида янада кўпроқ қайғурадиган бўлиб, энди ростакамига доктор Хейдокни чақиртирди.

Бутун қишлоқ аҳолиси шифокор мисс Эмилининг соғлиғи ҳақида ҳақиқатда нима деб ўйлаётганини билишга жуда ҳам қизиқар, лекин ундан бу ҳақда сўрашга ҳеч ким ботина олмасди. Шундай бўлса-да, миссис Прайс Ридлининг хизматкори Кларанинг орқасидан юрадиган доришунос ёрдамчиси мистер Мик орқали анча-мунча нарсалар маълум бўлди. Доктор Хейдок аёлга иккита дорининг аралашмасини ёзиб берибди. Мистер Микнинг айтишича, бундай дорини армияда лўттибозларга берилар экан.

Тез кунда қишлоқ аҳолиси мисс Эмилининг шифокор Хейдокнинг даволашидан қониқмай, унинг касаллиги ҳақида ҳамма нарсани тушунадиган ҳақиқий мутахассислар бўлган Лондонда яшашга мажбур бўлаётгани айтганидан хабардор бўлди. Ва бу Лавинияга нисбатан ҳам адолатли бўлади, деди у. Ўз уйларини эса улар ижарага беришга қарор қилишди.

[1] С л э к — бўшанг (*инг л*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан бир неча кун ўтиб, ҳаяжондан қип-қизарган мисс Марпл Мач-Бенхэмдаги полиция участкасига келиб, инспектор Слэкни сўради.

Инспектор мисс Марплни ёқтирмасди. Лекин шу билан бирга полиция бошлиғи полковник Мелчетт мисс Марпл ҳақида бошқача фикрдалигини ҳам биларди. Шунинг учун у жуда хурсандчилик билан бўлмаса-да, аёлни қабул қилди.

— Салом, мисс Марпл! Бизга хизмат борми?

— Эҳ, инспектор, вақтингиз йўқми, деб қўрқаман.

— Ҳа, лекин сиз учун бир-икки дақиқа топилади.

— Ундай бўлса, сизга яхшилаб тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Нима деб ўйлайсиз, осон эмас-а? Лекин, сиз учун бу чўт эмас. Мен сизга мисс Лавинияларнинг хизматкори — мисс Скиннер — Глэдис ҳақида гапирмоқчиман.

— Мэри Хиггинс, — тўғрилаб қўйди инспектор Слэк.

— Ҳа, бу уларнинг иккинчи хизматкори. Лекин мен Глэдис Холмсни назарда тутаяпман. Жуда ёқимсиз ва кеккайган қиз, лекин жуда диёнатли — ҳамма гап ана шунда.

— Мен билишимча, уни ҳеч нарсада айблашмаган, — деди инспектор.

— Ҳа, биламан, уни ҳеч нарсада айблашмаган... Ва энг ёмони ана шунда. Чунки, биласизми, одамлар у қиз ҳақида ҳар хил бўлмаҒур гапларни айтишяпти. Вой, худойим, ўзим ҳам тушунтириб бера олмасам керак, деб ўйловдим. Демоқчиманки, Мэри Хиггинсни топиш керак.

— Албатта, буни қандай амалга оширишни сиз биласизми?

—Умуман олганда, ҳа, биламан,— деди мисс Марпл. — Сизга савол берсам бўладими? Сизлар бармоқ изларини ҳисобга олмайсизларми?

— Э-ҳа, уними! — деди инспектор Слэк. — Бу ишда у ҳаммадан устаси фаранг чиқиб қолди. У ҳамма ишни хўжалик қўлқопида бажарган. Ва жуда пухта ишлаган — ётоқхонада ҳам, ошхонада ҳам ҳамма бармоқ изларини яхшилаб артиб ташлаган. Биз хоналарда бирорта ҳам бармоқ изини топа олмадик!

— Сизларда унинг бармоқ изларини бўлса иш осон кўчармиди?

— Эҳтимол. Унинг бармоқ излари нусхаси Скотланд-Ярдда бўлиши мумкин. Менимча, бу унинг биринчи иши бўлмаса керак.

Мисс Марпл севиниб бош силкиди. У сумкачасини очиб, ичидан картон қутичани олди. У ерда пахтага ўралган кичкина ойна бор эди.

— Бу менинг сумкамдан тушиб кетди, — тушунтирди мисс Марпл. — Унда хизматкорнинг бармоқ излари бор. Менимча, улар тўғри келади. У бундан сал олдин ёпишқоқ нарсани ушлаган эди.

Инспектор Слэк унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Сиз буни атайдан қилдингизми?

— Албатта.

— Демак, сиз ундан шубҳаланган экансиз-да?

— Биласизми, унинг ҳар томонлама тўкис эканлиги менда дарҳол шубҳа уйғотди. Мисс Лавинияга ҳам худди шундай деб айтдим. Лекин у шамани тушунмади. Биласизми, инспектор, мен тўкис одамларга ишонмайман. Ҳамма одамда ҳам камчилик бўлади ва турмушда бу нарса яққол кўзга ташланиб туради.

Бўпти, — деди инспектор, — сиздан жуда миннатдорман. Биз бу бармоқ изларини Скотланд-Ярдга юборамиз ва уларнинг жавобини кутамиз.

Инспектор жим бўлиб қолди. Миссс Марпл бошини бир ёнига эгиб, инспекторга маъноли тикилди.

— Инспектор, яқинроқдан қидириб кўришни хоҳламайсизми?

— Мисс Марпл, нимани кўзда тутаяпсиз?

— Тушунтириб бериш қийин, лекин бирорта ғайриоддий нарсага дуч келиб қолсанг, дарҳол диққатингни тортади. Гарчи кўпинча бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғайриоддий нарсалар арзимаган нарса бўлиб чиқади. Мен бу нарсани доим сезиб турардим – Глэдис ва тўғнағич воқеасини назарда тутаяпман. Глэдис виждонли қиз, албатта, у тўғнағични олмаган. Унда нега мисс Скиннер тўғнағични Глэдис олган деб айтди? Мисс Скиннер аҳмоқ эмас. Тўғрироғи – тескариси! Унда нега, хизматкор топиш мушкул бўлган шундай пайтда у яхши хизматкордан қутулмоқчи бўлди? Кизиқ-а? Мен яна бир ғалати нарсани сездим. Мисс Эмили восвос, тушкунлик касалига мубтало бўла туриб шифокорга мурожаат қилмаётган одамни энди кўришим. Ипохондриклар одатда шифокорга боришни яхши кўришади. Мисс Эмили бўлса - йўқ!

– Нимага шама қиляпсиз, мисс Марпл?

– Мен мисс Лавиния ва мисс Эмили ғалати одамлар эканлигига шама қиляпман. Мисс Эмили бутун вақтини қоронғи хонада ўтказади. Гаров ўйнайманки, унинг сочи – сунъий. Демоқчиманки, бу орикдан келган, сочлари оқара бошлаган тантиқ аёл қип-қизил юзли, сочлари қора, бақалоқ бўлиши мумкин. Менинг билишимча, ҳеч ким бирор марта ҳам мисс Эмили ва Мэри Хиггинсни бир пайтнинг ўзида бирга кўргани йўқ. Ҳамма калитларнинг нусхасини ясаш, қўниқўшниларнинг одатларини ўрганиб чиқиш ва бизнинг қишлоқлик қиздан қутулиш учун унда етарлича вақт бор эди. Бир куни кечқурун мисс Эмили уйидан чиқиб станцияга боради ва у ердан Мэри Хиггинс қиёфасида қайтиб келади. Кейин, керакли пайтда Мэри Хиггинс йўқолади, ҳамма "Ушла, ушла!" деб бақиради, лекин бефойда. Инспектор, мен сизга уни қаердан қидиришни айтаман: мисс Эмилининг ўрнидан! Ишонмасангиз, унинг бармоқ изларини солиштириб кўринг, менинг ҳақлигимга ишонасиз. Улар ўғри, бу икки опа-сингил – жуда ҳам устаси фаранг ўғрилардан. Улар яна бошқа нарсалар билан ҳам боғлиқ бўлишса керак. Лекин бу сафар улар қочиб кетиша олмайди! Мен қишлоғимизнинг қизини шарманда қилиб кетишларига йўл қўймайман! Глэдис Холмс виждонли қиз, ҳамма буни билиб қўйсин. Кўришгунча хайр, инспектор.

Инспектор ўзига келганда, мисс Марпл хонада йўқ эди.

– Наҳотки у ҳақ бўлса? – деди у ўзига-ўзи.

У тез орада мисс Марпл бу сафар ҳам ҳақ эканлигига ишончи комил бўлди. Полковник Мелчетт Слэкни уни топқирлиги учун мақтади, мисс Марпл эса Глэдисни Эдна билан чой ичишга таклиф қилди ва агар иш топилгудек бўлса, энди ўша жойдан қимирламаслик кераклиги ҳақида жиддий суҳбатлашди.

Инглиз тилидан
Муҳаббат ИСМОИЛОВА
таржималари

www.ziyouz.com kutubxonasi